

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЗИЁДУЛЛА ДАВРОНОВ

# Фалсафа

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ

“IQTISOD MOLIYA”

2006

**3. Давронов. Фалсафа. Ўқув қўлланма – Т. : “IQTISOD MOLIYA”,  
2006, 299 бет**

Фалсафа фанлари доктори Зиёдулла Давроновнинг мазкур қўлланмасида фалсафанинг ҳозирги давр муаммолари, унинг табиат ва жамият, инсон тафаккурининг ривожланишини тушунтиришдаги ўрни, инсонларда у ёки бу дунёқарашларни шакллантиришдаги ҳамда Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш давридаги ижтимоий - фалсафий қарашларнинг моҳияти каби бир қатор мавзуларни ёритиш ўрин олган.

Қўлланмада акс этган муаммолар олдинги фалсафий муаммолардан ўзининг мазмуни ва моҳияти билан фарқ қилиб, муаммоларга умумфалсафий нуқтаи назаридан ёндашилган.

Қўлланма олий ўқув юртлари талаба ва тингловчилари, магистрантлар, аспирантларига, фалсафа билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент Молия Инститuti қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий- услубий Кенгашида муҳокама этилган ҳамда нашрга тавсия этилган (8 июль 2006 йил, 6-сонли баённома).

**Илмий муҳаррир:**

**З. Қодирова-фалсафа фанлари  
доктори, профессор**

**Масъул муҳаррирлар:**

**Э. Бозоров, Ш. Юсуфов**

**Такризчилар:**

**Фалсафа фанлари доктори, И. Соифназаров,  
Фалсафа фанлари номзоди, М. Ортиқов,  
Фалсафа фанлари номзоди, М. Қодиров,  
Тарих фанлари номзоди, Э. Ғойибназаров.**

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан бошлаб турли соҳаларда жимдий ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар қурилаётган янги жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олмакда. Шу муносабат билан айтиш лозимки, мазкур соҳалар фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиниб назарий хулосалар чиқарилишига муҳтож. Бу жиҳатлар талабалар томонидан оддий тушунчалар асосида тушунилса фалсафанинг чуқур мазмуни нимадан иборатлигини англаш уларга енгил кўчади. Ёшлар фалсафанинг жамиятда тутган ўрнини, махсус хусусиятларини, айниқса, фалсафий инсонда дунёқараш шаклланишини мушоҳада орқали сезсалар, олам тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўладилар.

Фалсафа фани умумбашарнинг интеллектуал муваффақияти бўлиб, у дунё халқлари, олиму-фузаллолари томонидан яратилган ва ривожлантирилган. Демак, фалсафа фанини ривожланишига мамлакатимиз худудида яшаб, ижод қилиб ўтган алломалар ва ҳозирги даврда яшаб ижод қилаётган зиёлиларнинг ҳам хизмати катта. Инчунун, фалсафада ушбуларни ўрганиш, уларнинг нодир фикрларидан хулосалар чиқариб, миллийликни унутмаслик ва мустақиллик мафқураси асосида фалсафий мушоҳада юргизиш ёшларимиз учун, айниқса, долзарбдир.

Қўлланма Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти томонидан тузилган дастур мазмунини назарда тутган ҳолда тайёрланди. Чунончи, дастурда кўрсатилган барча мавзулар қамраб олинмаган бўлсада, талабалар учун долзарб бўлган муаммолар ва фалсафий мавзуларга эътибор қаратилди. Айнаи: фалсафий дунёқараш ва унинг хусусиятлари қадимги Ўрта Осиё, Шарқ ва Европа, Амир Темур, теурийлар даври ҳамда ўрта аср Европа фалсафаси таълимотларини ёритишга, ҳозирги замон фалсафий йўналишларининг моҳиятини очиб беришга, борлиқ, тараққиёт ҳақидаги фалсафанинг қонун ва категориялари, онг, жамият, билиш муаммоларига эътибор қаратилган.

Қўлланмада Республикамиз тараққиётидан келиб чиқиб, унинг ривожланишида «Ўзбек модели» тамойиллари таҳлил қилинганки, улар талабаларда маълум даражада фалсафий қизиқиш уйғотади. Фалсафий таълимотларнинг умуминсоний қадрият сифатида эканлигини идрок қиладилар. Қўлланма узоқ йиллар давомида фалсафадан дарс бериш жараёнида муаллиф томонидан тўпланган тажрибалар асосида тайёрланган. У камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Таълим жараёнида синондан ўтганидан сўнг кейинги зохир бўлган камчиликлар инобатга олинади, албатта.

**Биринчи бўлим**  
**Фалсафанинг баҳс мавзулари, жамиятдаги ўрни ва асосий**  
**вазифалари**

**1 боб. Фалсафанинг предмети ва асосий мавзулари**

**«Фалсафа»  
атамасининг моҳияти  
ва мазмуни. Ҳозирги  
давр фалсафасининг  
асосий вазифалари.**

Фалсафа грекча сўздан олинган бўлиб, икки жумладан иборат. Filio - севаман, севмоқ, Sopros - донолик, донишмандлик демакдир, ёки донишмандликни севаман маъносини англатади. Фалсафа қадимий соҳа, у муҳим ижтимоий онг шаклларида биридир. Жамият қанчалик тараққий этгани сари ижтимоий онгнинг барча соҳалари ривожланади. Ижтимоий (инсон фаолиятининг турли соҳалари) тараққиёт билан бирга ривожланиб борган онг инсоннинг турли йўналишларини ташкил қилади. Бу йўналишлар инсон тафаккурида ўз аксини топади. Йўналишлар эса қуйидагилардир: диний, илмий, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, эстетик, этник, фалсафий, маданий, маънавий. Бинобарин, булар ижтимоий онг шакллари, деб ҳам юритилади. Шу сабабли, ижтимоий онг деганда табиат, жамият, борлик ва инсон фаолияти йўналишларини қамраб олувчи назариялар ҳақидаги инсон тафаккурининг олий шакли тушунилади.

Фалсафани ижтимоий онг сифатида хусусияти нимада? Фалсафа қандай муаммолар устида баҳс юргизган ва юргизмоқда? У жамиятда қандай роль ўйнайди? У махсус фан сифатида қандай такомиллашиб боради? Бу масалаларни ечишда бир хил жавоб ва бир хил тушуниш йўқ. Кўплаб фалсафий назариялар, тизимлар, йўналиш ва мактаблар мавжуд. Фалсафа муаммоларини, унинг хусусиятини, келиб чиқишини фақат олиб борилган тадқиқотлар нуктаи назардан ёндошгандагина асослаб бериш мумкин.

Фалсафанинг бошқа ижтимоий онг шаклларида фарқи шундаки, у оламни бир бутун олиб текширади. Табиатнинг умумий хислатларини ўрганади, унинг ривожланиш сабабларини, инсон тафаккури ҳамда жамиятнинг умумий қонунларини билишнинг йўли ва услубини кўрсатади, оламни ўзгартиришга ўз хиссасини қўшади.

Фалсафа тушунча, категория ва қонунларга асосланиб иш кўради. Бу жиҳатдан эса у аниқ фанларга яқин туради. Аниқ фанлар тушунча ва категория ҳамда қонунлари маълум бир тор доирада табиат ва жамият жараёнларини тушунтириб берса, фалсафанинг тушунча, категория ва қонунлари эса табиат, жамиятдаги предмет ва ҳодисаларнинг ҳаммасига тааллуқли бўлиб, уларни барча энг умумий томонларини тушунтиради.

Фалсафанинг қонун ва категориялари - олам, унинг табиати, яшаш шакллари, ривожланиши тўғрисида умумий мулоҳазалар юритишга ёрдам беради. Фалсафанинг ўзига хос хусусияти яна шундаки, у ижтимоий онг шакли сифатида олам, дунё тўғрисида тўлиқ тасаввур бериш, моддий ва



гойвий жараёнлар, уларни ўзаро муносабати, оламни билиш уни ўзгартириш йўллари устида фикр юргизади. Юқоридагилардан маълум бўладики, фалсафа ягона фан, дунёни билиш услуби.

Биз кўрдикки, фалсафа ўзига хос қатор муаммолар билан шуғулланади. Шу муаммолар қаторида инсоннинг борлиққа бўлган муносабати ҳам ётади.

Фалсафа ўтмишдаги, ҳозирги, кедажакдаги ҳаёт билан боғлиқ. Айниқса, истаймизми - йўқми сиёсат, ҳуқуқ, мафкура фалсафий таҳлилга муҳтож. Булар ҳақида фалсафа энг умумий хулосаларни беради. Мазкур йўналишлар юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий соҳалар бўлиб, фалсафа улардан ташқари табiiий соҳаларни ҳам қамраб олган. Демак, табиатуноснолик фанларидаги замонавий кашфиётлар ҳам фалсафий таҳлилга муҳтож. Замон билан фалсафанинг ҳамнафас бўлиши объектив заруратдир. Мазкур жараёнлар инсон моҳиятини ифодалайди. Жумладан, инсонийнинг жамиятда тутган ўрнини, ходисаларга бўлган муносабатини, янгидан етилиб чиққан муаммоларини ечишга бўлган қарашларини ўзи шу моҳиятни ташкил қилади. Ҳар бир давр, хулоса қилиб айтганда, инсон, жамият, фан, фалсафа олдида ўзининг талабларини қўяди. Ҳозирги давр фалсафасининг моҳияти ҳам ана шу муаммоларга қаратилиши табiiийдир. Чунки буларнинг ҳаммаси инсон дунёқараши билан боғлиқдир. Дунёқараш илмий-фалсафий ёндошув ёрдамида шаклланган бўлса, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар янада ойдинлашади. Бинобарин, фалсафа хайрли урф-одатлар, анъаналар, маънавий-мерос, одоб-ахлоқ, тартиб ва қоидалар доирасида фикр юритиб инсонлар онгини бойитади. Давр талаби асосида уларнинг тарбиясига эътиборни қаратади. Ҳозирги даврда инсоний фазилатлар ноёблашиб бораётир. Шунинг учун фалсафа миллий ва умуминсоний қадриятларга эътиборни қаратмоқда, инсоний фазилатларнинг ижобий томонларига кўпроқ диққатни тортмоқда. Сабаби, инсонлар ўртасида биологик жиҳатларни ўртага қўювчилар оз эмас. Биологик жиҳатлар йирткич ҳайвонларда бўлгани сингари инсонларда ҳам мавжуд. Ўзини-ўзи бошқаларга нисбатан ҳукмрон қилиб кўрсатиш, босқинчилик қилиш, поражўрликка, қотилликка, ўғриликка, ўз кашфиётлари билан табиатга таъсир этишга ҳаракат қилувчилар бор. Демак, уларни тўғри йўлга бошлаш меҳр-оқибатли инсонларни кўплаб тарбиялаш фалсафанинг ҳам вазифасидир.

Ҳозирги замон фалсафаси инсонларни иймонли ва эътиқодли бўлишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади. Фалсафа инсоният шаънига доғ тушираётган одам қиёфасидаги «махлуқлар»га қарши курашда бардош берадиганларни тарбиялайди. Шу билан бирга инсонни, инсониятни, оламни билишга чорлайди. Яхши ва ёмонни изоҳлаб улардан хулоса чиқаришга мажбур қилади. Нотиклик, суҳандонлик, мантикий фикрлаш, ишонтириш сирларини ўргатади. Фалсафадан хабардор кишилар кўпроқ ярим ёрти гапириш, мулоҳазасиз фикрлаш, ўз фикрини бошқаларга сингдиришда пала-партишликка йўл қўймаслик, маза-матрасиз фикрларни ўринсиз айтавериш кабиларни олдини оладилар.

Ҳозирги замон фалсафаси ўз мазмун моҳияти билан барча воқеа-ҳодисаларни тўғри акс этишига кўмаклашади. Инсонпарварлик хислатларини кўпайишига ёрдам беради. Фалсафа тинчлик, осойишталикка эришишнинг хавфини олишга ундайди. Ривожланган, ривожланаётган мамлакатлар фаолиятларини фалсафий таҳлил қилади. Халқлар ўртасидаги моддий ва маънавий тафовутлардан тўғри хулоса чиқаришнинг назарий жиҳатларини ўртага ташлайди. Озиқ-овқат, хом ашё, энергия манбалари, экологик жараёнлар орқасидан пайдо бўлаётган муаммоларни ечишга ўз хулосаларини беради. Илмий-техника тараққиётининг натижаларини олдиндан башорат қилиш имконини яратади. Замонавий ахборот тизимини фалсафий тушунишга ёрдамлашади. Минтакавий можаролар асосларини баҳолаш кабиларни ҳам мавзулар орқали ёритади. Ҳозирги замон ўзбек фалсафаси кўпроқ мустақиллик, истиқлол ва истиқбол муаммоларини ўртага кўяди ҳамда уларнинг фалсафий жиҳатларини очиқ беради. Унинг асосий аҳамияти ҳам шундадир.

**Фалсафанинг баҳс  
мавзулари ва  
уларнинг хилма  
хиллиги.**

Бизни ўраб турган борлиқда бир-биридан фарқ қилувчи, лекин узвий боғланган моддийлик ва маънавийлик, жисмонийлик ва руҳийлик, объективлик ва субъективлик мавжуддир. Шунинг учун ҳам фалсафа олам тўғрисида бирдан-бир тўлиқ тасаввур бериш учун хизмат қилади. Ҳаётдаги жараёнлар нималардан иборат? Унда нималар ҳаракат қилади, моддийликми ёки маънавийликми? Физик жисмми ёки руҳиятми, объектми ёки субъектми, табиатми ёки онгми, бу-бир томондан, иккинчи томондан эса, инсон тафаккури оламини била оладими, унинг ривожланиш қонунлари тўғрисида фикр юрита оладими, фикр юритиш натижасида объектив борлиқни ўзгартириб, керакли томонга бура оладими. Дунё ўткинчими ёки абадийми? Унинг бошланиши бўлганми? Охири қачон бўлади? Дунёдаги борлиқ нима? Борлиқда нималар, кимлар ҳаракат қилади? Дунёнинг бир бутунлиги нимада? Унинг тизими нималардан ташкил топган? Бошқа коинотлар борми? Оламнинг ривожланиши қандай қонуниятларга бўйсунди? Ҳаётни ўзи нима, унда яшаш шартми? Яшашдан мақсад нима? Одамнинг пайдо бўлиши ва онгнинг тараққий қилиши нималарга ва кимларга боғлиқ? Эволюция ва революция нима? Онгнинг табиатга ва жамиятга таъсири борми? Этикад, иймон нима? Инсонларни умуман, азалдан нималар қизиқтириб келган, деган масалаларни ҳал қилиш амалиётда муҳимдир.

Ана шу жараёнларнинг баъзиларини текшириш предмети, аниқ фанлар бўлиши билан бирга фалсафий муаммолар ҳамдир. Борлиқ фаолиятини субъектив хоҳишлар белгиламайди. Нарса ва ҳодисалар фаолияти умумий ва хусусий қонунлар билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан табиатни, ижтимоий ҳаётни алоҳида хусусий фанлар қонунлари ҳам ўрганади. Бу нарс ва ҳодисалар ўртасида ҳукмрон бўлган умумий

богланишлар борки, уларни энг умумий бўлган фалсафий қонунлар ўрганади.

Шу сабабли бу қонунлар фалсафанинг предмети, баҳс-мавзун бўлиб ҳисобланади. Фалсафа аввало, онг ва табиат, тафаккур ва борлик, жамият ва инсон ўртасидаги алоқадорликларнинг энг умумий томонларини ўрганади. Фалсафа ушбу муаммонинг ечимини ўрганиш билан материя таълимоти тўғрисида фикр юритиб, унинг хусусияти нима, онг қандай пайдо бўлган, онгнинг шакл ва тузилиши қандай, унинг нисбий характери ва фаоллиги тўғрисидаги саволларга жавоб беради. Фалсафа олам тараққиётини ҳисобга олган ҳолда, онгнинг табиий жараёнлар ва ҳодисаларга умумий муносабатини, уларнинг таъсирини шаклларини текширади. Фалсафа предметига оламни билиш жараёни ҳам қиради. Бинобарин, фалсафанинг предмети табиат, жамият ривожининг ҳамда инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонунларидир.

Фалсафада қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш, инкорни инкор қонунлари борки, булар предмет ва ҳодисаларни ўрганишда муҳим босқичлардир. Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликлар фалсафий категориялар орқали тушунтирилади. Бу категориялар моҳият ва ҳодиса, сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик, зарурият ва тасодиф, мазмун ва шакл ва бошқалардир.

Дунёда умумий ва хусусий қонунлар объектив мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан донмий алоқада бўлади. Шунинг учун ҳам аниқ фанларни ўрганмасдан туриб дунёнинг умумий қонунларини ўрганиш мушкул.

Бошқа томондан умумий қонунлар тўғрисида тушунчага эга бўлмасдан туриб, хусусий фанлар қонунларини билиш мумкин эмас.

Демак, фалсафа предметига ижтимоий борлик ва ижтимоий онг, ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари, базис ва устқурма, халқ оммаси, синфлар, шахс, дохийлар, зарурият ва эркинлик тўғрисидаги муаммолар ҳам қиради. Кейинги пайтларда фалсафа, логика, эстетика, этика каби соҳаларни ҳам қайта таҳлил қилишда ва ҳулосалашда муҳим қадамлар қўйди.

Фалсафий муаммолар доимо янгилашиб туради. Чунки, эски, анъанавий масалалар янги жиҳатларни келтириб чиқаради. Бу жиҳатлар маҳсус тадқиқот зарурилигини тақозо қилади.

**Фалсафада  
миллийлик ва  
умуминсонийлик.  
Ўзбек фалсафаси,  
унинг ўтмиши,  
замонавий  
ривожланиши.**

Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик ҳақида турлича фикрлар ўртага ташланади. Фалсафа ўз моҳияти жиҳатидан ўзининг муҳокама объекти сифатида мазкур масалаларни ҳам қамраб олган. Марксча-ленинча фалсафа миллийлик ва умуминсонийликни ҳам бирекламалик билан ҳал этган. Чунки, бу таълимотда синфийлик нуқтаи назари ўта

муболағалаштирилган эди.

Шу муносабат билан миллий фалсафа хақида фикр юритилганда, ҳар бир халқнинг манфаатлари ҳам назарда тутилиши керак. Фалсафий фикрларнинг ўзи шу миллийликдан, аниқроғи, халқ ҳисобланган миллатлар фаолиятдан келиб чиқади. Яъни, яққалиқдан умуминсонийликка қараб бориб, муаммоларни ўртага қўяди ва уни ечишга ёрдам беради. Демак, фалсафа фани ҳар бир миллатнинг фаолиятдан келиб чиқиб умумий хулосалар чиқаради. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, ўзбек миллий фалсафаси ҳам мавжуд бўлиб, у ўзига хос хусусиятларни қамраб олади. Ўзбек фалсафаси ҳам бошқа миллатлар сингари узоқ тарихий манбалар асосида шаклланган, ривожланган, ривожланаяпти. Тўғри, фалсафа фанининг миллатлар номи билан боғланиши фалсафада камдан-кам тилга олинади. Лекин, бундай ёндоқиш Ўзбекистон ҳудудида эрампизгача бўлган даврларда яшаган аждодларимиз ҳам борлиқ ва коинот, инсон руҳияти ва илоҳиёт, билиш ва ҳақиқат, жамият ва ҳайвонот олами сирларини билишга интилганларига шубҳа йўқ. Зеро, бу соҳалар қадимий фалсафий тафаккур юритиш натижасидир. Ана шу тафаккур юритиш алоҳида мамлакатда, алоҳида миллатта оид бўлса ҳам, бошқа мамлакат ва миллатлар тафаккуридек ўта мустақил бўлган. Аммо бошқа миллатлар фаолияти билан боғланган. Тажриба, фикр алмашилган. Ҳар бир миллат ўзининг кадриятлари ва урф-одатларини, миллийлигини тиклаганки, кейинчалик давр ўтиши билан уларни авлодлар таҳлил қила бошлаганлар ва ўз миллатларининг фалсафасини пайдо қилганлар. Бундан ўзбек фалсафаси ҳам истисно эмас.

Таъкидлаш лозимки, ўзбек фалсафасини шаклланишига таъсир қилган омиллардан бири шуки, бу Ўрта Осиё халқлари ўртасида ўзбек халқи кўпроқ ўтрок ҳолда яшаган. Ўзбек аждодлари азалдан хунармандчилик, савдогарчилик, чорвачилик билан шуғулланганлар. Шу турмуш тарзининг ўзи табиат, жамият, инсон тафаккури фаолиятларини таҳлил қилиш заруриятига айланган. Фаолиятдаги зарурий муаммоларни ечишнинг йўл-йўриқлари изланган. Айниқса, маълумки, ўзбек давлатчилиги тарихи узоқ-узоқ даврларга бориб тақалади. Равшанки, давлатчиликнинг ташкил топиши, уни ифода қилиш, моҳиятини англаш фалсафий фикрларни келиб чиқишига сабабчи ҳам бўлган. Ибтидоий тузумнинг емирилиши унга нисбатан юқориқоқ ривожланишга эга бўлган тузумни пайдо бўлиши борлиқ ҳақидаги тушунча ва тасавурларни янада мукаммаллаштиришга олиб келган.

Ўзбек халқи аждодлари тарихига эътибор қаратиладиган бўлса, ундаги тарихий ёдгорликлар, ривоят ва асотирлар, эртақлар, афсоналар ранг-баранг турмуш тарзларини ўзларида ифода этган. Улардаги воқеалар тафсилоти даврлар ривожидан дарак беради. Аста-секинлик билан борган тараққиёт, инсонлар фаолиятини бир йўналишда эмас, балки турли йўналишларга буриб юборган. Натижада қарама-қарши фикрлар пайдо бўлганки, бу фикрлар борлиқ тўғрисида бўлиб, борлиқни турлича

ифодалаганлар. Демак борлиқ афсонавий, диний қарашларда ўз аксини топган. Натижада фалсафий қарашлар пайдо бўлган.

Қадимги дунёда Мовароуннаҳр худудида зардуштийлик динини аниқроғи, яқка худодлик ҳақидаги фикрларни келиб чиқиши янги давр фалсафий қарашларини шакллантира бошлаган. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шохнома», Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳотамнома» ва бошқа бир қанча илмий-адабий манбаларда кўрсатилган ҳайратомуз воқеалар, халқлар ҳақида маълумотлар, инсонларнинг турмуш тарзи жараёнлари ўзбек фалсафасининг қадимдан мавжудлигидан далолат беради.

Геродот, Страбон ва бошқа қадимги алломалар ўзбек халқининг аجدодлари ҳақида ўз вақтида муқаммал фикрларни ёзиб қолдирганларки, бу фикрлар турли соҳадаги олимларимиз томонидан янада чуқурроқ ўрганилишни тақозо этади.

Ўзбеклар тарихида шу жараён диққатга сазоворки, бошқа худудларда бўлгани каби давр ўтиши билан фикрлар ҳам ўзгара борган. Оддийликдан мураккабликка қараб борган. Масалан, зардуштийлик, моннийлик, маздакийлик, сарбадорлик, тасаввуфийлик ҳаракатлари ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Халқ иродаси, унинг фалсафаси орқали майдонга келган, ривожланган. Кейинчалик жадидчилик таълимотлари пайдо бўлди. XX асрнинг охирида эса истиқлол фалсафаси қад кўтарди.

Шу сабабли ҳам ўзбек фалсафасини ўртага қўйиш ва уни ўрганиш давр тақозосидир. Ҳозирги ўзбек фалсафасининг шаклланишида миллий файласуфлар асарларини назарда тутиш ўзбек фалсафасининг ўзига хос хусусиятларини белгилаш ва йўналишларини аниқлаш имкониятини беради. XX аср ўргаларидан бошлаб Ўзбекистондагина эмас, собиқ иттифоқ республикалари ўртасида ҳам эътиборга сазовор бўлган бир қанча Ўзбекистон файласуфлари етишиб чиқди. Асарлари ўз даврини акс эттирган бўлсада, уларни ўрганиш фойдадан холи бўлмади. Бу файласуфлар қаторига И. М. Мўминов, Э. Юсупов, С. Шермухамедов, Ж. Бобоев, М. Баратов, Х. Пўлатов, О. М. Хайруллаев, Ж. Туленов, А. Ортиқов, М. Абдуллаева, З. Қодирова, В. Алимасов, Н. Ҳақимов, О. Файзуллаев, А. Валиев, М. Ҳасанов, Й. Жумабоев, И. Соифназаров, З. Гофуров, А. Жалолов, Х. Алиқулов, Р. Носиров, Қ. Назаров, Э. Ҳошимова, Р. Имомалиева, Т. Маҳмудов, Р. Таганов, Ф. Абдурахмонов, А. Абдусайдов, С. Азимов, С. Отамурадов, Б. Зиёмухамедов, В. И. Зоҳидов, И. Каримов, З. Давронов, О. Файзиев. С. П. Турсунмухамедов, Қ. Хоназаров, Ю. Ш. Шодиметов, У. Ҳайдаров, Б. Исмоилов, С. Мамашокиров, Ж. Раматов, К. Содиқов, Х. Шайхова, И. Хўжамуродов, Ж. Я. Яхшилик, У. Қорабоев, У. Абилов, М. А. Абдуллаев, Т. Абдушуқуров, Б. Алиев, М. Аҳмедова, А. Бегматов, М. Болтаев, Х. Ф. Воҳидов, Э. Х. Бобомуродов, С. Комилова, С. Раҳимов, С. Сангин, И. Жаборов, Ж. Жаборов, Б. Р. Каримов, Н. Нажимов, О. П. Умрзоқова, Б. Т. Тўйчиев, А. Қ. Қодиров, А. А. Қаҳҳоров, А. Чориев, М. Холматова, Х. Ю. Саломова, Б. О. Тўраев, Э. У. Умаров ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мазкур номлари тилга олинган ва олинмаган файласуфлар фалсафанинг турли соҳаларини ривожлантиришга ўз хиссаларини кўшган олимлар бўлиб, улар ёзган асар ва илмий ишлар давр талабидан келиб чиққан ва баъзи муаммоларни маълум маънода ҳал этишга ёрдам берган.

Бу файласуфларнинг XX асрнинг охири йилларида ёзган асарлари кўпроқ, мустақиллик, истиқлол фалсафасига қаратилди. Булар қаторига А. М. Жалоловнинг «Инсон омили, фалсафа, мафкура, сиёсат» Т., 1991 й., «Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура» Т., 1996 й., «Истиқлол уфклари» Т., 1998 й.; Э. Юсуповнинг «Истиқлол йўналишида», И. С. Шермухамедовнинг «Фалсафа фани янгиланишининг баъзи муаммолари» Т., 1996 й., «Маданият ва цивилизация» Т., 1996 й. кабиларни назарда тутиш мумкин.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

Фалсафа, файласуф, муаммо, миллий фалсафа, фалсафий мактаб, жамият, ўзбек фалсафаси, категория, қонун, фалсафа предмети, фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик.

### **Алломалар фикрларидан намуналар:**

«Ҳар куни ақалли битта қўшиқ эшитиш, яхши расм кўриш ва иложи бўлса, истаган бир ҳикматли сўзни ўқиб олиш даркор».

### **Иоганн Вольфанг Гёте – немис шоири, мутафаккир олим.**

«Қадимдан одамларнинг доно ва бағоят гўзал ҳикматли сўзлари мавжуд; биз улардан ўрганмоғимиз даркор».

### **Геродот - қадимги юнон тарихчиси.**

«Афоризмлар ҳаёт дарахтидан узилган мевадек бўлиши керак».

### **Жан Мари Нizar – француз адабиёт тарихчиси**

### **Мавзуга оид тест саволлари:**

#### **1. Фалсафа фани нимани ўргатади?**

- а) табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг энг умумий қонуниятларини ўргатади;
- б) диний таълимотларни ўргатади;
- в) фалсафа билиш соҳасини ўргатади;

г) жамият тараққийетини ўргатади;

2. Қадимги Мовароуннаҳр ҳудудида қайси диний таълимот асосида фалсафий қарашлар шакллана бошлаган?

- а) христианлик;
- б) зардуштийлик;
- в) буддизм;
- г) иудаизм;

**Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И. А. – Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали», 1998 й., 2 – сон.
2. Каримов И. А. – Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998 й.
3. Каримов И. А. – Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси, 2000 й. 8 июнь.
4. Турон Усмон – Туркий халқлар мафқураси. Т.: 1995 й.
5. Абилов Ў. – Миллий ғоя. Маънавий омиллар. Т.: «Маънавият», 1999 й.
6. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилъе – Фалсафа тарихи. Т.: «Шарқ», 2002 й.
7. Юсупов Э. Ю. ва бошқалар – Фалсафа. Т.: 1998 й.
8. Очилова Б.М. Аждодлар меросига ихлосмандлик ва шахс маънавий ахлоқий камолоти. (Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.) Т.: 2005 й.
9. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. Т.: 2006 й.

## 2 боб. Фалсафанинг асосий йўналишлари, фанлар тизимидаги ўрни ва вазифалари.

**Фалсафий билимлар тизими, унинг ўзига хослиги, тарихий ўзгариши ва мазмунан бойиб бориши.**

Ижтимоий онгни бошқа шакллари сингари фалсафа ҳам ижтимоий-сиёсий ва амалий ҳамда илмий билишни ривожланиши билан ўзгариб боради. Фалсафа қадимги дунёда олам тўғрисида қарашлар пайдо бўлиши билан, олдин стихияли, кейин мустақил фан сифатида пайдо бўлган. У вақтларда аниқ-хусусий фанлар ҳали шаклланмаган эди. Инсон билими узок йиллар давомида тўплана борди ва ривожланди. Қулдорлик жамиятига келганда эса инсонлар математика, астраномия, биология, физика, тиббий ва бошқа билимларга эга бўлдилар. Воқеликни аниқ томонларини тушуниш, унинг умумий томонлари билан боғланиш тезлашди. Натижада фалсафа инсон билимлари билан алоқада бўла бошлади. Қадимги дунё файлосуфлари бир вақтнинг ўзида табиатшунос ҳам эдилар. Мисол: Фалес, Демокрит, Гераклит, Эпикур, Платон, Анаксимен, Анаксимандр, Аристотел ва бошқалар олам тўғрисидаги муаммоларни таҳлил қилиб ривожлантириш билан бирга, улар аниқ фанларнинг ривожланишига ҳам ўз хиссаларини қўшган эдилар.

Кейинчалик, феодализм даври фалсафаси ва илмий билиш соҳасида кескин ўзгаришлар рўй берди. Капитализмнинг ривожланиши эса, саноат ва савдони янги босқичга кўтариш билан бирга ишлаб чиқаришнинг ўсишини, табиат фанларининг, ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганишни талаб қилди. Олимларни диққати, ҳаёт, турмуш тарзи талабига жавоб берадиган зарур нарс ва ҳодисаларни ўрганишга қаратилди. Натижада мустақил фанлар пайдо бўла бошлади. Масалан, XVI-XVII асрларда астраномия, XVII-XVIII асрда механика, XVIII-XIX асрда физика, химия, биология, сиёсий иқтисод фанлари кенгроқ ривожланди. Бу-тараккиёт эди. Булар ижтимоий ва илмий билиш талабларига мос тушган эди. Ижтимоий амалиётнинг тараққиёти табиат ва жамият ҳақидаги аниқ фанлар ривожини билан бирга умумназарий, фалсафий муаммоларни билишга ва қайта кўриб чиқишга кизиқишни уйғотди. Чунки капиталистик тузумни феодализмдан устунлигини кўрсатиш учун илмий назария ва системалар ижтимоий эҳтиёжга айланди.

Фалсафа тарихида маънавий ва моддий муаммоларни ечиш учун турли йўналишдаги мактаблар фикр алмашишиб келганлар, келмоқдалар. Қанчалик кўп йўналишлар, назариялар, мактаблар бўлмасин, улар иккита катта лагерга бўлинади. Буларнинг бири-материализм, иккинчиси-идеализм. Бу бўлинишнинг асоси-фалсафадаги маънавийлик ва моддийлик масаласини ҳал қилиниши билан чамбарчас боғлиқдир. Табиатни, моддийликни бирламчи, идея, рух, тушунча, қарашлар эса иккиламчи, табиатнинг хусусиятидир, деб қаровчиларни материалистлар; онгни, рухни



бирламчи табиат, моддийлик иккиламчи, улар онгнинг махсули, яратувчиси, деб қаровчиларни эса идеалистлар лагери тарафдорлари, деб юритганлар.

Материализм ва идеализм дунёқараш сифатида доимо ривожланиб борган. Фалсафа тарихида материализмнинг асосий тарихий йўналишлари куйидагилар дея қабул қилинган:

1. Қадимги дунёнинг стихияли (сода) материализми – Миср Вавилония, Ҳиндистон, Хитой, Қадимги Греция ва Рим материалистларининг қарашлари.

2. XVII - XVIII аср ҳамда XIX асрнинг биринчи ярмидаги метафизик қарашлар (Вакиллари: Френсис Бэкон (1561-1626), Декарт Рене (1596-1650), Томас Гоббс (1588-1670), Спиноза Беннидикт (1632-1677), Ломоносов М. В. (1711-1765), Радищев А. Н. (1749-1802) лардир).

3. XIX аср рус революцион демократлари материализми: (Вакиллари: Белинский В. Г. (1811-1848), Чернышевский Н. Г. (1828-1889), Герцен А. И. (1812-1870), Добролюбов Н.А. (1836-1861) .

4. Диалектик ва тарихий материализм (вакиллари: К. Маркс(1818-1883), Ф. Энгельс,(1820-1895) В. И. Ленин(1870-1924)).

Материализм шакллариининг ҳар бири ўз хусусиятига эга. Шунинг билан бирга улар ўзаро мустақкам алоқададир. Материализмнинг барча турлари материянинг бирламчилигини, онгнинг иккиламчилигини эътироф этади. Материянинг доимийлигини, яратилмаслигини уни фазо ва вақтда ривожланишини ҳаракатини тан оладилар. Материалистлар узок даврлар давомида диний-идеалистик дунёқарашларга қарши фикр юритганлар.

Идеализмнинг асосий йўналишлари эса асосан икки хилдир:

1. Объектив идеализм. 2. Субъектив идеализм.

Объектив идеалистларнинг йирик намоёндаларидан бири қадимий грек файласуфларидан Платон (эрадан олдин 427-347) дир. Платон ўзининг юздан ортиқ фалсафий асарларини диалоглар шаклида ёзди. Буларга “Софист”, “Парменид”, “Давлат” каби асарларни кўрсатиш мумкин. Объектив идеалистлардан янги давр немис файласуфи Георг Вилгельм Фридрих Гегель (1770-1831)дир. Гегель “Рух феноменологияси” (феноменология – онгнинг тарихий тараққиёти ҳолатида олинган ходисалар (1807), Ҳуқуқ фалсафаси (1821), “Фалсафа тарихига доир лекциялар” (1833-36), “Тарих, фалсафага доир лекциялар” (1837) каби асарларида объектив идеализмнинг тамоилларини ишлаб чиқди.

Объектив идеалистлар маънавий оламни идеялар йиғиндисидан иборатдир дейдилар. Дунёвий ақл-фаросат, соф тафаккур бирламчи, предметлар, ўсимлик ва ҳайвонот олами эса ана шу маънавий фаолиятнинг махсулидир, дея тасвирлайди. Уларнинг талқинида оламни табиатдан юқори турадиган яратувчи вужудга келтирган, дея кўрсатилиши диний қарашларга ниҳоятда яқиндир.

Субъектив идеалистлар вакили, инглиз файласуфи Ж. Беркли (1685-1753), “Инсон билишининг асослари ҳақида трактат” (1710), “Гилас ва Флаонус ўртасидаги уч суҳбат” (1713) каби асарларида субъектив

идеализмни асослашга ҳаракат қилди. Немис файласуфи Иоганн Готлиб Фихте, (1762-1814) «Опыт критики всяческого откровения», австриялик физик – файласуф Э. Мах (1838-1916) “Сезгиларнинг анализи ва физик ҳолатининг психик ҳолатга муносабати” (1886), “Билим ва янглишиш” (1905) каби асарларида субъектив идеализмнинг тамойилларини ишлаб чикдилар.

Субъектив идеалистларнинг фикрича, инсон сезгилари бирламчидир. Улар нарсалар, моддий олам сезгилар комбинациясидир, субъектив ижоднинг фаолияти натижасидир, дея тушунтирадилар.

Ҳозирги замон файласуфларининг аксарияти субъектив идеалистик нуқтаи назаридан иш кўрадилар. Субъектив идеалистик оқим фалсафанинг асосий масаласини, олам асосини маънавий бошланғичда кўрадилар.

Фалсафа тарихида шундай файласуфлар бўлганки, улар материализм билан идеализмни келиштирамоқчи бўлганлар. Жумладан, XVII аср француз файласуфи Рене Декарт (1596-1650) ва унинг издошлари оламда иккита, бир-биридан мустақил моддий ва маънавий субстанция бўлган, деб тушунтиради. Декартнинг кўрсатишича, олам асосида икки субстанция рухий (фикрловчи) ва жисмоний (кўламли) субстанциялар ётади. Унинг фалсафасида фалсафанинг асосий масаласи ҳисобга олинмайди. Декарт дуалист (лотинча dualist – иккиёклама) сифатида майдонга чикди. У ҳозирги замон геометриясининг асосчисидир. Файласуф иқтисодчилардан бири К. Маркс, Р. Декарт табиатшунослигида чуқур материалистик фикрлар борлигини айтиб, фалсафада эса идеалист эканлигини таъкидлаган эди. Асарлари: “Метод ҳақида муҳокама” (1637), “Фалсафа асослари” (1644)дир.

Декарт фикрича, руҳ ва моддийлик табиий ривожланишда бир – бирига қўшилмайди. Балки улар бирга бўлиб, бир-биридан қатъий назар, ҳамisha ёнма-ён яшайди. Фалсафада дуалистик йўналиш қандайдир учинчи оқимни – йўналишни ташкил қилиши мумкин.

Кўпчилик файласуфлар оламни тушунтиришда монистик (грек. monistik-бир, ягона) қарашда турадилар, яъни ҳамма мавжудотлар асосида икки бошланиш эмас балки, улардан биттаси - моддийлик ёки маънавийлик ётади, деб талқин қиладилар.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида шаклланган эмпириокритицизм фалсафасининг вакили Рихард Авенариус материализм ва идеализмни бир томонламалигини таъкидлаб танқид қилган. Авенариус оламни тушунтириш талқинида материя ва ондан келиб чикмасдан тажрибани танқидий мулоҳаза қилишдан бошлаган. Унинг фикрича тажрибалар, муаммолар қандайдир «бетараф» моддий ва рухий бўлмаган «элементлар» билан иш кўриши мумкин. Бу элементлар баъзан жисм шаклида, баъзан рухий ҳолатда мавжуд бўлиб, фақат инсон уни қандай қабул қилишига боғлиқдир (Авенариуснинг «Соф тажрибани танқид» деган асаридан).

Қадим замонлардан бизнинг давримизгача мавжуд бўлган ва мавжуд бўлаётган фалсафий назариялар ҳамда илмий системаларнинг ҳар

бири материалистик ёки идеалистик йўналишларга мансубдир. Мазкур фалсафий назария, қарашлар марксизм ва ленинизм фалсафаси ривожланган даврда у, ёки бу тоифа манфаатига мос ҳолда тушунтириб борилди. Ҳар бир файласуф қайси ижтимоий гуруҳга оид бўлса шу ижтимоий гуруҳлар доирасида иш кўрди. Шунинг учун ҳам фалсафий оқим назария ва мактаб тизимлари ўртасида кураш кетди, кетмоқда ҳам.

Фалсафий ғоялар билан бирга миллий ғоялар ҳам мавжуд. Фалсафий ғоялар ўз моҳияти жиҳатидан кўпроқ умуминсоний фаолиятни қамраб олади. Миллий ғоялар эса, муайян миллатнинг фаолиятига тааллуқлидир. Ғоя маълум бир халқнинг туб манфаат ва вазифаларини ифода этадиган, уларни ўз олдига қўйган мақсадлари сари бирлаштирадиган ҳамда сафарбар этадиган фикрлар йиғиндисидир. Миллий ғоя орқали ҳар бир халқ ўз келажагини ҳам белгилайди. Миллий мақсадларга эришиш учун йўллар излайди. Шунинг учун ҳам миллий соҳалардан келиб чиқади.

Фалсафий ғоялар миллий ғояга таянса, кучлироқ бўлади. Ўз навбатида фалсафий ғоя миллий ғоя ва назарияларга таъсир қилади. Назариялар халқнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жараёнларида намоён бўлади. “Ватан равнақи”, “Юрт тинчлиги”, “Халқ фаровонлиги”, “Комил инсон”, “Миллатлараро ҳамжиҳатлик”, “Диний бағрикенглик” кабилар умуммиллий, фалсафий ғоялар қаторига киради.

Фалсафа миллий мафкурага ҳам таъсир этади. Мафкура- маълум бир ижтимоий гуруҳ ёки қатламнинг миллат ёки давлатнинг манфаат ва эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, маданий ва маънавий томонларини ифода этадиган ғоялардир. Мафкура ва фалсафа турли жараёнларни ўзида акс эттирсада, улар нисбатан ўзаро боғлиқдир. Мафкура ҳар бир халқнинг фалсафий ҳаётини ўзида мужассамлаштира, ишончли ва барҳаёт бўлади.

Ўзбекистонда шаклланаётган истиқлол мафкураси ана шундай хислатларга эга бўлаётир. Чунки истиқлол мафкураси ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари, маданияти, иқтисодиёти, сиёсий жараёнлари, аждодлари фаолиятини ўзида қамраб олган. Бир сўз билан айтганда истиқлол мафкураси миллий қадриятларга асосланганлиги учун ҳам тез орада халқимиз қалби – шууридан муносиб ўрин ола бошлади.

**Фанлар тизими.  
Ижтимоий-  
гуманитар тизимда  
фалсафанинг ўрни.**

Фанлар тизими йилдан-йилга, асрдан-асрга ўзгариб такомиллашиб бораётир. Фанларнинг классификациясини уч гуруҳга бўлиб ўрганишга чорлайдилар. Биринчи, ижтимоий- гуманитар фанлар; иккинчи: табиий фанлар; учинчи: механик фанлар;

Бу фанлар ўртасида фалсафа ўзининг турли хусусиятлари билан ажралиб туради. Ижтимоий-гуманитар фанлар кўпроқ ижтимоий ҳаётни ўзида акс эттиради, табиий фанлар табиатга хос хусусиятларни

тушунтиради. Механика фанлари эса ишлаб чиқариш воситаларининг моҳияти ва мазмунини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ҳамда, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларида ижтимоий фанларга алоҳида аҳамият берилган. Шу сабабли ижтимоий фанлар шу қонунлар асосида жиддий вазифаларни амалга оширди ва ошираётир. Таълим-тарбия соҳаси такомилни босқичма босқич ўтказиш тамойили ишлаб чиқилганлиги мазкур соҳадаги паллапартишликларнинг олдини олди.

Ижтимоий фанлар кадрлар тайёрлашнинг мақсадлари, қонунлари, ҳуқуқий меъёрлари, илмий-услубий, иқтисодий шарт-шароитлари моддий техника баъзалари назариясини яратишга кўмаклашади. Янги педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга янги ўқув стандартларини яратишга, дастурларни замон талаблари даражасига кўтаришга, умумтаълим соҳасини сифат жиҳатидан янгилашга, узлуксиз таълим-тарбияни таъминлаш ва мазкур соҳада ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш йўл-йўриқларини кўрсатишга эътиборни қаратади. Бинобарин, етиштирилаётган кадрлар фаолиятида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни қандай бўлаётир ва қандай бўлмоғи лозим? Ижтимоий-гуманитар фанлар шахс шаклланишининг ибтидосими?

Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашдаги самарадорлик ижтимоий-гуманитар фанларнинг қай даражада ўқитилишига ҳам боғлиқ. Маълумки, ижтимоий-гуманитар фанларга «Тарих», «Тилшунослик», «Фалсафа», «Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Маънавият асослари», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Сиёсатшунослик», «Диншунослик», «Педагогика – психология» каби бир қанча фанлар қиради. Бу фанлар тарбия соҳаларининг назарий ва амалий жиҳатларини қамраб олади. Шу сабабли ҳам олийгоҳларда таълим олаётган бўлажак кадрлар бу фанларни четлаб ўта олмайди.

Ижтимоий-гуманитар фанлар моҳиятини янада чуқурроқ англаш ҳар бир мутахассиснинг муҳим бурчидир. Бу фанларнинг бекиёс ижобий хусусиятларидан моҳирона фойдаланиш лозим.

Президент фармонлари билан фанлар қаторига киритилган «Маънавият асослари», «Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Ўзбекистонда жамият қурилиш назарияси ва амалиёти» ҳамда «Фалсафа», «Сиёсатшунослик», «Диншунослик» фанлари ўқувчи-тингловчи, талаба фаолиятини назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам қамраб олади. Дунёқарашини кенгайтиради. Бу фанлар кўпроқ инсоннинг турмуш тарзидаги воқеа-ҳодисалардан келиб чиқади ва уни кундалик ҳаётда акс эттиради.

Масалан, табиий фанлардан: физика, химия, математика, информатика, география, биология, зоологияларда истаганча тажрибали ашё топиш мумкин. Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда фалсафа, сиёсатшунослик, маънавият асослари, иқтисод, тарих фанлари

муаммоларини тажрибада кўрсатиб бўлмайди. Боз устига, ишлаб чиқилган кўргазмални ашёларнинг ўзи етишмайди. Маълумки, бу фанларни эслаб қолиш ҳам аниқ фанларга нисбатан мушкул. Шу ўринда айнан фалсафа фанини оладиган бўлсак, ижтимоий-гуманитар фанларнинг математикаси деб, бежиз айтилмаса керак.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг профессор-ўқитувчилари ижтимоий соҳаларни кенгрок мушоҳада этадиган мутахассислардир. Шу сабабли улар ҳаётни фақат назарий билимлар асосида тушунтирмасдан, жамоат ташкилотлари билан ҳам боғланиб ўз фаолиятларини юритсалар, мақсадга эришиш энгилрок кўчади. Республикада ёшларни, умуман аҳолини юксак маънавият сари чорлайдиган ташкилотлар етарлича мавжуд ва уларнинг фаолиятлари учун шароитлар ҳам яратилаган. «Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази», «Олтин мерос», «Устоз», «Камолот», Касаба уюшмаси, партиялар, «Тасвирий Дина», «Амир Темур», «Заҳриддин Муҳаммад Бобур», жамғармалари фикримизнинг ёркин далилидир. Мазкур ташкилотларнинг фаолиятини халққа кўрсатадиган ва тарғиб қиладиганлар ҳам ижтимоий-гуманитар фанлари вакиллари дир. Бу ташкилотлар ўз навбатида ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари, мутахассисларига асосланиши, таяниши лозим. Ўтказилаётган тадбирларда қатнашган маърузачилар салоҳияти тингловчиларда ҳис-туйғу уйғотадиган бўлса, тадбирлар самарали бўлади.

Шу сабабли ҳам бу ташкилотларда мутасаддилар олийгоҳлардаги ижтимоий-гуманитар фанлари кафедралари билан алоқани йўлга қўйиши, жамоа ўртасида бўлиб, талабга жавоб берадиган ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчиларини танлаб, жамоа аъзолари фикрлари асосида иш олиб боришлари зарур.

Тажриба шуни кўрсатадики, мутахассис кадрларни сиёсий билимдонликка чорлаш ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Демак, бўлажак кадрларни нафақат юксак маънавиятлиликка балки, сиёсий жиҳатдан етукликка эътиборни қаратиш янада муҳимрок. Ҳаётда кўриб турибмизки, сиёсий мушоҳада юргиза олмайдиган кишилар, баъзи ёшлар нопок ишларга қўл урмоқдалар. Турли экстремистик оқимлар фаолиятига эргашмоқдалар. Натижада ўз ота-онасига, жамоасига, миллати ва Ватанига тош отадиган бўлиб чиқаётирлар. Буларнинг пайдо бўлиши баъзи жойларда ижтимоий-гуманитар фанларга иккинчи даражали дея қараш натижалари эмасмикан? Яна шуни айтиш керакки, талабанинг сиёсий савиясини фақат тест саволлари ҳал этмайди. Бунинг учун профессор-ўқитувчига имконият яратилиши лозим. Кўпроқ ўзаро савол-жавоб жараёнларига диққатни тортиш керак. Шундагина талаба ва тингловчиларнинг дунёқарашини тўлароқ англаш мумкин. Бу ўринда баъзи мутасаддилар текширув жараёнида фақат тест баҳолари қўйилсин, деб талаб қилишлари, фикримизча, яхши натижа бермаётир.

Ижтимоий-гуманитар фанларда рефератлар ёзиш жараёни муҳим ўрин тутди. Аслини олганда реферат ҳам илмий ишнинг бир тури бўлиб, у 20 – 22 бет ҳажмдан иборат бўлади. Уни ёзиш учун муайян вақт ва ижод,

меҳнат талаб қилинади. Натижада талаба қўшимча билимга эга бўлади. Ижтимоий фанлар бўйича асарларни конспект қилишса ҳам, яхши натижа беради. Конспект қилишнинг ижобий томони шундаки, аввало, асарнинг дарсга тааллуқли томонларини конспект ёзиш жараёнида талаба ёки тингловчи эсида қолдириб, ўз билимини мустаҳкамлайди. Конспект қилинган асар узоқ йиллар давомида фикрлашга ёрдам беради. Талаба асарни конспект қилганда, сўз бойлиги ва билимини кенгайтиради. Ҳозир ижтимоий–гуманитар фанлар бўйича конспект оладиган асарлар етарлича, десак хато бўлмайди. Фанларни ривожланишига ўз хиссасини қўшган Ўрта Осиёлик олимлар оз эмас. Тўғри, ҳали ҳам диёримиз ҳудудида ижод қилган минглаб алломаларимизнинг фалсафий асарлари замонавий тилимизга таржима қилинмасдан кутубхоналарда мунтазирлик билан ўз таржимонларини кутиб ётибди. Аммо ҳозир ҳам фойдаланиш учун зарур бўлган таржималар кам эмас. Жумладан, Мусо ал Хоразмий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Абу Мансур Мотуридий, Фарғоний, Умар Хайём, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Юсуф Хос Ҳожиб, Бурхониддин ал-Марғиноний, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Накшбанд, Абдурахмон Жомий, Низомиддин Шомий, Низом ул-мулк, Мирзо Улуғбек, Али Яздий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Аминулжа Муқимий, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат, Мохларойим - Нодира, Жаҳнотин - Увайсий, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқа юзлаб мутафаккирларнинг ўзбек тилидаги мавжуд асарларининг борлиги фикримизнинг далилидир.

Ижтимоий–гуманитар йўналишларни ифодалайдиган фалсафий илмий ва тарбиявий аҳамиятга молик ўқув фильмлар мутасадди марказлар томонидан яратилаётир. Бу келажақда фалсафий билимларни ривожига ўз хиссасини қўшади, албатта.

**Фалсафанинг асосий функциялари. Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялашда фалсафанинг ўрни.**

Фалсафа фани инсонларда дунёқарашни шакллантиради ва инсонларни тарбиясига ўз хиссасини қўшади, дедик. Шу сабабли, фалсафа илмининг намоёндалари кўпгина мавҳум соҳалардаги илмий тадқиқотлардан кўра замонавий тарбия соҳа бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришга ўтиш пайти келди. Тўғри, ҳозиргача файласуфларимизнинг

кўпчилиги давр талабидан келиб чиқиб жамятнинг «Нокапиталистик ривожланиши муаммолари», «Совет халқи», «Фалсафани билиш назарияси», «Тарихни материалистик тушуниш», «Фалсафада интернационализм муаммолари», «Табиат фанларининг фалсафаси», «Коммунистик ва атеистик тарбия масалалари» ва бошқа кўпгина йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бордилар. Минг афсуслар бўлсинки, ўзбек миллий тарбияси ҳақида саноклигина илмий ишлар

килиндию, бу ишлардаги мунозара ва хулосалар кутубхоналарда қолиб кетди ва ҳаёт юзини кўрмади. Миллий тарбия интернационализм байроғи остида яшириниб қолди. Мустақилликка эришилган йилларнинг дастлабки пайтларида миллий тарбиянинг методологияси фалсафага бўлган муносабат эса салбий шаклланиб, фалсафадан бироз узоклашиш пайтлари ҳам бўлди. Айнан, фалсафа соҳаси бўйича илмий иш қилувчилар сони камайиб кетди. Шунга қарамай, изланувчиларнинг деярлик барчаси бозор муносабатларига ўтишнинг фалсафий жиҳатлари, экологик жараёнлар, мустақилликнинг буюк неъматлари ҳақида илмий иш қила бошладилар. Натижада, бизнингча, файласуфлар миллий тарбиянинг устуворлигини сақлаб қолиш учун илмий ишларни бироз кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Аслида, миллий тарбия ва миллий кадриятлар ҳақида Республика Президенти ва ҳукумати томонидан талайгина ишлар амалга оширилди. Кўзга кўринадиган, ишлар қилиндики, булардан бефарқ қолмаган киши, қувонмасдан иложиси йўқ. Аммо, ана шу намунали ҳаракатларнинг тақдири ва келажагини фалсафий жиҳатдан асослаш замони келди. Уларни назарий асослаш давр талабидир.

«Миллий тарбияни ёшларга сингдиришнинг назарий асослари», «Жамоат ташкилотларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни», «Ғарб ва Шарқ тарбиясининг диалектикаси», «Диний эътиқод ва тарбия жараёнлари», «Тарбияда индивидуал ёндошишнинг фалсафий йўналишлари» каби фалсафий мавзулар борки, булар бўлажак файласуфларни изланиш объектлари бўлиши мумкин. Бу изланишларнинг асосий мақсади миллийликка эътиборни қаратиш, миллийликнинг ижобий томонларини сақлаб қолиш ва уни ижодий ривожлантиришга ундаши лозим.

Шу маънода, фалсафий жиҳатдан ёндошиладиган бўлса, таълимга нисбатан тарбия орқада қолмайди. Ўша мақтовга сазовор бўлаётган демократик мамлакатлардан кўрсатилаётган беъмани фильмлар (даҳшат, рекетчилик, киргинбарот уруш, мутлоқо махфий, секс, мос бўлмаган кийинишлар)ни Республикамизда нима сабабдан ёктириб томоша қилаётирлар? Аслида улар ҳам геноциднинг бир тури эмасми? Ўша демократик мамлакатларда эр-хотинлар кўплаб ажралиб кетаётирлар. Ягона ёки битта Тегина фарзандли бўлишга эришаётирлар. Аммо, шундай ҳолатларга интилишлар ёшларимиз ўртасида ҳам мавжудлиги ачинарли бир ҳол! Бу ҳолатларнинг фалсафий маъносини ёритиш файласуфларнинг вазифасидир.

Тарбияда умумий тадбирлар ўтказиш кўнгилдагидек натижа бермайди. Тарбия кўпроқ аудиторияда ва шахсий намуна билан амалга оширилади. Кадриятларни, миллий урф-одатларни ёши улуг ёки тажрибага эга бўлган ўқитувчи амалга оширса, яхши натижа беради.

Фалсафанинг муҳим вазифаларидан бири тарбияни таҳлил қилиш бўлса, унинг яна шундай вазифаси борки, улар ҳам ҳаётий ва долзарбдир. Яъни бу фаннинг методология сифатида илмий билишга кўмаклашиш, бошқа фанларни назарий қуроллантириш вазифаси ҳам мавжуд. Бу эса фалсафани бошқа фанлардан фарқини ҳам белгилайди. Шу билан бирга,

янги турдаги педагогик технологиялар хакида сўз юритганда, фалсафий тарбия технологияси тўғрисида ҳам ўйлаш керак эмасми! Шу сабабли тарбияни сингдиришнинг янги усуллари хакида бош қотириш керак. Бу эса нафақат педагогларнинг балки, файласуф мутахассисларнинг ишидир. Айниқса, миллий мафқурани сингдиришнинг энг муҳим омили фалсафа эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Фалсафа янги даврда инсонни ўзини хақиқий инсонга айланишини такозо этади. Ўзбекистонда янги фалсафий дунёқарашни шакллантириш, янги жамият қуриш билан боғлиқ. Ҳар бир шахс ўз мамлакати, ватани, борлиғи ва келажагини билиши зарур. Айни пайтда ҳар бир ўзбек мутахассиси қаерда яшаётганлиги нима билан машғул эканлигини, яшашидан мақсад нималигини фалсафий ҳис қилмоғи лозим. Ўзбекистоннинг келажаги буюқлигининг моҳияти унга намоён бўлиши керак. Фалсафа қомиллик муаммоларини ўртага қўяди. Инсонни тарбиялайди. Бошқа фалсафалар сингари ўзбек фалсафаси ҳам ижтимоий, дунёқараш, билиш (гносеологик), тарбиявий, методологик, назарий функцияларни бажаради. Бу функциялардан инсонлар ўз амалий фаолиятида фойдаланадилар. Қомил инсонни тарбиялашнинг бир воситаси сифатида фалсафа фани қурол бўлиб хизмат қилади. У илмий ёки ноилмий бўлиши мумкин. Зеро, илмийлик воқеликни тўғри баҳолашга ёрдам берса, унинг акси лоқайдлик хомхаёллик, бепарволик натижаси сифатида инсонларни чалғитади. Ўзбекистонда ривожланаётган фалсафа илмийликка суянади. Шундай бўлсагина, унинг тарбиявийлик жиҳатлари долзарб бўлади.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

Билимлар тизими, фалсафий билим, фалсафий ғоя, методология, мустақиллик фалсафаси, фанлар тизими, фалсафанинг функцияси, материализм, идеализм, тарихий материализм, материалистик дунёқараш, идеалистик дунёқараш, моддийлик, субъектив идеализм, объектив идеализм, дуализм.

### **Алломалар фикрларидан намуналар:**

«Ақлли бўлиш кифоя эмас, муҳими – ишлата билиш».

### **Рене Декарт – француз файласуфи ва математиги.**

«Ўз иллатларингни сўз билан ниқоблашга эмас, аксинча ошқора даволашга урин».

### **Пифагор – юнон файласуфи ва математиги.**



«Ҳақиқат баъзан нафрат тугдиради».

**Публий Теренций – рим комедиографи.**

**Мавзуга оид тест саволлари:**

Фалсафий таълимот биринчи марта қайси мамлакатларда қачон пайдо бўлган?

- а) Қадимги Грецияда, Францияда - 3 минг йил олдин;
- б) Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Грецияда - 2,5 минг йил олдин;
- в) Марказий Осиёда - 3,5 минг йил олдин;
- г) Италияда - 2 минг йил олдин;

**Фалсафанинг функциялари нималардан иборат?**

- а) назария, методология, дунёқараш, ижтимоийлик тарбия, миллийликни ва умуммиллийликни акс эттириш;
- б) қадриятларни белгилаш;
- в) маданий – маърифий жиҳатларни тушунтириш;
- г) миллийлик ва умуммиллийликни шакллантириш.

**Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Туленов Ж., Гофуров З. Фалсафа. Т.: 1998 й.
2. Сқирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. Т.: 2002 й.
3. Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадият. Т.: «Академия», 2000 й.
4. Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
5. Фалсафа (Под. ред В. Д. Губбина) М.: «Рус. слова», 1998 г.
6. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. Т.: 2006 й.
7. Худойқулов А.Б. Жамият ижтимоий ривожланишида иқтисодий онгнинг роли. (Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.) Т.: 2005 й.

**3 боб. Мустақиллик ва фалсафий дунёқарашнинг зарурати.**

**Дунёқараш тушунчаси,  
унинг моҳияти ва  
мазмуни.  
Дунёқарашнинг  
тарихий шакллари.**

Фалсафа кишиларда дунёқарашни шакллантиради. Дунёқараш бу кишиларнинг теварак-атроф, объектив реалликка бўлган муносабатини белгилайди. Дунёқараш ижтимоий онгнинг барча шакллари тааллуқли унсурлардан таркиб топади. Унда:

фалсафий, илмий, сиёсий, ахлоқий ва эстетик қарашлар катта рол ўйнайди. Илмий билимлар дунёқараш системасига қўшилгач, инсоннинг ёки гуруҳнинг теварак-атрофидаги ижтимоий ва табиий реалликда бевосита амалий йўл тутиш мақсадига хизмат қилади. Фалсафий қарашлар эса дунёқарашнинг бутун системаси асосини ташкил этади.

Дунёқараш табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг энг умумий қонунларини ифода этади. Ўз даврида марксизм ва марксистик партиялар, ўз масалаларини ҳал қилишда диалектик ва тарихий материализмга амал қилинмаса (яъни марксизм-ленинизм фалсафасига), у вақтда бирёкламалик, субъективизмга, фикрларнинг қотиб қолишига, тажрибадан ажралиб қолишга, ҳамма нарса ва ходисаларни илмий таҳлил қилиш қобилиятини йўқотишга ва ревизионистик ёки ақидавий ҳолатларга ҳамда сиёсатда янгилишларга йўл қўйиш ҳолларига тушиб қолинади, деган салбий фикрларни ўртага ташлаганлар.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатяптики, фалсафанинг вазифасини букадар чеклаб қўйиш ҳақиқатга тўғри келмас экан. Аксинча ёндошиш эса турли қарашлар ва фалсафий муаммоларни оидинлаштиради. Борликни тушунишда яқиндан ёрдам беради.

Демак, дунёқараш – бу инсоннинг ижтимоий гуруҳ ёки қатламнинг воқеликка бўлган муносабатини белгилайдиган тамойиллари, қарашлари, кадриятлари, эътиқодлари тизимидир. Дунёқараш орқали инсонлар ҳаётда ўз йўналишини топади ва шу йўналиш орқали фаолият кўрсатади. Дунёқарашнинг шаклланиши теварак атрофидаги борлик тараққиётига боғлиқ. Марксистик фалсафа фалсафадаги асосий масала: тафаккурнинг борликка бўлган муносабати масаласи билан дунёқарашни қатъий белгилаб берган эди. Бундай ёндошиш инсон фаолиятини, унинг тафаккурлаш жараёнини чеклаб қўйишга, уни тор аспектда тушунишига олиб келди. Диалектик материализм тарафдорлари бўлса, фақат шундайгина ёндошилганда илмий дунёқараш пайдо бўлади дея тарғиб қилиб келдилар. Аслида, асосий масала доирасида дунёқарашни тушунтиришда, материализм ва идеализм нуктаи назаридан келиб чиқиш лозим эди. Диний дунёқарашда бўлганлар идеалистик, дунёқарашдагилар сифатида қаттиқ танқид остига ҳам олиндилар. Зеро ҳар бир шахс қайси дунёқарашда бўлишидан қатъий назар олам ходисаларини ўзининг эътиқодига қараб, унинг муаммоларига индивидуал ёндошиб ҳал этиши лозим. Шахсга маълум бир назарий жиҳатни тиркаб қўйиш билан дунёқарашини шакллантириб бўлмайди. Дунёқарашнинг шаклланиши эркин ҳолатда-зарурият асосида пайдо бўлиши ҳам мумкин. Сабаби, шахсларда ҳис туйғу, ҳаракат, тафаккур, турли қарашлар бир хил эмас, шунинг учун ҳам дунёқарашни икки-уч йўналиш билан боғлаб қўйиш ҳақиқатдан узоқдир.

Дунёқараш инсоннинг фаолияти билан боғланган. Шу фаолиятни ўзи унинг дунёқарашини белгилаб беради. Дунёқараш ва фаолият диалектик муносабатдадир. Бир-бирини тақозо этади. Бинобарин,

дунёқараш сингари, фаолият ҳам борлиқдан келиб чиқади. Борлик таъсирида бу иккала жараён ҳаракатга келади.

Дунёқараш орқали ҳаётни таҳлил қилиш ва фикрлаш эҳтиёжи туғилади. Натижада инсон ўз дунёқарашини орқали ўз-ўзини ҳам англайди. Табиатда, жамиятда тутган ўрнини мушоҳада қилади. Дунёқараш таркибига кирувчи: илмийлик, фалсафийлик, ахлоқийлик, динийлик, сиёсийлик, ҳуқуқийлик, нафосатлилик кабиларда барча инсонларнинг фикрлари ва қарашлари бир хил эмас. Бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ана шу маънода айтаемизки, дунёқараш ҳам турличадир. Дунёқараш бу фақат оламни у ёки бу томондан акс эттириш деган гап ҳам эмас, балки дунёқараш оламга баҳо бериш ҳамдир.

Дунёқараш муаммоси бу қотиб қолган ва унга тегиб бўлмайдиган жараён эмас. У ҳам даврлар ўзгариши билан ўзгариб боради. Жумладан, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг инсонлардаги дунёқарашини ўзгариши фикримизнинг далилидир. Инсонларда ҳаётга бўлган муносабат, ишлаб чиқаришга, ватанга, кундалик ҳаётга ўзгача ёндошиш шаклланди.

Дунёқараш дунёни тушуниш билан боғлиқ. Ундаги жараёнларни ҳал этиш билан чамбарчасдир. Дунёдаги ҳаракат инсонларда турли хиссиёт ва туйғуларни вужудга келтиради. Инсонлар тафаккурида воқеалар мужассамлашади. Натижада, бу жараёнлар янги фикр ва тасаввурларни, тушунча ҳамда кашфиётларни келтириб чиқаради. Инсонга хос бўлган хусусиятлар: ирода, идрок қилиш, жўшқин фаолият пайдо бўлади. Шу маънода айтиш мумкинки, дунёқараш икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда теварак атрофни инсон ўзида акс эттирса, иккинчи босқичда назарий ва амалий хулосаларни келтириб чиқаради. Бу жараёнлар узвий алоқадандир, бир-бирларини тўлдираборади.

Дунёқараш нафақат табиатни, балки, ижтимоий борлиқни ҳам акс эттиради. Аниқроғи, инсонларни турмуш тарзи дунёқарашда намоён бўлади. Дунёқараш ҳар бир авлодга тааллуқли бўлсада, авлодлар ўзининг аждодлари дунёқарашидан ҳам муайян соҳаларини олади ва ўз дунёқарашини шакллантиради. Бу соҳада ҳам, ворислилик, меросхўрлилик тамойиллари амал қилади. Дунёқараш йўқ нарсадан пайдо бўлмайди, у олдинги фаолият ва қарашлар, урф-одатлар асосида ривожланади. Яъни ўзидан олдинги ижтимоий борлиқ, шарт-шароитлар моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқариш жараёнлари, жамият тузилиши, ҳукмрон мафкуравий қарашлар, ижтимоий муносабатлар таъсирида пайдо бўлади. Демак, жамиятнинг, ижтимоий гуруҳнинг фаолияти ўзгариши билан дунёқараш ҳам ўзгаради.

Дунёқарашнинг ўзгариши, фан тараққиёти билан ҳам боғлиқ. Фаннинг ривожланиши туфайли инсонларда кундалик ҳаётга бўлган муносабат ҳам ўзгаради. Масалан, ҳозирги замонда турли Европа мамлакатларида янги педагогик технологиялар орқали ўқиш жорий қилинаётир. Бу жараён Шарқ мамлакатларида «Устоз-шогирд» ўртасидаги муносабатни ўзгаришига олиб келади. Демак, бу жараённи янги босқичга олиб чиқиш мумкин. Фан тараққиёти инсон ҳис туйғуси жараёнларини ҳам

кашф этилмаган томонларини очиб, инсоннинг ўзини ўзи баҳолаши учун янгича ёндошишни ўртага қўяди ва ҳоказолар.

Умуман, дунёқараш ҳақида фикримизни яқунлар эканмиз, дунёқараш инсонларда дунё тўғрисида бир бутун умумлаштирилган билимлар, ғоялар, эътиқодларнинг тўпланишидир. Дунёқараш маълум максадларни кўзлаб, ўз фаолиятини амалга оширишга қаратилган жараёндир.

### Дунёқарашнинг афсонавий шакли.

Дунёқараш шахсий ва ижтимоий бўлиши билан бирга ўзининг тарихий шаклларига ҳам эга. Маълумки, шахсий дунёқараш индивидуал характерли бўлиб, шахснинг оламга бўлган муносабатини билдирса, ижтимоий дунёқараш ижтимоий гуруҳларнинг теварак атрофга бўлган муносабатларидир. Бу жараёнлар ҳам ўзаро боғлиқ, бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди. Ҳар иккала дунёқарашнинг пайдо бўлиши тарихий жараёнларга боғлиқ. Қадим замонлардан бошлаб дунёқарашнинг тарихий шакллари ривожланган. Улар қаторига мифологик, диний, фалсафий дунёқарашларни олиш мумкин.

Мифологик ёки афсонавий дунёқараш. Юкорида таъкидлаганимиздек дунёқараш кенг маъноли тушунча бўлиб, инсон фаолиятини муайян воқеа ва нарсаларга қаратади (бу сўз юнон тилидан олинган бўлиб, мифос-накл, ривоят; логос-таълимот маъноларини беради). Мифология дунёқараш сифатида энг қадимги даврларда пайдо бўлган. Инсоний фаолиятларнинг пайдо бўлиши билан кишилик жамиятининг бошланғич даврида вужудга келган халқ оғзаки ижоди самараси бўлиб, у ижтимоий онгнинг шаклидир. Мифологик дунёқарашнинг асосий хусусиятларидан бири бу тирик ва ўлик табиат ўртасидаги муносабатларнинг ажратилмаслигидир. Бу жараёнларнинг иккаласи ҳам бир характерда талкин қилинади. Қадим замонларда инсонлар табиат, жамият тараққиёти ҳақида жиддий тасаввурга эга бўлмаганлар. Илмий таҳлил қилишнинг иложи бўлмаган. Ишлаб чиқариш куроллари мукаммалашмаган. Шу сабабли ҳам барча кишилар табиат, жамият тўғрисида ўзлари билганларича турли накл ва ривоятларни айта бошлаганлар.

Воқеликни фантастик мушоҳада қилиш, онгни пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Онгда қадимий фаолиятлар характери оғзаки халқ ижоди орқали акс эттирилган. Кўпроқ бу халқ оғзаки ижодида худолар, афсонавий қаҳрамонлар, ҳодисалар образлари орқали ифодаланган. Шулар орқали инсон, табиат, жамият ҳодисалари муҳокама қилинган ва хулосалар чиқарилган, ҳатто уларнинг маълум бир қисми кундалик ҳаётга ҳам татбиқ этилган. Афсонавий дунёқараш ҳам ўзининг ижобий томонларига эга. Чунки, мазкур қарашда ҳам, инсонларнинг воқеликка нисбатан ахлоқий қарашлари, хис-туйғуси, санъати, эстетик жараёнлари, борлиққа муносабатлари ифодаланган. Аниқроғи, табиат ва

жамият ҳодисалари ноилмий бўлсада, бадийлаштирилган. Афсоналар характери кўпроқ санъат орқали тушунтирилган. Дунёқарашнинг ана шу санъати орқали омманинг шаклланишига кучлироқ эътибор қаратилган.

Манбалардан хулоса чиқарадиган бўлсак, қадим замонларда инсонлар яшин, довул, сув тошқинлари, zilzila ва бошқа табиий офатлардан даҳшатга тушиб яшаганлар. Шу сабабли, улар ер ва осмон, ундаги юлдузларни, ой, қуёш кабиларни тирик жонзотлар, айрим ҳайвонларни эса муқаддас, деб билганлар. Уларнинг баъзиларини яхшиликка чорловчи, баъзиларини эса ёмонлик манбалари, деб тушунганлар. Қадимги инсонлар тасавурида инсонга нисбатан хайрихоҳлар ва душманлар бўлган. Булар қаторида хайрихоҳ худодлар, рухлар, девлар, жинлар, аждарҳолар бўлган. Шулар таъсирида оламнинг пайдо бўлиши, ундаги ҳаракат ва жараёнлар ҳақида тасаввурлар вужудга келган. Ана шу тасаввурларда афсоналар: космос ҳақида, ҳайвонлар, қушлар, махлуклар, қахрамонлар, яхшилик ва ёвузликлар хусусидаги фикрлар мужассамлашган. Уларда инсонларни ҳаётни севиши, ҳар қандай кийинчиликларни енгиши, инсон ўз моҳият-мазмуни жиҳатидан улуғ эканлиги ўз аксини топган. Шу билан бирга нур ва зулмат ёнма-ёнлиги тушунтирилган. Ўша пайтдаги кишилар яхшиликни, бахт-саодатни, қуёш нури ва иссиқлик орқали тасаввур қилса, бахтсизликни эса совуқлик, зулмат манбаи, деб тушунганлар. Яъни иссиқлик бахт манбаи бўлса, совуқлик зулмат маскани сифатида тасвирланган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, оламни икки қутбга яъни офат келтирувчилар ва офатга қарши чиқувчиларга бўлганлар. Бундай афсоналар халқ ўртасидан мустаҳкам ўрин олган бўлиб, кейинчалик зардуштийликнинг «Авесто» китобида қатъий муҳрланди. Жумладан, яхшилик оламига Ахура Мазда, ёмонлик оламига Ахриман ҳукмрон, деб курсатилган. Ёмонлик ва яхшилик ўртасидаги курашлар Митра, Анахита, Каюмарс, Жамшид, Гершасп, Эликбек ва бошқа образлар фаоллиги орқали тасвирланган. Курашларда инсонпарварлик, ватанпарварлик, табиатни севиш, меҳр-муҳаббат соҳаларида қахрамонлик кўрсатувчи тамойиллар асос қилиб олинган Масалан, «Авесто»даги Митра образини оладиган бўлсак, у шундай кучлики, унга душман ўқлари ўтмайди, Митра ўтда куймас, сувда чўкмас, душманларни яқсон қиладиган буюк қахрамон.

«Биз қўшинни жангга тайёрлайдиган, жангчиларни йиғадиган Митрага, қўшинни жангга мослаб саф торттирадиган, ёв сафини титратиб, лашкар бошида туриб жангга қирадиган, ҳаммадан кучли, қудратли йўлбошчига сажда қиламиз...

Митра аравада туриб, суякдан моҳирлик билан ишланган, бука тасмасидан таранг қилиб тортилган ёйдан мингларча ўк узади. Унинг ўқлари фикрдай тез учади, фикрдай тезлик билан девлар бошига ёғилади... Митра ўзининг ялтироқ гурзисини кўтариб юради, у гурзи юз нишли, юз балдокли бўлиб, тез келиб урилади, душманларни парчалайди. У ҳаммадан кучли қурол бўлиб, ялтироқ темирдан ясалган ва устига олтин копланган.

Бу жуда бакуват курулни, хар кандай курулни яксон киладиган бу курулни, у даст кўтаради...»

Митранинг ёрдамчилари ҳам унинг ўзи каби қудратли пахлавлонлардир. Шулардан бири Ахура Мазда томонидан яратилган тўнғиз қиёфасидаги Вертрагнадир: «Биз Митрага сажда қиламиз, унинг олдида Вертрагна югуриб боради. У келишган гавдали, ўткир тишли, хар кандай жонворни бир тишлашда гумдон киладиган озуқа тишли тўнғиз, жуда хайбатли, бакуват, ғоят шўх, хужумдан тоймайдиган, чопогон, темир оёкли, темир думли, темир жағли тўнғиздир. У дадиллик билан югуради, душманларни тилка-пора қилади, уларни енгиб йўқ қилади...».

Халк ижодида афсонавий образлар орқали кишиларнинг осойишталиги ва бахт саодати учун курашилган, фидокорлик кўрсатилган. Ана шундай қахрамонликлардан яна бири XI асрда яшаган Асади Тусийнинг «Гершаспнома»сида баён қилинади:

Бир аждар кишиларга кўп бахтсизликлар келтиради, қабиланинг хаёти хавф остида қолади. Қахрамон Гершасп аждарга қарши жангга отланади, аждарнинг масканига қараб йўл олади. Гершасп туш чоғига қадар аждарни кидиради, бироқ уни топаолмайди. У ўт қалаб овқат пиширмоқчи бўлади. Аждар шунчалик катта эканки, Гершасп анча вақт ухлаб ётган аждарнинг устида айланиб юрса ҳам, уни пайқаманган экан ва ўз ўчоғини унинг устига қурган экан. Ўт аждарнинг баданини қизитибди, аждар вазмин кимирлай бошлабди. Шундан кейингина Гершасп аждар устида кезиб юрганини пайқаб олибди. Лекин Гершасп ваҳимага ва саросималикка тушмабди. У бу улкан ва даҳшатли махлукқа қарши жанг бошлабди, курулларини мохирлик билан ишлатибди, аждарни енгиб, кишиларни ҳалокатдан қутқарибди<sup>1</sup>.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. «Китоби Жамшид», «Чистони Эликбек», «Қирққиз», «Кубланди Ботир», «Тўмарис», «Беҳистун», «Бундахишн», «Денкард» каби қадимий манбалар фикримизни тасдиқлайди.

Таъкидлаш жоизки, афсонавий дунёқарашда асосий мавзу-инсонларнинг маънавий жиҳатлари кўпроқ диққатга тортилган. Хайрли ишлар, меҳнат курулларининг яратилиши, хунармандчилик, дехқончилик каби инсоний фазилатларга катта аҳамият берилган. Шу билан бирга афсоналардаги воқеалар ўша пайтдаги инсонлар томонидан ҳақиқий-хаётий воқеалар дея эътироф этилган. Чунки, уларнинг тушунчасига, ажодлар томонидан яратилган афсоналардаги фикрлар турмушда бўлган воқеалар каби қабул қилинган. Эътироф этиш керакки, афсоналардаги жозибали фикрлар инсонларнинг борлигини ҳис эттириб, барчага таъсир этган. Воқеалар шундай таърифланганки, уларнинг хаётийлигига шубҳа қолмаган. Юнон мифологиясидаги худоларнинг худоси Зевс, денгизлар ва дарёлар худоси Посейдон, ҳосилдорлик ва дехқончилик манбаи Деметра,

<sup>1</sup> Гершасп образи халқ хотирасида сақланиб қолди, у қайта-қайта ишланди ва ёзма адабиётдан ўрин олди. Ёзувчи Асади Тусий (Хаср), шу афсоналардан фойдаланиб, ўзининг «Гершаспнома» асарини яратди.

муҳаббат ва гўзалликнинг худоси Афродита, донишмандлик, илм-фан, санъат худоси Минера кабилар фаолиятининг гўзаллиги ва одамийлиги, жонлиги билан барчани лол қолдирган.

Афсоналар ўша даврларда яшаган барча кишиларнинг ички ва ташқи хусусиятларини мужассамлаштириш билан бирга ўша даврнинг фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, бадий томонларини ҳам акс эттира бошлаган. Бинобарин, инсонлардаги мазкур хусусиятлар яъни диний, фалсафий, сиёсий, бадий соҳалар мустақкам алоқада бўлиб, уларни бир-биридан асло ажратиб бўлмас эди. Шу билан бирга воқеаларни ўта муболағалаштириш инсонларнинг ҳаётга бўлган қарашларида шубҳаланишга шарт ва шароит яратар эди.

Марказий Осиё халқлари оғзаки ижодиёти жуда қадимий бўлсада, шуларнинг таъсири остида келажакда, янги ижодий намуналар пайдо бўлдики, булар «Алпомиш», «Манас», «Гўрўғли» каби дoston ва эпослар мисолида майдонга чиқди. Ушбу манбалар синчиклаб ўрганилганда уларда оламни билишга, инсоний хислатларини чуқурроқ ўрганишга қаратилган хатти-ҳаракатлар сезилади. Бу эса ўша даврларда ҳам дунёқарашни такомиллашиб бораётганлигидан далолат беради.

### Диний дунёқараш.

Афсонавий дунёқарашга нисбатан аниқроқ бўлган дунёқараш бу диний дунёқарашдир. Диний дунёқараш ўзининг ҳаётийлиги билан фарқ қилади. Диний дунёқарашда худо билан инсон фаолияти кўпроқ ўрин олган. Аммо борлиқдаги барча мавжудот, ҳаракат воқеаларни ҳам диний дунёқараш қамраб олган. Демак, диний дунёқараш деганда, воқелик тараққиётининг илоҳий куч, яъни худога боғлаб ифодаланиши тушунилади. Зеро, бу дунёқарашда барча табиий ва ижтимоий ҳодисалар моҳиятини ички зиддият ва ўзаро муносабатлардан эмас балки Оллоҳнинг қудрати натижасидан изланади. Мўъжизавий кучга интилиш пайдо бўлади. Диний муносабатлар кўпроқ диний китоблар: Қуръони карим, ҳадислар, Таврот, Забур, Инжилда ўз аксини топган. Диний дунёқараш ҳам тўсатдан пайдо бўлмаган. Яқкаҳудолик динидан аввал кишилар фетицизм (нарсаларга эътиқод) сеҳргарлик, тотемизм, анимизм қабилаларга сиғинганлар. Диннинг келиб чиқиши ҳақида турли фикр ва қарашлар бўлгани сингари, диний дунёқарашнинг ҳам келиб чиқиши ҳақида турлича ёндошувлар мавжуд. Баъзи бировлар диний дунёқарашнинг тўла шаклланишини синфий жамиятларнинг пайдо бўлиши билан боғлайдилар. Баъзилар эса уни абадий бўлган, деб эътироф этишади. Жумладан, кулдорлик жамиятини пайдо бўлиши билан полетеизм, халқ, миллат динлари пайдо бўлиб, феодализм даврида эса жаҳон динлари, буддизм (VI-V эра мизгача), христианлик (эра мизнинг I - асрида) ислом (эра мизнинг VII - асри) келиб чиққан.

Диний дунёқараш диний эътиқодга асосланади. Бу дегани илоҳий мавжудотларнинг мавжудлигини эътироф этиш ва унга ишонишдир. Масалан, диний таълимотлар диний эътиқоди ўта кучли бўлган кишилар

томонидан мадх этилган ва этилиб келинаётир. Диний фикрларнинг барчаси Оллохнинг номи билан боғланган. XI асрда (баъзи адабиётларда 1119 йил, баъзида 1136 йил, яна бирида 1145 йилда туғилган деб кўрсатилади) яшаб ижод этган шайх шоир ва мутафаккир Муҳаммад Фаридиддин ибн Иброҳим шайх Аттори Нишопурийнинг «Илоҳийнома» асарининг қандай бошланиб ёзилганига эътиборни қаратсак, диний эътиқоднинг салмоғини сезамиз. Чунки олим ҳар бир хикоятнинг бошланишида Оллохга ҳамду-санолар айтиб, ўз фикрни давом эттирган.

Диний дунёқараш кўпроқ диндорлар учун ўта муқаддас бўлиб ҳисобланган ва юқорида келтирилган мулоҳазалар сифатида асарларидан ўрин олган.

Диний эътиқоднинг тарихи ҳам жуда узокларга бориб тақалади. Диний эътиқод деганда фақат яқка худолик эмас, балки кўп худолик каби бошқа турдаги сиғинишлар ҳам назарда тутилади (фетишизм, сеҳргарлик, тотемизм, анимизм каби).

Фетишизм-(португальча фетишизм - сеҳргарлик) ибтидоий жамиятда пайдо бўлган. Маданий тараққиётнинг пастлиги натижасида шаклланган бўлиб, ўша давр талабидан келиб чиққан. Инсонлар нарсаларда ҳам ижтимоий ҳолат фаолиятини излаганлар. Табиий кучлар нарсаларда ҳам ривожланади, деб тахмин қилганлар ва шу табиий нарсаларга сиғинганлар. Қадимги даврларда кишилар фетишизмни шундай тушунган бўлсалар-да марксистик таълимотда унинг моҳияти ўзгартириб тушунтирилади. Яъни у товар (мол – мулкга капиталистларнинг ёндошиши, деб тушунтирилди. Бинобарин, капиталистларни товарга сиғинишларга бойлик манбаи), муқаддас бўлганлиги учун уни мутлоқлаштирилди. Демак, давр ўзгариши билан фетишизм ҳам ўз моҳиятини ўзгартириб борган.

Сеҳргарликка сиғиниш Австралия, Жанубий ва Шимолий Америка, Африкада яшовчи қабилалар ўртасида кенг тарқалган. Масалан, ҳайвонларни иккига бўлганлар. Тоза ва тоза бўлмаганлар. Уларнинг талқинида баъзи ҳайвонларни худо ўз қудрати билан сақлаган ва уларни овқат билан таъминлаган.

Тотемизм – (тотеман – сўзидан олинган бўлиб, ҳозирги Шимолий Америка ҳинду қабилаларидан бирининг номи). Ибтидоий тузум давридаги қадимий динлардан бири. Бу сўз биринчи марта Дж. Лонго томонидан XVIII асрда қўлланилган. Тотемизмда маълум турдаги ҳайвон ёки ўсимлик турлари билан инсон гуруҳларининг алоқаси борлиги тушунилган. Йўқ бўлиб кетган ҳайвонлар белгиларига, уларнинг аждодларига сиғинганлар. Эмишки, ўша ўтиб кетган турлар инсонларни турли офатлардан сақлаган.

Анимизм – (лат – рух, қалб) ҳам ибтидоий жамоа даврида пайдо бўлган. Ҳодиса ва нарсаларга, инсон фаолиятига таъсир этувчи рух ва ҳис-туйғуларини анимизм, деб юритганлар. Анимизмнинг келиб чиқиш сабаблари бу табиий кийинчиликларга бардош бера олмаслик, илмий



билимларни етишмаслигидир. Табиатдаги сир-асрорларни билмаган кишилар хис – туйғу ва рухларга ишонганлар.

Диний дунёқаршнинг шаклланишида асосан муқаддас динлар-эрамиздан аввал (VI-V асрларда) пайдо бўлган буддизм, эрамизнинг I асрида пайдо бўлган христианлик, VII асрда пайдо бўлган ислом динларининг ўрни, айниқса, салмокли. Бу динлар инсонни улуғлаш борасида худого ишонишни биринчи ўринга қўяди.

Диний дунёқарашда инсоннинг хис-туйғулари кўпроқ аҳамиятга эга. Ҳозирги даврда диннинг инсонларга таъсирини ҳисобга олиб, унинг фан билан алоқасини кўрсатувчи файласуфлар ҳам йўқ эмас. Бундай қараш тарафдорлари диний эътиқод ва фан инсонни ҳақиқатга етакловчи соҳалар, деб таъриб қиладилар. Уларнинг фикрича, бу соҳалар бир – бирига зид эмас.

**Фалсафий дунёқараш.  
Ўзбекистонда янги дунё  
қарашни  
шакллантириш ва  
инсон тарбияси.**

Фалсафий дунёқараш ҳам ўзининг махсус хусусиятларига эга. Чунки, у назарий томонларга кўпроқ эътиборни қаратади. Фалсафий дунёқараш олам, инсон, жамият, табиат ҳақидаги умумий тасаввурлар ва саволларга жавоб беришга интиланган жараён дир. Бу биринчидан, иккинчидан эса

фалсафий дунёқараш инсониятнинг миллий ва умуминсоний қадриятларини ҳисобга олиб фан сифатида шаклланган. Шу маънода фалсафанинг предмети ҳақида сўз юритганда, эътибор берилса, дунёқараш таърифи билан алоқада эканлигини сезиш қийин эмас. Фалсафий дунёқараш олдинги таҳлил қилинган дунёқарашлардан яна шу томони билан фарқ қиладики, олам ва унинг турли жиҳатлари ҳақида фикр юритганда муаммоларнинг қўйилиши, уларни ечиш усуллари, предмети, вазифаси бутунлай бошқачадир. Шу билан бир каторда, фалсафий дунёқарашда умумийлик ва илмийлик ҳам мавжуд. Фалсафий дунёқарашда, диний дунёқарашдан фарқли ўлароқ, унинг объекти борлик, инсон, жамият, замон, вақт муаммолари бўлиб, уларга аниқ далиллар ёрдамида ёндошиб тушунтиришга интилинади.

Фалсафий дунёқараш жамият аъзоларини лоқайдликдан тозалашга ҳаракат қилади. Барча шахсларнинг ҳаётий муаммоларини ечиб яшашга чорлайди. Ҳаёт қийинчиликларини, ундаги зиддиятларни олдини олишга ёрдамлашади. Шу маънода, илмий фалсафа инсонлар фаолиятида катта аҳамиятга эга. Сабаби, илмий фалсафа инсон фаолияти ҳақида далилли фалсафий фикрларни ўртага қўяди. Унинг яшаши моҳиятини ёритади.

Илмий фалсафанинг марказида инсон ва жамият, табиат ётади. Айниқса, инсоннинг яратувчи куч эканлигини эътироф этади. Илмий фалсафа оламнинг яратилганлигини, шу ҳақидаги ғояларни инкор қилишга интилади. «Дунёвий ақл», «Дунёвий мутлоқ рух», «Мутлоқ ғоя»лар тўғрисидаги фикрларни инкор қилади. Чунки, улар, илмий фалсафий дунёқараш тарафдорларининг фикрича, илоҳиётни бўртирган ҳолда

талкин қиладилар. Илмий фалсафа ўз фаолиятида, олам, ундаги барча жараёнлар, предметлар доимий ҳаракатдаги материянинг маҳсули эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Олам ўз қонуниятлари асосида тараққий этади, деб тарғиб қилади. Илмий фалсафа билан шуғулланувчилар диний таълимотлардаги олам ва одамни худо яратган деган фикрни танқид қилади.

Илмий фалсафа оламни билиш, уни характерлаш мумкин, деб мулоҳаза қилади. Инсоннинг ақл идрокини чексиз, деб билади. Илмий фалсафа, фалсафа яратган назарий билимлардан хулоса қилган ҳолда, барча ҳодисаларнинг ўзаро муносабатини, алоқадорлик ва боғланишларни мантикий тафаккур ёрдамидан англаш мумкин, деб билади. Илмий фалсафанинг ижобий хусусиятларидан яна бири шуки, у назария ва амалиётни бирликда таҳлил қилади. Уларни бир – биридан ажратмайди. У ана шу бирлик, алоқадорлик тамойилига амал қилади.

Фалсафий дунёқараш тафаккурлаш жараёнига эътиборни қаратади. Инсонни ижод қилишга қақиради ва шу билан бирга ўз мавзусини бойита боради. Фалсафий дунёқарашда инсоннинг одоб – ахлокига, кадриятларига жиддий эътибор берилади. Фалсафий дунёқарашда миллийлик билан умуминсонийлик мужассамлашган. Фалсафий дунёқараш орқали фикр юритиш олий даражадаги умуминсоний фаолиятларни кадрига етиш ҳам демакдир. Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, ўтмишда аллома файласуфлар томонидан айтилган ва маънавий мерос қилиб қолдирилган фалсафий фикрларда, даъватларда умуминсонийлик хислатлари мужассамлашганки, улар ўз моҳияти жиҳатидан ахлоқ ва тарбиявий жиҳатлар негизини ташкил қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, инсон фаолиятида дунёқараш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳозирги замонда Ўзбекистон фуқаролари, айниқса, ёшлари янги фикрлашлари, янги дунёқарашга эга бўлишлари давр талабидир. Ҳаёт тўхтаб қолмас экан, инсон фаолияти ҳам, жамият фаолияти ҳам ўзгариб боради. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик, адолатпарвар жамият қурилар экан унда яшайдиган барча инсонлар ҳаёт имкониятларидан баҳраманд бўлишга ҳақлидирлар. Бунинг учун ўзбек халқи янги фалсафий дунёқараш билан қуролланган бўлиши лозим. Бу дунёқараш собиқ совет тузуми дунёқарашидан мутлоқо фарқ қилиши-сифат жиҳатидан янгилашиши табиий бўлиши керак. Маълумки, Собиқ тузумда кўп фикрлилик, хур фикрлилик унча ҳам қўллаб-қувватланмаган. Ташаббускорлик, ижодкорлик қилган шахслар шубҳа остига олинар эди. Ижод ва ташаббускорлик билан дунёга келган фикр ва амалий фаолиятлар минг чиғирикдан ўтказилган. Ўтганда ҳам бюрократлар, амалдорлар қўлида йиллаб ётар эди. Инсон тафаккури назар-писанд қилинмасди. Дунёқараш ягона коммунистик мафкурага бўйсундирилган эди. Шу сабабли инсонлар тор дунёқараш доирасида фикр юритар эдилар. Фалсафанинг миллийлик жиҳатлари ҳақида баралла фикр юритганлар «партия ва ҳукуматга» қарши бўлиб чиқар эдилар. Собиқ тузим емирилганда бундай ёндошишларнинг лойқа жиҳатлари кўзга

ташланди. Республикадаги илғор фикрлилар марксистик фалсафа ҳаётни бузиб талқин қилганлигини сеза бошладилар. Аммо онда сонда баъзи фикри тор одамлар фалсафадан воз кечиш керак, деган хом-хаёлларни ўртага қўйиб, ўз миллий фалсафасини ҳам ўша фалсафага қўшиб қўяқолдилар. Бундай ёндошиш нонқўрлик бўлар эди. Асрлар давомида шаклланган фалсафага “ханжар” уриларди. Тўғри, марксча – ленинча фалсафани муқаддас ғояга, ҳатто, диний ҳолатга тушириб қўйилган эди. Аммо, бундан тўғри хулоса қилиш зарур. Демак, фалсафага янгича ёндошиш давр талабидир.

**Таянч сўз ва иборалар:**

Дунёқараш, диний дунёқараш, фалсафий дунёқараш, илмий-фалсафий дунёқараш, мифология, диний, дунёвий илм, янги фалсафий дунёқарашни шакллантириш, халқ оғзаки ижоди, индивидуал ва ижтимоий дунёқараш, комил инсон тарбияси, буддизм, христианлик, анимизм, тотемизм, фетишизм.

**Алломалар фикрларидан намуналар:**

«Қисқа ифодаланган ўткир фикрлар ҳаётни яхшилашга қўп хизмат қилади».

**Марк Тулий Цицерон – Рим нотиғи ва файласуфи.**

«Фикр ва ҳикматли сўзлар, хонани безаб турган гул сингари кўнгилни безайди».

**Э. Капиев.**

«Лўнда фикрларнинг яхшилиги шундаки, улар жиддий китобхонни ўзича ўйлашга мажбур этади».

**Лев Николаевич Толстой – рус ёзувчиси.**

**Мавзуга оид тест саволлари:**

**Дунёқараш нима?**

- а) дунёқараш – кишиларнинг объектив оламнинг тарихи, ривожланиши ва мавжудлигига бўлган шахсий муносабатларидир;
- б) дунёқараш – маданиятнинг бир туридир;
- в) дунёқараш – диний эътиқоддир;
- г) дунёқараш – илмлар йиғиндиси;

### Дунёкарашнинг қандай типлари бор?

- а) афсонавий, диний, фалсафий, илмий – фалсафий;
- б) табиий, илоҳий;
- в) дунёвий, объектив, субъектив;
- г) дунёкарашнинг типлари йўқ;

### Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Қуръони карим (Абдулазиз Мансур тарж). Т.: 2001 й.
2. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсдимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000 й.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
4. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.: 1994 й.
5. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Т.: 1994 й.
6. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилъе – Фалсафа тарихи. Т.: «Шарқ», 2002 й.

#### 4 боб. Мустақиллик ва фалсафий дунёқарашнинг янгилашиш зарурати.

**Ижтимоий тараққиёт ва фалсафий тафаккурнинг алоқадорлиги. Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий жараёнлардан олдин кетиши ёки ортда қолиши.**

Маълумки ижтимоий тараққиёт ўзининг кўхна ва мураккаб тарихига эга. Ижтимоий тараққиёт жамиятнинг бир бутунлигини таъминлайдиган воситадир. Ўз навбатида, жамият ривожланиш йўлига киргандан сўнг ўз ўрнида тўхтаб қолмаган ва қолмайди ҳам. Бу фалсафанинг назарий кўрсатмаларидан биридир. Жамият тараққиёти ҳам бошқа соҳаларда бўлгани сингари оддийликдан мураккабликка, пастдан юқорига қараб ривожланади. Ривожланиш тараққиётда эски асосида нимадир янгидан пайдо бўлиши, нимадир йўқ бўлиб, ўз шаклини йўқотиб, бошқа шаклга ўрнини бўшатиб бериши демакдир.

Жамиятда инсонлар, ижтимоий гуруҳлар ҳаракатланади. Тараққиёт ғилдирагини шулар айлантиради. Инсонлар сингари жамият ҳам ўз олдига турли мақсадларни қўяди. Инсонлар шу мақсадлар орзусида ҳаракат қилиб, тараққиётнинг бир босқичидан иккинчи босқичига кўтарилади. Бунга мисол, дунё мамлакатларининг ягона йўл билан ривожланмаётганлигидир. Ҳар бир мамлакат ўзининг танлаган йўлидан тараққиёт сари интиломда. Шу сабабли ҳар бир мамлакат фалсафанинг умумий моҳиятидан ажралмаган ҳолда конкрет шароитни ҳисобга олиб, ўз фалсафасига эътиборни қаратаётир. Натижада умуминсоният яратган фалсафани ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшаётир. Бундай жараён диалектик характерга эга. Диалектика тарихий бўлсада, у ҳам замонавий ижтимоий жараёнларга боғлиқдир. Жамиятнинг ўзгариши инсонлар дунёқарашини ҳам, қамраб олади. Аммо, фалсафий тафаккур борлиққа нисбатан нисбий мустақилдир. У борлиққа, тараққиётга, ривожланишга қараганда олға кетиши ёки орқада қолиши мумкин. Сабаби, ижтимоий тараққиётни умумий жиҳатдан олдиндан айта билиш, унинг қонуларини белгилаш фалсафа фанига хосдир. Ана шу ўринда айтиладики, фалсафа фани ижтимоий борлиқдан, ижтимоий тараққиётдан, нисбатан орқада қолиши ёки олдинга кетиши мумкин. Фалсафанинг мазкур характери ҳар бир даврнинг барча фанлари, маънавий, иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг фаолиятига ҳам боғлиқдир. Ушбу жараёнлар қанчалик жиддий ёки саёз даражада бўлиши фалсафанинг ривожланиши ёки инқирозга юз тутишига олиб келади. Айнан шу ҳолатда фалсафа жамиятни тўғри талқин қилиши ёки қилмаслиги мумкин. Аслида ҳам фалсафий тафаккурнинг ривожланиши ниҳоятда мураккаб жараён, жамият тараққиётини истаган пайтда ўзгартириб бўлмаганидек, фалсафа тафаккурини ҳам истаган пайтда ўзгартириб бўлмайди. Шу муносабат билан айтиш жоизки, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни, умумий ривожланишни

фалсафий тахлил қилиш маълум даражада орқада қолмоқда. Демак, ижтимоий тараққиётга нисбатан фалсафий тафаккур орқада қолаётир.

Бинобарин, рўй бераётган кашфиётлар, умумжамият ўзгаришларини тахлил қилиш учун илмий салоҳият янада ошиши лозим. Ўтмишдаги тарихий тараққиёт қонуниятларини чуқур ўрганиш, уларнинг инсон фаолиятида тутган ўрнини баҳолаб, илмий фалсафий хулосалар чиқариш учун мутасаддилар иш олиб бормоғи лозим.

Жамиятнинг бурилиш нукталарида фалсафий тафаккур муҳим роль ўйнаган. Жумладан, Александр Македонский империяси Аристотел ва унинг шогирдлари таълимотларига суянган ҳолда фаолият юритган бўлса, XVIII – XIX асрда такомиллашган Герман - Пруссия қироллигининг тараққий этишида Г. Гегель фалсафаси маълум миқдорда таъсир этган. Мамлакатлар ҳаётида фалсафий тафаккур етакчи ўринларни эгаллаб келган. Ўрта Осиё фаолиятида Амир Темур фаолиятининг, унинг бирлашган давлатчилигининг ташкил топишида ислом фалсафаси ҳам жиддий таъсир этган. Амир Темурнинг ислом фалсафасининг ўзида мукамал сингдирилганлиги туфайли тенги йўқ ютуқларни қўлга киритган. Зеро, фалсафий тафаккур ўзининг серкирралиги туфайли олам ва жамият ҳақида бир бутун тушунча бериши барча учун фаолият асосидир.

**Истиклол ва фалсафий дунёқараш ўзгаришининг зарурати. Мафкуравий бўшлиқнинг пайдо бўлиши ва тўлдирилиши.**

Фалсафий жараён ҳам кундалик ўзгарувчи жараён эмас. Фалсафий дунёқараш вақт ўтиши билан ижтимоий тараққиётдан келиб чиқиб заруриятга айланган. Шу ўринда айтиш мумкинки, шахсий фалсафий дунёқараш жамият фалсафий дунёқарашига нисбатан тез

ўзгариши мумкин. У ҳам, баъзида ҳаётини заруратга боғлиқ. Жамиятдаги фалсафий дунёқараш аста-секинлик билан амалга ошади. Чунки, ижтимоий тараққиётнинг турли томонлари билан ривожланиш ва ўзгаришларга боғлиқ. Ана шундай ўзгаришлар XX асрнинг охирида Ўзбекистонда ҳам рўй берди. Ўзбек халқи СССР таркибидан чиқиб озодликка, мустақилликка эришди. Мустақилликка эришган мамлакат ўз мақсадларини рўёбга чиқариш йўлларини излай бошлади. Эзгу ниётларни амалга ошириш учун мамлакат аҳолиси руҳиятини кўтариш, янги ғояларга интиштириш ва сафарбар этиш заруриятга айланди. Бу барчада ишонч уйғотиш, бунёд этилажак жамиятни аниқ тасаввур қилиш имкониятини шакллантириш бевосита фалсафий тафаккур билан боғлиқ. Жамият тафаккурининг ўзгара боришига хизмат қиладиган янги фалсафий таълимот ўз-ўзидан заруратга айланди.

Замонавий ўзбек фалсафасида мустақиллик тафаккури янада ривожланган ва устувор мавқеликка эга бўлиши катта аҳамият касб этади.

Президент И. А. Каримовнинг фикрича мустақиллик тафаккури тушунчасининг айнан мазмун ва моҳияти қуйидагича бўлиши керак:

Ўзбекистоннинг истикболи ва истиклоли ҳақида қайғуриш;

Ўзининг ва ўз халқининг, ватаннинг қадру-қиммати, ор-номусини англаб, уни химоя қилиш;

Ўқсак ғоялар, янги фикрий кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъдоди, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истикболи, элига баҳида этишдир (асарлар 3-том, 34–бет).

Ушбу мулоҳазада Ўзбекистон фуқаросининг ҳар бирини фаолиятига тааллуқли жараён ётадики, уни ҳар қандай ўзбек фуқароси ўзида мужассамлаштириши лозим. Ҳозирги пайтда мустақиллик тафаккурини янада мустаҳкамлаш давр талабига айланган. Зеро, мустақиллик тафаккурисиз келажакка ишонч билан қараш хавф остига қолади.

Мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг жиддий вазифасидир. Бунинг учун, албатта, фалсафий қарашни мафкуравий қараш билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур. Жамият қурилишида мафкуравий бўшлиқ бўлмаслиги такозо этилади. Мафкуравий бўшлиқ бор жойда лоқайдлик ёки турли томонга оғиб кетиш тенденциялари пайдо бўлади. Натижада тараққиётга, яъни олға қараб боришга путур етказилади.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ана шундай бўшлиқни йўқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Президенти томонидан бир талай тамойиллар ва миллат тараққиётининг назарий асослари ўртага ташландики, уларни фалсафий таҳлил қилиш натижасида Республиканинг барча соҳаларида барқарор ривожланишга, энг муҳими тинчлик – миллатлараро тотувликка эришилди. Шу ўринда айтиш лозимки, «Миллий тикланиш концепцияси», «Миллий тараққиёт концепцияси», «Янги жамият қуриш концепцияси» қурилаётган янги жамиятнинг асосий негизларини ташкил этади. Миллий тикланиш, миллий тараққиёт янги жамият қуриш концепциялари нафақат ўзаро боғлиқ балки, булар миллий мафкура билан ҳам алоқададир. Мазкур концепцияларни ҳаётга татбиқ этишда ҳар бир шахс мафкура билан қуролланган бўлиши лозим. Мафкурасиз шахс ва жамият ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди, айниқса, миллий мафкурасиз яшай олмайди. Миллий мафкура ҳар қандай миллатни бирлаштиради, унга куч бағишлайди. XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида дунё бўйлаб бу жараёнга катта эътибор қаратилаётир. “Мафкура полигонлари ядро полигон” ларидан устун бўла бошлади. Мафкуравий жараён бу иқтисодий ёки қандайдир моддий жараён эмас, балки кўзга кўринмайдиган қандайдир илоҳий кучга ўхшайдиган соҳадир. Шу сабабли ҳам “шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий – миллий қадриятларга, шакланган дунёқараш ва мустаҳкам иродасига эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишидаги тазйиқларига бардош бериш амри маҳол” (И. А.

Каримов). Бас шундай экан, мафкура масалаларига лоқайдлик қилиб бўлмади. Чунки бу жараён истиклол мафкурасининг шаклланишига таъсир этади.

Ҳозирги даврда дунё минтакаларида турли ўзгаришлар бўлиб турибди. Бу ўзгаришлар яшин тезлигида барчага тарқалади. Замонавий техника буни зудлик билан амалга оширади. Натижада ҳаётга лоқайд бўлмаган инсон, бу воқеаларни “менга алоқаси йўқ” деб қараб ўтирмайди. Тезлик билан ўз муносабатини билдиради. Ана шу пайтда миллий мафкуранинг аҳамияти ошади. Бундай пайтда ғоялар, фикрлар кураши пайдо бўлади. Натижада курул билан эмас “ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин”. (И. А. Каримов). Бу курашда қайси мафкура кучсизлиги ёки кучлилиги сезилади ва ҳаётдан ўрин олади. Тўғри, мафкура бир фикр, иккита жумла билан бирдан, тўсатдан шаклланмайди, балки у узок муддатда зарурият асосида аста-секинлик билан шаклланади. Шу билан бирга унинг шаклланишида фалсафий қарашлар ёрдамга келади. Дунёқараш ишга тушади. Реал ҳаётдан келиб чиқиб мафкура ҳам шаклланади. “мафкурани шакллантириш жараёнида авваламбор мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати, деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим”. (И. А. Каримов). “Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлиши оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши халқимизнинг беҳатар, тинч-омон, фаровон, бадавлаг турмушига эришиш учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим” (И. А. Каримов). Мустақил Ўзбекистондаги фалсафа ана шу таъкидланган ғоялар асосида жамиятни ривожланишини таҳлил қилиши ва ўз хулосаларини чиқариши давр талабидир.

**Фалсафий дунёқарашни ўзгаришида таълим-тарбия жараёнининг аҳамияти. Жаҳон фалсафасининг асосий йўналишлари.**

Фалсафий дунёқарашни ўзгариши, айниқса, таълим-тарбияга боғлиқ. Тарбия эса оилада, болалар боғчасида, мактабда, олийгоҳ ва жамоаларда олиб борилади. Демак, дунёқараш ана шу муассаса ва жараёнлар орқали шаклланади. Тарбиянинг шакли-шамойили турлича бўлса-да, мустақилликни мустаҳкамлайдиган асосий тарбия бу ахлоқий тарбиядир. Ахлоқий тарбиянинг жамиятда тутган ўрни, айниқса, бекиёсдир.

Жамият тараққий этгани сари ахлоқий муносабатларга эътиборни кучайтириш эҳтиёжи туғилаётир. Сабаби, бирон мамлакат ёки жамият маънавий-маърифий имкониятларини ривожлантирмай, ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз келажагини тасаввур эта олмайди. Маълумки,



мамлакатимизда асрлар мобайнида аждождаримиз яратган маҳаллий, миллий, диний, маданий кадриятларимизни янада ривожлантириш учун янги шароит ҳамда имкониятлар пайдо бўлди. Бу кадриятлар шундай кадриятларки, ундан келажакда ҳам авлодлар озик олади, баҳраманд бўлади. Чунки, бу кадриятлар ҳаёт ларзаларию, чиғириқларидан ўтиб, инсонлар ҳаётдан мустаҳкам ўрин олган, сингиб кетган. Улар олам узра тенги йўқ жамият ҳаётини ахлоқий жиҳатдан белгилашга қодир кадриятлардир. Ўзбек халқи эса бу кадриятларнинг манбаи сифатида турли жамиятлар тараққиёти мобайнида шаклланди, ўзлигини таниди, бошқа халқларга намуна бўладиган даражада юксалди. Маълумки, жамият ривожланиши инсонларнинг ахлоқи, одоби, ақл-идроқи, ҳалол меҳнати мамлакат бойлиги асосида олға қараб боради. Демак, ахлоқий нормаларни ривожлантирмай мамлакат тараққиётини юксалтириш амримаҳол бўлади. Аслида мамлакатимиз азалдан инсоният тафаккури бойлигига катта ҳисса қўшиб келган. Даврлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик каби ноёб фазилатлари шарқ фалсафаси ва ислом таълимоти билан мустаҳкам алоқада ривожланди.

Фалсафий кадриятлар таркибидаги ахлоқ мезонлари тарбиянинг негизини ташкил этган. Тарбия жараёнисиз жамият, жамият бўла олмайди. Тарбия эса ахлоқий фазилатларни сингдиришдан бошланади. Тарбия сингдирилишидан инсон комилликка қараб боради.

Комиллик ўз-ўзидан пайдо бўлмай, балки, инсон яшаган жамиятга, муҳитга боғлиқдир. Жамият, муҳит эса, инсонлар муносабатидан, ўзаро алоқасидан иборатдир. Бинобарин, ахлоқий жараёнлар шу муносабатларда шаклланади, таркиб топади. Бу муносабатлар қандай бўлса, тарбия ҳам шундай бўлади.

Шундай экан, жамият олдидagi ўта муҳим масала бу тарбиявий соҳаларнинг самарадорлигини оширишдир. Тарбия давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланмоғи лозим. Мустақиллик йилларида бу муҳим масала юзасидан бирмунча ишлар амалга оширилди. Таълим соҳасида ва кадрлар тайёрлашнинг йўналишлари бўйича қарор ва қонунлар қабул қилиндики, ҳозирги кунда шу қарор ва қонунлар асосида замонавий дастур ва дарсликлар, қўлланма ва кўргазмалар куруллар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинаётган. Албатта, қилинган ва қилинаётган ишлар “уммондан бир томчи” ҳолос. Зеро, комил инсонларга хос бўлган туйғу ва вазифаларни авлоддан-авлодга ўтказиш учун мисли кўрилмаган иш ва хизматлар амалга оширилиши даркор. Эркин, ўз ҳақ-ҳуқуқларини очик биладиган, ўз салоҳияти, ақлига ишониб яшайдиган, шу билан бирга жамият манфаатини ўз шахсий манфаатлари билан уйғун тарзда кўрадиган етук инсонларни тарбиялашдан иборат вазифа фалсафа фани олдидан ҳам кўндаланг бўлиб турибди.

Мустақиллик йилларида ижтимоий фанларни ўрганиш ўта муҳим бўлиб, бу фанлар инсонларда дунёқаршни ўзгартиришга ёрдам беради. Шу сабабли ҳам ижтимоий – гуманитар фанлар ичида фалсафа фани алоҳида

ўринга эга. Фанларнинг методологияси сифатидаги ўрни жиддий ахамият касб этади.

Файласуф профессор – ўқитувчилар чуқур назарий – амалий билим ўчоғи бўлиши, бой ҳаётий тажрибага, кенг дунёқарашга эга бўлиши, дунёвий билимларни ўзида мужассамлаштирган, доноликка яқин бўлган инсон бўлиши, қалбларга «ўт» ёқиши билан ажралиб турадиган, ўз вазифасини тушунган фидойи кишилар бўлиши лозим. Демак, фалсафа фанлари ўқитувчилари кўпроқ тарбия билан ҳам шуғулланганлиги учун уйдан чиқаётганидаёқ ўзига яна бир бор назар ташлаб, ўз мақсади устида бош котириши, аудиторияга кирганда қайси соҳаларга жиддий эътиборни қаратиши кераклиги ҳақида ўйлаши лозим. Унинг фикрида ўз дарсининг самарадорлиги марказий ўринни олиши керак. Чунки, талаба ёки ўқувчи ўқитувчининг кийиниши, юриш–туришидан тортиб, маърузаси таъсирчанлиги ва унинг хулосаларига, олган мисолларига эътиборни қаратади. Шу ўринда файласуф талаба ёки ўқувчида зарурий фикрни қандай қилиб мустақкам сингдира олиши ҳақида ўйлаши айни муддаодир. Теварак атрофдаги салбий оқибатларнинг илдизи нима эканлигини, бу салбий оқибатларнинг кадрлар фаолиятидаги зарарларини таъсирли қилиб уқдириш устида фикр юритмоқ керак. Зеро, И. Каримовнинг «Нега энди шўро ҳукумати ўз сохта ғояларини омма онгига сингдира олардию, биз эса халқимизнинг асл манфаатларини ифодалайдиган, унинг фаровон турмуши ва бахтли келажаги учун хизмат қиладиган ҳаққоний миллий ғоямизни одамларимиз қалбига сингдира олмаймиз?» деган фикрига амал қилиб ишлаши зарур. Бунинг учун файласуф ўзининг нутқ маҳорати, сўзларининг таъсирчанлиги, мавзунинг ҳаётий ва сиёсий мисолларга бойлигини дилидан бир қарра ўтказса, фойдали бўлмасмикин. Нега, ахир турли тўй ва бошқа маросимларга борганимизда диний уламоларимизни, имомларимиз ва динимизга оид ишлар билан шуғулланувчи кишиларимизни биринчи навбатда давранинг тўрига таклиф қиладилар. Шу муносабат билан таклиф қиладиларки, нафақат динимизнинг муқаддаслиги учун, балки уларнинг сўзлари таъсирчан, ўткир, мантиқан бой, сўз бойлиги кўп, текинхўр (паразит) анъанавий сўзларни ишлатмаслиги, равон гапириши, одамларни ўзларига жалб қилишнинг омилдир. Ислом динини тарғиб қилиш жуда мураккаб кечган VI- VII асрларда саҳобалар фаолиятини эслайдиган бўлсак, шунинг ўзи ҳам кифоя. Чунки, улар ана шундай олийжаноб хислатларга эга бўлганларки шунинг учун ҳам уларнинг таъсирчан тарғиботи натижасида ислом динини қабул қилувчилар кун сайин оша борган.

Ҳозирги дунёда фанлар тараққиёти авжига чиққан бир давр бўлиб, улар фалсафа фанига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. Шу муносабат билан ҳаҳон фалсафасида янги–янги йўналишлар (герменевтика, мантиқий позитивизм, танқидий рационализм, феноменология, экзистенциализм, сциентизм, универсиализм, психоанализм, прагматизм, фрейдизм) пайдо бўлдики, улар ўз фаолиятини кўпроқ инсон ва жамият тараққиётига қаратдилар.

Бу йўналишлар замон талабларидан келиб чиқиб инсон ва жамиятни фалсафий таҳлил қилишга киришдилар. Жумладан, герменевтика тарафдорларининг тушунтиришича табиатшунослик фанлари табиат ҳодисаларини тушунтиришга интилади. Гуманитар фанлар эса, инсон ҳақидаги соҳаларни излашга ҳаракат қилади. Табиий ва гуманитар фанлар сифат жиҳатидан турли объектларни ўрганадилар. Турли усулларга эга. Инсонлар тил билан боғлиқ бўлиб, ўзаро таъсир ва шу таъсирни таъминлайдиган соҳа яъни герменевтикани фанларнинг фани, деб ифодалядилар. Уларнинг фикрича, фақат герменевтика ижтимоий антропологияни мукамал тасвирлайди.

Деконструктив йўналишнинг фикрича, таҳлилий фалсафани ривожлантириш лозим. Чунки, барча предмет ва ҳодисалар мукамал таҳлилга муҳтож. Лекин фалсафа ҳукм чиқаришга қодир эмас, деган эътиқодда туриб, кўпроқ «таклиф қилиш», «ишора қилиш» ва фикр билдиришнинг бошқа муқобилларидан фойдаланиш лозим дейлади, у таълимотда.

Экзистенциалистик (мавжудлик) фалсафий оқим фалсафасининг асосий хусусияти ҳар бир индивиднинг ўз ҳаёти чегарасини англаб беришга қаратилиши керак. Ҳар бир шахс ўз ўлимига муқаррар эканлигини тан олиши, ўзининг ҳаётига туртки бўлади. Бу ҳолатни тушуниш учун фалсафий тафаккурга эга бўлиши керак. Жумладан, экзистенциалист Сартр фикрича, инсон мавжудлиги учун ўз моҳиятидан аввал пайдо бўлган. Инсон мавжуд экан, у озоддир, эркиндир. Озодлик ва эркинликни инсон танлаши зарур.

Феноменология (мазмун: феноменлар ёки ҳодисалар- назарияси) ҳодиса ва воқеаларни қандай бўлса, шундайлигича таърифлайди.

Феноменология оқими фақат табиий фанлар тараққиётини, ундаги далилларни эътироф этади. Фалсафий фикрларни иккиламчи деб тушунтиради.

Фрейдизм эса инсонларни сексуаллик фаолиятига эътиборни қаратади ва барча инсонларни ривож ҳамда ҳаракати шу жараёндан бошланишини тушунтиради.

Кўриб турибмизки, ҳозирги даврда фалсафий йўналиш ва оқимлар талайгина. Шу сабабли ҳам фалсафий дунёқарашни шакллантириш ўта мушкул. Лекин, ёшларнинг билим-савияси қанчалик ўткир бўлса бу йўналиш ва оқимларнинг моҳиятини тезда тушуниб етадилар. Шундай экан, йўналишлар фаолияти билан қизикиш давр талаби. Уларни ўрганиш натижасида ёшлар камолоти янада юксакликка кўтарилади.

### Таянч сўз ва иборалар:

Ижтимоий тараққиёт, тарихий ва ижтимоий жараён, фалсафий тафаккур, истиклол ва фалсафий дунёқараш, мафкуравий бўшлиқ, янги мафкура, фалсафий дунёқараш ўзгариши ва ёшлар камолоти, жаҳон

фалсафаси, «ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш».

**Алломалар фикрларидан намуналар:**

«Ўзини ҳурмат қилмаган ҳеч бир киши бахтли бўла олмайдир».

**Жан Жак Руссо – француз мутафаккири.**

«Сен ҳақингда қандай фикрда бўлишларидан қатъий назар ўзинг тўғри деб билган ишингни қил. Танбехга ҳам мактовга ҳам бирдек бепарво бўл».

**Пифагор – юнон файласуфи.**

«Одамлар нима деса деяверсинлар, ўз йўлингдан қолма».

**Данте Алигъери – италян шоири.**

**Мавзуга оид тест саволлари:**

**Фукаролик жамиятининг энг муҳим белгилари қайсилар:**

- а) қонун устуворлиги, шахс қамолоти учун шарт-шароит, инсон эркинлиги учун ижтимоий макон;
- б) кўппартиявийлик марказлашган давлатчилик ва тенглик;
- в) миллий манфаатлар устуворлиги, синфий табақаланишнинг зарурлиги;
- г) тўғри жавоб йўқ;

**Президент И. А. Каримовнинг қайси асарида диний экстремизм ва фундаментализм тўғрисида мукаммал тўхталиб ўтилган?**

- а) «Биздан озод ва обод Ватан қолсин»;
- б) «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»;
- в) «Буюк келажак сари»;
- г) «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида...»;

**Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида...: Т.: «Ўзбекистон» 1997 й.
2. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т.: «Ўзбекистон» 1994 й.

3. Мустақиллик изоҳли илмий оммабоп луғат. Т.: “Шарк”. 1998 й.
4. Раҳматов О. Огоҳлик муқаддас бурч. Т.: 2000 й.
5. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т.: 1994 й.
6. Ватан ва миллат муқаддасдир. Т.: 1996 й.
7. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. Т.: 2006 й.
8. Салимов Ю.Г. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида тарбиянинг миллий хусусиятлари. (Социология.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.) Т.: 2006 й.
9. Чориев С. Сиёсий етук шахсни шакллантириш муаммолари. (Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.) Т.: 2006 й.

## Иккинчи бўлим Фалсафа тарихи ва тарих фалсафаси

### 1 боб. Қадимги шарқ ва антик дунё фалсафаси.

**Жаҳон цивилизациясининг  
бир бутунлиги ва ранг-  
баранглиги. Осиёцентризм  
ва Европацентризм.**

Инсонлар фаолиятидаги цивилизация кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб ривожланган. Цивилизация маланият сўзининг синоними сифатида ҳам талаффуз

этилади. Шу сабабли цивилизацияни моддий ишлаб чиқариш билан ҳам боғлаш ўринлидир.

Дунё мамлакатларидаги ўзгаришлар халқлар ўртасидаги муносабатлар жаҳон цивилизациясини ташкил қилади. Дунёдаги барча халқлар жаҳон цивилизациясини тараққий қилишга ўз хиссасини қўшади.

Маълумки, XX асрнинг охирида инсоният жуда кўп янгиликларни кашф этди. Бу кашфиётларни бирор халқ фаолияти билан боғлаб, тор маънода тушуниш нотўғридир. Кашфиётларнинг минглаб қирралари борки, бу қирралар қандай бўлмасин у ёки бу халқ фаолиятига тааллуқли. Умумий маданиятни кўтаришда Европа, Осиё, Африка ва Америка халқлари ҳам ўз хиссаларини қўшганлар. Умумжаҳон цивилизациясига турли динлар ҳам ўз хиссасини қўшиб келаётгир. Инсон фаолияти кўп қиррали бўлганлиги боис маданиятнинг ҳам қирралари бекиёс. Бу қирралар бир мамлакатда бир вақтнинг ўзида ривожланмайди. У аста-секинлик билан узоқ даврлар ичида ривожланади. Шу асосда инсонларнинг дунёқарашлари ҳам ривожланади, ўзгариб боради. Цивилизация минтақаларнинг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқ. Ҳар бир минтақанинг ўз тарихи мавжуд бўлиб, шу тарих ўрганилганда минтақа жаҳон маданиятига қанчалик хисса қўшиганлигини аниқлаш мумкин. Минтақалар маданияти бир-биридан фарқ қилса-да уларни мутлоқо ажратиш мумкин эмас. Цивилизация жамият тараққиётига катта хисса қўшади.

Ғарбий Европада фан ва техника кўпроқ тараққий қилиб, ишлаб чиқариш жараёнига катта таъсир кўрсатди. Натижада олимлар хулоса қила бошлаганларки, жамиятни, фақат инсон ақл идроки билан юксак даражага кўтариши ва уни ўзгартириши мумкин экан. Шу боис, эркинликда маърифатпарварликка жиддий эътибор қаратиш пайти келиб, ўша даврнинг илғор фикрловчи кишилари маърифатни кескин ҳолда тарғиб қилганлар. Бинобарин, Ғарбий Европа учун «Маърифатпарварлик» сўзининг ўзи ҳам янги ибора бўлиб, уни Вольтер, Гердер ва бошқалар биринчи бор илмий мулоқотга олиб кирдилар. Шундан сўнг И.Кантнинг «Маърифатпарварлик нима?» (1784) мақоласи босилиб чиқди ва бу сўз кенг тус ола бошлади. Маълумки, у даврларда Ғарбий Европада табиат, жамият, тафаккур ҳақидаги илмлар ривожланди. Бу даврда Томас Гоббс,

Декарт, Лейбниц, Ньютон, Спиноза каби европалик буюк табиатшунослар ва файласуфлар етишиб чикиб, турли фанларда айниқса, физика, кимё, математика, геометрия, механика, астрономия соҳаларида кашфиёт қилдиларки, натижада бу кашфиётлар маърифатпарварликнинг кенгайишига олиб келди. Ўз навбатида маърифатпарварлик Европадаги Ренессанс (уйғониш) даври билан ҳам узвий алоқада бўлди. Маълумки, уйғониш даври вакиллари инсонпарварлик ғояларини илгари сурган эдилар. Уларнинг фикрича капиталистик ривожланиш феодализмга нисбатан устунроқ бўлиб, инсон фаолиятини капитализмгина янги поғонага кўтарар эди. Шу сабабли, уйғониш даврининг тарғиб қилувчилари билан маърифатпарварлари ўртасида бирмунча тафовут мавжуд бўлиб, маърифатпарварлар уйғониш даври тарафдорларини кўпроқ танқид қилиб ҳам чиқдилар. Бу жамият ва давлат тузилишларини қайта кўриб чиқишга, уларни жиддийроқ ҳал қилишга олиб келарди. Улар маърифатни иқтисодий соҳа, хусусий мулкчилик, дунёқараш, эстетик қарашлар, бадий жароёнлар, шахс фаолиятлари билан боғлаб тушунтирдилар. Шу ўринда Локк, Гельвеций, Дидро, Жан Жак Руссо ва бошқа файласуфларнинг ёзган асарларини тилга олиш кифоядир.

Мазкур олимлар таълим ва тарбия тўғрисида умуминсоний фикрларни ўртага ташлаш билан бирга, унинг янги тамойилларини ишлаб чиқдилар. Шу билан бирга улар кўпроқ ижтимоий соҳаларни тарғиб қилувчи маърифатпарварлар бўлиб чиқдилар. Ўша давр шаронти маърифатпарварликнинг турли мамлакатларда турлича шакл ва мазмунда намоён бўлишига олиб келди. Шу боис Россиядаги маърифатпарварликка назар ташлайдиган бўлсак, бу жараённинг гувоҳи бўламиз. Чунки Россия маърифатпарварлари буржуа революцияларини маънавий жиҳатдан тайёрлаш ва амалга ошириш тарафдорлари эдилар. Жумладан, Россия маърифатпарварлиги (1760-1861 й.) узок давом этиб, унинг асосчилари Н.И.Новиков, Д.И.Фонвизин, А. Я. Поленов, ва бошқалар эдилар. Улар Россияда крепостнойлик тузумини йўқ қилиб ташлашни тарғиб қилганлар. Ана шу далилларга асосланиб кўпгина олимлар уйғониш даврининг ватани бу Ғарбий Европа мамлакатларидир, деган тор фикрни ўртага ташлайдилар.

«Европацентризм» дея аталувчи оқимнинг фаолиятига бир ёклама баҳо бериб, уни қўллаб-қувватлайдилар. Уларнинг фикрича тараққиётнинг маркази ҳам Европадир. «Европацентризм» оқими рим-грек тараққиётидаги маънавий, марказий «папачилик» деб юритилувчи католиклар фикрларига қарши чиқиш натижасида пайдо бўлиб, кўпроқ немис файласуфи Георг Гегель (1770-1831) таълимотида яққол кўзга ташланади. Аслини олганда эса, маърифатпарварликнинг илдилари, бизнинг фикримизча (бошқа соҳаларда бўлгани сингари) Шарқ мамлакатлари, айнан Ўрта Осиё мамлакатлари донишмандлари фаолиятига ҳам бориб тақалади. «Европацентризм»нинг пайдо бўлиши «Осиёцентризм»нинг келтириб чиқарган. «Осиёцентризм» тарафдорлари

«Европацентризм»га қарши чиқиб «Европацентризм»нинг салбий томонларини очиб ташлаган. Ҳатто, европалик олимларнинг ўзлари жумладан, Монтесъке, Готфрид, Вольтерлар уйғониш даври ҳар бир миллатга тааллуқли ва уни ҳар бир миллат ривожлантиришга қодир деб, чиқдилар. Умуминсоний кадриятлар барчага тааллуқли эканлигини тарғиб қилдилар. Қадимги Шарқ мамлакатларида, Осиёда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун эрадан олдинги даврларда ҳаракат бошланганки, кейинчалик барча соҳада жумладан иқтисодиётда, сиёсатда, маданиятда бекиёс ўзгаришлар бўлган. Буюк ипак йўлини Осиё мамлакатларидан бошланганлиги бежиз эмас. Умуминсоний маънавият ва маданиятни ривожланишига Осиё халқларининг таъсири бўлганлигига шубҳа йўқ. Қадимги Ҳиндистон, Хитойдаги фан, маданият, маърифат соҳасидаги ўзгаришлар Ўрта Осиё таракқиётига ҳам жиддий таъсир қилмай қолмаган. Нағижанда Ўрта Осиёдан буюк алломалар етишиб чиқдики, улар маърифатда, диний эътиқод ҳамда маънавий соҳаларда дунёда етакчи ўринларни эгалладилар. Масалан, ватандошимиз Замахшарий «Жоруллох» деган (Аллох қўшниси) мўтабар номга сазовор бўлган. Ундан аввалроқ аллома Абу Наср Форобий эса Аристотелдан сўнг, «Иккинчи муаллим» деган фахрий нисбатга эришган. Эндиликда маълум бўлаётирки, ўрта асрларда фалсафий фикрларни ва маърифатни тарғиб қилувчилар айнан Ўрта Осиёда кўпчиликни ташкил қилган. Яқин йилларгача, минг афсуслар бўлсинки, биз улардан хабардор бўлмай келдик. Буларга мисол: Юсуф Ҳамадоний, Замахшарий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Имом ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Вали, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Абу Мансур Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний ва бошқалар. Бу улуғ зотларнинг ҳар бири битмас-туганмас билим жараёнларини эгаллабгина қолмадилар, балки илғор ғояларни ўртага ташлаб юксак маънавият ва маърифатпарварликнинг олдинги сафларида бордилар.

Демак, илк уйғониш даври IX – XII асрлардаёқ Ўрта Осиёда пайдо бўлган. Ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар Хайём таълимотлари ҳам шундан далолат беради.

Собиқ совет давлатининг баъзи бир «ўткир» тарғиботчилари эса мазкур буюк шахсларнинг, фан ва таракқиёт соҳасидаги ишларини фақат динга тақаб танқид қилдилар, фаолиятларини (асл нусхада) ўрганишга йўл қўймадилар. Совет давридаги луғатларда, энциклопедияларда фақат француз, инглиз, рус олимлари тўғрисида фикр юритилди, холос. Тўғри, жаҳон цивилизацияси, маданияти, илм фанининг ривожда Европалик алломаларнинг ҳиссаси бекиёсдир. Аммо, ҳар бир замон ва маконнинг ўз хусусияти, мавқеи бор. Шу сабабли ҳам айтишга тўла асос борки, уйғониш даври олдинроқ Ўрта Осиёда пайдо бўлганлиги ҳақидаги Осиёцентризм тарафдорларининг фикрлари тўғридир.



**Олам, борлиқ, табиат, инсон  
тўғрисидаги ибтидоий  
билимларнинг пайдо бўлиши  
муаммоси.**

Олам, борлиқ, табиат, инсон  
тўғрисидаги илк билимларнинг  
илдизлари узок-узокларга бориб  
тақалади. Буни Қадимги Ҳиндистон,  
Хитой, Ўрта Осиёдаги мамлакатларда  
олиб борилган изланишлар

тасдиқлайди. Бизгача етиб келган архитектура ёдгорликлари, иншоотлари, қадимий қўлёзмалар, фолклор, адабиёт, санъат асарлари ҳам фикримизни далилидир. Ҳақиқатда инсоният фаолиятининг илк давридаёқ Шарқ, умуман, Осиё мамлакатларида улкан кашфиётлар юз берганлигини инсоният гувоҳидир. Жумладан, биргина Хитойнинг ўзида дунёда биринчи бўлиб яратилган кўплаб кашфиётлар фикримизни тасдиқлайди. Масалан, Бишен ёзув шрифти эрамиздан олдинги 1045 йилдаёқ яратилган. Илк қоғоз пулнинг ватани ҳам Хитойдир. Чунки, эрамиздан 1900 йил олдин ундан фойдаланилган. Европада эса қоғоз пул саккиз юз йил кейин пайдо бўлган. Дунёда ер силкиниш ходисаси ҳам биринчи Хитойда аниқланган. Чинни буюмлар европаликлардан 1000 йил илгари ясалган. 2000 йил аввал дунёда ягона ҳисобланган 40 машқдан иборат яхлит бадантарбия машғулоти уйлаб топилган. Хитой халқи Исо Масих туғилишидан 300 йил олдин оҳанграбо компасни кашф этган. Европада бу қурилма 1400 йил кейин пайдо бўлди. Хулоса шундан иборатки, Европацентризм окимининг тарафдорлари кўпгина жиҳатлардан Шарқ мамлакатлари маънавияти, маданияти, маърифатини энг юксак жиҳатларини тан оладиларми, йўқми, ўзларига ҳавола. Тарих эса-ҳақиқий ўлчовдир.

Қадимги ёзув ва тарихий ёдгорликларда Қадимий халқларнинг урф-одатлари, дунёқарашлари акс эттирилганки, улардан муҳим хулосаларни чиқариш мумкин. Айниқса қадимий афсоналарда оламни билишга қаратилган фикрлар диққатга сазовордир. Мифология бу афсоналар деган маънони англатади. Аниқроғи, афсоналар ҳақидаги таълимотдир. Қадимда одамлар оламни тушуниш ва тушунтиришда шу таълимотдан ҳам фойдаланганлар. Олам ҳақида тасаввурга эга бўлиш, уни келажагини тушунишга интилганлар. Афсоналар бу қадимий халқларда бўлган ғаройиб воқеаларни айтиб юрилишидир. Уларда кўпроқ худолар ва қахрамонлар, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги муносабатлар, космик оламдаги фаолиятлар ҳақида фикр юритилган. Шулар асосида инсоният фаолиятида илк фалсафий қарашлар тўплана борган. Борлиқ ва борлиқда бўладиган ўзгаришлар, табиат ходисалари, ҳайвонот олами, инсоннинг ўзини фаолиятлари ўзларининг диққат марказларида бўлган. Ўша пайтдаги фалсафий қарашларда оламнинг пайдо бўлиши унинг бошланиши, тузилиши табиатдаги бетакрор ходисаларнинг бўлиши, оламдаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ўзаро муносабатлари марказий ўринларни олган. Афсоналарда ҳатто, дунёни йўқ бўлиб кетиши, яна пайдо бўлиши ҳақидаги фикрлар юритилган. Дунёнинг келиб чиқиши ҳақидаги фикрлар билан бирга одамларнинг келиб чиқиши, ҳаётнинг босқичлари, инсоннинг ўлими тўғрисида ҳам, бош қотирганлар. Инсонларнинг ютуқлари: кишилик

фалсафий мероси давлатчилик урф-одатлари, анъаналари жаҳон давлатчилигининг ривожланишига таъсир этган ва этиб келмоқда.

Эндиликда маълумки, бобокалонларимиз Афросиёб, Қораконийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темурлар адолатли, инсонпарвар давлат бошқарувини ташкил этганлар. Бу билан улар фалсафий тафаккурнинг ривожланишига ўз хиссаларини қўшганлар. Республика Президенти И.А.Каримовнинг таъкидлашича: Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдишларига, қайтиб ўтмишимиздаги бой анъаналаримизни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак. Ёки алломалардан бири айтганидек, ҳар бир давлат қурилиши маълум халқ миллий маънавий маҳсули, ўзлигини намоён этиш ва маънавий онглилик тараққиётининг пиллапоясидир. Бу тараққиёт зинасини қадамба-қадам босиб ўтиш бир меъёрдаги ҳаракатни ҳисобга олиш, шу билан бирга вақтдан ўзиб кетмасликни такозо этади. Вақт ҳамма нарсага қодир бўлиб, унда тафаккур, фалсафа... ҳамма нарса мужассамдир.

Маданий-маънавий, фалсафий соҳалар диалектик характерда бўлганлиги сабабли, улар бир-бирларини тўлдирадilar, мамлакат халқи ҳаётида муҳим аҳамиятга эгадирлар. Жумладан, бу мезонлар давлат хўжалиги маданияти, давлатни бошқариш жараёни, миллий гуруҳни тиклаш соҳалари, санъат ва маориф, фан ва техникани тараққий эттириш қабилардир.

Биз яшаётган давр шунинг учун ҳам улуғворки, у кўп асрлик кишилик жамиятидаги энг асл бойликларни ўзида мужассамлаштираётир. Қадимий ажодларимизнинг, илғор намоёндалари яратган фалсафий маънавий-маданий меросдан фойдаланмоқдамиз. Ҳатто эрамизгача яшаб ижод этган буюк файласуфлардан бири ҳам ўзидан олдинги ўтган донишмандларнинг фаолиятини фахр билан тилга олган. Мен, деган у, қадимги донишмандларнинг ўз асарларида бизга қолдириб кетган ақл дурдоналарини кўздан кечирганман; агарки, биз уларда нимадир яхши бир нарсага дуч келсак, уни ўзлаштириб оламиз ва жуда катта фойда орттирган ҳисобланамиз. Демак, ўтмишдаги фалсафий маънавий, маданий меросдан фойдаланиш ҳам ота-боболаримиздан меросдир. Бинобарин, фалсафий мерос ўтмишда яратилган ва қолдирилган маънавият ҳамда маданиятни ўзида ақс эттирган моддий ва маънавий соҳалардир. Тараққиётни таъминлаш ўтмишдаги фалсафий бойликлардан оқилона фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Ҳар бир зийрак инсон ўз зийраклигини янада ошираман деса, аввалги асарлар ва бошқа маданий-маънавий, фалсафий манбалар билан ақиндан танишади ва уларни ўзида мужассамлаштиради. У ҳаётдаги дурдоналарни излайди ва ўзига хос энг нодир ва ноёб нарсаларнигина ажратиб олади. Уларни авайлаб асрайди, керак бўлса авлодларга етказди.

Қадимги алломалар, донишмандлар шу даражада фалсафий-маънавий дурдоналарни мерос қолдирганларки, улар бамисоли бир

уммондир. Уммонга эҳтиёж кўлампдан ёндошилса, кутилган натижага етаклайди.

«Халқимизнинг маънавий пойдевори-бўлажак давлатимизнинг пок таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Тарихимиз неча-неча минг йилликларга бориб тақалади... Халқимизнинг таянчи-аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим. Аждодлар васиятига содиқ ва муносиб бўлмогингиз керак»<sup>1</sup>.

Доно кишилар фақатгина ўз даври ёки ўтмишни изоҳлаб дурдона қолдирмаганлар, балки келажакни ҳам ўйлаб фикрлар билдирганларки, уларни биз жонсиздек қабул қилмасак бўлгани. Ҳақиқатдан ҳам уларни эъзозлаб, ўз ҳаётимизни безасак ниҳоятда бахтли ва маънавияти бой инсонлар бўлишимиз турган гап эди.

Фалсафий маданият инсон фаолиятини қамраб олади. У қачон ва қаерда бўлмасин, ҳаракат қилмасин, ишламасин инсон унга дуч келади. Натижада инсон жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади. Маълумки, жамиятда ишлаб чиқариш турлари кўп. Уларнинг энг муҳимларидан бири маънавий бойликлар ишлаб чиқаришдир. Маънавий бойликлар аввало халқ, қолаверса, муайян шахслар, олимлар, донишмандлар, файласуфлар, ёзувчилар, бастакорлар, зиёлилар, назариётчилар, сиёсатчилар томонидан ишлаб чиқилади, яратилади. Маънавий бойликлар фалсафий маданиятни, жамиятни ривожлантиришга ўз таъсирини кўрсатади. У салбий ёки ижобий роль ўйнайди.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

Цивилизация, европацентризм, осиецентризм, борлик, табиат, олам, одам, фалсафий мерос, миллий ғоя, миллий истиқлол.

### **Алломалар фикрларидан намуналар:**

«Тараққиёт тасодиф эмас балки заруриятдир».

### **Герберт Спенсер – инглиз файласуфи ва психологи.**

«Цивилизация нима дегани? Бу олға кетаётган инсон ақли ҳар қадамда юзага келтираётган доимий кашфиётлардир: тараққиёт сўзининг ўзи ҳам шундан келиб чиққан».

### **Виктор Гюго – француз ёзувчиси**

«Ҳаётдаги бирдан- бир бахт доимо олға интилиш».

Э. Золя.

<sup>1</sup> И.А.Қаримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. , «Ўзбекистон», 1993 йил, 168-бет.

**Мавзуга оид тест саволлари:**

**Осиёда уйғониш даври қачон қайси мамлакатларда пайдо бўлган?**

- а) V-VII асрларда Хитойда;
- б) IX – XII асрларда Ўрта Осиёда;
- в) XIII – XV асрларда Эронда;
- г) Осиёда уйғониш даври ҳеч қайси мамлакатда содир бўлмаган.

**Тараққиёт қайси жараённинг қонуни?**

- а) тараққиёт табиат, ижтимоий инсон фаолиятининг қонуни;
- б) тараққиёт шунчаки бир ходиса;
- в) тараққиёт заруриятдир;
- г) барча саволлар тўғри.

**Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: 1993 й.
3. Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т.: 2003 й.
4. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар маданияти. Т.: 1998 й.

## 2 боб. Марказий Осиёдаги фалсафий фикрлар, унинг жаҳон маданиятида тутган ўрни.

Марказий Осиёдаги энг қадимги фалсафий қарашлар. Қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Афросиёб.

Ўрта Осиё кишилиқ маданиятининг энг қадимги марказларидан биридир. Ота-боболаримиз ўз маданияти тараққиётида фаол иштирок этганлар. Қадим пайтлардаёқ илм-фан,

архитектура, тасвирий санъат, мусиқа, ҳайкалтарошлиқ ва бошқа фалсафий, маънавий, маданий ёдгорликларни қолдирганлар. Лекин, кўпгина босқинчилик урушлари туфайли улар инкирозга юз тутган. Аммо, шу нарса аниқки, аждоқларимиз, ёзувлар, бадий оғзаки ижодиёт, афсоналар орқали ўзларининг орзу-истакларини, ёруғлик ва зулмат, золимлик ва адолат соҳаларини мадҳ этганлар. Табиат ва жамият соҳасидаги ҳодисаларни, зиддиятли қарашларни самимий ҳолда тушунтирганлар. Уларнинг ватанпарварлик, баҳодирлик хислатлари, кўшиқ ва шеърлар орқали бизгача етиб келган. Халқнинг аҳволи, меҳнати ва роҳати, шодлиги ва қайғуси, йил фасллари ҳамда табиат тўғрисидаги лавҳалар турли жанрларда тасвирланган. Мақол ва фалсафий сўзлар эзгу ниятларни тарғиб қилган. Буларнинг барчаси ўзбек халқининг ота-боболари дунё тарихига улкан ҳисса қўшганларидан далолат беради. Булар бизнинг фалсафий меросимиздир.

Ўрта Осиё халқлари тарихи бир неча минг йилликларни ўз ичига олади. Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда бу ўлкада екифлар, массагет деб аталган халқлар истиқомат қилганлар. Уларнинг ўз маданияти, фалсафаси, турмуши, ўзларига хос ривожланиш манбалари бўлган. Ўзларининг дунёқарашини, урф-одатлари асосида ҳаёт кечирганлар. Демак, ўзларининг тарихий шароитларидан келиб чиқиб фалсафий жараёнларни ҳам шакллантирганлар. Булар Ўрта Осиёнинг иқтисодий-ижтимоий шароитига боғлиқ бўлган. Дарёлардан суғориш ишларида фойдаланиш, хунармандчиликни ривожлантириш, маҳсулот айирбошлаш ва бошқалар такомиллаштирилган. Булар ўша даврнинг маданиятига, маънавиятига таъсир этмай қолмаган. Тарихчи Истархий Амударёни Хоразм тараққиёти билан боғлайди. Ўрта Осиёнинг қишлоқ хўжалиги, хунармандчилиги, савдогарчилигининг тараққий этиши шаҳарларнинг пайдо бўлишида туртки бўлган. Натижада шаҳар маданияти, маънавияти давр талабидан келиб чиқиб ўзгариб борган. Ўрта Осиё минтақаси ўша пайтларда ҳам иқтисодий-географик ва иқлим нуқтаи назаридан олсак, фалсафа ривожини учун қулай бўлганлигини манбалардан билиш мумкин.

Қадимда Ўрта Осиё ҳудудида Бактрия, Хоразм, Сўғдиёна, Марғиёна, Парфия, Амударёнинг қуйи оқими, Зарафшон воҳалари, Паркана (Фарғона) ва бошқа жойлар яшаш нуқтаи назаридан муҳим

хисобланган. Шу сабабли, бу худудларда XX асрда кўплаб текширишлар олиб борилди. Жумладан, Хоразмда рус археологиди С.П.Толстов, куйи

Зарафшон воҳасиди академик Я. Гуломов томонидан олиб борилган изланишлар кўпгина фикрларнинг ойдинлашишига ёрдам беради. Улар турли даврларга мансуб бўлган жуда қадимий шаҳарлар, кўрғонлар, мақбаралар, суғориш иншоотлари, турли хил истеҳкомларни очганлар. Тупроққалъа, Кўзали кир, Ёнбош қалъа, Чуст, Далварзин, Қизил кир, Варахша (Бухоро), Оқтепа (Тошкент) каби жойларда топилган турли буюм ва қолдиқлар ўша даврнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда доимий ашё бўла олади. Ёки антик дунё тарихчилари Клемент Александрийский, Ксенофонт, Страбон, Птолемей, Геродот асарларида ўтмишдаги халқларнинг фалсафий қадриятлари нималардан иборатлиги акс эттирилганки, улар ҳозирги вақтда асосий илмий манбалар бўлиб хисобланади. Қадимги даврлардаёқ Ўрта Осиёда аҳолининг қонларда ишлаганлиги, мис ва темир эритиш, улардан турли хил буюмлар, ҳарбий ва бошқа меҳнат қуроллари яшаш ҳамда кemasозлик, тўқувчилик, бинкорлик, заргарлик билан шуғулланганликлари ва савдо-сотик ишлари олиб борганликлари маълум. Ўша даврлардаёқ Фарғона водийсида аҳоли нефтдан фойдаланиб иш юритган. Буюк тарихчи Геродот аждодларимиз массагетлар тўғрисида шундай фикрни билдирган: “Улар отлик ва пиёда жанг қиладилар, бу икки хил жанг усулини биладилар; улар ўқ-ёй, найза ва дудама, қалта қилич билан қуролланганлар. Бу қуролларни улар жездан ясайдилар, бош қийимлари, камарлари ва боғичларини олтин билан безайдилар. Отларнинг кўкрак қалқонини жездан ясайдилар. Юган, сувлуқ ва бошқа от жабдуқларига ҳам олтин қадайдилар. Темир билан қумушни улар мутлоқо ишлатмайдилар, чунки уларнинг мамлақатида олтин билан мис ниҳоятда кўп бўлиб, темир билан қумуш мутлоқо йўқдир”<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, аждодларимиз турмуш тарзи ўша давр талабидан келиб чиқиб шаклланган. Ўрта Осиё халқлари антик дунё давридаёқ бошқа ўлкалар, қўшни мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик соҳаларини яхши йўлга қўйганлар. Бу эса фалсафанинг юксалишига, ҳамда байналминналлашига олиб келган.

Аждодларимизнинг Урал, Сибирь, Волгабўйи, Хитой, Ҳиндистон, Греция, Эрон, Сурия, Месопотамия, Вавилон, Миср мамлакатлари билан иқтисодий-маданий алоқаларини ўрнатганлиги, ўзларининг турмуш тарзини ўзгаришига, фалсафасини юксалтиришга олиб келган. Шу маънода Ўрта Осиё Фарб ва Шарқни боғлашда марказ бўлган, десак хато бўлмайди. Айниқса, Волга бўйлари, Уралолди, Жанубий Сибир, Қозоғистон, Эрон, Ҳиндистон мамлакатларининг фалсафий қарашларининг баъзи томонларини бизнинг маънавиятимиз ва маданиятимизга яқинроқ эканлигини сезиш қийин эмас. Эрамизгача бўлган биринчи минг йилликдан олдин ҳам Ўрта Осиё билан Хитой ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар вужудга келганки, бу аввало, Буюк Ипак йўли билан

<sup>1</sup>Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи», 1976 йил, «29-бет.

боғланган. Хулоса қилиш мумкинки, ўша даврлардаёқ Ўрта Осиё муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган худуд ҳисобланган. Юксак маданият ва фалсафанинг ривожланиши учун замин ҳисобланган.

Тарихимиздан маълумки, Ўрта Осиёликлар қадимги даврда Хитойликлардан, Хитойликлар эса Ўрта Осиёликлардан ўзаро ўрганганлар. Айнан Хитой халқи пахтачилик, тоқчилик, виночилик, шиша қуйиш ишларини Ўрта Осиёдан ўрганган бўлса, Ўрта Осиё халқлари эса Хитойдан ипакчилик, қоғоз ишлаш, чинни буюмлар яшаш кабиларни ўзлаштирганлар. Бундай ўзаро муносабатларни тарихий йилномалардан билиб олиш мумкин. Хитой йилномаларининг бирида шундай фикрлар мавжуд: "Юэ-чжи (Хитой) вилоятларининг пойтахтида савдо қилган (Ўрта Осиё) аҳолиси, биз тошни эритиб, ундан ҳар хил рангли шиша яшашни биламиз деб айтдилар ва тоғлардан, конлардан руда келтириб, пойтахтда улардан шиша қуйиш устида тажриба ўтказдилар; тажриба муваффақиятли чиқди. Уларнинг шишаси шу қадар ялтироқ эдики, бу жиҳатдан у ҳатто Ғарбий мамлакатларниқидан (Рим ёки Сурия шишаси кўзда тутилса керак 3.Д.) устун чиқди. Шунинг учун ҳам подшо уларнинг шишаларидан тахт турадиган залларда ёки саройларда фойдаланишни буюрди; шишалар ялтироқ рангда бўлиб, жуда тиниқ эди; уларга қараб ҳамма таажжубга тушар ва бу шишаларни илоҳий деб ҳисоблар эди"<sup>1</sup>.

Шубҳасиз, ўша даврдаги иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар халқ маҳаллий фалсафа ижодиётига ҳам таъсир этмай қолмаган. Қадимги давр халқ оғзаки ва ёзма ижодиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳам ўша даврдан қолган ёдгорликлар асосида билиш мумкин.

Санъатлар ичида бадий сўз санъати энг қадимий десак, хато бўлмас. Оллохнинг инсонга берган неъматни ҳисобланган нутқ қадим даврлардаёқ мукаммал характерда бўлган. Ўша давр маънавияти, сиёсати, мафқураси, шу сўз санъати, нутқ асосида амалга оширилган. Меҳнат жараёнининг такомиллашиши билан бадий сўзлаш ва ёзма ишлар ҳам пайдо бўлганки, халқнинг турмуш тарзи уларсиз ривожланиши мумкин эмас эди. Инсонлар ҳаёт тажрибаларини, табиат ва жамият ҳодисаларини образлар орқали характерлаш, баён қилиш кўникмаларини ҳосил қилганлар. Натижада турли соҳалар турмуш тарзидан келиб чиқиб ривожланган. Хулоса қилиб айтсак, ёзув ва ёзма адабиётдан олдин оғзаки ижод пайдо бўлган ва ёзма адабиётнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Ўрта Осиё халқларининг оғзаки адабиёт ёдгорликларининг манбалари (баъзи бирлари) бизгача етиб келган. Буларга мисол қилиб Геродот, Ктезий, Полиэн, Харес Мителенский ва бошқа алломаларнинг асарларини олиш мумкин. Уларнинг асарларида Ўрта Осиё халқ оғзаки ижодидан намуналар ёзиб қолдирилган.

Қадимги Хоразмда азалдан турли тадбирлар амалга оширилган. Узоқни кўра биладиган шоҳлар иш юритганлар. Аҳмонийлар тажовузи

<sup>1</sup> Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Т. , ўқитувчи, 1976 йил, 40-бет.

арафасида Хоразм жуда катта кенгликдаги ерларни ўз қармоғида сақлаган. Бу кенгликка Сирдарёдан Ўрта Афғонистонгача бўлган ерлар (Бақтрия ва Гирканиядан ташқари) киради. Суғдиёна, Парфия, Ария ўлкалари Хоразм подшоликлари таркибида бўлган. Подшоларнинг талбиркорлиги туфайли эрамиздан олдинги IV асрда Хоразм аҳмонийларга қарамликдан халос бўлган. Ҳатто Александр Македонский бостириб келганда ҳам Хоразм ўз мустақиллигини сақлаб қолади. Ўша пайтдаги Хоразм ҳукмдори Фаразманнинг донишмандлиги, сиёсатни яхши олиб борганлиги туфайли Александр билан эрамиздан аввалги 329 йишда иттифок тузиб вайронликларни олдини олган. Шундай бўлсада, Александрни ашаддий душмани (бир йилдан сўнг) Спитаменга Хоразмдан бошлана беради. Мазкур иш ватандошликнинг ҳис-туйғуси эди. Бу Александр томонидан (юнонлик тарихчи Диодорнинг гувоҳлик беришича) Хоразм ихтиёридаги Суғдиёнада кўзғолон кўтарган 120 минг аждодларимизни кириб ташлаганлигини сабаби ҳамдир. Александр вафотидан сўнг Салавак асос солган Салавкийлар салтанатига тобеликдан ҳам Хоразм қутулиб қолган, яъни дахлсизлигини сақлаган. Хоразмликлар милоддан аввалги асрда Қора денгиздан тортиб Фарғонагача бўлган худудда ўз сиёсатини юргизган. Қудратли давлатнинг эгаси бўлган ҳукмдорлар ўша вақтдаёқ ўз тангаларини зарб эттирганлар. Тангаларда подшоҳ ва аскар тасвирланган. Демак, ўша даврларда иқтисодиёт кучли бўлганки, катта лашқарлар тузилган ва улардан фойдаланилган. Ҳарбий маҳоратга эга бўлганлар. Улар ўша пайтларда зардуштийлик динига эътиқод қилганлар. Уларнинг турмуш тарзига эътиборни қаратсак, водийларда ўтроқ, даштликларда эса кўчманчи, ярим кўчманчилик ҳолида яшаганлар. Яшаш тарзидан қатъий назар улар ватанпарвар, меҳнатсевар, мард кишилар сифатида фаолият кўрсатганлар. Хоразм ўз даврининг энг қудратли ва тараққий этган сиёсий, иқтисодий, маданий марказлардан ҳисобланган.

Александрнинг вафотини эшитган юнонликлар Бақтрия ва Суғдиёнани ташлаб кетишга ҳаракат қиладилар. Александрнинг лашқарбошчиси Салавак Суғдиёнада ҳукмронликни қўлган олган. У маҳаллий аҳолини, маданиятини умуман инкор этиб, бошқарувда ҳам ўз одамларини кўйган. Истеҳком ва турли иншоотлар қуриб у ҳарбий куч орқали аҳолини бўйсундирган. Македонияликлар факат юнон маданиятини тарғиб этишни вазифа, деб билганлар. Таъкидлаш лозимки, ўша даврларда эллинлар маданияти ҳақида сўз кетганда юнон македонияликлар маданияти Ўрта Осиёга таъсир қилган дейилади. Аслида эса Ўрта Осиёдаги зардуштийлик динининг таъсирида кўпгина файласуфлар ўз таълимотларини яратган бўлсалар, ажаб эмас. Масалан, олима Фозила Сулаймонованинг фикрича грек файласуфлари таълимотида тараққиётнинг асоси олов, деб кўрсатилиши бежиз эмас.

«Александр» бошлаб берган «юнонлар даври»дан бир неча юз йил муқаддам, яъни милоддан аввалги VII-VI асрлардан буён қадимги юнонликлар маданий ҳаётига минтақамиз маданий-маънавий муносабатларида асосий ўрин тутган зардуштийлик (оташпарастлик)



таълимотининг таъсири катта бўлган. Бунинг исботи ўрнида файласуф, астроном, математик, физик Фалес (милоддан аввалги тахминан 624-575 йиллар), унинг кичик замондоши, Европа адабиёти тарихида дастлабки насрий асар муаллифи Анаксимандр (милоддан аввалги 610-546 йиллар), файласуф Анаксимен (милоддан аввалги 585-523 йиллар), Гераклит (милоддан аввалги 544-475 йиллар), Платон (милоддан аввалги 428-348 йиллар) ва унинг шогирди Арасту (Аристотел: милоддан аввалги 384-322 йиллар) ва бошқа юнон мутафаккирлари ижоди ва меросини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, Гераклитнинг ҳамма мавжудотнинг асоси деб оловни билиши, дунёдаги барча ҳаракатлар қарама-қаршилик муносабатидаги кучлар бирлигидандир каби ғоялари зардуштийликдаги оташпарастлик, ҳаётнинг эзгулик ва ёвузлик аро доимий кураш, зиддият остида кечиши каби таълимотлари таъсирида шакллангани маълум. Зеро, милоддан аввалги 1-минг йилликнинг дастлабки ярми охирларидаёқ, зардуштийлик таълимоти минтақамиздан Эрон орқали юнонликлар мамлакатада ҳам машҳур бўлгани маълум». (Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: «Шарк», 2001 йил, 39-40-бетлар)

«Минтақа шаҳарлари тарихида V аср охири VI аср бошлари катта жонланиш йиллари бўлгани маълум. Айниқса, кичик шаҳарларнинг тезлик билан ўсиб бориши, ҳашаматли бинолари бўлган алоҳида-алоҳида кўрғонларнинг юзага келиши ва кўпайиши Хоразм, Сўғдиёна, Шош ва Бактрия вилоятларида кенг кузатилади. Бунда иқтисодий-савдо муносабатларининг изчил йўлга қўйилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Ўйлаймизки, минтақамизнинг анъанавий иқтисодий имкониятлари (деҳқончилик, сунъий суғориш, чорвачилик, боғдорчилик, хунармандчилик ва бошқалар) бу даврда ҳам ўз эркинлиги ва озодлигини, тараққиётини бўшаштирмаган. Бу давр манбаларида йирик йўқотишлар содир бўлмагани ҳақида гувоҳликлар етарли.

Айниқса, савдо-сотик гуркираб ривож топган. Бир томондан, улкан минтақанинг сиёсий жиҳатдан яхлитлиги, иккинчи томондан, Шарк ва Ғарб мамлакатлараро иқтисодий-савдо муносабатлари оралиғида жойлашиши ички ва ташқи савдо ишларининг янада тараққий этиб боришига қулай шароит яратиб берган. Бу эса ўз ўрнида йўл, қатнов, таъминот, хизмат кўрсатиш тармоқларининг кенгайиб боришига йўл очган. Ташқи савдода ипак, лак, бўёқлар, рангли шишалар, қимматбаҳо тошлар, арғимоқ отлар, матолар, ширинликлар, қурол-яроғ каби ноёб маҳсулотлар бозори чакқон бўлган. Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, Буюк Ипак йўлининг ҳар иккала йўналишининг (шимолий – Турфон, Кошғар, Фарғона, Сўғдиёна, Марғиёна; жанубий-Хўтан, Ёркенг, Помир, Бактрия) эфталийлар салтанати ҳудудидан ўтиши ҳам муҳим аҳамият касб этгани табиий” (Ўша китоб, 77-78-бетлар).

Мамлакатимиз ҳудудида маданий-маънавий ҳаёт қушонлар даврида анча ривож топган. Ўша вақтларда Сўғдча, Хоразмча, Парфияча, Бактрияча ёзувлар пайдо бўлганлиги бу ердаги ривожланишдан далолат эди. Мазкур ёзувларда халқнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий, фалсафий

ҳаётига хос фикрлар акс эттирилган. Улардан тарихчилар фойдаланиб ҳозирги замонда хулоса чиқарсалар, адабиётчилар эса кизиқарли воқеаларга дуч келадилар. Масалан, Сўғдлик аёлнинг ўз онаси билан ёзишмалари (312-313) да ижтимоий воқелик билан бирга оилавий муносабатлар, севги сирлари мавзуларининг ифодаланиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Айнан кушонийлар даврида минтакамиздаги маданий ҳаётнинг қурувчилик, ҳайкалтарошлик, расомлик, наққошлик каби соҳалари меъёрида ривож топган. Сўғдиёна, Бактрия, Тошкент, Фарғона, Термиз, Шаркий Туркистон каби жойларда олиб борилган археологик тадқиқотлар шундай мулоҳаза юритишга асос бўла олади. Ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш, турар жой қуриш, сунъий суғориш ишлари, мудофаа ишлари, тижоратга тааллуқли ишхоналар барпо этиш ишлари долзарб бўлган. Девоқларда ишланган расмлар, нақшлар ўша давр воқелигини намоён қилган. I-II нчи асрлар давомида илм-маърифат соҳаси янада тараққий қилиб астрономия, математика, мусиқашунослик, грамматика, метеорология, химия, фалсафа, тиббиёт, доришунослик каби йўналишлар инсонларда катта қизиқиш уйғотган. Кушонийлар Ҳиндистоннинг катта қисмини эгаллаши натижасида Сўғдиёна салтанати Пешоварга кўчирилиши оқибатида буддаларастлик дини ўлкамизга ҳам тарқалган. Бизнинг худудимиздан Хитойга, сўнроқ Тибетга ва Японияга тарқалган.

“Минтақанинг кушонийлар даври ташқи алоқаларида савдо-сотик алоҳида аҳамият касб этган. Милоддан аввалиги II асрдаёқ шакллана бошлаган Буюк Ипак йўли бу вақтда жадал суръатлар билан фаолият кўрсатар эди. Хитойдан Туркистонга ва у орқали Фарғона мамлакатларга ипак, лак ва бошқа маҳсулотлар, Хитойга эса зотдор ағдумоклар, шишадан ясалган турли буюмлар олиб борилган. Сўғдиёналик, Бактриялик савдогарлар Рим салтанати шаҳарларида савдо-сотик билан шуғулланиб, кимматбаҳо тошлар, темир ва темир буюмлар, қурол-яроғ, ипак каби маҳсулотлар билан таъминлаб турганлар ва уларнинг эвазига асосан олтин, қумуш тангалар олиб қайтганлар. Римлик савдогарлар ҳам ўлкамизга келишда асосан, олтин ва қумуш тангани ҳамлаш ҳисобига маҳаллий молларни сотиб олганлар. Савдогарларнинг эса кўп ҳолларда элчилар билан ҳамроҳ бўлиб юрганликлари яхши маълум. Рим билан муносабатлар ҳам бундан мустасно эмасди. Чунончи, 99 йили кушоний ҳукмдорнинг элчилари Рим императори саройида бўлганини биламиз» (Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: “Шарқ”, 2001 йил, 72-бет).

Ўрта Осиё уйғониш даврида ва кейинроқ, ижод этган тарихчилар Ҳамза Исфохоний, Табарий, Масъудий, Беруний, Саолибий ва бошқалар асарларида ҳақиқий халқ оғзаки ижодиёти орқали халқларининг фалсафий фаолияти таърифланган ва тасвирланган.

Қадимги оғзаки ижод ёдгорликлари: мифлар, афсоналар, қаҳрамонлик эпоси, кўшиқлар, лирик шеър ва бошқалардан иборатдир.

Шу соҳалар орқали қадимги Ўрта Осиё маънавияти ва маданияти, турмуш тарзини билиш, ҳамда хулосалар чиқариш мумкин. Жумладан,

шулардан бири «Эрхубба» афсонасидир. Хубби образи мисолида биз аждодларимизнинг юксак маънавияти билан танишамиз. Хубби афсонавий қахрамон сифатида тасвирланган бўлгани учун ҳам маълум маънода ўтмишдаги инсоний хислатларни ўзида акс эттирган. У сув худоси инсонларни ҳалокатдан қутқарувчи қахрамон, ватанпарвар инсон сифатида тасвирланади.

Юксак фалсафийлиликни яна бир оғзаки ижодда кўрамиз. Бу "Зарина ва Стриангия" қиссасидир. Бу қиссада шаклар подшоси вафот этиб, унинг ўрнини хотини Зарина эгаллайди. Тадбиркор ва кўркмас бу аёл қабила тинчлигини ва мустақамлигини сақлаш учун ҳаракат қилади. Зарина тарафдорлари билан Мидия подшолиги ўртасида бўлган жангда Стриангия Заринани ярадор қилади. Заринанинг ботирлигини кўрган Стриангия уни асирликка олмайди. Лекин, орадан бироз вақт ўтгач, Парфия шоҳи Заринага уйланиб, шакларни ўзига таслим ва тобеъ қилмоқчи бўлади. Зарина унга кўнмайди. Бирок шоҳ зўрлик қилиб уйланади ва шакларни қарам қилади. Заринадаги ўз қабилисига бўлган ҳурмат уни курашга отлантиради. Шу пайт, Парфия билан Мидия ўртасида жанг бўлиб, мидияликларнинг кўплари асирга тушади. Асирлар билан Зарина бирлашиб Парфия шоҳига қарши тўсатдан ҳужум қилади. Парфия шоҳи енгилиб, асирлар озод бўлади. Зарина уларни химоясига олиб, қабилисани мустақиллигини тиклайди. Бу жараёнларда Стриангия Заринани севиб қолади. Зарина эса Стриангияни жасур ва мард жангчи сифатида эъзозлайди. Стриангиянинг уйланиш ҳақидаги таклифини рад этади. Сабаби, унинг хотини бор эди. Стриангия бунга чидай олмай ўзини-ўзи ўлдиради. Кўриб турибмизки, бу халқ оғзаки ижодида ҳам, ватанпарварлик, мустақиллик учун кураш, севги-садоқат сингари юксак маънавий, фалсафий қирралар ўз аксини топган. Афсонадаги қахрамонлик ва севги жиҳатлари ҳар қандай инсон қалбини ларзага келтиради. Чунки, бу қиссада инсоннинг ақл-заковати, тадбиркор бўлиши, ор-номуси, одоби, ҳурмат ва эҳтироми, қахрамонлиги ва севгиси фалсафий жиҳатдан ёрқин тасвирланган. Демак, ўша даврда ҳам ушбу инсоний хислатларга кўпроқ эътибор қаратилган деган хулосани чиқариш мумкин.

Узоқ замонлардаги ҳодисаларни янада яққолроқ тушуниш учун яна бир афсонавий воқеани мисол қилиб олиш мумкин. Бу «Зариандр ва Одатиди» афсонасидир. Бу афсонада ҳам қахрамонлик, севги-муҳаббат ҳодисалари тасвирланган, унда кўрсатилишича, Гуштасб Мидияда, унинг укаси Зариандр Каспий денгизидан Танаис (Сирдарё)гача чўзилган юртда подшоҳлик қилганлар. Танаиснинг нариги томонида Скиф шоҳи Омаргнинг қизи Одатиди яшаган. Одатиди ва Зариандр бир-бирини тушида кўриб севишиб қоладилар. Зариандр қизга уйланиш учун совчи юборади. Лекин, Омарг ёлғиз қизини узоқ юртга беришни истамайди. Зариандр ўз ахдидан қайтмай, аравакаш ёрдамида Танаисдан кечиб ўтиб, Омарг қароргоҳига келади. Омарг йигитлар шарафига зиёфат бериб, қизига айтадики, ёқтирган йигитингга олтин қадахда май тутгин дейди. Зиёфатда скиф кийимида Зариандр ҳам қатнашаётган бўлади. Одатиди айнан, олтин

косада Зариадра май тугади. Зариадр Одатидани олиб ўз юртига кетади. Қиссадан хисса шуки, бу афсонада ҳам оилавий муносабатлар, севги жараёнлари акс эттирилган. Қиз ва йигитнинг севги бобидаги эркинлик хис-туйғулари ўртага қўйилганки, булар қадим даврдаги фалсафий ҳаёт жараёнларидан дарак беради. Шу каби фалсафий жараёнлар акс этган Митра, Каюмарс, Гершасп, Гўрўғли, Алпомиш, Рустам, Широқ, Сиёвуш каби қахрамонлар халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлганки, уларда баҳодирлик, мардлик, халқни севувчи, филокорлик кўрсатувчи кишилар образи тасвирланган.

Бундан ташқари, ўша даврда меҳнат, қахрамонлик, маросим, мавсум қўшиқлари бўлганки, уларда фалсафий фикр юритилган.

Ўрта Осиёда ҳам бошқа мамлакатларда бўлгани сингари қадимий динлар мавжуд бўлиб, улардан баъзилари устида тўхталамиз. Шулардан бири зардуштийликдир. Зардушта-таржимаси, тилла рангин, кекса туяларнинг соҳиби маъносини беради. Бу дин ўзининг софлиги билан диққатга сазовордир. Шу билан бирга, бу дин, ўз даври инсонларнинг маънавияти, маданияти, урф-одати, фалсафаси, ахлоқ-одобини ўзида акс эттиради. Зардуштийлик баъзи муаллифларнинг фикрича, аввало меҳнатқаш халқнинг ахлоқий қоидаларини ифодалаб, кейинроқ диний кишилар қўлида сиёсат юргизишда қўл келган. Аслида зардуштийлик жамиятни тинч ва осойишталик, барқарор ҳолатда бўлиши, инсонларнинг бир-бирларига маслақдош, қўмақдош бўлиши каби фалсафий ғояларни олға сурган. Шу билан бирга, зардуштийликда инсонларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий нормалари ҳам ифодаланган.

#### «Авесто»да фалсафий ғоялар.

Зардуштийлик дини эрамизгача бўлган даврда, VII-VI асрларда шаклланган. Унга ~~Зардушт~~ исмли аллома асос солган. Баъзи бир муаллифлар эса Зардуштни Хоразмда, баъзилари эса Озарбайжонда туғилган, деб фикр юритишади. Зардуштнинг қаерда туғилишидан қатъий назар унинг таълимоти ибтидоний жамоа даврининг охири, қулдорлик жамиятининг бошланишида дин сифатида шаклланган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да келтирилган фикрлар мулоҳазамишни тасдиқлайди. Бу дин Ўрта Осиёда ислом дини тарқалишидан сўнг ҳам баъзи жойларда бирмунча вақтга қадар сақланиб қолган.

Муқаддас китоб эрамизгача бўлган даврнинг VII аср охири VI-аср бошларида яратилган. Ундаги асосий ғоялар «Таврот» ва «Қуръон»да келтирилган фикрларга яқиндир. Зардуштийликни қадим даврдаги диний ақидалар, деб тушуниш унчалик тўғри бўлмай, балки уни ўша даврнинг ҳукмрон мафқураси, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, фалсафий қарашлари, деб тушуниш керак. Унинг назарий асоси - "Авесто" хулосалари шундан далолат берадики, зардуштийлик фикрлари китоб ёзилишидан олдинги кўп минг йиллик тажриба ва ҳаёт, турмуш тарзларини умумлаштириш сифатида юзага келган. "Авесто"да афсонавий фикрлар билан бирга

инсонларнинг ҳаётий тажрибалари ҳам ўз аксини топган. Бу муқаддас китоб узоқ асрларнинг тарихи ва ривожланишини, иқтисодий-ижтимоий ҳолатини, фалсафаси, тили, ёзуви, халқ оғзаки ижоднинг манбаси сифатида ҳам қадрлидир. Айниқса, ундаги фалсафий жиҳатларга қаратилган боблар кишини ҳайратда қолдиради. У 21 та китобдан иборат, ammo уларнинг кўпчилиги йўқолиб кетган. Унинг энг қадимги нусхаси 1324 йилда кўчирилган бўлиб, Копенгагенда сақланади. "Авесто" қадимги Эрон тиллари гуруҳидаги тилларнинг қадимги ёдгорликларидандир. Ундаги инсонларнинг орзу-умидлари, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги муносабатлар диққатга сазовордир.

Китобнинг асосий мазмуни инсонларнинг ҳудого мурожаат этиб, илтижо қилишларига бағишланган. Худодан тинчлик, чорва моллари, яйловлар, суғориш майдонларини тилаганлар. Китобда Ахурамазда худодик қиёфасидан чиқиб, адолатли шох қиёфасига ўтиши тасвирланган. У адабий ёдгорлик сифатида инсонларнинг маънавий қиёфасини жуда жиддий тасвирлаган.

Авестода меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ботирлик, жасурлик, ва тозалик, моддий тўқин-сочинлик учун кураш кабилар тилга олинганки, улар инсон маънавиятини кўтаришга қаратилган эди. Оқилна турмуш тарзини, унинг маънавий ҳаётини, инсоннинг дунёқараши ва ахлоқий фазилатларини ўзида жиддий ифода этган. Ахлоқий қарашларда инсоннинг бурчи, маънавий поклиги тарғиб қилинган. Аёлларга ҳурмат кўрсатиш алоҳида таъкидланган, тозалikka риоя қилиш, сувлар, табиат маҳсулотларини тоза тутилиши каби соҳалар борки, улар инсонларнинг маънавий жиҳатларининг юксалишига даъват қилган.

Китобнинг диққатга сазовор яна бир томони борки, унда жисмоний ва маънавий жараёнлар уч даврга бўлиниб берилган. Биринчи давр: бу энг қадимги давр-у илк ҳаётни ифодалайди. Унда яхшилик тантана қилган. Ёруғлик ва инсоний хислат, саодат ҳукмрон бўлган. Иккинчи давр: бу ҳозирги давр бўлиб, унда кураш давом этади. Учинчи давр: келажакдаги ҳаётдир. Бу даврда инсонлар ақл-идроки ишга солиниб, бадавлат бўлиб яшайдилар. Яхшилик енгади, жаҳолат чекинади.

Китобдаги Ангра-маню худоси ёмонлик хислатларини тарқатадиган худодир.

Таъкидлаш лозимки, китобда деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларига катта эътибор берилган. "Авесто"да "деҳқончилиكنинг фойдаси ҳақида"ги бўлимда шундай фикр бор: "Моддий оламни, ҳақиқатни яратувчи заминдаги энг мухтарам манзил, қайси? нимадир"-деган саволга яхшилик худоси Ахурамазда шундай жавоб беради:-"Инсон уй тиклаб, оловга ва оиласига, хотини ва фарзандларига ўрин ажратиб берса, ем-хашаги кўп бўлиб, чорва ва итлари тўқ яшаса, уйда ноз-неъматлар муҳайё бўлиб, хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, уйда эътиқоди собит, олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, у манзил мухтарамдир. Кимки ўнг қўли ва сўл қўли билан ерга ишлов берса, меҳнат қилса замин раҳматига мушарраф бўлажакдир".

Ёки «кимки галла экса олижанобдир. Галла эккан киши эзгулик уругини сочади. Ахурамазда эътиқодни кучайтиради, эътиқодни мустаҳкамлайди».

Демак, бу ишларнинг бажарилиши билан инсонлар ёвуз кучлардан халос бўлади. Девларни мағлуб этади.

Юксак маънавийлик зардуштийлик фалсафаси бўйича жаҳолатнинг, ёмонликнинг олдини олишдир. Ундаги қадимги медицина, фазо тўғрисидаги фикрлар, астрономия ва фалсафага оид нодир фикрлар инсон қалбини ёруғликка чорлайдики, бу ёруғлик албатта, яхшиликка олиб боради.

Булар Ўрта Осиё халқларини фалсафий тафаккурни қадим-қадимларга бориб тақалганидан далолатдир. Ўрта Осиёдаги Хоразм, Сўғдиёна, Афросиёб, Шош худудларида деҳқончилик, хунармандчиликни ривожланиши олам, дунё тўғрисидаги фикрларнинг такомиллашшига туртки бўлган. Бу ерларда турмуш ва тил жиҳатидан ҳам бир-биридан катта фарқ қилмаган турли қабилалар ва элатлар: массагетлар, хоразмийлар, сўғдлар, парфиянлар ва бошқа халқлар яшаган. Булар кўчманчи чорвачилар ҳамда аллақачонлар ўтроқ-деҳқончиликка ўтган аҳоли эди. Сўнгра бирлашиб, ҳозирги замон Ўрта Осиё халқларини вужудга келтирганлар. Тарихга қанчалик кириб борилса, бир манбадан келиб чиққан халқларнинг бир-биридан фарқ қиладиган белгилар шунчалик камайиб боради. Хоразм, Сўғдиёна, Афросиёб аҳолиси ўртасидаги нисбат ҳам шундай. Грек тарихчиси Страбон Бактрия, Сўғдиёна, Эрон, Мидия аҳолисининг тили ҳам бирлигини ифодалайди. Узок тарихий жараён давомида қадимги Эрон тиллари группасидаги тиллар заминида кейинчалик тожик, форс ва бошқа тиллар шаклланганлиги каби қадимги туркий тиллар группасидаги тиллар заминида ўзбек, уйғур, туркман, киргиз ва бошқа туркий тиллар вужудга келган. Эрон тиллари группасидаги тил асосан Тожикистон худудидаги аҳолини тили бўлиб қолган. Бу тил асрлар мобайнида Фарғона, Сўғд ва Хоразмда ҳам сақланиб қолган. Хоразм ёзуви орамий ёзувларнинг энг қадимги урф-одатларини сақлаб қолган ёзувлардандир. Демак, ёзувга эга бўлган Хоразм, Сўғдиёна, Афросиёб халқлари фалсафаси ҳам қадимдандир. Бу тилларда сўзлашган халқлар диний ва материалистик қарашларни ўртага қўйганлар. Яхшилик ва ёмонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, яратувчилик фалсафасига эътиборни қаратганлар. Сўғд, Хоразм ва бошқа жойларда етишган олимлар сайёраларни, юлдузларнинг туркумларини ўрганганлар. Уларга номлар берганлар. Буржларни аниқлаганлар. Гороскоплар тузганлар. Физика, математика, фалсафа ва тиббиёт билан шуғулланганлар.

2001 йил октябрь ойининг охирида муқаддас китоб «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланди. Бу тадбир ҳам аждодларимизга бўлган хурмат ва эътиборнинг амалий ифодасидир.

**Искандар истилоси ва  
Грек Бактрия даври  
фалсафаси.**

Ўрта Осиёда Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) номи кенг тарқалган. Эрадан олдинги IV-III асрларда

Ўрта Осиёда босқинчилик туфайли турли ўзгаришларга сабабчи бўлган бу подшоҳ мазкур ўлқанинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий фаолиятига қаттиқ таъсир қилган. Ўша вақтларда Сўғдиёна деб аталган воҳада давлат тузилиши халқнинг турмуш тарзи, маънавий, фалсафий жиҳатлари ўзига хос мазмунга эга бўлган. Тарихий даврларни ўзида мужассамлаштирган Александр Македонский тарихи ҳақидаги (Квинт Керц Руф) асар кўпгина маълумотларни берадики, бу маълумотлар ўша даврнинг фалсафасини ўрганишга ёрдам беради. Унда Амударё ва Сирдарё оралиғидаги тарихий воқеалар тафсилоти мукамал ифодаланган. Мутахассисларнинг фикрича бу асар ҳатто Александр Македонский билан бирга бўлиб, унинг ҳақида асар ёзган Плутархнинг “Александр” романидан ҳам устун туради. Асарнинг VII китобида ва VIII китобнинг бир қисмида Ўрта Осиёдаги бўлиб ўтган воқеалар ўз аксини топган. Асарда Ўрта Осиёда яшаган скифлар ҳақида кенг маълумот берилган. Асарда Скиф халқининг, яъни аجدодларимизнинг матонатли, меҳнатқаш ва кучли ирода эгаси бўлганлиги тасвирланган. Ҳароратнинг баландлиги чўл ва биёбонларнинг кўплиги оғир меҳнат натижасида кун кечирришдан далолат эди. Искандар Амударёдан ўтганининг тўртинчи кунда Мароқандга етиб келади. Мароқанд(Самарқанд)нинг деворлари баланд ва мустаҳкам бўлган. Унинг ичидаги қалъа иккинчи девор билан ўралган. Александр у ерда катта қўшинини қолдириб, ўзи яқин орадаги қишлоқларни ёқиб ташлай бошлаган<sup>1</sup>.

Бу фикрлардан маълумки Искандар Ўрта Осиёда ўта шафқатсизлик ва талон тароҷликни авжига чиқарган. Қишлоқларни Кул тепага айлантирган. Шаҳарларни вайрон қилган. Бунинг натижасида маҳаллий аҳоли турли йўллар билан подшоҳга қарши чиқиб ватанпарварлик туйғуларини намойиш қилганлар. Узоқ ўтмишимизда яшаган аجدодларимизнинг кўпчилиги кириб ташланган. Одамлар кул қилиниб ҳайдаб кетилган. Минглаб кишилар аёвсиз кириб ташланган. Сон-саноксиз аёллар ўз яқин кишиларидан ажралган. Ҳатто тирик болалар итларни олдига ташланган. Натижада маҳаллий аҳоли Спитамен бошчилигида Александрга катта талофотлар етказган. Ватанпарварлик намуналари намойиш этилган.

Искандар томонидан Ўрта Осиёда бир нечта шаҳарлар қурилган. Уларнинг баъзилари Искандарсой, Искандаркўл, Искандар қалъа, Искандар минора, Искандар шаҳар номлари билан аталган. Маҳаллий аҳолини шижоати туфайли Искандар айнан шу ҳудудда яраланади. Яқин саркардаларидан ажралади. Ўзи эса ором олиб яшай олмайди. Бундай

<sup>1</sup> Файзулла Бойназаров. Антик дунё. Т., «Меҳнат», 1989 йил, 45-бет

лавҳалар шундан далолат берадики, Ўрта Осиё халқлари ўша вақтларда ҳам дунёни душмандан сақлай оладиган, соткинликни билмайдиган, ўз юртини химоя қиладиган, ўзаро меҳр-оқибатга эга бўлган фалсафани кулол қилиб олганлар. Кўп жойларда катта талофот кўрмаган Искандар Мароканд ерларида мисли кўрилмаган қийинчиликларга дуч келади. Чунки, аждодларимиз адолат ва тинчлик учун курашганлар. Ўзларининг рухий кечинмаларига эга бўлган Скиф элчилари, мардонаворлиги билан подшоҳ савол-жавобларига қатъий ва жиддий ёндашганлар. Бу эса ўша вақтдаёқ халқимиз ўртасида донишмандлар, фозиллар, ақли расо кишилар бўлганлигидан далолат беради. Зикр этилган асардан маълум бўладики, Скифлар бошқа уруғлардан фарқ қилиб, уларнинг фикр ифодалашлари кўпол эмас, балки маданияти ҳам устунлигидан далолат беради. Нутқлари жозибадор бўлган. Ўзига хос адабиёти бўлган. Александр билан бирга бўлган Аристобул маҳаллий халқ афоризм(фалсафий фикр)ларини тўплаб Искандарга ўқиб берганда, унинг жаҳли чиқиб, афоризмларнинг жозибадорлигидан ёзилган дафтарни йиртиб-йиртиб дарёга улоқтирган экан.

Скифлар, Искандар билан бўлган суҳбатларининг бирида, унга кўплаб саволлар бериб, ўзларининг фикрларини ҳам ошқор қилганлар: биз сенга хизмат қилишни хохламаймиз, эгилишни раво кўрмаймиз, бизга хўкиз, омон, қилич, ёй ва қозон товоқ бўлса бас. Барча нарсаларни дўстларимиз билан баҳам кўраимиз. Биргаликда душманга қарши курашамиз. Ер ҳайдаймиз, ҳосил оламиз. Товоқда дўстлар билан вино ичамиз. Ёйда душманни қирамиз, қиличда яқиндагисини. Шунинг учун ҳам Сурия, Эрон ва Ҳиндистон шохларини енгиб келганмиз, деб айтадилар. Бу фикрлар шундан далолат берадики, ўтмишдаги аждодларимиз меҳнатсевар, аҳил, кўрқмас ва ботир, меҳрибон бўлганлар. Олам воқеаларини ҳолисона баҳолай олганлар. Берилган саволлар ичида «Нега бизнинг еримизга оёқ босдинг? Сен ким, қаердан келдинг? Нега тинчлигимизни буздинг?» деб берган саволлари ҳақиқий фалсафий характердаги саволлар бўлган. Бу саволлар, бир қўлида Европани, иккинчи қўлида Осиёни тутиб турган Александрни шошириб қўяди. Бу скифларнинг довурак, кўрқмас, қатъий фикрли бўлганлигидан далолатдир. Скиф душманлари билан бўлган мунозара мактов ва хушомадлардан ҳоли бўлиб, ўртада кескин қарама-қаршилик, шиддатли сўз ўйини бўлганлигини ифодалайди. Скифлар ўзларининг маънавий жиҳатдан бакувват ва устун эканликларини кўрсатадилар. Керц асарида шундай фикрлар бор -- «Сен бу ерга қароқчиларни тутгани келганман, деб мактанасан, ўзинг талон-тарож билан шуғулланаяпсан-ку? Сенга бу бойликларнинг нима кераги бор. Бизга ўзга юртларнинг ҳокимлари керак эмас». Бу фикрлар ҳам ўша вақтдаги халқларнинг ўткир фалсафасидан далолат беради.

Салавкийлар ва Грек Бактрия давлати ҳукмронлиги даврида Грециядан узоқда, Ўрта Осиё, Эрон ва бошқа ўлкалар аҳолисининг фаол иштирокида Шарқий Эллинизм фалсафаси тарқала бошлаган. Бу фалсафа ўз даврида грек фалсафаси тараққиётига ҳам хиссасини қўшган эди.



Бактрия хукмронлиги даврида Зардуштийлик ҳам Бактрия давлати диний фалсафасини ривожланишига таъсир қилган. Ўша пайтларда мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар Ўрта Осиёда фалсафий тараққиётга таъсир кўрсатган. Эрамиздан аввалги биринчи мингйиллик ўрталарида Ўрта Осиё ва Эронга Суриядан оромий ёзув кириб келган эди ва бу ёзув Хоразм, Сўғд бошқа маҳаллий ёзувларнинг вужудга келишига асос бўлган. Бир вақтнинг ўзида Сўғд ёзуви таъсири билан пайдо бўлган уйгур ёзуви Мўғул ва Манжур ёзувларининг шаклланишига замин яратган. Бу каби ўзгаришлар жамиятнинг маданий, фалсафий ҳаётини ҳам ўзгартиради. Ўрта Осиё билан Греция ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқа жуда қадим замонларда бошланган. Эллин маданияти Ўрта Осиё маданиятининг раванқ топишига ва Ўрта Осиё маданияти Эллин маданиятининг раванқ топишига самарали таъсир кўрсатган. Ўша вақтларда Ўрта Осиёда грек худоларига атаб ибодатхоналар қурилган. Зевс билан зардуштийларнинг бош худоси Ахура Мазда, Апполон билан Митра, Афродита билан Анахита бир-бирига яқинлашиб ҳатто қўшилиб кетади.

Грек Бактрия давлати хукмронлиги даврида ва Ўрта Осиё аҳмонийлар томонидан истило қилинган даврда Эрон тилларига кирувчи лаҳжалар сақланиб қолиб ўша замон фалсафаси ана шу тилларда акс эттирилган. Шу тиллар орқали оламни тушунишга интилганлар.

**Марказий Осиёда  
буддавийлик. Моний  
фалсафаси. Маздак ғоялари.**

**Ўрта Осиёга тарқалган  
буддизм дини даври ҳам муҳим  
аҳамиятга эгадир. Буддизмнинг ўзи**

қадимий динлардан бўлиб, аслида диний-фалсафий таълимотдир. Дунёдаги 3 та йирик динлар қаторига киради (буддизм, христианлик, ислом). Унга, қадимги Ҳиндистонда эрамизгача бўлган даврнинг VI - V асрларида шахзода Сиддхартха Гаутама томонидан асос солинган. Кейинчалик у будда, деб атала бошланган. Будда дини пайдо бўлишининг биринчи асридаёқ 18 та секталарга бўлиниб кетган. Бу дин Брахманизм ва индуизм динларига қарши чиқиш натижасида такомиллашиб борган. Эрамиздан олдинги I минг йилликнинг III асрларидан бошлаб Жанубий-Шарқий ҳамда Ўрта Осиё, Сибир мамлакатларида кенг тарқалган. Буддизм таълимотининг марказида инсон борлиги ётади. Инсоннинг қайғуриши, қайғуришининг сабаблари, қайғуришдан холос бўлиш, қайғуришдан озод бўлишнинг йўли ушбу диннинг моҳиятини ташкил этади. Бу жараёнлар инсон борлиғидан келиб чиқади. Буддизм таълимоти инсонларга зарар келтирадиган соҳаларни қоралайди. Унинг баъзи секталари инсонни руҳий, руҳий-жисмоний ҳолатларини ўзгартиришга қақиради. Бу дин моҳиятига кўра инсон ҳаёт лаззатларига берилмаслиги лозим. Бу дин инсон борлиғини улуғлашга ҳаракат қилади. Руҳий фаолликка интилган одам ўз мақсадларига эришади. Буддизм ташқи диний ҳолатларни инкор этади. Бундай қарашлар Ўрта Осиё халқлари маданияти ва фалсафий қарашларига таъсир этмай қолмаган. XX асрнинг охириги ўн йилликларида

Сурхондарё вилояти худудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, бу жойларда ҳам аждолларимиз булдузм асосида тоат-ибодат қилганлар. Топилган қадимий ҳайкалчалар шулардан далолатдир.

Ўрта Осиёда пайдо бўлган таъломотлардан бири бу Монийчилик таъломотидир.

Зардуштийликдан кейин янги йўналиш-монийчилик пайдо бўлдики, бу таъломот фалсафасида оламда нур дунёси яхшилик, ёвузлик дунёси эса зулматдир, деб кўрсатилади. Шулар ўртасида доимий кураш бўлади. Унда ҳам юксак маънавиятлилик ўртага қўйилган, унга эришиш йўллари акс эттирилган. Монийликнинг устуворлиги шундаки, унда инсон фаолиятига кўпроқ диққат эътибор қаратилган. Сабаби, зулматни енгилда инсон ўз фаолияти, хулқи ва бутун ҳаёти билан курашади, натижада яхшиликнинг ғалабаси билан ҳаёт яқунланади. Бу таъломотнинг асосчиси Моний тахминан эрамининг 216-217 йилларида Ботлда туғилиб, 276 йилда Жунда Шопур шаҳрида вафот этган, яъни қатл этилган. У билимдон киши сифатида танилган. Маълумотларга қараганда у бир қанча асарлар ёзган. Унинг асарларининг кўпчилиги қисми диний ва ахлоқий мавзуларга бағишланган. Асарлар форс ва оромий тилларда ёзилган, бизгача етиб келган.

Таъломотлардан яна бири Маздак таъломотидир. У эрамининг V асрининг охири VI асрининг бошларида Ўрта Осиё ва Эронда кучайиб борган зулмга қарши кураш натижасида пайдо бўлган, деган фикрлар мавжуд. Маздакнинг ўзи халқ кўзғолонига бошчилик қилади. Кўзғолон бостирилиб, Маздак динсизликда айбланади.

Маздак қарашларида халқнинг узоқ тарихи мужассамлашгандир. Ижтимоий тенглик назариясининг кўтариб чиқилиши Маздак таъломотининг асосини ташкил этади. Бу таъломотдаги мафкурада деҳқонларни қарам бўлиб яшашига қарши чиқилган. Унда зардуштийликнинг кўпгина қирралари ўз аксини топган эди. Тўғри, унда ижтимоий масалалар кўпроқ ўрин олиб, дин ва фалсафага эътибор камроқ қаратилган. Ёвузлик бу - бойлик ва камбағалликдир. Булар барча зиддиятларнинг манбандир. Ижтимоий келишмовчиликларнинг олдини олиш учун кураш йўлида инсоний фазилатларни шакллантириш бу-худого тоат-ибодат қилишдир. Кўриниб турибдики, маздакчиликда ижтимоий келишмовчиликларга қарши кураш асосий мақсад сифатида талқин қилинади ва унга диний характер берилади.

Маздакчиларнинг ҳақиқий ҳаракати мулкий тенгликни ўрнатиш бўлган. Яъни моддий бойликларга бирликда эгаллик қилишдир. Бойликларнинг тенг бўлиниши, ундан барча кишиларнинг манфаатдор бўлиши, маздакизмда муҳим ўринни эгаллайди. Маздакчиликнинг ижобий томонларидан яна бири шуки, унда султ-диний, ахлоқий таъломотдан, қучли ғоявий таъломотга ўтишни тарғиб қилишдир. Бундай қараш Ўрта Осиё мамлакатларида кейинги ижтимоий-фалсафий фикрларнинг янада тараққий этишга сабаб бўлди.

Қадим даврлардаёқ овчилик, балиқчилик, кейинроқ дехкончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик бир қадар ривожланган. Иқлим шароитидан келиб чиқиб, дастлаб табиий тошқин ва ёмғир сувларидан фойдаланилган бўлса, кейинроқ дехкончиликда сунъий суғоришга ўтилган. Натижада ишчи кучи фаолияти ҳам ўзгарган. Бундай ўзгаришларни Ўрта Осиёдаги турли жойларда олиб борилган археологик изланишлар ва дostonлар, афсоналар тасдиқлайди.

Афсоналар орқали инсонлар юксак маънавиятлиликка чакирилган. Масалан, "Тўмарис" афсонасини оладиган бўлсак, унда қахрамонлик хислатлари ўз аксини топган. Чет эл босқинчиларига қарши ватанпарварлик ҳис-туйғулари, ватанпарвар инсонларнинг образлари берилган. Тўмарис массагет қабилаларининг раҳбари, ҳукмдор аёлдир. У ўз фаолиятини мамлакат тинчлигига, барқарорлигига бағишлайди. Халқпарвар инсон сифатида майдонга чиқади. Аммо, аҳмонийлар ҳукмдори Кир массагет қабилаларининг барқарор турмуш тарзига хавф туғдириб, аввало Тўмарисга уйланиш билан массагетларни ўзига бўйсундирмоқчи бўлади. Тўмарис буни сезиб қолади ва таклифни рад этади. Сўнг подшо Кир уруш билан ўз ниятини амалга оширишга интилади. Тўмарис урушнинг олдини олишга қанчалик ҳаракат қилмасин, ҳаракати зое кетади ва мудофаага шайланади. У ўз душманига шундай дейди: "Биз биламизки, сен тинчликни хохламайсан, шу сабабли башарти маслаҳатимизга кўнмай, массагетлар билан тўкнашишни истасанг, кўприк ясайман деб овора бўлиб ўтирма. Бизга айтсанг, биз сенга халақит бермай, дарёдан уч кунлик йўлга кўчиб кетамиз, бемалол дарёдан ўтасан, ундан сўнг юзма-юз урушамиз. Борди-ю, агар биз билан дарёнинг сен турган қирғоғида урушмоқчи бўлсанг, уни айт, бунга ҳам биз рози, фақат номардлик қилма"<sup>1</sup>.

Тўмариснинг мардларча курашга шайланганлигини кўрган подшоҳ Кир ҳийла-найранг йўлига ўтади. Тўмариснинг ўғли Спарганизни ва массагетларнинг бир қанчасини маст қилиб, қўлга олади. Тўмарис ғазабланган ҳолда подшоҳга қарата: "...Эй, қонхўр Кир, қилган ишинг билан мақтанмай кўяқол. Сен менинг ўғлимни юзма-юз жангда енгганинг йўқ, уни маккорлик билан шароб ичириб қўлга туширдинг. Энди менинг насиҳатимга кир, ўғлимни менга топшириб, келган ерингга зиён-заҳматсиз қайтиб кет. Агар сўзимга кирмасанг, массагетлар тангриси-куёш номи билан қасамёд қиламанки, мен сендай очкўз хонни қон билан суғораман"<sup>2</sup>. Кир бу сўзларни эътиборга олмайди, натижада жангда енгилади ва ҳалок бўлади. Тўмарис Кирнинг бошини қон билан тўлдирилган мешга солар экан, жангга яқун ясаб шундай дейди: "Эй номард, сен мени-жангда сени ҳалоллик билан енгиб чиққан бир аёлни маккорлик билан ўғлидан жудо қилиб, фарзанд доғида куйдирдинг, сен умринг бўйи қонга тўймадинг, мен ўз онтимга амал қилиб сени қон билан

<sup>1</sup> Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Т.: "Ўқитувчи", 1976 йил, 49-бет.

<sup>2</sup> Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Т.: "Ўқитувчи", 1976 йил, 49-бет.

суғордим. Бировнинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу<sup>3</sup>. Кўриб турибмизки, бу юксак фалсафийликнинг намунаси эди.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

Марказий Осиё, қадимги Хоразм маданияти, Зардушт, Авесто, Грек Бактрия даври фалсафаси, Македонский истилоси, Спитамен, Кушон давлати, Марказий Осиёда буддавийлик, Монийлик фалсафаси, Маздакизм, миллий кадриятларга содиқлик, тарихий хотира.

### **Алломалар фикрларидан намуналар:**

«Ҳайвонлар тўдаси деб ҳисобланиши мумкин бўлган халқ тарихда йўқ ва худди шунингдек, алоҳида эътиборга сазовор гуруҳлардан иборат халқ ҳам бўлиши мумкин эмас».

**Герцен Александр Иванович – рус ёзувчиси.**

«Ҳақиқий соф виждонли киши ўзидан – оилани, оиладан – Ватанни, Ватандан – инсониятни устун қўймоғи лозим».

**Жан Даламбер – француз файласуфи.**

«Инсоннинг оёғи ўз юрти заминига томир отиши керак, лекин унинг нигоҳи бутун дунёни кузатсин».

**Жорж Сантаяна – америка файласуфи.**

### **Мавзуга оид тест саволлари:**

**«Муқанна» тарихий драмасининг ғоявий мазмуни нимадан иборат?**

- а) севги, садоқат;
- б) ватанпарварлик;
- в) меҳнатсеварлик;
- г) маърифатпарварлик.

<sup>3</sup> Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Т.: “Ўқитувчи”, 1976 йил, 50-бет.

**«Авесто» китоби қайси мамлакатларнинг муқаддас китоби ҳисобланади?**

- а) Европа мамлакатларининг;
- б) Марказий Осиё мамлакатларининг;
- в) Бутун дунё мамлакатларининг;
- г) Эрон мамлакатининг.

**Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998 й.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: 2000 й.
3. “Авесто”, Т.: 2002 й.
4. Куръони Карим (Абдулазиз Мансур таржимаси). Т.: 2001 й.
5. Имомназаров М. С. Миллий маънавиятимизнинг такомил боскичлари. Т.: 1996 й.
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.: 1993 й.
7. Саттор М. Ўзбек удумлари. Т.: 1993 й.
8. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Т.: «Ўқитувчи», 1971 й.

### 3 боб. Қадимги Шарқ ва Антик дунё фалсафаси

**Шарқдаги жаҳон  
цивилизациясининг  
марказлари. Миср ва Бобил  
фалсафаси. Иудаизм. Қадимги  
Хиндистон ва Хитой  
фалсафаси.**

Фалсафа тарихи бу дунёқараш ҳақидаги мунозаралар тарихидир. Дунёқараш масаласи кишилик жамияти таракқиётининг бошланғич даврида содда шаклда кишилар томонидан қўйила бошлаган.

Ибтидоий жамоа тузумида фалсафанинг бўлиши мумкин эмас эди, унда ҳали ишлаб чиқариш жуда паст даражада эди. Бу даврда кишилар ўзларига ноз-неъмат топиш учун вақт сарфлар эдилар. Табиат ҳодисалари олдида ожиз бўлиб, ҳодисаларнинг сабабини қандайдир илоҳий куч, деб билардилар.

Қулдорлик тузум–инсоният тарихидаги дастлабки синфий жамиятдир. Унинг моддий негизини қулдорлик меҳнатига асосланган ишлаб чиқариш усули ташкил қилади. Қулдорлик тузуми шароитида ишлаб чиқариш воситалари билан бирга, қул ҳам хусусий мулк бўлиб ҳисобланар эди. Қул ва қулдордан ташқари бу даврда ўз меҳнати билан кун кўрувчи хунарманд ва деҳқонлар ҳам бор эди. Қулдорлик жамиятида жисмоний меҳнат ва ақлий меҳнат ўртасида ажралиш бошланди. Қулдор синфи санъат, адабиёт, фалсафа билан шуғулана бошлади. Қулдорлик даврида ишлаб чиқаришнинг паст даражада бўлишига қарамай, савдо, хунармандчилик ривожланиши билан қулдорлар орасида табақаланиш бошланди. Эски амалдор билан, янгиси орасида тўсқинлик бўла бошлади. Қулдор ва қуллар орасида кураш бошланди. Илғор дунёқараш билан консерватив дунёқараш ўртасида кураш боради. Материалистик ва ҳаётний диний, мифологик дунёқараш бир-бири билан мунозара қилиш натижасида дунёга келди. Қулдорлар диний афсоналарга суяниб, табиат ва жамият ҳодисаларини худолар идора қилади, ҳар бир уруғ бошида худо туради, деган фикрлардан фойдаландилар. Диний таълимотларга суянган мафқурачилар илғоррок дунёқарашга қарши курашда турли идеалистик қарашларни олдинга сурдилар. Ўсиб келаётган илғор табақа, бу диний афсонавий қарашларга қарши курашда материализм фалсафасини олга сурганлар. Қулдорлик даврида материализм стихияли равишда даҳрийлик ёки материалистик қарашлар натижасида ривож топди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши асосида мазкур қарашлар пайдо бўлди. Нил дарёси бўйида геометрия фани келиб чиқди. Мисрда геометрия, география, математика, фанларнинг асоси пайдо бўла бошлади. Табиат фанлари ҳам аста-секин ривожлана бошлади. Шунини айтиб ўтиш керакки, қадимги Мисрда «у дунё»га ишонмайдиганлар ҳам бор эди, улар дунёнинг асосида моддий нарсанинг ётишини эътироф этар эдилар.

Қадимги фалсафий қарашларнинг пайдо бўлишида Миср маданияти муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чунки илк маданий ёдгорликлар эрамыздан аввал тўрт минг йил олдин пайдо бўлганлиги шундан далолатдир. Миср

маданий ёдгорликларида, эртаклари, ривоятлари, мадҳия, дуо, дидактик асарлар, масал, эпос, ишқий лирика, умуман халқ донишмандчилигининг бошқа турларида ўша даврнинг ижтимоий муҳити, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатлари, табобат, урф-одатлари, табиат ҳодисалари, диний, ахлоқий, фалсафий қарашлари юзаки бўлсада, ўз ифодасини топган эди. Қадимги Миср афсоналарида ҳамма нарса сувдан пайдо бўлган ва барча нарсада хаво бор, деб таъкидланади. Шу сабабли ҳам мисрликлар сувни мукаддас, деб билганлар. Уларнинг фикрича, ҳаёт сувдан бошланади. Шу сабабли ҳам улар Нил дарёсини илоҳийлаштиришга бориб етганлар. Мисрликлар ўз фалсафасида инсонларни дунё лаззатларидан тўла баҳраманд бўлишларига чақирадилар. Кувноқ ва шод хуррам яшаш асосий мақсад бўлиши керак. Охират, ўлим ҳақида доимий ўйлавериш шарт эмас.

Мисрликларнинг қадимий манбаларидан маълум бўлишича, табиат ҳодисалари, табиат кучлари муболагалаштирилган. Шу сабабли ўсимлик ва дарахтларга сиғиниш Мисрликларда анча қадимийдир. Миср фалсафасини шаклланишида у ердаги табиат ҳақидаги фикрларнинг шаклланиши ўша пайтлардаёқ фалакиёт фанлари куртаклари Мисрда ривожланганлигидан далолат беради. Улар юлдузлар фаолияти билан кўпроқ қизиққанлар. Шу фан асосида таквим тузганлар ва уни 12 тага бўлганлар. Инсон саломатлиги билан боғлиқ бўлган тиббиёт фанлари ҳам Мисрда пайдо бўлганки, натижада фалсафий муаммолар ҳам ўртага қўйила бошланган.

Миср мамлакатларида бўлгани сингари қадимги Вавилония (Бобил)да ҳам кўхна ёдгорликлар мавжуд бўлиб, улардан ханузгача тарих ва фалсафа ҳамда бошқа фанларни ўрганишда фойдаланиб келинади. Жумладан, Бобилдаги Адапа ҳақидаги дoston фикримизни тасдиқлайди. Бу дostonда инсониятнинг абадий ҳаёти тўғрисидаги фикрлари, абадий яшаш ҳақидаги ўйлар ўз аксини топган. Унда “ўлган ва қайта тирилган” худолар, жумладан Бобил худоси Мардукка ҳақида фикрлар берилган. Ўша даврдаги инсонлар ҳам табиат ва жамият ер юзидаги ўзгаришлар ҳақида мулоҳазалар юритган. Самовий сирларни билишга интиланлар. Ҳаёл сурганлар, фараз қилганлар. Эртақ ва афсоналар тўқиганлар. Бобилликларнинг Этапа ҳақидаги афсоналари ана шулар ҳақидадир. Бу афсонада инсонларнинг қуёш, ой, юлдузлар билан қизиққанлиги, ўзгаришларни сабабларини очишга ҳаракат қилганликлари баён этилади.

Бобилликларнинг “Жафокаш авлиё ҳақида дoston” ҳамда “Хўжайиннинг қул билан суҳбати” асарларида ўша даврнинг фалсафий муаммолари ёритилганки, биз улар орқали қадимги давр фалсафаси билан танишимиз. Улардан яхшилик ва ёмонлик, жоҳишлик ва эзгулик ғоялари келажакни яратувчи инсонлар учун намуна бўлганлигига шубҳа қолмайди. Уларда фалсафий тасаввур ва ғоялар тасвирланган.

Фалсафий фикрларнинг тараққий этишида юқорида таъкидлаганимиздек, қадимги динларнинг таъсири катта бўлган. Шундай динлардан яна бири бу иудаизм динидир. Бу яҳудийлар орасида тарқалган дин. Иудаизм милoddан аввалги иккинчи минг йилликда Шимолий

Арабистонда яшаган кўчманчи яхудий қабилаларнинг политеистик эътиқодлари ва маросимлари асосида пайдо бўлган. Иуда қабиласининг номидан олинган. Шу қабиланинг худоси Яхвега сўғиниш сифатида умумий давлат динига айланган. Монотеистик тасаввурлар иудаизмда фақат эраизмнинг биринчи асрида шаклланган. Иудаизмда Исроил халқининг “Худо томонидан танлаб олинган халқ деган гоё, милoddан аввал VIII асрда ташқаридан ҳужум ва яхудийлар давлатининг босиб олиниши хавфи кучайган шароитда» илоҳий ҳалоскор келишига бағишланган фикрлар асосий ўринни эгаллайди. Иудаизм таълимоти эраизмдан олдинги 444 йилда қўл ёзма қилинган манбада ўз ифодасини топган. Иудаизм тарихининг қадимги даври милoddан аввалги II асрдан кейинроқ Библия (яхудий муқаддас ёзувларининг тўплами христианликнинг «қадимги аҳд»)нинг вужудга келиши билан тугайди. Иудаизм таълимотининг давоми сифатида яхудийликнинг иккинчиси - Талмуд (III-IV аср) манбаси вужудга келади. Унда инсон ўлгандан сўнг тирилишга ишониш таъкидланади. Шунингдек унда яхшилик ва ёмонлик худолари ҳақида фикрлар юритилади. Талмудда диндорнинг 613 та кўрсатма ва қоидалари белгилаб берилган.

Материалистик фалсафий дунёқараш илк бор Ҳиндистонда ва қадимги Ҳитойда ҳам пайдо бўла бошлади. Ҳиндистонда фалсафий қараш эраизмдан олдинги учинчи минг йилликлардан сўнг бошланган.

Ҳиндистонда шаклланган янги илғор табақа брахманизм диний қарашга қарши чиқди. Ижтимоий қарама-қаршилиқнинг кескинлашуви идеализм билан динга қарши бўлган материалистик мактабларнинг келиб чиқиши учун замин ҳозирлайди. Қадимги Ҳиндистонда, «Вед» «Упанишад» каби ёдгорликлар учрайди. Упанишад фалсафасининг асосчиси Брихаспати эди. Бундан ташқари «Чарвака» таълимоти мавжуд бўлиб, дунёнинг асосида тўртта нарса-ер, сув, ҳаво, олов ётади, деб тушунтиради, шунингдек ҳамма нарса ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ва йўқ бўлиши табиийдир, деб кўрсатади. Дунёни билиш масаласини ҳам материалистик асосда ҳал қилганлар. Ҳақиқий билимнинг манбаи ташқи дунё бўлиб, сезги органларимиз орқали у ҳақда тасаввур ҳосил қиламиз дейдилар. Улар абстракт тафаккурга ҳам баҳо бердилар. Шулар сабабли худога ишонмадилар.

Бундан ташқари, Ҳитойда ҳам синфий табақаланишнинг бошланиши, синфий қурашнинг кескинлашуви мафкурада ўз аксини топди. Ҳитойда ҳоким синфлар, динни халқни эзиш учун қурол қилиб олдилар, халқ онгига диний ақидаларни ҳам сингдирдилар. Ҳитойда математика, медицина, биология соҳасида ҳам бир қанча янгиликлар очилди. Қадимги Ҳитойда биринчи материалистик қараш - дунё беш хил элементдан – сув, ер, ҳаво, олов, ёғочдан иборат деб тушунтирди.

Ҳитой материалистик файласуфлари, дунёни моддий бирлигини эътироф қилиб, дунёнинг асосида битта «ци» яъни абадий ҳаракат қилувчи модда ётади, дейдилар. Модданинг ҳаракат манбаи ижобий (ян), салбий (инь) таъсир орасидаги муносабатдан иборат, дейдилар.



Табиатнинг қонуний ривожланиши тўғрисидаги материалистик, стихияли, диалектик қараш ( дао-қонун ) даоизм дейилади. Бунинг асосчиси Лао-Цзидир. Лао-Цзи мактаби қадим Хитой материалистик фалсафанинг ривожланишида муҳим босқични ташкил этади. Лао - Цзининг таълим беришича, ҳеч нарса абадий эмас, ҳамма нарса ҳаракатда. Лао-Цзи фикрича нарсаларнинг асосий ривожланиш қонуни шундаки, ҳар бир нарса ўзининг ривожланиш даражасига етиши билан ўзининг қарама-қаршисига айланади. Бу ҳаёт қонунидир, дейди у.

Ушбу материалистларнинг фикрича, дунё доимий ўзгариб турувчи яхлитликни ташкил этади. Айтиш лозимки, мазкур таълимотларда дунёнинг ривожланиши ҳақидаги материалистик элементлар анча ривожланган эди.

Демак, фалсафа кишилик тарихида қадимги Шарқ мамлакатларида Миср, Вавилония, Ҳиндистон, Хитойда пайдо бўлиб, содда стихияли материализм характериға эға эди. Чунки Хитой, Ҳиндистон, Арабистон, Ўрта Осиёда феодализмнинг дастлабки даврида табиий илмлар анча ривожланган эди.

Хитойда Хань династиясида (эрамизгача III-I феодализм вужудға келди. Бу даврда халқлар ўртасидаги ўзаро муносабат кучайди. Хань династиясининг тарқалиши натижасида Хитойнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиши секинлашди ва деҳқонлар ғалаёнлари бошланди.

Феодал груҳларнинг ўзаро кураши, деҳқонлар, хунармандлар кураши мафқурасида ўз ифодасини топди. Бу даврда Хитойда икки фалсафий оқим даоизм ва конфуцийчилар мавжуд эди.

Конфуцийчилар фалсафасинининг вакили Дун Чжунь император ҳукмронлигини муқаддас билиб, асосан идеалистик қарашни илғари сурган. Унга қарши Ван Чун фикр билдиради. Унинг фалсафаси марказида Ци ва Дао тушунчалари ётади. Ци-субстанция, Дао воқеликнинг қонуний ривожланишидир.

Бутун нарсаларнинг суюқлашгани (Ян-ци), кўпиклангани (инь-ци) дир, улар доимийдир, деб билади. Ван Чун диний ақидаларни танқид қилади, киши ўлганидан кейин қон ҳаракати тўхташини ҳаёт энергиясининг тугаши, деб кўрсатади. Ван Чун таълимотида ҳам стихияли диалектика элементлари бор эди. Унинг диалектикаси Ян-ци ва Инь-цининг ўзаро таъсири ҳақидаги фикри бутун жараённинг икки томони эканини эътироф этишдир. У билишни материалистик йўналишдан тушунтирди.

Қадимги Хитой ва Ҳиндистон фалсафаси илмий заминға эға бўлмасада, умуминсоният илмий хазинасига катта хисса қўшди. Лекин у фалсафа феодализм даври мафқурасининг асосий шакли эди. Чунки руҳонийлар феодал синфининг асосий қисмини ташкил этар эди. Кишилик фикрининг барча соҳаси фалсафаға, динға, диний тизимға мослаштирилган эди. Фалсафа шу даврға келиб илоҳиётға, схоластикаға айланди. Табиатни ўрганиш гуноҳ ҳисобланар эди. Табиат ҳақида фикр билдирганлар ўлдирилганлар, қувғин қилинганлар. Лекин бундай ҳаракатлар инсонлар

фикрига аксинча таъсир этмади. Чунки феодализм заминда капиталистик ишлаб чиқариш усули вужудга келгани учун дин ва черковга қарши атомистик, материалистик тенденциялар ҳам авж олди. Лекин очик курашиш мумкин эмас эди. Шунинг учун прогрессив фикр бериш асосида ҳаракат килдилар. Буларнинг барчаси цивилизациядан далолат эди.

<b>Қадимги Юнонистон фалсафаси. Софистлар. Сократ Платон. Атомистлар.</b>
---

Эрамаздан олдинги VI асрда Юнонистонда ҳам кулдорлик тузуми анча ривожланган эди. Юнонистоннинг Милет, Эфес, Фокия

каби шаҳарларида ҳунармандчилик, савдо-сотик ривожланди. Натижада, Осиё, Африка, Миср билан бўлган маданий ва иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши греклар маданиятига таъсир этди.

Милет материалистик мактабининг асосчиси Фалес (эрамаздан олдин 624-547 йилда яшаган)дир. Фалес геометрия, астраномия, математика фанларини ривожлантирди. Бу даврда фалсафа фани инсон билимларининг йиғиндисини ифода қиларди. Греция фалсафаси тарихида Фалес биринчи бўлиб, табиатдаги ҳодисаларнинг манбаини қидирди.

Фалес фикрича табиат ҳодисалари асосида сув ётади. Ундан ташқари Фалес шогирди Анаксимандр (эрамазгача 610-546 йилларда яшаган) дунёнинг асосида сув эмас, чексиз шаклга эга бўлган апейрон ётади, деб тушунтирди. Унинг фикрича, ҳамма нарса шу апейрондан келиб чиққан, ва яна апейронга қайтади. Апейрон ҳаракати эса қарама-қаршилиқнинг келиб чиқиши асосида бўлади.

Мавжудот Анаксимандр фикрича, ривожланиш, тараққиёт худоларга боғлиқ эмас. Анаксимандр биринчи бўлиб одамнинг пайдо бўлиш масаласига қизиқади ва уни балчиқлардан пайдо бўлган дейди. У биринчи бўлиб, географик карта тузди, қуёш соатини ясаган.

Милет мактабининг ундан кейинги вакили Анексимен (эрамаздан аввал 585-525 й. да яшаган) Анаксименнинг фикрича, дунё ҳаводан ташкил топгандир. Анаксимен материализмида атеистик қарашлар бор эди. Космик ўзгариш худосиз, моддийнинг доимий ўзгариши натижасида ҳосил бўлади. Милет мактаби вакилларининг таълимоти материалистик характерга эгадир. Уларнинг таълимотича, дунёнинг асосида моддий бир нарса-модда ётади. Улар табиатнинг қонуний ривожланишини модда ва унинг характерига боғлайдилар.

Грек диалектикасини пифагор мактаби рад этди. Милет файласуфлари дунёнинг асосига материяни қўйсалар, пифагор мактаби эса сезиш мумкин бўлмаган абстракт рақамни-сонни қўяди. Бу идеалистик фалсафа стихияли материализмга қарши чиқди. Бунга сабаб, жараённинг қийинчиликлари натижаси эди.

Пифагор, эрамаздан олдин (580-550) яшаган. Пифагор мактаби математика билан қизиққани учун табиат қонуниятининг миқдорий хусусиятларини англашга қаратди. Бу мактаб ғояларида идеалистик диний фалсафий қараш билан илмий тафаккур элементлари учрайди.

Пифагорчилар ўзларининг таълимотларида дунёқараш соҳаси билан микдор категориясини киритдилар.

Афина файласуфлари материянинг ички тузилиши, моддий элементлар характерини, унинг ривожланиш сабабларини тушунтиришга уринганлар. Бу файласуфлар Левкипп, Демокритдир.

Левкипп (500-440) биринчи бўлиб атеистик қарашни олға сурди. Дунё унинг фикрича, майда-бўлинмайдиган моддий элемент-атомлардан тузилган (атмос-бўлинмайдиган, грекча сўз) дейди. У дунёдаги нарсаларнинг пайдо бўлиши ва йўқолишини зарурият ва сабабият билан боғлайди. Бу таълимот Демокрит фалсафасининг ҳам негизини ташкил қилади.

Эфесс шаҳрида (475-374) Гераклит яшаб ўтган. Гераклит дунёнинг асосида олов ётади, дунё мана шу оловнинг қонуний алангланиб ва сўниб туришидан иборат дейди. Гераклит ҳеч қандай худо ҳам, одам ҳам дунёни яратмаган, дунё ўз-ўзидан қонуният билан сўнувчи, тирик оловдан иборатдир, дейди. Гераклитнинг материалистик таълимоти ҳам стихияли характерга эга, фаразлардан иборат эди. Чунки ўша даврда диалектика ва материализмни фан даражасига кўтаришга имконият йўқ эди.

Қадимги Юнонистонда турли оқимлар пайдо бўлиб, улардан бири софистлардир.

Софистлар (донишмандлар) қадимги грек фалсафасида муҳим ўринни эгаллаганлар. Аввалги грек файласуфлари барча ўзгарувчан ранг-барангликдаги бирлик ҳақидаги масала билан машғул бўлганлар. Улар урф-одатларнинг турличалигини, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий жараёнларнинг фалсафий жиҳатларини асослашга уриндилар. Аммо, муҳим бир фикрга кела олмаганлар. Грек файласуфларининг баъзилари битта универсал умумий ахлоқ ва битта сиёсий идеаллик мавжуд деб тушунтирсалар, баъзилари бу ҳолатларни жамият ёки ягона бир одам дунёга келтирган деб фикр билдирганлар. Қисқаси ҳар бир файласуф ўзича оламдаги предмет ва ҳодисаларни таҳлил қилганлар. Кейинчалик, жамиятдаги ахлоқий ҳуқуқий соҳалар билан боғлиқ жиҳатларнинг ҳал этилиши алоҳида киши фаолияти билан боғлиқ, деган тўхтамга келганлар. Аслида ахлоқ, ҳуқуқ, дид, ҳузур-ҳаловат, сиёсий, бошқарув каби жараёнлар ҳақидаги фикрлар хилма-хил. Таҳлили ҳам турлича. Шундай бўлишидан қатъий назар файласуфлар бу саволларга жавоб топишга интиланлар. Бундай-файласуфларни-софистлар деб юритганлар.

Софистлар кўпроқ ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалар билан шуғулланишган. Софистларга замонавий жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, улар бир вақтнинг ўзида муаллиф, журналист, ёзувчи, шоир умуман зиёли кишилар бўлганлар. Улар кўпроқ баҳслашишни олға суриб, ҳақиқатга эришмоқчи бўлганлар. Софистлар предмет ва ҳодисаларни ақлий (рационал) далиллаш санъатидан фойдаланиб асослашга ҳаракат қилганлар. Софистлар мунозара ва музокарада фойдаланиш мумкин бўлган айёрлик ва муғомбирлик, маккорлик усулларидан фойдаланиб борлиқни

тушунтирганлар. Шу ҳолатга бошқаларни ҳам етаклаганлар. Уларнинг йирик вакиллари Горгий, Фрасимах ва Протогорлардир.

Горгий тахминан милоддан аввалги 483-374 йилларда яшаган ва машхур нотик эди. Унинг “Табиат тўғрисидаги ёки мавжуд бўлмаган нарса тўғрисида” асари бўлган. Фрасимах Сократ замондошидир. Милоддан олдинги 470 йиллар атрофида туғилган, деб тахмин қилинади. Фрасимах ўзининг ҳуқук ва адолат тўғрисидаги карашлари билан барчани лол қолдирган. Ҳуқук зўрларга хизмат қиладиган нарсадир. Ҳуқук бу куч қудратдир. Бундай тушунчага зид келадиган фикр ахлоқона гўлликнинг ўзи ҳолос дея, таъкидлаган у. Протогор милоддан аввалги 481-411 йилларда яшаб ижод қилган. Унинг фикрларидан бири.., “Инсон қандай бўлса шу ҳолида мавжуд бўлган жамики нарсаларнинг ва йўқлиги билан маълум мавжуд нарсаларнинг мезони ҳисобланади.” Яна қуйидаги фикрни билдиради: “Худолар тўғрисида мен уларнинг на мавжудлиги, на мавжуд эмаслиги ёки уларнинг қандай тусда эканлиги ҳақидаги билимга эга бўла олмайман чунки кўп нарса: идрок этилмаслик ва инсон ҳаётининг қисқалиги билишга тўқинлик қилади”.

Софистлар этика, ижтимоий фанлар ва эпистемология билан алоқадор бўлган соҳаларни баҳолашда илғор бўлганлар. Бундай фикрлар ҳозирги даврда ҳам долзарб. Чунки бу муаммоли соҳалардир. Уларнинг фикрларида нисбийлик ва мутлоқлик, ҳуқук ва ҳокимият, альтруизм; индивид ва жамият; ақл-идрок ва ҳис-туғулар каби атамалар мавжуд бўлганки, булар ҳақида ҳозирги файласуфлар ҳам фикр юритадилар.

Қадимги грек фалсафасини ривожлантиришда Сократ алоҳида ўрн тутди. У милоддан аввалги 470 йилда туғилиб 399 йилда вафот этган. Унинг таълимотида ҳам эпистемологик (эпистемология-билим, унинг тузилиши, тузилмаси ва ривожланишини ўрганадиган фалсафий-методологик таълимот) ва этик - сиёсий муаммолар марказий ўринни олган. У софистларнинг кўп карашларини рад қилган. Унинг фалсафасида умумий неъмат-(олий эзгулик) ва адолат ҳисобланадиган қадриятлар ва меъёрлар мавжуд. Сократ фалсафанинг билиш муаммосини ҳал этишга интилди. Унинг талқинида билим- бу бизнинг ўзимиз ва ўзимиз ўзимизнинг мавжудлигимизни кўрадиган вазиятлар ҳақидаги билимдир. Сократ фалсафасида шу нарса характерлики, у билимни тажрибага мурожаат этиш йўли билан изламаган. У билимни тушунчаларни таҳлил этиш йўли билан ўзлаштиришга ҳаракат қилган ва бошқаларни ҳам шунга чақирган. Сократ фалсафасида адолатлилик, мардлик, саҳоватлилик, яхши ҳаёт тушунчалари марказий ўринни олган.

Фалсафа тарихида яна бир грек файласуфи Платондир. Қарама-қарши фалсафий фикрлар асосида Платон фалсафаси пайдо бўлди, (Платон эрамиздан аввал 427-349 йилларда яшаган). Афина аристократиясининг вакиллари платончилар идеалистик қарашни олдинга сурдилар. Платон фалсафаси асосида ғоялар ётади. Унинг фикрича нарсалар асосида ғоя ётади, сезги қабул қиладиган нарса, идея дунёсининг кўланкаси.

Платон фикрича ҳаётда бир-бирига қарама-қарши бўлган ғоялар мавжуд бўлиб, бу ғоялар ўзгармайди, яъни сезги органларимизда ифодаланган нарсалар пайдо бўлиши ва йўқолиши бу доимий ўзгарувчан эмаслигидир. Энг олий ғоя бу худо тўғрисидаги ғоядир. Бу нарса идеализм билан диннинг бирлигини кўрсатади.

Платон билиш назариясини ҳам идеалистларча тушунтирди. Унинг фикрича, билим-ғоялар орқали пайдо бўлади, тасаввур нарсалар орқали ҳосил бўлади. Абстракт тафаккурни сезгиларга боғлиқ бўлмаган ғоялар дунёсида яшовчи, руҳни “эслаш” жараён натижаси, деб тушунтирди. Платон билиш бу-эслашдир деган ғояни ўртага ташлади. У диалектикани илохий билимнинг мантикий назарияси, деб ҳисоблайди. Умумий тушунчанинг аҳамиятини таъкидлаши, киши тафаккурининг фаол ролини (идеалистик бўлса ҳам) ишлаб чиқиши Платон диалектикасининг рационал маъзани ташкил этади.

Платон “идеал давлат” таълимотини маъқуллаб, уни уч табақага:

1) давлатни идора қилувчи файласуфлар,-доно; 2) давлатни ички ва ташқи душманлардан асровчи қўриқчи аскарлар-жасоратли; 3) жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи деҳқонлар, ҳунармандлар итоаткорларга бўлади.

Қадимий Грек файласуфларидан яна бири бу Аристотелдир. Аристотел (эрамингача 384-322 йиллар) фанлар классификациясини биринчи бўлиб тузиб берди (фалсафа, математика, физика). Унинг фикрича, фалсафа борлиқ тўғрисидаги фан, математика ва физика борлиқнинг баъзи хусусиятлари тўғрисидаги фандир.

Аристотел Платоннинг давлат назариясини танқид қилди ва қулдорлик тузумини тан олди. У фалсафа фанини амалий фаолиятдан ажратиб олди, яъни билим моддий манфаатдан йироқ бўлса, илмийроқ бўлади, дейди. Аристотел объектив табиатни билишни, билимнинг асосий шарти дейди, лекин у изчил материализм позициясига ўта олмади. Материя Аристотелнинг фикрича, пассив имконият, шакл фаол ўзгариш манбаидир. Материя билан ҳаракат ўртасидаги боғланишни кўрсатиб, ҳаракат, ўзгаришнинг манбаи эканлигини айтса-да, лекин ҳаракат, буюмларнинг ички зиддиятларида эканлигини кўра олмади.

У билиш жараёнини материалистик асосда тушунтиради. Билиш манбаи табиатнинг ўзидир, деб объектив борлиқни қўяди. Сезгилар орқали олинган ҳиссиёт нарса ва ҳодисалар образидир, дейди. Лекин сезгини чегаралаб қўяди. Сезгилар умумий шаклни, яъни шакллар шаклини-худони билишга имкон бера олмайди.

Аристотел сезгилар асосида топилган билимни тафаккур орқали ҳосил қилинган билимдан ажратиб қўяди. Аристотел категориялар классификациясини ишлаб чиқди. Айрим далиллар умумлаштирилишидан умумий хулоса чиқишни, дедуктив мантиқни таърифлади. Аристотел имконият ва воқелик, материя ва шакл, моҳият ва ҳодиса категорияларини диалектик асосида тушунтиришга уринди, лекин тўла диалектик асосда

ҳал қила олмади. Дин арбоблари унинг диалектикасини улоқтириб, метафизикасини олиб қолдилар.

Қадимги Грецияда эрамиздан олдинги II аср охири I асрнинг бошида Демокрит тарафдорлари кўпроқ материалистик фикрларни олга сурдилар.

Демокрит (эрамиздан олдин 460-370 йилларда яшаган) энциклопедик олим эди. Демокрит атом кўзга кўринмайди, деб ҳаракат билан материянинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади. Демокрит олам чексиз дунё, ер бир сайёра, дейди. Олам унинг фикрича, бўшлиқ бўлиб, фазода атомларнинг тўқнашиши натижасида турли дунёлар келиб чиққан. Бу дунёлар пайдо бўлади, йўқолади дейди. Олам ҳақидаги фикрида атеистик қарашлар бор, у ерда зарурият мавжуддир, дейди. Демокрит диний хурофотларга қарши тан билан рухнинг ўлишини кўрсатади. Ундан ташқари билиш жараёнининг диалектик босқичини материалистик асосда тушунтирди. Билиш жараёнида биринчи босқич сезги, деб билади. Сезги органларимизга таъсир этиб, онгимизда тасаввур пайдо қилади. Билгим учун тафаккур керак, деб ўргатади.

Демокрит материализми атеизм тарихида ҳам катта роль ўйнади. Унинг фикрича, худога ишониш кишиларнинг табиат кучлари олдидаги ожизлигидир. Демокритнинг сиёсий, иқтисодий қарашлари ҳам демократик эди. Фалсафада икки йўл “Демокрит йўли” билан “Платон йўли” орасида кураш кетган.

Демокрит йўлини тутганлардан бири Эпикурдир (341-270). У, киши бахтиёр бўлиши учун табиат ва унинг қонуниятларини билиши керак, дейди. Фалсафани уч қисмга физика, логика (каноника) ва этикага бўлади. Эпикур физикасида атомизм ҳимоя қилинади ва уни ривожлантирилади. Атомларнинг бирлашувини ўзига хос эркин ироданинг оқибати, деб кўрсатади. Гарчи бу фикр идеалистик ҳарактерга эга бўлса-да, стихияли равишда материянинг ўз ичидаги ҳаракатини эътироф этади.

Эпикур ҳам билишнинг бирдан- бир манбаи сезгиларда, деб билади. Унинг билиш назарияси оддий, лекин материалистик ҳарактерга эгадир. У ҳам худони инкор этмайди, балки табиат маҳсули деб билади.

Греция фалсафасининг яна бир вакили Римлик Пий Лукреций Кар (99-55)дир. У Эпикур таълимотини давом эттирди. Қадимги материалистлар сингари Лукреций ҳам материянинг объективлигини илмий равишда тушуниш даражасига етмади. Лукреций нарсаларнинг сифатини объектив ҳарактерга эғалигини, фазо ва вақт масаласини ҳам материалистларча тушунтирди. Сезги масаласини ҳам тўғри ҳал қилган. Унинг фалсафаси феодализм жамиятининг тарихий келиб чиқиши ва тарихий тараққиётнинг олдинга сурилишидан дарак берар эди. Феодализм жамиятида синф, ижтимоий табақалар ўртасидаги тўқнашувлар ғоялар курашида ўз ифодасини топди. У феодализм даврининг мафкураси дин эди. Шунинг учун бу даврдаги қарашлар ҳам диний тусда бўларди. Римда феодализм даврида, идеализмнинг турли оқимлари, материализм ва атеизмга қарши курашдилар. Улар – скептицизм, агностицизм, неоплатонизмлардир.

Объектив идеализм, Аристотел идеализми ва метафизик таълимотнинг давоми эди.

**Эллинизм даври ва стоиклар.  
Қадимги Римда фалсафий  
фикрлар. Христианликнинг  
шаклланиши.**

Фалсафа тарихида Эллинизм оқими ҳам ўзининг фалсафий фикрлари билан ажралиб туради. Жанубий Италиядаги Элия шахри номи билан боғланган. Эрамузгача

бўлган VI асрнинг охири V асрнинг бошларида пайдо бўлган. Эллинистлар таълимотининг асосланишида Парменид ва унинг шогирди Зенон Элейскийларнинг хизмати катта бўлган. Эллинизмни пайдо бўлишида пифагорчилар ва Ксенофон фикрлари таъсир қилган.

Эллинизм таълимотида инсонлар олами тарки дунё қилиш эмас, балки ўзларида бурч ва характерни тарбиялаш учун ҳаракат қилиши лозим. Шу билан бирга бу оқимнинг тарафдорлари худо ҳақидаги халқ фаолиятини танқид қилганлар. Ксенофоннинг фикрича, худони, халқни ўзи яратган. Аслида худолар одамларни ўздан фарқ қилмайди. Ксенофон Гомер ва Гесиодлар томонидан худонинг тасвирланиши бу ахлоқсизлик ва ҳақиқатдан узоклашишдир, деб кўрсатди.

Ксенофонни тушунишча эфиопларни худоси қора, фракийларнинг худоси эса кўккўз ва уларнинг сочи қўнғир рангдадир. Агар хўкизлар, отлар, шерлар ҳам тасвирий санъат билан шуғулланганида, улар ҳам ўзларига ўхшаган худоларни тасвирлаб чизган бўлардилар. Худонинг инсонлар билан умуман алоқаси йўқ. Бундан ташқари худо ҳаракатсиз. Худо шарсимондир. Бу фикрлар элейликлар томонидан қайта таҳлил қилинди ва баъзилар уларнинг таълимотини ривожлантирдилар. Демак, эллинизмнинг асосчиси Ксенофондир. Аммо у Элейда туғилмаган. Туғилган жойи Колофондир. Колофон шахрини персидлар босиб олгандан сўнг Ксенофон ўз шахрини ташлаб дарвеш сифатида сафар қилиб юради. У шоир ва ашулачидир. Сўнграқ Элей шахрида муқим топади ва ижод қилади. Унинг сафдошлари Парменид, Зенон ва Мелисслардир. Улар ҳам Ксенофон таълимотини тарғиб қилдилар ва фалсафада Эллинистлар деб атай бошладилар.

Эллинистлар таълимотининг давомчилари Стоиклар оқимидир. Бу оқим қадимги Римда пайдо бўлган. Стоикларнинг вакиллари Цицерон, (эрамуздан аввалги 106-43 йиллар) Сенека (эрамуздан аввалги 4 миллодий 65 йиллар), Эпиктет (тахминан 50-138 йиллар) Марк Аврелий (121-180 йил)лардир. Улар қадимги грекларнинг таълимотига суяниб фаолият кўрсатдилар. Уларнинг фикрича, инсонлар гуруҳларнинг органик қисми эмас, балки умумий давлат ичидаги индивиддир. Умумий ҳуқуқнинг субъектидир. Инсонлар олий космоснинг бир қисмидир. Инсон тафаккури оламнинг тафаккурига дахлдор бўлганлиги учун олам тафаккури инсон тафаккурига алоқададир.

Стоиклар таълимоти, аниқроқ айтилса, шахсий бахтни таъминлашга қаратилган. Улар ҳар бир инсонга ташқи ҳолат ва кучлардан эркин

бўлишни тавсия этадилар. Агар, дейди улар, биз ўзимизнинг шахсий қувонч ва бахтимизни қурмоқчи бўлсак, имконияти борича назорат қилинмайдиган ташқи омиллардан озод бўлишни ўрганишимиз ва ўзимиз назорат қилаоладиган, ўзимизнинг ички оламимиз ичида яшашни ўрганишимиз керак. Демак, уларнинг (Стоикларнинг) фикрича инсон бахти бирон-бир ташқи ноз-неъматга боғлиқ эмас. Қувончли, бахтли ҳаётнинг манбаи, унинг асосий шarti – эзгу ҳаёт кечиришдир. Эзгуликнинг асоси билимли бўлишдир. Стоикларнинг асосий максаллари шулар эди. Бу эса кейинчалик пайдо бўлган тасаввуфчилар таълимотига ўхшайди. Сабаби, стоиклар ҳам киниклар ҳам жамиятдан узоклашиб, содда ва бир қадар ибтидоий ҳаёт кечиришни тарғиб қилганлар. Киниклар антик даврдаги Сократ мактабларидан биридир. Киникларнинг вакиллари Антисофин, Диоген, Синопский Кратет ва бошқалар. Стоиклардан Сенека “Сен билан нимаки рўй бермасин барини худди ўз хоҳишинг билан рўй бераётгандек қабул қилишинг керак. Шунинг учун сен ҳамма нарса худонинг иродаси билан рўй бераётганини билгандек хоҳлашинг керак”, деб ёзган эди. Бу фикри билан Сенека, инсонда ташқи оламга ахлоқий-аскетик муносабат ва ички хис-туйғуни шакллантириш ва тарбиялашни орзу қилган. Яъни инсон ўз тақдирида ташқи ўзгаришларга нисбатан хотиржам – стоик бўлиши зарур. Стоицизм ўша вақтда олий табақаларнинг қуролига айланган. Римнинг олий табақалари бу таълимотдан инсонларни бурч ва вазифаларини тушунтиришда фойдаланганлар. Рим империясига хизмат қилдирганлар. Қадимги Римда Цицерон таълимоти кўзга ташланди. Унинг фалсафий фикрларини акс эттирган асарлар кейинроқ, Ўрта асрларда диққатга сазовор бўлди. Римда эпикуризм, киниклар, софистлар, стоиклар таълимотлари пайдо бўлганлиги ва давом этганлиги Рим империясининг ривожланишига олиб келди. Бу оқимларнинг фикрлари Рим мафқурасини ташкил топишида муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Сиёсат, ҳуқуқ, демократия, давлат бошқаруви соҳасидаги фалсафий фикрларни ўртага қўйишига сабаб бўлди.

Қадимги давр фалсафасининг ривожланиши кўпроқ христианлик динининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Маълумки, христианлик дини биринчи асрда Фаластин худудида пайдо бўлди. Бу дин эрамининг V асргача Рим империясини географик худудида тарқалди. Сўнграқ эса Шарқий Сурия, Арманистон, Эфиопия мамлакатларига тарқалди. Айниқса, биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида ҳам шаклланди. Христианликнинг шаклланиши билан иудаизмнинг кўпгина хусусиятлари инкор этилди. Мазкур дин ўз характери билан яққахудоликни тарғиб қилди. Христианлик тарафдорлари азоб-уқубат кўриш табиий бўлиб, келажакда эса нариги дунёда хур фаровонликка эришилади. Бу ҳаёт қийноқларига бардош бериш инсоннинг бурчидир, деб тарғиб қилди. Уларнинг фикрича, борлиқни фақат худонинг ўзи бошқаради. Унда куч-қувват, билим, заковат, ижод, бунёдкорлик мавжуд. Инсонлар эса худонинг ижодидир. Христианликнинг асосий ғояси худо-одам-Исус Христос фаолияти билан боғлиқ.



Христианликнинг ақидалари, эътиқод талаблари ҳуқуқий, ахлоқий нормалари чекланиш ва тақиқлар Библия ҳамда бошқа муқаддас китобларда ўз ифодасини топган. Бу динда кўрсатилишича, Христос ўзининг кийноқларга чидамлилиги билан дунё зулмини енгади ва инсонларнинг гуноҳларини ўзига олади. Ғам-ғуссалардан қутултириш учун ўзини қурбон қилади. Худонинг амрига бўйинсунмаган инсонлар Оллоҳ шарафига муяссар бўла олмайдилар. Христианлик инсонлардаги сабр-чидамлилиқни, кийноқларга тан бериш каби соҳаларга биринчи ўринни беради. Рим империясида давлат динига айлантирилган. Тарихий тараққиёт таъсирида (Рим империясининг Ғарбий ва Шарқий) бу дин иккига бўлинган. Булар: христианлик черковининг католицизм (Ғарбий қисми), православие (Шарқий қисм)ларга ажралган. Бундай бўлиниш 1054 йилда содир этилган бўлсада, лекин бу жараён XIII асрнинг бошларида тугатилган. Христианлик Россияда X асрнинг охирида Византиянинг таъсирида тарқалган.

**Қадимги Шарқ ва Антик  
дунё фалсафасини  
ўрганиш зарурияти.**

Юқорида таъкидлаганимиздек, энг қадимги фалсафий фикрлар Шарқнинг Бобили(Вавилония)да эраמידан олдинги тўртинчи мингйилликнинг бошларида пайдо бўлган. Ўша даврлардаёқ одамларнинг оламда рўй бериб турадиган хилма-хил ҳодиса ва жараёнларига бўлган муносабатлари ҳамда қизиқишлари, энг содда бўлса-да, фалсафий қарашларда намоён бўла бошлаган. Вавилониядаги ўша даврнинг машҳур асарларидан бири, “Гильгомеш ҳақидаги достон” бўлиб, унда тупроқ, сув, ҳаво, иссиқлик инсон ҳаёти ва тириклигининг асосий ва абадий манбаси, дея эътироф этилган. Бошқа халқларнинг ҳам бунга ўхшаган асарлари, эртақ ва саргузаштлари мавжудки, уларнинг бир-бирига яқинлигини сезамиз. Шу маънода жаҳон маданиятининг таркибий қисми ҳисобланган фалсафа фани дунёвий асослар ёрдамида шаклланган. Демак, фалсафа бир миллат, бир халқ, бир мамлакат фалсафаси бўлмай балки турли давр ва шароитларда яшаб ижод этган, яшаб келаётган барча халқларнинг бутун инсониятнинг маънавий, маданий бойлигидир. Узоқ асрлар давомида шаклланган, тўлдирилган муаммолари янгиланган ҳамдир. Дунё мутафаккирлари, алломалари, донишмандлари, шоир ва ёзувчиларнинг маҳсулидир. Немис, француз, япон, ўзбек фалсафаси деганда, уларнинг фалсафага нисбатан нисбийлигини эътироф этиш зарур. Дунё фани бўлган фалсафага ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўз хиссасини қўшади, ҳолос. Бу ҳисса орқали фалсафанинг умумий жиҳатлари бойийди, тараққий этади, ривожланади. Шу сабабли ҳам, Шарқ ва Ғарб фалсафаси алоқада ва боғланишдадир. Зеро, ҳар бир қўлланма ва дарсликларда, рисоаларда, илмий мақолаларда умуминсоний фикрлардан фойдаланадилар. Шу ўринда қадимги Шарқ ва антик Ғарб дунёсининг фалсафасини ўрганиш айти мудиодир. Бу даврлардаги фалсафий фикрларни ўрганиш ҳар бир инсонни маънавий

бойитади, фикрини ўткирлаштиради, табиат ва жамиятнинг фаолиятини билишга ундайди. Фалсафий хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Фалсафий қарашлар орқали ўша замон маданияти, ҳаёти, давлати, жамияти ўрганилади. Инсонларнинг турмуш тарзи солиштирилиб, маълум бир фикрга келинади. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, деб бежиз айтилмаган. Инсонлар ўз келажagini белгилашда олдинги фаолиятни билмасалар, тузатиб бўлмас камчиликларга йўл очадилар. Демак, антик дунёдаги, қадимги Шарқ мамлакатларидаги фалсафий меросни ўрганиш келажак пойдеворини ўрнатишга ёрдам беради. Унинг илмий, маданий, ахлоқий томонлари борки, келажак авлод ундан баҳраманд бўлади. Уларни ўрганиш заруриятдир.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

Антик дунё, хинд фалсафаси, чорвяка, даоизм, миллет мактаби, софист, атомист, эллинизм, стоиклар, христианлик.

#### **Алломалар фикрларидан намуналар:**

«Табиий сабабятларни билмаслик одамни худоларни яратишга мажбур этди: ёлғон эса уларни аллақандай қудратли бир нарсага айлантирди».

#### **Пол Анри Гольбах – француз материалист файласуфи.**

«Одамлар фақат пок табиат ила дунё юзини кўрурлар ва сўнгидагини падарлари уларни яҳудийлар, христианлар ва ё оташпарастларга айирганлар».

#### **Муслиҳиддин Саъдий – форс ва тожик шоири.**

«Бўлак яхши ном истама, шул етар –  
сени яхши одам деса эл агар».

#### **Муслиҳиддин Саъдий – форс ва тожик шоири.**

#### **Мавзуга оид тест саволлари:**

**Атомистик таълимотнинг асосчиси ким?**

- а) Пифагор;
- б) Демокрит;
- в) Сократ;
- г) Аристотел.

**Милет материалистик мактабининг асосчиси ким?**

- а) Фалес;
- б) Пифагор;
- в) Пратагор;
- г) Конфуций.

**Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: «Ўзбекистон» 1998й.
2. Шайхова Х., Назаров Қ., Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. Т.: 1992 й.
3. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т.: 1993 й.
4. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Т.: 1998 й.
5. Хайруллаев М. М. Ўрта Осиёда уйғониш даври. Т.: 1993 й.

#### 4 боб. Ўрта Осиёда илк ўрта асрлар фалсафаси

**Илк ўрта асрлар  
фалсафасининг  
моҳияти ва  
хусусиятлари.**

Ўрта Осиёдаги қадимги фалсафий қарашларни билиш, ўрганишда ёзув ва тарихий ёдгорликларнинг ҳам катта аҳамияти бор. Қадимий ёзувлардаги мазмун ҳам ўз даври фалсафий жараёнларини намоён қилганки, уларда ҳам яхшилик ва ёмонлик, бойлик ва камбағаллик ўртасида қурашлар тасвирланган. Қадимий ёзма ёдгорликларга «Авесто», “Бундахшин” “Денхард” ва «Ўрхун-Енисей» ёзувлари қиради. Енисей бўйларидаги қадимги ёзувларни аниқлаш XVIII асрнинг бошларида рус олимлари томонидан бошланган. Топилган ёдгорликлардаги ёзувларни аниқлаш қийин кечган. Фақат XIX асрнинг биринчи чорагида Григорий Спасскийнинг Енисей ёдгорликлари ҳақидаги мақоласи «Сибирский вестник» (Сибир хабарлари) журналида эълон қилингандан сўнг ёдгорликлар ҳақидаги маълумотлар олимларга маълум бўлади. Аммо, ёзувни ўрганишга ўша пайтда катта эътибор берилган бўлса ҳам, тезликда натижа бермаган. 1889 йили рус сайёҳи ва ёзувчиси Н.М.Ядринцев Мўғулистондаги Кошо-ҳайдам водийсида Ўрхун дарёси бўйларидаги кўпгина ёдгорликларни топиб, улардаги Хитой ёзувига ўхшаш матнларни аниқлаган. Матнларни ўқиш Дания олими Вильгельм Томсенга насиб қилди. У дастлаб «тангри», «турк» деган сўзларни ўқигандан сўнг (1893 йил 25 ноябрда) масала ойдинлашди. Кўп ҳарфлар мазмунига қалит топилди. Бу орада рус олими В. В. Радлов ҳам 15 та ҳарфни ўқиган эди, у Томсен ва ўзининг кашфиёти асосида ёдгорликлардаги матнларнинг таржимасини биринчи бўлиб амалга оширди.

Н. М. Ядринцев топган ёдгорликлар турк ҳокони Билқа-Қоон-Моғилён (734-йилда вафот этган) ва унинг укаси Кул-Тегин (732-йилда вафот этган) қабр тошларига ўйиб ёзилган ёдгорликлар эди.

Шу вақтдан бошлаб Енисей ва Ўрхун дарёлари атрофидаги ёдгорликлар «Ўрхун-Енисей ёдгорликлари» деб атала бошлаган. Шунингдек, Ўрхун ёзуви деб ҳам аталган. Кейинчалик яна кўплаб ёдгорликлар топилди. V-VI асрларга оид 5 та тошдаги, ҳамда қоғоз, чарм, ёғоч, ва турли идиш-товоклардаги ёзувлар ҳам қимматли манбалар бўлиб ҳисобланади. Бу ёзувларда турк ҳоконлигининг давлат тузуми ва динлар ҳақидаги маълумотлар берилган. Хитой йилномаларида кўрсатилишича, туркларнинг ўлганларидан сўнг кўмиш маросими шундай таърифланган: ўлган кишининг бойликлари, жангда минган оти билан бирга олиб куйдирилади. Хоки дафн этилиб, марҳум қанча душманни ўлдирган бўлса, шунча тош унинг қабрига қўйилади, унинг сурати ишланади ва қилган ишлари ўйиб ёзилади.

Бундай маълумотлар ҳақиқатдан ҳам у даврдаги қабр тошларининг кўпларида учрайди. Хусусан, Моғилён ва Кул-Тегин қабр тошларида ҳам, шунингдек фикрлар мавжуддир. Моғилён сўнгги турк “улуғ ҳокон”ларидан бўлиб, урушлар олиб борган, ўз давлатининг чегарасини

кенгайтирган ва мустаҳкамлаган. Унга укаси зўр мардлик кўрсатиб ёрдам берган. Қўшни давлатлар билан яхши муносабат ўрнатган. «Йўқсил халқни бойитган», «Оз сонли халқни кўпайтирган», «Адолатли ҳукмдор» бўлган.

Худудларда кўпроқ маълум кишиларнинг қаҳрамонликлари акс эттирилган. Ўша пайт матнларидаёқ қирғиз, уйғур, ўғуз ва яна бошқа халқларнинг, қабилаларнинг номлари тилга олинган. Умуман, у ёзувларнинг аҳамияти шундаки, эндиликда улар бизга ўша даврнинг фалсафий, ҳаёти ҳақида маълумотлар беради. Урф-одатлар, эътиқод ва бошқалар билан таништиради. Масалан, Енисей хавзасидан топилган бир тошдаги ёзувда шундай дейилган: «Менинг давлатим ва менинг хоним, мен сизлардан лаззат кўрмадим, хайхот, мен куёшни ва ойни сезмайдиган бўлиб қолдим.

Менинг дўстларим ва менинг қариндошларим, хайхот мен (сизлардан) узоклашиб, ўз қумуш халқимдан йироқлашдим.

Ўз қаҳрамонлик шижоатимдан лаззатлана олмадим. Қирк ёшимда ўлдим, мен Ўчин-Кулуг-Тириг ўғли, мен Кулуг-Туған» ва ҳоказолар.

Ушбу ёзувлардан кўриниб турибдики, VII- VIII асрларда халқ ва подшоҳлар ўртасидаги муносабатлар ўз хусусиятига эга. Қарама-қаршиликлар, келишмовчиликлар, турмуш тарзидаги воқеалар аста-секинлик билан ривожлана борган. Ана шундай бир даврда Ўрта Осиё ҳаётида ислом динининг кириб келиши билан аҳвол ўзгарган. Маҳаллий диний қарашлар зарбага учраган. Араб босқинчилари Ислом динини халққа сингдириш учун катта куч билан ҳаракат қилганлар. Ўша даврнинг ватанпарварлари (Рафи ибн Лейл, Ҳамза ас Хориж, Абу Муслим, Муқанна ва бошқалар) арабларга қарши чиқиб жиддий зарба берганлар. Шундай бўлишидан қатъий назар араб маданияти маҳаллий жойларда ўз ўрнини ола бошлаган. Талайгина босқинчилик урушларидан сўнг IX асрнинг охирига келиб Ўрта Осиё мустақилликка эришди. Сомонийлардан сўнг Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар давлатлари пайдо бўлди. Бухоро, Самарқанд, Марв, Кўхна Урганч, Хива каби марказлар вужудга келди. Бу шаҳарлар Ўрта Осиёнинг маданий марказларига айландилар. Натижада Мовароуннаҳр худудида маданий-маънавий, ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, диний фалсафий таълимотларининг ривожланиши учун кенг йўл очилди. Айни шу даврларда Ўрта Осиё дунёнинг йирик маданий марказларидан бирига айланди ва жаҳон цивилизациясига муҳим ҳисса қўшди. Халқдан ақл-идроки, тафаккури билан дунёни дол қолдирадиган комусий олимлар етишиб чиқдилар. Натижада математика, астрономия, химия, минерология, тиббиётчилик, санъатшунослик, наққошлик каби соҳалар тез ривожланди. Тарихчилар, файласуфлар, ғазал мулканинг султонлари, «муаллими соний», «шайхур раис»лар етишиб чиқдиларки, бу аждодларимиздан қанчалик фахрлансак камлик қилади. Ана шу аждодларимиз шарқ уйғониш даврини бошлаб берганлар. Улар яратган илмий-фалсафий таълимотлар умумбашарий аҳамиятга эга бўлган таълимотга айланди. Ўзларининг фалсафалари ватан

равнаки, илм-фан, маданият, эркинлик, фаровонлик ғояларини акс эттирадилар.

Таъкидлаш лозимки, Туркистонда ислом дини тараққий этмаган даврлардаёқ ўзбек халқи аждодларида снэсий онг, маданият, мафкура, анъаналари, адолатпарварлик, ҳуқуқий талаб, бурч, кафолатлар, кадриятлар кенг ривожланган. Бундай хулосаларнинг келиб чиқишига, Ўрта Осиёда ривожланган олдинги динлардан қолган анъана ва ёдгорликлар ёрдам берган. Масалан, Буддачиликнинг Махаяна шакли Кушоншоҳларнинг расмий давлат дини, деб эълон қилинганидан сўнг (айтиш лозимки, кушонларнинг дастлабки пойтахтларидан бири ҳозирги Каттақўрғон ёки Шахрисабз атрофларида, Хитойда «То-си», руҳи, деб аталувчи) диний тавоф маркази бўлган. Махаллий шаҳарлар Балх, Марв, Термиз, Самарканд, Бухоро, Шош, Туркистон, Сайрам, Косон, Ўш ва бошқа шаҳарларда кўплаб диний ибодатхоналар қурганлар. Буддачиликка онд китоблар тарқатилган. Кушонлар давлатининг асосчиси Канишка Кадфиз томонидан Панжобнинг Жаландхар шаҳрида буддачиликнинг умумжаҳон жомеъ йиғилишида «Махаяна – ҳамма учун бирдек улуг йўл» давлат дини ва мафкураси дея эълон қилинган. Аслида у пайтларда Турондаги Туркий халқлар тангрига эътиқод қилган. Махаяна таълимотининг фалсафий асоси халқларни бирлаштиришга қарагилган эътиқод-мафкура бўлган.

Таникли археологлардан бири Б. Я. Ставависский буддачиликни узок шарқда, Турон, Туркистонда кенг тарқалганлигини, тарқалишида Туркистонлик авлиёлар (роҳиблар)нинг хизмати катта бўлганлигини қайд қилади. Ана шу пайтдаги роҳиблар анъаналарга асосланганлар. Муқаддас сураларни шахсан кўчириб, махаллий тилларга таржима қилганлар. Шарҳлар ёзганлар. Ана шундай роҳиблар қаторига Термизлик (олдинги номи Трамита) Дхармамитра, Тошкенти-илок воҳасидан Бо Шлипотола, Шримитра, Лақай туркларидан Дхарманандин, Самарқандлик Кан Сэн – Хуэйлар қирадилар. Улар эрамининг III-V асрларида яшаб ижод этганлар. Будданинг асосий ғоялари бўлган қийинчиликдан қутулиш йўллари ўз истақларидан воз кечишлари, тўла хотиржамликка, осойишталикка, мутлоқ маъсудлик ҳолатига эришишларини тарғиб қилган (буддада 4 та қонда ётади: дунёда қийналиш, азоб-уқубат мавжуд, қийналишнинг сабаблари, қийналишдан қутулиш мумкин, қийналишдан қутулишга олиб чиқувчи йўл бор). Кўриб турибмизки, мамлакатимиз ҳудудидаги халқларнинг ўзаро алоқалари туфайли илк ўрта асрларда фалсафий фикрлар ривожланган. Ўз маданияти, фалсафасини яратган. Халқларнинг фалсафасини яратишда қадимий динлар муҳим аҳамият касб этган. Ана шундай динлардан бири ислом динидир.

#### **Ислом фалсафаси.**

Ислом дини дунёда сиғинувчилар миқдори жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Ислом сўзи арабча «Худога ўзини топшириш», «итоат», «бўйсунуш» маъносини беради. Бу динга ишонувчилар арабча «Муслим»

деб аталади. Унинг кўпчилиги шакли бўлган «Муслимун» сўзининг бошида халқлар орасида турлича: форслар – мусулмон, ўзбек-мусулмон, қирғиз-қозоқ- мусулмон, Украина-Россия-босурман, деб аталади. Муҳаммад исмини Магомед, деб айтадилар. Исломи динининг келиб чиқиши масаласини турлича талқин қиладилар. Исломи манбаларида исломи жамият билан боғланмаган. Худо томонидан юборилган охириги таълимот, дейдилар. Бу биринчи нуқтаи назар, иккинчи нуқтаи назар: VI аср охири – VII аср бошларида Арабистон ярим оролида юз берган ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу даврда қабилалар тугатила бошлаган. Синфий жамият юзага келган. Хукмрон синфлар жамиятга эгаллик қилган, яъни эзувчи синфлар равақ топган. Аввал мушрикчилик, яъни кўп худодлик бўлиб, энди унга барҳам бериш пайти келган. Қадимий маънавият ва маданият янада ривожланиб, қулдорлик тузумини пайдо қилган. Яман ярим ороли орқали қарвонлар Ҳабашистон, Ҳиндистон, Сурия, Миср, Византия ва Эронни боғлаган. Маккада қарвонлар тўпланган. Савдо, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдогарлик тараққий этган. Мадина ҳам, Макка ҳам ўша пайтда диний марказ бўлган. Ундаги Каъба ибодатхонаси, у ердаги қоратош ва уч юздан ортик қабилла худодларининг санамлари туфайли бу жойлар эътиқод марказига айланган. Куръоннинг 108 – «Ал- Қавсар» (Чашма булоқ) сурасида Арабларнинг Каъба зиёратига келиб, қурбонлик сўйиш одатлари ўз ифодасини топган.

V-VI асрларда Маккада арабларнинг Қурайишлар қабиласи хукмрон бўлиб, савдо қилиш натижасида бойиб кетган. Пул муомаласи, судхўрлик кенг ривожланган. Қул савдоси бўлган. Синфий қарама-қаршилиқлар кучайган. Бу жойларда яҳудийлар ва христианлар ҳам яшаган. Исломи динини пайдо бўлишида яҳудий ва христиан динлари таъсир этган.

Якка худодликка ишониш исломи динигача ҳам мавжуд эди. Уни дастлаб Ҳанифлар (ҳақиқат изловчилар, эътиқод қилувчи) тарғиб қилган. Исломи динида пайгамбар, деб танилган Муҳаммад 570 йилда туғилган. У Маккада Қурайиш қабиласига мансуб бўлган Ҳошимийлар хонадонидандир. У 609-610 йилда Маккада якка худога эътиқод қилиш тўғрисида тарғибот бошлаган. Қурайишларга уммавийлар қабиласи қаршилиқ кўрсатган. Зиддиятлар келиб чиққан. Маккада аҳвол кескинлашган. Шундан сўнг Муҳаммад Мадинадаги Авс ва Ҳазраж қабилалари вакиллари билан музокара олиб бориб, улар ёрдамида Мадинага ўтган. Натижада 622 йили юз берган кўчиш (арабча «хижра») дан мусулмонларнинг хижрий йил ҳисоби бошланган.

Муҳаммад Ҳошимийлар мавқеини тиклаш учун уммавийларга қарши курашган. Мадинада мусулмонлик тез қабул қилинган. Мусулмонликни қабул қилиш баъзида тинчлик – баъзида уруш йўли билан амалга оширилган. Мадина кучли давлатга айланиб, Муҳаммад қўлида мужассамлашган. Унинг мавқеи Маккага нисбатан жиддий кучая борган. Натижада Макка задогонлари Муҳаммад билан келишиш йўлини топганлар. 630 йили Мадина қўшинлари Маккани қаршиликсиз қўлга

олади. Кейинчалик Макка аҳолиси ҳам Муҳаммадни ёрдамчиларига айланган. Муҳаммад 632 йил июнь ойида Мадинада вафот этади. Ундан сўнг унинг ўринбосарлари-халифалар давлатни бошқарганлар. Шу сабабли араб халифати, деб юритдилар.

Муҳаммаднинг илк сафдошларидан бири (қайнота) Абу Бакр (632-634) кейин Халифа Умар (634-644) ундан сўнг Халифа Усмон (644-656) ва кейин Ҳазрати Али (656-661) даврларида истилолар бўлди. Айниқса, Усмон ва Али даврида Кавказ ва Ўрта Осиёга кураш бошланган. Араб истилочилари VII асрни 70 йилларида Эронни босиб олиб, Ўрта Осиёга хужумни бошладилар. Араблар (Моворауннахр – икки дарё ўртасидаги ерлар) аввал босқинчилик хужумлари қилдилар, кейинроқ VIII аср бошларида ва VIII аср ўрталаригача Ўрта Осиёни тўла босиб олганлар. Моварауннахрда уларга қарши Муқанна, Сумбод Муг, Ғурак ва бошқа саркардалар кўзғолонлар кўтарганлар. Босқинчилик натижасида: маҳаллий маданият, фалсафа, маҳаллий динлар, маънавий кадриятлар чекланган, инкирозга юз тутган.

Ислом динининг асосий манбаси яъни, биринчиси Қуръондир: унда ислом ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар ўз ифодасини топган. Ислом анъанасида Қуръон Оллох томонидан Муҳаммадга 22 йил давомида фаришта Жаброил орқали нозил қилинган (уктирилган). Ваҳийлар Муҳаммад даврида системали ёзиб олинмаган, балки Абу Бакр даврида ёзилган. Буни Муҳаммадга котиблик қилган Зайд ибн Собит амалга оширган. 632 йил охирида Қуръоннинг матни тайёр бўлган. Манбаларда у «Сухуф» (саҳифалар) деб юритилган. Улар ўртасида тафовутлар ҳам бўлган. Халифа Усмон давлатни мустаҳкамлаш учун яна Зайд ибн Собитга Қуръоннинг матнини тўплаганлар билан биргаликда таққослашни ва ягона тўплам тузишни буюрган. Бу тўплам «мусхад» деган ном олган. Усмон бошқаларнинг «Сухуф»ини йўқотишга буйруқ берган. Янги тўпламнинг асл нусхаси (айрим маълумотларга қараганда VII) кўчиртирилиб, Куфа, Басра, Дамашқ ва бошқа шаҳарларга юборилган.

Қуръонни ўқишдаги тафовутларни йўқ қилиш учун унга араб ёзувидаги хос белгилар қўйиб чиқилган. «Мусхаф»дан кўчирилган энг қадимий нусхаларидан 4 таси ҳозиргача сақланиб қолган. Улардан бири Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари диний бошқармасида сақланади. Қуръон 114 сурадан иборат; ҳар сура оятларга бўлинган. Суралар номланган. Масалан, 1-сура «Фотиҳа», 2-сура «Бақара» ва ҳ.к. Сураларнинг яратилган вақти 2 даврга: 610-622 йилларда Маккада 90 сура, 622-632 йилларда Мадинада 24 сура яратилган.

Қуръоннинг асосий ғояси яқка худолик- Оллох тўғрисидаги таълимотдир. Шу билан боғлиқ ҳолда унда пайғамбарлар, охират, тақдир ва бошқа ақидалар баён қилинган. Ислом динининг асосий талаби: эътиқод, намоз, рўза, закот, ҳаж. Қуръонда мусулмонларнинг фалсафий ва ахлоқий, ҳуқуқий қарашлари ўз аксини топган. XII асрда Европанинг баъзи халқлари тилларига таржима қилинган. XVIII асрда эса Европанинг кўпчилиги тилларига, жумладан, рус тилига 1878, 1894, 1907 йилларда



таржима қилинган. Ислом динининг иккинчи манбаси Сунна (араб тилида одоб, анъана, хатти-ҳаракат)дир. Сунна исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган. Муҳаммаднинг сўзлари, қилмишлари, хатти-ҳаракатлари акс эттирилган ҳадисларда тўпланган. Сунна исломда Куръондан кейинги уни тўлдирувчи манбадир. Ислом моҳияти ва шариатнинг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган. Сунна VII аср ўрталарида йиғила бошлаган. Унда қарама-қаршилиқлар, яхши ва ёмон кадриятлар тўғрисида фикр юритилган. Бир, икки аср давомида ҳадислар кўпайиб кетган. IX асрда тизимга солинган. Аниқ, ишончли ҳадислар ҳампортимиз Имом Исмоил Бухорий (810-870) томонидан тўпланган.

Ислом динининг учинчи манбаси – шариат қонунчилиги бўлиб, у ислом динининг ҳуқуқий тизимидир. Унда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари ахлоқий нормаларга ва амалий диний талабларга ҳам қонуний тус берилган.

Исломда жамиятни бошқариш Куръон асосида олиб борилган. Кейинчалик, феодализм ривожланиши билан диний фаолиятни қамраб олувчи қонунлар мажмуасига эҳтиёж туғилган. Ислом илоҳиётчилари бир неча аср мобайнида шариат қонунларини яратганлар. Унга асос қилиб, Куръон ва Сунналар олинган. Шариат қонунлари XI-XII асрларда тўла шаклланган. Шариатда давлат ҳуқуқи нормалари, мажбурият, жиноят, жазо ва оила-никоҳ ҳуқуқлари, шунингдек, суд юритиш, васийлик кўрсатмалари берилган. Шариат, хусусий мулкни худо томонидан белгиланган, доимий ва ўзгармас, деб ҳисоблайди. Киши фаолияти икки турга-ҳаром ва ҳалолга ажратилган. Шариат шаклланиб тугалланган даврда 5 та категория вужудга келган: 1. Фарзнинг бажарилиши қатъий, мажбурий бўлган; 2. Мансуб (суннат)- мажбурий эмас, лекин маъқул, лозим деб ҳисобланган; 3. Мубаҳ –иҳтиёрий нормалар; 4. Макруҳ – номаъқул нормалар; 5. Ҳаром-қатъий равишда таъқиқланган ҳаракатлар.

**Тўртинчи манба:** Тафсир (араб-шарҳ, тушунтириш, изох) ислом анъанасида Куръон, ҳадислар ва бошқа диний манбаларни талқин қилиш. Куръон тафсирларида Куръоннинг матни айнан шарҳлаб берилади.

**Бешинчи манба:** калом (араб – сўз, нутқ) ислом илоҳиётининг илк шакли. Фалсафий таълимот сифатида араб халифалигида VIII асрда пайдо бўлган. IX асрга келиб, Ўрта Осиёга тарқалган. Калом тарафдорлари мутакаллимлар дейилади. Калом асосчиси ал – Ашъарий (873-935)дир. Каломда айтилишича Оллоҳ ҳам инсоний хусусиятларга эга, деб тушунтирилади. Каломчилар Куръонга суяниб жаннат ва дўзахни азалий мавжуд, деб билади. Инсонда эркинлик йўқ, барча қилмишлари учун инсонлар Оллоҳ олдида жавоб беради.

**Олтинчи манба:** фикҳ (араб-тушуниш) мусулмон ҳуқуқшунослигини ишлаб чиқувчи соҳа. Ҳуқуқшунослик фани сифатида ҳам қўлланилади. Шариат манбаларини ишлаб чиқиш, шариатни ҳаётга татбиқ қилиш билан шуғулланади. Фикҳ билан шуғулланган олимлар (Ўрта Осиёда) Бурҳониддин Марғиноний, Абу Лайс Самарқандийлардир.

Ҳуқуқда 4 мазҳаб (йўналиш) бор. Ҳанафия, моликия, шофиъия ва ханбалиялар.

Ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги фалсафа ана шу манбаларга асосланиб тарғиб қилинган. Олам тўғрисида ислом дини маълумотларидан келиб чиқиб таъриф берилган.

**Диний бағрикенглик ва дунёвий билимлар тақомили, уларнинг алоқадорлиги. Имом Бухорий ва Имом Термизий.**

Ватанимиз жаҳондаги йирик маданий марказларидан бири бўлиб келганига шубҳа йўқ. Ўша қадимги даврлардаёқ мамлакат ичкарисид а иқтисодий, маънавий, сиёсий, ўзига хос турмуш тарзи, халқнинг характери

мукаммаллашган. Шарқ мамлакатлари – Ҳиндистон, Хитой билан бўлган иқтисодий, сиёсий соҳадаги муносабатлар мамлакатимиз равақининг орқада қолишига йўл қўймаган. Ўз навбатида мамлакатимиз худудида ривожланган илғор урф-одатлар, Шарқ мамлакатлари маданияти, фалсафасига ўз таъсирини ўтказган. Инсонийлик сифатлари кенг тарқалган. Ана шундай инсоний-фалсафий фазилатларидан бири диний бағрикенгликдир. Ўрта Осиё мутафаккирлари бағрикенглик фалсафасига эътиборни қаратиб келганлар.

Бағрикенглик – дунёдаги турлича бой маданиятлар, урф-одатлар жараёнларини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини хурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Қисқача айтадиган бўлсак, бағрикенглик турлитуман жараёнлардаги бирликдир. Бағрикенглик маънавий соҳадагина эмас, балки, сиёсий, ҳуқуқий, демократик йўналишларни ҳам қамраб олади. Бағрикенглик тинчликни таъминловчи, уруш маданиятсизлигини йўқ қилувчи, ҳақиқий тинчлик маданиятига етакловчи жараёндир.

Диний бағрикенглик халқаро вазиятни соғломлаштиришга, янгича ёндошишга ёрдам беради. Дин эса ижтимоий онг сифатида инсон фаолиятини қамраб олади. Бағрикенглик ижтимоий онг мазмунини тобора инсоний моҳият касб эта бориши, шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари барқарорлигига эришиши, маконда меҳр-шафқат, одамийлик тамойилларини тақомиллашувига ёрдам беради. Бағрикенглик инсоннинг ўз-ўзини асрашига қўмаклашади.

Бағрикенглик кенг маънода барча халқларнинг яшаш учун курашиш ҳуқуқининг тасдиқланиши билан объектив равишда боғлиқдир. Дунё ҳамжамияти куч ва зўрлик, якка ҳокимликни заифлаштириш йўлларини излаб келади. Асрлар давомида инсонлар бағрикенгликнинг ҳақиқий пойдеворини топишга интилиб келдилар. Бу соҳада диний манбаларга мурожаат қилдилар. Чунки одамлар ўртасида барқарорлик жиҳатларига эҳтиёж туғилади. Барқарорлик мувозанат шароитидагина алоҳида шахс, халқ эркин маънавий шаклланиш имкониятига эга бўлади. Диний бағрикенгликни тақомиллаштириш мамлакатлар ўртасида, минтақалар ва бутун дунё ҳамжамияти миқёсида дўстона муносабатларни қарор

топтиришнинг муҳим омилidir. Шу сабабли ҳам Ўрта Осиёнинг ўрта аср мутафаккирлари айнан диний бағрикенглик соҳасида илмий фикрларни айтиб кетганлар. Эндиликда таржима қилиниб, халқимизга тортик этилаётган адабиёт, илмий манбалардан ўқиб хулоса қиламизки, бағрикенгликнинг фалсафий жиҳатлари ҳар бир шахс, ҳар бир халққа тааллуқлидир. Жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг», Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Алишер Навоийнинг «Хамса», «Ҳолати Саййид Ҳасан Ардашер», «Маҳбуб ул-қулуб», Бобурнинг «Бобурнома», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» ва бошқа асарларда муаммонинг ечимига оид ибратли фикрлар бор.

Диний билимлар, дунёвий билимлар билан ўзаро алоқада бўлиши бағрикенгликни тақозо этади. Айниқса, буюк муҳаддислар ҳадислар тўплашда бу жараёнларга эътиборни қаратганлар. Жумладан, Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳадисларида бағрикенглик жиҳатлари очиб берилган. Имом Бухорий жами 600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг «саҳиҳ» ва 200 минг «ғайри саҳиҳ» ҳадисларни ёд олган. Ҳадис илми бобида ниҳоятда иқтидорли бўлган. Минглаб шогирдлар тарбиялаган. Муслим ибн Ҳажжож, Исо ат-Термизий, ан-Насоий, Абу Зуръа, Юсуф ал-Форобий, Абу Бакр ибн Хузайма каби машҳур муҳаддислар шулар жумласидандир. Имом Бухорийнинг «Ал-Жомъи, ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам)» деб номланган тўрт жилддан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг мукаммалidir. Тўпламда ҳадислардан ташқари ислом ҳуқуқшунослиги, ислом маросимлари, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия ҳамда ўша давр тарихи ва этнографиясига доир маълумотлар ҳам бор. Тўрт жилдликда 600 минг ҳадисдан фақат 7275 таси энг «саҳиҳ» ҳадислар киритилган. Бу тўплам жуда кўп марта чоп этилган. Унга шарҳлар берилган.

Имом Бухорий яна бир қанча бошқа асарлар тасниф этган. «Ал-адаб ул Муфрад», «Китоб асмоъ ис-саҳоба», «Китоб афъол ил-ибод», «Китоб бадъ ил-махлуқот», «Китоб бирр ил-волидайн», «Таърих ус-сикот ва-з-зуъафо мин рувот ил-ҳадис», «Таърих Бухоро» ва бошқалар.

Имом Бухорийнинг фалсафаси қадриятларимизни тиклашда кишиларда ахлоқ-одоб, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик сингари умуминсоний фазилатларни сингдириш ва қарор топтиришда муҳим аҳамиятта эгадир. Муҳаммад пайғамбар «Кимгаки Оллоҳ-таоло яхшиликни раво кўрғайдир, уни дин илмидан баҳраманд қилғайдир, илмга илм олмак йўли бирлан эришилғайдир» деганлар. Мазкур фикрда диний билимлар билан биргаликда дунёвий билимлар ҳам эътиборга олинган.

Ислом динида буюк инсонлар ўз номларини буюк ишлар билан муҳрлаб кетганлар. Шулар орасида Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит (тахаллуси Имоми Аъзам (699-767)) алоҳида ўрин тутади. У ҳанафий мазҳабининг асосчиси ва имоми илоҳиётчи олимлардан биридир. Келиб чиқишлари қобуллик эътиборли оилаларга бориб тақалсада, у кишининг

боболари Марзубон халифа Умар ибн ал-Хаттоб (634-644) даврида исломни қабул қилиб Куфа (Эрон)га кўчиб келган ва у ерда муқим бўлиб қолган. Демак, Абу Ҳанифа шу ерда ўзига тўқ шойнчи савдогар оиласида туғилган. Отаси вафотидан сўнг унга тегишли дўкон Абу Ҳанифага мерос бўлиб қолган. Халифаликнинг бош қозиси вазифасини бажармаганлиги учун Халифа Мансур (хукмронлик йиллари 754-775) томонидан қамалган ва зиндонда қалтаклаб ўлдирилган. Ислом динининг ақидавий асосларини шакллантиришга буюқ хизматларини амалга оширган. Шу сабабли "Имом Аъзам" ("Энг буюқ Имом") деган фахрли унвонга сазовор бўлган тарихий шахсдир. Шу сабабли ханафийлик халқимиз ўртасида Имом Аъзам мазҳаби деб ҳам юритилади. Бу инсон Қуръони Каримни тўла ёд олган. Суннийликни ташкил этувчи тўрт мазҳаб асосчилари ўртасида фақат Абу Ҳанифагина пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом саҳобаларининг айримлари билан холи суҳбатда бўлган. Барча исломий илмларни чуқур ўрганган. Натижада мусулмон ҳуқуқшунослигига асос солган. "Фикҳ бўйича энг катта китоб", "Тавҳид асослари", "Олимлар ва ўрганувчилар китоби", "Рисола китоби", "Васият ҳақидаги китоб" кабилар Абу Ҳанифага мансуб. Абу Ҳанифа асарларининг аслияти бизгача етиб келмаган. Асарларида Тавҳид (ягона Оллоҳга ишониш), Оллоҳнинг сифатлари, қаломи-Қуръон, Оллоҳнинг қудрати, ирода эркинлиги, гуноҳ ишлар ва уларга белгиланган жазо, хайрли амаллар ва уларни ажри, иймон-этиқод ва бошқа ҳуқуқий муаммолар батафсил ёритилган. Абу Ҳанифанинг баъзи асарларида диндаги биринчи фиркачиларга қаршилиқ кўрсатиш сезилиб турган. Абу Ҳанифа ижодига тааллуқли "Ал-Муснад" бўлиб, у ҳадислар тўпламидан иборатдир.

Абу Ҳанифа таълимотининг марказий ўринларидан бири бу ҳокимият билан диний муассаса ўртасидаги муносабатдир. Бу таълимотда таъкидланишича ҳар қандай жомеъ масжидини очиш учун ҳукумат руҳсатини олиш лозим. Бу эса мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий масалалар билан боғлиқ. Жамиятни бошқариш соҳасида дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги келишувчилик давр талабидир. Шу сабабли ҳам бу мазҳабни кенг маънода бағрикенглик ва тараққиёт тарафдорлик мазҳаби деб эътироф этадилар.

Абу Ҳанифа ва унинг издошлари қиёс (таққослаш) усулидан (яъни қурилайётган масалага ўхшаш олдин содир бўлган ҳолатлар билан) фойдаланиб, истиҳсон (яхшиси ёки афзалини танлаш) тамонини ишлаб чиққанлар ва қундалиқ ҳаётга тадбиқ этганлар. Бу эса инсонни, давлат ва жамиятнинг фаолиятини эътироф этиш билан боғлиқ эди. Бундай ёндошиш халқларни бирлашишига, уларни урф-одатларини ҳисобга олишни тақозо этарди. Шу сабабли ҳам ислом динини тезда тўғри тушуниш ва унга бўйсунуш кўпроқ туркий халқлар ўртасида кенг тарқалди, у эъзозланди. Диндаги ушбу бағрикенглик натижасида дунёнинг кўп мамлакатларида ислом эътироф этилди. Ханафийликни "мослашувчанлиги", ижтимоий-иқтисодий маданий соҳаларни илмий идрок этиш, кўпгина мамлакатларда ҳукмрон дин сифатида эътироф

этилишни тезлаштирди, унга қизиқувчилар сафи орта борди. Натижада бу таълимотнинг тарафдорлари, асосчилари кўпайди. Шулар қаторида Абу Мансур Мотуридий, Абу Исҳоқ ал-Ҳаким ас-Самарқандий, кейинроқ етишиб чиққан Абул Муъин ан-Насафий, Нуриддин ас-Собуний ал-Бухорий, Абу Лайс ас-Самарқандий, Бурҳониддин ал-Маргиноний кабиларни олиш мумкин.

Суннийлик таълимотининг "отаси" деган юксак эътирофга сазовор бўлган Самарқандлик Абу Мансур ал-Мотуридий (Ислом қомуси бўйича) 870 йилда Самарқанднинг Мотруд мавзесида туғилиб 944 йилда (баъзи адабиётларда 941) вафот этган. Қабри Самарқанднинг Чокардиза қабристонидадир. У жой ҳозир зиёратгоҳга айлантирилган.

Буюк даҳони, мутафаккир Алишер Навоий Абу Мансур Мотуридий ас-Самарқандийни диннинг иззатли султони деб атаган бу инсон бизга кўплаб илмий мерос қолдирганки, улардан барча мусулмон халқи баҳраманд бўлиб келаётир. Булар жумласига қуйидагилар киради :

"Таъвилати Ахли сунна"-Қуръон ва суннанинг расмий таъвиллари, яъни расмий исломий талқини, шарҳлари битилган китоб; Шарият асослари ва софлиги ҳақидаги китоб; "Китоб ул-Жадал" -диний-ахлоқий баҳс мунозараларда ғолиб келиш ҳақидаги китоб; "Китоб ул-Усул"-диний таълимот услубиётига оид асар; "Рисолат ут-Тавҳид"-Оллоҳнинг яккаю-ягоналиги, бирлиги, ваҳдоният дини, яъни илм-ул ақоиднинг назарий асослари ҳақидаги ва бошқа ўнлаб асарларни тилга олиш мумкин.

Кўриниб турибдики, Мотуридийнинг илмий фаолияти ислом динини илмий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўлган. Айниқса, дин ниқоби остида нотўғри йўлга қирувчиларни танқид остига олган. Аллома фикрича маълум диний йўналишларнинг ҳақиқий ёки сохталигини кўрсатувчи ишончли далиллар мавжуд. Ушбу далилларни билишда, аниқлашда инсонларга қайси сохалар тўсқинлик қилиши мумкинлигини очиб бериш зарур. "Китоб ат-Тавҳид"да бу соҳада шундай фикрни билдиради:"Бу-кўр-кўрона тақлид бўлиб, у жуда кенг тарқалган иллатдир, яъни бунда жуда кўпчилик бирон-бир маънавий ёки диний йўлбошчига, унинг фикрлари мазмун-моҳиятини тушунмаган ҳолда қўшилишга енгиб бўлмас мойиллик билдиради. Мана шу сабаб натижаси ўлароқ, ҳар бир фирқа ва ҳар бир йўналиш шу пайтга қадар ўз тарафдорларига эга бўлиб келмоқда. Бу мухлислар қачондир қабул қилинган сохта таълимотга садоқатда қатъийлик намоёиш этмоқдалар ва яна ўзларини ҳақиқатнинг ягона эгалари ҳисобламоқдалар" ушбу фикрлар ҳозирги замон ақидапарастлар фаолиятига, диний фундаментализм, диний экстремизм, террорчилик ҳаракатлари иштирокчилари фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Мотуридий таълимотининг фалсафий жиҳати шундаки, унда ўхшашлик ёки тақлид бир категория сифатида шарҳланади. Жумладан, ҳақни ноҳақдан ажратишнинг учта усули бор: 1) Жами жонзотларга хос бўлган сезги аъзолари. 2) Инсонга хос бўлган ақл орқали амалга ошириладиган назарий ҳулосалар 3) Ишонтиришда қўлланиладиган нақл ва ахборотлар. Бу фикрлардан ҳозирги кунда ҳам фойдаланиб иш

юритилса фойдадан холи бўлмас эди. Мотуридий исломни химоя қилиш билан чекланиб қолмасдан, исломдаги ботил оқим ва фиркаларни фаолиятини аёвсиз танқид қилди. Ўша пайтларда пайдо бўлган бир қанча: харурийлар, рофизийлар, қадарийлар, жабарийлар, жаҳмийлар, муржибийлар, хожижийлар, мутаъзимийлар, карромийлар, исмоилийлар, ва бошқа оқимларни диний ёндашувдаги заифлигини далиллар билан танқид қилган. Унинг фикрича инсон имтиҳон учун яратилган. Унинг шахсий интилишлари баъзида тўғри йўлдан адаштиради. Улардан инсон ўзидаги ижобий имкониятлардан келиб чиқиб қарши турмоғи лозим.

"Китоб ат-Тавҳид"да шундай фикрларни ўртага ташлайди: "дин буюкларга эътикод қилиб, таклид қилишга эмас, далилларга асосланмоғи керак", "ҳеч ким гуноҳ содир қилгани туфайли кофир деб эълон қилинмайди. Биз жами "қибла кишилари"ни мўъмин деб биламиз, уларнинг қалбини эса Оллоҳга ҳавола этамиз", "бидъатчилар билан шунчаки юзак дўстона муносабатда бўлишнинг ўзиёқ хатодир", "суннатнинг тўғрилигини аниқлаш учун, бир-бирига зид нақлларга таянмиш мумкин эмас, балки мустақил фикрлаш керак", "72 гуруҳ мавжуд, фақат 73-чи гуруҳгина нажот топдики, бу-жамоадир" ушбу фикр ўн аср олдин айтилган бўлсада, бугунги кун фаолиятини ҳам акс эттиради.

Умумий хулоса шундан иборатки, Абу Мансур Мотуридий фалсафасида, диний соҳа бўйича, диннинг асоси Куръони Карим ва Ҳадиси шарифлардир. Турли назарияларга, мазҳабларга, бошқача фикрларга ҳеч қандай ўрин йўқ. Чунки, мазҳабларнинг хато талқинидан бузук ниятли кишилар фойдаланиб ислом дини обрўсига путур етказадилар. Исромада ўзгартиришлар, ислохотлар ярамайди.

Ислом дини нуқтаи наздида ўтмишда ўчмас из қолдирган буюк сиймолардан яна бири бу ал-Марғинонийдир. Аллома Бурхониддин ал-Марғинонийнинг тўлиқ исми Али ибн Абу Бакр ибн Абд ал-Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғинонийдир. У киши 1123 йилда туғилиб 1197 йилда вафот этган. Ўз даврининг илмларини мукаммал ўрганган. Айниқса ислом динининг асосий манбалари Куръони Карим ва ҳадисларни таҳлил қилиш натижасида Фикҳ-ислом ҳуқуқшунослиги соҳасида жиддий обрў эътибор қозонган. Куръони Каримни ёд олган. Ҳадисларни таҳлил қилган. Самарқанд шаҳрига кўчиб бориб ўша ерда яшаган. 1149 йилда ҳаж сафарига бориб ислом динининг алломалари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг асарларини мутолаа қилган. Ўзининг "Китобўл-машоих" ("Шайхлар ҳақидаги китоб") асарида 40 дан ортиқ шайхлар ва алломаларни тилга олган ал-Марғинонийнинг бизгача етиб келган асарларидан "Бидоят ал-мунтахий" ("Бошловчилар учун дастлабки таълим"), "Кифоят ал-мунтахий" ("Яқунловчилар учун тугал таълим"), "Нашр ул-мазҳаб" ("Мазҳабнинг ёйилиши"), "Китоб ул-мазид" ("Илмни зиёда қилувчи китоб"), "Маносик ул-Ҳаж" ("Ҳаж маросимлари"), "Мажма ул-Навозил" ("Навозил бўлган нарсалар тўллами"), "Китоб ул-Фароиз" ("Фарзлар китоби") ва бошқалардир. Айниқса, яратилган "ал-Ҳидоя" асари ислом дини оламида ханафия мазҳабининг қўлланмасига айланди. Ушбу

китобда ислом динидаги ҳуқуқий масалалар кенг қўламда ёритилган. Бу китоб ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунки унда инсон фалсафасига катта ўрин берилган. Жумладан, ушбу китобда никоҳ, талоқ қилиш, қулларни озод қилиш, топиб олинган насабини аниқлаш, топиб олинган нарса, қочиб кетган қуллар, бедарак йўқолганлар, шерикчилик ва вақф мулки, таҳорат, намоз, рўза, закот ва Ҳаж каби фазилатларни шарҳи берилган. Китобнинг биринчи, иккинчи қисмларида юқоридаги соҳаларни ёритиб берса, учинчи, тўртинчи қисмлари пул, савдо-сотик, кафолат, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, даъво, сулҳ, мерос, шартнома тузиш, ташландик ерларни ўзлаштириш, овчилик, гаровга бериш, жиноятлар хусусида, хун тўлаш, васият каби бошқа масалалар ҳам ўрин олган. "Ҳидоя" китоби асрлар давомида мусулмон мамлакатларида хуқуқшунослик бўйича муҳим қўлланма ҳисобланган. Ўрта Осиёда эса 1917 йилдан 30 йилларгача шариат қозилари бекор қилиниб совет суд системаси жорий этилган пайтларгача ривож қилинди. Ушбу китоб 1893 йилда рус тилига Н. П. Гродеков томонидан (инглиз тилидан) таржима қилинган эди. 1994 йилда "Ҳидоя" қайта нашр этилди. Китоб муаллифи Бурхонуддин Марғинонийга хурмат ва эътибор Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг кучайтирилди. Унинг 910 йиллик таваллуд санаси 2000 йилда нишонланди.

Бундай ғояларни пайдо бўлишида Ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Йазид Бистоний, Мансур ал-Халлож, Абу Бакр ибн Мусо ал-Воситий, Абу Райхон Беруний, Абулқосим Фирдавсий, Абдулла Жафар Рудакий, Юсуф Боласоғуний, Абу Бакр Наршахий, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад ибн Абдуллоҳ, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Мавразий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий каби юзлаб алломаларнинг хизмати каттадир.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (787- 847) илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшиб астрономия, математика соҳаларига оид кўплаб асарлар ёзган. Хоразмий халифа Маъмун раҳбарлигида "Донишмандлар уйи"да ишлаган. Унинг "Ал-жабр вал муқобала" асари айниқса машҳурдир. Бу асар Ғарб ва Шарқ олимларига алгебра фанидан дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда. Хоразмийнинг "Астрономик жадваллар", "Қуёш соати тўғрисида рисола", "Ҳинд ҳисоби ҳақида рисола", "Тарих бўйича рисола", "Муסיқа бўйича рисола", "Зиж" каби асарлари илмий-фалсафий аҳамиятга эга бўлган асарлардир. Бу асарлар Хоразмийнинг буюк математик, умуман қомусий аллома эканлигидан далолатдир. Тўғри, Хоразмий айнан фалсафага оид маҳсус асар ёзмаган бўлса-да, аммо унинг математика, геометрия, астрономия, география, тарих ва муסיка илмига оид барча асарларида илгари сурилган илмий исботланган фалсафий фикрлар, ғоялар, назарий таълимотлар сон-саноксиз. Ҳамюртимиз ўзининг бу асарлари билан дунё илмининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган ҳамюртимиз.

Ўрта Осиё халқи бой моддий, маънавий, фалсафий тарихга эга. Бу ўлка халқи эрамининг биринчи асарларидан қишлоқ хўжалик ирригацияси, шаҳарлари ривожланган мамлакат эди. Хунармандчилиги Европа ва Шарқ

мамлакатлари билан савдо маданий алокалари йўлга қўйилган. Иқтисодий ҳаётда мсърчилик, хайкалтарошлик, рассомчилик, адабиёт, тиббиёт фани, фалсафа сингари гоъвий маданий соҳаси ҳам ривожланган эди. Бу илғор фанлар, араб боскинчилари ва ерли феодаллар реакциясига қарши курашда пайдо бўлган эди.

Форобий Абу Наср Муҳаммад (870-950) Сирларё бўйидаги Форобда кейин Дамашқда билим олди. У йирик тилшунос, мантиқшунос, математик, химик, медик, психолог, этник, мусикашунос эди. Грек маданиятини яхши эгаллаган, табиат фани, соҳасида илғор фикрларни илғари сурган ижтимоий-сиёсий фикр эгаси эди. Форобий Аристотелдан кейинги, иккинчи устоз бўлиб танилди. Аристотел асарларини тўғри таржима қилган йирик файласуф эди. Аристотелнинг “Категориялар”, “Аналитика”, “Поэтика” каби асарларини таржима қилди. Ўзи эса юз элликдан ортиқ асар ёзган. Асарлари йўқолган бўлишига қарамай, улардан бизга бир қанчаси етиб келган. Метафизикани шарҳлаш, “Эҳсонул-улум” фалсафа, тиббиёт, математика, мантиқшунослик, тилшунослик, сиёсатшуносликларга оид фикрлар берилган. “Муסיқанинг улуғ китоби” “Ассиёсат ал маданият”, “Фанларнинг келиб чиқиш рисоласи” каби асарлари бизгача етиб келган.

У моддий дунёни моддий объектлар, дея англайди ва Аристотелнинг прогрессив қарашини мистикадан озод қилишга уринди, прогрессив фикрларни тарғиб қилди. Олим табиатдан ташқаридаги кучга ишонади ва уни масса, сифат, хусусиятга эга эмас, дея ишларга аралашмайди, дейди.

Форобий фалсафасида материалистик тенденция кучли. Материяни у инкор этмайди, уни биринчи асос, деб билади. Унинг фикрича сув, ҳаво, олов, осмон, ердаги нарсалар қўшилиб бошқа предметлар пайдо бўлади. Осмон жисми ҳам шундан пайдо бўлган дейди.

Демак, унинг фикрича оламда материя ва шакл бор, лекин улар тенг. Бу ерда уни фанда, фалсафада Аристотелдан илғари кетган дея оламиз. Аристотел шакл бирламчи, материя иккиламчи деган. Форобий “материянинг ҳаракати объектив, зеро материя объективдир. У моддий оламнинг ҳаракат манбаи, оламдаги нарсалар ўзгаришда, ҳаракатнинг сабаби турли моддаларнинг бирикишида” деб кўрсатади.

У моддий нарсаларни ўзгарувчан – вужудга келади, йўқолади дейди. Унинг фикрича, моддий элементдан ташкил топган нарсалар ўзгармайди, янгиси вужудга келмайди, йўқолмайди.

У моддий оламни, ҳаракат ва ўзгаришда бўлган нарсаларни қуйидаги қисмларга бўлади: 1) осмон жисмлари; 2) минераллар; 3) ўсимликлар; 4) ҳайвонлар; 5) инсонлар. Булар сифат жиҳатидан фарқ қилувчи чексиз ходисалардир. Сифат ўзгаришининг сабаби, материя деб билади. Бу стихияли диалектика ва содда материализмдир. Форобий билиш назариясида ҳам прогрессив фикрларни илғари сурган. Одам, унинг сезгиси ақлдан илғари пайдо бўлган, ақл эса моддий олам маҳсулидир. Инсон ҳайвондан ақли билан фарқ қилади, дейди. Инсон билиши сезишдан ақлий билиш тафаккуригача кўтарилади, дейди. Бу-билиш назариясидаги



материализмдир. Форобий инсон билими моддий дунё сирини ёрита олмайди, деб фикр юритди. Форобий жон ва тана ҳақидаги масалада жон чиқиши билан тан ўлади, дейди.

Шундай қилиб, Форобийнинг фалсафий қарашларида илғор фикрлар мужассамдир.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан яна бири Абу Райҳон ал Беруний (973-1048)дир. У комусий олим ҳисобланади. Ўзининг табиий билимлар соҳасидаги ютуқлари билан фан тарихида катга ўринга эга. Олим йил ҳисобини, календарни ишлаб чиққан. Унинг “Ҳиндистон” асари эса фалсафа, география, астрономия, минералогияга оид. Мутафаккирнинг фикрича, материя бор нарсаларни ўзгартиради, шаклини яратади. Материя тафаккурнинг ҳам асоси ҳисобланади. Кишининг билиш имкониятига ишонади, диний фаолиятга эҳтиётлик билан ёндошади. Материя барча нарсанинг асоси, унингча, ҳамма нарса ўзгаради, ўсади, вужудга келади, ҳалоқ бўлади. Бу табиий жараён. Материя яратувчи хусусиятга эга дейди.

Ўша даврнинг буюк мутафаккири. Абу Али ибн Сино (980-1037) Бухоро ёнидаги Афшона қишлоғида, Сомоний Нух ибн Мансур саройи амалдори оиласида туғилган. Бу даврда Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлик қилган давр эди. Лекин ундан кейин бу ер марказга айланди. Фан, маданият ривожланди. Ибн Сино табиб, фармаколог, адабиётчи, химик, астроном, файласуф, этнологик сифатида бошқа фанларнинг ҳам ривожига салмоқли хисса қўшган олим. 500 дан ортиқ асар ёзган. Улардан 60 таси бизгача етиб келган. Асарлари Ўзбекистон Фанлар Академияси шарқшунослик институтида сақланади. Абу Али ибн Синони қадим даврдаги Гиппократ, Гален, Аристотел билан ёнма-ён қўядилар. Унинг “Китоб ал-қонун фит тиб” асари табибларга қўлланма бўлиб келди ва келмоқда. Ундан XVIII асргача анатомия, физиология, терапия, диагностика, профилактика, фармакологиядан энциклопедия сифатида фойдаланилди. Бу асар Лион, Рим, Неаполь, Венецияларда латин тилида 30 мартадан ортиқ нашр қилинган.

У табиат фани билан дин орасидаги муносабатда холислик бўлишини талаб қилади. Ўша вақтларда у анатомия билан яширин шугулланди, беморларни даволайди. У, кишидаги психик ҳолат организмга, унинг аҳволига боғлиқлигини, руҳий фаолиятни билиш учун биологик жараённи ва нерв системасини яхши ўрганиш кераклигини, шунингдек, дам олиш, саёҳат, жисмоний тарбия, об-ҳаво ва профилактика жараёнлари инсон саломатлигига зарур эканлигини кўрсатди. Ҳали микробларни аниқлашдан олдин, сув орқали касаллик тарқалишини аниқлади. У назария ва амалиёт бирлиги масаласига эътибор қаратди. Табиатни ўрганиш соҳасида вулконлар, тоғлар борасида, уларни ҳаракатланиши ҳақидаги илмий фалсафий фикрларни билдирди.

Ибн Синонинг фалсафий илмий табиий қарашлари билан боғлиқ асарлари «Китоб аш шифо», «Донишнома», «Нажот» кабилардир. У, физика (табиат тўғрисидаги таълимот), логика (табиат ва инсонни билиш йўллари), метафизика (борлиқни билиш тўғрисидаги) фалсафа борлиқ

хусусидаги фанлар, деб эътироф этди. Ибн Сино бу соҳада Аристотел издошидир. У Аристотелнинг нотўғри қарашларини қабул қилмасдан ўз фикрларини ривожлантирди. Олам мангу, яратилмаган деб тушунтирди. Борлиқни материя деган. Мангу материя мавжуд, буюмлар материядан пайдо бўлади. Материя борлиқ манбаидир. Шакл материя билан алоқададир, дейди.

Аристотелнинг абстракт шаклини рад этди. Ибн Сино билиш назариясида материалистик қарашларни илгари сурган. Унинг фикрича, ақл фаол куч, билиш қуролидир. Инсон тажрибасини биринчи ўринга қўяди, тушунча кейин келади. Моддий дунё бирламчи, тушунча иккиламчи. Инсон ақли узоқ давр давомида меҳнат орқали ҳиссий қабул қилиши орқали юзага келади. Аристотелнинг маънавий фанини асослади.

Ибн Сино фалсафасида ички қарама-қаршиликлар ҳам учрайди. Илоҳиёт моддий олам ишига аралашмайди, у объектив қонуни асосида ривожланади. Фазода бўшлиқ йўқ, фазо материя хусусияти, моддий олам ҳаракатда, материя билан ҳаракат боғланган, вақт ҳам нарсага боғланган уларни ажратиш мумкин эмас, дейди.

Ибн Синонинг ижтимоий-сиёсий қарашларига тўхталсак, у адолатсизликка қарши курашган. Унингча руҳонийлар ҳам, давлат арбоблари, адабиётчилар, ҳарбийлар ҳам аниқроғи, ҳар ким ўз ўрнида бўлиши зарур. Бу фикр ўша давр ижтимоий зиддиятларидан келиб чиққан фикрлар бўлса, ажаб эмас.

Ибн Синонинг жаҳон маданияти ва фани ривожигаги ўрнини назарда тутиб таваллуд топганлигининг 1000 йиллиги (1982 йилда) ўтказилди. Шундай қилиб, фалсафа тарихида Ўрта Осиёлик мутафаккирлар алоҳида ўринга эга.

**Тасаввуф тариқатлари  
фалсафаси. Мўғул босқини,  
ғоявий ва мафкуравий  
бекарорлик.**

Тасаввуф илми ёки сўфийлик диний оқими VIII асрда араб мамлакатларида вужудга келган. Дастлаб сўфийлар шахсий истакдан тўла воз кечиш ғоясини тарғиб қилганлар. Тасаввуф мусулмон

мамлакатларидаги ижтимоий тараққиётнинг хусусиятлари билан боғлиқ равишда вужудга келган. Унда неоплатонизм таълимоти, иудаизм, христианлик, зардуштийлик ва айниқса буддизмларнинг таъсири бор. Тасаввуф тарафдорлари ахлокий жараёнларни тарғиб қилиб худога яқин бўлишни асосий мақсад қилиб қўйганлар. Шахсий манфаат ҳислатлардан воз кечишни талаб қилганлар. Тасаввуф ҳам хилма-хил шакл ва оқимларга эга. Тасаввуфнинг асосий мақсади, объекти инсон ва худо.

Тасаввуфда инсон 4 та босқич орқали камолатга эришади. Биринчи шариат қонунларидир. Шариат қонунларига барча мусулмонлар бўйсунуши керак. Фақат шундан сўнг иккинчи босқич-тариқатга кўтарилади. Бунда муридлар ўз пирларига итоат қилиши, ўз шахсий шаклларидан воз кечиши шарт ҳисобланган. Бу босқичдан ўтганлар

учинчи боскичга – маърифатга кўтарилади. Бунда коинотнинг бирлиги худода мужассам бўлишини, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлигини ақл билан эмас, балки қалб билан англаш керак, дея талқин қилинади. Тўртинчи боскич ҳақиқат. Тасаввуфда ҳақиқатга эришув сўфийликни «Шахс сифатида тугатиб» худога сингиб ва натижада абадийликка эришиши деб қайд этилган. Бунга тасаввуфчилар махсус рухий ва жисмоний ҳаракатлар (психофизик) сиғиниш ва ибратлар орқали эришади, улар ҳақиқий бойлик бу- моддийлик эмас, балки маънавийликдир дейдилар. Ғаззолий тасаввуфни ислом дини билан яқинлаштириб, уни кейинчалик расмий таълимот сифатида тан олишга йўл очган. Мовароуннаҳрда тасаввуфчилик Юсуф Ҳамадоний тариқати (XII аср)дан бошланган. Ундан ташқари Абдуҳолик Ғиждувоний ва Аҳмад Яссавий тариқати, XIII-XIV асрда Нақшбанд тариқатлари юзага келган. Улар таъсирида Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор Вали таълимотлари ҳам пайдо бўлган. Собик Иттифоқ даврида бу таълимотларни реакцион таълимот сифатида тақиқлаганлар. Уни инсонларни жамият ҳаётидан четга тортади, қизғин фаолиятни сўндиради деб тушунтирилган.

Тасаввуф таълимотида Аҳмад Яссавий (1041 йилда туғилган. Илмий адабиётларда вафоти 1165-1167 йиллар деб кўрсатилган) таълимоти муҳим аҳамиятга эга. Яссавий буюк шайх сифатида мусулмонлар ўртасида эътибор қозонган. Ривоятларга кўра Аҳмад Яссавий пайғамбардан ортик умр кўришни гуноҳ деб билиб, 63 ёшида ер тўлага – чиллахонга кирган. Умрининг охирини шу чиллахонда ўтказган. Мавлоно Хусомиддин Сиғноқийнинг рисоласида Аҳмад Яссавий 130 йил умр кўрган, деб маълумот берилади. Аҳмад Яссавийнинг шеърлар тўплами «Девони ҳикмат» деб юртилади. «Девони ҳикмат»нинг етакчи ғояси дин ва тасаввуфдир. Аҳмад Яссавий ислом динининг қонун-қоидалари ва урф-одатларининг йиғиндисини бўлган «шариат»ни, тасаввуф моҳияти бўлган «тариқат»ни, ишқи-илоҳий-«маърифат»ни, худо ва унга эришмоқ-«ҳақиқат»ни тарғиб қилган. «Девони ҳикмат»да «Эй дарвеш, билгил ва огоҳ бўлғилким, аввал калимаи шариат, иккинчи калимаи тариқат, учинчи калимаи маърифат, тўртинчи калимаи ҳақиқатни билмоқ керак. Сўфий бўлиб бу калималарни билмаса сўфий эмас» - дейилади. Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларида диний оламга ғарқ бўлиш билан бирга таркидунёчилик бирлашиб кетган. Золимлар қораланган, камбағаллар фаолияти яхшилик билан боғланган. Унинг фалсафасида инсонларни яхшиликка чорлаш, бойликка берилмаслик, мансабни суистеъмол қилмаслик ғоялари етакчи ўринни эгаллайди.

Тасаввуф фалсафаси Абдуҳолик Ғиждувоний (1220 йилда вафот этган) таълимотида ҳам ривожлантирилди. Унинг васиятномасида жамоатга мулозим бўлиш унга хизмат қилиш муқаддас вазифа эканлиги уқтирилади. Оллоҳга яқинлашишнинг йўли шудир, деб кўрсатади у. Шу билан бирга инсонларни чиллахонада ҳадеб ўлтиравермаслик, Оллоҳга тоат-ибодат хаддан ташқари оширилиб юборилмаслиги таъкидланади.

Меҳнат қилишга чорланади. Ҳалол яшашга чақирилади. Унинг фалсафаси Яссавий таълимотидан илғорроқ эди.

Тасаввуф фалсафасининг йирик сиймоларидан яна бири Нажмиддин Кубро(1145-1221) дир. Тасаввуфлаги Кубровия тариқати Кубро томонидан яратилган. У йирик олим сифатида «Жамолнинг муаттарлари ва камолотнинг эгалари», «Ўнта қонун ва қоидалар» номли асарларнинг муаллифидир. Нажмиддин Кубро фалсафасида ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик ғоялари мужассамлашган. Шахсий фаолияти билан мазкур соҳаларда намуна кўрсатган.

Тасаввуф фалсафаси XIV асрда Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) томонидан ривожлантирилди. Унинг таълимоти сулуки нақшбандия, деб аталади. Нақшбанд таҳаллус бўлиб, айнан маъноси матога гул-нақш солишни билдиради. Нақшбанд кишилар ҳаётида хилватчилик, таркидунёчилик билан ҳаёт кечиришини тарғиб қилмайди, балки бу дунёда шод ва хуррам яшаш керак, дея такидлайди. Аммо бу ҳолат келажакни, худони эсдан чиқаришга олиб келмаслиги лозим. Унинг таълимотида «киши зоҳирда одамлар билан, ботинда (ичдан) эса худо билан бўлиши керак» деган фикр ётади. Унинг фалсафаси инсонларни ўз қўли билан, меҳнати билан, меҳнат орқали келадиган даромад билан қун кечириш, тирикчилик қилиш соҳаларини ёритиб беради.

Ислом дини сингари тасаввуф таълимотининг асосчилари ҳам инсонларни яхшиликка, ҳур ва фаровон ҳаёт кечиришга, тинчликни барқарор бўлишига ундайдилар. Бу таълимотлар Ватанимиз ҳудудидаги инсонларни диний ақидалар орқали инсофли бўлишга чақирган. Фалсафани диний нуктаи назаридан юқори даражага кўтарган.

Шу сабабли ҳам илк ўрта асрлардаги Ватанимиз маданиятини Шарк ва Ғарб цивилизациясига қўшган ҳиссаси улкан. Туркистонда ўсиб улғайиб ижод қилган юзлаб, минглаб олимлар, диний уламолар, шоирлар яратган асарлар дунё халқини баҳраманд қилиб келмоқда. Айниқса, диний таълимотларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган улуғ шайхлар, авлиёлар хизматлари бениҳоядир. Ҳозирги вақтда ҳам улуғ алломаларимизнинг таълимотларини ҳаётга татбиқ этиш давом этмоқда. Жумладан, «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деб номланган тамойил Ўрта асрлар диний фаолиятининг давоми десак, хато бўлмайди. Бу тамойилда ҳозирги замон ўзбек халқларининг урф-одатлари, илоҳиётга бўлган муносабатлари ўз аксини топган. Замонавий билимлар билан бирга диний билимлар ҳақида хулосалар чиқарилган. Уни таҳлил қилган ёшлар диний эътиқодларнинг муқаддас эканлигини сезган ҳолда ўзларида мужассамлаштирадилар.

Низомий, Навоий, Ҳофиз, Жомий каби алломаларимиз ҳам илми тасаввуф билан боғлаганлар.

**Таянч сўз ва иборалар:**

Ўрта аср, озошлик, мустиқлик, ислом, йўналиш, мазҳаб, қалом фалсафаси, диний бағрикенглик, ислом фалсафаси, тасаввуф, тарикат, диний мафкура, яссавия, нақшбандия, кубровия, ал – ҳидоя, Оллох қалбимизда – юрагимизда.

#### **Алломалар фикрларидан намуналар:**

«Мен Абдулла Авлонийнинг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт- ё мамот, ё нажот- ё ҳалокат, ё саодат- ё фалокат масаласидир»,-деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир».

**И. А. Каримов**

«Вақт пиллапоёси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан-зинагагина кўтарилдилар, ҳолос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга етказиб беради».

**Абу Райҳон Беруний**

#### **Мавзуга оид тест саволлари:**

**Ислом динининг асосий манбалари қайсилар?**

- а) тасаввуф;
- б) Қуръони Карим, ҳадислар;
- в) ҳидоя;
- г) нақшбандия.

**Тасаввуф илмининг асосчилари кимлар?**

- а) имом ал – Бухорий;
- б) А. Ғаззолий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий;
- в) аз-Замахшарий;
- г) Абу Мансур Мотуридий.

### Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Қуръони Карим Т.: 1991й.
2. Каримов И. “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда”, Т.: 1999 й.
3. Ибн Исмоил ал Бухорий, Ал адаб ал-муфрад (адаб дурдоналари) Т.: 1991й.
4. Муслимонлик асослари Т.: 1993й.
5. Ислом асослари Т.: 1991й.
6. Ислом ва ҳозирги замон. Т.: 1991й.
7. Ботирхон Валихўжаев. Хожа Ахрор тарихи. Т.: «Ёзувчи», 1994й.
8. Иззат Султон. Баҳовуддин Нақшбанд. Т.: 1994й.
9. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Т.: 1994 й.
10. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Т.: “Ўзбекистон” 1998 й.
11. Комилов Н. Тасаввуф (I китоб) Т.: 1996 й.

## 5 боб. XIV аср охиридан XVI аср бошигача Ўзбекистондаги ижтимоий-фалсафий тафаккур.

**Мўғул босқини оқибатлари  
ва марказлашган давлат  
ғоялари.**

Амир Темур мазмун жиҳатидан фарқ қиладиган, марказлашган йирик давлатга асос солди. Бу билан у ўз халқининг буюклигини ҳам таъминлади. Кейинчалик Амир Темур асос солган давлатчилик «Темурийлар давлатчилиги», «Темурийлар даври», «Темурийлар салтанати», «Темурийлар сулоласи» каби номлар билан тарих саҳифасидан ўрин олди. Буюк стратег, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислохотчиси, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси Амир Темур қонунлар ва урф-одатларга асосланган давлатни барпо этди.

Давлатчилигимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, босқинчилик билан зулм ва заҳмат асосида давлатчилик барпо этишга ҳаракат қилган мўғул босқинчиларини улоқтириб, озод бўлишни уддалай олган Амир Темур хизмати тарихда айниқса бекиёсдир. Мўғулларга қарши чиқиб, уларни мамлакатдан четлаштириш осонликча кечмаган. Ўша замон ходисаларининг гувоҳи бўлган араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1260-1233 й.) мўғуллар тўғрисида: «Куну тунларда мисли кўрилмаган ва ҳамма ёқни, хусусан, мусулмонлар яратган бойликларни қамраб олган ғоят катта бир фалокат бўлди. Агар биров ҳамма нарсага қодир, Оллоҳ одамни яратгандан буён дунё бундай нарсани кўрмаган, деса ҳақ гапни айтган бўларди. Дарҳақиқат, йилномаларда бунга ўхшаш ва унга тенг келадиган бундай зўр фалокат бўлмаган. Уларда тасвирланган воқеалар ичида Навуходоносорнинг исроилийларни қалтаклаши ва Қуддусни вайрон қилиши бобидаги қилмиши энг дахшатлисидир. Бироқ бу лаънатилар (мўғуллар) вайрон қилган мамлакатлар олдида Қуддус нима бўлибди? Бу мамлакатлардаги ҳар бир шаҳар Қуддусга икки баробар келади. Мўғуллар кириб ташлаган одамларга қараганда исроилийлар нима бўлибди? Ахир, битта шаҳарда мўғуллар қалтаклаган аҳоли барча исроилийлардан кўп бўлган. Улар ҳеч кимни аяшмади: аёлларни, эрақларни, гўдақларни шафқатсиз дўппослашди, ҳомиладорларнинг қорнини ёриб, болаларни ўлдиришди»<sup>1</sup>.

Ўша пайтлардаёқ «қумдан кўп», «занжирдан бўшатишган одамхўрлар» деб ном олган мўғул босқинчиларига қарши туриш ва уларни улоқтириш бобомиз Амир Темур зиммасига тушган эди. Соҳибкирон Амир Темур буюк сиёсатдон ва ўта моҳир давлат арбоби сифатида майдонга чиқди.

Тарих саҳнасидан жуда кўп саркарда ва давлат арбоблари ўтган. Амир Темур улардан, фарқли ўларок давлатни, мамлакатни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ўйлаб топдики, булар давлатининг буюклигини

<sup>1</sup> Темурнома. Т.: 1990 йил, 6 – бет.

таъминлади. Бошқа ҳукмдорлардек давлатни бошқаришда бир-иккита табака эмас, балки, халқнинг кўп табакаларига суяниб иш кўрди. Бу табакалар:

1) саййидлар (пайғамбар авлоди), уламо, машойих, фозил кишилар, яъни зиёлилар; 2) ишнинг кўзини билган донишманд кишилар; 3) художўй, дарвеш, каландарлар; 4) нўёнлар (хонзодалар, туман, яъни 10 минг кишилик кўшин бошликлари); 5) сипоҳ ва райят, яъни аскарлар ва авом ун-нос; 6) махсус, яъни ишончли кишилар; 7) вазирлар ва саркотиблар; 8) ҳокимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар; 9) тафсир ва ҳадис олимлари; 10) ахли саноат (хунармандлар, косиблар); 11) сўфийлар; 12) тужжор (савдогар) ва сайёҳлар.

«Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуклар ва конунқондаларни ҳам ўн икки тоифага боғлаб туздим. Шу ўн икки тоифани салтанатим фалакнинг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим»<sup>1</sup> - дейди Амир Темур.

Амир Темур даврида ҳам шахсий ҳаёт билан жамият, жамиятдаги уруш ва тинчлик, фуқаролар ўргасидаги аҳиллик ва зиддият, ўзига хос турмуш тарзи каби кўпгина жараёнлар бўлганки, бу жараёнларни бошқариш катта куч, билим ҳамда донишмандликни, маҳоратни талаб этган. Бу жараёнларга хос ўзаро муносабатларни теран идрок этмасдан туриб буюк давлат барпо этиш мушкул эди. Шу боис Амир Темурнинг давлатчиликка қарашлари замонавий фалсафий таълимотга асосланган. Зеро, ул зот ўзидан олдин ўтган ҳукмдору саркардалар, пайғамбару халифалар, алломаю пирлар, олимлару донишмандлар тажрибасидан, диний таълимотлар, фан ва маданият ютуқларидан яхшигина хабардор бўлган. Амир Темур таъкидлаган ўн икки тамойилни таҳлил қилар эканмиз, Амирнинг буюк стратег, сиёсатчи ва файласуф эканига иймон ҳосил қиламиз. Темурий тамойиллар давлат юритишдаги муҳим йўналишлар бўлиб, улар давлатчилик фалсафасининг ўзига хос ифодасидир. Шу боис, ҳулоса қилиш мумкинки, А. Темур фалсафасида боғланиш ва алоқадорликларга эътибор қаратилган. «Тузуклар»даги боғланишлар ва алоқадорликларнинг ҳаммаси қуйидаги характерга эга:

- ходисалардаги сабабий боғланиш ва алоқадорликлар;
- муҳим ҳамда муҳим бўлмаган боғланиш ва алоқадорликлар;
- воситали ҳамда воситасиз боғланиш ва алоқадорликлар;
- зарурий ҳамда тасодифий боғланиш ва алоқадорликлар.

Бу боғланиш ва алоқадорликларни алоҳида-алоҳида таҳлил этадиган бўлсак, улар ҳам ўз навбатида ўзаро таъсир воситасида навбатдаги боғланиш ва алоқадорликларни келтириб чиқаради. Чунончи, давлат бошқаруви бениҳоя кўп омиллар билан боғлиқ, унинг замирида мураккаб фалсафа, сон-саноксиз жараёнлар мавжуд. Уларнинг бирини англаб етсангиз, ундан иккинчи бир ҳақиқат келиб чиқади. Шунинг учун

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996 йил, 81 – бет.



ходисалар моҳиятини билиш, барча алоқадор жиҳатларни, воситаларни бир бутун ҳолда текшириш талаб қилинади. Шундагина хатолардан сақланган ҳолда ҳодисалар ривож таъминланади. Шу билан бирга, уларни аниқлашда турли услублардан ҳам фойдаланилади.

Таъкидлаш лозимки, Амир Темур бобомиз аъло даражадаги фалсафий тафаккур услубига эга бўлгани сабабли, бошлаган ишларининг барчасини поёнига етказиб, ютуқларга эришган. Зеро, боғланиш ва алоқадорликнинг ўзи ҳам фалсафий детерминистик (боғланиш, алоқа, ўзаро таъсир) хусусиятларига эгадир. Амир Темур ўз фаолиятида тамойиллардан фойдаланиб иш юритди. Тамойиллардан биринчисини сабабий боғланишлар нуктаи назаридан теранроқ таҳлил қиладиган бўлсак, яъни Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад пайғамбарнинг шариатиغا қатъий амал қилиб яшашига асосий сабаб, аввало ўша даврдаги ижтимоий сиёсий муҳит ҳисобга олинган эди. Амир Темур яшаган даврда ислом дини Турон заминиди халқнинг онги ва тафаккуридаги реал куч сифатида эътироф этилар эди. Бу мукамал илоҳий таълимот халқ қалбига сингиб кетганди. Табиийки, Амир Темур ҳазратлари ҳам ислом дини ақидаларига қатъий амал қилиб, мамлакатга ҳукмронлик фаолиятида исломий ғояларни бош шиор қилиб олди. Мадраса ва масжидлар қурдирди. Дин пешволарини ҳурматлади. Натижада мудом ғалаба ул зотга ёр бўлди. Ислом динини тарғиб қилиш натижасида Соҳибқирон тарафдорлари ортди, давлатининг куч-қудрати ошди. Қудратли давлат бошқарувида иккинчи тамойилдаги боғлиқлик биринчи тамойилга тобе эканлиги ёрқин кўзга ташланади, яъни сиёсатда турли табақа ва тоифадаги кишиларга суяниш ҳам заруриятдан келиб чиққан эди. Инсонлар, аниқроғи, табақа ва тоифалар билан боғланишда (диний эътиқодда ҳам шу табақа ва тоифаларга хос хусусиятлар эътиборга олинган эди) кишилар мавқеига, уларнинг мавжуд имкониятларига қараб иш юритилди. Оқибатда уларнинг фаолияти бошқа жараёнлардаги алоқадорликларга ўз таъсирини ўтказишига сабаб бўлди. Учинчи тамойилда таъкидланганидек, маслаҳат ва кенгашлар, тадбиркорлик билан иш юритиш ҳам турли табақалар манфаатини ҳисобга олган ҳолда ўтказилган. Бундай маслаҳат ва кенгашларда оддий ишлардан тортиб то давлатни бошқариш масалаларигача муҳокама этилган, зарурий хулосалар чиқарилган. Демак, маълум бўладикки, Темурий тамойиллари салтанатни бошқаришда ўзаро боғланиб, улар бир-бирини тўлдирганки, ушбу боғланиш ва алоқадорликлар гўё бир халқадан иборат мустахкам занжирдир. Бу занжир умумийлик ҳодисаларидан пайдо бўлиб, яккаю-ягона салтанатни бошқаришга қаратилган. Бинобарин, Амир Темурнинг давлат бошқарувини ўрганиш, «Тузуқлар»дан замонабоп зарурий хулосалар чиқариш Ўзбекистонни келажақда буюк давлат сифатида камол топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Амир Темур ўз давлатини бошқаришда бор йўғи 7 та вазир ёрдамидан фойдаланган: 1. Мамлакат ва раият вазир. 2. Сипоҳ вазир. 3. Мол-мулк даромад, харажатлар вазир. 4. Сарқори хосса ва салтанат ишларини юритувчи вазир. 5. Қози калон. 6. Жалол ул-ислом-подшоҳнинг фавқулудда

хукукларига эга бўлган назоратчиси. 7. Вазири девони иншо-талуки мамлакатлар билан алоқа боғлайдиган, ёзишмаларни олиб борадиган вазир.

Тузуқлар бевосита Темурий тажрибанинг маънавий натижаси бўлиб, ул зот умрининг поёнида битилган асардир. Амир Темур ўзининг давлат бошқарувига хос устун жиҳатларини эътироф этган ҳолда бу бошқарув анъана сифатида давом эттирилишини орзу қилиб, «...Токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлмай», дея умидвор васият этган эди. Ҳақиқатан ҳам, Амир Темурнинг авлодлари турли даврларда, турли мамлакатларда бу васиятдан тўғри хулоса чиқарадилар ва шу боис Темурийлар сулоласи узоқ асрлар мамлакатни бошқариб келдилар.

Маълумки, Амир Темур тўғрисида жуда кўп асарлар ёзилган. Буларни анчагина қисми Амир Темур билан ҳамсухбат бўлган, унинг турли юришларида қатнашган муаллифларга тааллуқлидир. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Руи Гонзалес де-Клавихонинг «Дневник путешествия ко дворцу Тимура в Самарканде в 1403-1406 г.», Ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарлари шулар жумласидандир. Аммо, Амир Темур фаолиятини тарихий ҳужжатлар асосида ўрганган олимлар ҳам оз эмас. Алишер Навоийнинг «Мажолисун нафоис» (еттинчи мажлиси), Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», В.В.Бартольднинг асарлари (2 том, 1 қисм), (Жизнь Темура), Г. Г. Вамберининг «История Бухары» (т.1), Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий-библиографик романи, академик И.М.Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли», Евгений Березиковнинг «Буюк Темур», Ф. Қосимовнинг «Темурийлар даврида Бухоро», Абдулаҳад Муҳаммаджоновнинг «Темур ва Темурийлар салтанати», А. Ю. Якубовскийнинг «Темур», Фиёсиддин Алининг «Дневник похода Тимура в Индию», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Мағлаи саъдайн ва мажмаул баҳрайн», Х.Хизриевнинг «Нашествие Тимура на Северный Кавказ», Б. Д.Греков, А. Ю. Якубовскийнинг «Олтин Ўрда ва унинг қулаши», В. И. Заходернинг «Империя Тимура» Ашраф Аҳмедовнинг «Амир Темур ҳақида ҳақиқат», Турғун Файзиевнинг «Соҳибқироннинг сўнгги кунлари», Х. Давроннинг «Соҳибқирон набираси» каби ва шунингдек номлари қайд этилмаган юзлаб олимларнинг асарлари мавжудлиги фикримизнинг далилидир. Ушбу асарларнинг барчасида ҳам Соҳибқирон фаолиятига бир хилда ёндошилмаган, албатта. Бу олимлар, ёзувчилар, давлат раҳбарлари Амир Темурнинг фаолиятини турли томондан ёритишга ҳаракат қилганлар. Собiq иттифок даврида нашр этилган асарларнинг ҳаммасида ҳам ҳолисона фикрлар, бор деб бўлмайди. У даврдаги Амир Темур тўғрисидаги фикрлар ягона мафкура хизматида бўйсундирилган бўлиб, воқеалар синфийлик нуқтаи назаридан ёритилишга мажбур қилинган эди. Мустақиллигимиз туфайли Амир Темур ҳақидаги аниқ ҳақиқатни билишмоқдамиз. Бинобарин, Амир Темур шахсини идрок этиш-Марказий

Осиё тарихини идрок этиш демакдир. «Амир Темурни англаш-ўзлгимизни англаш демакдир» (И.А.Каримов). Чунки, бобомиз тарихи кўпроқ ўзбек халқининг тарихи билан боғлиқдир. Халқнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, маънавий хислатлари, эътиқоди Амир Темур давлатчилигига ҳам бориб тақалади. Президентимиз айтганларидек: «Амир Темурни улуғлаш-тарих қаррига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир»<sup>1</sup>. У улуғ инсондан қолдирилган фалсафий мерос авлод-аждодларимизга хизмат қилади. Ана шундай фалсафий мерослардан бири бу «Темур тузуклари»дир. «Темур тузуклари» да фалсафий масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Бу асарнинг қиммати бениҳоя улугдир. Баъзида у «Темурнинг айтганлари», «Темур ҳақида хотиралар», «Тузуки Темурий» деб ҳам аталиб келинган. Асар дастлаб эски ўзбек (Чигатой-туркий) тилида ёзилган бўлиб, шарқшунос олимларнинг жумладан, Н.Д.Миклухо-Маклай, Ч. Ръё, Х. Эте, Ч. А. Сторийларнинг фикрича, унинг бир нусхаси XVII асргача Яман ҳукмдори Жаъфар подшоҳнинг кутубхонасида сақланган. Ҳозир эса бу асар дунёнинг кўпгина тилларига: инглиз, француз, форс, урду, рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган. Ҳозирги ўзбек тилига қилинган таржимаси форс ва араб тили билимдони марҳум Алихонтўра Соғуний томонидан бажарилган. Унга шарқшунос олим Ҳабибулло Кароматов ўзининг жиддий ҳиссасини қўшган ва китоб ҳолига келтириб нашр эттирган.

Таъкидлаш керакки, «Тузуклар»нинг Амир Темур томонидан ёзилганлиги ёки ёзилмаганлиги ҳақида тортишувлар бўлган. Жумладан, инглиз шарқшуноси Э. Г. Браун билан рус шарқшунос олими В. В. Бартольд «Тузуқлар»нинг Амир Темур томонидан ёзилганлигига шубҳа қиладилар. Аммо, академик Б. Аҳмедовнинг фикрига кўра асарни синчиклаб ўрганганда, ҳамда Амир Темурга бағишлаб ўша вақтдаёқ ёзилган асарлар таҳлил қилинганда, айнан, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»ларига солиштирганда юқоридаги даъволар асоссиз эканлиги маълум бўлади. Инглиз шарқшунос олими А.Сторий ҳам шу фикрда бўлиб, «Тузуқлар» Амир Темур томонидан ёзилган, деб очиқ айтади. Демак, шуни айтиш керакки, ўз даврининг илм ва фани, олиму фузалоларни қадрлаган, жамият тараққиётига улкан ҳисса қўшиб, уни ривожланишини таъминлаган кишининг асар ёза олишига шубҳа қилиш ўринсиздир.

«Темур тузуклари» таниқли асар. Унинг қўлёзма нусхалари жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг, жумладан: Ҳиндистон, Эрон, Англия, Дания, Франция, Россия, Германия, Арманистон, Ўзбекистон кутубхоналарида бор. Бу асар асосан Амир Темурнинг таржимаи ҳоли, ҳаёти, давлати ва армияси тўғрисида, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий, маънавий шароит ҳақидаги манбадир. У авлодларга қолдирилган муҳим

<sup>1</sup> Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талабидир. 5-том. Т., «Ўзбекистон», 1997 йил, 173-бет.

сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва фалсафий қўлланмадир. Асарда 1342-1405 йиллардаги муҳим маълумотлар келтирилади. Бу маълумотларнинг аксарият қисми инсоннинг маънавий, фалсафий хислатларини ёритиш ва ҳаётга татбиқ этишга қаратилган. У икки мақоладан иборат: биринчисида жаҳонгирнинг ўз давлатини ташкил этиш ва уни мустахкамлаш, қудратли қўшин тузиш, конун ва режалардан иборат бўлса, иккинчи мақолада, кучли феодал давлатни барпо этиш ҳақидаги кенгашлар, ҳамда амалга оширилган ишлар ҳақидадир.

Амир Темурнинг асаридан сезилиб турадики, ўзи танлаган ва тайинлаган кишиларнинг ахлоқий хислатларига кўпроқ диққатни тортган. Жумладан Соҳибқирон фикрича, вазирлар 4 сифатга эга бўлиши керак:

1. Асиллик, тоза наслик ва улугворлик.
2. Кўпни кўра оладиган, тез хулоса қиладиган, ақлу-фаросатлилик.
3. Инсонпарвар, халқ аҳволини, сипоҳларни биладиган ва ғамхўрлик кўрсата оладиган.
4. Чидамли, сабр-тоқатли, хушмуомалали, мулоим.

Кўриб турибмизки, бу ахлоқий хислатлар Амир Темур томонидан юқори баҳоланган ва уларга амал қилинган.

Бутун умри давомида ҳокимиятда виждонли раҳбарларнинг бўлишини орзу қилган ва бу орзунин амалга оширган. Тузукларда таъкидланишича, раҳбар қилиб тайинланган одамларни ортиқча мақтаб юбориш, сийлаш ва талтайтириб юбормаслик лозим. Аввало, назари паст, жоҳил, таги паст одамларни вазирлик мансабларига тайинламаслик керак. Амир Темур таъкидлаб айтадики: «Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга кулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёкмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, уни вазирликдан тушириш лозим. Насли ва зоти паст, ҳасадчи, гина-кек сакловчи, қора кўнгилли одамларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин, (чунки) бузуки, қора кўнгилли, зоти паст, одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез фурсатда завол топади»<sup>1</sup>. Амир Темур айниқса, ўз манфаатини ўйлайдиган очкўз, манманлик ва зикналик қиладиган, мол-мулкка берилган, ўзларининг энг яқин кишиларини унутиб уларга қайсарлик билан иш тутадиганларни жуда ёмон кўрган. Бу ҳақда «Тузук»ларда шундай дейилади: «Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат пайтида ўз соҳибидан юз ўгириб, хузуримга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи, Тўхтамишхон билан бўлган урушда унинг амирлари менга ҳар турли хабар ва шикоятлар ёзиб, ўз ҳукмдори, яъни менинг душманам бўлмиш Тўхтамишхон берган туз ҳақини унутдилар, вафодорлик ва ҳақ-хуқуқни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, хузуримга паноҳ истаб келганлари учун уларни лаънатладим, ўзимга «булар ўз ҳожасига вафо қилмагач, менга қилармиди?-деб ўйладим». Айтиш лозимки, бу фикрлар юксак фалсафага эга бўлган, юксак ахлоқли, шахс

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т. , 1996 йил, 11 – бет.

томонидан айтилиши мумкин, холос. Амир Темур ўзининг шу хислатлари оркали халқнинг барча табакалари ўртасида ҳурмат қозонган. Жумладан «Тузуқ»ларда бу ҳақда шундай фикрлар бор: «Мен ўзимнинг икромиятим ва раҳмдиллигим туфайли энг паст табақа кишиларнинг ҳам, хатто гадоларнинг раҳматиға сазовор бўлдим. Мен бутун жаҳдим билан бу табақадаги кишиларнинг аҳволини осонлаштиришға ҳаракат қилдим»<sup>2</sup>.

«Темур тузуқлари»даги фалсафий ғоялар инсон, инсоннинг ахлоқи билан боғлиқ, десак хато бўлмайди, сабаби жаҳонгирнинг ўзи ўта камтар инсон бўлган. Ўз даврида курдирган барча мадрасаю, мақбара, қалъа-қасрлар, боғ-роғлар, масжидларни ўз номи билан эмас балки, ислом раҳнамолари, қавму-қариндошлари ва ўғил-қизлари номлари билан атаган, уларнинг номларини берган.

Амир Темурнинг фарзандлари ҳам ҳокимият ишларига аралашганлар. Уларга ҳам кўп минг сонли кўшинлар берилиб, турли вилоятларга бош этиб тайинланган эдилар. Улар оталари билан маслаҳатлашиб иш юритганлар. Зарур бўлса отаси билан бирга, ўз кўшинларини олиб келиб жангга кирганлар ва ўз отасининг салтанати ва давлати ҳурматини жойинга қўйганлар. Фарзандлар нотўғри йўлга кадам қўйганларида эса ота уларни жазолаган, танбех берган.

Амир Темурнинг шахсий фаолияти авлодлар учун ҳар жиҳатдан намуна бўла олади. Айниқса, у кишининг инсонга, ватанга, халққа, ўз оиласи ва дўстларига бўлган муносабатларида бу жараён яққол кўзга ташланади. Амир Темур ҳали, давлат тепасига келмасданоқ ватанни ўйлаш, ватан равнақиға бефарқ бўлмаслик, душманлар томонидан ўтказилаётган тазийқ ва талон-торожликларнинг олдини олиш учун интилиш хислатларига эга эди.

Баъзида Амир Темурнинг «қонхўрлиги» ҳақида фикр юритганлар. Бу бизнингча мутлоқо ўринсиз. Аслида, Амир Темур адолат билан иш юритар экан, шу адолатни ерга урадиган, жамият манфаати билан ҳисоблашмайдиган кишилар билан ҳақиқатда ҳам муросасиз бўлган. Бу фикрнинг келиб чиқишида Руи Гонзалес де Клавихонинг бир ҳикояси асос бўлган бўлса ажаб эмас.

Амир Темур ўзининг «Беш йиллик юриши» вақтида Туркия шарқида сафарда бўлган. Сафарда Сурияга ўтилаётганда, Сурия билан Туркия оралиғидаги ерларда кўчманчи оқ татар номли элатга дуч келинган. Тўсатдан жанг бошланиб, татарлар енгиледи ва асирга олинадилар. Натижада, улар Эроннинг шимолидаги Дамгон вилоятига кўчрилиб, бу ерларни улар ёрдамида ободонлаштириш назарда тутилади, чунки, у ернинг аҳолиси кам бўлган. Аммо, оқ татарлар у ерларга келганларидан сўнг яна аввалгидай итоат қилмайдилар. Ўзаро бирлашиб, аста-секин Ғарбга, яъни ўз ерларига қайта бошлайдилар. Йўл - йўлақай шаҳар ва кишлокларни талон-торож қиладилар, вайроналарга айлантирадилар. Натижада Амир Темурнинг сипоҳлари оқ татарларни

<sup>2</sup> Темур тузуқлари. Т. , 1996 йил, 334 – бет.

кириб ташлайдилар. Тўғри, бу жангда минглаб кишилар ҳалок бўлади, лекин бу-сабабсиз бўлмаган-ку! Демак, конхўр дейилиши асоссиз бир эртақдир, холос. Агар биз Амир Темурни бошқа саркардалар, Наполеон, Гитлер, Сталин, Фрунзелар билан қиёслаб ўрганадиган бўлсак, унда уларнинг амалга оширган даҳшатларини қандай баҳолаш мумкин!

Амир Темур ўз ҳаёти давомида феодал тарқокликка барҳам бериш учун курашди, вайрон бўлган шаҳарлар ва халқ хўжалигини тиклаш, мамлакатни обод қилиш учун ҳаракат қилди. Масалан, ўша вақтда мўғуллар томонидан Самарканд, Бухоро, Насаф (Қарши), Ғузор шаҳарлари хонавайрон қилинган эди. Уларни тикламасдан бошқа соҳаларни ривожлантириб бўлмас ҳам эди. У 1371-1372 йилларда Самарканд теварагидаги бузилиб кетган деворларни тиклади. Унинг 6 та дарвозаси қайта таъмирланди. Улкан сарой-Кўксарой ва Бўстонсарой бунёд бўлди, кўчалар, бозорлар обод қилинди. Мақбаралар қад кўтарди. Булар кўпларга намуна бўладиган хислатлардир.

«Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдинга паноҳ излаб келганларида, уларни ўзимнинг бахту-давлатимга шерик билиб, ҳеч қачон мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим. Яна тажрибамдан билдимки, содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимамайди, дўстининг душманини ўз ёни деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди. Шундайки, амирларимдан қай бирлари менга жон-дили билан ҳамроҳлик қилган бўлсалар, мен ҳам улардан ҳеч нарсани аямадим. Яна ўз тажрибамдан кўрдимки, ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ экан. Чунончи Амир Қазағаннинг набираси Амир Ҳусайн нодон дўстлардан эди. Унинг дўстлик юзасидан қилган ишларини ҳеч бир душман қилмайди»<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, Амир Темур дўстликни улуғлаган ва умри давомида шунга содиқ қолган.

Турли манба ва фикрларни таҳлил қилган киши буни дарров фаҳмлаб етадики, Амир Темур фалсафаси фақат инсон фалсафасидир. Чунки инсоннинг юриш туриши, фаолияти, барча ишлари Соҳибқироннинг доимий диққат марказида турган.

Соҳибқирон ўз даврида илм-фан арбоблари, дин пешволари ва донишмандларга ҳамиша хайрихоҳ бўлган. Манбалардан маълумки, Амир Темур буюк саркарда бўлиши билан бирга, у илм-фан ва юксак фалсафанинг шаклланишида буюк ҳомий эди. Зеро, илм ва фанни эъзозлаган. Амирнинг ўзи ҳам шубҳасиз илм фандан жиддий хабари бўлган. Демак, Соҳибқирон кенг маълумотли бўлиб, ҳар бир соҳани назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қила олган. Куръон, Ҳадис, қонун, география ва тарих, фалсафа илмларини ўзида мужассамлаштирган. «Мусулмонларга диний масалалардан, шариат ақидалари ва ислом дини илмларидан-тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар, деб... ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим»<sup>2</sup>-дея таъкидлайди Амир Темур.

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996 йил, 113-бет.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996 йил, 73-бет.

Демак, Амирнинг мажлиси ва кенгашлари донмо фузалоларсиз ўтмаган. Манбалар яна шуни кўрсатадики, соҳибкирон даврида юкорида тилга олинган илм-фан соҳалари жиддий ривожланди. Бу ривожланиш подшонинг марҳаматисиз бўлмас эди, албатта. Буни ҳатто, Амир Темур фаолиятига танқидий қараган ибн Арабшоҳ ҳам тан олган. У шундай деб ёзди: «Хулласи калом, Темур ҳар бир (фойдали) жонни атрофига йиғиб, нимаки бўлса, сарасини Самарқандга келтирди. Натижада, Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намоёнчасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан фазилати пешонасида нишона бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган, ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган эди»<sup>3</sup>.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур бирон шаҳар ёки мамлакатда бўлганида, албатта, биронта бино қуриб қолдирган. Рус тарихчиси А.Ю.Якубовскийнинг фикрича, машҳур подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий бутун дунёни талаб, қатта бойлик йиққан бўлса, Темур топганини эл-юрт ободончилигига сарфлаган, илм масканларини қурдирган. Буни Амир Темурнинг ўзи шундай таъкидлайди: «Ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар. Фақиру мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар»<sup>1</sup>. Шу каби соҳаларда Амир Темур бир неча бор тўхталган ва уларни содда қилиб тушунтирган. Жумладан, Амир Темур ёш авлодларга насихат қилиб айтадики, билимли кишилар ўтирган ўрни билан ҳам подшоҳга яқин бўлиши даркор.

Амир Темур саройида ўша вақтда кўплаб илм-маърифат алломалари яшаган ва ижод қилган. Мавлоно Абдуҷаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мушши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нўъмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Ҳокийлар шулар жумласидандир.

Амир Темур ўз даврининг барча илмларига эътибор берганлигини француз олими Лянглэ шундай таърифлайди: «Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда истиснодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Чунки Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилнишга асосий эътиборни берарди»<sup>2</sup>. Ёки Ибн Арабшоҳ ёзганидек: «Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламою фузалога тўла иззат-хурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом муқаддас кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига кўйиб, иззату-икромини унга изҳор қилар эди»<sup>3</sup>. Аммо кўрсатилган меҳр-муҳаббат ва оқибатга олиму фузалолар томонидан ҳиммат кўрсатилмаганда, Амир Темур

<sup>3</sup> Б. Аҳмедов. Амир Темурни ёд этиб. Т.: «Ўзбекистон». 1996 йил, 115-бет

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996 йил, 125 – бет.

<sup>2</sup> Буюк сиймолар, ашломалар. Т.: 1996 йил, 15-бет.

<sup>3</sup> Амир Темур ўғитлари. Т.: 1992 йил, 39-41 бетлар

уларни тўғри йўлга бошқаришга интиларди, жумладан: «Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаясизлар. Менинг мақсадим-мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суистеъмол қилинганлиги ва қилинмаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан эзилаётгани мендан кўра сизларга аёнлир. Шулар ҳақида маълумот беришгиз, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўлурди».

Амир Темур фаолиятида ўз ота-онасига, қариндош-уруғларига бўлган ҳурмат-иззат, устозларни эъзозлаш, уларга мурувват кўрсатган кишиларнинг ҳурматини жойига қўйиш устувор бўлганлигини таъкидлайдилар. Масалан, улар тўғрисида тузукларда ҳам шундай фикрлар келтирилган: «Фарзандлар, қариндошлар, ёру-биродар, қўшниллар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларини (молу-мулк ва нақд пул билан) адо этдим»<sup>4</sup>. Кўриниб турибдики, Амир Темур қанчалик давлат ишлари билан банд бўлишидан қатъи назар, оилавий муносабатларни, ўзаро инсоний хизматлар ва хислатларни олий даражада бажара олган. У инсонлардан ҳеч қачон меҳр-муҳаббатини аямаган. Лекин ўғиллари ёки бошқа бирор яқинлари номаъқул ишларни амалга оширганда, уларни тўғри йўлга бошлаш учун барча имкониятлардан фойдаланган. «Агар ўғилларимдан қайси бирови салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан, уни ўлдиришга, боғлашга ёки мучасидан бирон жойини камайтиришга ҳеч ким журъат қилмасин. Лекин ўз даъвосидан кечмагунча асирликда сақласинлар, токи Худонинг мулкида уруш чикмасин. Агарда набиралар ва қавм-қариндошлардан бири менга қарши кўтарилса, уни дарвишлик ҳолатига солсинлар».<sup>1</sup> Сезамизки, Амир Темур ўзининг шахсий манфаатларини ҳеч вақт салтанат манфаатидан устун қўймаган.

**Улуғбек – Ўрта аср маданиятининг атоқли вакили.**

Темурийлар авлодига мансуб бўлган Шохруҳ Мирзонинг ўғли – Муҳаммад Тарағай-Мирзо Улуғбек (1394-1449) фалсафа, илм-фан тараққиётига беқиёс хисса қўшди. У ёшлигиданок ўз давридаги илм-фанга қизиққан. Олимлар, шоирлар, санъаткорлар, диний уламолар, алломалар даврасида бўлиб, илмий баҳсларда қатнашган ва илҳомланган.

Қийин ва мураккаб, зиддиятли шароитда яшаган Улуғбек мамлакатни сиёсий ва иқтисодий ҳаётини бошқариш билан бир қаторда илмий ишлар билан шуғулланган. Олимларга раҳбарлик қилган. Ўз устида

<sup>4</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996 йил, 72 – бет.

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: 1996 йил, 91 – бет



тинмай ишлаган. Илмий-фалсафий тафаккурни ривожлантирган. У ўз фаолиятида фалсафа, тарих, логика, астрономия, математика, табиатшунослик ва ҳуқуқ билимлари билан шугулланиб асарлар ёзган. Юнон олимларидан Платон, Аристотел, Птоломей асарлари билан танишган. Улуғбек ўтмиш аждодларидан, хусусан, Ўрта Осиё олимларидан қолган маданий мерос, фалсафий қарашлардан унумли фойдаланган. Унинг фалсафасида ақл-заковатни жангу-жадалларга, юрт олиш, бойлик орттиришга эмас, адолат билан ҳукм сурниш, мамлакатни обод қилиш, адабиёт илм-фанни ривожлантириш марказий ўринни олади. Улуғбек ўз атрофига ўз даврининг «Афлотунни» деб ном қозонган машҳур математик, астроном Қозизода Румий ва таниқли олимлар Али Қушчи, Мансур Коший, Али ибн Муҳаммад Биржандий, Мирам Чалабий, Фиёсиддин Жамшид, Муҳаммад ибн Умар Чағниний кабиларни тўплаган. Улуғбек шу олимлар иштирокида кенгашлар ўтказиб математика, астрономия, геометрия фанлари юзасидан тадқиқотлар олиб борган. Оби раҳмат сойи ёқасида расадхона қурдирган. Кўриниб турибдики, у табиат муаммоларини ечиш билан бирга диний эътиқоддан воз кечмаган. Унинг фалсафасида моддийлик ва маънавийлик мужассам эди. Улуғбек 1437 йилда «Зижи Кўрагоний» рисоласини ёзиб тугатди. Унинг асари ҳозиргача олимлар қўлидан тушмайди. Ўз расадхонасида иш олиб бориб 1018 та юлдузнинг мувозанатини аниқлаган.

Мирзо Улуғбек илмий кузатишлар олиб бориш ва мадрасада фалакиёт илмидан ваъз айтиш билан бирга маданий-маиший ишларга ҳам жиддий эътибор берган. Ўилаб мадраса, хонақоҳ, мачит, карвонсаройлар қурдирган. Олдинроқ қурила бошлаган Бибиҳоним масжиди, Гўри амир мақбараси, Шоҳи зинда ансамблини ниҳоясига етказган. Улуғбек ҳақида юзлаб асарлар мавжудки, уларда донишманд файласуф, адолатли султон, устоз сифатида мадҳ этилади. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида «Улуғбек мадҳияси» деган махсус боб мавжуд. Унда Улуғбекни заминда осмон яратган олим деб таърифланади:

Расадким боғламиш зеби жаҳондир,  
Жаҳон ичра яна бир осмондир.  
Билиб бу навъ илми осмоний,  
Ки андин ёзди «Зижи Кўрагоний».  
Қиёматга деганча аҳли айём,  
Ёзарлар анинг аҳкомидин аҳком.

«Зижи Кўрагоний» асари назарий-кириш қисм ва тўртта катта бобдан иборат. Биринчи бобида муаллиф хитойлар, хиндлар, греклар, эронийлар ва бошқа халқларнинг календарлари билан танишиб, ўз фикрларини билдиради. Иккинчи бобда эса амалий астрономия, учинчи бобда сайёралар назарияси ва тўртинчи бобда астрология ҳақида ўз фикрларини билдиради. Узоқ йиллар кузатиш ва илмий текширишлар натижасида Улуғбек фазодаги сир-асрорларни ўрганишда, йил, ҳафта ва кеча-кундузларни белгилашда улкан ютуқларга эришади. Ўзидан олдин ўтган Эротосфен, Гиппарх, Птоломей, ал - Батоний, ибн Юнус,

Носириддин Тусий ва бошқа астрономларнинг бу соҳадаги ютуқларини орқада қолдирган эди.

«Зичи Кўрагоний» асаридан ташқари Улуғбек, «Бир даражанинг синусини аниқлаш ҳақида рисола», «Рисола-дар илму мусиқа» асарларини ҳам ёзиб қолдирган. Улуғбек фалсафаси дунёвий фалсафа бўлиб, жаҳон табиатшунослиги, ижтимоий фанларининг ривожлантиришида муҳим ҳиссадир.

### Алишер Навоий фалсафаси.

Жаҳон маданияти тарихида улкан из қолдирган мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) ўз даврида фалсафа фанини тараққий этишида салмоқли ҳиссасини қўшган алломадир. Унинг фаолияти XV асрда Ўрта Осиё минтақасида кўзга ташланди. Бу фаолият ижтимоий-сиёсий, бадий, илмий, фалсафий фаолият эди. Навоийнинг илм-маърифат соҳасидаги ҳаракати унинг жуда ёшлигидан бошланган. У тасаввуф илмини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган. Унинг фалсафасида «Қалом», «Шариат», «Орифлик», «Ахлоқийлик», «Сиёсат», «Қомиллик», «Давлат», «Фозил жамият», «Муқаддас оила» соҳалари мустақкам ўрин олган. Навоий дунёқараши ижоди ва фаолияти туркий халқларнинг жаҳон тараққиётидаги ўрни, фалсафаси билан боғланиб кетган. Навоий асарларида одил подшоҳ, фозил жамият тўғрисидаги фикрлар Навоийдан олдин ўтган алломалар фикрларидан фарқ қилади. Навоий ўз фалсафасида бутун олам, борлик, коинотнинг ҳудо томонидан яратилганлигини эътироф этади. Бутун олам жумладан, табиат ва жамият Оллоҳнинг намоён бўлиши, зуҳр этилишидир. Унинг бу фикри тасаввуф таълимотидаги ҳудо бутун мавжудотнинг, борлиқнинг яратувчиси, қолган барча нарса ва ҳодисалар жумладан, инсон ҳам унинг зарраларидир, деган умумий қоидага тўла асослангандир. Маълумки, тасаввуф фалсафаси қоидага биноан инсон ҳудо томонидан яратилган бўлиб, бошқа махлуқотлардан фарқли равишда илоҳий ақлга эгадир.

Навоий ўзининг эпик асарлари билан қатта мувафаккиятларга эришди. У 1482–1485 йилларда ўзининг «Ҳамса»сини, 1499 йилда эса «Лисонут-тайр» фалсафий достонини яратди. Унинг «Лисонут-тайр» асари XV аср тараққийпарвар фалсафий фикрларнинг бадий мужассами бўлди. Навоийнинг «Ҳамса» яратиши ўзбек классик адабиёти ва унинг истиқболи учун ҳам қатта ва масъулиятли имтиҳон бўлди.

Таъкидлаганимиздек, Навоий достонларидан уч хилдаги масалаларни эътироф этиш мумкин. Булар: 1. Фалсафий масалалар. 2. Ижтимоий-сиёсий масалалар. 3. Ахлоқий-таълимий масалалар.

Навоий фалсафий масалалар устида тўхталар экан, унинг фикрларида объектив борлик ва илоҳиёт, инсон ва унинг ўзлиги, дин, тасаввуф ва бошқалар фалсафий қарашларнинг асосини ташкил этади. Бу масалалар айниқса, «Ҳайратул-аброр»да ўз аксини топган. Навоийнинг фалсафий қарашлари ранг-барангдир. Унда материалистик элементлар ҳам мавжуд бўлса-да, табиат ва жамият ҳодисаларини илоҳиёт нуқтаи

назаридан мушоҳада қилади. У ўзининг инсонпарварлиги, оқилона мушоҳадаси ва халқпарварлик тенденцияси билан фалсафий қарашларнинг савиясини юқори кўтарди. Навоийнинг фикрча, илоҳиёт, худо, бутун борлиқнинг ягона бошланиши – субстанциясидир. Дастлаб ёлғиз худонинг ўзидан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса бўлмаган. Худо ҳадсиз куч-қудрат ва имкониятларга эга бўлган. Натижада худо ўз куч-қудрати ва имкониятларини намойиш қилиб, бутун борлиқни яратган. Шундай қилиб Алишер Навоий объектив борлиқни эътироф қилади. Шу билан бирга уни илоҳийлаштиради. У объектив борлиқни инкор этувчи кишиларга ва уни рад қилувчи динсизларга қарши фикр билдириб, борлиқни эътироф этишни тавсия этади. Ҳатто уларни севишга, яхшилашга, инсоннинг бахт-саодати учун эъзозлашга ундайди.

Навоий фалсафасида инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир:

Мунча гаройибки мисол айладинг,  
 Борчани миръоти жамол айладинг.  
 Ганжинг аро нақд фаровон эди,  
 Лек боридин ғараз инсон эди.  
 Конию ҳайвони, агар худ набот,  
 Ҳар бири бир гавҳари олий сифот.  
 Барчасини гарчи латиф айладинг,  
 Борчадин инсонни шариф айладинг—

деб инсонни мадҳ этган. Навоий динни эътироф этиш билан бирга уни мадҳ этган алломаларга ҳурмат ва эҳтиром ила қарайди. Жумладан, тасаввуфнинг йирик намоёндалари Баҳовуддин Нақшбанд ва Хўжа Аҳрор Валий каби алломаларни ўз асарларида мадҳ этган. У инсонни эзиб таловчи, жаҳолат ва нодонлик гирдобига етакловчи, жаннат ваъдалари билан авраб, дўзах қийноқлари билан даҳшатга солувчи ғояларни қаттиқ қоралайди.

**Бобур ва Бобурийлар  
 даври фалсафаси.**

Буюк сиймолардан бири Захириддин Мухаммад Бобур(1483-1530)дир. Бобур жаҳон илмига, маданиятига катта ҳисса қўшган аллома. У йирик давлат арбоби, истисъодли саркарда, талантли ёзувчи, файласуф шоир ва адиб, донишманд тарихчи, заковатли олим ва таржимон. Бобурнинг асарларида, йирик шеърлари ва рубойларида инсон ва Ватан фаолияти муқаддас неъмат сифатида таърифланади. Унинг «Бобурнома» асари қомусий асар бўлиб, унда зиддиятли ижтимоий, тарихий воқеалар билан бирга илм-фан, маданият ва маънавиятга, халқ оммаси ҳаётининг турли-туман соҳаларига тааллуқли жуда қимматли фалсафий мулоҳазалар, ҳаётий тафсилотлар ўз аксини топган. Захириддин Мухаммад Бобурнинг фаолиятини икки даврга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи даври 1506 йилгача бўлган Туркистон давридир. Иккинчи даври 1506 йилдан кейинги Афғонистон ва Ҳиндистон давридир.

Биринчи даврида у Фарғонада тахтга ўтириб, темурийлар орасидаги таркоқлик ҳолатларини бартараф этишга ҳаракат қилган. Иккинчи даврида Бобур нафақат сиёсатчи, сулола асосчиси, ҳарбий саркарда, балки жуда иқтидорли олим, исломий илмлар, шариат, тарикатлар билимдони, буюк сўз устаси, шоир ва воъиз сифатида танилган. Бобурнинг ижтимоий-фалсафий, бадий-ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий, ирфоний, ислоҳчилик қарашлари ниҳоятда кенг қамровлидир. Бобур фалсафасининг бош йўналишлари инсонпарварлик, маърифатпарварлик санъатсеварлик, ватанпарварликдир.

Бобур ўз юртини эъозлайди, кўмсайди. Кунларнинг бирида унга Фарғонадан қовун келтирганларида, у аччиқ-аччиқ йиглайди.

Бобур илм-маърифатни кадрлаб унга ҳомийлик қилади. Илм ўз-ўзидан пайдо бўлмаслигини фалсафий таҳлил қилади:

Ким ёр анга илм толиби илм керак,  
Ўргангали илм толиби илм керак.  
Мен толиби илму толиби илм йўқ,  
Мен бормен илм толиби, илм керак—

дея инсонларни илмга бўлган ҳавас ва иштиёқини таърифлайди. Унинг асарларида яхшилик фалсафаси—ахлоқий мавзу асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, у қуйидагича фикрни билдиради:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.  
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.

Темурийлар даврида юқорида келтирилган мутафаккирлардан ташқари кўплаб алломалар етишиб чиқдики, улар Ўрта Осиё фалсафасини ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшдилар. Жумладан, Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Мужрим Обид, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Шариф Гулҳаний, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Мирзо Абдулқодир Бедил ва бошқалар фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу алломалар ўз даврида ўзбек халқининг фалсафий қарашларини дунё аҳлига танитганлар. Шу сабабли ҳам Амир Темур ва темурийлар даври фалсафасини ўрганиш бугунги куннинг долзарб муаммосидир. Уларнинг фалсафаси ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини мадҳ этганки, улардан ўрнак олиш ҳозирги замон ёшларининг мақсад ва вазифаларига мос тушади. Миллий ғояларни сингдириш учун буюк аждодларимизнинг фаолиятлари мисол бўла олади.

### Таянч сўз ва иборалар:

Амир Темур, «Куч - адолатдадир», Темур тузуклари, Улуғбек даври, Алишер Навоий фалсафаси, Бобур ва Бобурийлар даври, «Бобурнома» ғоялари, Бобур фалсафаси, Темур ва темурийлар даври алломалари.

Алломалар фикрларидан намуналар:

Оч итга ўз лукма нонини бериб,  
Ўзининг нафсини тиёлган инсон,  
Қул бўла туриб ҳам кўп озорларни  
Ўзига қул қилиб олмоғи осон.

**Абдурахмон Жомий.**

«Захмат билан топқонингни ўзингдин аяма ва меҳнат билан  
еққонингни дўстлар била, душманлар учун асрама».

**Алишер Навоий – ўзбек мутафаккир шоири.**

Емишсиз от доvon ошолмайди.

**Амир Темур**

От минган отасини унутади.

**Амир Темур**

«Оқ бўлсанг – онт ичма».

**Амир Темур**

### **Мавзуга оид тест саволлари:**

**Амир Темурнинг 660 йиллиги қачон нишонланди?**

- а) 1996 йил;
- б) 1993 йил;
- в) 1998 йил;
- г) 1999 йил.

**Буюк бобоколонимиз Амир Темур халқни неча тонфага ажратиб  
давлатни бошқарган?**

- а) 12 та;
- б) 10 та;
- в) 8 та;
- г) 6 та.

**Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. И.А. Каримов. Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.

2. И.А. Каримов. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.

3. И.А. Каримов. Сохибқирон камолга етган юрт. Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
4. И.А. Каримов. Адолат ва қудрат тимсоли. Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
5. И.А. Каримов. Амир Темур – фахримиз, гуруримиз. Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
6. Абдурахимов М. Амир Темур ва Тўхтамиш. «Шарқ юлдузи». 1991 йил, 11-сон.
7. Амир Темур – буюқ давлат арбоби. Тошкент Молия институти (илмий-назарий конференция материаллари). 1995 й, 24 ноябрь.
8. Амир Темур ўғитлари. Т.: 1992 й.
9. Темур тузуклари
10. Ахмедов Б. Улуғбек (эссе). Т.: «Ёш гвардия». 1989 й.
11. Орипов А. Сохибқирон. Т.: «Ғафур Ғулом», 1996 й.
12. Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т.: Қомуслар бош тахририяти, 1996 й.
13. Ульям Э. Бобур Ҳиндистонда. Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи. Т.: «Чўлпон», 1995 й.
14. Холмирзаев Р., Ҳамидов Х.О. Темурийлар даври маданияти (XV ва XVI аср). Т.: 1994 й.
15. Иоган Шилтбергер. Путешествие Азии и Африки. Т.: «Академия», 1998 г.
16. Ахмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
17. Юсупов Э. ва бошқалар. Фалсафа. Т.: 1999 й.
18. Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати. Т.: 1998 й.
19. Алишер Навоий шеърятидан. Т.: 1977 й.
20. Муҳаммад Солих. Шайбонийнома. Т.: 1989 й.
21. Шарқшунослик. 1,2,3,4,5 томлар. Т.: 1990-1994 йиллар.

## 6 боб. Ўрта асрлар ва янги давр Европадаги фалсафий фикрлар

**Рим империясининг кулаши  
ва Европада ягона  
мафқуранинг таназули.  
Номинализм ва реализм.**

Эрамининг IV асри охирида Рим империяси иккига бўлиниб кетди. Шу муносабат билан христианлик дини давлат динига айланди. Айни шу даврларда (375-568) рўй берган герман қабилаларининг кўчиши Ғарбий Рим

империясининг барбод бўлишига олиб келди. Антик давр тугаб Ўрта асрлар бошланди.

Эллада-Рим давридаги ижтимоий шарт-шароитлар ўша давр сиёсатидан муайян даражада чекинниш ва назарий фалсафага бўлган қизиқишнинг йўқолишига олиб келди. Айтиш лозимки, антик даврнинг тугаши инсонлар фаолиятида муҳимроқ бўлган жараёнларни излаб топишга мажбур қила бошлади. Инсонлар турмуш қийинчиликлари сабабларини энди диндан ахтара бошладилар. Ўша даврда ривожланган неоплатонизм ва тугаб бораётган стоиклар қарашлари христианликнинг кенг тарқалишига сабаб бўла бошлади. Христианлик ўз моҳияти жиҳатидан инсонлар фаолиятига қаратилган эди. У ҳар бир кишига нажот излашга ёрдам берарди. Ўша даврдаги инсонлар сиёсий ҳуқуқсизлик, моддий ночорлик ва жисмонан азоб-уқубатлар, ёвузлик ва жохиллик ҳукмрон бўлишидан катъий назар, яхши яшаш умидини йўқотмасди. Ҳеч бўлмаганда шунга интилардилар. Бу дунёдаги ҳаёт, христиан динининг тарғиботича, драматик тарихий жараёнининг бир қисми бўлиб, унинг охирида ҳар кишини бу ҳаётдаги ноҳақликлар ва кўрилган жабру ситамлар учун келажакда одил мукофоти бор. Чунки, барча ҳолатларни сезувчи тангри таоло барчани яратувчиси сифатида ўзи меҳрибонлик қилади. Ана шундай ғоялар асосида Ўрта асрнинг бошларида Аристотел таълимоти христианлик билан синтезлаштирилди ва христиан дини ҳукмрон бўла бошлади. Олдинги мавзуларнинг бирида таъкидланганидек, христиан динининг иккига: “католик” ва “протестантлик”ка бўлиниши ягона мафқуранинг емирилишига олиб келди. Бу бўлиниш христианлик теологиясини келтириб чиқарди. Теология нохристианларнинг эътирозларини ҳимоя қилишга қаратилди. Грек файласуфлари учун инсон умуман ва буткул космосда бошқа жониворлар билан бирга бўлган мавжудот ҳисобланади. Инсонлар муайян даражада юқори турувчи аммо алоҳида, имтиёзли ўринни эгалламаган мавжудот ҳисобланган. Тош ва тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонлар, одамлар ва худолар битта тугал оламда мавжуд деб тушунилган. Христианлик қондасига кўра эса бундай бўлмаган. Худо бу дунёдан юқоридаги мавжуд шахс ҳисобланади. Бутун борлик-тошлар, ўсимликлар, ҳайвону одамлар худо томонидан одамларнинг макони сифатида инсонлар паноҳ топиши учун яратилган. Олам ва одамлар худого нисбатан иккиламчидир.

Инсон космологик ва қадриятлик жиҳатидан марказий мавжудотдир. Ҳаёт тарихдан иборат бўлиб у қисматга қараб ҳаракатланади. Давр ўтиши билан христианликнинг ғоялари фалсафадан, жумладан, сиёсий фалсафадан ҳам ўрин ола бошлади. Бу ғоялар асосида дунёвий институт ва черков институтлари пайдо бўлди. Черковлар давлат қўл остидаги ва у давлат томонидан қўллаб қувватланувчи институт сифатида шаклланди. Черков давлатнинг этник-диний масалалар бўйича расмий танқидчиси мавқеини қўлга киритгандан сўнг, одамлар дунёвий ҳукмронларни танқид қилиш учун маълум асосларга эга бўлдилар. Бу Европада озодлик ғояларининг ривожланишига ёрдам берди.

Ана шундай бир шароитда янги фалсафий оқимлар пайдо бўла бошлади. Шулар жумласига номинализм ва реализмни олиш мумкин. Ғарбий Европа фалсафасида икки оқим – номинализм, реализм орасида кураш давом этди. Реализм – схоластика, диний қарашдир. Номинализм – ўз даврининг прогрессив қараш эди. Улар орасидаги кураш умумий тушунча – универсаллар масаласи учун кураш эди.

Реализм вакили Дунс Скот фикрича, тушунча реал мавжуд моҳиятга эга, у бирламчи, нарсалар иккиламчи, тушунча мангу, нарсалар вақтинча.

Ўрта аср реализми идеализмнинг ифодаси католицизм, схоластиканинг фалсафий асоси эди. Фома Аквинский Аристотел фалсафаси орқали христиан ақидалар тизимини назарий асослашга уринди. Аристотелнинг материалистик, прогрессив қарашларини олиб ташлади. Шакл бордир, шакл бирламчи, жон ўлмас, тана эса ҳалок бўлади. 1. Табиатдан ташқари ақл бор. 2. Табиий кишини ақли бор. Бу христианлик фалсафасининг асосидир, деб фикр юритди.

Феодализм даврида фалсафа ўзининг янгича босқичига кўтарилди. Фома Аквинский (1225-1274) католик дини мафкурасини ишлаб чиқди. Яъни унинг мафкурасини фалсафа ва диннинг мақсади худонинг мавжудлигини исботлашдир. Ундан ташқари жамиятдаги тенгсизликни ҳам худодан, деб билади.

Ўрта асрда диний мафкура асосий ҳукмрон бўлди. Лекин материалистик ва атеистик қарашларни тамомила тугата олмади. Ўрта асрда материализм билан идеализм ўртасидаги қарама-қаршилик реализм билан номинализм ўртасидаги қарашда ифодаланади. Номиналистлар фикрича, якка – якка нарсалар, уларнинг хусусиятлари объектив мавжуд. Улар биринчи, тушунча иккиламчи. Табиат бўлмаганда уларда тушунча ҳам бўлмасди.

Номиналистлар ва реалистлар тушунчаларни умумлаштиришнинг ҳақиқий моҳиятини, яъни нарса ва ҳодисалардаги мавжуд ҳодисалар бизнинг онгимизда акс этганлигини тушунтирдилар, аммо айрим ва умумий ҳодисалар орасидаги боғланишни бирга эмас, қарама-қарши қилиб қўйдилар.



**Ренессанс даври фалсафаси.  
XVII аср Европа фалсафасидаги  
рационализм. XVIII аср француз  
фалсафаси мисолида Вольтер,  
Дидро.**

Жамият моддий ҳаётнинг  
ўзгариши, ишлаб чиқариш  
кучларининг тараққий этиши  
феодал ишлаб чиқариш усулида  
революцион ўзгаришнинг  
зарурлигини келтириб қўйди.  
Ишлаб чиқариш кучларининг

ўсиши феодал тузумини йўқ қилишга ҳаракат қила бошлади, бу жараён буржуазия революцияси билан тугалланди. Лекин бу даврдаги фалсафий дунёқараш шундай кескин курашларга дуч келдики, Коперникнинг назариясини худосизликда айблаш, Джордано Брунонинг ўтда куйдирилиши, Галилейни коронгуликка улоқтирилиши ҳам фан ва умуман материалистик фалсафанинг прогрессив тараққиётига тўсқинлик қила олмади. Табиат ҳодисаларини ўрганувчи табиий фанлар шакллана бошлади. Энди табиат фани билан, фалсафа орасидаги муносабат ўзгара бошлади, яъни табиий фанларнинг ўсиши материалистик фалсафанинг ўсишига олиб келди.

Коперник гелиоцентрик тизимини ишлаб чиқди. Яъни, ер шари ўз ўқи атрофида айланиши билан кун ва туни бўлиши, Куёш атрофида айланиши билан йил фаслларининг ўзгариб туришини исботлаб берди. Птоломейнинг Куёш системасининг маркази ер дейилишининг нотўғри эканлигини кўрсатиб гелиоцентрик системани яратди. Птоломей таълимотича Куёш ер атрофида айлангандек кўринади аслида моҳияти ундай эмас. Коперникнинг прогрессив ғоялари фалсафа тарихида катта роль ўйнади.

Ундан кейинги ўтган олим Джордано Бруно Коперник назариясидан материалистик хулоса чиқарди. Бруно динга қарши курашувчи прогрессив олим эди. Бруно фикрича, олам ҳисобсиз ерлар, куёшлар системасидан иборатдир. Лекин, Бруно яшаган давр унинг прогрессив фикрларини ривожлантиришга йўл қўймади. Унинг фаолияти инквизиция (католик черкови суди) давридаги судда қораланиб ўзи эса ўлдирилди.

Янги давр фалсафаси XVI-XVII асрда Англияда келиб чиқди. Англия материализмининг асосчиси Ф.Бэкон (1561-1626) эди. Бэкон фалсафаси Англия буржуазиясининг интилишини ифодалайди. Бэкон тажрибага асослаган билим ҳақиқий билим, дейди. Ундан ташқари инсон табиатини ўрганиши ва ўзига бўйсундириши кераклигини уқтирди. Дунёда билимнинг асосий қуроли тажрибадир, дейди. Билим жараёнида тафаккурнинг, назариянинг ролини инкор этмайди. Нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишини аниқлаш ҳақиқий билим гаровидир, дейди. Элементларнинг сифат муайянлигини таъкидлайди. Материя билан ҳаракат ўртасидаги узлуксиз боғланишни эътироф этади.

Бэкон фалсафасида диалектика элементи бўлишига қарамай, унинг материализми асосан механистик эди.

Англия материализмининг иккинчи вакили Томас Гоббс (1588-1679) бўлиб, унинг фалсафий қарашлари Бэконникига ўхшарди. Бэконнинг динга ёндошган томонларини тузатиб, уни ривожлантирди. Гоббс фалсафаси механистик, метафизик тусда эди. Гоббс моддий дунёни бир-биридан реал билиб, фалсафанинг предмети шу оламни ўрганишдир, дейди. Гоббс таракқиётни фақат микдор ўзгаришларидир, ҳаракат эса механистик ташки туртки натижасидир дейди. У моддаларнинг хоссалари, сифати ёруғлик, хид, ранг, иссиқлик хос бўлмасдан балки тасаввурларимиздан иборат, деб тушунтиради. Гоббснинг материалистик қарашлари унинг тафаккур билан материя ҳақидаги фикрда кўриниб туради. Тафаккур материядан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди, деган эди, у.

Гоббс билиш назариясида моддий дунёнинг кишига таъсир қилиши натижасида ҳосил бўлган ҳиссиётлар тўғрисида тўғри фикр берган. Лекин, унинг хатоси, тафаккур механистик функцияни бажаради, деб изчил бўлмаган материализмга йўл кўяди.

XVII асрда Франция Англияга нисбатан анча орқада қолган мамлакат эди. Демак, Франция фалсафа соҳасида ҳам Англияга нисбатан орқада эди. Лекин, Франция ўзига хос йўллар билан ривожланди.

Францияда ривожланган фалсафа дуалистик таснифга эга эди. Франциядаги дуалистик оқим вакили Рэнс Декарт (1596-1650) дир, ўзининг “Метод тўғрисида мулоҳазалар” асарида билиш услубини яратишга уринган.

Декарт ўзининг фалсафасида математика аксиомаларига ва ҳатто «худонинг кудратига» ҳам гумонсираш керак, дейди. Тафаккур Декарт бўйича, бирдан бир воқелик ҳисобланади. У шунинг учун ҳам «Мен тафаккур қиламан, демак мен яшайман» деган қондасини келтириб чиқарди. Тафаккурни материяга қарши кўяди. Бу нарса фалсафанинг бош масаласини идеалистларча ҳал қилишга олиб келди. Билиш назариясида асосий услуб қилиб дедукцияни олади. Яъни тафаккур умумийдан хусусийга қараб ҳаракат қилади ва мантикий йўллар билан ҳақиқатни очишга имкон беради.

Декарт фалсафасидаги дуализм онг билан материянинг, тан билан рухнинг мустақил яшашини исботлашда ўз ифодасини топади. Дунёнинг моддийлигини инкор этади ва дунё икки: рухий ва моддий субстанциялардан иборат, дейди Декарт.

Декарт шундай камчилиги бўлишига қарамай, у фалсафа тизимини яратди. Декарт фан соҳасида янги кашфиётлар очди. Масалан, Куёш системасини пайдо бўлиши тўғрисидаги фикрлар, яъни чексиз олам ҳаво, олов, ерга ўхшаш уч элементдан ташкил топганлиги ҳақидаги фикрини олиш мумкин.

Декартнинг дуализмининг танқид қилиш асосида Барух Спиноза (1632-1677) фалсафа тизими вужудга келди. Спиноза Голландия буржуазиясининг манфаатини ифодалайди. Спиноза фалсафаси тизимини Декарт рад этиб, дунёнинг асосида моддий субстанция ётади, дея эътироф этади.

Спиноза фикрича, табиатда икки субстанциянинг бўлиши мумкин эмас. Ундан ташқари, субстанция ўзидан ташқаридаги сабабга, худого боғлиқ эмас, балки у ўзининг сабабидир. Субстанция замонда абадий, маконда чексиздир. Спинозанинг субстанция тўғрисидаги фикри, чексиз материя ҳақидаги материалистик таълимотдир. Лекин шунга қарамай Спиноза субстанция ниқобига ўраб диний фикрни юргизади. Унинг худоси диндорлар худосига ўхшамайди.

Спиноза фикрича, зарурият таъсирида ҳаракат қилувчи худо эркин иродага эга эмас ва ўз олдига ҳеч қандай мақсад қўя олмайди, бу нарса табиатнинг ўзгинасидир. Шу даврда вужудга келган субъектив идеалистлар (Ж. Беркли, Д. Юм) динга янги йўл очиб, материализмга қарши фикрларни илгари суришга ҳаракат қилишган эди.

Беркли ўзининг “Инсон билишининг асослари тўғрисида трактат” (1710) деган асарида инсон билишининг объектларини кўздан кечирувчи ҳар бир кимсага бу объектлар ё ҳақиқатан сезгилар воситаси билан идрок қилинадиган ғоялардан, ёки эмоциялардан ҳис ва ақл фаолиятини кузатиш натижасида олган идеяларимиздан... ниҳоят хотира ёки хаёлот ёрдами билан ҳосил қилинган идеялардан иборат эканлиги равшандир. Кўриш, эшитиш ҳидлаш ва бошқа сезгилар қўшилиб бир нарсанинг ифодасини беради”, – дейди.

Демак, Беркли фикрича, нарса “идеялар йиғиндиси”дан иборат экан. Унинг фикрича, буларни идрок қилувчи нарса ақл, рух, жон умуман мен мавжуд бўлиб ундан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмасдир. Беркли табиатдаги ҳамма ҳодиса ва нарса сезгилар йиғиндиси (идеялар коллекцияси)дан иборатдир.

Беркли фикрича субъектив идеализмининг гносеологик илдизи объектив, моддий дунёни абсолютлаштириш билан уни сезгилар тассуроти орқали бирлашишидадир. Лекин, Беркли ғоя, сезгилар мавжуд объектларнинг нусхаси, инъикоси эканлигини инкор қилди. Ўзини субъектив идеализм ва солипсизмда айбланишидан ҳимоя ҳам қилади.

Беркли, Юмлар сезгилардан нарига ўта олмадилар. Беркли ва Юм солипсизми идеалистик таълимотининг энг рационал кўринишидир.

Бу давр француз материалистлари диалектикани материалистик нуқтаи назаридан асослашда жуда катта ҳисса қўшдилар, айниқса француз мутафаккирлари Ламетри, Гольбах, Гельвецийлар шулар жумласидандир. Ижтимоий даврнинг ўзи француз материалистлари олдига шундай вазифани қўйди. Улар идеализмга, диндан қарши чиқишда табиатни материалистик асосда тушуниш кераклигини биринчи масала қилиб қўйдилар.

Мари Франсуа Аруэ (1694-1778). Француз ёзувчиси, психологи, файласуфи, танқидчиси, публицисти, тарихчиси. Мари Франсуа Аруэнинг тахаллуси Вольтердир. Париж театрининг сахналарида “Эдип” трагедияси шон-шухрат келтиргандан сўнг, яъни 1718 йилдан бошлаб шу тахаллусни олган. Вольтер нотариус оиласида туғилди. Оиласи ўша даврдаги аристократлар даврасида яхши макега эга эди. “Крёстный”- ўғай отаси уни

ёшлигидан бошлаб эркин фикрлашга ўргатди. Коллежда таълим олдирди, лекин у отаси орзу қилган йўлдан бормади. Натижада моддий томондан ўғилни отаси қўллаб-қувватламади. Турмуш тарзини яхшилаш мақсадида молиявий ишларда қатнашди. Бу билан ўзининг ижтимоий ва ижодий фаолиятини ҳам йўлга қўйди. Шахсий фаолият натижасида, кундалик ҳаётда буржуазия синфининг феодал тузуми билан келиша олмаслигини сеза бошлайди. Шу билан бирга, диний фаолият сир-асрорлари билан яқиндан танишади. Келажакда ўз давридаги феодал тузум ва диний фанатизмга қарши кураш бошлаб юборади. Сиёсий эркинлик ғоясини халқ оммаси ўртасида тинмай тарғиб қилади. Бу фаолият ҳукмрон донраларида қораланиб, икки марта (1717,1725) камалади. Англияда сургунда (1726) бўлади. Умрининг талайгина қисмини сургунликда ўтказган. Англияда сургун бўлмаган даврида, у мамлакатнинг маданияти, ижтимоий ҳаёти билан яқиндан танишади. Франция ҳаёти билан Англия ҳаётини солиштириб кўради. Бу эса Вольтер фаолиятини революционлаштиради. Йирик асарлар ёза бошлайди: “Файласуфнинг мактублари” (1733), “Метафизика тўғрисидаги трактат” (1734), “Ньютон фалсафасининг асослари” (1738), “Фалсафа лугати” (1764-690), “Жохил файласуф” (1760), лирика, шеър, поэма, драммаларидан: “Генриада”, “Брут”, “Орлеан кизи”, “Цезарнинг ўлими” ва бошқалар. Бу асарларнинг барчасида Вольтер ўз даврининг буюк маърифатпарвари сифатида шаклланди. Унинг бу фаолияти, айниқса, Россияда ижобий баҳоланди. Россияда Вольтерчилик окимининг келиб чиқишига унинг таълимоти асос бўлди. Вольтер фаолиятининг таъсирида рус маърифатпарварлари: П. П. Поповский, С. Е. Досницкий, Д. С. Аничков, И. Я. Третьяков, А. Я. Поленов, Я. П. Козельский, Н. И. Новиков, Д. И. Фонвизинлар ижтимоий-сиёсий майдонга чиққанлар. Бу мутафаккирлар Россиядаги феодал крепостной тузумига қарши фаолият кўрсатганлар.

1778 йил 30 май куни даволаб бўлмайдиган касал Вольтер ҳаётини тўхтатди. Полиция унинг ўлимни ошкор қилмаслик чораларини кўради. Пёссаларини театрларда қўйдирмайди. Барибир, Вольтерни халқ эсан чикармайди. Черков ва ҳокимият рухсатисиз Париж яқинидаги кабристонда дафн маросими уюштирилади. Унинг тириклигида 19 та асарлар тўплами нашр қилинган бўлса, вафотидан сўнг 70 томлик тўла асарлар тўплами нашр этилди. 1791 йилда таъсис мажлисининг қарори билан унинг жасади солинган тобути Парижнинг улуғ инсонлар қабри Пантеонда жойлаштирилади. У қўйилган жойда инсониятнинг ақлини ривожлантиришга қўшган хизматлари эътироф этилиб, мавқеи ҳақида фикрлар ёзилиб қолдирилган.

Вольтер материализмнинг деизм шаклини қабул қилган файласуфдир. Маълумки, деизм сўзи латин тилидан олинган бўлиб, худо деган маънони англатади. Яъни бу сўзнинг фалсафий маъноси борлиқнинг қиёфаси ва мавҳум илк сабабчиси худодир, лекин у табиий ва ижтимоий ҳаёт тараққиётига таъсир этмайди, деб ҳисоблайдиган диний-фалсафий таълимот сифатида шаклланган. Унинг асосчиси инглиз файласуфи

Черберидир. Унинг издошларидан бири Вольтер. Вольтер кўпгина диний ақидалар, вахий, худонинг иродаси тасаввурларини, маросимларни инкор этиб, виждон эркинлигини тарғиб қилган файласуф. У фан ва фалсафани черков зўравонлигидан, ақлни дин тазйқидан узоклаштиришга ҳаракат қилди. Бу ўринда Вольтер, Ж. Локк, И. Ньютон, Г. В. Лейбницнинг файласуфлик таълимотларини ҳимоя қилди. Субъектив идеализмга қарши чиқиб уни барча томонларини танқид қилди. Агностицизмни қўллаб-қувватламади. Метафизик қарашларнинг, фалсафадаги зарарини англаб бу услубни ҳам танқид қилди. Метафизикани танқид қилишда у Жон Локк (1632-1704)ни сенсуализмдан фойдаланди. Унинг “Туғма ғоялар” назариясини юқори баҳолади. Чунки, Жон Локк ҳам метафизик таълимотни камчиликларини кўрсатиб берган эди. Локкнинг таълимотида ҳаракат худо фаолияти билан боғлаб тушунтирилса ҳам, ижобий фикрлар баён қилинган эди. У табиий дин тарафдори бўлиб, черковни давлатдан ажратиш зарурлигини, дин эркинлигини қўлларди.

Демак, Вольтер инсон фаолиятидаги ақл ва фаросат жараёнларига диққатни тортди. Инсон сезгилари орқали тасаввурга эга бўлиши ва руҳ эса ҳар вақт табиатнинг асосини ақс эттира олмайди, дея тушунтирди. Инсон уни фақат психик жиҳатдан қабул қилади. Руҳнинг бошланиши ёки охири бор деб бўлмайди. Тараққиётнинг бирор босқичи, ҳатто эмбрионал ривожланишга, тараққиётга алоқаси йўқ. Ҳамма мавжудот ўз-ўзича пайдо бўлади, ҳаракат қилади. Бу ўринда Вольтер атомистик таълимот тарафдори бўлиб чиқди. Унинг фикрича, Ньютон ва Бойл таълимотлари қадимги Демокритнинг атомистик таълимотини тасдиқлайди. Атом бўлинмас субстанциядир. Ўз вақтида бу ғояни Эпикур, Лукрецейлар ҳам тарғиб қилган эдилар, яъни оламни элементлари моддий бўлиб, абадий бўлинмас, деган хулосани чиқарган эдилар. Шу билан бирга Вольтер Беркли ва Лейбницнинг борлиқ ҳақидаги таълимотларини рад қилди. Бунда у табиатшуносликнинг ютуқларига суянди. Улардан фойдаланиб ўзининг материалистик қарашларини ўртага қўйди. Материяни бордан йўқ, йўқдан бор бўлмаслигини ифодалади.

Вольтер таълимоти оламни билишга ҳам қаратилган бўлиб, билишни чексиз, деб ҳисоблайди. Билиш инсоннинг сезгиларига боғлиқ. Материя онг сезгилари орқали идрок қилинади. Бу идрок эса тажрибага боғлиқ. Тажриба эса инсонлар фаолиятидан келиб чиқади. Табиатни ўрганиш, билиш, тажрибага боғлиқ. Айниқса, табиатни билишда математик тажриба фаолияти муҳимдир. Бу ўринда у Рене Декарт таълимотининг ижобий томонларига эътиборни қаратади ва юқори баҳолайди.

Ньютоннинг бутун оламни тортилиш қонуни билан Декарт таълимотини боғлашга ҳаракат қилади. Материя тўғрисидаги фикрларни бойиб бораётганидан қувонади. Лекин, Ньютон таълимотидаги механистик жараённи ўта илмий даражада баҳолай олмади, балки унда табиат “пружина”сини кўради, холос. Бу пружина орқали дейди, материянинг битмас-туганмас хусусиятларини очиш мумкин. Бу натижада олам

таракқиётини тўғри баҳолаш ва ундан тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради. Материя хусусиятларини очишда табийий-илмий кашфиётларнинг ролини ижобий баҳолаган Вольтер фанни ардоқлади, фан имкониятларини бекиёс эканлигини кўра билди ва доимий равишда барча асарларида уни тарғиб қилди. Шу маънода Вольтер айтадики “кўриш ва янгилик яратиш тенгсиз худочилиқдир”. Унингча, фанни ривожлангирини инсон тафаккурига боғлиқ. Тафаккур эса маориф, маърифат орқали такомиллашади.

Тафаккур қилиш билишнинг манбаидир. Билим эса оламни ўзгартиришга олиб келади. Билиш ақлий жиҳатларга боғлиқ. Ақл, айниқса, илмий фалсафий билимларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида бениҳоя муҳим роль ўйнайди. Фақат ақлнинг ёрдамида инсон ўзига хос зарур бўлган ҳақиқатга эришиши мумкин. Ҳақиқат эса бу ақл нуктаи назаридан аниқ, равшан ва шубҳасиз бўлган назарий хулосалардир.

Вольтер материянинг онгга муносабатини ҳам материалист сифатида ҳал этди. Теологиянинг баъзи бир томонларидан фойдаланиб, материализмни тарғиб қилди. Оламда материядан бошқа объект борлигига шубҳа билан қаради. Материя тузилиши жиҳатдан ҳар хил бўлиб, моҳиятан моддийдир. Материя хусусиятлари ҳам чексиз ҳолда универсалдир. Ўтмишдаги кўпгина материалистлар сингари, Вольтер ҳам онгни материяга нисбатан ижодий характерини эътироф этсада бу материянинг барча турларига мосдир, деган хулосадан узоқлаша олмайди. Унинг таълимотида ҳам жонли табиат билан жонсиз табиат, ҳайвонлар психикаси билан инсон тафаккури ўртасидаги чегара аралашиб кетди. Лекин, онг ташқи, моддий оламнинг мияда акс этишининг натижаси эканлигини инкор этмади. Жонсиз табиатдаги акс этиш, жисмнинг бошқа жисмлар таъсири остида ўзгаришида намён бўлади. Материя структурасининг мураккаблашуви инъикос кўринишларини ҳам мураккаблаштиради. Энг оддий жонворлардаги таъсирланувчанлик оддий шаклдаги инъикосдир. Таъсирланувчанлик, ўз-ўзини сақлаш ва насл қолдиришда муҳим роль ўйнайди. Нерв системасига ва мияга эга бўлган жонли, кўп хужайрали организмлар эволюцияси жараёнида инъикоснинг психик шакли вужудга келади. У организмнинг теvarак-атрофдаги муҳит билан сигнал тарикасидаги ўзаро таъсир этишини таъминлайди. Мазкур соҳалар Вольтернинг материя ҳақидаги таълимотидан хулосалар сифатида келтирилдики бу океандан бир томчидир, холос.

Вольтер фаолиятининг марказий ўринларидан бирида инсоннинг ижтимоий турмуш тарзи туради. Бунда ҳам инсонни диний сохталиклардан узоқлаштириш лозим, деган фикрни ўртага ташлайди. Диний жоҳилликдан қутулишнинг бирдан-бири йўли, унинг фикрича, табиат қонуларини билишдир. Инсоннинг эркин яшаши учун уни барча тазйиқлардан қутултириш лозим. Бунинг учун ҳар бир инсон ўзини-ўзи “севиши” керак. Ўзи учун ҳаракат қилиши лозим. Бошқа француз материалистлари сингари Вольтер ҳам инсон ижтимоий муҳитнинг маҳсулидир, деган фикрда турди.

Агар ижтимоий муҳит инсон талабига жавоб бермаса, бундай ижтимоий муҳитдан воз кечиш лозим. Чунки, инсоннинг ўзи шу муҳитга мослашиб қолади, ўзгартиш ҳам бўлмайди. Бу жаҳолатдир. Сабаби, жамият олга қараб ривожланмайди. Инсон ва жамият ўзаро диалектик муносабатдадир. Бу муносабат мавжуд бўлмаса ривожланиш ҳам бўлмайди. Жамият инсон талабига жавоб бермаса, у жамиятда ахлоқсиз кишилар, бузуқ ниятлилар, жоҳиллар кўпаяди. Шу сабабли бундай ярамас жамиятни янги, такомиллашган жамият билан алмаштириш, албатта, зарур. Бу вазифа фақат маърифатнинг ривожини орқали амалга ошади.

Вольтер фикрича, ижтимоий муҳит бу – давлат, сиёсий идоралар ва уларни чиқарган конунларидир. Тафаккур жамиятни бошқаради. Тафаккур ривожини қандай бўлса, жамият ҳам шундай ривожланади. Бинобарин, инсон продаси барча нарсага кодир. Инсон эркин, чунки, ўз онгига эга. Ҳаётда ўзи тўғрисида ўйлайдиган инсон иродалидир. Борлиқнинг худоси ҳам заруриятдан келиб чиққан. Шу билан бирга у худолар борасида “ижобий” худоларнинг тасдиқланмаганлигини таъкидлайди.

Вольтер жамиятнинг доимий ҳаракатда эканлигини эътироф этади. Жамият тараққиётини диний қарашлардан изламади. Инсонлар ўртасидаги муносабатларни мурасага келтиришнинг асосий йўли ахлоқий ва ҳуқуқий жараёнларни тартибга солишдадир, деб кўрсатди. Ахлоқсиз соҳалар турли жамиятларда турлича характерда бўлган, лекин уни давр талабидан келиб чиқиб тартибга тушуриш керак. Диний ахлоқ ўзининг кечириб бўлмайдиган камчиликларига эга. Ундан қутулиш лозим. Диний ахлоқга эга бўлган инсонлар католикларга йўл қўядилар. Унинг фикрича ҳамма вақт, ҳамма жойда ағсестлар ва эркин фикрловчи файласуфлар ардоқланиб келинган ва шундай бўлиб қолади. Айтиш лозимки, Вольтер таълимотида жамиятдаги дин қаттиқ танқид остига олинган бўлса ҳам, халқ оммасини итоатда сақлаш учун уни зарурлигини таъкидлади. Лекин у диндан мутлоқ узоқлашган эмас.

Вольтер яшаган давр ўта зиддиятли бўлган бўлса керак, унинг фалсафаси ҳам зиддиятлардан ҳоли эмасди. Фалсафа муаммоларининг қўйилиши ва уларнинг ечилиши шу фикрни тасдиқлайди. Материя, жамият, инсонни билиш соҳаларидаги мунозаралар шулар жумласидандир. Баъзи асарларида худо мутлоқо инкор этилган бўлса, баъзиларида эса, у муболагалаштирилади. Масалан, планеталарнинг ҳаракатга келиши худо фаолиятининг натижасидир. Худонинг қаромати билан планета Ғарбдан Шарққа қараб ҳаракат қилади, қуёш эса ўз ўқи атрофида айланади, барча планеталар тортилиши ҳам худонинг таъсиридадир ва бошқалар. Демак, унинг деизми ҳам зиддиятлидир. Агар, - дейди у, “худо бўлмаганда эди, уни ўйлаб чиқиш мумкин бўлар эди”. Вольтер фалсафаси қанчалик зиддиятли бўлишидан қатъий назар инсонларни маърифатга чорлайди. Маърифатнинг кенг қиррали томонларини очиб беради. Шу ўринда айтиш лозимки, Вольтер ўзи яшаган жамиятдаги хусусий мулкчиликни танқид остига олади. Бу соҳада ҳам тенгсизлик борлигини таъкидлайди. Бойлар ва

камбағаллар ўртасидаги келишмовчиликларни қонушларнинг мукамал ишлаб чиқилмаганлигида, деб топди. Демократиянинг йўқлигидадир. Жамиятдаги барча келишмовчиликлар жамиятнинг илмий бошқармасликдан келиб чиқади. Жамиятнинг яхши бошқармаганлар эса бутун умр виждон азобида қийналиб ўтишлари керак. Аслида ҳукмдорлар ўзлари одат қилиб олган бошқарувнинг камчиликларини сезмас эканлар халқ бундай бошқарувдан норози бўлиб қолаверади. Бу норозиликни революциялар ҳал этади. Революцияларнинг бўлиши тўнтаришлар билан боғлиқ бўлиб у ўз мамлакати ва ватанини ё инкирозга ё кўкларга кўтаради. Таъкидлаш лозимки, Вольтер ўз ватанини эъзозлаган. Ватанга бўлган муҳаббатим, дейди у, мени хорижликлар ютуғидан кўз юмушга мажбур қилмайди. Аксинча, ватанга муҳаббатим қанчалик кучли бўлса, ватанимнинг жаҳондаги ғазналар билан янада шунчалик бойитгим келади. Кўриниб турибдики, Вольтер ўз умрини кўпчилик қисмини хорижда ўтказган бўлса ҳам, ўз ватани иштиёқи билан яшаган.

Вольтер ўз қарашларини системага солар экан, у ҳамиша тарихни жиддий таҳлил қилар эди. Ўтмишни ўрганган ҳолда хулосалар чиқарарди. Айниқса, жамият тараққиётини баҳолашда турли даврларнинг ўз даври билан солиштирган ҳолда ёндошар эди. Халқлар ахлоқи ва руҳи билан танишарди. Шу маънода у XVIII асрнинг йирик тарихчиси сифатида ҳам эътироф этилди. Историография маърифатпарварлари мактабининг ҳам яратадиги, бу мактаб, нафақат Францияда балки чет элларда ҳам ҳурмат қозонди. «Энциклопедия» ва «Буёқ Пётр давридаги Россия тарихи» каби асарларида илмий манбаларга асосланиб, тарихий хулосалар чиқарадики, бу хулосалар ҳозирги давримизда ҳам ўз мавқеини йўқотган эмас.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Вольтернинг ижтимоий-сиёсий қарашлари феодал крепостнойлик тузумига қарши қаратилган бўлиб, кўпроқ Франция мамлакати ҳаётини акс эттирган эди. У ўз ғояларида Франция ижтимоий-сиёсий ҳамда давлат тузумини ислохотлар билан ўзгартириш масаласини қўйди. Қонунлар ишлаб чиқаришни талаб қилди. Барча фуқаролар тенглигини таъминлаш йўлида тинмай хизмат қилди. Сўз эркинлиги, солиқларнинг барчага баробар бўлишини истади. Лекин, бу соҳаларда ютуқларга эришишнинг амри маҳоллигини ҳам биларди. Шундай бўлсада, у мамлакатнинг бошқариш конституцияни монархия томонидан амалга оширилишини орзу қилди. Унинг фикрича, конституцион бошқариш энг адолатли оқилона бошқариш бўлиши мумкин эди.

Вольтер ўз фаолиятини фақат, Европа тарихини ўрганиш билан боғлаб қўймади. Кейинчалик дунё мамлакатлари тарихини ҳам ўрганишга киришди. Жумладан, Ҳиндистон тарихи тўғрисида ҳам асар ёзди. «Тарих фалсафаси»да тарихни ўрганиш методологиясини ишлаб чиқди. А. С. Пушкин ибораси билан айтганда Вольтер тарихни ўрганишнинг «Янги йўлини топиб, унинг ёритгичини аниқлаб берди». Тарих фанини илмий предмет даражасига кўтарди. Тарихни афсонавий образлардан тозалашга, бадиий тасвирлашларига чек қўйишга интилди. Ўтмишдаги воқеаларни



танқидий ўрганишни тавсия этди ва келажак учун туртки берди. Шу сабабли ҳам, рус мутафаккири Плеханов фикрича, Вольтернинг «Тарих фалсафаси» тарихни илмий талқин қилиш намунасидир. Шу нарса муҳимки, тарихни ёритишда кўпроқ халқ фаолиятини ўрганиш лозим. У тарихчилардан халқларнинг маънавий, ахлоқий, фалсафий, ҳуқуқий, сиёсий, илмий билиш, санъат ва адабиёт соҳаларини кенгрок ёритишни талаб қилди. Моддий ҳаёт равнақи ҳақида ёзишларини зарур, деб топди. Вольтер фикрича, тарихни ёзишда миллий бойликлар, савдо-сотик, молия ишлари ҳисобга олинмоғи даркор. У бутун дунё тарихини ёзишда қадимий мамлакатлар фаолиятига эътиборни қаратди. Жумладан, Европа файласуфлари ўртасида биринчи бўлиб, Ҳиндистон, Хитой, Араб халқлари, аборигенлар фаолиятини тўла ёритишга ҳаракат қилди. У хулоса қиладики, тарихни халқ яратади. Жамиятни ҳаракатга келтиришда инсон фикрлари муҳимдир. Тарих фалсафасини яратиш билан бирга Вольтер, ижтимоий фалсафани асослашда ҳам биринчилардан бўлиб майдонга чиқди.

Дени Дидро (1713. 5. 10, Лангр-1784. 31. 7, Париж) Франциянинг Лангр шаҳарида ўзига тўқ хунарманд оиласида туғилди. Денининг отаси икки ўғилни ҳам етук маълумотли қилиб тарбиялаш мақсадида ўша вақтдаги ягона ўқув марказларидан ҳисобланган незунтлар коллежида ўқитади. Бу коллежда асосан қадимги тиллар, тарих, нотиклик маҳорати, адабиёт ўқитилар эди. Дидро 15 ёшга етганда Парижга йўл олади. Сабаби, у ерда ўзини тўла маълумотга, билимга эга қилиш эди. Унинг мақсади ҳам замонавий билим олиб, ҳаёт билан яқиндан танишиш эди. Париждаги Д. Аркур коллежида жойлашиб грек, лотин тилини ўрганишда давом этади. Аввалида, математика фани билан қизиқмаса ҳам сўнг математика ва бошқа фанлар билан жиддий шуғулланади. Ўқиниши тугатгандан сўнг отасининг маслаҳати билан икки йил давомида Лангрлик прокурорга ёрдамчи бўлиб хизмат қилади. Лекин уни ҳуқуқий соҳалар унчалик қизиқтирмайди. Бўш вақтларида инглиз тилини ўрганишга киришади. Кейинроқ, умуман, хизмат қилишдан бош тортиб, ўз фаолиятини фанга бағишлашга қарор қилади. Бу қарор Денининг отасига ёқмаса ҳам унга ушбу масалани ўйлаб кўришга муҳлат беради. Аслида отасининг асосий мақсади ўғлини руҳоний қилиб тарбиялаш эди. Денининг фикрича инсон кам таъминланган бўлса ҳам, у эркин турмуш тарзига эга бўлиши керак, шу билан бирга ташқи таъсирга бўйсунуш эмас балки, ҳар бир киши ички қизиқиши, ҳолатига қараб ҳаётда яшаши лозим. 1733 йилдан 1744 йилларгача, Дидро ўз йўлини топиш мақсадида жиддий шуғулланади. Шу йиллар давомида турмуш тарзини таъминлаш мақсадида турли ўқув юртларида онда-сонда берилган соатлардан фойдаланиб дарс бериб юради. Чунки бу пайтларда унинг отаси моддий маблағ беришдан бош тортган эди. Дени мустақил иш тутарди. Лекин шу даврларда ҳам у фалсафа, математика, тарих, адабиёт тилларни ўрганишдан тўхтамади. Натижада шу йилларда унда энциклопедик ақл-фан ташкилотчилиги хусусиятлари шаклланди. Унинг фалсафий қарашларининг дастлабки даврлари 1740-45

йилларга тўғри келади. 1745 йилда инглиз ахлоқшуноси А. Э. Шефтсбернинг асари («Исследование о достоинстве и добродетели»)ни таржима қилиш даврига тўғри келади. Бу асар унга жиддий таъсир этган эди. Асар изоҳларида айтилган фикрлар бўлажак мутафаккир фикрлари эди. Унда Дидро католицизмдан узоқлашиб, диний фанатизмни жиддий танқид остига олади.

Шундан сўнг, 1746 йилда аноним ҳолда нашр этилган «Фалсафа фикрлари» (Философские мысли)да христианлик билан тўла алоқани узиб материалистик ғоя билан суғорилган деизм фалсафасига ўтади. Шу йилларда Дидро Ж. Ж. Руссо, Кондиляк каби ёзувчи ва файласуфлар билан танишади, мунозара ҳамда суҳбатларда қатнашади, ўзини, қийинчилик, қувғин ва танқидларга тайёрлайди.

«Фалсафай фикрлари» ҳаёт изини кўриши билан парламент томонидан ёқиб юборишга қарор қилинади. Уни олдиндан сезган Дидро шу асарнинг ўзидаёқ «муқаддас қутлуғлар»нинг фикрига қарата айрилган фикр ва мулоҳазалардан юз ўгирсалар, уларга нисбатан яна янги ғоялар пайдо бўлишини таъкидлайди. Улар, дейди у, Декарт, Монтен, Локк ва Бейлясарни доимий танқид остига олган эканлар, мени ҳам шундай қиладилар. Мени айбласалар, осонгина қутулдик дейишлари мумкин, аммо ундай бўлмайди, биламан, келажакда менга ўхшаганларни муҳокама қилиш давом этаверади. Дидронинг бу фикрларни айтишдан мақсади иезуитларни диний соҳада нотўғри йўл тутганларини исботлаб ҳамма динларнинг тенглигини, шу билан бирга инсоннинг борлиқ худосининг борлигига шубҳа қилишига ҳуқуқи борлигини талаб этиш эди. Ҳамма жойда ақл, фахм, зарур (разум) фаолиятга суяниш, жумладан динда ҳам шундай қилиш зарурдир. Таъкидлаш лозимки, Дидро христианликни танқид қилиш давомида деизмни камчиликларини, салбий томонларини ҳам оча боради. Натижада дахрийлик томонига ўтади. Дахрий материалист сифатида шакллана бошлайди. Бу унинг «Ожизлар тўғрисида хат» (Письмо о слепых)ида яққол кўзга ташланади. Шу пайтларда Францияда сиёсий вазият анча кескинлашган бўлиб, Дидронинг бу фаолияти полициячиларга ёқмас эди. Динга қарши ёзилган асарлари рўқач қилиниб, Дидро 1749 йилда қамокқа ташланади. Лекин у нуфузли ва таъсирчан таниш-билишлари орқали уч ойдан сўнг қамокдан озод қилинади. Шундан сўнг Дени Дидро йигирма йилдан кўпроқ умрини «Энциклопедия ёки фан, санъат ва касб-хунар изоҳли луғати»га бағишлади. У унинг асосчиси, муҳаррири бўлди. Дидрода энциклопедия ҳақидаги ғоя XVIII асрнинг 40 йилларида пайдо бўлган эди. Чунки, энциклопедия маърифатпарварликни тарғиб қилишда хизмат қилишини биринчи бўлиб сезган эди. Ўз ғоясини амалга ошириш учун ташкилий ишларда тинмай меҳнат қилар экан, йирик-йирик фалсафий асарлар ёзишдан ҳам тўхтамади. Дидронинг мустақил фалсафий фикрларининг шаклланиши дахрийлик соҳасига ўтиш билан боғлиқдир. Чунки, бу йилларда у Аристотел, Платон, Ф. Бэкон, Р. Ж. Локк, Р. Декарт, Б. Спиноза асарларини чуқур ўрғанади. «Ожизлар тўғрисидаги хат»дан бошлаб «Физиология элементлари» (1773 йилдан 1780 йилларгача

давом этган) гача кўплаб фалсафий муаммоларни ишлаб чиқди. Бу ўринда «Табиатни тушунтиришга оид фикрлар» (1754), «Жиян рамо» (1762), «Даламбер билан Дидро суҳбати» (1769), «Жак-Фаталист» (1773), «Материя ва ҳаракатнинг фалсафий принциплари» (1770), «Энциклопедия»да ёзилган мақолалар ва асарларини мисол қилиб олиш мумкин. Бу асарларда ва мақолаларда таҳлил қилинган муаммолар Дидронинг буюк мутафаккир бўлиб етишганлигидан далолат беради. Бутун умрининг охиригача Дидро инсонпарварлик ва маърифатпарварликни тарғиб қилар экан, барча жойлардаги ҳокимият-тиранларни ҳақ-ҳуқуқларни ва беадабликни (невежество) танқид қилди, уларга қарши кураш эълон қилди. Дидро фалсафада материалист ва атеистдир. Шу ўринда Дидронинг турли асарлардан таржима қилинган фикрларига ўқувчини диққатини тортаман. «Одамлар бошқа ҳеч нарсадан кўркмасликларига ишонганларида,-дейди у,-бу дунёда анча тинч яшаган бўлардилар: худо йўқ, деган фикр ҳали ҳеч кимни даҳшатга солмаган, лекин менга тасвирлаб беришганлари худонинг мавжудлиги ҳақидаги фикр қанча-қанчаларни ваҳимага солмаган ахир!» (Воронцов В.Л. «Тафаккур гулшани», Тошкент, 1981)- «Қаердаки худони тан олинса, у ерда шахсга сиғиниш мавжуд, қаерда шахсга сиғиниш мавжуд экан, у ерда ахлоқий бурч тартиботлари бузилади ва ахлоқ юз тубан кетади» (Ўша китоб, 265-бет). «Дунёнинг ҳеч бир ери йўқки, у жойда диний қарашлар ўртасидаги тафовут тупроқни қонга булғамаётган бўлса» (Ўша китоб, 267-бет). «Агар акли самовий тухфаси деб қараб, шу гапни дин хусусида айтсак, у ҳолда само бизга ўзаро келиша олмайдиган ва бир-бирига зид иккита тухфа юборган бўлиб чиқади. Бу англашилмовчиликни тўғрилаш учун дин табиатда мавжуд бўлмаган хом-хаёл бир принцип эканлигини тан олиш даркор» (Ўша китоб, 272-бет).

Биз келтирган ушбу фикрларни Дидронинг материалист ва атеист бўлганлигини исботлаш учун келтирдик, холос. Дидро XVIII аср мутафаккиридир. Унинг фикрларининг барчаси ҳам абадий эмас, албатта. Давр ўтиши, замоннинг ўзгариши у ёки бу фикрни тасдиқлаши ёки тасдиқламаслиги мумкин. Аммо бу билан Дидронинг энг мураккаб сиёсий бўҳтонлар бўлаётган ўша даврларда ўзининг мустақил фикрлари билан инсонларни лол қолдириши ҳақиқий тафаккур соҳибининг ишидир, деган ҳулосага келинади. Дидронинг асарларида табиат ва жамият, инсон фаолиятида учрайдиган диалектик жараёнлар ўз аксини топган. Айниқса жамиятни бошқаришда «маърифатли» бошқаришнинг жорий этиб, унда файласуфларни бурчи ва вазифалари деспотик бошқаришларни моҳиятини бошқарувчига эслатиб тургунча, мураббийлик қилишга чорлайди. Чунки, ўша пайтлардаги- Америкада бўлиб ўтган 1775-1783 йиллардаги революциялар «маърифатли давлат»лардаги камчиликлар ҳали намоен бўлмаётган эди. Бу камчиликлар Д. Дидрони демократик маойилларни таҳлил қилиш ва шахсий фикрларни айтишга мажбур қилди ва уни чиниқтирди. Таъкидлаш лозимки, француз маърифатпарварлари жумладан, Дидронинг ҳаракатлари Россия маданияти ҳаётига ҳам таъсир қилди.

Маълумки, 1762 йилда Екатерина II император курсисига ўтиргандан сўнг у ўзини маърифатпарвар хукмрон подшоҳ сифатида кўрсатиш учун маърифатпарварлар билан хатлар оркали алоқа боғлаган. У Д. Дидрони хурмат қилар эди. Ўша даврда яшаб ижод этаётган Вольтерни алоқаси эса Дидроникидан яхшироқ бўлган. Францияда маърифатпарварлар қувгинликка учраганларидан сўнг Екатерина II Дидрони Россияга таклиф этади. Энциклопедияни чоп этишга ваъда беради. Аммо, Дидро Россияда ўткир маълумотли харф терувчиларнинг йўқлигини пеш қилган ҳолда таклифни инкор қилади. Аслида унинг асосий сабаби, Францияда яқин ёр-биродар ва ўртоқларини, маънавий ва илмий муҳитни ташлаб кета олмаслик эди. Вольтер Дидрони Россияга боришини кўп мартаба ўтиниб сўрайди. Натижада Дидро таклифни қабул қилиб 1773 йилда Россияга ташриф буюради. Россияда Екатерина томонидан Дидро яхши кутиб олинади. Деярлик ҳар куни Дидро император хоним билан икки-уч соатлаб баҳслар ва суҳбатлар қилади. Суҳбатларда Россия ва дунёдаги мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий муаммолари кўтарилади. Дидро суҳбатларда монархия бошқарувининг кўпгина соҳалари бўйича таклифлар беради. Жумладан, конституциявий монархияли бошқарувни, уни эса халқ томонидан сайланшини, крепостнойлик ҳуқуқи, ерга феодаллик хўжайинлик соҳаларидан воз кечиш, қатламлар ҳуқуқини тенглаштириш, буржуазия асосида иқтисодиётни бошқариш кабилардир. Екатерина ушбу таклифларни сўзда тасдиқлаб, хайрихоҳлик билдирса ҳам, ҳаётга татбиқ этиш тарафдори эмас эди. Халқни маърифатли қилишдек долзарб таклиф ҳам, охирига етказилиб бажарилмаган эди. Ҳатто, Дидро Россияда халқни маърифатли қилишнинг режаларини тузиб, уни бепул амалга ошириш кераклигини уқтирган. Унинг таклифлари негизини маърифатпарварлик ташкил этган бўлиб, бу Россияда ўша пайтда ҳаёлий ҳолда эди. Ҳокимият бошқарувини чегаралаш учун уни халққа бериш лозим. Халқ ичидан сайланган депутатлар ёки фуқаролар йиғини давлат раҳбари иродасини қабул қилиш керакми, ёки йўқми, уни шу орган ечиши керак. Лекин Дидро фикрлари қабул қилинмади. Сабаби Дидро, Екатеринбургнинг 1767 йилда ёзилган рус давлатини, кодекси ҳақидаги “накази” (буйруғи)га қилган салбий мулоҳазалари таъсир этган бўлиши лозим. Екатерина II, сўнгра Дидрони ақлий ёндошмасликда, шароитни билмасликда, эҳтиётсизликда айблаб Дидронинг дўсти М.Гриммга хат ҳам ёзди. Дидро Россиядан хафа бўлиб қайтди. Чунки, Энциклопедияни Россияда қанчалик ҳаракат қилинмасин чоп этиш муваффақиятсиз тугади. Россиядан қайтган Дидро умрининг сўнги йилларини Францияда ўтказди. Умрининг охириги йилларида деярли ҳеч қандай асарни ҳам нашр эттирмади. 31 июль 1784 йилда буюк мутафаккир ҳаётдан кўз юмди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Дидронинг фалсафий карашлари тарихий шароитдан келиб чиқди. Шу билан бирга унинг фалсафий карашлари ўта зиддиятли тавсифга ҳам эгадир. Бундай бўлиши ўша давр учун табиий эди. XVI асрнинг охирида Голландияда, XVII асрда Англияда,

XVIII асрда Францияда революциялар бўлди. Натижада давлат бошқарувида иқтисодий, сиёсий жараёнларгина тез-тез ўзгармади, балки инсон фикрлари ҳам шиддат билан ўзгарди. Бу Дидронинг ақлини универсаллигидан далолат берди. Бир фикрда тўхтамаслик, ақли ўткирлик, ёрқин публицистик хислатларининг ўзида мужассамлигини амалда исботлади.

Дидрони фалсафанинг азалий муаммоларидан бўлган материя ва унинг ҳаракати тўғрисидаги фикрларига тўхталадиган бўлсак, материя-абстракт ҳажм ва геометрик жисм эмас, балки алоҳида, бизни ўраб турган аниқ жисмлардир. Материя кичик молекула ва атом заррачаларидан иборатдир. Атомлар эса бўлинмасдир. Бу қарашлар Дидро яшаган даврдаги материалист файласуфлар таълимотига ҳам тааллуқлидир. Дидро фикрича, табиат мангу ва чексиздир. У яратилган эмас. ғайри табиий кучлар тўғрисидаги уйдирмаларга ишониш ҳам керак эмас. Бизни ўраб турган табиатдан бошқа оламда ҳеч нарса йўқ. Шу табиатдан ташқарида бирор кучни ўзи йўқ. Файласуфнинг таъкидлашича, материя каби ҳаракат ҳам абадийдир. Сукунат эса нисбийдир, вақтинчадир. Оламда пайдо бўлиш ва йўқ бўлишдан бошқа нарса йўқ. Олам ҳам, дунё ҳам секинлик билан давом этадиган эволюцион жараёндан иборат. Ҳайвонот оламининг қатор босқичларини бошидан ўтказиб, ҳозирги ҳолатига эга бўлган одамларда табиий ривожланишнинг олий стихияли кўриниши сезилади. Оламдаги барча предметлар ва ҳодисалар сабабий (детерминистик) боғланиш ҳамда алоқадир. Сабабий боғланиш ва алоқадорсизликларсиз бирор предмет ва ҳодиса пайдо бўлмайди. Дидронинг фикрича, сабабий боғланишларсиз тараққиёт ҳам йўқ. Тараққиёт ушбу боғланиш ва алоқадорликларга боғлиқ. Табиат ва жамият, инсон тафаккуридаги сабабий боғланишлар умумий ривожланишнинг асосини ташкил этади.

Материя ва унинг хусусиятлари ҳақида, Дидро тўхталганда айтадики, нотирик материядан, яъни сезмайдиган материядан сезадиган, тирик материяга ўтишни асослашга ҳаракат қилиб ўз фикрларини баралла баён қилган. Ҳис-туйғу, сезиш жонли организмларга хос хусусият эканлигини эътироф этган. Шу билан бирга материяда умумий сезишга ўхшаган ҳолат борлигини ҳам эслатиб ўтади. Мутафаккир оламда зарурият ҳукмронлигини тарғиб қилади. Сабабий боғланишларнинг барчаси ҳам заруриятдан иборатдир.

Биобарин, совет давридаги адабиётларнинг баъзиларида Дидро ва бошқа материалистлар тўғрисида фикр юритилганда, уларни таълимотида кишилар онги ва фаолияти, ҳаракати инкор қилинган, деб таъкидлайдилар. Фикримизча, бундай ҳолатлар Дидро ва бошқа ўша давр мутафаккирларига билдирилган субъектив ёндошишларнинг оқибатидир.

Дидро таълимотида оламни билиш муаммоси ҳам марказий ўринларни олган. Дидро оламдаги предмет ва ҳодисаларни инсонлар била боришига шубҳа қилмади. У идеалистик таълимотлардаги агностицизм ва скептицизмларнинг қонун-қоидаларини қабул қилмади. Файласуфнинг таъкидлашича, дунёвий илмлардан барча инсонлар баҳраманд бўлиши

лозим. Бу соҳадаги барча ҳаракат бирлаштирилса, у ҳолда, табиатдаги барча жараёнларни билиш тезлашган бўлур эди. Инсоният табиатни билмаслиги туфайли кўпгина қийинчиликларга дучор бўлиб келаяпти. Табиатни олий мавжудоти инсон бўлиб, ундаги сезгилар билиш учун қуролдир. Бу ўринда идеалистлардан Беркли таълимотига қарши чиқиб, сезгилар фаолиятини нотўғри баҳоланганлигини исботлайди. Мазкур соҳада фикр юритувчи идеалистлар системасини эътироф этмайди. Жумладан у шундай фикр айтадики, “Фақат ўзларининг мавжудлигини ва ичимизда алмашиниб турувчи сезгиларнинг мавжудлигини маълум деб билиб, булардан бошқа ҳеч бир нарсанинг мавжудлигини эътироф қилмайдиган файласуфларни идеалист деб, атайдилар. Менинг фикримча, бундай ажойиб ва ғаройиб системани, гарчи энг бемаъни система бўлса ҳам, уни рад қилиш ҳаммадан кўра қийинроқдирки, бу ҳол инсон ақли учун, файласуф учун иснотдир<sup>1</sup>”.

Бундай қарашлар француз материалистлари таълимотига тегишлидир. Улар катъий позицияда туриб билиш муаммосини ҳимоя қилиб чиқдилар. Сенсуалистик материализм нуктаи назаридан туриб идеализмни танқид қилдилар. Билишнинг манбаи сезгилардир. Сезилишнинг манбаи эса объектив реаллик билан боғлиқдир. Ҳождарнинг барчаси сезгиларнинг натижасидир. Сезгилар орқали моддий оламнинг таъсирини синаб турамыз, ана шу жараён туфайли предмет ва ҳодисалар миямизда ўз аксини топади. Натижада билиш пайдо бўлади. Билиш бу предметнинг образини аниқлашдир. Дидро фикрича, жон бу- сезгилар йиғиндисида. Сезги тана фаолиятини бошқаради. Объектив оламда билиш инсонни ақл-фаросатига ҳам боғлиқдир. Ақл-фаросат ҳам сезгига боғлиқ бўлиб, у ташқи олам таъсирида мияда тафаккур, хотиралаш, мулоҳаза юритишларни келтириб чиқаради. Сезгилар тафаккур манбаи. У билишнинг пастки босқичи бўлса, тафаккур олий босқичидир. Маълумки, инсон фаолиятида ҳақиқат муаммоси ҳам долзарбдир. Дидро ўз таълимотида ҳақиқатга эришишнинг бирдан-бир йўли билиш назариясидир. Унинг фикрича, ҳақиқат фикр ва ҳождарнинг билиш объектларига мос келишига боғланишларидир. Ҳақиқатга эришиш турли табиат фанлари орқали амалга ошади. Ҳақиқатни билиш бу табиатни билиш демакдир. Дидро ҳақиқат эришажак кузатиш жараёнини эътиборга олади. «Билиш учун дейди у, бизнинг ихтиёримизда учта асосий усул бор: табиатни кузатиш, фикр юритиш ва тажриба қилиш. Кузатишда фикрлар тўпланadi. Фикр юритишда улар тартибга солинади. Тажрибада тартибга солинган фикрлар натижаси текшириб кўрилади<sup>2</sup>». Демак, ҳақиқатга эришишнинг асосий йўли тажриба ҳамдир. Ҳақиқат ўлчови тажрибадир.

Дидро фаолияти, фалсафаси жамият тараққиётига ҳам қаратилган. Аммо, собиқ совет иттифоқи давридаги дарслик ва монографияларда бу жараён ҳисобга олинмайди. Дидрони ҳам бошқа француз материалистлари

<sup>1</sup> Дидро асарларининг мукамал тўплами, Париж: Ж. Асеез нашри, 1875, 1 - том, 304-бет.

<sup>2</sup> Дидро. Собр. соч. Т.: 1, М — Л. 1935, стр. 308

сингари жамиятни тушуннишда идеалист, деб бўрттириб кўрсатадилар. Аслида эса Дени Дидро жамият тараққиётининг ўз давридан келиб чиқиб баҳолаган.

Дидро томонидан жамиятда яшаган кишиларни маърифатли киши бўлишини талаб қилиниши жамиятдаги барча ҳодисаларнинг тўғри таҳлил қилинганлигидан далолатдир. Жамиятдаги яхшилик ва гўзалликни тарғиб қилиш учун эстетика тўғрисида фикр юритади. Бу соҳалар унинг «Энциклопедия»даги «Гўзаллик» (1751), «Тасвирий ойна санъат тажрибалари» (1765), «Актёр тўғрисида пара» (1773) ва бошқа асарларида ўз аксини топган. Бошқа француз материалистлари сингари Дидро ҳам шахс ижтимоий шарт-шароитининг маҳсулидир дейди. Унингча шу ижтимоий ҳаёт қандай бўлса, инсонлар ҳам шундай бўладилар. У ўз мамлакатидagi тартибсизликларни ўша пайтдаги дин таъсиридан, деб билди. Дин фаолиятини аёвсиз танқид қилиб, черковни ҳукуматдан ажратишни талаб қилади. Монархияликни ва маориф системасидан руҳоний назоратини узоклаштириш тарафдори бўлиб чиқди. Жамиятни олға қараб бориши диний эътиқодларни узоклаштиришга боғлиқ. Жамиятни бошқариш маърифатли ҳукуматга боғлиқдир. У шу даврдаги шароитдан келиб чиқиб, II-III асрдан сўнг динга бўлган муносабат, қизиқиш йўқолади ва натижада дин ҳам инкирозга юз тутди, дейди. Жамият эса даҳрийлар жамиятига айланади. Жамият тараққиётида ахлоқ муҳим роль ўйнайди. Феодализм эса ахлоқсизликни келтириб чиқаради, шу сабабли феодализм инсонлар талабини қондирмайди. Феодализмда тарбияланган кишилар табиат талабига жавоб бермайди. Бунинг муҳим сабаби омманинг саводсизлиги, бойлар ва дин пешволарининг хиёнаткорлиги, алдамчилигидир. Феодализм жамиятни тасодифий жамиятдир, ўтмишнинг ҳатосидир. Шу сабабли феодализмни янги жамият билан алмаштириш лозим. Янги жамият феодализмга нисбатан такомиллашган юқори ахлоқий жамият бўлиши керак. Бундай жамиятга инсонлар маърифат орқали эришади. Дидро ўзининг бундай қарашлари билан Францияда етишиб келаётган революцион ҳаракатларга ўзининг ҳиссасини қўшаётган эди.

Дидронинг қарашлари XVIII - XIX асрдаги социологлар фикрини янада мукаммалаштирди, конкретлаштирилди. Жамиятнинг тараққиётини тушунишда унинг инсон ҳақидаги қарашлари муҳимдир. Инсон ақл-фаросати, шахсларнинг фикри жамият тузилишига таъсир этади. Халқ ва жамият ахлоқи инсон ахлоқига боғлиқ. Шу сабабли, жамият тарихи халқ тарихи эмас, балки буюк шахслар тарихидир, деган фикрларни ўртага ташладики, бу фикрлар жамият тараққиётини тушунишда ҳақиқий манбадир. Дидро таълимотида, марксистлар таъқиқлаган мавҳум инсон йўқ. Балки конкрет инсон бор. Марксизм бу соҳада ҳам Дидро таълимотига бир ёклама ёндошади. Тўғри, унинг таълимотида жамият табиат қонунларига бўйсунди, деган фикрлар мавжуд. Бу аслида ҳолисона таҳлилда ҳақиқатдир. Баъзи табиат қонунлари олдида инсонлар кучсизлиги маҳфий эмас. Албатта, бу билан у, инсон имкониятига беписанд бўлган

дейишдан йирокмиз. Маърифатли жамиятни бошқарувчиси инсондир, деб тарғиб қилиш инсонларга бўлган ҳурматининг амалий ифодасидир.

Дидро таълимотида ҳам бошқа француз материалистлари каби «ижтимоий шартнома назарияси» ўртага қўйилган десак, хато бўлмайди. Ушбу назария монархистик бошқаришга қарши ишлаб чиқилган, нисбатан янги прогрессив назария эди. Бу назарияда кўрсатилишича авваллари жамиятда яшовчи кишилар ўзаро тенг бўлиб, ўзлари ҳамда бойликлари ҳамма вақт хавф-хатарда яшар эдилар. Кейинчалик, ўзаро келишган ҳолда шартнома тузиб, шу асосда ўз мол-мулкни, эркинликларини кўриқловчи жамият, давлат ташкил қиладилар. Бунда барча халқ манфаати учун ана шу давлат хизмат қилади. «Ижтимоий шартнома назарияси»нинг моҳияти давлат ва кишилик жамиятини пайдо бўлиши сабабини худо ёки диндан эмас, балки, борликдан, табиатдан, деб кўрсатиш эди. Таъкидлаш лозимки, Дидро ўзининг барча асарларида жамият муаммосининг турли томонларини таҳлил қилиб, ўзининг илғор фикрларини ўртага ташлади. Инсонларни яхшиликка чорлади. Уларнинг ақлий қобилияти эркинлиги, тенглигини, тажрибага эга эканлигини, тарбиядаги эътиборини юқори баҳолади.

Жамиятни иқтисодий манфатларини тўғри тушунган ҳолда саноят ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тарғиб қилди. Кишиларнинг маънавий эркинликларини қўллаб-қувватлади.

XVIII аср француз материалистларининг марказий, энг йирик маърифатпарвари сифатида шакилланган Дидро таълимотининг кўпгина томонлари ҳозир ҳам эскирган эмас, замон талабидадир. У ўз фалсафий фикрлари билан инсониятни лол қолдирган буюк аллома сифатида тарихда қолган. Унинг ижоди ва меросини ўрганиш фойдадан ҳоли эмас.

Француз материалистларининг фикрларидан хулоса қиладиган бўлсак материя чексиз бениҳоя кўп нарсалар йиғиндисидир, моддий дунё асосидир. Улар ўз таълимотларида ҳаракат материянинг мавжудлик формаси эканлигини яна бир бор тасдиқладилар. Материя ҳаракати фазо ва вақтда мавжудлигини кўрсатдилар. Илмий билишга асос солдилар. Лекин бу материализм механик ва метафизик қарашлардан холи эмас.

Умуман хулоса қилиб айтганда, француз фалсафаси моддий дунёни материалистик тушунишдаги асосий давр ҳисобланади.

Материалистик фалсафанинг намоёндалари қаторига рус олимларидан М. В. Ломоносов, А. Н. Радищевни ҳам олиш мумкин.

М. В. Ломоносов табиат ҳодисаларининг асосида заррача ҳаракати ётади, деб ўзининг атом-молекуляр (корпускуляр) назариясини яратди. Материя атомлардан ташкил топган, доим ҳаракатда, фан бунини ўрганишни ва бу соҳадаги назарияни кенгайтириши кераклигини кўрсатади.

Фазо ва вақт В.М. Ломоносов фикрича, материянинг ажралмаган ҳолда объектив мавжудлигини кўрсатувчи далилдир. В.М. Ломоносов моддаларнинг сакланиш қонунини кашф қилиш билан моддий дунёнинг, яъни табиат тараққиётидаги ривожланиш диалектикасига асос солди.



Олимнинг физика, химия, биология, геология ва бошқа фан соҳасидаги эришган ютуқлари унинг материалистик дунёқарашига далил ҳамда асос бўлди.

Шундай қилиб XVIII аср материалистлари, ўша даврдаги табиий фанилар эришган ютуқлар асосида дин ва идеализмга қарши чиққанлар. Бу тарихий ҳақиқат.

**Немис миллий  
фалсафаси. Ўрта аср ва  
янги давр Европа  
фалсафасини  
ўрганишнинг ҳозирги  
давр учун аҳамияти.**

Француз фалсафаси билан немис классик фалсафаси XVIII аср охири XIX аср бошида вужудга келди. Бу даврда Германияда капитализм энди вужудга келаётган, феодал муносабатлар емирилаётган давр эди. Немис классик фалсафаси шу даврдаги буржуа демократик жараёнлар ва инқилобий кўзғолонлар таъсири остида вужудга келди ва ривожланди. Немис классик фалсафасининг намоёндалари немис буржуазиясининг мафкурачилари сифатида майдонга чиқдилар. Германия бошқа Ғарбий Европа мамлакатларига қараганда бир мунча сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қоқоқ эди. Немис буржуазияси кўрқоқ ва кучсиз эди. Ана шундай даврда оддий тил билан айтганда, кўпроқ “Майда ишлар ва катта хаёллар билан шуғулланар эди”.

Шу даврда Германияда Гёте, Шиллер, Лессинг каби адиблар Кант, Фихте, Гегель сингари файласуфлар етишиб чиққан эди. Булар ижодида немис буржуазиясининг ўзаро келишуви, келувчилиги, қарама-қарши табиати ўз ифодасини топди. Немис буржуазияси сиёсий фаоллиги амалда бўлмаган фалсафага кўчирилган эди. Немис идеализмининг вакиллари марксизмгача бўлган метафизик материализм камчиликларидан фойдаланиб, унинг идеалистик диалектика асосида танқид қилдилар ва бир қанча гениал фикрларни бердилар, чунки бу фалсафий тизимини вужудга келтирган олимлар тарихий, табиий ва илмий материалларга суянар эдилар. Немис классик фалсафаси буржуа тафаккурининг энг юқори босқичи бўлсада, лекин унинг ижодкорлари ўзларининг диалектик қарашларидан келиб чиқадиган революцион хулосалари олдида ожиз эдилар.

Немис классик фалсафасининг асосчиси И. Кант (1724-1804) публицист, фалсафа ва ҳуқуқ сингари фанлар билан шуғулланади. У немис буржуазиясининг макурачиси бўлгани учун фалсафасида немис буржуазиясига хос иккиланиш ўз ифодасини топган. Олим идеализм билан материализмни, дин билан фанни келиштиришга уринади, иккинчи томондан, у нарсани билишни инкор этади (агностицизм). Кант фалсафаси икки даврга бўлинади. “Танқидгача” ва “танқидий давр”. Ҳар икки даврда ҳам материализм ва идеализмни келиштиришга уринади. Биринчи даврда тиббиёт фанларини ўрганишининг таъсирида унда материалистик томонлар кучли эди. Иккинчи даврда эса, идеалистик ғоялари устун келди. Кант ўз фаолиятини Ньютоннинг космогониясини танқид қилишдан

бошлайди. Ньютон олам тортишиш конунини ўз даври ҳолатидан келиб чикиб ифодалаган бўлса, Кант унинг пайдо бўлиш ва ривожланишидан бошлайди. Ньютоннинг худога боғланишини фожеа деб, бу масалани Демокрит, Эпикурлар давомчиси сифатида текширади. Куёш системасининг пайдо бўлишини туманлик келиб чиқиши билан тушунтиради ва ҳеч қандай туртки йўқ дея, материяни доимий пайдо бўлиши ва йўқолиб туриш муаммосини исботлайди. Кант ўз олдига қўйган илмий билиш имконияти ҳақидаги муаммони вазифа қилиб қўяди. Унинг фикрича, аввал инсон билиш имкониятини текшириши керак. Бу эса билиш жараёни билан билиши лозим бўлган нарсаларни бир қаторга қўйишга олиб келади. Аммо И. Кант тафаккурни чегаралаб қўяди. Унинг фикрича, нарсаларнинг воқелиги моҳиятидан фарқ қилади. Обьектив дунё бор, лекин улар (нарса) ўзида бўлиб, уни билиш мумкин эмас, дейди. Кантнинг бу фикри агностицизмга олиб келади. Кантнинг фикрича, воқелик тартибсиз бўлиб, бизнинг онгимизгина тажриба билан боғланмаган ҳолда у воқеликка умумий зарурий қонуниятлар киргизади. Демак, Кантнинг фикрича нарса онг билан мувофиқлашуви керак.

Кант хизмати метафизик услубни танқид қилиш ва диалектик услубга яқинлашувида, киши тафаккуридаги қарама-қаршиликларни эътироф қилишидадир. Кант фалсафасидаги идеализм ва материализм элементлари немис фалсафасини ривожланишига қатта таъсир кўрсатди.

Унинг фалсафаси Г. Гегель идеализми ва Фейербах материализмида келиб чиқди. Гегель (1770-1831) фалсафасида немис идеализми энг юқори чўққига чиққан бўлиб, етакчи масала объектив идеализм асосида ҳал қилинди. У табиат, жамият ҳодисаларининг асосида дунёвий рух ётади, деб тасдиқлади. Дунёвий рух биринчи, табиат эса ҳосила, дейди. Гегель фалсафасининг асосини абсолют идея ташкил қилади. Гегель фалсафий системаси билан унинг услуби орасида зиддият бор эди. Бу зиддият немис буржуазиясининг табиатини, яъни бир томондан, эскича феодал муносабатларга қарши кураши бўлса, иккинчи томондан, ўсиб келаётган ишчилар синфининг ҳаракатидан чўчишни ифодалар эди. Гегель фалсафада ривожланиш ғоясини илгари суриши билан диалектик услубга асос солди.

Диалектик услуб Гегель фалсафасининг рационал маъзили ташкил қилади. Гегель диалектик ҳаракатнинг умумий шаклларини биринчи бўлиб тўла-тўқис ва онгли равишда тасвирлаб берган.

Гегельнинг бой мазмунга эга бўлган кенг ва чуқур ривожланиш ҳақидаги таълимотига кўпгина файласуфлар ижобий баҳо берган. Гегельнинг пастдан юқорига, оддийдан мураккабга қараб борувчи диалектик ривожланиш ҳақидаги таълимоти метафизик таълимотга берган зарбадир. Гегель диалектиканинг қонунларини, гарчанд идеалистик асосда бўлса ҳам, биринчи бўлиб таърифлаган.

Зиддиятларнинг реаллигини эътироф этиб, метафизикага қарама-қарши бўлган фикрни берган Гегель, зиддият ҳаракат ва ривожланишнинг

ички манбанин ташкил этишини, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши диалектиканинг асосий қонуни эканлигини исботлайди.

Гегель ривожланишнинг аста-секин миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришига сакрашлар орқали ўтишини таснифлаб, диалектиканинг миқдор ўзгаришидан сифат ўзгаришига ўтиш қонунини асослади. Ривожланишда эски билан янги ўртасидаги боғланиш мавжудлигини ва ривожланишнинг юқори босқичида инкор этилаётган қуйи босқич ижобий мазмунининг сақланишини исботлаб, инкорни инкор қонунини очди. Гегель диалектиканинг асосий қонунларидан ташқари, сабаб ва оқибат, зиддият, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик, мазмун ва шакл, мохият ва ходиса каби диалектика категорияларини ҳам таснифлаб берди. Булар Гегель фалсафасининг илғор томонлари ва унинг асосий хизматларидир.

Гегельнинг хизмати яна шундаки, у биринчи бўлиб, бутун табиий, тарихий ва маънавий дунёни бир жараён шаклида, яъни узлуксиз ҳаракат қилиб, ўзгариб, қайтадан тузилиб, тараққий қилиб турадиган ҳолда кўрсатади ва бу ҳаракат билан тараққиётнинг ички боғланишини назарий жиҳатдан очиқ беришга уринади. Гегельнинг вазифани амалий жиҳатдан ҳал қилмаганлигининг бу ерда аҳамияти йўқ. Унинг тарихий хизмати бу вазифани ўртага қўйганлигида эди.

Гегель фалсафасининг асосий ютуғи фалсафий системасидир. У объектив идеалист бўлганлиги учун материализмга қарши эди. У моддий дунёни абстракт идеянинг мужассамаи, узлуксиз ривожланиш жараёни реал дунёга эмас, абсолют руҳга ҳос деб, дунёнинг асоси ҳам, шу руҳ деб билди.

Гегель фикрича, воқеликни яратувчи ҳам, абсолют идеядир. Гегель схемасида абсолют идея ўз ривожланишида уч даврни бошидан кечиради: 1) ғоя: табиатдан олдин пайдо бўлган тафаккур ҳолатида яшайди. У инсондан олдин пайдо бўлган. Унинг фикрича, киши онгидан ташқарида яшовчи мавҳум тафаккур-абсолют идея ётади. У бунини «Логика» китобида ифодалаган.

Абсолют идея ўз ривожланишининг муайян иккинчи босқичида ўзининг қарама-қаршисига-табиатга айланади. Яъни ўзини бегоналаштиради. Абсолют идея учинчи даврида эса кишида мужассамланади. Бунини у «Рух фалсафасида» ёритади.

Учинчи даврда киши тафаккури ижтимоий онгнинг турли шаклларида ўз ифодасини топади ва абсолют ҳақиқатга эришади шу билан абсолют идеянинг ривожланиш даври тугайди, натижада ривожланиш бекик доирага айланади.

Гегель фалсафаси давлат ва ҳуқуқ фалсафаси, эстетика, дин фалсафаси масалаларига тўхталиб, бу соҳада ҳам ўзининг идеалистик фикрларини беради.

Немис фалсафасининг йирик вакилларида бири Людвиг Фейербах (1804-1872) эди. У Гегель ва Кант идеализминини танқид қилиб, XVII аср материализмининг илғор традицияларини тиклади ва ривожлантирди. Бу

даврд-ХІХ асрнинг иккинчи чорагида Германияда саноат капитализми кучайган, жамият тарихида икки синф – буржуа ва пролетариат синфининг ўсиши даври эди. Дворян билан буржуазия ва буржуазия билан пролетариат орасидаги синфий зиддиятлар кучайган эди. Буларнинг ҳаммаси Германиядаги ғоявий курашнинг кучайишига олиб келган эди. Бу кураш Гегель фалсафасини тушкунликка тушинишга ўз ифодасини топди. Бу даврдаги ёш гегельчилар орасида Фейербах ҳам бор эди. У биринчи бўлиб Гегель идеализмига қарши чикиб, материализм байроғини кўтарди. У идеализм ва диний асосларни танқид қилди. У ижобий ғояларни тарғиб қилди. 1839 йили «Гегель фалсафасининг танқиди», 1841 й «Христианликнинг моҳияти» деган асарларини ёзди. Фейербахнинг бу асарлари атеистик идеаларни ўртага қўйилишида кагга роль ўйнайди. Фейербах материянинг доимий узлуксиз ҳаракатдалигини, табиат, материя бирламчи, онг, рух иккиламчи эканлигини таъкидлайди. Фалсафанинг асосий масаласини материалистларча ҳал қилади. Материализмни янги поғонага кўтаради, унга табиий илмий асос беради. У механистик материализмнинг табиат қотиб қолган, ҳаракатсиз, деб қарашни ўринга табиат ранг-баранг, деб қаради. У билиш назариясини материализм асосида ривожлантирди. Фейербах Кант агностицизмни танқид қилиб, дунёни билиш мумкинлигини исботлади. Унинг фикрича, билиш жараёни сезгиларга, кейин эса тафаккурга ўтиш йўли билан объектив ҳақиқатни билишдан иборатдир. Лекин Фейербах материализми ва билиш назарияси чегараланган эди.

Фейербах Гегель диалектикасининг рационал маъзига тўғри баҳо беради, унинг идеализми билан диалектикасини қўшиб улоқтирди. Фейербахнинг камчилиги шуки: у табиатга ва билиш жараёнига тарихан ёндошмади, билиш жараёнида жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга ўтиш диалектикасини ва амалиётнинг ролини метафизикларча тушунтирди. Яъни билишнинг субъекти қилиб тарихий-ижтимоий муносабатдан ташқаридаги мавҳум инсонни олади, кишиларни биологик тарзда тушунади, лекин, улар орасидаги синфий муносабатни кўрмайди. Инсон ҳаракати фаолиятини кўролмади. Фейербах материалистик системани киши физиологияси ва психологияси асосида кўришга интилди. Ижтимоий жаҳолат, тенгсизликдан кишиларни қутқаришни мақсад қилиб қўяди, лекин бу вазифани амалга оширишда ижтимоий тузумнинг йўқотилиши зарурлигини билмади. Аслида дунёни турлича изохлаш мумкин, лекин гап уни ўзгартиришдадир, деган эди бошқа бир файласуф.

У динни жаҳолат ва қоронғулик деб тушунди, лекин уни синфий ва ижтимоий моҳиятини тушунтира олмади. У ижтимоий ходисаларга материализмни татбиқ эта олмади.

Шундай қилиб, Фейербах Гегель фалсафасининг асл маъзини улоқтирди. Динга қарши чиқди. Шундай бўлсада, баъзи файласуфлар уларнинг ижобий томонларини кўрсатдилар. Фалсафани янада юқори поғонага кўтарган кишилар ХІХ аср охиридаги рус файласуфлари Белинский, Герцен, Добролюбов, Чернишевский, Писарев эдилар.

Бу файласуфлар ўтмиш файласуфларидан шу билан фаркланадиларки, улар эзилган омма идеологлари сифатида майдонга чиққанлар. Рус революцион демократларининг хизмати шундаки, улар материалистик мазмунга эга бўлган инқилобий назарияларни олға сурдилар. Улар Гегель диалектикасидан фойдаланишда уни танқид қилиш билан бирга «фалсафанинг алгебраси» Герцен деб билдилар. Улар динга қарши курашдилар.

Россия эзилган оммасининг озодлик йўли бу бирдан-бир революцион йўл эканлиги гоёсини илгари сурдилар. Уларнинг фалсафий асарлари чуқур илмий асосдаги гениал асарлардир. Фалсафанинг асосий масаласини ҳал қилишда ташқи дунёнинг моддийлиги ва онгнинг иккиламчилигини ҳал қилишда Гегельни танқид қилиб, рух ва тафаккур материя маҳсулидир, материя бирламчи, онг эса унинг маҳсулидир, дея, тушунтирдилар. Уларнинг фикрича, материя бу объектив ҳақиқатдир, уни ҳеч вақт йўқ қилиб бўлмайди. Масалан, Герцен шундай дейди: «Хоҳлаганингча моддани абстракташтиришнинг мумкин, лекин уни ҳеч вақт йўқота олмайсан» (Философ. избр. произв. Т. 1. стр 151, 280).

Герцен фалсафаси диалектикани материалистик асослади, фалсафани табиат қонунаригагина боғлаб қўймай, жамият қонунига ҳам боғлади. Унингча одам фақат фикр юритувчигина эмас, балки таъсир этиш билан ўзини ўраб турган табиатни мақсадга бўйсундириш керак. Герцен диалектик услуб ва амалий фаолиятларнинг бирлигини ҳам кўрсатди.

Инсоннинг амалий фаолияти тарихий ижодий кучлардан иборатдир, дейди у. Амалиёт билан назария бирга бориши кераклигини таъкидлади, дунёни қайта қуришда фалсафа илмий қурол эканлигини кўрсатди, лекин бу фикрни охирига етказа олмади. Бунга сабаб Россиянинг ижтимоий қолоклиги эди. Фалсафа тарихида Герцен диалектикани илмий равишда асослади, у метафизик қарашга қарши чиқди, табиат ва жамият ҳодисаларини бир-бирига боғлиқ равишда, ўзаро таъсирда эканлигини кўрсатди.

Герцен, умумий жамиятда ҳам ҳар бир ҳодиса бошқа ҳодисалар билан боғланган бўлиб, фалсафани вазифаси ана шу боғлиқликни очишдир, табиат ва жамият тараққиёти жараёни эскининг ўлиши билан янгининг пайдо бўлишидаги курашдадир, деган эди.

Кўриниб турибдики, унинг услуби революцион тавсифда эди. Шундай бўлишига қарамай у жамиятнинг тараққиётида ҳал қилувчи куч, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабати эканлигини кўрсата олмади, тарихий материализмга келганда тўхтаб қолди.

Худди шунингдек, Герцен каби Белинский, Добролюбов, Чернишевскийлар ҳам материя бирламчи, онг иккиламчи, табиат ва жамият ҳодисалари, ўсиб, ўзгариб туради, улар ўзаро боғлиқ, деб идеалистик қарашга қарши чиқдилар. Жамият икки бир-бирига қарама-қарши синфдан ташкил топганлиги кишилик жамияти тарихи ўзининг турли босқичларида мана шу синфларнинг ўртасидаги курашни ўз ичига олади, деб кўрсатдилар. Жамият тараққиёти диалектик асосладилар,

лекин шу билан бирга, прогрессив хал қилувчи куч деҳқон синфидир, дейдилар.

Рус революцион демократлари фалсафасининг ўзига хос хусусияти биринчидан, интернационал йўналишга эга эканлиги, иккинчидан, уларнинг фалсафанинг асосий масаласини материализм асосида тушуниган ҳолда идеализм ва динга қарши курашганлари, учинчидан, улар материалистик қарашларида диалектика элементлари мавжудлиги кабиларда эди.

Ўрта аср ва янги давр Европа фалсафасини ўрганиш ҳозирги давр учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, фалсафа ўтмишда ўзининг шаклланиши учун тарихий даврларни бошидан ўтказган. Унинг баъзи муаммолари ҳаёт чиғирикларидан ўта олмаган. Натижада, янги муаммоларни келтириб чиқарган ва ўртага қўйган. Ҳар бир давр ўзининг ютуқларига эга бўлиши билан бирга камчиликларига ҳам эгадир. Фалсафа тарихини ўрганиш ҳозирги замон кишиларининг фалсафий тафаккурини ривожланишига асос бўлади. Тарихга назар ташлаб келажак фалсафасини яратишга ёрдам беради.

Маълумки, фалсафа тарихида система ва концепцияларни яратган алломалар оз эмас. Уларнинг кўпчилиги фалсафа тарихида ўчмас из қолдирганлар. Улар қолдирган фалсафий мероснинг жиддий аҳамияти шундаки, у фалсафий меросларни ҳозирги кун фалсафаси билан солиштирган ҳолда янги фалсафий назарияларни яратиш мумкин. Шунингдек, мазкур манбалар маълум маънода қадриятлар ҳам бўлиб ҳисобланади. Бу қадриятларнинг аксарият қисми инсон фаолияти билан боғлиқ. Унинг тарбияси, дунёқарашига алоқадор. Шу сабабли ҳам Европа фалсафаси дурдоналаридан фойдаланиш инсонларнинг, айниқса, ёшларнинг фалсафий савиясини оширишга ёрдам беради. Назарий ва амалий фаолиятини мустаҳкамлайди.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

Рим империяси, ренессанс (уйғониш) даври, номинализм, реализм, схоластика, рационализм, француз маърифатчилиги, немис классик фалсафаси, Кант, Гегель, Вольтер, Дидро, Фейербах.

### **Алломалар фикрларидан намуналар:**

Кўзга оғрик тургандай ақлда ҳам бор ҳасад,  
Нутмангки, ҳасаддан идрок ҳам бўлур касод.

**Абдурахмон Жомий.**

Четлаб ўтгин ҳасадгўйни кўрсанг гар,  
Найзасики, унинг бўлмас беаҳар.

Сахий дема саховатига,  
Бирор талаб кўйса гар одам.  
Сахийликмас, бу савдогарлик,  
Бунда йўқдир шараф ва карам.

Абдурахмон Жомий.

**Мавзуга оид тест саволлари:**

**Реализм вакиллари кимлар?**

- а) Аристотел, Платон, Сократ;
- б) Анаксимен, Анаксимандр;
- в) Дунс Скот, Фома Аквинский, Ансельм Кентерберийский;
- г) Фейербах, Гегель, Кант.

**Номинализм вакиллари кимлар?**

- а) Росцелин, У. Оккам;
- б) Бэкон, Декарт, Фурье;
- в) Шопенгауэр, Шеллинг;
- г) хаммаси.

**Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Тарихимиз ҳам, келажакимиз ҳам муштарак. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
2. Каримов И. А. Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
3. Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. Т.: «Шарқ», 2002 й.
4. Мир философии. Часть 1. М.: «Политиздат», 1991 г.
5. Дидро. Сочинения. В двух томах. М.: «Мысль», 1991 г.
6. Платон. Собрание сочинений. Том 1. М.: «Мысль», 1990 г.
7. Гегель. Энциклопедия философских наук. Том 2. М.: «Мысль», 1975 г.
8. Гегель. Философия религии. Том 1,2. М.: «Мысль», 1977 г.
9. Аристотел. Том 3,4. М.: «Мысль», 1981,1983 г.
10. Гольбах. Письма к Евгению. Здравый смысл. М.: 1956 г.
11. Юсупов Э. ва бошқ.. Фалсафа. Т.: 1999 г.

7 боб. XVI асрдан XX аср бошларигача бўлган даврларда  
Ўзбекистондаги ижтимоий фалсафий тафаккур

**Темурийлар давридан  
кейинги ижтимоий-сиёсий  
жараёнлар. Шайбонийхон ва  
шайбонийлар даврида  
фалсафий фикрлар.**

Темурийлар сулоласидан сўнг Ўрта Осиёда бекорорлик вужудга келди. Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўзгарди. Сиёсий зиддиятлар пайдо бўлди. Темурийлар билан шайбонийлар ўртасида ихтилофлар келиб чиқди. Шайбонийхон 1499-1500

йилларда Туркистондан Самарқандгача юриш қилди. Лекин Самарқандни босиб олиш учун олиб борилган дастлабки ҳаракатлар барбод бўлади. Аммо, Бухоро вилояти, Қорақўл, Қарши, Ғузор ва бошқа жойлардаги кўзғолонларнинг бостирилиши ва Самарқандни олти ой қамал қилиб, Бобурнинг Самарқандни ташлаб чиқишга мажбур этилиши Мовароуннаҳрдаги фаолиятга таъсир этмай қолмайди. Шайбонийхон Самарқандни, кейинроқ Андижон, Тошкент, Ҳисор, Бадахшон ўлкаларини ўзига қаратиб, Хоразмга юриш қилди ва уни эгаллади. Ана шу жараёнларнинг ўзи мамлакатнинг маданий, маънавий, фалсафий жиҳатларига таъсир этадики, бу таъсир маълум маънода халқлар фаолиятини ҳам ўзгартиришига олиб келади. Хуросонни эгаллаган Шайбонийхон Эронни ҳам босиб олмоқчи бўлади. Бирок, Эрон шоҳи Исмоил 1510 йилда Марв яқинида 17 минг кишидан иборат қўшини билан Шайбонийхонни қамал қилади ва мағлубиятга учратиб, Шайбонийхонни ўлдиради. Таъкидлаш керакки, бутун умрини тож-тахт учун курашда ўтказган Шайбонийхон буюк ҳукмдор бўлган. Ўз даврининг йирик лашкарбошчиси ва шоири ҳам эди. У ўз сулоласи манфаатлари учун илм-фан, санъат, адабиёт аҳлларини ўз саройи атрофига тўплаган эди. Темурийлар саройини тарк этган Муҳаммад Солиҳ ҳамда Биноийларни ўз паноҳига олган. Маълумки, Муҳаммад Солиҳ Шайбонийхон ҳақида тарихий дoston “Шайбонийнома”ни ёзиб қолдирган. Бу дostonда Шайбонийлар даври батафсил ёритилган. Унда икки сулола (темурийлар ва шайбонийлар) ўртасидаги тож-тахт учун кураш натижада кўп шаҳар ва қишлоқлар хонавайрон бўлгани, минглаб кишилар қирилиб кетгани, очлик ва оммавий касалликлар вужудга келгани ёритилган.

Муҳаммад Солиҳ дostonида Шайбонийхоннинг шаҳар ва қишлоқларга бостириб киришини тасвирлаб:

“Ҳеч ким қолмади ул вақт қурук,  
йўқ эрди молу қиз олурга сўрук”,  
ёки

“Ботгилар молға лашкар борча,  
бўлдилар бой-товонгар борча”.

дейди. “Молу қиз олиш” да Шайбонийхоннинг ўзи ҳам назардан четга қолдирилмасдан тасвирланади. У Боқи Тархонни енгиб Бухорони қўлга



киритганида, 12 яшар норасида кизни хотинлари қаторига қўшиб олади. Шайбонийхон Кахон ва Аложахонларни хийла-найранг билан енгиб асир олар экан, уларни хотин-қизларига ҳақоратли сўзлар айтади, Шайбонийхонни

“Ўзга хонлар каби мажлис қурмас,  
Айшу ишрат соридин дам урмас.  
Бода ичмоқ сари бўлмас мойил,  
Бир замон ишидин бўлмас гофил”,

дея, таърифлайди Муҳаммад Солиҳ. Ушбу фаолият ва ходисалардан кўриб турибмизки ўша даврларда ўлкада нотинчлик ҳукмрон бўлиб, барқарор ривожланиш учун имконият йўқ эди. Шундай бўлсада, ўша даврда ёзилган асарларнинг кўпчилигида халқ оммасининг фаолияти, унинг ватанпарварлиги, қахрамонлиги, жабрдийдалиги тасвирланади. Жумладан, Шодийнинг “Фатхномаи хоний” асарида ҳам халқ турмуш тарзи акс эттирилган. Шайбонийлар давридаги фалсафий фаолият кўпроқ диний эътиқод асосида ривожланди. Худонинг амри иродаси асосидаги фикрлар ҳукмронлик қилди.

**Мирзо Бедил ва Бобораҳим  
Машраб фалсафаси. XVII – XVIII  
асрлардаги фалсафий қарашлар.  
Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли  
Огаҳий, Аҳмад Донниш.**

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг биринчи ярмиларида Ўрта Осиёда фалсафий фикрлар учун ўзгаришлар бўла бошлади. Бу ўзгаришлар мисолида мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-

1721)нинг меросини олиш мумкин. Мирзо Бедил Ҳиндистондаги Бенгалияга қарашли Азимободда хизматчи онласида туғилган ва Дехлида вафот этган. У 120 минг мисрадан ортиқ шеър ва 20-25 босма табокдан иборат наср ёзган. Фалсафага доир “Ирфон” (билим), “Чор унсур” (тўрт унсур), “Нуқот” (хикматли сўзлар) каби асарлар муаллифи. М. Бедил фалсафада пантеист бўлиб, худо ва табиатни айнан бирдайдир, бир-бирига мос тушади, деган фикрда турган. Ўз даврининг атоқли файласуфи ва шоири ҳисобланган Бедил Марказий Осиё халқлари маданий ва фалсафий ривожига улкан ҳисса қўшган. Бедил яшаган пайтларда “Вахдати вужуд” (жисмоний борлик) ва “Вахдати мавжуд” (олам борлиги) оқимлари бўлган. “Вахдати вужуд”да “дунё” – “худо” демакдир, дейилган бўлса, “Вахдати мавжуд”да – “худо” – “дунё” демакдир, деб айтилган фалсафий фикрлар ўртага ташланган. Яъни биринчисида худони ҳақиқий реал, деб тушунилган бўлса, қолган нарсалар худонинг қаромати, шуъласидир, деб тушунтирилган. Иккинчисида эса табиатнинг абадийлиги материя ва рухнинг бирлиги, худо оламни ўзида мавжудлиги, деб таҳлил қилинган.

Бедилнинг фалсафасида барча борлик ҳаводан ташкил топган. У ўзининг “Чор унсур” асарида субстанция – “ҳаво”дир, деб тушунтиради. “Ирфон” асарида эса, “ҳаво” – барча мавжуд нарсаларни яратувчиси (вужуди мавжуд) деб изоҳлайди. Ҳаво-Бедил фикрича,-мутлоқ, абадий,

ҳаракатчан, енгил, рангсиздир. У асосан юкори ва куйи томонга ҳаракат қилади. Ҳаво ўзида сув заррачаларини, олов заррачаларини, ер заррачаларини сингдиради. Мазкур нарсаларнинг кўшилмаси борлиқдаги предмет ва ҳодисаларни келтириб чиқаради. Бедилнинг бу фикрларидан маълумки, теварак-атрофдаги барча турдаги предмет ва ҳодисалар донмий ҳаракатда, ривожланишда, алоқадорлиқда, боғланишдадир. У ўзининг “Чор унсур” китобида табиат абадий ҳақиқатдир, яъни абадий мавжуддир, унинг кўринишлари, шакллари, хилма-хиллиги ҳам ўзидадир, деб ифодалайди. Олам сифат жиҳатидан бир меъёрда турмайди. Материя шаклга эгадир. Шаклсиз материя—материясиз шакл бўлмайди. Материя пардани очмаса, шакллар ифодаланмайди.

Бедил таълимотида мавжудот бирлигига катта аҳамият берилган. Модда билан рух, тан билан жон ўзаро алоқададир. Унинг фикрича, жисмлардан ташқарида рух олами бор, дейиш нотўғридир. Жисмлар оламини рухларсиз тушуниш ҳам тўғри эмас. Тан қуввати кучи, организмнинг тириклигидир. Агар организмга зарар етса, рухнинг қуввати ҳам зарарланади. Бедил фалсафасининг асосий муаммоларидан бири у оламини билишга ҳам эътиборни қаратди. Билишнинг биринчи босқичи объектив оламдир. Моддий оламнинг таъсирида билимни ҳосил қилувчи хис-туйғулар, сезгилар ҳаракатга келади. Сезги органлари фаолиятини тўғри тушунган Бедил, хидлаш, кўриш, таъм билиш, эшитиш ва тери орқали сезиш кабиларнинг моҳиятини таҳлил қилиб берди. Бедил фалсафасида оламни билиш фақат сезгилар билан чегараланмайди, балки инсоннинг ақл-фаросати, тафаккури билан ҳам катта аҳамият касб этади. Яъни билишда ҳиссий ва ақлий томонларини диалектик муносабатини тўғри тушунади.

Бедил ўз даврининг илғор тафаккур эгаси сифатида ижтимоий ҳаёт масалаларига ҳам эътиборини қаратди. Унинг асарлари ва шеърларида турмуш тарзининг хилма-хил соҳалари очиб берилган. Маълум қарашларида инсонларни бирдамликка ғайрат, шижоатга чорлаб:

Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон,  
Чумоли енгади шерни бегумон –

деган бўлса, иккинчи бир фикрида раҳбарлар фаолиятини тасвирлаб: “Дунёда одамгарчиликни билмайдиган арбобдан мадад кутиб, умрингни зое ўтказма” деб насиҳат қилади. Ўз фаолиятида халқлар ўртасидаги муносабатларни теран сезиб, адолат, осойишталик, юрт тинчлиги бўлишини орзу қилган:

Агар қилча низо бўлса одамда,  
Йўқолур осойиш, тартиб оламда.  
Юз хумда тиниқ сут бўлса, барини –  
Ачитар ним томчи сирка бир домда.

Бедилнинг фалсафасида инсон фаолияти марказий ўринни олган. У бир шеърда

Инсоннинг қиймати эмас сийму зар,  
Инсоннинг қиймати илм ҳам хунар.

деб фикр билдирадиган, бу фикрда инсоннинг кадри фақат моддий бойлик эмас, балки, унинг қиймати илм ва ҳунар билан белгиланади. Аллома ўзининг фалсафий фикрлари билан дунё фалсафий жамиятидан муносиб ўрин олган.

М. Бедил оламни забт этишнинг бирдан бир йўли фан орқали деб тушунади. Бу эса унинг фалсафаси асосини ташкил этади. Фанни ишлаб чиқариш билан боғлашга чорлайди. Демак, унингча амалиёт билан, тажриба боғланмаса барча билимлар инсон қалбига етиб бормади. У ўз фалсафасида инсонларни ҳалол ишлаб, ҳалол ейишга чақирди. Тамагарчилик, ёлғончилик, лоқайдлик билан яшовчиларни танқид қилади. Бу ҳақда яхшилардан бегона бўлмаин десанг, ёмон сўзловчилар, ғийбатчилар билан дўст бўлма, ўзингни тўғри кўрмоқчи бўлсанг, ойнанинг орқасига қарама, -деб айтган фалсафий-ахлоқий фикрлари бизнинг замонамиз учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўрта Осиё фалсафий фикрларининг ривожланишида муҳим хисса қўшган улкан файласуф Бобораҳим Машраб (1657-1711). У яшаган давр ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг кескинлашган, тожу-тахт учун курашлар давом этаётган, халқнинг аҳволи оғирлашаётган замонга тўғри келган эди.

Машраб фалсафасида инсонларни ҳимоя қилиш асосий ғоя бўлган. Унинг қарашлари “Девони Машраб” шеърлар тўпламида акс этган бўлиб, бу тўплам бизгача етиб келган. Ушбу тўпламда ўзи яшаган даврни “ғурбатхона” деб айтади. Адолатсизлик ва жаҳолатни, зулм-зўравонликни қоралайди. Халқ фаолиятини олқишлайди:

Дили тиғи ситамдан ёра бўлган халқни кўрдим,  
Тани дарду оламдин пора бўлган халқни кўрдим,

дея, халқ фаолиятининг аянчлилигидан афсусланади. Бобораҳим Машраб адабиёти тасаввуф илми билан боғланган. Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти билан суғорилган. Ўз шеърларида илоҳий ҳақиқатни, илоҳий ишқни куйлайди. Машраб ўзининг ўткир зеҳни ва қалами орқали таъмагир, юлғич, виждонсиз, муттаҳхам, ноқобил ҳукмрон табақаларни ва иймонсиз, бадбин, очкўз имому муллаларни аёвсиз танқид остига олган. Ундаги инсонпарварлик, ноҳолс амалдорларга нисбатан бўлган ҳаракат шариат пешволарига ёқмайди. У тазйик остига олинади. Ҳукмдорлардан бўлган Маҳмуд Қатоғоннинг фармони билан 1711 йилда Қундуз шаҳрида дорга осиб ўлдирилади.

XVIII-XIX асрларда мамлакатимиздаги вазият янада кескинлашади. Мамлакат хонликлар ва амирликларга бўлиниб кетади.

Натижада Ўрта Осиёда ижтимоий-сиёсий аҳвол ва фалсафий, маданий жараёнлар ҳам ўзгаради. Шундай бўлсада халқ ўртасидан маърифатпарвар шоир ва ёзувчилар етишиб чиқади. Улар жумласига Муҳаммад Мирзо Эрнийезбек ўғли Огаҳий(1809-1874)ни олиш мумкин. Огаҳий Хоразмнинг Қиёт кишлоғида туғилган. Унинг шеърят оламида жонбозлик кўрсатишига амакиси Муниснинг таъсири бўлган. У ўз даврининг улкан шоири, таржимони, тарихчиси сифатида кўзга ташланди. Огаҳий Навоий ижодидан баҳра олган. «Ошиқлар тумори» девонини ёзган.

Огаҳий ўз авлодларига йигирма мингдан кўпроқ мисра шеърни ўз ҳажмига сиғдирган поэтик мерос қолдирган улуг адибдир. Саъдий Шерозий, Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий асарларини ўзбек тилига таржима қилган алломадир. Минг афсуслар бўлсинки, Огаҳийнинг фалсафий, ахлоқий ва бадний характердаги таржималари чуқур ўрганилган эмас.

Огаҳий яшаган давр ҳақиқатдан ҳам ўта зиддиятлидир. Майда хонлиқлардан таркиб топиб, улар ўртасида зиддиятлар кескин тус олган эди. Фақат хонлиқлар эмас, ҳатто шаҳарлар ўртасида ҳам келишмовчиликлар бўлиб турарди. Сепаратизм авж олган эди. Масалан, Тошкент шаҳрининг ўзи тўрт қисмга бўлинган бўлиб тўрт ҳоким томонидан бошқарилган. Ўзбекистоннинг тарихи (рус тилида) ҳақида ёзилган китобда шундай фикрларни учратамиз. «Тошкент шаҳрининг аҳолиси доимо қуролланган ҳолда юришга мажбур бўлганлар. Ҳатто, улар бозорларга борганларида ҳам, дала ишларига чиққанларида ҳам тўлиқ ҳарбий анжомда юрар эдилар, чунки ҳар куни ҳар соатда ёвнинг ҳужум қилиш хавфи бор эди».

Бухоро, Хива, Қўқон ҳукмронлиги даврида давом этган сиёсий ҳаётдаги анархия, иқтисодий тушқунлик, умумий вайроналик, раҳмсизларча ўрнатилган ваҳшиёна эксплуатация халқ бошига сон-саноксиз кулфатларни ёғдирди. Жабрланган халқ ўз максалларини кўпроқ адабиёт, санъат воситасида изхор қилган. Натижада зарурият сифатида кўплаб маърифатпарварлар етишиб чиққан. Шулар қаторида Огаҳий ҳам туради. Огаҳий қаторида Турди, Машраб, Мунис Хоразмийлар бўлган. Жунайдулла Ҳозиқ «Амир Қассоб» деб ном чиқарган Бухоро Амири Амир Насрулло сиёсатиға қарши чиққани учун Амир жаллодлари томонидан ўлдирилган. Адиблардан Махмур ҳам қийинчиликларга дучор қилинади. Халқ манфаатини ҳимоя қилгани учун бутун бир умри оч-аланғочликда ўтади. Шоира Нодира кексалигига қарамасдан эркпарвар бўлгани учун, мамлакат ободонлиги йўлида қилган ишлари эвазига 1842 йилда ўғли ва икки набираси билан бирга боши кесилади. Мужрим Обид, Муҳаммад Шариф, Гулханийлар ҳам ўз умрларини маънавий ва моддий қийинчиликда ўтказишга мажбур бўлганлар.

Огаҳий ана шундай қийинчиликлар бўлишидан қатъий назар, ўзининг ёшлигидаёқ билимга, маърифатга ўта қизиққан. Бу ўзи ёзган куйидаги фикрдан ҳам билиб олса бўлади:

Қалам айлабон илм йўлида бош,  
Хунар касбида айлар эрдим талош.

Не тунлар менга хоби роҳат эди,  
Не кунлар замони фароғат эрди.

Амакиси Шермухаммад Мунис ўрнига мироблик мансабни олган Огаҳий халқ ҳаётини чуқур ўрганиб ва гувоҳи бўлиб, улар тўғрисида шеърлар ёзди.

Этак сончиб белимга чусту чолок,  
Қадам ҳар йўл сори урдим тарабнок...

Етурдим ҳар жамоатга ўзимни,  
Очиб ибрат била ҳар ён кўзимни.

Борининг ҳолидин бўлдим хабардор,  
Аён кўнглимга бўлди барча асрор.

У ўзининг «Бахт саодат боғлари», «Тарихлар қаймоғи», «Султон воқеаларининг йнғиндиси», «Гулшани давлат» каби асарларида халқ манфаати, амалдорлар фаолиятларини фалсафий жиҳатларига эътиборни қаратган. Оғир ҳаётни мадҳ этган. Ўз ҳаётидаги оғир кечаётган дамларни куйидагича таърифлайди:

Совук хайлига ортиб шиддату кийн,  
Бу киш не ҳоли кечгай Огаҳийнинг,  
Ки не чакман анга бордур, на пўстин,  
Ўтин бирла кўмур ҳам ғалла фикри,  
Қилибдур кўнгулни маҳзуну ғамгин.

Огаҳий асарлари қахрамонлик фазилятлари, муҳаббат сирлари, эҳтиром ва самимият дурдоналари билан суғорилган. Шарқ фалсафаси мужассамлашган асарлардир. Шеърлардаги «Пасткаш дунё», «Тесқари қурилган девор», «Айланиб турувчи бевафо фалак» каби фалсафий тушунчалар Огаҳийни нафақат буюк шоир балки йирик файласуфлигидан далолатдир. Унинг фаолиятида баъзи диндорлар ҳам танқид қилинган. Жумладан, Огаҳий, зоҳидга қарата эй зоҳид, ҳаётда менга хурсандчиликларни манъ этиб, тоат-ибодат буюрасан, айт-чи, ўзинг шунча намоз-ниёз қилиб нима наф кўрдинг, аниқроғи:

Нега, зоҳидо, тарабимни манъ этасан вараъ сўзини дебон,  
Қани ҳосилингни дегил манга, неча умр майл намоз этиб

дейди Огахий ўз ижодининг йўналиши ва руҳи билан оддий халққа, яъни «фақр аҳли», «фақр эли»га яқиндир. Огахийнинг шеърляти халқчиллик руҳи билан сугорилган.

Огахий гуманист, фалсафий пантезизм йўлидан борган мутафаккир:

Бу гулшан сайрини этсанг, босма густоҳона туфрокни  
Ки, ҳар гом остида бир пайкари озода мадфундур

Бу мисраларда ҳаёт ҳақида илгари сурилган олижаноб чақирқдан ташқари чуқур фалсафий мушоҳада, Навоий, Хайём каби Шарқ мутафаккирларини эсга туширадиган пантеистик руҳ, сўфиёна донолик кўзга ташланиб туради.

Огахийнинг шеърлари тил ва услуб жиҳатидан ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Огахий шеърлятининг фалсафий бадний маҳорати ҳақида маълум таассуротга эга бўлиш учун ажойиб усулда ёзилган шу парчани келтириш кифоя:

Меҳру вафо расмин тузуб, жавру жафо таврин бузуб,  
Ширин табассум кўргузиб, лаъли дурафшонинг келур.

Ашадий ватанпарвар, халқ дарди билан яшаган, эл-юртнинг келажагини ўйлаган буюк инсонлардан яна бири – Аҳмад Донишдир. Ўта билимли ақл-заковатли бўлган бу инсонни ўз замондошлари қаллали, деган лақаб билан атаганлар. У (1827-1897) бутун умрини фалсафа, фалакиёт, тарихга оид асарлар ёзишга бағишлади. Бухоро амирларининг тарихлари «Нодир воқеалар» номли асари билан дунёга танилган. «Нодир воқеалар» асарида дунё воқеаларининг фалсафий жиҳатларини таҳлил қилди. Дунёнинг абадийлиги, ернинг шарсимонлиги, юлдуз ва сайёраларнинг доимий ҳаракатда бўлиб туришини янги далиллар билан бойитган.

«Ер кимирлаши сабабсиз бўлмайди, - дейди у, - бунинг сабаби эса ҳароратлик, унинг ер марказида юқорига кўтарилиши ёки тоғнинг баъзи жойлари бўшашиб кетганлигидир... Ер остида текилиб-сиқилиб ётган буғларнинг кучи, ҳаракатларидан ўша ерда зилзила пайдо бўлади. Бундан тоғ атрофидаги баъзи жойлар ёрилиб сув булоқлари оқади ёки у ҳароратнинг зарбасидан ер ёрилганда ундан қаттиқ садоли товуш чиқади. Тоғ тепаликларининг оралари ажралиб уларда, ўнгир тешиқлар пайдо бўлади».

Дониш астрономия фанига жуда қизиққан. Ой ва қуёшнинг тутилиш сабабларини табиат ёки коинотнинг ўзидан излаш лозимлигини айтади. Аҳмад Донишнинг Ўрта Осиё фалсафаси тарихидаги хизмати шундаки, у (схоластика) тасаввуфчилик фалсафасининг баъзи қирраларини очишга интилди. Унинг баъзи фикрларида (Умар Хаём фикрларига асосланиб) оламни худо томондан яратилганлиги ҳам кўзга ташланади.

Ўз асарида руҳнинг жисмга муносабатини таҳлил қилганда, унинг фалсафада чуқур мулоҳаза юритишини сезиш мушкул эмас. Унингча рух икки кўринишга эга. 1. Соф, муқаллас, илоҳийлик бўлиб, у барча жисмларга ўз нурини юбориб туради. 2. Рух жисмлар дунёсига жойлаштирилган, аммо, ўлимга маҳкумдир. У ташқарида мавжуд эмас. Бу фикрлардан сезамизки, Аҳмад Дониш қарашларида идеалистик ва материалистик қарашлар бир-бирини тўлдиради. Фалсафадаги билиш муаммосини ҳам у ижобий таҳлил қила олди ва инсон олами билишга қодир деб уқтирди. Аҳмад Дониш барча ҳодисаларни таҳлил қилишда илмий ёндошишга чакирди. Инсон фаолиятида меҳнат ва билим асосий ўринни эгаллашини фаҳмлади. Инсонларни ҳалол меҳнат қилишга, тақдирга ишонишга чорлаб, агар шундай қилинмаса одам фаолияти ақисизликдандир, деб таъкидлайди, алиома. Одамлар ўз ғайрати ва ҳаракати, шижоати билан ўз мақсадларига эриша олади. Аҳмад Дониш ўзининг илғор қарашлари билан ўша даврнинг ва келажакда пайдо бўлган ватанпарварлар ва файласуфлар фаолиятига катта таъсир кўрсатади. У маърифатпарвар эди.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида элчихонада хизмат қилаётган Аҳмад Дониш Бухоро амирлигининг мустақил иш тута олмаганлигини кўриб қуйинган ва «Биз ўзбеклар қачонгача ғафлат уйқусида ётамиз» деган фикрни юритиб, ҳар бир ўзбекни маърифатга чорлаган.

**XIX аср охири XX аср бошларида  
фалсафий фикрлар. Жадидчилик  
фалсафаси.**

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда маърифат соҳасида буюк алломалар етишиб чиққанларки, улар ҳам

давр талабидан келиб чиқиб, ўз халқини маърифатга чорлаганлар. Уларнинг энг кўзга кўринганлари: Бердимурод Бердақ, Муқимий, Фурқат, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Завкий, Сатторхон, Исоқхон ва бошқалар эдилар. Юкорида номлари зикр қилинган маърифатпарварлар босқинчиликнинг биринчи пайтларида руслар ҳаётига ижобий муносабатда бўлган бўлсалар ҳам, кейинчалик маърифатпарварлик соҳасидан ўтиб энди демократик, яъни адолатли ҳаёт тарғиботчилари бўлганлар. Бўлмағур баъзи маҳаллий хонларни кирдикорларини ва босқинчилар фаолиятини ҳам қоралай бошлаган эдилар. Уша пайтда мустамлакачиликка қарши фикрлар ўртага ташланаётган эди, лекин таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиёда маърифатпарварлар ҳам ижтимоий тузум сир асрорларини кўпроқ тарғиб қилишга мойил эдилар. Халқ ўртасидаги фалсафий жиҳатлар нисбатан иккинчи ўринга тушиб қолган эди. Маърифат орқали феодал жамиятнинг кирдикорларини очиш, уларга қарши курашиш одат тусига кирган эди. Бу давр маърифатпарварлари, ҳатто, подшоҳ ва ҳокимларни ҳам маърифат тарқатишга чорладилар, уларнинг бу соҳадаги камчиликларини аёвсиз танқид қилдилар. Умуман бу давр маърифатчилари давлат тузумини ислоҳ қилиш кераклигини кўпроқ ўртага қўйдилар. Уни демократлаштиришни тарғиб қилиб чиқдилар.

Уларнинг фикрича, баъзи хонлик, амирликлар тузумлари ўзбошимчалик, қонунсизлик ва порахўрлик маконидир. Бинобарин, илм ва дин, маданият соҳасидаги ғамхўрлик етарли эмаслигини эътироф этдилар. Шундай бўлсада, бу давр алломалари асарларида умуминсоний фалсафий соҳалар мавжуд бўлиб, халққа хизмат қилиш эса маънавият йўллари орқали қўйилиши кераклиги таъкидланган. Масалан, Бердак инсонни ватанпарвар, меҳнаткаш бўлишга, ҳалол, беғараз, ҳақиқатгўй бўлиб, кадр қимматини эъзозлашга чақиради. Ўзининг асарларидан бирида:

Ишни ишла, туғилган эл учун,  
Жонингни аяма, элда эр учун,  
Киндик қони томган азиз ер учун,  
Ўлиб кетганингча хизмат яхшироқ,

деб таъкидлаган.

Сатторхон алломанинг фикрича, жамият ривожланишининг асоси илм ва фикрдадир. Демократик жараёнлар сохта бўлмаслиги лозим. Бу ўринда алломанинг чоризм томонидан маҳаллий жойларда ўтказган сайловларни танқид қилиши бежиз эмас эди. Сабаби, ўтказилган сайловлар адолат нуқтаи назаридан бўлмасдан, балки, адолатсизликка асосланган эди.

Мутафаккир Фурқат ҳам ўзининг илғор фикрлари билан ажралиб туради. Ўша даврдаги хон ва бекларнинг ўзаро уруш ва низоларини маърифатпарварликка йўғрилган мисралари орқали қоралаган. Ўзбекистон халқини илм ва фан ютуқларига эргаштириб, жаҳолат, зулматдан ёруғлик дунёсига олиб чиқиш мумкинлигини кўпроқ таъкидлаган. Сатторхон ва Фурқатнинг илғор фикрлари ўз замондошлари Муқимий, Завқий, Анбар Отин каби маърифатпарварлар томонидан қўллаб қувватланди. Бу алломалар ҳам халқ оммасини маърифатпарвар бўлишга чақирдилар. Аҳолини ночор аҳволдан қутқозишнинг бирдан-бир йўли бойлар ва рухонийларнинг ўзбошимчалигини тугатишда, деб билдилар. Бойлар айшу ишратда яшаб, меҳнаткаш дехконлар ва ишчилар зулматда қолганлигини ошқора айтдилар. Улар эзувчиларни фош қилдилар. Уларнинг таъкидлашича, зулм ва жазодан қутилишнинг йўли ақл ва идрок, маърифатдир. Жумладан, Завқий таълимотида ҳам «доно ва маърифатпарвар» ҳукмдорлар ҳақида жиддий фикрлар берилган. Унинг фикрича, адолатли жамият қуриш фақат ҳукмдорларга боғлиқ. Ҳукмдор худбин, билимсиз бўлса мамлакат вайронага айланади. Доно, одил ва маърифатли кишилар ҳокимиятни бошқарса аҳвол мушкул бўлмайди. Мазкур маърифатчилар таълимоти Ўрта Осиё давлатчилиги ва жамият тараққиётига катта таъсир этибгина қолмади, балки халқнинг сиёсий онгини ривожланишига ҳам ёрдам беради. Бу жараённи XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўрта Осиёда кенг тарқалган жадидчилик (жадидчилик сўзи араб тилида янги демакдир), фаолиятининг авж олганлигида қўрамыз.



Жадидларнинг асосий мақсади, халқимизни маърифат масканларидан фойдаланишга ундаб, уларни дунёвий билим олиш учун чорлаган эдилар. Минг афсуслар бўлсинки, маърифатчиларнинг кўпчилиги илғор фикрлари учун қувғин қилиндилар, отиб ўлдирилдилар (бу ўринда биз тарих фанлари доктори Ислом Йўлдошевнинг «Истиклолга интилган қалблар нидоси» (Т.: 1993), номли ўта долзарб асарини ўқишга тавсия этамиз).

XX аср бошида рус тарихчилари Ўрта Осиё халқлари ҳақида фикр билдириб уларни ғирт саводсиздир, деб маълумот беришган. Жумладан, ўзбек халқининг 98 фоизи, киргизлар, қозоқлар, тожикларнинг 100 фоизи саводсиз деган хулосага келинган, ваҳоланки, юқоридаги фикрлардан хулоса қилишимиз мумкинки, халқимиз ўтмишда ҳам саводлиликка интилган, маърифатга эришишнинг турли воситаларидан фойдаланганки, натижада буюк алломалар етишиб чиққан, ўқув муассасалари, билим масканлари, мадрасалар ташкил этилган. Ҳали 1894 йилдаёқ мактаб ва мадрасалар сонни 6445 та бўлган бўлса, 1913 йилга келиб уларнинг сонни 8000 га яқинлашган эди.

Биргина Хива хонлиги ҳудудида 2000 дан зиёд мактаб 132 та мадраса иш юритган, Қўқонда 182 та мадраса, 1709 та мактаб, Самарқандда 250 та масжид, 40 мадраса, Бухорода 400 масжид ва мактаб, 350 та мадраса, Тошкентда 300 масжид, 60 та мактаб ва 18 та мадрасаларда халқимизнинг минглаб ёшлари илм олганлар, маърифатли бўлганлар.

Маърифатли бўлишни «Тараққий», «Хуршид», «Самарқанд», «Ойна», «Бухороий Шариф», «Умид» каби газета ва бошқа журналлар орқали амалга оширганлар. Улар мазмунан шарқона маънавиятимизга, кадриятларимизга, фалсафамизга қаратилган. Халқимиз ўртасида шуҳрат топган дostonчилик, адабиёт, санъат, бахшичилик соҳалари ҳам маҳаллий жойларда маърифат учун хизмат қилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маърифат ривожланиши инсонларнинг фалсафий фикрларига таъсир қилмай иложи йўқ эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидаги жадидчилик маълум маънода стихияли тарзда бўлган бўлса, XX аср бошларида эса уюшган гуруҳлар пайдо бўлиб, уларнинг дунёқараши тубдан фарқ қилар эди. Ана шундай гуруҳларнинг вакиллари Мунаввар Қорин Абдурашидхон ўғли, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев, Тошпўлат Норбўтабеков, Абдурауф Фитратлар эди. Туркистонда жадидчиликнинг отаси Махмудхўжа Бехбудий ҳисобланган, чунки у киши жадидчиликни бирлаштирувчигина эмас, балки жипслаштирувчи ўринини олган.

Жадидчиликнинг ғоялари Россиядаги «Народничество» ташкилоти каби тор ғоялар асосида эмас балки, ижтимоий жиҳатдан бой ва рангбаранг ғоялар асосида тузилган эди. Уларнинг ғояларида жамиятнинг тўлқинлантирадиған, ҳаракатга келтирадиған вазифалар кўйилган эди. Маънавий юксакликка эришиш, диннинг моҳиятини тўғри англаб етиш,

ҳуқуқий, иқтисодий демократик жараёнларни тезлаштириш, тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиш соҳалари марказий ўринларда эди. Айниқса, миллий ўзликни йўқотмасликка, унинг ривожланишини таъминлаш мақсад эди.

Таъкидлаш лозимки, 1905 йил Россия буржуа революцияси Туркистон жадидалигига қатта таъсир кўрсатган. Шу сабабли, уларнинг фаолиятида мамлакатдаги тараққиётнинг ислохотчилик йўли билан ривожлантиришни ўйлаганлар. Тошкентда Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Исмоил Обидов, Убайдулла Хўжаев, Самарқандда Бехбудий, Ҳожимуин, Ақобир Шомансурзода, Саидахмадхўжа, Сиддиқий, Наманганда Носирхон тўра, Қўқонда Обиджон Махмудов, Лашуралӣ Зохирий ва Пўлат Солиев деган жадиждлар кизгин иш олиб борганлар. Улар тинч йўл билан намойишлар уюштиришга, Давлат думасида очик чиқишлар билан қатнашишга, Чор ҳукуматидан ўз халқи манфаати учун сиёсий ён беришларни талаб қилдилар. Аммо, Чор Россияси бу талабларга турли найранглар билан рад жавобини берди. Боз устига, Пантуркизм, Панисломизм ғояларининг мутлоқо қоралаб, унинг зарарлари ҳақида бўҳтонлар уюштирадидлар. Шунинг учун ҳам, ўша пайтда жадиждларнинг бирлашиш зарурияти туғилди. Натижада, Бехбудий «Хуршид» газетасида мақола бостириб, ягона мусулмонлар партиясини тузишни таклиф қилган эди. 1905 – 1917 йиллар жадиждлар учун ҳам сифат ҳам миқдор жиҳатдан ўсиш даври бўлган ва мустаҳкамланган шу даврларда жадиждларнинг мустамлақачиликка қарши ҳаракатлари ҳам сезилари даражада жонланган. Чор Россиянинг агентураси ундан хабардор бўлиб турган. Жадиждлар биринчи жаҳон уруши йилларида ҳам давлат бошқарувининг парламентар монархия тузуми, фуқароларнинг давлатни идора қилишда қатнашишлари, маҳаллий туб аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларининг кенгайтирилиши, асосий демократик жараёнларни таъминлаш, миллий матбуот эркинлигига эришиш каби сиёсий талаблар билан чиққан эдилар. Улар Россиядаги февраль инқилоби янги давлат тузумидан сўнг Россия федератив давлатидан кўпгина енгилликлар олиш учун умид қилган эдилар. Шулардан бири Туркистоннинг мухториятга эришишни амалга ошириш эди. Афсуски, воқеалар натижаси бундай ўзгаришга олиб келмади. Туркистон Россияга қарамлигича қолаверади.

Жадиждларнинг беқиёс хизматларидан яна бири халқ манфаатини замон талаблари даражасига олиб чиқиши, фарзандлар авлодлар баркамоллигини таъминлаш эди. Ёшларнинг келажагини билим савиясини, маънавиятини кўтариш эди. Бирок, Туркистондаги октябрь воқеалари жадиждларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга йўл қўймади. Шундай тазйикларга қарамай жадиждлар большевикларнинг ҳар бири миллат ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳақидаги декларациясидан фойдаланиб, Қўқонда Туркистон мухтор Республикаси-Туркистон мухториятини эълон қилдилар. Аммо, бу мухториятнинг фаолияти уч ой давом этгандан сўнг қонли фожиалар билан тугатилгани тарихдан маълум. Айниқса, ана шу ҳаракатдан сўнг жадиждлар жиддий таъқиб қилина бошлаганлар. Бу таъқиб

1937-38 йилларгача келди ва жадидчиликнинг деярлик барча намоёндалари отиб ташланди, сургун қилиниб, йўқ қилиб юборилдилар. Шундай бўлишига қарамасдан уларнинг эзгу-ниятни ва хатти-ҳаракатлари халқ қалбидан мустаҳкам ўрин олди. Улар қолдирган бойлик эндиликда маънавий озуқа сифатида инсонларни баҳраманд қилиб келмоқда. Ҳозир эса уларнинг фаолияти намуна сифатида қадрланмоқда. Кўпларга ўрناк бўладиган миллат ҳақида ўйлаш, унинг меҳри билан яшаш, унга содиқ бўлиш борасида тенги йўқ жадидчилардан бири Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919) эди. Жадидлар ичида Бехбудий оташин халқпарвар, истеъдоди ва қобилияти билан бошқалардан ажралиб турар эди. Давлат арбоби Файзулла Хўжаев у киши тўғрисида шундай деган эди: «Бухоро ва Туркистондаги ўзбек жадид ташкилотлари... бир қанча қулайликларга эришиш учун бутун кучларини сарфладилар. Бу борада Маҳмудхўжа Бехбудий номини эсламасдан ўтиб бўлмайди. Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидларидан унга тенг кела оладиган кишиси бўлмаса керак».

Бехбудий ҳам бошқа илғор фикрловчи жадидлардек феодал монархия тузумини қоралади. Мазкур тизим ўрта аср қоқоқликлари даражасида деб билди. Феодал тузумга қарши чиққан Бехбудий Ватани, халқи, миллатини маънавий-сиёсий манфаатларини ёқлаб чиқди. Бунинг учун янгича мактаблар очиш, унда аниқ фанларни ўқитиш, ёшларга Европача таълим бериш, матбуот эркинлиги, сўз эркинлигига эришиш каби ўша даврнинг талабидан келиб чиққан шнорларни ўртага ташлади. Шу муносабат билан Бехбудий томонидан айtilган ушбу оташин фикрларга диққатни қаратсак, Бехбудий ниятларини дарҳол тушунамиз.

«... Мустабид амирликнинг ағдариладиган куни яқин, юксак адолат тантанасига ва меҳнаткаш халқнинг барча эзувчилар устидан ғалабага ишончи бизга жисмоний азоб уқубатларга бардош бериш учун куч-қувват бағишлайди. Агар бизнинг ҳаётимиз хуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз. Бизнинг ўлимимиз учун энг яхши қасос мустабид амирликни тезроқ йиқитиш ва мазлум Бухоро халқини озод қилиш бўлади...».

Бундай инқилобий қарашлар Бухоро ва Хива хонликларининг шаънига айtilган фикрлар бўлиб, ҳақиқий ватанпарварнинг фикри эди.

Бехбудий бутун фаолиятини саводсизлик, жоҳиллик, қоқоқлик маданиятсизликни тугатишга қаратди. Миллий маънавиятни кўтариш амалий орзусига айланди. Мустахлақчилик сиёсатига қарши чиқди. Минг афсуслар бўлсинки, ўша суронли йилларда Бехбудий ва унинг ўртоқларини яширин ҳолда турли найранглар билан ўлдириб юборганлар. Ўз ўлимини билган Бехбудий қуйидаги васиятларни ёзиб қолдирган: «Эй Туркистон маориф ишларида бўлгон ўртоқ ва ўғлонларим! Мен ўзим гарчанд бандий бўлса-да, сизларни эсимдан чиқармайман ва сизларга бир оз васият қилиб ўтаман:

Мани севар ўртоқларим маним сўзларимни кулоқларингизга олингизлар! Биз икки ойдан бери Бухоро шаҳрида банди бўлиб юриб, охир 10 кундан бери бу ерда (Қарши шаҳрида) бу золимларнинг кўлига тушиб, банди бўлдик. Жаҳид, кофирлик отини кўтардик. Сипоҳлар ичида тилчилик отини кўтардик. Бу ердан қутилмоғимиз гумон бўлди.

Ўртоқларим-Сиддикий, Айний, Фитрат, Қурби ва Ақобир Махдум ва ўғлонларим Вадуд Махмуд, Абдулқодир Шакурӣ - сизларга васият қиламан! Маориф йўлида ишлайтурғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ўртадан нифокни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар! Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонларини йўқлангизлар! Бухоро тупроғига тезлик ила йўл бошлангизлар. Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар! Бизнинг қонимизни золим беклардан талаб қилингизлар! Маорифни Бухоро тупроғида жорий қилингизлар! Бизнинг отимизга мактаблар очингизлар! Бизлар ул чоғда қабримизда тинч ётармиз! Манинг ўғлонларимга салом етказингизлар! Бу ҳамроҳларимнинг авлодларидан хабардор бўлингизлар. Ушбу васиятларимни ёзиб Аҳмадга бердим».

Беҳбудийнинг дунёқараши, юксак маънавият учун кураши унинг 1912 йилда ёзилган «Падарқуш» пьесасида ўз аксини топган. Саводсизлик, тарбиясизлик, маданиятсизлик, ахлоқий бузуқлик туфайли жохил бола ўз падари-отасини ўлдиришгача бориб етганини тасвирловчи бу асар кейинчалик кўплаб ёзувчиларга қаттиқ таъсир этган. Жумладан, Абдулла Қодирий: 1913 йилларда чиққан «Падарқуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куёв» отлиқ театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим, деб таъкидлаган (Аҳмад Алиев. Маънавият, қадрият ва бадиият. Т.: «Академия» 2000 й). Махмудхўжа Беҳбудий Самарқанд вилоятининг Сиёб туманидаги Бахшитепа кишлоғида руҳоний, зиёли оиласида дунёга келган. У араб, форс тилларини ўрганган. Дастлаб Абдурахмон Жоминийнинг «шарҳи Мулло» буюк маънавият меросини ўзига сингдирган бўлса ажаб эмас. У дастлабки асарларининг бирида: «Мени, шахсан энг кўп қийнайдиган нарса-умуман бемақсад, ёки фақат пул, фойда, пора, шухратпараст ва амалпарастлик «касалига» мубтало бўлган ва фақат ўзинигина ўйлайдиган табакалардир... Зотан жамиятни кемирадиган шулар, тараққиётни орқага сурадиганлар шулар, халқи, ватани, бутун жамият келажагини сотадиганлар шулар, очигини айтганда, хоин ва сотқинлар шулар»... деган фикрларни бежиз айтмаган.

Беҳбудий ташаббускор муаллим сифатида ҳам шаклланди. Инсоннинг маънавий қиёфасининг шаклланишига эътиборни қаратди. Ундан мерос қолган илмий ишларга, адабиёт ва санъат дурдоналарига диққат қилган зиёли шунга гувоҳ бўлади. «...Энди келайлук шу жазъий ташаббуҳлар масъаласигаким. Бу: курси (стул)га ўтурмоқ, қошиқ ва чинакча истеъмол этмақ, медаль тақмоқ, хавонинг иссиқлиги учун бош ялонғоч ўтирмоқ каби шайлардан иборатдир. Агар бу жазъий ташаббуҳлар

ила-да киши кофир бўлаверса, бас, ер юзида бир нафар ҳам мусулмон қолмаслиги лозим келур...»

«...Расм ва одатлар ичида фойдали ва яхшиси бўлғонидек, ёмон ва зарарлиси ҳам мутлоқо бордур. Чунончи, бурунги замонда исрофли тўй ва аза, базми жувон каби ёмон одатларимиз йўқ эди. Сўнгра пайдо бўлди: қабул этдук. Энди мунинг қўлидан осонлик ила кутула олмай турубмиз...»

Махмулхўжа Бехбудий сафдошларидан бири Абдурауф Фитрат (1886 – 1938) ҳам баъзи сафдошлари сингари октябрь инқилобидан нажот кутганлардан бири эди. Фитратнинг фаолиятини олимлар икки даврга бўладилар XX асрнинг 10 нчи йилларигача бўлган ва ундан кейинги 25-30 нчи йиллар давридир. Минг афсуслар бўлсинки, ўзбек халқининг жонкуярларидан бири бўлган Фитрат ҳам жирканч кўллар орқали қатл этилди. У ўз даврининг буюк алломаси сифатида из қолдирди. Ўз ижодини халқ манфаатига бағишлади. Халқ ўртасида йирик олим, адабиётда шоир, ёзувчи, драматург ва сиёсатчи сифатида танилди. У анчагина ҳикоя, пьеса, шёър, адабий-танқидий маколалар, кўлланмалар, дарсликлар ёзиб халқнинг манфаатини юксакликка кўтаришга интилган инсон сифатида шаклланган эди. Собиқ совет тузуми даврида Фитратдан қолган маънавий меросга эътибор қаратилмади. Мазкур тузум даврида ўқиб билим олганлар Фитратнинг энциклопедик, яъни ҳар томонлама тараққий этган фаолиятдан хабарсиз қолдилар. Шукрлар бўлсинки, мустақиллик туфайли Фитратнинг фаолиятини ифода этган бир қанча асарлар ҳаёт юзини кўрмоқда.

Фитратнинг қарашлари «Қиёмат», «Мерос», «Қийшиқ эшон», «Зайнаб ва Зайид», «Оқ мозор», «Бедил», каби асарларида «Рўзалар», «Шайтоннинг тангрига исёни», «Ҳинд ихтилочилари» каби драммаларда ўз аксини топган. Бу оташин асарларнинг барчасида маърифатпарварлик юксак маънавийлик, фалсафийлик гоёлари ҳақида фикр юритилади. Масалан, у ўзининг «Ўгут» шеърида қуйидаги фикрларни билдиради:

Оғир йигит! Сенинг гўзал, нурли кўзингда,  
Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқидим.  
Ўйлашинг-да, туришинг-да, ҳамда ўзинг-да,  
Бу юрт учун қутилишинг борлигин кўрдим.  
Турма, югур, тинма, тириш, букулма, юксал!  
Хурма, кириш, кўркма, ёпиш, юрма, кўзгол!  
Эл йўлини тўсиб турғон эски булутларни  
Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт!  
Қила олмасанг шу ишларни  
Сенинг учун хўрликдир бу!...  
Йиқил, йўқол, кет!

Кўриб турибмизки, олим бу фикрларни билан барча инсонларни илм-маърифатга чорлайди. Жаҳолатни коралайди. Ана шундай оташин қақирувни сезган буюк Чўлпон таъкидлашича ўша даврдаги барча илғор

кишилар Фитратнинг «Чин севиш» пьесасини сахнада кўриб хайратда қолади. Чўлпон у ҳақда тақриз ёзди ва асардан мамнун бўлганини куйидагича ифодалади:

«Яқинда ўзбек сахнаси улуғ ва улуғлиги қадар юксак ва гўзал томоша пьеса кўрди... Асар тўғрисида фикр юритувдан қочмоққа ва ўзимни тортишга мажбурман. Тегишинча тақриз қилувни мен бажара олмайман».

Пьеса тўғрисида фикрини машҳур адиб Ваҳид Маҳмуд ҳам куйидагича изоҳлайди: «Ўзбек сахналарида шу кунгача ўйналиб келган пьесаларнинг энг кучлиси, энг буюги ўткир ёзувчимиз Фитратнинг ҳинд турмушидан олиб ёзилган «Чин севиш» пьесаси эканлигига ҳамма иқроф этса керак». «Қизил байроқ» газетаси, 1920 йил, 12 декабрь.

Ҳозирги даврда Фитратнинг фаолиятини ўрганувчилар микдори кундан-кунга ошиб бораётир. Унинг сабаби тушунарли, албатта. Чунки, 80-90 йиллар олдин Фитратнинг фалсафа, маънавият, маданият, адабиёт, маориф ва сиёсат ҳақидаги айтган фикрлари ҳозир долзарб бўлиб қолди. Фитратдаги оддий, лекин фалсафий фикрлар бирор кишини лоқайд қолдирмайди. Юксакликка кўтарилишига ёрдам беради. Масалан, «Ҳинд сайёҳи» асарида Ғарбий Европа маданияти билан яқиндан таниш бўлган сайёҳнинг фикрлари орқали мамлакат аҳолисини қолоқликдан чиқишга, илм-фанни эгаллашга, техникани, саноатни ривожлантиришга етук мутахассислар даражасига кўтарилишга чорлайди.

Сайёҳ қаршиликларнинг хунармандлигига қойил қолиб: «Областа яшаш, гилам тўқишда, айниқса олача тўқишда тенги йўқдир. Бирок шу нарсаларни эски усулда тайёрлайдилар, яъни корхоналарнинг барчасида қўл меҳнатидир. Машина билан ишловчи корхоналарга эга эмаслар ва ҳатто уни яратиш ҳаёли ҳам йўқ»-дея ачинади, усталарнинг лоқайдлигидан нолайди. Куйиб-пишиб, ҳинд сайёҳи: Қаршида тўқилган олачанинг Россиянинг ипак матоларига нисбатан пишиқ, деб таъкидласа ҳам хунарманд пинагини бузмай «сўн йилдан кейин ким тиригу, ким ўлик» дейди, лоқайдлик билан. Сайёҳ ўз фикрининг охирига етказиш учун эринмасдан келажакни ёдига келтирмаган хунармандга яна шундай ёндашади:

«Фараз этайлик, сизнинг умрингиз охирига етмоқда, бирок фарзандларингиз, набираларингиз нима билан шуғуланишади? Уста жаноблари, сиз келажак ҳақида фикр юртишни унутманг, чунки дунёда ҳар бир киши ўз ишининг келажаги билан боғлиқ. Келажакни ўйлаш – оламнинг ободонлиги боисидир...».

Бу фикрлар билан Фитрат сайёҳ фикри орқали юксак маънавиятга ва барча соҳаларда тараққиётсиз эришиб бўлмаслигини ҳаётий воқеалар билан тасвирлайди. Халққа содда ва раво қилиб етказди. Мамлакат равнақи фақат хом маҳсулот етиштиришда эмас балки, уни мамлакат иттиҳосида қайта ишлашда эканлигини ўқидиради ва сайёҳ тилидан айтади: «Кўрдингизми, ўша вақтда туркистонликлар зарур ҳамма молларни ўзлари тайёрлар эдилар, ўзлари сарфлар эдилар пулни ўз чўнтақларидан чиқариб,

Ўз чўнтакларига солар эдилар. Ҳатто, бир чака ҳам пулни бегона фабрикантлар чўнтагига солмаганлар. Бироқ Европа фабрикантлари бирин-кетин нозик сурн, харир докалар ва чиройли, гулли чинни товоқлар ишлаб чиқариб бутун Туркистон бозорларини тўлдирдилар. Аҳоли бирданига бундай сержило молларга қараб интилди ва дока, карвос ва ўзларининг бошқа миллий товоқларига қарамай қўйди. Оқибат шу бўлдики, ... тўқувчи дўконлар... корхоналар тўхтаб қолди, уларнинг эгалари истаса – истамаса, ишларидан қўл узиб, айримлари ҳаммоллик билан шуғулланадилар, бошқа бировлари эса, хизматкор бўлиб, хасрат ва надомат билан бу дунёдан кўз юмдилар...»

Умуман Абдурауф Фитрат ўзининг бутун фаолиятини, инсонлар келажагига бағишлади. Унинг барча асарлари оммани фақат маърифатли бўлишга чорлабгина қолмади. Балки, барча инсонларни огоҳликка чақирди. Ўзбек халқи бой маданий, маънавий меросга эга эканлигини тарғиб қилди. Ўз асарларида юксак маънавийлик назарияларини яратар экан, бутун умри давомида уларни ҳаётга татбиқ этишни намунасини кўрсатади.

Жадидларнинг йирик вакилларидан яна бири Мунаввар қори Абдурашидхоновдир.

Одатда халқ ўртасида «исми жисмига монанд» деган фикр юради. Айнан бу фикр Мунаввар Қори Абдурашидхоновда ўз аксини топган десак, хато бўлмайди. Яъни «Мунаввар деган, нур олган, нурли» бўлса, «қори» сўзи Қуръонни маромига етказиб ўқийдиган инсон тушунилган. Зеро, Мунаввар Қори бутун фаолиятида нур тарқатиши ёки аниқроқ айтадиган бўлсак, инсонларни шу нур орқали зиёли бўлишга чорлади. Ўзи эса барчага намуна бўлди.

Мунаввар қори XIX асрнинг 90-йилларида жадидчилик фаолиятига қўшилган бўлса, XX асрнинг биринчи йилларидаёқ «усули жадид» мактабини биригчилар қаторида очиб улар учун дарслик ва қўлланмалар ёзиб нашр қилди. «Адиби аввал», «Адиби соний», «Тавжид ал-қуръон» (қуръон қироати), «Ер юзи» (география) қабилар шулар жумласидандир. Бу дарслик ва қўлланмалар 1901-1917 йиллар ичида 9-10 маротабагача алоҳида-алоҳида нашр этилган. Бу нашрларнинг ҳаммасида маърифатпарварлик гоялари ўз аксини топган эди. Аллома ўша вақтда маърифатпарварликка оид барча ишларни қўллаб-қувватлаган эди. 1914 йилда Тошкентда М. Бехбудийнинг «Падаркуш» драмаси биринчи маротаба сахнага қўйилиши муносабати билан у киши томоша олдидан театр ва унинг аҳамияти ҳақида нутқ сўзлайди. Шу муносабат билан Мунаввар қорининг фикрлари ҳақида шоир Тавалло куйидаги шеърни ёзган, унда шундай фикрлар бор:

«Чўх мунаввар этти оламни Мунавварқоримиз,  
Кўрдимиз равшанлиғидин феълимиз, атворимиз.  
Ибрат олинг ёшлар, деб тўқди кўздин ёшлар,  
Нутқида таҳрир эдуб, бизларни йўқу боримиз.

Чун кўнгулдай биз эшитдук, чин- ачиг айтган сўзи,  
Шунча бидъатларни билдук, вой, биз иқрормиз».

Мунаввар кори «Тараккий» газетасининг ташкилотчиларидан ҳисобланади. «Хуршид» газетасини эса асосчисидир. «Салон Туркистон» газетасини чиқаришда ҳам жонбозлик кўрсатган. 1917 йилга келиб «Нажот» газетасини чиқарган.

Унинг ташкилотчилиги, миллий манфаат изидан ҳаракат қилиши олий ватанпарварлик намунаси эди. Киши амалга оширган ишлар бир инсоннинг бир умрига тугул, балки авлод авлодларга стар эди. Аммо, Мунаввар кори мазкур қилинган ишлар билан чекланиб қолмади. Фаолиятини қизгин давом эттирди. Маърифатпарвар жалидлар билан бирга «Жамияти хайрия»ни тузди. 1913 йилда эса «Турон» жамиятини таъсис этди. «Мактаб», «Нашриёт» каби ширкатлар очди. Мақсад ёшларни ўз Ватани учун ҳаракат қилишга. Ватанпарвар бўлишга чорлаш эди. Уларни хорижий мамлакатлардаги дунёвий билимлардан хабардор қилиш, ҳамда ўзларини хорижий мамлакатларда бўлиб келишларига ёрдамлашни эди.

Мунаввар қорининг мақола ва асарларида нафақат ўзи яшаган давр ёки келажак акс этганди балки, тарихий воқеалар ҳам кенг ёритилганди. Жумладан «Адиби Соний» асаридаги ҳикояларидан бирида «Искандар ва Арасту» фаолиятини содда, кизиқарли қилиб ўқувчиларга етказди: «Ўтган замонда Искандари Румий бир подшоҳ бор эди,-деб бошланади ҳикоя.— Онинг Арасту отлиғ бир олим ва доно отаси бор эди. Искандар Арастунини ўз ёнига бош вазир қилуб, барча мамлакат ишларини топшурмиш эди. Бир иш қилса, шунинг маслаҳати ила қилур эди. Эшикдан келса ўрнидан туруб, жой берур эди. Ўзининг отасидан ортуқ иззат ва ҳурмат қилурди. Бир кун вазирлардан бири Искандардан сўрадики: «На учун Арастунини отангиздан ортуқ иззат қилурсиз?»

Искандар айтди:

«Отам гўёки мени осмондан ерга тушурди. Аммо устозим Арасту мени ердан осмонга кўтарди. Яъни отам мени дунёга келмоғимга сабаб бўлди. Шунинг учун устозимни отамдан ортуқ иззат қилурман».

Бу ҳикоядан хисса надур? Болаларнинг ўзлари топсунлар».

Мунаввар қорининг бошқа асарларида ҳам ҳаётгий воқеалар кундалик турмуш тарзи, сиёсий жараёнлар мохирлик билан ёритилганки, бундай ҳолат юксак маънавиятлиликдан далолат эди. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, Мунаввар кори Абдурашидхонов ўзбек матбуотинини асосчиларидан, ҳамда миллат тарихида биринчи навбатда йирик жамоат ва сиёсий арбоб сифатида тарихда қолди. Бутун фаолиятини Миллат ва Ватан тараққиётига бағишлади. Озодлик учун тинмай кураш олиб борди. Ўз вақтида у октябрь инқилобини ташвиш ва саросима билан кутиб олган эди. Қўқон (Туркистон) мухторияти тарафида бўлди. Мухторият бостирилганда, у афсусланди. Халқни маълумотли қилиш йўлларини излади.



1918 йилнинг баҳорида Туркистон халқ дорилфунининг мусулмон бўлимини тузди ва унга қисқа муддатда бўлса ҳам ректорлик қилди, тилшуносликдан дарс берди. Бу билан Ўзбекистонда Олий таълимни пайдо бўлишида ўз хиссасини қўшди.

Айтиш лозимки, Мунаввар қори шўролар тузумига қарши чиққан ва қарши курашган ватанпарварлардан эди. Натихада, ўша пайтдаги қора кучлар уни қамокқа оладилар. Лекин бироз вақтдан сўнг қамокдан озод қилинади. Сўнг ўқитувчилик билан шуғулланади. Жадидчилик тарафдори сифатида тўла фаолият кўрсатади. Иккинчи маротаба, яъни 1929 йилда яна қамокқа олинади. Унга миллатчи «тамға»си босилиб, 1931 йилда халқ душмани сифатида отиб ташланади. Минг афсуслар бўлсинки, халқ учун бутун умрини бағишлаган инсон охир-оқибат халқ душманига айлантирилади.

Бундай ҳолатлар ўша йилларда авжига чиқиб халқ фарзандлари турли ниқоблар билан йўқ қилинадилар. Мақсад жадидларнинг эзгу ниятлари, яъни халқ маърифатпарварлиги, юксак маънавият ҳомийларини тугатиш эди. Маълум маънода ўша давр лаганбардорлари бунга эришдилар ҳам.

Жадидлар вакиллари ҳақидаги қисқача саёҳатни яқунлар эканмиз, тахлил шуни кўрсатадики, жадидларнинг барчаси ҳам эзгу ниятлар асосида ҳаракат қилганлар, халқ манфаатини кўзлаб ишлаганлар. Шу сабабли, ҳам айтиш мумкинки, жадидлар фаолияти жамият, миллат, Ватан тараққаётига лоқайд бўлмаган ҳар бир инсонга намунадир.

### Таянч сўз ва иборалар:

Шайбонийлар даври фалсафаси, дунёвийликнинг заифлашуви, Мирзо Бедил, Машраб ва тасаввуф, Огаҳий, Аҳмад Дониш, чоризм истилоси, жадидчилик, тоталитаризм, жадидизм ғояси.

### Алломалар фикрларидан намуналар:

«Тўғрини де, тўғрини кўр, тўғри юр,  
тўғри эшит, тўғри гапир, тўғри тур».

Абдурахмон Жомий.

«Тўғрилик учрамас ҳечам балога,  
Сарв қуриса ҳамки ярар асога».

Сайдо Насафий.

«Менга не ёру, не ошиқ ҳавасдур,  
Агар мен одам ўлсам—ушбу басдур».

Алишер Навоий.

## Мавзуга оид тест саволлари:

### 1. Жадидчилик ҳаракатининг етакчисини белгиланг.

- а) Завкий;
- б) Махмудхўжа Бехбудий;
- в) Мунаввар кори;
- г) Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

### 2. Миллий мақсад, ғоя ҳақида фикр юритганда нимани тушунасиз. Мақсад бу - ...

- а) тарих хотираси;
- б) қонунга риоя этиш;
- в) миллатни бирлаштирувчи байроқ;
- г) фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи.

### Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995 й.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1995 й.
3. Турсунов И. Истиклолга интилган қалблар нидоси. Т.: 1993 й.
4. Усмонов М. Донишмандлар одоб – ахлоқ ҳақида. Т.: «Фан», 1996 й.
5. Умар Хайём. Наврўзнама. Т.: 1990 й.
6. Хўжа Аббос ўғли. Миллий ифтихор. Т.: 1995 й.
7. А.Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдли. Т.: “Маънавият” 1998 й.
8. Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадияят. Т.: “Академия” 2000й.
9. Фурқат. Танланган асарлар. Т.: 1975 й.
10. Огаҳий. Асарлар. 1 жилд. Девон. 1971 й.
11. Туленов Ж. Қадриятар фалсафаси. Т.: “Ўзбекистон” 1998й.

**Ҳозирги замон фалсафасидаги  
ворисийлик ва янгилиниш.  
Унинг илдизлари.**

XX асрда кўпгина мамлакатларда марксча-ленинча фалсафа кенг тарқалди. XX аср ниҳоятда шиддатли, зиддиятли, серкирралидир. Айниқса ижтимоий

тузумлар ўзгариши алоҳида диққатга сазовордир.

Илмий техника тараққиёти, атом, ядро қуроллари, қайта қуриш жараёнлари, космик фанларнинг ташкил топиши, дунё харитасининг мамлакатлар билан бойиши фалсафий тафаккурнинг ўзгаришига таъсир қилди.

XX аср, таъкидлаганимиздек, воқеаларга бой бўлиб, XIX аср охирида юз берган табиатшуносликдаги кашфиётлар бу аср ривожига туртки бўлди. Асосан, ижтимоий ҳаётнинг ривожланишига, айнан ижтимоий фалсафа муаммоларини қайта талқин қилишга олиб келди. Муаммоларни ечишга, ҳулосалар чиқаришга ёрдам берди. Шу сабабли ҳам Европанинг, жаҳонда фалсафанинг мавқеи, мавзуси эскирмади, балки янгирақ тус ва характерда намоён бўлди. XX аср бошларидаги революциялар, жаҳон уруши, социалистик революция, иккинчи жаҳон уруши, атом ва ядро қурулинини пайдо бўлиши, космик фазода олиб борилган илмий изланишлар, совуқ уруш муаммолари, социалистик мамлакатлардаги турғунлик йиллари, социалистик лагернинг тарқалиши, қайта қуриш жараёнларининг келиб чиқиши ижтимоий муаммолар бўлиб, улар кўпроқ фалсафа тараққиёти учун асос бўлди.

Марксча-ленинча фалсафанинг давр талабига жавоб бермайдиган хусусиятлари намоён бўла бошлади. Классик файласуфлар (Марксгача) таълимоти тарафдорлари яратган таълимотлар янги даврда янгирақ классик тус ола бошлади. 80 нчи йилларда платонизм, аристотелизм, томизм, спинозаизм, кантчилик, гегельчилик, нишчечилик каби таълимотлар XX аср шароитидан келиб чиқиб ривожлана бошладик, бу фалсафа тараққиётига таъсир этмай қолмади. Классик таълимотларни «ревизия» қилиш натижасида уларнинг ҳозирги давр долзарблиги анча ошди. Ижтимоий-сиёсий ҳолатни янгирақ талқин қилишга ўтилди. Айниқса, сўл католиклар билан махсус мафкурачилар (марксистик) ўртасида тортушувлар келиб чиқди. Бунга сабаб маълум даражада матбуотдаги диний шов-шувларни инкор қилиб бўлмайдиган ҳаёлий дашилларнинг пайдо бўлишидир. Шунингдек, Америка шифокорлар жамияти раиси доктор Уэйр Митчел билан академик Приччернинг руҳий кечинмалар тўғрисидаги тортушувлари янгирақ фалсафий ёндошшишларни талаб қила бошлади.

XX асрдаги фалсафани ижтимоий тараққиётда тутган ўрни муаммоси тортушувлар марказида турди. Бу муаммони илмий талқин қилишда антипозитивистик қарашлар устун келди: инсоннинг оламдаги

Ўрни, инсонийлик ва индивид, маданий қарашлар бирлиги, турличалиги, инсониятнинг цивилизация давридаги тақдир, ҳозирги замонда инсоннинг моҳияти ва тутган мавқеи, янги тафаккурлаш каби соҳалар давр талабидан келиб чиқди. Бу муаммоларнинг устувор йўналишни инсониятнинг яшаб кетиши, тинчликни сақлаш, дунёвий урушларнинг олдини олиш кабилар эгаллади. Аслида, илғор файласуфлар фикрича, бу муаммолар кўпроқ файласуфлар талқинидан узоқда бўлиб келган эди. Эндиликда уруш ва тинчлик муаммоси фалсафанинг марказий муаммосига айланиб бормоқда. XX асрдаги илмий техника революцияси оқибатлари ва натижалари муҳокамаси кенгайди, глобал муаммолар ўртага қўйилди. Табиатшуослик фанлари талқинига кўпроқ берилиб кетилди. Тинчлик ва уруш муаммоси ҳозирги кунда ҳам реал жавобни кутмоқда. Масалага ижтимоий ёндошувни талаб қилмоқда. Шу сабабли, мазкур соҳа билан 70-80 йилларда традицион файласуфлар эмас, балки социолог файласуфлар, журналист публицистлар, футурологлар ҳам шуғуллана бошладилар. Файласуфлар билан бирга улар ҳам материаллар тўплаб ўз қарашларини ўртага қўйдилар. Оламнинг, жамиятнинг ривожланишини фан ва техника тараққиёти билан боғлаб унинг қонуниятларини очишга кўмаклашдилар. Инсоният келажагини номарксист файласуфлар кадриятлар билан боғлаб тушунтирмоқдалар. Янги кадриятлар тўғрисидаги таълимотларни тушунтириш борасида фалсафада “эски” метафизиканинг “янги” метафизик фикрлари пайдо бўлмоқда. Келажак тушунтирилмоқда. Янги метафизика тарафдорлари давр нафасидан келиб чиқиб ўз мавқеини равшанроқ ошираётир. Яъни улар инсоннинг, жамият билан боғлиқ бўлган муаммоларини қайта таҳлил қилишга ундаётирлар. Бу муаммолар ичида: ҳукмронлик ва бўйсунуш, бўлакни бутунга нисбатан лаёқатсизлиги, индивидларнинг жамият олдидаги кучсизлиги ҳамда инсониятнинг асоси ҳисобланган борлик, космик жараёнлар ҳам муҳимдир.

Ҳозирги замон фалсафа ва социологиясида 80 дан ортиқ оқимлар мавжуд бўлиб, баъзиларининг номларини тилга оламиз, холос. Неогегельчилик, танқидий реализм, маданий консерватизм, мантиқий позитивизм, неорационализм, рационализм, мантиқий эмпиризм, постпозитивизм, “очиқ жамият” сўл католицизм, семантизм, неоструктурализм, радикализм, сциентизм, технократик детерминизм, экзистенциализм, Баден мактаби, витализм, антисциентизм, фрейдизм, фалсафий антропология, кантчилик, физикализм, христиан спиритуализм, критицизм ва бошқалар шу оқимлар жумласидандир. Бу оқимлар ўзларининг қарашлари ва назарияларига эга. Масалан, кантчилик Германияда Марбург ва Фрейбург фалсафий мактабларида (Коган Г., Наторп А.) пайдо бўлди. Кантчилик кадриятларни тиклашни тавсия қилди. АҚШ ва Англияда янги гегельчилик оқими пайдо бўлиб ироданинг ақлга нисбатан устунлигини таҳлил қилди. Классик рационализмдаги ирода масаласини Ф. Ницшеда ҳам кўрамиз. У материя, рух ўрнига “ҳаёт–ҳокимият томон интилувчи ирода”ни қўйдик, натижада Гитлер ундан фойдаланди. Анри Бергсон интуицияни ўртага қўйди. Ҳис-туйғу муаммоси

ҳал қилувчидир, деб чиқди. З. Фрейд эса психоанализм муаммосини ўртага қўйиб барча жараёнларни инстинкт билан боғлади.

XX аср юкорида таъкидлаганимиздек, фан ва техника асри ҳисобланади. Аммо техник таракқиётга ҳам бир теснисда баҳо берилмади. Баъзи оқимлар пайдо бўлдики, бу оқимларнинг баъзилари фан ва техникани бўрттириб кўрсатсалар, баъзилари эса унинг куч-қудратига ишонмадилар. Масалан, сценентизм халқ фаравонлиги илмий-техника натижаларида, деб билди. Барча ютуқлар, ўзгаришлар фаннинг таракқиётига боғлиқдир. Инсон оқимининг юкори поғонаси фан бўлиб, келажак эса шунга боғлиқдир. Бу таълимот ҳам баъзи файласуфлар томонидан танқид қилинди. Уларни антисценентизм деб юритдилар. Бу таълимот тарафдорлари фан ютуқларига пессимистик руҳда қарадилар. Ижтимоий прогресс фан билан амалга ошмайди, балки ақлий фаолият натижасидир. Улар илмий-техника оқибатларидан хулосалар чиқариб, фанни афсонавий жараён дейишгача борадилар. Технократик таълимотлардан бири технократик детерминизмдир. Ижтимоий-сиёсий фан ва техника таракқиёти технократик қарашларни келтириб чиқарди. Уни «информацион жамият» ҳам деб юритилди. Информацион жамият тўғрисидаги таълимотлар Арнольд Тойнби, Белл Даниэл, Эльвин Тофлерлар асарида берилган. «Информацион жамият» - компьютер ва телекоммуникация воситалари мужассамлигидан иборат бўлган жамият сифатида талқин қилинди. Хулоса шундан иборатки, XX аср фалсафаси кўпроқ Ғарбий Европада ривожланди. Лекин, собиқ СССРда, айниқса Ўрта Осиё республикаларида капиталистик йўлдан четлаб социализмга ўтиш тўғрисидаги фикрлар ҳам пайдо бўлди. СССР, Хитой, Вьетнам, Монголия мамлакатларида асосан марксистик фалсафа таҳлил қилинди. Ҳиндистонда ва бошқа ривожланган мамлакатларда секуляризм таълимоти ривожланди (Махатма Ганди, Ж. Неру, И. Ганди фаолиятлари). Ғарбий Европада 70-80 йилларда синергетизм ҳақида фикрлар юритила бошлади. Синергетизм оқими: барқарорлик ва беқарорлик ҳақида фикр юритди. Барқарорлик ҳодисасини ўрганиш шу даврга қадар билинмаган кўпгина жараёнларни тушунишга имкон яратди.

Синергетика ва диалектика муносабати тўғрисида фикр кетганда, баъзи оқимлар диалектиканинг эскирганлигини ўртага қўя бошлади. Синергетика тушунчаси, таъкидлаганимиздек, XX асрнинг 70-йилларида фанга кириб келди. У аввал табиатшунослик фанларида, кейинчалик ижтимоий фанларда, техникавий фанларда ўз-ўзини ташкил қилиш, ўз-ўзини бошқариш, тартибсизлик ҳолатларнинг умумий йўналишини, қонуниятларни билишга ўз фаолиятини қаратди. Бу таълимот биринчи марта белгиялик физик олим Иля Пригожин, немис физик олими Генрих Хакен ва бошқалар томонидан ўртага қўйилди. Ҳозирги даврда аксарият чет эл файласуфлари мазкур таълимот билан кизиқиб, уни чуқур ўрганмоқдалар. Турли мунозаралар кетмоқда. Чунки диалектика ва синергетика муносабатлари жиддий муаммо сифатида пайдо бўлди. Шу вақтгача XIX асрнинг ўрталарида пайдо бўлган диалектик материализм

табиат, жамият, инсон тафаккури ривожланишини фан ютуқлари асосида тушунтиришга ҳаракат қилиб келди. Лекин, XX асрда табиатшунослик фанларидан биология, математика, физика, кибернетика, механика, химия фанларида йирик кашфиётлар рўй бердики, уларни фақат диалектика томонидан таҳлил қилиш кифоя қилмай қолди. Файласуфлар диалектикадан воз кечмаган ҳолда синергетикани ҳам тафаккур услуби сифатида қўлламоқдалар. Ўзбекистонлик олимлар эса синергетикани диалектикани давоми, деб билимоқдалар (Бу борала файласуф Иномжон Рахимовнинг “Тафаккур” журналининг 1996 йил 2 сонидаги мақоласини ўқишингиз мумкин). Масалан: Иномжон Рахимовнинг фикрича, XX асрда табиий ва ижтимоий фанлардаги кашфиётлар натижаси ўлароқ, объект билан субъект, моддийлик билан маънавийлик, тадқиқотчи билан унинг объекти, табиат билан жамият, турли табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларга янгича ёндошув бошланди. Унинг моҳияти шундан иборатки, фан ва фалсафанинг ўзаро фарқи, энди улар орасидаги зиддият, қарама-қаршилик ҳамда онтогенизм тўғрисида эмас, балки ҳамкорлик, бирлик ҳақида фикр юритишни тақозо қилмоқда. Демак, синергетика инсон ҳаётида, фан тараққиётида илгари учрамаган янги муносабатларни фалсафий таҳлил қилувчи йўналиш сифатида пайдо бўлди.

Диалектика тараққиётининг сабабларини қарама-қаршилик бирлиги ва қураши, миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўзаро ўтиши, инкорни инкор қонунида деб тушунтиради. Синергетика эса бу қонунларни тараққиётни тушунтиришда ягона манба деб қарамайди, балки тамаддун (цивилизация) тараққиётига хос бош принцип узлуксизлик, босқичма-босқич ривожланиш ва мувозанатсизлик, бекарорликнинг барқарор сифат касб этиши каби қонуниятларни шарҳлаб бермоқдаки, улар фан, ижтимоий ҳаёт тараққиётида борган сари исботини топмоқда. Жумладан, эндиликда маълумки, олдин айтиб келинганидек ўзгаришлар инкилобсиз ҳам пайдо бўлар экан (Ўзбекистон мустақиллиги мисолида).

Тараққиёт табиат ва жамият, инсонлар билан инсонлар ўртасидаги ҳамкорлик муштаракликдан келиб чиқади, у эволюциондир. Демак, тараққиётда революционлик ягона йўл эмас.

И. А. Каримов таъкидлаганидек, катта сакрашлар, тубдан вайрон қилиш йўли билан эмас, балки бир босқичдан иккинчи босқичга кетма-кет ўтиш, яъни эволюцион тарзда илгарилаб боришни ўзимиз учун қатъиян танлаб олдик. Бу назарий хулоса фалсафа учун муҳимдир.

Синергетика асосан тараққиёт жараёнида бекарор ҳолат билан барқарор ҳолат, мувозанатсизлик билан мувозанат ўртасидаги муносабат қонунига таянади. Барқарорлик, мувозанатсизлик сўзларига фақат салбий нуқтаи назардан қарамаслик лозим, унинг ижобий томонларини эсдан чиқармаслик керак. Бекарорлик ва барқарорлик ҳам қонуният ва сабабият натижасида микродунёнинг ўзи ҳам тўлқин ва корпускулярлар назариясига кўра яхлит бўлганидек, борлик ҳам барқарорлик ва барқарорликнинг ўзаро

муштараклигидан иборат. Шу сабабли ҳам улардан бирортасисиз дунёни атрофлича ўрганиб бўлмайди.

Демак, XX асрда тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, илмий-техник революция жараёнлари, маънавий-маданий фаолиятлар, фалсафа муаммолари сифатида акс этдики, улар гоҳида салбий, гоҳида ижобий очилди.

### **Позитивизм фалсафаси.**

XX аср фалсафасида позитивизм фалсафаси муҳим ўрин тутди (позитивизм-ижобий деган маънода). Бу оқим XIX асрнинг ўрталарида пайдо бўлиб, унинг вакиллари Джон Стюарт, Милль Герберт Спенсер, Огюст Контлардир. Уларнинг фикрича, билим олиш учун махсус фанлар фалсафадан холи бўлиши ва ривожланиши лозим. Бу оқим XIX асрнинг 30-чи йилларида Европада кенг тарқалди. Масалан: позитивизмнинг йирик вакилларида бири Герберт Спенсер ўзининг 10 томлик “Синтетик фалсафа” номли китоби устида 36 йил хизмат қилар экан, У. О. Конт узидан бориб билим тизимини яратишга интиланган. Эволюцион таълимотини ижтимоий ҳаётга боғлаган. Шахснинг ривожи, эволюциянинг олий мақсади, деб тушунган. Француз файласуф социологи Торд Габриэль эса жамиятни химияга ўхшатган. Жамиятнинг хужайраси бу онгдир. Шу сабабли – дейди у, жамиятнинг бошланғич нуктаси индивид руҳиятидир. Жамият шу индивидуал онглarning ўзаро ҳаракати маҳсулидир. Француз файласуф-социологи Дюрк Гейм Эмиль фикрича, табиатшунослик фанларига суяниш ижобий натижалар беради. У ижтимоий бирлик ғоясини олға сурди.

Немис олими Тённис Фердинанд эса фалсафада “соф” тушунчалар яратишни таклиф қилди. У ўзининг “Жамоа ва жамият” асарида эрк муносабатларини таҳлил қилди. Ирқчилик ғоясига қарши чиқди. У антифашист ва демократ эди. Олдинги даврда буржуа фалсафаси деб аталган позитивизм, кейинроқ, Россияда кенг тарқалган эди. Улар табиий фанларни позитив, яъни ижобий ёки аниқ фанлар деб атаганлар. Позитивистлар табиатшунослик кам тараққий қилган, ҳали айрим фанлар тарқоқ бўлиб, олам ҳақида умумий тасаввур бера олмаган, ҳар бир фаннинг ичида ҳали-ҳали кўпгина камчиликлар бўлган вақтдагина фалсафа керак бўлган эди, деб даъво қилганлар. У даврда фалсафа (табиат фалсафаси) сифатида ҳақиқатан ҳам ўзини оқлаган эди. Чунки, ўша вақтларда файласуфлар ўзларининг хаёллари, тахминлари асосида оламнинг бирлиги ва ривожланиши манзарасини ўйлаб айтиб берар эдилар. Аниқ фанларнинг камчиликларини тўлдирдилар. Айтилган фикрларни баъзилари кейинроқ, илмий кашфиётлар билан тасдиқланар эди. Баъзилари тасдиқланмас эди. О. Контнинг фикрича эндиликда бундай ҳолат зарур эмас. Табиий фанлар ўзлари мустаҳкамланиб олдилар. Табиий фанлар фақат хусусий соҳаларни эмас, балки умумий томонларни, дунёқараш масалаларини ҳам тушунтириб бера оладилар. Табиатшуносликнинг ўзи фалсафадир. Фалсафа эса кераксиз нарсага

айланиб қолган эмиш. Унинг фикрича, фалсафа ҳатто, фан учун зарарли ҳамдир. Чунки, у муайян дунёқарашга қатъий амал қиладиган соҳадир. Бу эса гўё илмий тадқиқотнинг объектив бўлишига тўсқинлик қилар эмиш.

Уларнинг фикрича, фалсафанинг асосий вазифаси табиатшунослар учун билиш назариясини муҳокама қилиш ҳамда хулоса чиқариш, уларни ўзгартириш формал қондаларнинг мажмуи ҳисобланган логикани ишлаб чиқишдан иборат бўлиши керак. Марксистик фалсафа бунга қарши чиққан. Марксистларнинг фикрича, дунёқарашга эга бўлмаган олимнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Лекин позитивистлар ҳар қандай фалсафани ҳам рад қилдилар. Улар субъектив идеалист сифатида шаклланди. Одамлар тажрибаси учун керак бўлган жараёнларни, нарсаларни эътироф этдилар. Тажрибани муболағалаштирдилар. Тажриба деганда, одам сезгиси ва идрокнинг йиғиндисинигина тушундилар. Улар ҳар бир буюм, шакл, ранг, таъм, хиднинг йиғиндисидир, у фақат субъектни унинг идрок этганлиги сабаблигина мавжуддир, деб таъкидлайдилар. Бу билан позитивистлар ўзларини табиатшунослик файласуфлари қилиб кўрсатдилар. Фандаги кашфиётларга ўзларининг алоқадорликларини кўрсатиб турмоқчи бўлдилар. Аммо таъкидлаш лозимки, улар (позитивистлар) фалсафа ҳамда табиатшунослик фанларини тараққий этишига туртки бўлдилар, кўпгина муҳим муаммоларни ўртага қўйдилар.

Позитивизм тараққиётида иккинчи босқич Э. Мах ва Р. Авенарислар томонидан яратилди. У Махизм номи билан юритилиб hozirги даврда неопозитивизм номини олган. Махизм XIX аср охири ва XX аср бошларида етакчи роль ўйнаган фан бу - физика бўлиб унга таянганлар. Улар физикада революция юз бергани ҳамда материя, ҳаракат, фазо, вақт, сабабият ва ҳоказолар ҳақидаги эски метафизик тасавурларни тубдан емириб ташлагани сабабли, пайдо бўлган кийинчиликлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар. Булар ҳам табиатшуносликнинг ўзи дунёқараш масаласини ҳал қила олади, деб даъво қилдилар. Фалсафанинг вазифаси билиш назариясига тўғри баҳо бериш билан боғлиқдир дейдилар. Материализм ва идеализмларнинг фаолиятларини чекланган, деб тарғиб қилдилар. Бу билан ўзларининг учинчи йўлда турганликларини намоён қилмоқчи бўлдилар. Гўёки, янги фалсафа яратдилар. Баъзида эса ўзларини фалсафада бетараф қилиб кўрсатдилар. Марксизм фикрича, бундан икки минг йил муқаддам фалсафа партиявий бўлгани сингари бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Бу эса нотўғри эди.

Позитивизмнинг кейинги босқичи бўлиб ҳисобланган неопозитивистлар XX асрнинг 20-30 йилларида эмпириокритицизм негизида ташкил топган. Махнинг шогирдлари, бу оқимларни ташкил қилувчилардир. Уларни неомахчилар, деб ҳам юритилади. Неопозитивистлар материя билан онг, жисмоний ҳолат билан психик ҳолат, материализм билан идеализм ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши, сўзларнинг ихтиёрий равишда нотўғри қўлланишидан келиб чиққан чалқашликдир, деб фикрлайдилар. Шу сабабли, логиканинг вазифаси ҳам тил “символлари”ни аниқлаш йўли билан бу қарама-



қаршиликларнинг олдини олишдир. Тафаккур, тажрибамиз олами ҳеч қандай янгилик кирита олмайди, инсон сезгиларидан ташқарига чиқиб кета олмайди. Неопозитивистлар-махчиларнинг ўзлари материя сўзидан воз кечишни талаб қилган бўлсалар, уларни давомчилари эса фазо, вақт, сабабият ҳақидаги илгариги тасаввурлардан нисбийлик ва квант назарияларидан фойдаланиб қутулмоқчи бўлдилар. Уларнинг объективлигини эътироф этмадилар. Неомахизм (неопозитивизм) кейинчалик логик позитивизм, деб ном олди. Булар инсоният фалсафасини инкор этиб, логик терминлар орқали фалсафани ўзгартиришга интилдилар. Фанлар логикасини ишлаб чиқишга қаратдилар. Барча ҳодисаларнинг мантикий таҳлилини йўлга қўйиш керак деб туриб олдилар. Ҳаётдаги фалсафий муаммолардан воз кечишга чақириб ҳамма чалкашликлар фалсафада, деб тарғиб қилдилар. Логик позитивистларнинг йирик вакили Р. Карнап фикрича, фалсафа деб аталган чалкашлик ўрнини фан логикаси эгаллаши лозим. Фалсафага бундай нормал-терминологик жиҳатдан, тил жиҳатидан ёндошиш 30-йиллардаги логик позитивизмдан ўсиб чиқиб, семантик фалсафа деб аталган фалсафа томонидан ривожлантирилди. Семантик файласуфлар тилнинг жамиятдаги ролини муболағалаштириб юбордилар (Семантика, тилшуносликнинг сўз ва иборалар маъносини ўрганадиган соҳасидир). Логик позитивистларнинг билиш назарияси ҳам махчилар билиш назариясини такрорлайди.

Уларнинг вакиллари Р. Карнап, О. Нейрат, Г. Рейхенбах, Бернард Рассел, К. Поппер; пост позитивистлардан Т. Кун, П. Файербендлардир. Неопозитивизм илмий билишда “символ” ёки белгиларнинг ўрнини талқин қилди. Билимларни математикалаштириш, формаллаштириш тўғрисидаги фалсафий фикрларни ўртага қўйди. Улар махсус илмий билимларни бирдан-бир илмлар, деб ҳисоблайдилар. Неопозитивистлар фалсафанинг вазифаси тилшуносликни таҳлил қилишдир, деб чиқдилар. Неопозитивизм вакиллари мантиқ ҳамда тилшуносликнинг мураккаб соҳаларини ҳозирги замон муаммоларига мослаштириб таҳлил қилдилар. Шу маънода неопозитивистлар фалсафада ижобий натижаларга эришдилар. Фалсафани жиддий ривожлантиришга уриниб, табиатшунослик олдидаги вазифалар фалсафанинг ҳам олдида туриши кераклигини эътироф этишга киришдилар. Фалсафани ижобийлаштиришга қилинган ҳаракат уни табиатшунослик, математика, техник фанлар билан яқин бўлган тармоқлари, бўлимларини тубдан янгилашга олиб келди. Бу таълимот тарафдорлари логика ва бошқа фанларнинг методологиясини ривожланишига ғоят катта таъсир кўрсатдилар. Неопозитивизм илмий билишда илгари суриладиган барча фикр қарашларнинг илмийлиги, ҳақиқатлигини тажриба нуқтаи назардан аҳамиятини текширишни талаб қиладилар. Билимларнинг сохталикдан холи бўлишини истадилар. Шу сабабли верификация (ишонтириш) тамойилини олға сурдиларки, бу тамойил фалсафий фикрлар ривожига ёрдам беради. Неопозитивистлар ўз таълимотида формал логикани ривожлантирдилар, тилни таҳлил қилишнинг тез формаллашиб боровчи янги типини вужудга келтирдилар.

Улар (Рассел, Карнап, Витгенштейн) таълимоти натижасида кибернетика, информатика ва бошқа соҳалар тараққий қилмоқда.

XX асрнинг 60-йилларида Францияда структурализм (тузилиш) оқими пайдо бўлиб, улар ҳам гуманитар-тилшунослик, адабиётшунослик, этнография, психологик, тарих фанларидаги методологик жиҳатларни таҳлил қилдилар. Структурализм таълимоти объект структурасининг тузилишини тушунишда таҳлил системаси орқали ёндошишга боғлиқдир, деб тушунтиради. Системали ёндошиш мураккаб объектларни илмий таҳлил қилишга чақиради. Улар объектларни ўрганишда ҳар-хил поғонали тузилишни эътироф этишга ундайди. Ташқи ва ички алоқалар системасини аниқлашга қаратади. Бу принцип ижтимоий ҳаётга ҳам тааллуқлидир. Бу оқимнинг асосчиси Клад Левистрос бўлиб, у ўзининг «Структурная антропология» номли асари билан машҳур.

XX аср оқимларидан яна бири бу «Феноменология» (феномен грек тилидан олинган бўлиб, юз берувчи, логос-таълимот) икки онг феноменлари, ходисалари тўғрисидаги таълимот демакдир. Бу оқим немис классик файласуфи Г. Гегельга бориб тақалади. У ҳозирги замон фалсафасида янгича тус олиб, Эдмунд Гуссерл томонидан олға сурилган. Фалсафий фан сифатида ўртага қўйилган. Феноменология билиш жараёнига катта эътибор беради. Бу йўналиш фикрича, билишнинг бирдан-бир манбаи феномен ёки онг ходисаларидир.

Фалсафа тараққиётида прогматизм оқими ҳам бўлиб, унинг давомчиси инструментализмдир. Асосчиси америкалик файласуф-социолог Джон Дьюидир. У ўзининг «Как мы мыслим», «Логика», «Теория исследования» асарларида турлича ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқди. Унинг фикрича, интеллект бу инструмент (ускуна)дир. Инсон келажагини аниқлаш вазиятини билиш, инсоннинг ўзини хулқ-атворини тартибга солувчи бир инструмент (ускуна) сифатида қарамоғимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бу оқимлар таълимотларининг ижобий томонлари бўлиб, марксистик фалсафа билан таққослайдиган бўлсак, улар ижтимоий ҳаёт, табиатшунослик фан ютуқларини амалиёт билан боғлашда бир мунча илғорликка эгадирлар. Айниқса, инсоннинг маънавий қиёфаси, унинг фаолиятини ёритилиши, ҳар бир асар ва фалсафий муаммоларда сезилади. Бу эса, бизнинг республикамиздаги маънавият жараёнлари талқини, унга берилаётган эътибор нуктаи назаридан ёндошадиган бўлсак, уларнинг ҳақиқий ҳаётийлигидан далолат беради. Уларнинг фикри ва мулоҳазаларида маънавият, маданият фан-техника муаммоларини инсонга қаратиш, унга хизмат қилдириш гоъялари марказий ўринларни олган.

XX асрда фан тараққиёти анча олға кетган бўлсада, лекин шундай бўлишдан катъий назар фалсафада бу жараённи мукамал эътироф этмайдиган оқимлар ҳам пайдо бўлди. Шулардан бири иррационализм оқимидир (Иррационализм-ғайри ақлий маънода). Бу таълимот тарафдорлари инсон тафаккурини билиш имкониятлари чеклангандир, деб тарғиб қилдилар. Билиш бу интуицияга, ботиний кўз билан ёндошишга, ҳиссиётга, инстинкнга боғлиқ, деб тушунтирдилар. Уларнинг фикрича,

инсон ўз ақли ёрдамида борлиқнинг сирларини била олмайди. Вокеликлар қонуниятлардан маҳрум, у тасодифларга бой, кўр-кўрона иродага бўйсунадиган нарсалардир. Бу оқим вақиллари Ницше, Бергсон Шпенглерлар бўлиб, улар интуиция ҳар қандай туйғудан, иродадан, интеллектдан устун туради, деб тушунтирадилар. Бу фалсафа тарафдорлари марксистик фалсафани танқид қилиб чиқдилар. Жамиятни социалистик қайта қуришга қарши чиққанлар. Иррационализмдан фарқ қилувчи рационализм тарафдорлари эса, уларга қарши чиқиб инсон ақли ва фаросати, тафаккурини бўрттириб кўрсатдилар.

**Экзистенциализм  
фалсафаси. Ғарб  
мамлакатларида жамият  
фалсафаси. Жамият  
ҳақидаги назариялар.**

XX асрнинг 20-30 йилларидаги ҳаёт фалсафасининг ўрнини, иррационализмнинг иккинчи варианты сифатида экзистенциализм эгаллади. Экзистенциализм (яшаш, мавжуд бўлиш демакдир) энг нуфузли оқимдир. Ақлий фаолиятни танқид қилувчи

иррационализмга яқин таълимотдир. Бу оқимнинг фикрлари рус файласуфлари Бердяев ва Шестов асарларида ҳам учрайди. Кўпроқ биринчи жаҳон урушидан сўнг Германияда пайдо бўлган.

Карл Ясперс ўзининг “Фалсафа”, “Ақл ва экзистенция”, Мартин Хайдеггер “Борлиқ ва замон”, “Кант ва метафизика”, “Метафизикага кириш”, Габриэль Марсель “Метафизика кундалиги”, “Бор бўлмоқ ва эга бўлмоқ”, “Одамлар инсонийликка қарши”, Мартин Бубер “Дин ва фалсафа”, Жон Поль Сартр “Борлиқ ва ҳеч нима”, “Диалектик ақлини танқид”, Альберт Камю “Сезиф ҳақидаги афсона”, “Исён ҳақида мулоҳаза”, “Исёнкор инсон” ва бошқа асарларида мавжудлик фалсафаси муаммоларининг турли соҳаларини ёритдилар. Экзистенциализмнинг асосий тушунчаси экзистенция бўлиб, бу тушунча инсоннинг асосий, ҳаммадан кўпроқ онгсиз дастурини, инсоннинг ички борлигини ифодалайди. Инсон ички борлигини сақлаб қолиш учун курашади. Агар инсон яшашнинг бемаънилигини тушунса, сезса ички борлиққа эътиборни қаратади. Уларнинг фикрича, даҳшат ва қўрқув инсон яшашининг асосини ташкил этади. Борлиқ жоҳиадир, у мантиққа хилофдир.

Таъкидлаш лозимки, экзистенциализм фалсафасининг асосий диққат-эътибори инсондир. Инсоннинг жамиятдан бегоналашуви масаласидир. Инсон ҳаётининг ҳозирги босқичида у бегоналаниш натижасида фалокатга йўлиқиши мумкин. Чунки унинг фалокат натижасида қўрқув хис-туйғуси биринчи ўринга чиқади ва у жамиятдан бегоналашади. Шу пайтда ҳам инсон ўзини “Мен”лигини йўқотмаслиги лозим. Энг қийин пайтда ҳам ўз ҳаёт мазмунини топиши керак. Маънавий жараёнлар экзистенциализм фалсафасида кўпроқ ёритилган. Инсон, дейди улар, ўз мавжудлигини чуқур маънавий зиддият, парокандалик, ҳолатида англай олади. Ўзини “экзистенция” (мавжуд) тарзида англаётган инсон ўз эркини топади. Бу фалсафада инсоннинг ноёблигига эътибор қаратилган. Экзистенциалистлар инсонпарварлик ғояларини олға сурдилар.

Республикамизда мустақиллик фалсафасининг тараққий этаётганлиги, ушбу фикрларнинг ноёблигини исботламоқда. Минг афсуслар бўлсинким, маълум тарихий даврларда биз экзистенциалистлар таълимотини фақат танкидий нуктаи назардан ўрганиб, коралаб келдик, холос.

Ҳозирги замон экзистенциалистлари ўлим муаммоларига ҳам диққатни тортадилар. Ҳаёт бу-ўлимнинг борлиғидир. Маълумки, инсон туғилгандан сўнг ўз мавжудлигининг сўнгги нуктасига қараб боради. Ўлим, хоҳлаган пайтда ҳаёт ипини узиб юбориши мумкин. Бу маънода улар инсонни ўлим билан курашишларини, ҳаётни узайтириш, яхшилаш каби соҳаларни ҳисобга олмайдилар. Маълумки, ўлимнинг кўп қирралари диний томондан ҳам талқин қилинади. Айниқса, диний фалсафа бунга кўпроқ эътиборни қаратади.

Экзистенциализмнинг йирик вакилларида бири Сёрен Кьеркегор (1813-1885)дир. У ўзининг «Кўркинч ва ҳаяжон», «Кўркинч тушунчаси», «Фалсафий қарашлар», «Ўлим хасталиги» каби асарларида инсон – инсонлар фаолиятини акс эттирди. Бу асарлар кинояли ва адабий усулда ёзилган бўлиб, анъанавий фалсафий баён қилишдан фойдаланилмаган. Унинг нима демоқчи бўлганини аниқ тушуниш қийин бўлсада, инсон ҳаётидаги ҳодисаларнинг ижобий жиҳатларини ўта моҳирлик билан баён қилган. У инсон мавжудлигининг моҳияти нима, инсон ҳаётида нималар керак каби саволларга тўла жавоб беришга интилган. У ҳаёт йўлининг эстетик, этик ва диний босқичларини тушунтиради. Эстетик босқич орқали ҳамма нарсалар узоқ истакларга мойил истиқбол билан боғлиқ ҳолатлар орқали тасвирланади. Мазкур босқичда индивид ҳаётга ахлоқий юксакликлар орқали муносабатда бўлмайди. Бу босқичда инсон пассив кузатувчидир. Этик босқичда эса инсон ўз елкасига мажбурият олади. Яъни ахлоқий ирода турига асосланувчи этик тамоишлар тўғрисида бош қотиради. Диний босқичда эса мавжудлик фақат бир индивид билан чекланмаслик ва тирик худога ишонч бўлиши билан характерланади. Диний босқичга ўтиш бу ноаниқликка сакрашдир. Инсон муайян тарихий худога, эътиқод ёрдамида, индивид универсаллигидан ҳалос топади ва фонийликни боқийликда тушунади. Умуман, Кьеркегор фалсафасида инсон фаолиятига ургу бериш билан бирга жамият ҳам унутилмайди. Ахлоқий ва диний жиҳатлар шахс ҳаётида муҳим омиллар эканлиги тушунтирилади. Объектив ва субъектив ҳақиқат жараёнларининг моҳияти таҳлил қилинади. Файласуфнинг асосий мақсади ҳақиқатлар ҳақида илмий ёки диний фикрлар бўлмасин, улар соҳасида бирор нарса айтиш эмас, балки «субъектив» ҳақиқатнинг инсон учун муҳим эканлигини кўрсатиш эди.

Европа мамлакатларида, XX аср давомида жамият фалсафасига жиддий эътибор қаратилди. Натижада турли назариялар пайдо бўлди. Ана шундай назариялардан бирини “индустриал ва пост индустриал жамият” назарияси, деб номладилар. Бу таълимотнинг асосчилари француз файласуфи Р.Арон ва америкалик социолог сиёсатшуно У.Ростоулардир.

“Индустриал жамият” назариясида янги технология ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади ва унинг ёрдамида хур ва фаровон жамиятга ўтилади. Бу назариянинг асосий моҳияти шундаки, илгор жамиятни ўлчови бу ишлаб чиқаришнинг такомиллашишидир. Ишлаб чиқариш натижасида мўл-кўлчилик бўлади.

Бу назарияга яқин бўлган “пост индустриал жамияти” назарияси капиталистик жамиятга нисбатан устунроқ бўлган жамиятни асослашга қаратилган назариядир. Ўз навбатида коммунистик жамият назариясининг муқобили сифатида шаклланган.

Юқорида таъкидланган Р. Арон ва У. Ростоулар таълимоти юқори босқичи тушунтирувчи назариядир. Уни кўзга кўринган вакиллари Белл, Кан, Бзержинский, Тофлер, Фурастье, Туренлардир. Бу таълимот тарафдорларининг фикрича, жамият тараққиёти техник тараққиётга боғлиқ. Технологик детерминизм ривожни жамият ҳаётини белгилайди. Техник тараққиёт бирламчи, иқтисодиёт эса иккиламчидир, учинчи жараён фан ва маорифдир. Ёки бошқача айтганда, “пост индустриал жамият” уч босқичдан 1) техникавий; 2) саноат ишлаб чиқариш; 3) фан ва маориф юксак даражада такомил топган жамиятни пайдо қилади. Бу босқичларда жамият ўзининг махсус ривожланиш хусусиятларига эга бўлади.

Жамият ҳодисаларини тушунтиришда америкалик социолог Т. Парсонс (1902-1979)нинг таълимоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки у инсон ва жамиятни ҳаётга нисбатан мослашиб бориш концепциясини ишлаб чиқди. Ижтимоий ҳаётда ҳам “организмда бўлганидек модда” алмашинув жараёни бор. Бу алмашинув маданият, ижтимоий турмуш шахсий ва бошқа соҳаларда амалга ошади. Ўз навбатида бу алмашинув иқтисодий жиҳатлар билан боғлиқдир. Улар бирлашганда ҳаёт меъёри ўзаро мослаша боради.

XX асрнинг кўзга кўринган файласуф ва социологларидан бири Карл Раймунд Поппер (1902-1994)дир. Поппер ўз фаолиятида фанларнинг мантикий ва методологик жиҳатларига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, илмий билимлар тараққиётга таъсир этади. Поппер таълимотида инсон ижтимоий тараққиёт қонунларини белгилаб бера олмайди. Жамиятда, табиатда, инсон фаолиятида белгиланган ёки ўзгармайдиган детерминистик ҳолатнинг ўзи йўқ. Унинг фикрича, эмпирик ва назарий жиҳатлар органик ҳолда боғланган ва алоқада бўлсада, улар ҳам хатолардан холи эмас.

Жамият фаолиятини тушунтиришда яна қуйидаги оқимлар ўз фикрларини билдирадilar. Шулардан бири объективизмдир. Объект – лотинча *objectum* – нарса, ҳодиса маъноларини англатади. Объективизм деганда воқеликни, ижтимоий ҳаётдаги жараёнларни ва омилларни пассив, юзаки акс эттириб, таҳлил қиладиган бир йўналиш, оқим тушуниланган. Объективизмнинг маъноси кўпгина адабиётларда марксизм қарашлари асосида тушунтирилган. Марксизм, ленинизм тарафдорлари объектив сўзни инсон онгидан ташқаридаги воқеликни билишга қаратилган ибора сифатида ҳам қўллаганлар. Шу сабабли, объективизмнинг фаолиятини

капиталистик система билан боғлаб, синфийликни яширишда хаспўштлашга уринувчилар, деганлар. Вахोलанки, объективизм тарафдорлари капиталистик системанинг объектни зарурият асосида ривожланишини тарғиб қилганлар. Марксизм классиклари объективизм сўзини ўз манфаатларидан келиб чиқиб тушунтирганлар. Уларнинг фикрича, объективизм деганда – бу кадрийларни фалсафий билишни эътироф этмайдиган партиявий ва танкидий хулоса мулоҳазаларни холисона бера олмайдиган муносабатдир, деб айтганлар. Шу сабабли, объективизмга тарафдор бўлганларга шубҳа билан қарашни тарғиб қилганлар. Сабаби, уларнинг таълимоти, инсоннинг ақлий тафаккур доирасини қисқартириб, фанни бетараф қилиб, партиявийликни инкор қилганлар. Инсонлар фаолияти орқали пайдо бўлган янгиликларни кўра олмайди. В. И. Лениннинг фикрича, гўёки марксистлар объективизм тарафдорларига нисбатан объективликни изчиллик ва чуқур моҳият билан тушунадилар. Уларгина объективликни илмий объективликка кўтаради. Фалсафада объективизмни марксча-ленинча бирёклама тушунишнинг моҳияти шундаки, улар барча ҳодисаларни пролетариат диктатураси мафкурасининг партиявийлик тамойили асосида тушунишга ундайди. Бу эса объективизмни тор маънода тушунишга олиб келади. Воқеа ва ҳодисаларни ҳар тарафлама фикрлашдан четга йўналтиради. Аслида, ҳар бир инсоннинг нарса ва ҳодисаларни қандай ва қай аҳволда бўлишидан катъий назар, уларга холисона ёндошишгина объективизмдир.

Объективизмга собиқ совет давридаги адабиётларда ҳам воқеа ва ҳодисаларга чегараланган, пассив ҳолда ёндошиб, уларни оддий ҳисобга олувчи, уларнинг мавжудлиги, заруриликларини далилларсиз ифодаловчи сифатидаги таълимот, дея қаралди. Чунки бу таълимот тараққиётда синфлар ва партиялар курашини инкор этувчи бўлиб, фан ютуқларини халқ манфаатларидан ва революцион курашдан узоқлаштирувчи таълимот сифатида шаклланган. Буржуа синфининг эксплуататорлик ҳамда синфий жиҳатларини эътироф этмаган. Ноилмийликни илмийликдан фарқ қилмаган. Объективизмда воқеликка маданий, тарихий жараёнларга нисбатан нигилистик ёндошиш ҳам бўлган. Маркс фикрича, объективизм историяграфияси тарихий муносабатларни инсон фаолиятдан узоқлаштирган ҳолда алоҳида таҳлил қилишдир. Объективизмни таҳлил қилишда иккала оқим ҳам жамиятга нисбатан бўлган қарашда ўз муносабатларини билдирадилар, яъни қайси жамият, социализм ёки капитализмнинг қайси бири инсонлар учун холисона фаолият кўрсатади, деган саволга жавоб излайдилар.

Объективизм–ижтимоий, сиёсий соҳадаги мақсадларда партиявий хулосалардан узоқ бўлган ва маълум йўл танлашга ёрдам берувчи муносабат ёки дунёқараш бўлиши лозим.

Омиллар назарияси (далилоров теория – лотинча factor- делающий, производящий-бажарувчи, ишлаб чиқарувчи) жамият тараққиётини белгилашда кўплаб сабаб ва шароитларни ҳисобга олувчи ижтимоий соҳадаги таълимот. У XIX асрнинг охирида Фарбда ва Россияда тарқалган

позитивистик социология йўналиши сифатида пайдо бўлган. Вакиллари: М. Вебер, Г. Моска, М.М. Ковалевский, Н. Кареевлардир. Бу йўналиш жамият тараққиётидаги иқтисодий, диний, ахлоқий, техник маданий ва бошқа таъсир этувчи омилларни бир-бирдан фарқ қилмайдиган, ижтимоий йўналишдир. Аслини олганда, жамият ривожланишида битта сабаб ёки омил борлигини эътироф этувчи йўналишлар ҳам бор. Масалан, географик, демографик, психологик, кейинроқ, технологик, детерминистик йўналишлар шулар жумласидандир. Бу йўналишларда, баъзида, субъектив омиллар ҳам бўрттириб кўрсатилган. М. Вебер ва М.М. Ковалевскийларга қарши чиққан, Маркс, уларни вульгарча материалистликда айблаб, жамият тараққиётидаги бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш усулини асосий омил, деб кўрсатган. Шу муносабат билан омиллар назарияси асосчилари марксизмни иқтисодий детерминизмчилар, дея айблашган. Омиллар назарияси тарафдорларининг фикрича, социология жамият ҳаётидаги асосий омилларни аниқлаши ва изохлаши шарт эмас, балки омилларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқласа бас. Омиллар назариясида узук-юлуқлик (эклeктик) ёндошиш устунроқ бўлиб, унда изчиллик етишмайди. Бу таълимотда жамият тараққиётидаги моддий иқтисодий жараёнлар илмий асосланмаган. Тараққиётни ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, инсонларнинг руҳияти ва фаолияти билан боғлаб қўядилар. Марксизм омиллар назариясини жамият тараққиётидаги ўрнини инкор этмайди. Лекин асосий омилларни белгилаб олишни тарғиб қилади. Ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучларидан хулоса қилиб ишлаб чиқариш усулига асосий эътиборни қаратади. Бундай қараш жамият тараққиётини бир бутун ва биргаликда тушунишга ёрдам беради. Бинобарин, марксизм фикрича сиёсий, фалсафий, диний, адабий, бадний қарашлар иқтисодий ривожланишга муайян таъсир этади, шу сабабли, улар иқтисодий ривожланишни белгилашдаги муҳим омиллардир.

Омиллар назарияси социологияда плюрализмни акс эттирсада, жамиятни объектив қонунлар асосида ривожланишига эътиборни қаратмайди. Ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро ички алоқадорлигини ҳисобга олмайди. Омиллар назарияси асосчилари тарихий фанларнинг аҳамиятини ҳам пасайтирадилар. Ҳозирги замон социологиясида ҳам омиллар назарияси тарафдорлари бор. Уларнинг фикрича, жамият тараққиётида техника ва санат ривожланиши етакчи ўриндадир. Мазкур назариянинг янги кўринишлари: «маданий қолоқлик» назарияси, «индустриал социология», «индустриал цивилизация», «постиндустриал жамият», «иқтисодий цивилизация» ва футурологик назарияларидир.

Бу назариялар нуктаи назаридан кўрсатилган омилларнинг ҳар бири жамият тараққиётида ҳал қилувчи омиллардир. Омиллар назарияси концепциясида янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши, назария тарафдорлари томонидан моддий ишлаб чиқаришнинг асосий элементларини, яъни техникавий кибернетик, биологик, космик, санат шу билан бирга маънавий жиҳатларининг тан олиншидир. Аммо улар

томонидан ушбу омиллар ўта муболғалаштирилади. Ҳозирги замон омиллар назарияси тарафдорлари асл моҳияти билан жамиятга қарашда неопозитивистлар ва вульгар материалистлар фаолиятига бориб тақаладилар.

XX асрда диний фалсафа намоёндалари илоҳиёт фалсафасига эътиборни кучайтирдилар. Дин ва у билан боғлиқ фалсафа инсоният ва жамият тараққиётига катта таъсир кўрсатиб келганлиги манбалардан маълум.

Диний таълимотлар ичида қадимий ва нуфузлиси неотомизм фалсафасидир. У XIX асрнинг 70-йилларида Ватикан соборининг қарори таъсирида пайдо бўлди. Шу йилларга келиб Рим папаси ўрта асрларда яшаб ижод этган Фома Аквинскийнинг фалсафасини ягона ҳақиқий таълимот, деб эълон қилади (Фома-тома). Бу таълимот талқинича илм ва эътиқод бирликда бўлиши зарур. Улар тўғри бирлаштирилса, бир-бирини тўлдиради. Эътиқод ва илм битта мақсадга олиб боровчи йўлдир. Неотомистлар фикрича, эътиқоднинг манбаи худо фаолияти бўлса, илмнинг манбаи тафаккурдир. Инсоннинг яратувчиси худо бўлса инсон тафаккури ҳам унга бўйсунishi керак.

XX аср диний таълимотлари, фалсафани инсон муаммоларига қаратишга ҳаракат қилдилар. Улар динни фан билан келиштиришга уриндилар. Таъкидлаш лозимки, ислом динида ҳам илм ва дин бир-бирига қарши қўйилган эмас. Илмга қизиқтириш диний фалсафада ҳам мавжуд. “Бешиқдан қабргача илм ол” каби ўғитлар фикримизнинг далилидир.

Неотомистлар таълимотида эски диний ақидалар танқид қилинди. Буларга вақил қилиб Ж. Мартен, Г. Марсел, Тайер де Шарден таълимотларини олиш мумкин. Бу файласуфларнинг асосий мақсади худонинг мавжудлигини исбот этишдан иборат.

Диний фалсафада ахлоқий масалалар марказий ўринни олади. Яхшилик ва ёмонлик оқибатлари тўғрисидаги фикрлар асосий мавзудир. Бу фалсафадаги асосий фикрлардан бири оламдаги барча ёмонликлар кишиларда гуноҳларни кўпайиб кетганлигидандир. Жумладан, ислом дини ҳам барча келишмовчиликларга инсонни ўзи сабабчи, деб ўргатади. Рум сурасида: одамларнинг ўзлари қилган қилмишлари сабабли куруқликда ҳам, денгизда ҳам (турли) офат балолар юз беради. Бу бало ва офатлар одамларнинг қилаётган гуноҳлари ва масъулиятларидандир.

XX асрдаги Ғарб мамлакатлари диний фалсафаси билан Ўрта Шарқ, Шарқий Осиё мамлакатлари диний фалсафаси ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада бўлди. Жумладан, Шарқ файласуфларидан бири Мухаммад Иқбол (1873-1938). “Шахс сирларини билиш” асарида шахсий ҳаёт боқий ҳаёт билан боғланса, мазмунли бўлади, деб тушунтиради. “Саводнома”, “Боқий” асарларида инсоннинг жамиятда тутган ўрни кўрсатилган. “Ўзгармас ҳеч нарса йўқ ” дейди у. Диний ислохотчиликни тарғиб қилган оқимнинг асосчилардан яна бири бу Жамол Ад-дин Ал Афғонийдир. У асос солган сиёсий оқим панисломизмдир. У муаммоларни ислом мафқураси мавқеидан туриб ҳал қилишга ҳаракат қилган.



Хулоса қилиб айтганда, XX аср фалсафаси ҳаётнинг ўта зиддиятли эканлигини эътироф этади. Мазкур фалсафа оқимлари жамият тараққиётидаги фалсафанинг таъсирини кучайтиришга ундайди. Ҳар бир шахсни мурувватли, эътиқодли, юксак маънавиятли бўлишга чорлайди.

Унинг ҳаётний томонлари кундалик ҳаётимизда байроқдор бўлмоғи лозим.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

Ворислилик, янгиланиш, позитивизм, эмпириокритицизм, неопозитивизм, постпозитивизм, ҳаёт фалсафаси, инсон қадри, феноменология, индустрия ва постиндустриал жамият назарияси, «очик жамият», омиллар назарияси.

### **Алломалар фикрларидан намуналар:**

«Билки қийин ҳаёт берур таппа – тахт,  
Фозиллик, улуглик, мардлик, ҳамма вақт».

**А. Рудакий**

«Гар очликдан берса ҳам мард жон,  
Етимлар ҳақин смагай ҳеч қачон».

**Саъдий Шерозий**

«Жаҳонда ҳаммадан тўгрилик аъло,  
Эгриликдан ёмон борми ҳеч бало».

**Абулқосим Фирдавсий**

### **Мавзуга оид тест саволлари:**

#### **1. Марксистик фалсафа қачон ва қерда пайдо бўлди?**

- а) эрализгача бўлган даврда Грецияда;
- б) IX-XII асрда Америкада;
- в) XVI асрда Францияда;
- г) XIX асрнинг 40-чи – 50 – чи йилларида Германияда.

#### **2. Позитивизм фалсафасининг вакиллари қимлар?**

- а) И. Кант, Ж. Беркли;
- б) Томас Мор, Томазо Компанелла;
- в) Жон Стюарт, Герберт Спенсер, Огюст Конт;
- г) Маркс, Энгельс.

**Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. И.А. Каримов. Юксак маънавиятсиз келажак йўк. Т.: «Ўзбекистон», 1997й.
2. Гуннар Скирберкк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Т.: 2002 й.
3. Дени Дидро. Монахия. Племяник Рамо.... М.: 1973г.
4. Юсупов ва бошқалар. Фалсафа. Т.: 1999 й.
5. Мир философии. Часть 1. М.: “Политиздат”, 1991 г.
6. Коссак Ежи. Экзистенциализм в философии и литературе. М.: 1980 г.

## Учинчи бўлим Фалсафий услублар, қонулар ва категориялар

### 1 боб. Фалсафада усул ва усул муаммоси

**Ўзгариш, ҳаракат, тараққиёт  
ва ўзаро боғлиқлик  
тушунчаси.**

Табиат ва жамиятдаги ҳар қандай ҳодиса ёки предмет ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Сиртдан караганда моддий оламдаги предмет ва ҳодисалар гўё ҳар бири алоҳида, бир-

бири билан ўзаро боғлиқ бўлмагандек кўринади. Аслида эса ундай эмас, аксинча, ҳар бир предмет ёки ҳодиса сон – саноксиз, бошқа ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда юз беради.

Умуман олганда, табиат ва жамиятдаги предмет ва ҳодисаларнинг бир-бири билан алоҳида муносабатда, ўзаро боғлиқ эканлигини фан тараққиёти, инсониятнинг ижтимоий тарихий фаолияти исботлайди. Бу масалани куйидаги мисоллар орқали ёритиш мумкин. Табиатдаги жисмларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатувчи бутун олам тортишиш қонунини ёки материявий энг кичик зарраларнинг ўзаро муносабати, табиатдаги ҳайвонот олами билан ўсимликлар олами ёки уларнинг муҳит билан алоқадорлиги, табиат билан жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги материя ҳаракати барча шакллариининг алоқадорлиги, ҳар бир инсоннинг ўсиб камол топиши, бошқа кишилар билан, муҳит билан боғлиқлиги кабилар. Агар инсон борасида гапирадиган бўлсак, у оилада, боғчада, мактабда, ишлаб чиқаришда, жамиятда яшайди, ижод қилади, ҳар томонлама ўсиб улғаяди.

Воқеликдаги ҳамма нарса ўзаро алоқада ва муносабатда, ҳаракатда ва ривожланишда. Бу жараён объективдир (Бу объектив диалектика), инсоннинг ақлий инъикослари эса тараққиёт қонуларини, оламда юз берадиган ҳодисаларнинг онгли таҳлил қилиш имкониятини яратади. Диалектиклар инсоният амалиёти ва илмий билишнинг натижаси ўларок объектив воқеликдаги предмет ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва тараққиёти масаласини чуқурроқ талқин қилиб бердилар. Улар объектив олам ҳодисаларининг алоқадорлиги ва боғлиқлиги ҳамда тараққиёти масаласини тушунтирибгина қолмай, уни ўзгартириш, қайта куриш мумкинлигини очиб беради.

Энди биз муносабат, ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсир тушунчалари ҳамда улар ҳақидаги карашларни кўриб чиқамиз.

Дунё ҳодисалари, предметлари бир-бири билан органик боғланишда бўлиб, бу боғлиқлик қонуний дунёвий ҳаракатни ҳар бир предмет ва ҳодисанинг бошқалари билан алоқадорлигини ифодалайди. Ҳеч бир ҳодиса, предмет ҳамда бошқа предмет ва ҳодисалардан ажралган ҳолда, алоҳида яшамайди. Улар муайян равишда бир-бирига таъсир этиши билан мавжуддир. Турли ҳодисаларнинг муайян вақтда, фазода бири

иккинчисига нисбатан олдин пайдо бўлиши ўсиши ёки емирилиши мумкин. Масалан, механик ҳаракат оддий ҳодисалар ва предметларнинг кетма-кет фазода ўрин алмашиши эмас, балки ички муҳит боғланиши асосида амалга ошадиган диалектик боғланишдир. Ҳодисалар йўналишида олдин содир бўлган ҳодиса иккинчисига шароит ҳозирлайди. Бизга маълумки, реал воқеликда бир-биридан ажралган ҳолда бирор нарса ёки ҳодиса йўқ. Демак, нарсалар, ҳодисалар ўзаро боғлиқ бўлиши, ўзаро таъсир қилиши туфайли бир-бирининг пайдо бўлиши ёхуд йўқолишига шароит туғдиради. Оламдаги ҳар қандай ҳодиса бир-бирига боғлиқ бўлмай, шарт-шароит яратмай яшамайди. Моддий оламдаги ҳодисалар ўзаро ва умумий боғланишда. Мана шу нарсани билиш-илмий билишнинг асоси. Масалан, Ч. Дарвиннинг эволюцион назариясини олиб қарайлик. Унинг таълимотида ҳайвон турларининг келиб чиқишида ҳар бир авлод бир-бирига боғлиқ. Неорганик табиат билан органик табиат ҳам боғлиқдир.

Худди шунингдек, физика, медицина химия ва ижтимоий фан ютуқлари табиат жамият ва тафаккур ҳодисаларининг боғлиқлигини кўрсатиб беради ва бермоқда.

Жамиятнинг моддий иқтисодий ҳаёти унинг маънавий ҳаётини белгилайди. Маънавий ҳаёт (сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадиий, диний, фалсафий қарашлардир) ўз навбатида, жамиятнинг иқтисодий асосига таъсир қилади, яъни жамиятнинг ривожланишини тезлаштиради ёки секинлаштиради.

Масалан, ишлаб чиқариш усули бир ҳодиса десак, унинг икки томони-ишлаб чиқарувчи кучлар-ишлаб чиқаришнинг мазмунини; ишлаб чиқарувчи муносабатлар эса ишлаб чиқаришнинг шаклини ташкил этади. Ҳар икки томоннинг бирлигисиз ишлаб чиқариш усулининг бўлиши мумкин эмас. Демак, бу икки томон ўзаро боғлиқ, бир-бири билан муносабатда. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўзгаришига қараб ишлаб чиқариш муносабатлари ўзгариб боради. Бинобарин ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши шу икки томон орасидаги муносабатга боғлиқ. Ҳар бир нарса ва ҳодисани ўрганиш, билиш, уни бошқа нарса ва ҳодисалар билан алоқадорлиги, боғлиқлиги муносабати, вазияти, вақт, аниқ шароити кабиларни ўрганишни талаб қилади.

Олам чексиз, ундаги ҳодисалар турли-туман бўлиб, уларнинг алоқа ва боғланишлари ҳам турли шаклларда намоён бўлади. Бунинг сабаби шуки, воқеликдаги барча предмет ва ҳодисалар бир-биридан ўзига хос хусусият ва сифатларга кўра фарқ қилади. Аммо улар бир бутун ҳодисанинг қисмларидир. Мана шу қисмлар бир-бири билан алоқа муносабати боғланишларида ўзининг характери жиҳатидан турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин.

Боғланишларнинг кўринишлари: воситали ва воситасиз, ички ва ташқи, муҳим ва муҳим бўлмаган кабилар бўлиши мумкин.

Ҳодисалар боғланишида бевосита (тўғридан-тўғри) боғланишини воситали (бошқа нарсалар орқали) боғланишдан ажрата билиш керак.

Кулдорлик бўлмаганида хозирги капиталистик тузум ҳам бўлмас эди. Капитализм кулдорлик жамияти билан тарихий жиҳатдан боғланган. Лекин бу феодализм орқали боғланиш. Демак, бу воситали боғланишдир. Аммо капитализм феодализм билан бевосита боғланган.

Табиат ва жамият ҳодисаларини билишда муҳим ва муҳим бўлмаган боғланишларни ҳам ажратиш керак. Буларни билмаслик ёки аралаштириб юбориш салбий қарашга олиб келади. Демак, диалектикани тушунмаслик эклектика ёки догматизмга олиб келади. Диалектика бирон ҳодисани ўрганиш ва билишда унинг муҳим боғланишларини топишни талаб қилади. Муҳим боғланиш предмет ва ҳодисаларнинг мазмуни ва моҳиятини билишда аҳамиятга эга. Масалан ўсимликнинг ўсиши учун ёруғлик, сув, иссиқлик, минерал ўғитлар бўлиши керак. Зеро ўсимлик билан шаронг орасидаги боғланиш муҳим боғланишдир. Лекин ўсимлик яшаётган муҳитда бошқа моддалар ҳам бўлиши мумкин, аммо улар ўсимлик учун муҳим эмас. Куёш нури ердаги ҳаёт учун муҳим, ой нури эса муҳим эмас.

Боғланишларнинг ички ва ташқи шаклини ҳам билиш муҳим аҳамиятга эга. Ички боғлиқлик бир бутун предмет ва ҳодисаларнинг ички сифат ва хусусиятларининг алоқадорлигини муносабатини ифодалайди. Ташқи боғланиш бирор предмет ёки ҳодисанинг бошқа предмет ва ҳодиса билан алоқадорлиги, муносабатининг ифодасидир. Ички боғланиш асосий, ташқиси эса иккинчи даражали боғланиш ҳисобланади. Ички боғланишлар ўзгаришларга олиб келади. Ташқи боғланиш эса уни ўзгартирмайди, лекин предмет ва ҳодисанинг ўсишига маълум миқдорда таъсир этади. Масалан, жамият тараққиётида ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари орасидаги боғланиш ички боғланишдир. Бу боғланиш жамият тараққиётини белгилайди. Табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабати ташқи боғланишдир. Шундай қилиб, оламда турли-туман боғланишлар, муносабатлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро муносабатда, боғлиқликда-умумий боғланиш ва муносабатдадир. Бу боғланишлар, демак, бир бутун системали боғланишлардан иборат. Агар олам бир бутун тизим десак, бу тизим бир қанча системачалардан ташкил топган. Ҳар бир системани ташкил этувчи элементлари бўлиб, улар бир-бири билан ўзининг тутган ўрни, вақти, имкониятларига кўра функционал боғланган. Бирининг ўзгариши иккинчиси билан боғланган, бири иккинчисини келтириб чиқаради. Бу функционал боғланишдир. Ҳар бир тизимни тарихий ҳолда бошқалар билан боғлиқликда, тарихий конкрет тажрибага асосланиб ўрганиш талаб қилинади. Лекин мураккаб ва хилма-хил боғланишлар турларини амалий жиҳатдан бирданига бир вақтда билиш мумкин эмас. Уларни билиш, бир-биридан ажратиш, ўзаро боғлиқликда олиб қараш фан ва амалиётда бирёкламаликка олиб келмайди.

Объектив оламдаги предмет ва ҳодисалар ўртасидаги сабабли боғланишлар энг умумий боғланиш ифодасидир. Ҳодисалар занжирида ўзига мувофиқ келадиган бирор натижани келтириб чиқарувчи ҳодиса,

сабаб, келиб чиққани эса оқибатдир. Сабаб маълум таъсир натижасида келиб чиқади.

Диалектик нуқтаи назардан қараганда ҳар қандай ҳодиса ўзининг табиий сабабига эга. Сабабсиз ҳеч қандай ҳодиса юз бермайди. Сабаб ҳодисаларнинг келиб чиқишини аниқлайдиган генетик боғланишдир. Сабабнинг келиб чиқишини таъминловчи шароит оқибатдир. Сабаб ва оқибат кетма-кет. Бу боғланиш заруриятни ифодалайди. Дунё абадий ҳаракатда, ўзгариш ва ривожланишда. Бу масалани чуқурроқ англаш учун тараққиёт тушунчасининг ҳаракат ва ўзгариш тушунчалари билан ўзаро нисбатини кўриб чиқамиз.

Дунёда қотиб қолган, ўзгармайдиган, ривожланмайдиган нарса йўқ. Ҳамма нарса ҳаракатда. Биз ҳаракат материянинг атрибути яшаш усули, деб ўрганамиз. Ҳақиқатан материя ҳаракатда, материя эволюция билан боғлиқ равишда. Унинг турли шакллари мавжудлигини ҳам эътироф этиш зарур. Масалан, неорганик табиатдан органик табиатнинг келиб чиқиши натижасида неорганик табиат тўхтаб қолмаган, у атроф шароитининг ўзгаришига қараб ривожланиб борган. Биологик тараққиёт натижасида жонли организм олами ҳам ўзгариб, ривожланиб борган. Биз биологик жараён, ҳаёт шароитлари ўзгариб бориши билан ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги ўзгариш, ривожланишни ўсимлик ва ҳайвон турларининг сифат жиҳатидан мураккаблашиб боришидан иборат эканлигини биламиз. Табиатдаги бу ўзгариш миллион йиллар давомидаги ҳаракатнинг натижасидир. Ҳамма нарса ўсиш-ўзгаришда деган масалани фан орқали, аниқроғи, ҳозирги замон табиатшунослари томонидан қўлга киритилган ютуқлар ёрдамида кўрсатиш мумкин. Бу мисоллар, яъни атомдан тортиб куёшгача, оддий ҳужайрадан тортиб инсон миясигача бўлган материя ҳаракатдадир. Улар қотиб қолган, ўзгармас нарсалар эмас. Атомлар ҳам ўзининг кимёвий, физик хоссаларига ҳамоҳанг равишда ўзгариб турадилар. Атомни ташкил этувчи ядро ва электронлар ҳаракати атом ҳаракатда эканлигини ифодаласа, атом таркибидаги заррачалар электрон ва ядрони ташкил этувчи-протон, нейтрон, позитронлар ҳам бир – бири билан боғланган. Бу боғланиш уларнинг ҳаракатда эканлигини ифодалайди.

Демак, атрофимиздаги барча нарса ва ҳодиса ҳаракатда, ўзгаришда. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради. Бу ўзгаришлар ўз характериға кўра бир хил эмас. Бу қуйидан юқориға, оддийдан мураккабға қараб боради. Баъзи бир нарса ва ҳодисалар ўзгариши натижасида парчаланиш, емирилиш вужудға келади.

Парчаланиш, емирилиш, тараққиёт, ўзгариш, ҳаракат бир хил мазмунни ифодаловчи тушунчалар эмас. Ҳаракат мазмуниға кўра кенг тушунча, у ҳар томонға йўналган бўлиши мумкин, бунда ўзгариш кузатилади. Тараққиёт ҳам маълум йўналишдаги ҳаракат, бу ҳаракат моҳиятиға кўра қуйидан юқориға қараб, оддийдан мураккабға қараб йўналади. Бу жараёнда биз шундай ўзгаришни англашимиз керакки, эски сифатдан янги сифатға ўтиш, ҳаракатнинг оддий шаклидан мураккаб

шаклига ўтиши бўлсин. Бу жараёнлар фақатгина қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши заминда эски ҳолат ўрнига ундан фарқ қилувчи юқорироқ даражадаги янги ҳолатнинг такрорланиши, эскининг ўрнига янгининг келиши, деб тушуномқ керак. Демак, тараққиёт тушунчаси ҳам кенг, ҳам чуқур мазмунга эга экан.

Тараққиёт бу шундай жараёнки у олға қараб боради. Ҳаракат ва ўзгариш олғага ҳам, орқага ҳам қараб бориши мумкин. Тараққиёт жараёни, ҳамма нарса ва ҳодисанинг ўзига хос хусусиятига, аниқ шароитига, вақтига боғлиқ.

**Фалсафа  
услублари.  
Диалектика.  
Метафизика.**

Фалсафа тарихдан маълумки Гегель ўзининг фалсафасида тараққиёт ғоясини илгари суриш билан диалектика услубига асос солди. Диалектика сўзи қадимги грек сўзидан олинган бўлиб, *dialektika*-«диалогомай» ёки тортишув, мунозара маъносини англатади.

Бу сўз биринчи марта қадимги грек файласуфлари Сократ ва Платон томонидан қўлланила бошланди. Қадимги грек файласуфлари ҳақиқатни билиш, зиддиятларини ечиш, мунозара санъати, маҳорати билан амалга ошади, деб тушунтирганлар. Ҳақиқат мазмуни фикрларнинг бир-бирига қарама-қарши келиши асосида ҳосил бўлади. Жумладан, Платон диалектикани моҳиятини сўраш санъати ва унга аниқ жавоб бериш маҳоратидир, деб кўрсатди. Тортишувларни мулоҳаза қилиш ва ечиш тафаккур қилиш диалектикаси бўлиб, у субъект диалектикасидир. Шу мулоҳазаларнинг ўзи тафаккур ривожланишига олиб келади.

Гегель диалектикасининг мазмунини ташкил этувчи тараққиёт масаласи объектив мавжуд бўлган дунё эмас, абсолюти идеянинг тараққиёти тўғрисидаги масалани ўз ичига олади. Тараққиётни диалектика асосда тушуниш табиат ва жамият ҳодисаларини хилма-хил эканлигини ва унинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини, ҳамда табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунларини билишнинг тўғри йўлини кўрсатиб беради. Табиий ва ижтимоий фанлар объектив оламнинг у ёки бу томонини ўрганиш ҳамда изланишда диалектик услубга асосланади ва шу йўл билан янгиликка, муваффақиятга эришади, ншга ёрдам беради. Масалан, биз бу фикрни тасдиқлаш учун юқорида мисол тариқасида келтирган оддий заррачадан то коинот жисмларигача бўлган предметлардаги тараққиёт ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги сифат ўзгаришларни кўрсатувчи фан кашфиётларини эслашимизнинг ўзи етарлидир. Масалан, геометрия фанининг ривожланиши натижасида янги-янги кашфиётлар очилган. Бу кашфиётларнинг келиб чиқиши натижасида геометрия фани ривожланган. Ёхуд Эвклид геометриядан Лобачевский геометрияси келиб чиққан. Улар бир-биридан фарқ қилади.

Лобачевский геометриясининг ривожланишидан физикадаги А. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси келиб чиққан. Ёки физиканинг атом структурасидаги тасаввурлар элементар заррачалар физикасини келтириб

чиқарган. Ўзбекистоннинг педогогика соҳасидаги илмий фикрлар антологиясига назар солсак, улар ҳам янги педагогика фанини пайдо қилган. У ҳам ўз навбатида Ўрта Осиёдаги фанларни ривожлантирган.

Тараққиёт тўғрисидаги масала жамиятнинг тараққиётида яққол кўзга ташланади. Меҳнат табиий одамни ижтимоий одамга айлантиради. Дастлаб одамлар тўда-тўда бўлиб яшаган, меҳнат қилган, натижада моддий неъматлар ишлаб чиқариш ривожланган. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши меҳнат унумдорлигини оширган, қўшимча маҳсулот товар алмаштириш ва хусусий мулкларнинг келиб чиқишига олиб келган. Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши натижасида кишилар бир-бирига қарама-қарши ижтимоий синфларга ажраладилар. Синфларнинг келиб чиқиши билан давлат пайдо бўлди. Шу тариха феодализм, капитализм, тузуми келиб чиққан. Бу тузумларнинг бири иккинчисига қараганда юқори босқич ҳисобланади. Моддий дунёнинг умумий боғланиши ва тараққиёти, унинг қонун ва категориялари иш босқичларида ўз аксини топган.

Олам ранг-баранг. Зиддиятли. Эскилик ва янгилик ўртасида кураш узлуксиз. Алоқадорлик ва боғланишлар, ўзаро таъсир натижасида табиат ва ижтимоий ҳаётнинг тинимсиз ҳаракати давом этади. Буларнинг барчаси диалектик жараёнлардир. Диалектикада мужассамлашгандир. Шу сабабли, фалсафа диалектикасиз, диалектика фалсафасиз яшай олмайди. Диалектика ва унинг категория ҳамда қонунлари фалсафанинг моҳиятини ташкил қилади. Демак, оламни тушуниш диалектик мушоҳадасиз, услубсиз амалга ошмайди.

Предмет ва ҳодисаларни тўғри баҳолаш диалектик ёндошувга боғлиқ. Ҳаётнинг ўзи мунозарали жараёндан иборатки, бу жараёнларни абсолют маънода йўқ қилиб бўлмайди. Қуйидаги жуфт тушунчаларга эътиборни қаратсак унинг гувоҳи бўламиз. Гул ошноси хорлик, ганж ва ранж, айш ва ғам, роҳат ва захмат, очлик ва тўқлик, нссиқлик ва совуқлик, тириклик ва нотириклик, мулойимлик ва баджаҳллик, ботирлик ва кўрқоклик, ўғрилик ва тўғрилик, тинчлик ва нотинчлик, эркаклик ва аёллик, чўл ва боғ, шодлик ва қайғулик, баландлик ва пастлик, кулги ва йиғи, эътиқодлилиқ ва эътиқодсизлик, ахлоқлилиқ ва ахлоқсизлик, бойлик ва камбағаллик, ширинлик ва аччиқлик, баъманилик ва беъманилик, оқибатлилиқ ва оқибатсизлик, ёвузлик ва эзгулик, гўзаллик ва хунуқлик кабилар. Бунингдек ҳаётий қарама-қарши томонларни юзлаб, минглаб келтириш, мумкин. Булар инсон ва табиат қирраларини қамраб олган тушунчалар. Келтирилган мисолларнинг ўзи диалектик жараённинг абдий эканлигидан далолатдир. Зеро, баъзи «мутасаддилар»нинг диалектика бу сохта, бир ҳаёлдир. У вақтинчалиқ жараён, деб алаҳсирашларига қарши келтирилган фикрлардир. Ҳаётда ушбу жараёнларни йўқ қилиб бўлмаганидек, айнан шу соҳаларни умумлаштириб тартибга солиб берувчи диалектикани ҳам йўқ қилиб бўлмайди.

Диалектика бу-оламдаги предмет ва ҳодисалар моҳиятини билишнинг услубларидан биридир. Инсонлар ўз олдидарига билишда



муайян мақсадларни қўядилар. Муаммолар ечимини мақсадларнинг қўйилишини ўйлаб чиқадилар. Аммо, мақсадларнинг қўйилиши, муаммоларнинг ечилиши, фаолият тугади деган гап эмас. Аввало, мақсад ва муаммони ечишнинг самарадор усулини таъминловчи йўллارини топиш лозим. Шу сабабли ҳам назарий ва амалий фаолиятнинг тўғрилигини таъминлайдиган тамойиллар, изланишлар, тахминларни назардан четда қолдирмаслик керак. Бу ҳолат, услубларни танлашга боғлиқ. Маълум бир услубларни қўлламасдан амалий ва назарий, илмий муаммоларни ечиш мумкин эмас. Масалан, биз қандайдир модданинг химиявий таркибини аниқлаш учун химиявий анализ ва синтез усулидан фойдаланамиз. Бунинг учун анализ ва синтез услубини билишимиз лозим. Моддага турли химиявий моддаларни таъсир эттириш ва олинган натижани қисмларга бўлиб, ҳулосалар чиқариш тадқиқотга, яъни моддага аниқлик киритади. Ёки металлни эритиш учун, унинг технологиясини билиш талаб этилади. Технология эса металлургия жараёнлари ишлаб чиқариши ва инсонларнинг амалий фаолияти асосида пайдо бўлган. Физикавий, биологик ҳамда жамият ҳодисаларини ўрганиш учун маълум бир услубларнинг бўлиши инсон учун зарурдир. Шунинг учун ҳам инсонлар теварак-атрофдаги предмет ва ҳодисаларни билиш учун турли услубларни излайдилар. Услублар эса предмет ва ҳодисаларни таҳлил этиш заруриятидан келиб чиқади. Услублар шунчаки бир фаолият учун зарур бўлган ва ўйлаб чиқарилган эрмак эмас. Услуб бу узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтилган тафаккур натижасидир. Табиатдаги предмет ва ҳодисалар, табиатидан келиб чиққан муҳим амалий ва назарий қуролидир. Шу сабабли ҳам ҳар қандай фан ўз услубига эга бўлиб, шу услуб ёрдамида муаммоларини ечади, ҳулосалар чиқаришга ёрдам беради. Жумладан, физик билимларни олиш учун физик услуб, биологик жараёнларни билиш учун биологик услублар пайдо бўлган. Бу фанлар қанчалик ўзаро яқин бўлмасин, уларнинг услублари бир-биридан фарқ қилади. Булар аниқ фанлар услубидир. Илмий фалсафа турли фанлардаги услубларни ва инсонлар амалий фаолиятларини асрлар давомида ўрганиб чиқиб, ўзининг билиш услубига эга бўлди. Бу услуб диалектик услубдир. Диалектик услуб аниқ фанлар услубларидан тубдан фарқ қилади. Чунки, диалектик услуб инсон тафаккури, табиат, жамият ҳодисаларига энг умумий тарзда ёндошади. Вокеликни алоҳида-алоҳида олиб текширмайди балки, уни энг умумий ҳолда текширади ва шундай ёндошишга ундайди. Диалектик ёндошув ҳатолардан сақлайди. Танланган соҳанинг режасини тўғри тузишга ёрдам беради. Предмет ва ҳодисаларга диалектик ёндошмай туриб, келажакни ҳам тўғри таҳлил қилиб бўлмайди. Диалектик жараёни тўғри баҳолай олмаган сиёсатдонлар ўз фаолиятларида тузатиб бўлмайдиган ҳатоликларни келтириб чиқарадилар. Бундай ҳатолар тарихда кам эмас. Айниқса, йигирманчи асрнинг 80-йилларининг ўрталарида Собик Иттифокда ҳукмрон бўлган партия раҳбарлари (сиёсий бюро аъзолари) диалектик жараёнларни етарлича таҳлил қилиб, ҳаётга татбиқ этолмаганликлари туфайли халқлар ўртасида турли низоларнинг

келиб чиқишига сабабчи бўлдилар. Жумладан, мамлакатда ишлаб чиқарилган моддий неъматларнинг тўғри тақсимланмаганлиги, республикаларнинг ўзига хос миллий анъаналарига эътиборнинг йўқлиги, барча жойлардаги ривожланиш жараёнларни ҳамда республикалардаги ижтимоий-сиёсий муҳитни ҳисобга олмаганликлари натижасида ишлаб чиқаришнинг, маънавий юксалишнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатдилар.

Ўйланмасдан қабул қилинган қарорларнинг салбий оқибатлари қандай йўқотишларга олиб келишини таҳлил қилмаслик диалектик жараёни ҳисобга олмасликнинг натижасидир. Бундай ёндошиш ҳатто, баъзи йўналишларда, халқларни таҳликага солиб қўйди. Масалан, ичкиликбозликнинг олдини олиш учун қабул қилинган қарор натижасида мамлакатдаги муайян сонли кишилар ҳар хил касалликларга дучор бўлдилар. Истеъмомга яроқсиз ичимликларнинг янада кўпайиб кетишига сабаб бўлди. Зарарли ичимликларни истеъмом қила бошладилар. Хуфиёна ишлаб чиқаришлар натижасида жиноятлар кўпайиб кетди. Демокчимизки, ҳар бир жараёндаги диалектик вазият ҳисобга олинини, имконият даражасининг аниқланиши, унинг моҳияти, зарурий ва тасодифий томонлари, шакли, мазмуни, хусусийлиги, махсуслиги, умумийлиги каби томонлар назардан четда қолмаслиги лозим эди. Буларнинг ўзaro боғлиқлиги, алоқадорлигини илмий тушуниш, давр талаби эди. Муҳим соҳалардаги назарий ва амалий жиҳатлар диалектикаси таҳлил қилиниб ҳаётга татбиқ этилганда эди, мазкур соҳалар ривожини ютуқлар гаровининг асоси бўлар эди.

Диалектика тушунчасининг луғавий маъносининг ўзиёқ кўп нарса камраб олинганлиги ҳақида хабар беради. Яъни, диалектика деганда баҳслашиш санъати, мунозара юритиш, муҳокама қилиш кабилар тушунилади. Шу ўринда айтиш мумкинки, ана шу хислатлар орқали объектлар билиб олинади, объектлар ҳақида хулосалар қилинади, ҳақиқатга эришилади. Шу сабабли ҳам диалектикани объектив оламни билиш услуби, деб эътироф этиб келдилар. Шундай бўлиб қолади ҳам. Сабаби, табиат, жамият, инсон тафаккуридаги қарама-қаршиликлар ёки янгилик билан эскилик, регрес ва прогрес, билишлик ва билмаслик, оддийдан мураккабликка қараб боришлар ҳаётдаги мутлоқ рўй берадиган жараёнлардир. Ҳолбуки, бу жараёнларнинг ўзи диалектикадан далолатдир. Демак, диалектика ҳам маълум маънода, мутлоқ тавсифга эга. Бу тавсифни йўқ қилишнинг ўзи мумкин эмас. Аммо даврлар ўтиши билан бу ҳолатдаги тушунишни йўқ қилмасдан, айнан шу диалектикага суянган ҳолда бошқачароқ шаклдан фойдаланиш мумкин бўлар. Бинобарин, юқорида айтилганидек, баъзи «замонавий» файласуфлар замонавий диалектикадан баъзи-баъзида воз кечишни тавсия этадилар. Боз устига, XIX асрда яшаб ижод этган, фақат материалистик диалектикага асосланган Маркс ва Энгелснинг дастак қиладилар. Ҳолбуки, диалектика ҳақида қадимдан, яъни Гераклитдан тортиб ҳозирги даврга қадар бўлган минглаб олимлар (идеалистик, дуалистик, метафизик, софистик бўлишидан қатъи

назар) фикр юритиб, улар қайси йўналишда бўлмасинлар уни асослашга интилиб келганлар. Зеро, диалектикага фақат К. Маркс ёки Ф. Энгелсгина изоҳ берган эмас. Бу билан биз Маркс ва Энгелснинг фалсафада айбсиз димоқчи эмасмиз, улар диалектикани муболагалашгирдилар. Баъзида унга кераксиз мазмун ва моҳиятнинг бағишладилар. Бу аниқ. Чунончи, улар диалектикадан қандай мақсадларда фойдаланганлигини чуқурроқ ва атрофлича таҳлил қилиб, объектив баҳо бермоқ зарур. Бу мақсадда хорижий адабиётларнинг варақлар эканмиз, ана шундай ҳолатларга дуч келамизки, баъзида улардан ўрнак олмақ фойдадан холи бўлмайди.

Диалектик жараёни ҳаётга татбиқ этишда инсонлар ўртасидаги доимий жараёнлардан бири, муҳолифатнинг тан олишидир. Муҳолифлар, айниқса бизнинг шароитимизда диалектик нуқтаи назардан бир-бирини тушунмасликларини натижасида кескин зиддиятларга, тўқнашувларга сабабчи бўладилар. Улар мунозара юритиш, баҳслашиш, муҳокама қилиш санъатининг етарлича тушуниб етмайдилар. Яъни диалектика объектив бўлгани сингари ушбу жараёнлар ҳам объектив эканлигини унутадилар. Аслида, муҳолиф бўлиш диалектик бўлиш демакдир. Бу жараёнда ҳар иккала томон ўз фаолиятларини тўғри баҳолай олиши, ҳар қандай вазиятда (ҳозирги, бугунги, эртанги, келажакда) ўзини йўқотмаслигини, мувозанатни сақлашга ҳаракат қилиши улуғ фазилатдир. Улуғ фазилатнинг йўқотмаслик диалектикани тўғри таҳлил қилишидир. Муҳолифлар диалектик фазилатдан тўғри фойдаланмас экан, у ерда келишмовчилик, кескин вазият, тўқнашувлар пайдо бўлиб, инқилобий вазиятнинг келтириб чиқаради. Бу ҳолатнинг пайдо бўлиши оилада, жамоада, идорада, жамиятда инқирозларнинг келтириб чиқараверади. Натижада ишлаб чиқариш ҳам, ўзаро муносабат ҳам, умуман инсонлар фаолияти ҳам зарар кўраверади.

Таъкидлаш лозимки, диалектик муносабатнинг тўғри тушуниш учун, унга илмийлик нуқтаи назардан ёндошмоқ зарур. Диалектикани эътироф этиш тўсатдан пайдо бўлмаган. Юқорида таъкидлаганимиздек, диалектиканинг моҳияти ва мазмуни асрлар давомида шаклланган. Инсоният, жамият, фанлар фаолияти таъсирида пайдо бўлган. Шундай экан, ҳар бир предмет ва ҳодисага диалектик ёндошишда илмий жиҳатга (қайси йўналиш бўлишидан қатъий назар) эътибор бериш лозим. Масалан, бирор-бир металлга баҳо бериш учун ундаги жуда кўп қирралар: чидамлилиги, солиштирма оғирлиги, эриш ҳарорати, ранги ва бошқа жиҳатлари бор. Металлни баҳолашда хатоликларга йўл қўймаслик учун ана шу жиҳатлар баҳоловчи кўз ўнгига бўлмаса, у мудом хатога йўл қўяверади. Ёки бошқа мисол: инсонлар фаолиятида, бирор оиллага баҳо беришдек мураккаб, лекин шарафли, маърифий-маънавий вазифа туради. Бунга ҳам диалектик ёндошиш айна мудиодир. Оилани яхши ва ёмон дейиш учун аввало, оиланинг тарихий шажараси, оила аъзоларининг маънавий хислатлари, миллий қадриятлар ва урф-одатларга риоя қилиши, оиланинг иқтисодий ҳолати, фарзандлар тарбияси, жамоатчиликка муносабати маҳаллада тутган ўрни, оила аъзоларининг касб-кори,

билимдонлиги, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатларига муносабати ҳақида, эътиқоди ва яна бошқа ўнлаб жиҳатларини билгандан сўнг ижобий ёки салбий баҳо бериш мумкин. Бу оилга нисбатан диалектик ёндошиш, оилани яқиндан билиш ва х.к.

Ҳозирги даврда табиат диалектикаси ҳақида анча билим тўпланган. Айниқса, XIX асрнинг охири ва XX аср давомида табиатнинг кичик заррачалари ҳақида физика, химия, биология фанлари берган маълумотлар фикримизнинг далилидир. Бошқача айтганда, табиатни диалектик тушуниш жамиятни диалектик тушунишга қараганда анча илгарилаб кетди. Жамиятнинг тараққиётини диалектик, фалсафий тушуниш эндиликда айниқса долзарб бўлиб қолди. Рўй бераётган ҳодисалар жараёни диалектика олдига мураккаб вазифаларни қўймоқдаки, уларни таҳлил қилишда диалектик ёндошувсиз илмий назариялар яратиш қийин. XX аср охирига келиб, мамлакатлар ривожига гоҳ салбий, гоҳ ижобий силжишлар бўлдики, буларга фалсафий ёндошув заруратга айланди. Жумладан, фан-техника тараққиётининг инсон руҳиятига таъсири, энергетик муаммолар, формациялар қарама-қаршилиги, христианлар билан мусулмонлар ўртасидаги муносабатлар, спид ва шу каби бошқа касалликлар пайдо бўлиши, баъзи мамлакатларда геноцидга йўл қўйилиши, терроризмнинг кенг қулоч ёйиши, баъзи мамлакатларда ядро қуролининг қирғин келтириши мумкинлигини билган ҳолда у билан қуролинишга ҳаракат қилиниши ва бошқа жараёнларнинг пайдо бўлиши фалсафий тафаккурни замон талабларига жавоб берадиган даражада ривожлантиришни талаб этаётир. Фалсафий тафаккур эса диалектик мушоҳада билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам диалектикага бўлган муносабатни ойдинлаштириш зарур. Яъни ундан юқорида эслатилган жараёнлар моҳиятини таҳлил қилишда фойдаланиш давр талабидир. Тўғри, бу жараёнларни таҳлил қилишда мутлоқ ҳақиқатга эришиш мураккаб бўлишига қарамай, аммо нисбий ҳақиқатга эришиш мумкин.

Жамиятдаги салбий ёки ижобий ҳодисаларни таҳлил қилиб, маълум бир ҳулосага келишда фалсафий тафаккур ёрдам беради. Зеро, фалсафанинг асосий вазифаларидан бири ҳам шудир. Диалектик услуб таъсирида фалсафа ўз функциясини бажара олади. Ҳолисона баҳолайдиган бўлсак, диалектиканинг муқобиллари (улар ҳам фалсафа ривожига улкан ҳисса қўшган бўлса ҳам) метафизика, софистика, дуалистика, эклектика, догматика, синергетиканинг ҳам оламни таснифлашида ўз ўрни бўлсада, истаимизми, истамаймизми, уларда қисман бирёқламлик сезилади. Яъни, баъзи камчиликлардан холи эмас. Дунё файласуфлари таълимотларига диққат билан қараб, деярли барчасида, қайси йўналишда бўлишидан қатъий назар, диалектика ҳақида фикр юритишига гувоҳ бўламиз. Диалектиканинг ижобий томонларини мадҳ этадилар. Диалектика ўз моҳияти, мазмуни, шакли, имконияти, зарурлиги жиҳатидан энг умумийдир. Табиат, жамиятдаги диалектик жараён мутлоқдир. Диалектик жараёндан фойдаланиб, инсонлар ҳақиқатга эришадилар. Диалектика

ҳақиқатга етаклайди. Ҳақиқат эса қарама-қарши томонларни ҳамда турли жараёнлар фаолиятини муҳокама қилиш орқали намоён бўлади.

Диалектик мунозара маданияти асрлар давомида шаклланди. Қарама-қарши томонларни объектив баҳолаш, мураккаб муаммоларни муҳокама қилиш, тушуниш, турли жиҳатларини аниқлаш қабилар диалектик тафаккур орқалигина ечилади. Бу жараёнларни диалектика орқали ечишда авваламбор у ёки бу соҳадаги муаллифни маънавий эзиш, камситиш, фикрларини эътиборга олмаслик маданий, юксак маънавий, диалектик тафаккурдан далолат эмас. Демак, диалектик тафаккур қилиш холисоналикни талаб қилади. Чунончи, зиддиятларни ечишда кескинлик вазиятидан узоклашиш, фикрлар тўқнашувларга олиб бормаслик ҳам муаллиф маданиятига боғлиқ. Диалектик мунозара юритиш тафаккур ривожини таъминлаш ҳамдир. Шу билан бир қаторда диалектик тафаккур мунозара санъати ҳам демак. Мунозара ҳақиқатни келтириб чиқаради ва шу жараёнда янги ҳақиқат учун замин яратади. Фикрлар узвийлигини таъминлайди. Бир сифатдан иккинчи сифатга ўтишга кўмаклашади.

Диалектика шундай бир санъат асосидирки, у табиат, жамият, инсон ҳақидаги билимларни ўткирлаштиради. Предмет ва ҳодисаларни ўрганишда уларнинг ўзгаришида, барқарорлигида, тинимсиз ҳаракатда эканлигини исботлашга ёрдам беради. Табиатдаги баҳор, ёз, куз, киш фасллари ўзгариб турганидек, диалектикада ҳам фикрлар алмашилиб туради. Бу алмашилиш жараёнида қотиб қолган фикрнинг ўзи бўлмайди. Фикрларнинг ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлган янги жараён, келгуси жараённи келтириб чиқаради. Маълумки, буюк файласуф Георг Гегель ўзининг фалсафий системасини тузишга ҳаракат қилганда, ўзаро таъсири шартли равишда: тезис-антитезис-синтез деб белгилаганда ҳам диалектик жараёндан фойдаланган. Диалектика орқали ўз фалсафа системаси моҳиятини очиб берган. Ўзаро таъсир ёрдамида зиддиятлар борлиги ва уларнинг ечилиши, ўзгаришлар мавжудлиги ва уларнинг доимийлиги, оддийликдан мураккабликка, пастдан юқорига қараб чиқишни, билмасликдан билишликка интилишни, моҳият ва мазмунини таърифлаган. Ҳар томонлиликини, кўп қирралиликини (табиат, жамият, инсон тафаккурида) бир киши томондан очиб бўлмайди, албатта. Аниқроғи, бу жиҳат битта инсон фаолияти билан эмас, балки кўпчилик фаолияти ёрдамида очилади. Зеро, ҳар томонлама ва кўп қирралилиkning ўзи ҳар бир предмет ва ҳодисада чексиздир. Инсон шу предмет ва ҳодисанинг маълум бир қирраси ёки томонинигина очади, ҳолос. Ўз навбатида бу ёндошиш шу предмет ёки ҳодиса ҳақида нисбий ҳақиқатни беради ва диалектик тафаккурни мутлоқ ҳақиқатга яқинлаштира боради. Диалектик тафаккур шу зайлда давом этаверади. Диалектик тафаккур, доимий пайдо бўлиш, ўзгариш, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш доимийлигини инсон фаолияти орқали исботлашга ҳаракат қилади. Шу сабабли ҳам диалектиканинг аҳамияти беқиёсдир. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишнинг ўзи ривожланишнинг доимийлигини исботлайди. Бу соҳада фикр юритган ўтмишдаги файласуфлар: Гераклитдан тортиб

ҳозирги замон файласуфларига қадар ривожланишнинг доимийлигини эътироф этиб келдиларки, уларнинг фикрлари метафизик фикрлардан фарқ қилади. Ҳатто христиан дини файласуфи Августин Блаженный ҳам ўз асарига жамиятнинг ривожланишини чақалоклик, болалик, ўсмирлик, ёшлик, етуклик, қарлик ва ўлим босқичларига бўлиб тушунтирганки, шу қарашларнинг ўзида диалектик тафаккур намоён бўлади, яъни у диалектика тамойилларидан бири бўлган, оддийликдан мураккабликка ёки аксинча жараён бўлишини мазкур диалектик фикрлар билан баён этган. Минглаб файласуфларнинг диалектика ҳақидаги таълимоти бежиз эмас. Шу сабабли, ҳулоса қилиб айтганда, диалектикани ҳозирги пайтда эскирди, ҳаёт талабларига жавоб бермайди дейиш бироз ноўрин. Диалектикани хамиша, ҳар бир инсон ўрганиши лозим. Обьектив оламни билишда диалектиканинг қонун ва категориялари муҳим аҳамиятга эга деб айтдик. Шу сабабли, категориялар қандай келиб чиққан ва уларга қандай амал қилинади деган савол туғилади. Категориялар инсонларнинг кўп асрлик фаолияти бўлиб, оламни билишга қаратилган тажрибаси таҳлилидан келиб чиққан якуний тушунчалардир. Категория сўзининг ўзи ҳам юнунча бўлиб, унинг луғавий маъноси «тувоҳ», «таъриф», «ифодаловчи», «изоҳловчи» маъноларини англатади. Инсон ўз амалий фаолиятида оламдаги ёки шахсий турмушдаги предмет ва ҳодисаларга дуч келиб, улардан маълум томонларини ўзларида акс эттирадилар ёки улардан у ёки бу соҳада фойдаланадилар. Бунинг учун улар тушунчалар (категориялар) га мурожаат қиладилар. Масалан, сабаб ва оқибат жараёнларига ҳар бир инсон юзлаб, минглаб марта рўбарў келади. Ёки имконият ва воқеликнинг бири иккинчисига ўтишини кўриб ҳулосалар қиладилар. Демак, предмет ва ҳодисалардаги доимий тақрорланадиган (албатта айнан олдинги ҳолатнинг ўзи эмас) нарса ва ҳодисаларнинг умумий ҳолатларини, муҳим томонларини, хусусиятларини ифодалаш, фалсафий категориялар орқали амалга ошади. Бу категориялар ҳам бошқа жараёнлар каби қотиб қолган эмас. Баъзи зиёлилар фалсафа, шу жумладан унинг тушунчалари ҳам қадимда қандай бўлган бўлса, ҳозирда ҳам шундай деб тушунадилар.

Аслида бундай қараш билиш ва билимнинг торлигидан. Бу категориялар замон талабидан келиб чиқиб мазмун ва шакл жиҳатидан бойиб борадилар. Аниқроқ қилиб айтганда, улар ҳам «энига», ҳам «бўйига» ўсиб, ривожланиб боради. Янги мазмун ва шаклга эга бўла боради. Масалан, давримизга келиб, ўзбек фалсафасида «маънавият» сўзи тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Азалдан Европа фалсафасида унинг мазмуни «духовность» сўзи орқали ифодаланган. Маънавият сўзини ҳам шу сўз билан таржима қилганлар. Ҳозирги пайтда бу сўзларнинг ўзаро яқинлиги ҳақида фикр юритилмоқда. Ҳатто рус олимлари ҳам «духовный» сўзи фақат диний соҳада кўпроқ ўз аксини топганлиги ҳақида фикр юритадилар. Маънавият сўзи эса ҳозирги вақтда фалсафий тушунча сифатида шаклланмоқда. Бу соҳада олиб борилаётган илмий изланишлар шундан далолат бермоқдаки, у фалсафий категория сифатида инсон

фаолиятини камраб олувчи кенг ва тор маъноларда ишлатиладиган тушунчадир. Бу тушунчада ҳам диалектик хусусият мавжуд. Яъни маънавийлик-маънавиятсизлик ёхуд, қарама-қарши томонлар мавжуд. Улар ўртасида зиддиятлар ҳам бор. Турли сифатларга эга бўлиб, бир-бирини инкор қилиш жиҳатлари намоён. Замон ва маконда абадий. Маънавият сўзида инсоннинг иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, диний, маданий, эстетик, этик, фалсафий, илмий хусусиятлари камраб олинади. Шу билан бирга унда жамият, жамоа, табиат муаммолари ҳам мужассамлашган. Шу жиҳатларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу тушунчани ижтимоий фалсафа муаммоси-категорияси сифатида қабул қилиш ва унинг кенг қирраларини очиш келажак ишидир. Ана шунингдек замон талабидан келиб чиқадиган тушунча, категориялар фалсафа муаммоларини бойита боради. Шу сабабли ҳам фалсафани «доимий фалсафада!» деб тушуниш ўринсиз. Аммо таъкидлаш лозимки, теварак атрофдаги предмет ва ҳодисалар тараққиёти зарурият ва тасодифлар асосида ривожланади, пайдо бўлади, йўқ бўлади. Шу жараёнда фалсафий категориялар ҳам замон ва маконда нисбийдир. Гоҳида оламни тушунтиришда турғун бўлиб қолиши табиий. Зеро, ҳатто дарахтлар ҳам ҳаётда чекинади—совуқ тушса, ғунчалар очмай тўхтаб қолади. Иссиқ бошланиши билан ғунчалар очилади. Фалсафа, унинг диалектикаси ҳам шундай. Баъзида у ривожланиш йўлида тўхтаб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Предмет ва ҳодисалар таҳлили бир ёқламаликни қабул қилмайди, акс ҳолда ҳатоликлар пайдо бўлаверади. Предмет ва ҳодисаларни англаш учун уларга мужассам ҳолда ёндошиш айни муддао бўлса ҳам, унга тўлиқ эришиб бўлмайди. Лекин инсон шунга интилиши лозим. Шундагина нисбатан кам хато қилади. Масалан, буғдой донининг шаклига қараб хулоса қилсак, уни тўлиқ таҳлил қилиб баҳо бера олмаймиз. Буғдойга тўлиқ баҳо бериш унинг «шакли»ни ҳисобга олган ҳолда, уни иккинчи бир категория-«имконият» орқали, буғдойнинг ичидаги имконияти (тўқлиги, мазаси, оклиги)ни, яна бир категория-«тасодиф» орқали совуққа чидамлиги, бақувватлигини ёки жонсизлигини, яна бир категория - «сабаб» орқали ернинг намлиги натижасида ўсиши, яна бир категория - «зиддият» орқали доннинг модда алмашинишининг хусусиятлари ва ҳоказолар орқали амалга оширилади. Бундай ёндошиш буғдойнинг хусусиятларини мутлоқ билишга ёрдам беради ва ундан қайси мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги учун хулоса чиқарилади. Аслида буғдойга тавсиф бериш, бу келтирилган далиллар билан чекланиб қолмайди. Чунки, буғдой бошқа - замон ва вақт, бутун ва бўлак, вазифа ва тузилиш, моҳият ва ходиса, миқдор ва сифат, инкорни-инкор, яқкалик ва умумийлик, мазмун-воқелик, зарурият ва бошқа категорияларга жалб қилинган ҳолда тавсифланади. Аслида, буғдойни мутлоқ тавсифлашда бу кўрсатилган категориялар ҳам камлик қилади. Шунинг учун ҳам билиш чексиз тавсифга эга.

Диалектик категориялар, яъни тушунчалар предмет ва ҳодисаларнинг ички ва ташқи моҳиятидан ҳолисона, объектив ҳолда келиб

чиқади. Предмет ва ҳодисалар жараёни ўз-ўзидан тушунчаларни қўллашга мажбур этади. Мазкур тушунчалар орқали предмет ва ҳодиса хусусияти ичига кириб борилади. Бинобарин, бу хусусиятлар ташқаридан олинмаган. Инсон бу хусусиятларни ўз сўзлари – категориялар орқали ифодалайди, ҳолос.

Диалектик категорияларнинг хусусиятларидан яна бири шуки, улар бир-бири билан занжир сингари боғланган. Алоқада. Ўзгарувчан. Ҳаракатда. Предмет ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнида улар бир-бирини тақозо этади, бир-бирига ўтиб туради. Шу билан бирга бу ҳолатлар бир вақтнинг ўзида предмет ва ҳодисанинг бирлигини таъминловчи жараёнлардир. Уларнинг барчаси предмет ва ҳодисадаги умумий алоқадорликнинг ўзаро таъсирини, ривожланиш ва тараққиётини келтириб чиқаради. Демак, категориялар бир-бири билан шу даражада мустаҳкам боғланганки, улар бири иккинчисисиз яшай олмайди. Предмет ва ҳодисалардаги умумий алоқадорлик, ўзаро таъсир, тараққиёт маълум бир шароит юзага келганда амалга ошишини эътироф этиш керак. Бу жараёнлар макон ва замонда нисбий, тараққиётда абадийдир. Шарт ва шароитлар етилмаса, категориялар бир-бирига ўтмайди, бир-бирини тақозо этмайди. Улар ўзаро таъсир қилмайди. Диалектик категорияларнинг асл табиати шундай. Объектив оламни билиш эса инсонлар учун зарурат. Айтганларидек, «Одамдан юқори тураркан олам, билим олмоқликка муҳтождир одам». Диалектик категорияларни курол қилиб олган одам, олам тўғрисида маълум бир тасаввурга эга бўлади. Уларни билиб олганда эса ундан бахраманд бўлади. Чексиз оламнинг сон-саноксиз предмет ва ҳодисалари борки, уларни инсон алоҳида-алоҳида ўрганади, солиштиради, ўхшатади ва натижада бир хулосага келади. Зеро, диалектикани бошқа билиш услублари ва таълимотлари билан солиштириб ўрганиш аини муддаодир. Равшанроқ айтадиган бўлсак, диалектиканинг идеализм, дуализм, метафизика, экзистенциализм, рационализм, феноменология, структурализм, герменевтика, позитивизм, томизм, неотомизм, агностицизм, фрейдизм, анархизм, эмпириокритицизм оқимлари ҳам оламни билиш ҳақидаги ўз услубларини ўртага қўйган, ўзларининг хулосаларини билдирганлар, ҳамда унинг янги қирраларни очганлар. Фақат уларнинг хулосаларидан тўғри, ўринли фойдаланиш талаб этилади, ҳолос.

Муаммоларни ечишга қараб оламни тушунтиришнинг диалектика каби услубларидан ташқари яна: метафизик эклектик, софистик, синергетик услуб ва бошқалари ҳам бор.

Метафизик қараш тарафдорларининг фикрича, нарса ва ҳодисалар бир-бири билан алоқада эмас. Ўзгариш ва ривожланиш оддий қўпайиш ва озайишдан иборатдир. Метафизиклар ривожланишни нарсаларнинг бир-бирига ташқи таъсир этишидан кўрадилар. Олам тўғрисидаги диалектик ва метафизик услублар ижтимоий-сиёсий кураш, табиий–ижтимоий фанларнинг ривожланиши натижасидир. Диалектик ва метафизик қарашларни материалистлар ва идеалистлар ҳам ривожлантирадилар.



«Метафизика» юнонча сўз бўлиб, «metafizika» - бу физикадан кейин, табиат тўғрисидаги фан демакдир.

Фалсафада бу сўзни Андроник Родосский, сўнгроқ Аристотел ишлатганлар. Улар ўз асарларини яратар эканлар, табиат ҳодисалари аниқ, физик дунё нисбий, оқувчидир, доимий ҳеч нарса йўқ, деб тушунтирган эдилар. Андроник Радосский табиат тўғрисидаги фанни “физика” деб атайдди. Аристотел– “Метафизика” асарини ёзди. Бу асарда борлиқнинг умумий томонлари ва билиш ҳамда худо тўғрисида, рухнинг ўлмаслиги, ироданинг эркинлиги тўғрисида фикрлар физикадан, табиатдан кейин ҳосил бўлади, деб тушунтирилди. Гегель эса метафизика сўзини диалектикага қарши ишлатди.

Бу қарашлардан ташқари эклектик (танлайман) услуби мавжуд. Эклетика–нарсаларнинг асосий алоқа ва томонларини ажратмай уларнинг турли–туман боғланишларини тартибсиз равишда аралаштириб юборади. Эклетика сўзи юнонча сўз бўлиб– танлайман демакдир.

Софистика юнон сўзидан олинган бўлиб–донишманд, устоз деган маънони англатади. Софистика–муайян бир даврдаги ҳодиса ва воқеаларнинг узвий боғланишлигини ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини бошқа бир сифатдаги ҳодиса ва воқеаларга боғлаб узиб олган ҳолда татбиқ этадиган йўналишдир.

**Детерминизм ва  
индетерминизм,  
синергетиканинг жаҳон  
фалсафаси учун аҳамияти.**

Детерминизм концепцияси кенг маънода барча предмет ва ҳодисаларни қонуниятлар ёрдамида сабабий жараёнларини изохлаб берадиган оқим. Индетерминизм эса барча предмет ва ҳодисаларни

сабабий боғланишлари қонуниятлар асосида рўй беришига шубҳа билан қаровчилар оқимидир. Предмет ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши доимий бўлиб улар бирор сабаб орқали амалга ошади. Ўзаро таъсир келиб чиқади. Ушбу ўзаро таъсирлар детерминацияланиш жараёнида амалга ошади. Яъни предмет ва ҳодисалардаги ҳаракатларни барчаси бир вақтни ўзида амалга ошмайди. Улардан маълум бир қисмлар ва ҳодисаларгина янги предмет ва ҳодисаларни келиб чиқишига туртки бўлади. Бу ҳам қонуниятдир. Детерминация ана шу баъзи қисмлар ёрдамида тубдан янги қисмларни келиб чиқишини ифодалайди.

Детерминизм оқимларидан бири бу механистик детерминизм оқими бўлиб, улар айнан предмет ва ҳодисалардаги умумий ўзаро таъсиринигина эътироф этадилар. Предмет ва ҳодисалардаги алоҳида–алоҳида рўй берадиган томонларни инкор этадилар. Масалан, дарахтлар қуёш нуридан баҳраманд бўлиб ўсадилар. Бу умумий таъсир. Лекин дарахтларни ривожланиши учун бошқа сабабиятлар ҳам бор, чунончи, ер, ердаги элементлар, сув, намлик ва бошқалар. Буларнинг бўлиши бир томондан зарурий бўлса иккинчи томондан сабабиятдир. Булар бирлашиб сабабий

қонуниятни келтириб чиқаради. Бу ҳолатлар фалсафада детерминацияни ташкил этади. Аниқроғи механик детерминация, бу ташқи таъсурот натижасида ҳолат ўзгаради деб тушунтиради. Улар предмет ва ходисалардаги ички ва турли туман зарурий эҳтиёжларни юзаки тушунтирганлар. Аслида эса янгиликларни пайдо бўлиши қатъий ва бирёқдамлик натижасида эмас, балки сон саноксиз муҳит ва шароитлар ёрдамида ҳосил бўлади. Бу жараёнларни илмий ҳал этиш, табиат ва жамият қонуनларини тўғри тушунишга олиб келади. Бошқача айтганда, детерминизм бу методологиядир. Детерминизм тамойилини табиат, жамият ходисаларини моҳият ва мазмунини билишга жалб этиш турли камчиликлардан сақлайди. Ҳар бир предмет ва ҳодисада ички ва ташқи ҳамда зарурий боғланиш қонуниятларини билмасдан туриб тўла билимга эга бўла олмаимиз. Детерминизмни қўллаш ёрдамида предмет ва ҳодиса ҳақида тўлароқ билимга эга бўламиз. Шу сабабли ҳам, эҳтимоллик, статистик, бир ёқдамлик, қатъийлик детерминацияларини бир биридан фарқ қилиш зарур. Масалан, статистик детерминацияланиш бу катта қисмдаги миқдорий жиҳатларни бирлашиши натижасидир. Детерминацияланиш жараёни жуда кўп жиҳатларни қамраб олади. Жумладан предмет ва ходисаларнинг имкониятлари, мазмун ва шакли моҳияти, зарурий, тасодифий томонлари бирлашмаси детерминацияланишни келтириб чиқаради. Демак ривожланиш ва таракқиёт бундай жараёнсиз ҳам бўлмайди.

Фалсафа фанидаги диалектика, метафизика, детерминизм, индетерминизм, релятивизм ва синергетик таълимотларнинг барчаси ҳам инсоннинг оламни билишдаги услубий қуроқларидир. Бу услубларни ҳар бирини фалсафада ўз ўрни бўлиб, уларни ҳаётда қўллаш натижасида олам, табиат, инсон ва жамиятларни сир асорлари ўрганиб келинди. Бу услублардан бири синергетик услубдир.

Синергетика таълимоти фалсафа фанида нисбатан янги услуб бўлиб, бу услуб ҳам табиат, жамият, инсон тафаккуридаги жараёнларни таҳлил этиб ўзининг ҳулосаларини беради. Унинг мазмун ва моҳияти предмет ва ходисаларнинг ўз-ўзини ташкил этиш, “тартибсизликдан тартибни” келиб чиқиши ҳамда ҳозирги замон воқеалари билан боғланувчи ғояларни ифода этадиган таълимотдир. Синергетиканинг асосчиси Нобель мукофотининг совриндори Иля Пригожин (1917 йилда туғилган) бўлиб у ўзининг “Порядок из хаоса” номли асари билан кўп миллионли ўқувчиларга маълум. Мазкур олимнинг фикрича оламни замонавийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш пайти келган. Жумладан моддий ва маънавий борлиқ ҳақида уларнинг турли босқичларида ўзини ўзи ташкил этиш, борлиқдаги микро-макро-мега оламларнинг таракқиёт қонунарининг ўзаро яқин ва умумийсига, барча ўзгаришларни текис эмаслиги, таракқиётнинг кўп вариантлилиги ва баъзиларини орқага қайтмаслиги, хаос ва тақибнинг ҳамда тасодиф ва заруриятнинг ўзаро алоқаси ҳақида фикрлари оламни замонавий тушунишга қаратилган. Оламнинг синергетик ҳолатида ўзгарувчи жараёнлар вазифаларини синтези пайдо бўлади.

Тизимдаги бекарорликлар, чекинишлар, силжишлар фазо ва вақтда пайдо бўлади. Бу намоён бўлиш тартибсиз-бекарордир.

Синергетика таълимоти бўйича оламнинг тараққиёти бир йўлда балки, ночизиқ ҳолда тасодифларга, турли йўналишларга, тармоқланишга, ҳар хил вариантларга эга. Нисбатан барқарор системалар(тузилмалар) нисбатан бекарордир. Улар доимий равишда тартибсизликдан келиб чиқади, ўзи ўзини тузади, шакллантиради. Айни пайтда йўналтирилган ва қайтмас ўзгаришларни пайдо қилади. Баъзида ўлади, баъзида ривожланади. Нарса ва ҳодисаларнинг барқарор бўлиши тартибсизликдан тартиблиликка ўтиш универсалдир, ҳар ёқламалик натижасидир.

Тартибсизлик ва тартиблилик, бекарорлик ва барқарорлик, ноорганик ва органик, жонли ва жонсиз, инсон ва инсоният умуман ижтимоий ҳаёт жараёнлари дунёсига хосдир. Синергетика турли хусусдаги тузилмаларнинг ягона тузлишининг симметриясини очиб беради. Бу таълимотнинг ижобий томони шундаки, у ҳар бир тузилманинг пайдо бўлиш ва йўқ бўлишини изоҳлашга ҳаракат қилади. Синергетика ҳам диалектика сингари борлиқни ифодаловчи таълимот сифатида пайдо бўлди. Табиат ва жамиятни тушунтиришда янада аниқроқ ва яқинроқ ёндошади. Синергетик таълимот ҳамма жойда ўзини намоён қилади. Синергетика қаерда зарурат ва тасодифлар рўй беришини аниқроқ ёритади. Кўпроқ тасодиф бу-фаолиятда ижобий, анча ушумлиликни тушунтиради. Синергетиканинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, зарурат ва ҳодисани тенг ҳуқуқли эканлигини бириктирилган қаторида эътироф этади. Мазкур таълимот олимлар фаолиятида катта аҳамият касб этади. Бу услуб ҳар қандай олим ўз объектига сабр тоқатлилиги чиндан билан таъсир этиши лозимлигини эслатди. Ўрганилаётган предметга зарур вақтда, зарур жойда керакли таъсир кўрсатилса, у ўзининг (ҳодиса) бир бутунлиги ва тузлишини намоён қилади. Синергетика нуқтан назаридан биз яшаётган олам зарурий оламдир, ахборот ва тузилма турғунлик ва бекарорлик. мутлақо йўқолувчи ва сақланувчи жараёнлар оламидир.

Хулоса қилиб айтганда, синергетика таълимоти тартибсизлик ва тартибнинг, бекарорлик ва барқарорликнинг анталогик қонуниятларини ўргатади. Бу қонуниятларни биллиш, идрок қилиш муваффақиятлар гаровидир. Ҳаёт мавжуд экан, дунёнинг ташкил топишини, бу дунёда ҳар бир ҳодисанинг вужудга келишини, яширин сирларни ҳақиқий фаолиятини ўрганишни ким истамайди дейсиз. Бунга синергетика услуби ёрдам беради.

### Таянч сўз ва иборалар:

Ўзгариш, тараққиёт, ўзаро алоқадорлик, ижтимоий тараққиёт, илмий тараққиёт, метафизика, диалектика, ривожланиш, системалилик, детерминизм, индетерминизм, релятивизм, синергетика, сабибият.

### Алломалар фикрларидан намуналар:

«Кимки буюкликка эришишни истаса, у ўзини чегаралай билмоғи лозим. Кимки, аксинча, ҳамма нарсани истаса, у аслида ҳеч нимани истамайди ва ҳеч нарсага эриша олмайди».

**Георг Гегель – немис файласуфи.**

«Аксари билагонлар ақлсиздир».

**Демокрит – грек файласуфи.**

«Ўзини билимдон дейдиган нодондан коч».

**Қобуснома.**

### Мавзуга оид тест саволлари:

**Диалектика нимани ўргатади?**

- а) инсон фаолиятини
- б) табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг энг умумий қонуниятларини ўрганади
- в) диний фаолиятни ўргатади
- г) жамият ҳодисаларини ўрганади

**Метафизиканинг моҳияти нима?**

- а) предмет ва ҳодисалар ҳақидаги таълимот
- б) метафизика таълимоти предмет ва ҳодисаларнинг алоҳидалиги ҳақидаги таълимот
- в) метафизика табиат ҳақидаги таълимот
- г) метафизика ижтимоий борлиқни ўрганади

**Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, снёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
2. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-жилд. Т.: «Ўзбекистон». 1997 й.
3. Каримов И. “Юксак маънавиятсиз келажак йўқ” Т.: 1997 й.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: 1993 й.
5. Гуннар Скербекк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т.: «Шарқ», 2002 й.
6. Бобомуродов А. Ислоҳ одоби ва маданияти. Т.: 1995 й.
7. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т.: «Фан» 1968 й.
8. Юсупов Э. ва бошқалар. Фалсафа. Т.: 1999 й.

## 2 боб. Фалсафий қонунлар.

### Қонун ва категориялар хақида.

Диалектиканинг қонун ва категориялари воқеа олам ҳодисалари ва предметларининг тараққиёт жараёнини босқичма- босқич тарихий мантиқий билишнинг асосидир. Диалектиканинг қонун тушунчаси объектив олам предмет ва ҳодисаларнинг бир- бири билан ўзаро муносабатлари боғланишларини бир бутун ҳолда ифодалайди. Демак, биз қонун нима деган саволга жавоб берамиз. Қонун, бу нарса ва ҳодисалардаги ички, муҳим, умумий, зарурий такрорланадиган - барча боғланишлардир. Қонун ҳақида фикр юритганимизда, албатта, зарурий турғун такрорланувчи алоқадорликни, муносабатни кўзда тутиш лозим. Предмет ва ҳодисалар орасидаги боғланишлар бир-бирига ўхшайди. Лекин уларнинг ўзига хос индивидуал, бетакрор, тасодифий хусусиятлари ҳам бўлади, қонун мана шу индивидуал, тасодифий хусусиятларни ифодаламайди, балки ҳар бир нарса ва ҳодисага хос бўлган умумий, такрорланувчи, зарурий муносабат ва боғланишларни ифодалайди. Қонун ҳодиса ва боғланишлар маълум воқеаларнинг маълум шароитида, катъий, шубҳасиз содир бўлишини белгилайди. Масалан, куннинг тун билан алмашинуви қонуний характерга эга, чунки ернинг ўз ўқи атрофида айланиб туриши куннинг тун билан алмашинувига олиб келади. Ер ўз ўқи атрофида ҳаракат қилмаганда, бу ҳодиса зарурият тарикасида бўлмас эди. Энди қонуннинг асосий хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Диалектика табиат ва жамият объектив қонунларга таянишни кўрсатади. Демак, табиат ва жамият объектив қонунлар асосда ривожланади.

Қонун кишиларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошадиган объектив жараёнларнинг иродасидир. Инсон қонунларни билиб олиши, улардан ўз манфаати учун фойдаланиши мумкин. Инсон объектив қонунларни ярата олмайди. Шундай қилиб, табиат ва жамиятнинг ҳар қандай қонунни учта муҳим хусусияти билан тавсифланади. Буни Ж. Туленов шундай изоҳлайди:

а) қонун объектив асосга эга бўлиб, муҳим, зарурий, умумий бир қатор муносабатларни ифодалайди;

б) қонуннинг муҳим алоҳида хусусияти шуки, у воқеалар ривожланиши катъий муайян йўналиши оқибатида вужудга келади;

в) қонун маълум шарт-шароитларда намоён бўлади.

Бу уч ҳолатни ҳисобга олган ҳолда қонунга қуйидагича таъриф берилади: қонун муайян шарт- шароитда воқеалар ривожининг характери ва йўналишини белгилайдиган маълум бир катъий натижани тақозо этадиган объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий, барқарор муносабатлар ифодасидир. Бу ўринда немис файласуфи Кантнинг фикри ҳам характерли. Унинг фикрича, инсон қонун

тушунчасини табиат ва жамиятдаги умумий муносабатларни билиш асосида юзага келтирмайди, балки уни табиат ва жамиятга ўзи киритади. Демак, унинг фикрича инсон ва унинг тушунчаси бўлмаса табиат ва жамиятдаги зарурий, қонуний боғланишлар ҳам бўлмайди. Махизм вакили Пирсон шундай дейди: «Фан қонунлари ташқи олам бўлишидан кўра кўпроқ, инсон ақлининг маҳсулидир. Инсон табиат ва қонун яратувчисидир. У табиатга қонунларни яратиб беради». Баъзи ҳозирги замон файласуфлари ҳам табиат ва жамият қонунларининг объектив характерини инкор қиладилар. Жумладан, табиатшунос олимлар Н. Бор, В. Гейзенберглар қонуний боғланишлар фақат макро дунёдагина мавжуд эмас, деган фикрни илгари сурадилар. Макро дунё билан микро дунё бири билан боғлиқ ҳолда яшайди, макро дунё объектив қонунлар асосида яшаганидек, микро дунё қонунлари ҳам объективдир, лекин ўзига хос хусусиятлари бор. Қонунларнинг объектив характерини инкор этиш асосан жамиятнинг объектив қонунлар асосида ривожланишини инкор этишга олиб келади. Объектив қонунларни инкор этиш билан улар йўқолмайди, ёки бекор қилинмайди. Объектив қонунлар асосида амалга ошаётган қонуний тараққиётни бўғиш ёки тўхтатиб қўйиш мумкин эмас. Буни фан тараққиёти инсониятнинг ижтимоий тажрибаси орқали амалий ва назарий жиҳатдан исботлаш мумкин.

Табиат ва жамият қонунларининг объектив характерга эга бўлиши бир хил умумий хусусиятга эга, лекин улар орасида маълум фарқ бор. Табиат қонунлари ер юзида инсон бўлмаган чоғда ҳам мавжуд бўлган. Жамият қонунлари эса инсон фаолияти натижасида вужудга келган шарт-шароитлар билан боғлиқ равишда юзага келган. Энгелснинг кўрсатишича, жамият қонунлари кишиларнинг ижтимоий муносабатларидаги энг умумий, муҳим боғланишни кўрсатади. Яна бир фарқ жамият қонунларига нисбатан табиат қонунлари аста-секинлик билан ўзгаришида. Масалан, неорганик табиатдан миллион-миллион йиллардан сўнг ўзининг имкониятига кўра органик табиат келиб чиққан. Ижтимоий тарихий қонунлар эса маълум давр давомида амал қилиб, сўнгра ўз ўрнини янги қонунларга бўшатиб беради, баъзилари ўз кучини йўқотади. Ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик, феодал ва капиталистик тузумларга хос қонунларнинг ўзгариши бунга мисол бўла олади.

Табиат ва жамиятдаги қонунлар ўзининг ҳаракат доирасига кўра энг умумий, умумий ва хусусий қонунлар бўлиши мумкин.

Энг умумий қонунлар бу табиат, жамият ва инсон тафаккури ҳодисалардаги боғланиши алоқасини ифодаловчи диалектика қонунларидир. Булар миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни, карама-қаршиликлар бирлиги ва кураш қонуни, инкорни инкор қонунидир. Умумий қонунларга массанинг сақланиши, энергиянинг бир турдан иккинчи турга ўтишини олиш мумкин. Хусусий қонунларга мисол-физикадаги Кулон қонуни, ток кучи учун Ампер қонуни ёки биологиядаги ирсиятга оид генетика қонуни, химиядаги Менделеевнинг элементларнинг даврий системаси қонуни ва бошқалар. Булар ҳам

объектив қонунлардир. Фақат ўз объектидаги боғланиш, алоқадорликни ифодасидир. Энди фанда динамик ва статистик хусусиятга эга бўлган қонунларга тўхталсак. Статистик қонунлар мутлоқ маънодаги зарурий қонунлар эмас, улар эҳтимоллик сабабига мувофиқ бўлган боғланишларни ифодалайди ва улар динамик қонунлардан фарқ қилади. Статистик қонунлар маълум шароитда бўлиши эҳтимолини ифодалайди. Масалан, Дарвиннинг табиий танланиш қонуни ҳамма индивидлар учун эмас, чунки индивидларнинг шароитга мувофиқлашганлари яшайди холос, мувофиқлашмагани нобуд бўлади. Тарихий тараққиёт жараёнида шундай қонунлар борки, улар шу жамиятдаги маълум синфлар манфаатига мувофиқ келади. Бу қонун шу жамият, шу синф учун эҳтимол зарурдир, лекин у умуман зарурий натижаси бўлмаслиги мумкин. Динамик қонунлар бу бир-бирига боғлиқ, ўзаро алоқада бўлган ҳолда эски қонунлар ҳаракатини давом эттиради, лекин унинг мавжуд доираси чегараланган бўлади, шароитига қараб у қонун ўзгариши, кенгайиши мумкин. Макро дунё қонунига Ньютон механикаси, квант механикаси ва бошқалар мисол бўла олади. Макро дунё қонунларини чуқурроқ ўрганиш микро дунё қонунларини билишга ёрдам беради.

Диалектиканинг умумий алоқадорлик ва боғланишларни ифодаловчи қонунларидан ташқари категориялари бўлиб, уларни биргаликда, ягона тизим сифатида олиб қараш керак. Диалектиканинг категориялари воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий томонларини ифодалайди. Категориялар тизими олам ҳодисаларининг энг умумий алоқа ва боғланишларни ифодаловчи тушунчадир. Категориялар мазмунига кўра объективдир. Инсониятнинг амалий фаолиятида, билиш жараёнида бу тушунчаларнинг аҳамияти катта. Диалектика воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқасини, тараққиётини акс эттиради, инсон эса уларни онгли равишда таҳлил этиб, моҳиятини, қонунларини чуқурроқ билишга интилади.

Диалектика моддий оламнинг тараққиёти қонунлари ҳақидаги таълимот бўлиб қолмасдан, билиш назарияси, тафаккур қонунлари ҳақидаги таълимотдир.

Демак, объектив мазмунга эга бўлган диалектик қонунлар билишнинг поғонаси, реал воқелик инъикосининг мантикий шаклдир. Диалектиканинг категориялари қонун сингари умумийлик хусусиятига эга, яъни объектив. Диалектиканинг қонун ва категориялари, ҳамда принциплари билимнинг ҳамма соҳасини сингдириб олади.

Улар объект билан субъект алоқасининг марказий нукталаридир. Диалектиканинг категориялари асосий қонунлар билан боғлиқдир. Қонунлар категориялар орқали ифодаланади, шаклланади. Масалан, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни сифат, миқдор, сакраш ва бошқа категориялар орқали шаклланади. Ўз навбатида диалектиканинг қонунлари, категориялар ўртасидаги ўзаро муносабатни ҳам белгилайди. Диалектика, категориялар системаси — айримлик, хусусийлик ва умумийлик, моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл, бутун ва

кисм, система ва структура, элемент, сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик, эркинлик ва зарурият каби яна бошқа категориялардан ташкил топади. Бу категорияларни биз кейинги мавзуда батафсил ўрганамиз. Диалектиканинг мана шу категориялари қонун сингари воқеликни билиш поғонасидир. Ҳаётни ўзгартириш услубидир. Диалектика тараққиётини ўрганиш жамиятнинг объектив ривожланиш қонунларини очиш асосида келажақдаги тараққиётни кўра билиш имкониятини беради.

Диалектиканинг принциплари эклетика, софистика ва схоластикага яқин бўлса ҳам, лекин улар ҳодисаларни бирор бир томонини бошқа томонлардан, ҳодисалардан ажралган ҳолда алоҳида текширмайди, аксинча, уларни умумий ўрганади. Диалектика доимо ривожланиб борувчи борлиқнинг ҳолисона, чуқур илмий таҳлили натижасидир.

Юқорида табиат, жамият ва тафаккур ҳодисалари ўзаро алоқада, тинимсиз ривожланиб, ўзгариб, ҳаракат қилиб туради деб таъкидладик. Бу ҳолат оламдаги ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ажралмас хусусиятидир. Нима сабабдан шудай? Тараққиёт қандай пайдо бўлган? Унинг манбаи нимадан иборат деган саволлар ҳаммани қизиқтиради. Бу саволларга фалсафада намоён бўладиган қонун ва категорияларни таҳлил қилиб жавоб топиш мумкин.

**Қарама-қаршиликлар  
бирлиги ва кураши  
қонуни.**

Фалсафа қонунларидан бири-қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунидир. Фалсафа тарихида бу қонун кўпроқ мантик фанидан келиб чиқиб тушунтирилган. Чунки, мантикда қарама-қаршиликлар тафаккурлашга хос махсус хусусиятларни ифодалайди. Унда объектив оламни тўғри акс эттиришни зарурий шароитлари мавжуддир. Аристотел бу қонунни фақат мантикда бўлишини эътироф этиб, унинг барча соҳаларида амал қилишига эътибор қаратмаган.

Фалсафанинг қонун ва категорияларини асослашга интилган мутафаккирлар анчагина. Айниқса XVIII аср француз-инглиз файласуфлари, янги давр XIX-XX аср файласуфлари таълимотлари бунга мисол бўла олади. Жумладан, тараққиёт манбаини Ньютон ҳам кўрсатишга ҳаракат қилиб уни биринчи тўрткида, деб изоҳлаган бўлса, XVIII аср француз материалистлари тараққиёт сабаби предмет ва ҳодисаларнинг ўзида деб уқтирдилар. Уларнинг фикрича, тараққиёт манбаи қарама-қаршиликлар кураши асосида эмас, балки моддий объектларнинг бири-бирига таъсир этишидадир. Кейинчалик XIX асрда тараққиёт манбаини Георг Гегель кўрсатиб берди. Унинг фикрича, тараққиётнинг сабаби қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашидадир. Бу ғояни сўнграқ марксистик фалсафа ҳам давом эттирди.

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши тараққиётни тушунтиришдаги муҳим қонун эканлигини исботлаш учун аввало уни ташкил этадиган тушунчалар моҳияти билан танишиб чиқиш зарур. Бу



тушунчалар айният, тафовут, зиддият кабилардир. Таъкидлаш лозимки, улар ўзаро алоқа ва боғланнишдадир.

Айният — нарса ва ҳодисаларнинг нисбий турғунлигини, барқарорлигини белгилайдиган тушунча бўлса, тафовут предмет ва ҳодисаларнинг фарқли томонлари орасидаги муносабатни ифодалайди. Зиддият қарама-қарши томонларнинг конфликтли муносабатларини билдиради.

Айниятни янада тўғрироқ тушуниш учун айнан ўхшашликни, бир хилликни кўз олдимизга келтиришимиз зарур. Лекин, таъкидлаш лозимки, мутлоқ ўхшашлик, бир хилликнинг ўзи йўқ. Масалан, эгизаклар, ёки қоллидаги ғиштлар бир-бирига ўхшасалар ҳам макондаги эгаллаган жойлари билан фарқ қиладилар. Ҳеч бўлмаса, таркибий тузилишида фарқ мавжуд. Аммо нисбий ўхшашдирлар.

Тафовут—нарс ва ҳодисалардаги ўхшамаслик ва бир-бирдан ажратувчи белги ифодасидир. Тафовутда ҳар бир нарсанинг ўзига хослиги ёки хос эмаслиги тушунилади. Масалан, ҳар қандай жонли организм ёки ўсимликлар ҳаёти тўхтовсиз модда алмашинувида асосланса, механик таъсир ва ўзаро таъсир натижасида жисмлар ҳаракатга келади. Бу ерда таъсирлар фарқли, тафовутли жиҳатлар ҳисобланади. Демак, тафовут қарама-қарши томонлар асосини ташкил этади.

Зиддият — тафовутдан келиб чиқмайдиган жараён дир. Қарама-қарши томонлар ҳаракатидан зиддият келиб чиқади. Зиддият келиб чиқиши учун қарама-қарши томонлар бўлиши шарт. Қарама-қарши томонлардаги муносабатларнинг кескинлашуви натижаси зиддият дир. Зиддиятнинг юқори шакли конфликт (тўқнашув дир). Шу ўринда айтиш мумкинки, зиддият қарама-қарши томонларнинг тўқнашувли (конфликтли) муносабатларини ифодалайди.

Кўриб турибмизки, қарама-қарши томонларнинг бўлиши ўз-ўзидан келиб чиқмай, кўп жараёнларни ўз ичига олади. Шу жараёнлар натижасида ҳосил бўлган қарама-қаршиликлар, табиат ва жамиятда, тафаккур ҳодисаларидаги мавжуд бўлган томонларни ташкил қилади. Бу томонлардаги хосса ва хусусиятлар гоҳида бир-бирини инкор қилсалар, гоҳида бир-бирини тақозо этадилар. Магнитнинг манфий ва мусбат кутблари, атомдаги тортилиш ва итарилиш кучлари, жамиятдаги ёлловчи ва ёлланувчилар турли томонларни акс эттиради. Аммо, бу жараёнларда қарама-қарши томонлар ҳам, мавқеи ҳам тафовутли муносабатларни келтириб чиқармайди. Томонлар ўртасидаги муносабат кескинлашса, конфликт жиддий тус олади. Шу сабабли, конфликт тушунчаси зиддиятдан фарқ қилади. Конфликт, қарама-қарши томонлар орасидаги муносабат бўлиб, у кескинлашганда эски чегара янги чегарага чиқадиган ҳаракатда характерда бўлади. Лекин зиддият ҳамиша ҳам конфликтга олиб бормайди, уларнинг олдини олиш мумкин. Табиат ва жамият, инсон тафаккурида зиддиятлар турлича бўлади. Чунки олам чексиз ва турлитуман, ходиса ва ўзгаришлар эса сон-саноксиз дир. Шундай экан, зиддият шакллари ҳам турлича. Зиддиятсиз ҳаракат пайдо бўлмайди. Ҳар қандай

ҳаракат зиддият орқали содир бўлади. Айтиш мумкинки, ҳаракатнинг ўзи ҳам зиддиятдир. Ҳаётнинг ўзи ҳам зиддият замирига қурилган. Демак, теварак агрофда мавжуд зиддиятларни бир-биридан фарқлаш лозим, зеро зиддият ҳаракат ва тараққиёт манбаи. Зиддиятлар вужудга келиши билан маълум шаклга эга бўлгач, қураш кескинлашади ва кейинги босқич учун шароит яралади. Таъкидлаш лозимки, табиат ва жамиятдаги зиддиятлар ўзаро фарқланади. Табиатдаги зиддиятлар стихияли бўлиб, инсонга боғлиқ эмас. Инсон пайдо бўлишидан олдин ҳам шундай зиддиятлар бўлган. Улар кескинлашиб, ривожланиб ҳалоқат ёки муваффақиятга олиб келган. Бу зиддиятлар ўзига хос қонуниятлар асосида пайдо бўлиб, ёки йўқолиб туради. Жамиятдаги зиддиятларга инсон фаолияти таъсир этади ва бошқариб турилади. Жамиятдаги зиддиятлар иктисодий, сиёсий, маданий, маънавий фаолиятда акс этади. Улар характериға кўра: ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган, антагонистик ва ноантагонистик ҳамда бош зиддиятларға бўлинади.

Нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракат жараёни ва моҳиятидан келиб чиқадиган зиддиятлар ички зиддият деб аталса, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ташқи муносабатлар зиддият деб тушунилади. Кўпинча, ички зиддиятлар тараққиёт йўлида муҳим аҳамиятға эга бўлади. Масалан, меҳнат ва капитал, бойлик ва қашшоқлик ўртасидаги зиддият ички зиддият бўлса, бир мамлакат билан иккинчи мамлакат ўртасидаги зиддият ташқи зиддият ҳисобланади. Зиддиятнинг ички ва ташқи зиддиятларға бўлиш умуман нисбийдир. Чунки улар бир-бирларига ўтиб ҳам туради. Маълум бир зиддият бир нарсаға нисбатан ташқи зиддият бўлиши мумкин. Масалан, ўсимлик билан муҳит орасидаги зиддият ўсимлик учун ташқи зиддият ҳисобланса, табиат ҳодисаларининг тараққиётига нисбатан унинг ички зиддияти ҳисобланади. Тараққиёт ташқи зиддиятлардан ҳам келиб чиқиши мумкин ёки аксинча.

Тараққиёт асосий ва асосий бўлмаган зиддиятларға ҳам боғлиқ. Асосий зиддиятлар деганда, ҳодисанинг мавжудлиги ва ривожланиши, вужудға келиши ва йўқ қилинишигача ёки эски сифатининг тугатилишини ўз ичига олган чинакам моҳиятни ифодалайдиган зиддиятлар тушунилади. Асосий зиддиятлар ҳар бир предмет ёки ҳодисаға нисбатан олинади. Масалан, Афғонистондаги асосий зиддият бу муҳолифлар ўртасидаги зиддиятдир. Асосий бўлмаган зиддият маълум тараққиёт босқичида нарса ва ҳодисалар моҳиятининг у ёки бу томонини акс эттириб уни белгилаш ёки ўзгартириш кучиға эга бўлмаган зиддиятдир. Асосий ва асосий бўлмаган зиддиятни бош зиддиятдан фарқ қилиш лозим. Бош зиддият, тараққиётнинг у ёки бу босқичи моҳиятини белгилаб беради. Масалан, дунёда тинчликни сақлаш бош зиддият. Бош зиддият ҳам ўзгарувчан бўлиб, шароит ва вақтға боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Амалий фаолиятда иккинчи даражали зиддиятға ҳам эътибор қаратиш ҳатоликлардан ҳоли қилади.

Олам тараққиётда антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар ҳам мавжуд. Антагонистик зиддият, деб мақсад ва манфаатлари тубдан

бир-бирига қарама-қарши бўлган жараёнларга айтилади. Масалан мушук билан сичқон ўртасидаги зиддият антагонистикдир, яъни уларни келиштириш мумкин эмас. Ноангагонистик зиддият деганда, манфаат ва мақсадлари умумий бўлган зиддиятларни тушуниш мумкин. Республикамиз ҳаётида ҳам зиддиятлар мавжуд бўлиб, уларни режалаштириш йўли билан, фан ва техникадан тўғри фойдаланиш натижасида тартибга солинади. Натижада улар конфликт келтириб чиқармайди. Кўпроқ конституция ва бошқа қонунлар орқали бу зиддиятлар олди олинади ва ҳал этилади. Зиддиятлар ҳам универсалдир. Тараққиётга эришишда улар турли томондан таъсир қиладилар. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги замонга зид зиддиятларни гуруҳлаш мумкин: 1. Мамлакатлар ўртасидаги умум иқтисодий, сиёсий, маданий зиддиятлар. 2. Мамлакатлар ичқарисидидаги зиддиятлар. 3. Мамлакатлар ўртасида цивилизацияга оид зиддиятлар.

Бу зиддиятлар ҳам ўзаро боғлиқ бўлиб, турли соҳаларни қамраб олади ва шу жараёнларнинг ҳаётийлигини ҳисобга олиш зарур. Тараққиётга ҳисса қўшадиган қарама-қаршиликлар, жамият тафаккурида рўй берадиган ҳодисалардир. Барча нарса ва ҳодисалар қарама-қаршиликлар бирлигидир. Уларда айниқлиқ тафовут, зиддиятларнинг бўлишидир. Демак, фалсафий хулоса шундан иборатки, ҳар бир нарса ва ҳодисанинг муайянлиги, ҳаракати, ривожланиши, тараққиётининг асосий сабаби, манбаи, шу нарса ва ҳодисаларда мавжуд қарама-қарши жиҳатлар улар орасидаги муносабатлар натижасидир. Бу жараёнларнинг ҳаммаси қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунинида акс этади. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунининг моҳияти яна шундаки, унга мувофиқ ҳар бир нарса ва ҳодиса қарама-қарши томонларга-салбий ва ижобий, ўтмиш ва келажак, ўтиб боровчи ва ривожланувчи, эски ва янги хоссаларга эга. Ҳар бир нарса ва ҳодиса қарама-қарши томонларнинг бирлигидир (м: магнитнинг ўзи бир жисм, лекин унинг моҳияти қарама-қаршиликлар-манфий ва мусбатлигида ёки организм битта, лекин у ассимиляция ва диссимиляция мавжуд бўлганда бирликни келтириб чиқаради). Кураш ва бирлик генетик усулда ўзаро боғланган, ёки бошқача айтганда, қарама-қаршиликларни – бир-биридан ажратиб, қотиб қолган ҳолда, фаолиятсиз ҳолда олиш ва текшириш асло мумкин эмас. Улар нисбий бирликда бўлиб, вақти-вақти билан бир-бирига ўтиб турадилар, бир-бирини тақозо қиладилар, курашадилар, Қарама-қаршилик бир моҳиятнинг икки томонини ифодалайди. Қарама-қаршиликлар кураши тўхтамайди, лекин у нисбий бўлиб, бирлик эса мутлоқ. Шу сабабли қарама-қарши томонлар бирлиги маълум бир нарса ёки ҳодисадаги икки қарама-қарши кунинг маълум нисбий вақт ичида бирга мавжуд бўлиб туриши деб айтиш мумкин. Шундай қилиб, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунининг умумийлик характери фақатгина моддий оламдаги ҳамма нарса ва ҳодисаларга уларнинг пайдо бўлишидан тортиб ҳалок бўлишигача қадар ўз ичига олганлигида ҳам намоён бўлади. Ҳаракат, ривожланиш, тараққиёт мазкур жараёнларнинг натижасидир. Зотан

хаётнинг ўзи хилма-хил, унда кутилмаган қарама-қаршилиқлар пайдо бўлади. Айниқса, ҳозирги дунё жуда мураккаб, ранг-баранг, жўшқин, қарама-қарши тенденцияларга бой. Шу билан бирга у орзу умидлар дунёсидир. Инсон ўзи яратган мўъжизалар олдида, ўзининг нақадар ожизлигини сезаётган дунёдир. Шу сабабли тараккиётни тўғри баҳолаш, «пала-партишлик»ка эмас, балки ўзаро келишувчилик йўлларини излашга ва оқилона фикрлашга боғлиқдир.

**Микдор ва сифат тушунчалари. Микдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўзаро ўтиш қонуни.**

Тараккиёт ҳақида фикр юритар эканмиз, унда микдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларга ўзаро ўтиш ҳам амал қилади. Бу қонун ҳам тараккиётнинг маълум бир томонини ўзида акс эттиради. Қонуннинг моҳияти шундан иборатки, предмет ва ҳодисаларнинг микдор, сифатлари ўртасидаги муносабатларни, микдор ўзгариши сифат ўзгаришига қандай таъсир кўрсатишини ҳал қилиб беради. Моддий оламдаги хилма-хил нарса ва ҳодисалар бир-бирдан сифатига кўра фарқ қилади. Шу сабабли, сифат, микдор, хусусият, меъёр тушунчалари нималарни ифодалайди? Аввало шуларга эътиборни қаратамиз.

Моддий дунёда маълум сифатга эга бўлмаган бирор нарса ёки ҳодиса бўлиши мумкин эмас. Нарса ва ҳодисаларнинг сифати уларнинг хусусиятлари орқали намоён бўлади. Ҳар бир нарса бир қанча хусусиятга эга. Нарса ва ҳодисалар хусусиятларининг йиғиндиси уларнинг сифатини ташкил этади. Сифат ва хусусият ўзаро тенг бўлиши мумкин эмас. Сифат ва хусусиятларнинг ўзаро муносабати ижтимоий жараёнларни ҳам қамраб олади.

Ижтимоий ҳаётда ҳам микдорий жиҳатдан фарқ қиладиган соҳалар кўп. Масалан, бир ижтимоий формациядаги ишлаб чиқариш кучларининг тараккиёт даражасини-саноатининг ўсиши, суръати, даражаси, меҳнат унумдорлиги билан иккинчисидан фарқ қилади. Шундай қилиб, нарса ва ҳодисаларда сифат ва микдор муайянлиги бўлиб, улар ўзаро боғлиқ. Сифатсиз микдор бўлмаганидек, микдорсиз сифат ҳам бўлмайди. Чунки, улар айна нарса ва ҳодисаларда ажратиб бўлмас томонлардир.

Нарса ва ҳодисаларнинг микдор ва сифати бирлиги меъёр ёки ўлчов тушунчасида ифодаланади. Ҳар бир нарса ўзига хос аниқ ўлчов билан характерланади. Меъёр нарса ва ҳодисаларнинг барқарор ҳолатини ифодалайдиган ҳар қандай чегарада микдор ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келмайди. Масалан, нормал шароитда сувнинг ўлчови 0 дан 100 даражагача бўлган ҳарорат ҳисобланади. Агар сув 100 даражадан кейин ҳам қайнатилмаверса, унинг микдор ва сифат бирлиги бузилади, натижада сув буғга айланади. Янги меъёр ҳосил бўлади. Меъёрнинг ўзгариши натижасида бир сифатнинг ўрнига иккинчи сифат вужудга келади.

Фалсафа тарихида биринчи бўлиб, Аристотел сифат категориясини ўрганган. У «Категориялар» асарида сифат туфайли нарсаларнинг бир -

бирига ўхшаш ёки ўхшаш эмаслигини, бири иккинчисига айланишини диалектик асосда ёндошниш орқали таърифланган.

XVII-XVIII асрларда сифат категорияси механистик дунёкараш нуқтаи назаридан талқин қилинади. Масалан, инглиз философи Ж. Локк материянинг ҳиссий идрок қилинадиган барча хоссаларини бирламчи ва иккиламчи сифатларга ажратади. У бирламчи сифат зичлик, ҳажм, ҳаракат, шакл бўлиб, у инсон онгидан ташқарида мавжуд ва бизнинг органларимизга таъсир этиб сезги уйғотади, уларнинг фарқли ранг, хид, товуш, иссиқлик ва каттиқлик, маза сингари иккинчи даражали сифати мавжуд деб кўрсатади.

Бу иккиламчи сифатларни Ж. Локк нарсалар образи сифатида олмайди, балки шартли белги деб ҳисоблайди. Иккиламчи сифатни субъектив характерга эга деб исботлашга уринади. Умуман олганда, предмет ва ҳодисалар билан боғланмаган, на сифат, на миқдор бўлиши мумкин. Сифат нисбий бўлгани каби миқдор ўзгарувчандир. Обьектив оламдаги нарса ва ҳодисалар ўзгаришда, тараққий этар экан, уларнинг миқдори ва сифати ҳам ўзгариб, тараққий этаверади. Ҳар қандай нарса ва ҳодисалар миқдорий ва сифатий ўзгаришдадир.

Миқдор ўзгаришининг туб сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни объектив характерга эга. Миқдорий ўзгаришлар маълум чегарада сифатнинг барқарорлигига таъсир этмайди. Миқдор ўзгариши чегарадан чиқиши билан сифатнинг барқарорлиги бузилади, натижада сифат ўзгариши содир бўлади, эски сифат йўқолиб янги сифат пайдо бўлади. Бу айти микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтишидир. Бу қонун табиат, жамият ва тафаккур тараққиётида амал қилади. Масалан, икки атом водород билан бир атом кислород бирикмаси сув молекуласини ташкил этади. Агар икки атом водород билан икки атом кислород бирикмасини ҳосил қилса, у ҳолда водород перексидини ҳосил қилади.

Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлади. Гегель ўзининг «Логика»сида соф миқдор ўзгаришларининг маълум бир босқичида сифат даражасига айланишини кўрсатиб берган. Аслида бу ҳолат жамиятда ҳам тасдиқланади.

Жамиятда янги сифатнинг пайдо бўлиши муайян миқдор ўзгаришлари заминиди, эски сифат доирасида миқдор шарт-шароитлари пишиб етилгач, содир бўлади. Масалан, эски формациядан янги формацияга ўтиш кишилик жамияти тарихида туб сифат ўзгариш ҳисобланади. Бу қонун тафаккур тараққиётига ҳам оид. Масалан, ижтимоий онг шаклларида бири бўлган фалсафа фанининг тараққиётини олиб кўришимиз мумкин. Фалсафанинг ҳар бир тараққиёт босқичида тўлланган билим-миқдор ўзгаришлари бўлмаса, сифат ўзгаришлари, яъни таълимотлар келиб чиқмас, сифат ўзгариши бўлмас эди. Демак, бунда ҳам миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига ўтишини кўрдик. Сифат ўзгаришлари ҳам миқдор ўзгаришларига ўтади.

Объектив воқеликда фақат микдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келмай, шу билан бирга сифат ўзгаришлари ҳам микдор ўзгаришларга олиб келади, вужудга келадиган янги сифат кўрсаткичлари ривожланади.

Микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар:

1. Микдор ўзгариш доимо юз бериб туради, лекин сифат ўзгаришига ўтиш маълум даврда бошланади;

2. Микдор ўзгаришлари маълум вақтгача предметга таъсир кўрсатмайди, масалан, сув 0 дан 100 даражагача ҳароратда суюклик ҳолатини йўқотмайди. Ҳар қандай микдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтиши учун маълум шароит бўлиши керак;

3. Микдор ўзгаришлари аста-секин, сифат ўзгариши эса тез, айрим ҳолатда кескин юз беради;

4. Сифат ўзгариши микдор ўзгаришига нисбатан туб ўзгариш ҳисобланмайди.

Масалан, XIX асрда бельгиялик олим де Фриз биологияда ўсимлик ва ҳайвонот оламида бир тур ўрнига янги турнинг келиб чиқиши тўсатдан мутация усулида портлаш орқали содир бўлади дейди. Тараққиётни фақат микдор ўзгаришидан иборат жараён деб қараш ҳам нотўғри.

Тараққиёт ўзаро диалектик боғланган микдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришларидан иборатдир. Микдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларини тайёрласа, сифат ўзгаришлари ўз навбатида микдор ўзгаришларига олиб келади.

Биз энди бир сифатдан иккинчи сифатга ўтишнинг умумий шакли бўлган сакраш нима, деган саволга жавоб берайлик.

Предмет ва ҳодисаларнинг бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиши диалектик сакраш шаклида амалга ошади. Сакраш бир сифатдан бошқа бир сифатга ўтишининг қонуний шакли ҳисобланади. У тараққиёт жараёнидаги тасодифий ҳодиса эмас, балки предмет ва ҳодисанинг ички моҳиятидан зарурий равишда вужудга келади.

Сакраш нима? Сакраш маълум бир предмет ёки ҳодисаларнинг бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиши, узлуксиз тараққиётнинг узилиш давридир. Масалан, материя ҳаракатнинг бир шаклидан иккинчи шаклига ўтиши ноорганик табиатнинг органик табиатга ўтиши, органик дунёда ҳайвонлар ва ўсимликларнинг бир турдан иккинчи турга ўтиши кабиларнинг ҳаммаси сакраш натижасида вужудга келади. Кишилиқ жамияти тараққиётида бўладиган ижтимоий инқилоблар ҳам-сакраш. Сакраш бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиш қонунияти бўлиши билан унинг нисбий томони ҳам бор. Сакраш бирор предмет ва ҳодисага нисбатан бўлса, иккинчисига нисбатан сакраш бўлмаслиги мумкин.

Сакраш илғор кучлар ғалабаси ва консерватив кучлар ҳалокатини англатади. Демак:

- 1) Сакраш тараққиёт жараёнидаги объектив қонуний жараёндир;
- 2) Сакраш узлуксизлик узилиши ҳолатидир;

3) Сакраш эски карама-қаршиликларнинг тугатилиши ва янги сифатга мос келадиган карама-қаршиликларнинг вужудга келишидир;

4) Сакраш илгарилаб боришидир.

Сакрашлар турли шаклда содир бўлади. Ҳар бир нарса ва ходиса ўзининг муайян сакраш шаклига эга. Сакраш шиддат билан ёки бир мунча секин содир бўлиши мумкин. Ижтимоий ҳаётда сакраш портлаш йўли билан содир бўлади.

Табиат ва жамиятдаги сакрашлар бир-биридан ўз ҳолати билан фарқ қилади. Табиатдаги сакрашлар киши иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, стихияли равишда вужудга келади. Табиатдаги сакраш сифат ўзгаришлари инсон иродасига, хохишига боғлиқ бўлмаса ҳам, инсон табиатдаги бу жараёнга таъсир этиши, уни тезлаштириши, ундан жамият манфаатлари учун фойдаланиши мумкин. Жамиятдаги сакрашлар эса кишилар томонидан объектив заруриятларни билиш натижасида тайёрланади ва амалга оширилади.

Сакрашлар характери ривожланаётган предметнинг табиати, унинг бошқа ходисаларга бўлган муносабати натижасида вужудга келади. Демак, табиатда сакраш портлаш йўли билан ёки аста-секин янги сифат элементларининг юзага келиши орқали юз беради. Масалан, химик моддалар портлаш натижасида ўз табиатини ўзгартиради. Ижтимоий ҳаётда портлаш аста-секинлик билан бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиши мумкин. Табиатда аста секинлик билан бўладиган сакрашга, масалан ўсимликлар ва табиатда ҳайвонот оламидаги турларнинг келиб чиқишини мисол қилиб олишимиз мумкин.

Энди миқдор ва сифатнинг бир-бирига боғлиқлигини кўриш билан бирга махсус хусусиятларга эга эканлигини ва ривожланишнинг икки хил шакли-эволюция билан революциянинг нисбатини ҳам кўриб чиқамиз.

Тараққиётнинг эволюцион шакли предмет ва ходисаларда юз берадиган миқдорий ўзгаришлар билан белгиланади. Эволюцион тараққиётда аста-секин миқдор ўзгаради. Эволюцион тараққиётда предмет ва ходисаларда ички ўзгаришлар юз беришига қарамай улар ўз моҳиятини аста секинликлар билан ўзгартирадilar.

Ривожланишнинг революцион шакли эса предмет ва ходисаларда юз берадиган сифат ўзгаришлари билан ифодаланади. Ривожланишнинг революцион шакли эволюцион шаклига нисбатан тез сакраш хусусиятига эга.

Ривожланишнинг эволюцион шакли революцион шаклидан ўз хусусияти ва натижаси билан фарқланади. Бу тараққиёт шакллари бир-бири билан ўзаро диалектик муносабатда бўлади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида сифат ўзгаришларига ўтиш сиёсий революцияларсиз, аста-секинлик билан содир бўлади. Янги билан эски орасидаги кураш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида воқе бўлади. Баъзида эволюция революцияни тайёрлайди. Шунинг учун ҳам ривожланишнинг эволюцион ва революцион шакллари бир-биридан ажратиб бўлмайди. Чунки, революцион ўзгаришлар эволюцион

Ўзгаришлар асосида содир бўлади, революцион ўзгаришлар келгуси эволюцион ўзгариш учун замин тайёрлаб беради.

Революция—бир сифат муайянлигидан иккинчи сифат муайянлигига ўтиш демакдир. Эволюция ва революция ўртасидаги муносабат фақатгина микдор ўзгаришларини ўз навбатида сифат ўзгаришларига олиб боришдангина иборат бўлмай, янги сифатга мос бўлган янги микдор ўзгаришларини ҳам вужудга келтиради.

Тараққиёт—эволюцион ўзгариш билан революцион ўзгаришларнинг зарурий бирлигидир.

Микдор — ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни фан ва техника учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бу қонундан муҳим аҳамиятга эга бўлган методологик қондалар келиб чиқади. Предмет ва ҳодисаларнинг сифат ўзгаришига олдинги микдор ўзгаришлар сабаб бўлади, бинобарин жамиятда, ижтимоий ҳаётда, янги сифат ўзгаришларига олиб келадиган микдор ўзгаришлар йиғиндисини тезлаштирадиган зарур шароитни тайёрламоқ зарурдир.

Иқтисодиётни интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасидаги аниқ иш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳар бир қисмини, шу жумладан аниқ иш жойини топиб бериш, ходимларни аттестациядан ўтказиш кабилардир. Бу ўринда гап, иқтисодиётнинг кенг, етакчи тармоқ бўлиши, саноатдаги ишларни тубдан яхшилаш ҳақида бормоқда. Демак, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиш масаласи амалга ошириладиган бўлса, сакраш шароити диққат билан ўрганилиши, аниқлиниши зарур.

Микдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиши—икки пайт-микдор ва сифат ўзгаришини уйғунлаштириб олиши керак. Шунинг учун бу қонун тараққиётнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига қараб боришини таъминлаб, бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишини ифодалайди. Бу қонун фан тараққиётида методологик аҳамиятга ҳам эга бўлган қонундир.

**Ўзгариш ва  
ривожланишда инкорни—  
инкор қонуни.**

Фалсафанинг инкорни инкор қонуни ҳам аввалги қонунлар: микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни, қарама-қаршилиқлар бирлиги ва қураши қонуни сингари муҳим ўрин эгаллайди. Бу умумий тараққиёт қонуни ҳам файласуфлар томонидан мукамал талқин қилинган. Мазкур қонун табиат, тарих ва тафаккурда ғоят даражада кенг амал қилувчи муҳим тараққиёт қонунидир. Бинобарин, бу қонунни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ундан амалий фаолиятда тўғри ва изчиллик билан фойдаланиш, тараққиётни тўғри тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Инкорнинг моҳиятини тўғри тушуниш - тараққиётнинг диалектик концепциясини изчиллик билан илмий асосда тушунишдир.

Тараққиётнинг мазмунини илмий тушуниш учун диалектиканинг учта қонунини бирга таҳлил қилиш керак. Чунки юқорида



таъкидлаганимиздек, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларга ўтиши қонуни тараққиёт жараёнида бир сифат ўрнига иккинчи сифатни вужудга келишининг сакрашлар орқали ўтишини, яъни тараққиётнинг қандай боришини ўрганеди. Қарама-қаршилиқлар бирлиги ва қураши қонуни эса тараққиётнинг манбаи, ҳаракат манбаи нимада? деган саволга жавоб беради ва тараққиётнинг ядросини очиб беради. Фалсафанинг инкор қонуни эса тараққиётнинг қандай йўлдан бориши моҳиятини очиб беради:

Ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ривожланиши ва эскириши, умри тугаётган томонларнинг емирилиши парчаланиши ҳамда янги, ижобий томонларнинг ривожланиш янги билан эски, ўлиб бораётган нарсалар билан тугилиб келаётган нарсалар ўртасидаги ўзаро муносабатни очиб беради.

Ҳар бир нарса ва ҳодиса абадий эмас, балки ички ва ташқи зиддиятлар заминида ўзгариб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб боради, бу ўзгариш эскирган нарса ва ҳодисаларнинг ўлиб, емирилиб бориши заминида янги нарса ва ҳодисалар пайдо бўлади. Инкор бўладиган нарса ва ҳодисалар эса бутунлай улоқтирилиб ташланмай, балки уларга хос ижобий томонлар, белги ва хусусиятлар сақланиб, умумий ривожланиш жараёнини ифода этади.

Ҳар бир нарса ва ҳодиса, объектив равишда ички зиддиятлардан келиб чиқади. Бу қонун емирилиш ва парчаланишни содда инкорда ифодаламай, балки тараққиётни эгри йўллар билан, спираль шаклида, нисбий тақдорланишлар асосида оддийликдан мураккабликка, пастандан юқорига қараб бориши характерини илмий асосда очиб беради. Ҳеч бир соҳада ўзининг илгариги яшаш шакллариини инкор этмайдиган тараққиёт содир бўлмайди. Ҳар бир жараён инкор қилиш ҳолатига эга. Тараққиёт натижасида вужудга келган янги нарса эскининг инкор қилинишидир. Эскининг инкор қилиниши натижасида ҳамма нарса ва ҳодисада илгариланма ҳаракат содир бўлади. Янги, эскини ўрнида унинг ижобий томонларини сақлаб қолган ҳолда, янги-юксакроқ прогрессив ҳолатни эгаллайди. Шундай қилиб, тараққиёт бир-бирини алмаштириб турадиган босқичлардан иборат бўлиб, бир босқич иккинчи босқич томонидан, иккинчиси учинчиси томонидан инкор этилади, шундай қилиб бу жараён чексиз давом этилаверади.

Инкор шундай инкорки, бунинг натижасида тараққиёт давом этиши, янги инкор содир бўлишини тақозо этиши керак. Диалектик инкор объектив жараён дир.

Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларда инкор этишнинг ҳар хил турлари ва шакллариини учратиш мумкин. Масалан, доннинг униб чиқиш йўли билан инкор этилиши, чириш билан инкор этилиши, қуртлар томонидан озуқа сифатида еб инкор этилиши, тегирмонда донни унга айлантириш йўли билан инкор этилиши ва ҳоказо. Лекин ҳар қандай инкор, инкор бўлавермайди, чунки инкор илгарилаб боришнинг узилиши, тўхтаб қолишни ифодалайди. Бундай инкор мутлоқ инкор дир. Диалектик инкор эса эскиликнинг тугаши янгиликнинг пайдо бўлиши билан бирга,

эскининг ижобий томонлари асосида янгининг ўсишидан иборатдир. Диалектикада инкор қилиш тўғридан-тўғри “йўк” демак эмасдир. Демак, биринчи инкорни шундай қилиш лозимки, натижада иккинчи инкор чиксин, ривожлансин.

Инкорни инкор, воқеликдаги ўлиб бораётган нарса ва ходисалар ўртасидаги алоқа ва ворисликни, илгарилаб ривожланишнинг маълум бўлаклари, ҳолатлари орасидаги боғланишларни ифодаловчи фалсафий категориядир.

Инкорни инкор қонунининг моҳиятини билиш диалектик инкорнинг моҳиятини билишдан бошланади. Хўш, инкорни инкор нима? Инкорни инкор табиат, тарих ва тафаккурнинг ғоят даражада умумий ва шунинг учун ҳам, ғоят даражада кенг амал қилувчи, муҳим тараққиёт қонунидир. Баъзи бир файласуфлар, астрономлар (М. Н. Руткевич, В. Казютинский) ноорганик табиатда хусусан астрономик жараёнларда юқорига қараб илгарилаб борувчи тараққиёт бўлмайди, деб таъкидлайдилар. Аммо бундай фикр билан келишиб бўлмайди. Айни пайтда тараққиёт тушунчасини тўғридан тўғри ноорганик табиат учун ишлатиб бўлмайди, у ерда ривожланиш фақат илгарилаб борувчи тармоққа эга бўлиб қолмай, яна қуйига қараб борувчи тармоққа ҳам эгадир. Лекин бу инкорни инкор қонуни чегараланган, деб қарашга асос бўла оламайди. Ноорганик табиатда бу қонун махсус ҳолда намоён бўлади, яъни ўтилган босқичлар элементларининг такрорланишлари янги асосда содир бўлган сифат ўзгаришлари қайтмаслигини ифодалайди. Инкорни инкор қонунини фалсафа тарихида биринчи бўлиб Гегель асослаган эди. У, бу қонунни табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонуни сифатида изоҳлаган эди.

Диалектиканинг бошқа қонунлари каби, Гегель бу қонунни ҳам бир бирига қарама-қарши фикрлаш асносида ажойиб, мазмунан бой мулоҳазаларни айтиб ўтди. Масалан, Гегельнинг инкорни инкор қонуни орқали олға қараб ҳаракатланишнинг чексизлик ғоясини илгари сурган эди. Бу қонунда тараққиётнинг янги асосдаги бошланғич ҳолатига қайтиш тенденциясининг ички мазмунини очишига ҳаракат қилган. Гегель инкорни инкор қонуни орқали ривожланишнинг юқори босқичида эскиликни диалектик “олиб ташлаш” йўли билан, маълум ижобий томонларини сақлаб қолиш ғоясини олға сурган. Гегельнинг инкорни инкор қонунида ана шундай ижобий ва диққатга сазовор томонлари мавжуддир.

Гегель бу қонунни учлик схема шаклида изоҳлайди. Гегель “мутлок ғоя” тараққиётини қуйидаги йўналиш бўйича, яъни даъво (тезис), инкор (антитезис), инкорни инкор (синтез) босқичлари орқали ўз-ўзига қараб ривожланади, деб кўрсатади.

Гегель фалсафасидаги камчилик, у бир томондан, инкорни инкор қонуни орқали тараққиётни олға қараб бориш характерини кўрсатмоқчи бўлди, бироқ иккинчи томондан, фалсафий тизимда бундай тараққиётга чек қўяди. Унингча, тараққиёт бир доира ичида айланаверишдан иборат бўлиб қолади. Марксизм эса бунга қарши чиқади. Юқорида кўрсатилган

фикрларини қаттиқ танқид қилади. Марксизм бу қонунни идеализмдан тозалаб, материалистик асосга қуради. Марксизм классиклари моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўрганишда, асослашда инкорни инкор қонунидан исбот учун эмас, балки илмий текшириш услуби сифатида фойдаланганлар.

Марксизм классиклари фикрича, инкорни инкор қонунни табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётига хос бўлган илгарилаб борадиган қонун. Бу қонун билан улар эскиликнинг инкор этилиши ва янгиликнинг пайдо бўлишини исботлашга интиланганлар.

Инкорни инкор қонунини ва инкор этиш масалалари орқали XIX асрдаги рус революцион демократлари Белинский, Герцен, Чернышевский, Добролюбовлар ўз давридаги «қабих, рус воқеалигини» инкор этиш зарурият эканлигини тўғри тушунган эдилар, лекин деҳқон мафкурачилари бўлган рус революцион демократлари диалектиканинг бошқа қонунлари сингари бу қонуннинг ички моҳиятининг тўлиқ ва ҳар томонлама ёрита билмаганлар. Бу қонуннинг моҳиятини чуқур билиш учун нима учун инкорни инкор деб аталишини билиш керак эди. Диалектиканинг бу қонунини «инкорни инкор» деб аталишининг сабаби, моддий оламдаги нарса ва ҳодисалар доимий равишида ўзгариб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши оқибатида узлуксиз ривожланишидан келиб чиқади. Тараққиёт жараёнида бир инкор иккинчи инкор билан алмашади. Натижада тараққиёт илгарига қараб боради.

Фалсафа тарихида шундай оқимлар бўлганки, уларни нигилистлар деб атаганлар. Нигилизм (лот. Nihil - ҳеч нима) ҳар қандай ижтимоий идеаллар, турмуш тарзи, ҳаётий нормалар, қадриятлар ва тамойилларни инкор этувчи оқимнинг номидир. Аввал Ғарбий Европада кейинроқ-XIX асрнинг ўрталарида Россияда тарқалган. Нигилизм биринчи марта немис файласуфи Якоби Фридрих Генрих (1743 - 1819) томонидан қўлланилган бўлсада, унинг Россияда тарқалишига сабаб И. С. Тургеневнинг «Оталар ва болалар» романи (1861) сабабчидир. Шу роман орқали нигилизм Россияда оммалашган. Ўша даврларнинг аксил инкилобчилари демократ инкилобчиларни нигилистлар, деб атаганлар. Чунки демократ инкилобчилар ўзларигача бўлган жамиятларнинг маданий-маърифий, урф-одат ва қадриятларига қарши чиқиб уларни танқид қилган эдилар. Шу сабабли демократик инкилобчилар ўтмишдаги маданиятни инкор қилишда айланганлар. Улар ўзларининг янги - цивилизация соҳасидаги ғояларини илгари сурганлар. Нигилизмни рус ёзувчиларидан яна бири Д. И. Писарёвнинг публицистик фаолияти билан боғласаларда, лекин И. С. Тургенев романида нигилизм яққол кўзга ташланади. Романнинг асосий қаҳрамонлари Аркадий ва Евгений суҳбатидан хулоса қиладиган бўлсак, Евгенийнинг ўзидан олдинги ҳаётга эътиборсизлигини сезамиз. Жумладан, Аркадий, Евгенийга ўз амакиси яшаган давр тарбиясини эслатганда, Евгений ўша давр тарбиясини ҳам инкор қилиб: «тарбиями,- дейди у,-ҳар бир кимса ўзини ўзи тарбия қилмоғи лозим. Масалан, айтилик, ақалли менинг каби... Энди давр масаласига келсак, нима учун

мен даврга тобе бўлай? Яхшиси-давр менга тобе бўлсин. Йўк, биродар, булар ҳаммаси бебошлик, маъносизлик!» (И. С. Тургенев. «Оталар ва болалар» Т.: 1953 й. 40-б.). Яна бир жойда Аркадийнинг амакиси Павел Петрович билан суҳбатда Евгений ўтмишдаги ҳолатларни мутлоко инкор этади. Павел Петровичга қараб, Евгений: «Биз ўзимиз фойдали деб ҳисоблаган нарсалар асосида иш тутамиз, ҳозирги вақтда энг яхшиси инкор этиш, шунинг учун биз инкор этамиз. Ҳамма нарсани-я? ҳамма нарсани.-Нечун? Факат санъатнигина, поэзиянигина эмас... балки яна хаттоки... айтишга одамнинг оғзи бормайди... Базаров пинағини бузмай: ҳамма нарсани,-дейди (Ўша жойда, 60–б). Нигилизм тарафдорлари-дворянлар жамиятнинг ижтимоий ва маънавий соҳаларни таҳлил қилишда зиддиятли фикрларни айтганлар. Файласуфлардан Ницше ҳам қадриятларни баҳолашда христиан этикасидан келиб чиқиб, умуминсоний ахлокий қоидалардан воз кечишга чақирган бўлса, Шпенглер, Маркузе, Адарно каби файласуфлар ҳам нигилизмнинг ғояларини жамиятни ўзгартиришдаги муҳим куч деб, эътироф этганлар. Нигилистча «Янги инсонни» шакллантириш, инсонда янги маданий, ахлокий сифатларни топиш ва шакллантириш билан боғлиқ. Аммо, нигилизм тарафдорлари мазкур соҳада аниқ бир дастурга эга эмасдилар. Бу оқим қарашларини эндиликда тарих силсиласидан мустаҳкам ўрин олган, деб бўлмайди. Нигилизмга қарши чиққанлар. Ҳақиқатда ҳам нигилистларча ўтмиш дурдоналарини инкор этиш, инсоният тарихини нуштишга олиб келади. Шундай бўлса-да, нигилизмнинг ижобий томонлари ҳам бўлган. Улар хурофотни, жоҳилиятни, ижтимоий ҳаётдаги бузилишларни инкор этиб, аёллар тенглигини ва кўпроқ, табиий фанларни ривожлантиришни тарғиб қилганлар.

Яна инкорга қайтадиган бўлсак, сув иситилганда буғга, металл эритилса, суюқ ҳолатга ўтади, бу ерда ривожланиш содир бўлмайди, бир нарса ўрнига иккинчи нарса пайдо бўлади. Диалектик инкор эса шундай зиддиятларни ҳал қилишни мақсад қилиб қўядики, бунинг натижасида тараққиётда юқори босқичга эришилади. Бу диалектик инкорнинг хусусиятлари. Диалектик инкорнинг яна бир хусусияти шуки, у эскисини емирибгина қолмай, унинг ижобий томонларини умумлаштиради, синтез қилади. Синтез олдинги эскининг ижобий томонларини механик тарзда бирлаштириш эмас, балки юқори босқичда ўзгартирилиб бирлаштирилишидир. Иккинчи инкор ҳаракатнинг шарт-шароитларини ифодалайди. Кўриниб турибдики, инкор тушунчаси даврни ҳам ифодалайди.

Маълум жараённинг тугаланиш даври янги давр учун асос бўлади, бу ҳол чексиз давом этади. Даврийлик тараққиёт ритминини характерлайди. Даврийлик туфайли ҳаракат куйидан юқорига қараб боради. Даврийлик тўғрисидаги масалани қундалик ҳаётимизда учрайдиган жуда оддий нарса ва ҳодисалардан тортиб ғоят мураккаб биологик ва ижтимоий ҳодисалар ва инсон билишининг ҳаммасида кўришимиз мумкин. Масалан, дон уруғи тупрокка ташлангач, маълум бир давр ўтиши билан асил ҳолатини

йўкотади, яъни инкор этилади. У ўсиб ривожланиб, ўсимлик шаклини олади, ўсимлик ҳам ўсиш, гуллаш давридан сўнг ўзини инкор этиб донга айланади, лекин пайдо бўлган дон илгариги битта доннинг ўзини такрорламай, балки бир неча дон сифатида, ўз таркибидаги ўзгаришлар орқали вужудга келади. Биогенетик қонун ҳам юқорида айтилган фикрларнинг тўғрилигини исботлайди.

Биогенетик қонуннинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир тирик организм ўзининг индивидуал пайдо бўлиши ва таракқиёти давомида шу турга хос бўлган ўтмишдаги энг оддий бир хужайралик шаклидан тортиб барча таракқиёт босқичларини қисқа давр ичида такрорлайди. Бу такрорлаш оддий, айнан такрорлаш бўлмай, балки янги шароитда юқорироқ асосда содир бўлади. Турларнинг келиб чиқиши бунга мисолдир. Д.И. Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий тизимида ҳам бу ҳолат яққол кўринади. Кимёвий элементлар атом оғирликларининг ортиб бориши натижасида элементларда сифат ўзгаришлари содир бўлади. Даврдан даврга ўтиш, давр ичида элементдан элементга ўтиш сакрашдан иборат бўлади.

Жамиятнинг умумий йўналиши, ривож-эски ижтимоий-иктисодий формациянинг янги, юқорироқ ижтимоий-иктисодий формация билан алмашиш тарихидан иборат. Бу жараён асосида ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши ётади. Ишлаб чиқариш усулининг ўзи эса янги ишлаб чиқарувчи кучларнинг характериға мос, мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларининг эскирганлигини инкор қилиш йўли билан пайдо бўлиши ва ривожланишидан иборат. Демак, шундай қилиб инкорни инкор қонунининг моҳияти шундан иборатки, ҳодисаларнинг инкор этилиши ижобий томонларнинг сақлаб қолиниши натижасида мавжуд ҳодисалар тўхтаб қолмайди, йўқолиб кетмайди, балки яна олға қараб ҳаракат қилади.

Таракқиётнинг йўналиши ва характери ҳақидаги масала борасида асрлар давомида файласуфлар ўз фикрлари билан ўзаро тортишиб келдилар. Баъзи бир файласуфлар оламдаги ўзгаришлар бир доира ичида такрорланишдан иборат деса, баъзи бирлари тўғри чизиқ билан боради, деб тушунтириб келдилар. Масалан: XVIII асрда яшаган италиялик файласуф Жанбаттисто Вико фикрича, жамият доимо такрорланиб турувчи уч босқични: гўдаклик, йигитлик ва етуклик даврини кечириб боради.

Француз олим Жан Батист Ламарк эса тирик табиатда ҳаракат узлуқсиз ва сакрашсиз тўппа-тўғри йўлдан илгарилаб боради, дейди. Бу назарияни жамиятга татбиқ этишни француз революциясининг идеологлари, маърифатчилари, Д. Дидро, Гелвецийлар ҳам олға сурган эдилар. Инкорни инкор қонуни фан ва амалиёт учун муҳим эканлигини улар ҳам сезган эдилар.

Табиат фанлари тарихидан ҳам инкорни инкор қонуни намоён бўлишини кўриш мумкин. Масалан, геометрияда эвклид геометриядан Н. И. Лобачевский геометрияси келиб чиққан. Ноевклид геометрия эвклид геометриясини инкор этади ва шу билан бирга унинг давоми-геометриянинг яна бир янги босқичи сифатида юқорига кўтарилади. Худди

шунингдек, физика фанидан ҳам мисол: XVIII аср ёруғлик назариясида тасдиқланган қонунда биноан, ёруғлик заррачалардан иборат бўлиб, шу заррачалар ҳаракат қонунига биноан ёруғлик тарқалади деган фикр физикада ҳукм сурган. Шу билан бирга иккинчи назария – ёруғлик тўлқин хусусиятига эга, шу тўлқин қонунга мувофиқ тарқатилади, деган қонунда ҳам пайдо бўлган. Лекин ёруғликнинг квант хусусияти кашф этилиши билан XX аср физикаси бу икки кашфиёт ёруғликнинг икки хил хусусиятига эга эканлигини очиқ берди. Ёруғликнинг дифракция ва интерфракция хусусияти орқали унинг тўлқин хусусиятига эга эканлигини кўрсатса, фотон электрик эффекти унинг зарра хусусиятига эга эканлигини очиқ берди. Икки-бир-бирига қарама-қарши назариялар синтези натижасида бу назариянинг қамчилиги бартараф этилди (инкор этилди). Бу назария бир қонунга юқорига қўтарилди, инсон билими эса бойиди. Демак, янгилик эскининг негизида пайдо бўлиб, у билан алоқада бўлишидир. Унинг ижобий томонларидан фойдаланиши асосида фан мазмуни бойиб боради. Шундай қилиб, фалсафанинг инкорни инкор қонуни қуйидаги умумий хусусиятларига эга:

1. Инкорни инкор қонуни – табиат, жамият, тафаккур таракқиётининг умумий, объектив характерга эга қонунидир.

2. Диалектиканинг инкорни инкор қилиш қонуни дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг илгарилаб ривожланиши мураккаб жараёнини ифодалаш билан бирга, эскилик билан янгилик, ўлиб бораётган нарсалар билан туғилиб келаётган нарсалар ўртасидаги диалектик муносабатларни бирдан бир тўғри ҳал қилиб беради. Бу қонун эски-ўлиб бораётган томонларни диалектик олиб ташлаш билан бирга, уларга хос бўлган ижобий томонларни сақлаб қолиш зарурлигини асослаб беради.

3. Инкорни инкор қонуни оламни билишда тафаккур таракқиётида ҳаят муҳим роль ўйнайди.

4. Инкорни инкор қонуни, жамият ва тафаккур таракқиётини сипираль шаклида илгарилаб боришини очиқ беради.

### Таянч сўз ва иборалар:

Таракқиёт, тамойил, қонун, табиат, жамият, барқарорлик, эволюция, инқилоб, меъёр, миқдор, сифат, сакраш, узлуксизлик, узилишлик, зиддият, тафовут, айният, қарама-қаршилиқ, алоқадорлик, инкор, инкорни инкор, ворисийлик.

### Алломалар фикрларидан намуналар:

Тўғрилиқ учрамас ҳечам балога,  
Сарв қуриса ҳамки яраб асога.

Сайдо Насафий

Эгрилик хосили - кабохат эрур,  
Тўғрилиқ хосили саодат эрур.

А. Саноний.

Яхшининг шарофати,  
Ёмоннинг касофати.

Тожик халқ мақоли.

### Мавзуга онд тест саволлари:

#### Диалектика деганда нимани тушунаси?

- а) табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг энг умумий қонуниятларини ўрганади;
- б) ижтимоий ҳаётни;
- в) инсонлар фаолиятини;
- г) илоҳийтни.

#### Диалектиканинг муқобиллари қайсилар?

- а) синергетика, метафизика, софистика, дуалистика, эклетика;
- б) махизим, иррационализм, позитивизм;
- в) экзистенциализм, догматизм;
- г) структурализм, феноменология.

#### Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишни ўзига хос йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1993 й.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995 й.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
4. Скирбекк Г., Гилъе А. Фалсафа тарихи. Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.
5. Гегель Г. Рух Феноменологияси. М.: 1975 й. Т.5:
6. Юсупов Э., ва бошқалар. Фалсафа.Т.: 1999 й.
7. Рахимов И. Фалсафа. Т.: Университет, 1998 й.
8. Фейербах Л. Избранное философские произведения. II т. М.: Политиздат. 1955 г.

### 3 боб. Фалсафий категориялар.

**Категория тушунчаси. Олам мавжудлиги ва ўзаро алоқадорлигининг айримлилик ва умумийлик жихатлари.**

Ўрганаётган объектив дунёдаги предмет, ходисалар донрасининг хусусиятларини ифодаловчи тушунчалари, терминлари бор. Бу тушунчалар чексиз объектив оламнинг турли соҳалари ва шу соҳаларни ўрганувчи фанларнинг махсуслиги, бир-бирларидан ўзаро фарқларини кўрсатиб туради. Фалсафа фани ҳам объектив реалликни маълум, ўзига хос тушунчаларда акс эттиради ва улар ёрдамида дунёни ўрғанади.

Предмет ва ходисаларнинг умумий ҳамда муҳим томонлари, хусусиятлари ёки муносабатларини акс эттирувчи энг умумий тушунчалар-категория деб айтилади. «Категория» сўзи грекча бўлиб, луғавий маъноси «гувоҳ», «таъриф», «ифодаловчи» демакдир. Фалсафа фани категориялари бошқа фан категорияларидан ўзининг ниҳоятда умумийлиги билан фарқланади. Фалсафа категориялари энг умумий тушунчалар сифатида инсон фикри шакллари бўлиб, ва шу тахлитда улар мантикий мазмунга ҳам эгадирлар. Категорияларнинг мантикий мазмуни деганда, инсон тафаккури ходисаларининг моҳиятига кириб бориши, унинг чуқурлашув даражаси кўзда тутилади. Фалсафий категориялар объектив дунёнинг энг умумий ва муҳим погоналари ва таянч марказлари ҳисобланадилар. Уларни била бориш орқали инсоннинг назарий ва амалий фаолияти учун муҳим бўлган қонуниятларини ва инсонни билиш фаолияти натижасида дунёни ўзгартиришда эришган ютуқларини характерлайди. Фалсафа категорияларида инсон тафаккурининг мазмундорлиги ва етуқлиги, ҳамда ташки оламни билишдаги катта муваффақиятлари ўз ифодасини топган. Инсон онгида табиатнинг инъикос этиши қандайдир қотиб қолган, воқеликнинг ўлик нухсаси эмас балки, нарсалар моҳиятига чуқур кириб боришнинг мураккаб диалектик жараёнидан иборат. Бу жараён ўзининг ички мантиқига эга бўлиб, бу мантиқ нарсалар мантиқига мос келади. Шу билан бирга, бу мантик нисбий мустақилликка эга. Билишнинг ички мантиқи билиш тафаккурининг ижодий фаоллиги характерини, ҳаракат қилиш ва ривожланиш жараёнини, объектив дунёга нисбатан мураккаб муносабатини чуқур тушунишга ёрдам беради. Фалсафий категориялар мазмун жихатидан ташки оламнинг қонуниятларига мос келадилар, лекин ўзларининг мавжудлиги, шаклларига қараб фарқ қиладилар. Категориялар ўз манбаи мазмуни жихатидан объективдир, лекин шакл жихатидан субъективдир. Агар нарсалар ва уларнинг тараққиёт қонунлари моддий бўлиб, инсон онгига

Тараққиётни бир бутун тушуниш учун фалсафа фанининг категория тушунчасини (олдинги параграфларда қисман тўхталган бўлсак-да) таҳлил қилиш лозим.

Ҳар бир фаннинг ўзига хос, у



боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив равишда мавжуд экан, тафаккур категориялари маънавий бўлиб, фақат кишилар миёсидагина мавжуддир.

Категориялар диалектикаси шундайки, улар билиш жараёнида бири-бирига узвий боғланган ҳолда келиб чиқадилар, ўзаро муносабатда бўладилар, чунки тушунчалар, категориялар универсал боғланиш ва ривожланишда бўлган моддий дунёнинг инсон миёсидаги инъикосидир.

Категорияларнинг диалектик ривожланиши шундаки, улар объектив реаликка боғлиқ ҳолда киши меҳнати, тажрибаси асосида узлуксиз ўзгариб туради, мазмунан бойиб боради. Объектив борликдаги янги-янги умумий муҳим хусусиятлар, муносабатлар томонларининг очилиши билан, уларнинг қатори ҳам ортиб боради. Категориялар, ривожланишининг манбаи бўлган қарама-қаршилиқларнинг бирлиги ва қурашини ўзида ифодалайди. Уларнинг жуфтлиги, масалан, моҳият ва ҳодиса, зарурият ва тасодиф, мазмун ва шакл, имконият ва воқелик ва бошқалар, билиш жараёнида ҳам қарама-қаршилиқлар ётишини кўрсатади. Шунинг учун фалсафий категориялар ижтимоий амалиётнинг маҳсули ҳисобланадилар. Бу ерда инсон назарий ва амалий фаолиятининг бирлиги яққол намоён бўлади. Моддий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида инсон субъект сифатида ташқи оламдаги нарсаларга нисбатан ўз фаолиятининг объектлари сифатида муносабатда бўладилар. Субъект билан объект ўртасидаги муносабатнинг ўзаро таъсири жараёнида логикий категориялар орқали олинган билимлар ҳақиқийлигини текшириб кўради. Шундай қилиб, тафаккуримиз мазмунининг объективлиги, тафаккур қонунилари, борлик, табиат қонуниларига мос келиши амалиёт асосида вужудга келади ва унинг ёрдамида исботланади.

Диалектик категориялар илмий билишда муҳим методологик ролни бажарадилар. Объектив дунё ҳодисаларнинг энг муҳим қонунилари ҳаракатини ўрганиш билан фалсафий категорияларни кашф қилишга бир томондан, нарсаларнинг моҳиятини чуқурроқ ва тўлароқ билишга ёрдам берадилар, иккинчи томондан, объектив нарса ва ҳодисалар ҳақида янги билимлар олишга, уларни тўлдирishга сабабчи бўладилар.

Энди фалсафанинг айримлик хусусийлик ва умумийлик, сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф, мазмун ва шакл, элемент ва структура бутун ва қисм, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик, категориялари билан танишиб ўтайлик.

Айримлик, хусусийлик (маҳсуслик) ва умумийлик категориялари бошқа категориялар сингари билишнинг айрим муҳим томонларини инсон фикрининг алоҳида шакллари сифатида характерлайди, объектив оламдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва тараққиётини акс эттиради.

Айримлик-якка сифат ва микдор, хусусият, аниқликка эга бўлган алоҳида кўринишдаги нарса, ҳодиса ёки жараёндир. Умумийлик-воқеликдаги барча ёки бир қанча якка предмет ёки ҳодисалардаги мавжуд умумий томонлар, ҳоссалар ва белгиларнинг мажмун ҳамда улар орасидаги алоқа ва муносабатларнинг ўхшашлигидир.

Хусусийлик-нарса ёки ходисаларнинг шундай доирасики, бунда улар маълум бир муносабатда умумий, бошқасида яккалик, алоҳидалиқдир.

Умумийлик нарса ва ходисаларнинг энг умумий томонлари орасидаги алоқаларни ўзида акс эттириб, ўз кўринишини фақат яккаликлар орқали аниқлаштиради. Бунга қуйидаги мисоллар орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин: маълумки, тирик организмлар мавжудлигининг зарур шarti улардаги модда алмашинуви жараёнидир. Тирик организмлар тараккиётининг бу умумий қонуни ўсимлик ва ҳайвонлар ривожланишининг хусусий қонунлари орқали намоён бўлади. Табиатдаги органик бирикмаларнинг ўзлаштира оладиган ўсимликларда ҳайвонларга нисбатан ассимляция жуда чуқур ва мураккабдир. Ҳайвонлар организми истъомол қилинадиган овқатдаги органик бирикмаларнинг тайёр маҳсулотларнигина қайта ишлайди.

Айримлик ва умумийлик диалектик боғлиқлигини айримликнинг ривожланиши давомида умумийликка айланиши орқали ҳам намоён қилади. Умумийлик ва айримлик биргаликда бир бутунликни ташкил қилсада, уларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига ҳам эга.

Ҳар бир умумийлик бир қанча айримларга хос бўлган томонлар, белги хоссаларни ўз ичига олганлиги учун қандайдир айримлик билан тенг қилиш мумкин эмас. Айримликлар орқали намоён бўладиган, уларнинг махсус хусусиятларини ўзида акс эттирадиган умумийлик ўзининг мустақил қийматига эга. Шу билан бирга айримликни умумийликка алмаштириб юбормаслик керак. Ҳар бир айримлик умумийликни ифодаладиган хосса, белги ва томонлар билан бир қаторда, фақат ўзига хос бўлган ва шу орқали бошқа айримликлардан фарқ қиладиган-махсус хусусиятларга ҳам эга. Бу хусусият ва белгилар умумийлик томонларни қамраб олмасдан, фақат айримликда яшайди.

Умумийлик ва айримликни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Умумийликни айримликка ва аксинча, айримликни умумийликка қарши қўйиш амалий жиҳатдан катта хато ва зарарли ҳулосаларга олиб келиши мумкин.

Айримлик, хусусийлик ва умумийликлар ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек уларнинг ўзаро диалектик алоқасини билиш воқеликдаги ходисалар анализига аниқ тарихий ёндошишининг зарурий шartидир. Ҳар қандай ходисанинг моҳияти унинг ўзига хос махсус хусусиятлари, шунингдек, унинг бошқа нарса ва ходисалар билан умумий томонлари ҳисобга олинган тақдирдагина нотўғри тушунилиши мумкин.

**Сабаб ва оқибат. Зарурият ва тасодиф. Мазмун ва шакл. Элемент ва структура. Структура ва функция. Қисм ва бутун. Моҳият ва ҳодиса.**

Энди биз сабаб ва оқибат категориялари, ва уларнинг боғлиқлик диалектикасини кўриб чиқамиз.

Ҳодисалар занжирида ўзидан бошқа, иккинчисини келтириб чиқарган ҳодиса-сабаб, келиб чиққани эса оқибат дейилади.

Объектив ҳодисалар ўртасида сабаб-оқибат боғланишларга хос бўлган асосий хусусиятлар қуйидагича ифодаланиши мумкин: биринчидан, ҳодисаларнинг сабаб-оқибат алоқадорлиги умумий тавсифга эга. Дунёда ҳеч бир нарса сабабсиз юз бермайди, иккинчидан, сабаб ва оқибат категориялари якка, алоҳида ҳодисаларнинг юз беришини билдиради, чунки, у ёки бу ҳодисани ўрганиш учун унинг бошқа ҳодисаларини ажратиб олиш лозим. Шундагина ҳодисалар ичидан бири сабаб, бошқаси оқибат сифатида кўзга ташланади.

1. Диалектика нуктаи назаридан қараганда сабаб воқеликдаги нарса ва ҳодиса жараёнларнинг келиб чиқишини аниқлайдиган генетик боғланишдир.

2. Сабаб-оқибат боғланишнинг хусусияти шундан иборатки, маълум вақт ва шароит мавжуд бўлган тақдирдагина бир ҳодиса бошқа ҳодисани келтириб чиқаради. Шароит, бу воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг юзага келиши, мавжуд бўлиб туришидир, ривожланиши учун зарур бўлган объектив омиллар мажмуидир.

3. Сабаб ва оқибат боғланишларнинг асосий белгиларидан бири, сабаб-оқибатнинг вақтда кетма-кет келишидир.

Сабаб вақт нуктаи назаридан оқибатдан олдин келади ва уни келтириб чиқаради. Бу ерда шунини ҳисобга олиш лозимки, кетма-кет келувчи ҳар қандай нарса, сабаб-оқибат боғланишлари бўлавермайди. Масалан, кундуздан кейин кечаси, кечадан кейин эса кундуз келади. Бундан кундуз кечанинг, кеча эса кундузнинг бўлиши сабаби, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Чунки, кундуз ва кечанинг алмашиб келиши Ернинг ўз ўқи ва қуёш ўқи атрофида айланиб туришидир.

4. Сабаб-оқибат боғланишларнинг муҳим хусусиятларидан бири-бу боғланишнинг зарурий характерга эгаллигидир. Яъни шароитлар айнаи бир хил бўлганда, бир хил сабаб ҳар доим бир хил оқибатни келтириб чиқаради.

Сабаб ва оқибат боғланишлари турли-туман шаклларда ифодаланади. Фалсафа бош ва иккинчи даражали, ички ва ташқи, объектив ва субъектив сабабларни фарқ қилиш лозимлигини таъкидлайди. Нарса ёки ҳодиса учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, уларнинг умумий зарур белгиларини кўрсатиб берадиган бош сабабдир. Бош ва иккинчи даражали сабаблар тараққиётга турлича оқибатлар кўрсатаётганликлари учун амалий фаолиятда уларни бир-биридан ажрата олиш муҳимдир.

Ички сабаблар оқибатнинг келиб чиқишида белгиловчи бўлса, ташқи сабаблар ҳодисага бевосита алоқадор бўлмаган ташқи ҳодисаларнинг таъсиридан иборатдир. Ички сабаблар ҳодисаларга хос бўлган ички қарама-қаршиликнинг курашидан келиб чиқади, шунинг учун ҳам оқибатнинг келиб чиқишида ҳал қилувчи роль ўйнайди, ташқи сабабларнинг йиғиндиси шароитни, муҳитни ташкил қилади, бу асосан ички сабаблар орқалигина ҳодисаларнинг келиб чиқишига таъсир этади. Ички сабаблар оқибатнинг келиб чиқишида белгиловчи, тақдорланувчи характерга эга бўлса, ташқи сабаблар йиғиндиси ва шароит доим тарихий

характерга эга бўлганлиги учун ҳам ўзгарувчидир. У ривожланишнинг турли даврларида турлича бўлади ва ички сабабларга турлича таъсир этади.

Ижтимоий ҳаётда объектив ва субъектив сабаблар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Объектив сабаблар – иқтисодий омиллар тараққиёти натижасида келиб чиққан, хоҳишга боғлиқ бўлмаган сабаблар. Субъектив сабаблар эса муайян ижтимоий ҳодисаларнинг юз беришини тезлаштирадиган ёки секинлаштира оладиган шахсларнинг амалий стратегияси ва тактикасидир.

Сабаб ва оқибат мураккаб диалектик боғланишда бўлиб, бу боғланиш ҳар доим бир хил эмас, балки ўзгарувчан, нисбийдир. Бунни қуйидагилардан кўриш мумкин:

а) битта сабаб бир қанча оқибатларни келтириб чиқара олади. Масалан, электр токи лампочкалар ёниши, станок ҳаракати ва бошқаларнинг сабаби бўлиши мумкин;

б) битта сабаб бир қанча сабаблар орқали, яъни жисмнинг ўсиши, қуёш нури, электр токи, ишқаланиш каби ҳодисаларнинг ҳар бири орқали юз бериши мумкин;

в) сабаб ва оқибатнинг ўзаро таъсири уларнинг ўз ўринларини алмашиш орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

Ўзига хос бўлган категорияларидан бири зарурият ва тасодиф категорияларидир. Бу категориялар кишиларнинг объектив реалликдаги сабаб-оқибат боғланишлари ҳақидаги тасавурлари янада чуқурлашиши натижасида шаклланади. Кишилар ўз меҳнат фаолияти жараёнида сабаб-оқибат боғланишларини ўрганиб, сабаб ва оқибат ўртасидаги муносабатларнинг зарурий эканлигига, агар сабаб мавжуд бўлса, оқибат муқаррар суратда келиб чиқишига ишонч ҳосил қила бошлайдилар.

Зарурият ва тасодиф категориялари моддий дунёнинг объектив боғланишларини акс эттиради. Улар акс эттирган боғланишлар сифат жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга.

Зарурият қуйидаги асосий белгилар билан характерланади:

1) заруриятнинг сабаби ўзида бўлиб, у мазкур ҳодиса ёки жараённинг ички табиатидан келиб чиқади;

2) зарурият воқеликдаги нарса ёки ҳодисаларнинг чуқур, муҳим қайтарилиб турадиган ички боғланишлардан келиб чиқади;

3) зарурият олдинги тараққиёт йўли орқали тайёрланади;

4) зарурият муқаррарлик хусусиятига эга, мувофиқ шарт-шароит мавжуд бўлганда, зарурият ҳодисалар жараёнини муқаррар суръатда, муайян йўналишга олиб келади.

5) зарурият умумий, оммавий ва шунинг учун ҳам у типик характерга эга. Тасодиф заруриятдан фарқ қилган ҳолда, қуйидаги хусусиятлар билан характерланади:

1) тасодифнинг сабаби ўзида эмас, балки бошқа нарса ёки ҳодисалардадир;

2) тасодиф воқеликдаги муҳим бўлмаган, иккинчи даражали боғланишлардан келиб чиқади;

3) заруриятдан фарқ қилган ҳолда тасодиф ҳодисанинг бутун тараққиёти давомида тайёрланмайди, балки ўз табиатига кўра турлича бўлган жараёнларнинг аралашуви натижасида содир бўлади;

4) тасодиф нарсалар ривожланиш тенденциясини белгилаб бермайди ва шунинг учун ҳам муқаррар эмас. Тасодиф юз бериши ва юз бермаслиги мумкин;

5) тасодиф тиник бўлмаган, индивидуал характерга эга.

Зарурият ва тасодиф ўзаро диалектик алоқададир. Бу биринчидан, иккинчидан, улар «соф» ҳолда бўлмасдан, балки бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ мавжудликда кўринади. Заруриятдан мутлоқ ажралган тасодифнинг бўлиши мумкин бўлмаганидек, айрим тасодиф билан боғлиқ бўлмаган зарурият ҳам мавжуд эмас.

Тасодифлар зарурият тизилмаси остида бекинган бўлади ва улар орқали юзага келади. Зарурият ва тасодиф абадий ўзгармас бўлмай, ривожланиш жараёнида бир-бири билан ўрин алмашиб туради, яъни тасодиф сифатида вужудга келган ҳодисалар, боғланишлар шаронтининг ўзгариши билан аста-секин зарурийлик характерига кира борадилар ва маълум шароитда зарурий бўлган ҳодисалар аста-секин предмет ривожланишининг ички моҳиятини белгилашдан чиқиб, тасодиф ҳолда учрай бошлайди.

Моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳақиқатдан ҳозирда қандай эканлиги ва келажакда қандай ривожланишлигини мазмун ва шакл категорияларини билмасдан туриб ўрганиб бўлмайди.

Мазмун-муайян нарса ва ҳодисаларнинг ички элементлар ва ўзга тузилишлар мажмуидан иборат. Шакл, мазмун ифодаланишининг структурасини ташкил этувчисидир. Масалан: атомнинг мазмуни уни ташкил этган элементар заррачаларнинг жойланиш тартиби ва структурасидан иборат. Ижтимоий ҳаётга эътибор берсак, у ерда ҳам мазмун ва шакл алоқадорлигини кўришимиз мумкин. Масалан: моддий неъматларни ишлаб чиқариш усулини ташкил қилган ишлаб чиқарувчи кучлар ижтимоий ишлаб чиқаришни мазмунини, ишлаб чиқариш муносабатлари эса унинг шаклини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш усули доимо ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда бўлган ҳар иккала томоннинг бирлигидан иборат.

Демак, мазмун нарсаларнинг ички жараёнлари, хоссалари, алоқалари, ривожланишлари ва заруриятлари тенденцияларининг мазмунидан иборат.

Шакл мазмунини ифодалаш усули, мазмун элементларининг нисбатан турғун, муайян алоқалари ва ўзаро таъсирлари, унинг тузилиши структурасидир.

Мазмун ва шакл категориялари моҳият ва ҳодиса категорияларига жуда яқин. Лекин булар айнан ўхшаш тушунчалар эмас, мазмун нарсанинг барча элементлари ва жараёнларидир. Моҳият эса нарсанинг ички асосий

муайян муносабатларидир. Агар мазмун моҳиятга нисбатан бойроқ бўлса, моҳият ҳам маълум муносабатда мазмунга нисбатан чуқурроқдир. Шакл мазмуннинг структура тузилиши, ходиса ва моҳиятнинг намоён бўлишидир: Биз ходисани дастлаб идрок қилгандан олдин шаклга, кейин мазмунга, ниҳоят унинг моҳиятига кириб борамиз.

Фалсафа тарихида турли оқимлар мазмун ва шаклни турли хил талқин қилиб, уларнинг аҳамияти ва дунёни ўрганишдаги ролини тушунишга ҳаракат қилиб келдилар. Айнан, қадимги дунё фалсафасида Аристотел мазмун ва шакл категорияларига катта аҳамият берган эди. У материя билан шакл ўртасидаги ўзаро боғланишларни асослашга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, дунёдаги ҳамма нарса материядан пайдо бўлган, лекин материя ўз-ўзича пассив, фаолиятсиздир. Ундан фарқли ўлароқ «Шакл фаол ибтидоидир». Материя, Аристотел фикрича, шаклнинг таъсири остида борлиқдаги, воқелиқдаги муайян нарсалар мазмунга айланади. Аристотел шаклни мазмунга нисбатан устун қўйиб, барча шаклларнинг шакли, илоҳийси худо мавжуддир, деган хулосага келади.

Ибн Сино мазмун ва шакл масаласида Аристотелга нисбатан олдинга кетди. Лекин Ибн Сино ҳам мазмун ва шакл масаласини умуман материя ва унинг яшаш шакллари доирасида текширди. Ибн Сино таълимотига, материя ва шакл буюм, ҳодисаларнинг келиб чиқишида тенг ҳуқуқли икки асосдир. Материя буюмлар учун моддий материал бўлса, шакл асосида буюмлар ўз мавжуд ҳолатига келадилар.

Ибн Синонинг замондоши, Ўрта Осиёлик машҳур табиатшунос ва файласуф олим Абу Райҳон Бериуний бу масалада анчагина илгари кетди. У ҳамма нарса материядан бошланади, материя ҳаракат жараёнида турли шаклларга қиради ва шу шаклларда ифодаланилади, деб ўргатади.

XVIII аср метафизик материализмининг вакиллари мазмун ва шакл ўртасидаги узилишни бартараф қилишга ҳаракат қилдилар. Инглиз материализмининг асосчиси Ф. Беконнинг фикрича, шакл материяга хосдир. Аммо у, шакл маъносида ҳаракатни, мазмун маъносида эса материяни тушунади. XVIII аср немис файласуфи И. Кант мазмун ва шакл категориялари ҳар қандай инсон тажрибасидан ҳам олдин, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган мушоҳада тушунчасидир, деб қарар эди. Унингча, билиш шаклларининг объектив олам билан, яъни мазмун билан ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Бу билан И. Кант мазмунни шаклдан ажратиб қўяди.

Гегель идеалистик нуқтаи назардан туриб, Кантни мазмун ва шаклни бир-биридан ажратиб қўйганлигини танқид қилди. Лекин Гегель мазмун остида абсолют ғояни, шакл остида ғоя ривожланишининг турли хил ифодаланиши ётади, деб таълим берди.

Ҳозирги замондаги баъзи фалсафа оқими вакиллари шаклни мазмундан мутлоқо ажратиб олиб, уни мустақил, ҳар қандай ривожланишининг асосида ётувчи, деган фикрда талқин қиладилар. Айниқса бу санъатда кенг тармоқ ёйгандир.

Мазмун ва шакл категорияларининг ўзаро муносабатлари, уларни ҳал қилишнинг тўғри йўли бу уларга нисбатан диалектик ёндошишдадир. Ҳар бир нарса ва ҳодисада мазмун билан шакл ажралмас бирликда бўлади. Мазмунга эга бўлиб, шаклга эга бўлмаган ёки шаклга эга бўлиб, мазмунга эга бўлмаган ҳодисалар йўқ.

Мазмун билан шакл биргаликда. Мазмун ҳал қилувчи асосдир. Мазмун шаклни белгилайди. Олдин мазмун сўнгра шакл ўзгаради. Шакл нисбий мустақилдир. Шаклнинг нисбий мустақиллиги яна қуйидагиларда ўз ифодасини топади: шакл моҳиятнинг ривожланишини тезлаштириш ёки секинлаштириши мумкин. Шакл мазмунга мос келган ҳолларда, у мазмуннинг ривожланишига ёрдам беради. Аксинча, шакл мазмунга зид келганда мазмуннинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Шакл муайян шароитларда мазмунни ривожлантиришдан орқада қолади.

Шундай қилиб, фалсафанинг мазмун ва шакл таълимотига таяниб, кўп қирралли ҳаётнинг турли соҳаларида баъзан юз берган зиддиятларни ўз вақтида олдини олиш мумкин.

Бирор моддий нарса ёки ҳодиса мазмунини батафсил текширадиган бўлсак мазмуннинг алоҳида томонлари билан унинг структураси чунончи, нарсани ташкил қилган элементлари ва уларнинг боғланишларини турғун тизими ўртасида муносабатларни очиш зарурияти келиб чиқади. Бу муносабатлар диалектикаси “элемент” ва “структура” категориясида акс этади.

Элемент-нисбий турғун, сифат муайянликдаги реалликдир. У бошқа нисбий турғун, сифат муайянлигидаги реалликлар билан ўзаро алоқадорликда бўлиб, улар билан биргаликда бутун тизимни ташкил қиладиган реалликдир.

Структура-бутунни (нарсани) ташкил қилувчи элементларнинг нисбий турғун боғланишлар тизимидир. Боғланиш ўз ичига алоҳидалик ёки биргаликни олган муносабатнинг зарурий томони эканлигини ҳисобга олинса, структурани элементлар ўртасидаги турғун муносабатларнинг мажмуи деса бўлади.

Нихоят, структурани ўзаро таъсирдаги элементлар табиатидан келиб чиқадиган зарурий, умумий муносабат боғланишларининг турғун тизими ташкил қилиб, улар “қонун” категорияси орқали акс этганлиги учун уни бутун тизимдаги элементлар боғланишини ифодаловчи қонунлар мажмуидан иборат, деб тасаввур қилиш ҳам мумкин.

Элемент ва структура бир-бири билан органик боғлиқликда мавжуд бўлиб, улар бир-бирини тақозо қилади, бутунни ташкил қилган элементларнинг боғланиш характери, уларнинг бутун доирасидаги муносабатлар тизими элементларининг табиатига, уларнинг сифати ва миқдорига боғлиқ. Элементларнинг сифат хусусияти, ўрни, роли, ва аҳамияти эса, улар иштирок этаётган боғланишлар ситемаси яъни бутуннинг структурасига боғлиқ. У ёки бу бутунни ташкил қилган элементларнинг ўзгариши структуранинг ўзгаришига сабаб бўлади, яъни структуранинг пайдо бўлиши эса унга қирувчи элементларнинг мувофиқ

равишда ўзгаришига сабаб бўлади, уларда янги хусусият, янги сифат ва микдор тавсифномалари пайдо бўлади. Структура бутунни ташкил қилувчи таъсир сифатда изомерия ҳодисасини кўрсатиши мумкин. Бу бир хил таркибдаги ва бир хил молекуляр оғирликдаги турли моддаларнинг мавжудлиги бўлиб, уни А. М. Бутлеров ўзининг химиявий тузилиш назариясида тушунтириб берган. Бу назарияга мувофиқ химиявий бирикларнинг сифати унинг молекуласини таркибига кирган атомлар сони, характери билангина белгиланмасдан балки, унинг структураси билан ҳам белгиланади. Бунда бир хил таркибли лекин турли сифатли моддаларнинг мавжудлик имконияти вужудга келади.

Элемент ва структура қарама-қаршиликлар бирлигини ташкил қилади. Элементлар доимо ўзаро таъсирда бўлиб, доим ўзгариб туради. Структура эса турғунликка, ўзгармасликка интилади. Бу зиддият ривожланишининг маълум босқичда ўзгарган элементларга мавжуд структура мос келмай қолганида, эски структура бузилади ва янгиси ўрнатилади. Янги структурани ташкил топиши моддий унсурларнинг янги ҳолатга, ривожланишининг янги босқичига ўтишини англатади. Бу ерда мазмун ва шакл алоқадорлиги қонуниятлари намоён бўлади. Чунки элемент мазмуннинг муҳим томонини ташкил қилса, структура шакл(ички томони)ни ташкил қилади. Шундай қилиб, элемент ва структура мазмун ва шакл алоқадорлиги диалектикасини изчиллигини кўрсатади.

Энди моддий унсурларнинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришида муҳим роль ўйнайдиган “структура” ва “ функция” категорияларини кўриб чиқамиз.

Функция тушунчаси бутун тизим элементларининг бир-бирига ўзаро таъсири ва уларнинг барқарор мавжудлигини таъминловчи бошқа тизимлар (унсурлар) билан ўзгаришлар таъсирини акс эттирадиган жараён. Бу ерда структура нарсадаги ҳамма турғунликларни ифодалайди. У ўзаро таъсир туфайли вужудга келган ўзгаришларга қарши бўлади.

Структура ва функция қарама-қарши тенденцияларга эга. Структура ва функция ўзаро боғлиқ ва нарсанинг мавжудлиги асосини ташкил қилувчи зиддиятлардан иборат бўлиб, бу нарсанинг ишлаб туриши ва ривожланишини таъминлайди. Мавжуд структура доирасидаги унсурнинг элементларини ўзаро ва шунингдек, бошқа нарсалар билан таъсири унинг бутунлигини сақлаб, моддий унсурнинг ҳаракатланиб туришини таъминлайди, уни ташкил қилган элементларнинг функция ўзгаришларининг йиғилиб бориши натижасида структуранинг қайта ташкил қилинишининг ривожланиш ҳолатини – нарсанинг янги сифат ҳолатини, унинг бошқа нарсага айланишини ифода этади. Бу ерда ўз-ўзидан «структура» тушунчасини турли категориал муносабатларда ишлатганимизда маъноси ўзгарадими ёки бир маънода қолаверадими?, деган савол келиб чиқади. Ўзгаради, албатта. «Структура» тушунчасини «шакл» категорияси сифатида уни мазмун билан шакл, боғлиқлик диалектикасини акс эттиришда ички турғун боғланишларинигина эмас, балки ташкилларини ҳам назарда тутамиз. Чунки нарсанинг мазмунини



фақат ички ўзаро таъсирлар ва ўзгаришлар эмас, ташқилари ҳам ташкил қилади. Шакл – бу нисбатан тургун боғланишлар тизими бўлиб, унда ички ва ташкининг ўзаро таъсирида жараёнлар амалга ошади.

Биз «структура» тушунчасидан элемент ва структура боғлиқлик диалектикасини акс эттиришда фойдаланганимизда, структурани фақат ички боғланишлар (нарсачун) тизимини тушунамиз. Зеро «структура» тушунчасини структура ва функция боғлиқлик диалектикасини акс эттириш учун ишлатганимизда, структура деганда, ўз ичига зарурий момент ва звено сифатида элементларни ҳам олган тургун боғланишлар тизимини тушунамиз. Бу ерда ўзаро таъсирлар ва улар туфайли вужудга келган ўзгаришларга элемент ва боғланишларнинг бирлигидан иборат бўлган тизим қарама-қарши қўйилади. Шундай қилиб «структура» категорияси кўп маъноли бўлиб, унинг маъноси қандай мақсадни бажарилиши ва қайси категория билан диалектик жуфтликни ташкил қилишига боғлиқ. Структурани қайси соҳада олиб қарамайлик у нарсани ташкил қилиш ва мавжудликда муҳим роль ўйнайди. У ўзаро таъсирдаги моддий нарсаларни тизимли элементларга, шу билан бирга, бутунни қисмларга айлантиради. Элемент-тизимга нисбатан мустақил, алоҳида бўлақларга ажралгандир. Бу бўлақлар эса, муайян, ўзаро боғланиш типини ва бутунлик билан ҳаракатланади. Аслида тизимни бундай тушуниш, уни моддий нарса билан айнийлаштиради. Ҳақиқатан ҳам, нарса алоҳида, нисбатан мустақил элементларга ажралган бутундан иборат бўлиб, унда бу элементлар бир-бири билан ўзаро алоқадорликда ва боғлиқликдадир.

Нарса бутун тизим бўлиб, бошқа нарсалардан холи эмас, у ўзаро таъсирда мавжуд бўлади ва тегишли шароитларда мураккаброк системалар(нарсалар)ни уларни элементларига айланиб ташкил қилади. Булар ўз навбатида бошқа бутун тизимлар билан ўзаро таъсирда бўлиб, янада мураккаброк тизимларнинг элементларига айланадилар, уни ташкил қиладилар ва ҳоказо. Бунинг натижасида моддий олам бизнинг тасаввуримизда ривожланишнинг изчил босқичларини, системалар иерархиясининг ҳосил бўлиши, зеро ҳар бир босқич тизим ўз навбатидан кейинги бошқа юқорироқ босқичнинг элементи эканлиги гавдаланади. Элемент ва тизимлар қарама-қаршилиқлар бўлиб, материя тараққиёти жараёнида янги, мураккаб ва мазмунан бой моддий нарсаларни ҳосил қилиб бир-бирига ўтиб туради.

Нарса бир бутун тизим сифатида, бир-бирга боғлиқ бирлик сифатида бутундан иборат бўлиб, уни ташкил қилган элементлар эса, қисмдир. Қисм моддий нарса бўлиб, бошқа моддий нарса таркибига киради ва унинг мазмуни ёки шаклини моменти сифатида намоён бўлади.

Энди «бутун», «қисм» ва «элемент» категорияларининг таққослаб, уларни ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини аниқлашимиз керак.

«Қисм» тушунчаси ҳам, «элемент» тушунчаси ҳам, муайян бутунга нисбатангина маънога эгадир. Бутундан ташқари қисм, фақат қисмни эмас, балки, мустақил моддий нарсани ташкил қилади. Элемент ҳам шундай. У ёки бу реаллик, бошқа реалликлар билан ўзаро таъсирда бутун тизимни

ташқил қилмагунича элемент бўла олмайди, балки у нарсадир. Нарса қачонки, тегишли структурага кириб, янги-бутун тизимни вужудга келишига олиб келувчи бошқа реалликлар билан ўзаро алоқада бўлса, нарса-элементга айланади. Қисм ҳам, элемент ҳам, бутуннинг хусусиятини, унинг хоссасини, сифат муайянлигини ифодалайди.

Қисм ва элементнинг фарқи шундан иборатки биринчиси бутунни ташқил қилган компонентларни, уларни, ўзаро таъсирини, уларга мос муносабат ва боғланишларни ифодалайди, иккинчиси эса, фақат маълум алоқадорликда бўлиб, бутун системани ҳосил қилган компонентларга таалуқлидир.

Шундай қилиб, элемент бўлиш учун муайян мустақилликка эга бўлган, ўзаро таъсирда иштирок этган, у ёки бу системани ташқил қилган, қатъий функцияни бажарувчи реалликлар бўлиши керак. «Қисм» тушунчаси «элемент» тушунчасига нисбатан умумийроқ тушунчадир.

Бутун ва қисм ўзаро алоқадорликда ва боғлиқликдадир. Бу, бутуннинг табиати, унинг моҳияти, сифат ва миқдор характеристикалари, уни ташқил қилган қисмнинг табиатига боғлиқликдир. Бироқ қисм ўз-ўзи таркибига кирган бутуннинг таъсирини сезади, унинг моҳиятини, сифат муайянлигини ифодалайди.

Бутун ва қисм категориялари воқеликни ўрганишнинг муайян формаси бўлиб, дунёни моддий бирлигини ифодалайди. Аниқроғи бу муаммо ягоналик ва кўплик дунёда бўлганлиги, воқелик ходисаларда турли-туман ва ўзаро боғлиқлик ўртасида зиддиятлар ифодаси борлигини аниқлашга, очишга ёрдам беради. Бу муаммо илмий билиш тарихида турлича ҳал қилиниб келинди, бинобарин, бутун ва қисм категорияларининг муносабатлари ҳам турлича тушунилган.

Бу ерда икки кескин нуқтаи назарни кўриш мумкин: турли-туманга нисбатан бирликни, бутунни қисмларга нисбатан ўрнини ошириб юбориш бир томондан алоҳидани кўпга, иккинчи томондан бутунни қисмларга тенглаштириб кўйилади.

Биринчи нуқтаи назарга антик дунёнинг фалсафа намоёндалари-элеатлар яқин бўлиб, улар учун дунё бутун сифатидагина реал борлик, ўзгармайдиган, ҳаракатсиз борликдир. Ўзгарувчанлик, бўлинувчанлик эса реал борлик эмас, бу фақат дунёнинг хоссасидир. Аристотел фикрича, қисмлар бутун каби реал мавжудлик бўлса ҳам, бутун муҳим ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу ерда унинг «шакллар шакли»ни эслаш кифоя қилади. Бундай бутун ва қисмнинг муносабатини изохлаш ўрта аср фалсафасига ҳам хос бўлган.

Иккинчи нуқтаи назарда турувчилар асосан Марксга қадар бўлган материалистлар бўлиб, улар дунёни асосий элементлар: олов, ҳаво, сув, тупроқ, атомларга тенглаштирадilar.

Ҳозирги вақтда бутун ва қисм муаммосини ташқи, тасвирий равишда текшириш етарли эмас, уларни ички тузилиш ва ташқи, ўзаро боғланишлари билан биргаликда бутунлик хусусиятларини ўрганиш зарур. Бу эса мураккаб объектларни ўрганиш муаммоси билан боғлиқ.

Текшириш, ўрганиш билишнинг янги восита ва методларини шакллантиришга олиб келди. Масалан, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришни ташкил қилишда тизимли анализ; лингвистика, психология ва этнографияда структуралилик методи; бир қанча фанларда кибернетика услулари; турли билим соҳаларида тизимлилик методлари, биология, математикада системалар умумий назарияси каби хусусий метод ва назариялар вужудга келди.

Бу янги метод ва назарияларнинг ўзига хослиги ўрганилаётган объектларга янгича ёндошиш бўлиб, бутун системани бўлақларга ажратиш ва буларни ўрганиш, уларни синтез қилиш, ва бу объектни алоҳида, ўзаро боғланишларининг бошқа нарсалар билан муносабатини ўрганиш орқали эмас, балки объектни бутунлик хусусиятларини бевосита ўрганиш йўли билан ўрганишга ёрдам беради. Бундай тадқиқотлар вужудга келиши билан, турли билим соҳаларидан олинган тушунчалар воситасини аниқлаш ҳам пайдо бўлди. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда кенг тарқалган система, структура ва элемент тушунчалари вужудга келди.

Энди навбатдаги моҳият ва ҳодиса категорияларини кўриб чиқамиз. Мазмун ва шакл категориялари билишнинг ҳодиса, моҳиятига томон бирга боришининг босқичларидир, дедик. Моҳиятни билиш эса фаннинг пировард мақсади ҳисобланади, чунки, у нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати ва ривожланишининг асосида ётган қонуниятларини очишга имкон беради.

Моҳият ҳодисанинг ичида яширинган, моддий оламнинг турли-туман ҳодисаларида юз берадиган чуқур, муҳим, нисбий барқарор алоқаларни ифодалайдиган воқеликнинг ички томонидир. Ҳодиса моҳиятнинг у ёки бу ҳолда учратилишини ифодаловчи объектив воқеликнинг ўзгарувчан, ҳаракатчан хусусиятларга, белгиларга бой бўлган томонидир.

Ҳар бир нарсада моҳият ва ҳодиса ажралмас бирликда бўлади. Ҳар қандай моҳият албатта, ҳодисаларда кўринади, намоён бўлади. Ҳар қандай ҳодисада моҳият намоён бўлади.

Моҳият ва ҳодиса категориялари умумий ва махсус жиҳатларга эга. Улар қуйидагилардан иборат: биринчидан, моҳият ички алоқа ва томонларни, ҳодисалар, ташқи алоқа ва томонларни ифодалайди. Шунинг учун моҳият сезгиларимиз орқали бевосита идрок этилмайди. У биздан яширинган ҳолда мавжуд бўлади. Моҳият нарсаларнинг сиртида эмас, балки ичида бўлгани учун чуқур илмий таҳлил қилиш ва изланиш натижасида, амалиёт жараёнида юзага чиқиши мумкин. Ҳодиса эса, аксинча, инсон томонидан ҳиссий органлар орқали бевосита идрок қилинади. У ҳиссий органларимизга тўғридан-тўғри таъсир этиб, у ёки бу сезгини уйғотади.

Ҳодисани билишгагина асосланиб чиқарилган хулоса тўғри бўлавермайди, чунки, воқеаларнинг кўриниши доим моҳиятни тўғри, тўла ифодалай бермайди.

Бир неча асрлар давомида астрономияда дунёнинг геоцентрик тузилиши ҳақида Птоломей асослаб берган фикр ҳукмрон эди. Олимлар

Ерни оламнинг маркази, Куёш ва барча юлдузлар унинг атрофида айланади, деб келдилар. Бу оддий кўзга кўринувчи ходисаларни юзаки кўрсатиш асосидагина чиқарилган хулоса эди.

XV-XVI асрларда яшаган машхур поляк астрономи Коперник гелиоцентрик тизим ҳақидаги фикрни асослаб берди. Унинг ер ҳаракатсиз жисм бўлмай, балки, у ўз ўки атрофида айланади, бундан кеча ва кундуз ҳосил бўлади, ҳамда ер бошқа планеталар каби Куёш атрофида айланади, бундан тўрт фасл келиб чиқади. Бу ходисалар ичида яширинган моҳиятнинг белгисидир, деб кўрсатган эди.

Иккинчидан, моҳият доимийлиги ва барқарорлиги билан фарк қилади. Ҳодисалар ҳаракатчан бўлиб, баъзан йўқолиши, баъзан янгидан пайдо бўлиши мумкин, бироқ моҳият эса ўзини тугдирган объектив шароит мавжуд экан, у сақланиб тураверади. Моҳият ва ходиса, шунингдек умумий томонларга ҳам эгадир. Чунончи: биринчидан, ҳар қандай моҳият у ёки бу тарзда намоён бўлади, ходиса эса, моҳиятнинг у ёки бу ҳолдаги кўринишидир; иккинчидан, моҳият ва ходиса объектив характерга эга бўлиб, инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир; учинчидан, моҳият ҳам, ходиса ҳам доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлади. Моҳиятнинг ўзгариши ёки йўқолиши ходисанинг йўқолишига ёки ўзгаришига олиб келади.

Нарса, намоён бўладиган моҳиятга эгадир. Лекин, бу моҳиятлар ҳам воқеликка айланавермайди. Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи прогрессив, илгариланма тараққиёт билан биргаликда чекиниш, чекланишни ҳам ўз ичига олади. Аммо бундай имкониятлар зарур бўлмаганлиги учун воқеликка ёки ҳар доим ҳақиқатга айланавермайди.

Имкониятларнинг воқеликка айланиши табиатда стихияли равишда амалга ошади. Жамиятда эса имкониятларнинг воқеликка айланиши учун объектив шарт-шароитдан ташқари субъектив шарт-шароитлар ҳам мавжуд бўлиши лозим. Ижтимоий имкониятларнинг амалга ошишида объектив омиллар—ҳалқ оммаси, синфлар ва партияларнинг фаоллиги ва ҳоказолар катта аҳамиятга эга.

Маълум бир ходисанинг юз бериш имконияти, уни куршаб олган шарт-шароит билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда шарт-шароит кўпинча бир-бирини истисно қилувчи бир қанча имкониятлар биргаликда бўлади. Шунинг учун ҳам бу имкониятдан қайси бири воқеликка айланиши кишиларнинг ҳаракатига боғлиқ.

Моҳият юзада ётмайди, лекин юзадаги нарсаларни ўрганиш орқали моҳият билинади. Нарсалар моҳиятни ходисалар орқали билиш мураккаб жараёндир. Нарсаларнинг моҳияти битмас туганмасдир. Уни дархол бутунлигича, абсолют билиш мумкин эмас. Объектив реалликнинг барча нарса ва ходисалари каби, нарсаларнинг ички моҳиятлари ҳам, янгидан-янги хусусиятларни яратади, динамик равишда ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам бизнинг онгимиз нарсаларнинг моҳиятига сингиб бориб, унда янгидан-янги томонларни очишга муваффақ бўлади.

Дунё узлуксиз ривожланувчи материядан иборат бўлиб, бу ривожланиш жараёнида доимо янги нарсалар вужудга келиб туради, эскилари ўз ўринларини уларга бўшатиб, аста-секин ўзгариб, шаклларга кириб боради.

Юқорида кўриб ўтилган категорияларнинг барчаси ривожланишдаги буюм ва ҳодисаларнинг турли томонларини, бу томонларнинг диалектик муносабатларини ифодаласа, имконият ва воқелик категориялари уларни вужудга келиши, шакллана бориши, ривожланиш даврларини, даражаларини акс эттиради.

Шунинг учун ҳам имконият ва воқелик категорияларининг хусусиятларини ўрганиш нарса ва ҳодисаларнинг ҳозирдаги мавжуд шакли билан бир қаторда, уларнинг ўтмиши ҳамда келажагини ҳам назарда тутишни талаб қилади, чунки, имконият ва воқелик узлуксиз ривожланиш жараёнида бўлган нарса ва ҳодисаларнинг икки хил даврини, икки хил ҳолатини, бу даврларнинг ўзаро муносабатини ўзида ифодаловчи категориялардир.

**Имконият ва воқелик.  
Ўзбекистоннинг  
мустақиллигини мус-  
таҳкамлашда имконият ва  
воқеликнинг уйғунлиги.**

**Имконият ва воқелик.** Воқелик бу мавжуд дунё, мавжуд нарсалардир. Лекин булар ривожланиш жараёнида бирданига вужудга келмай, ўзининг маълум келиб чиқиш даврига, тарихига эга. Воқелик ўзининг туғилиш даврида имконият шаклида мавжуд бўлади.

Имконият ҳали амалга ошмаган, лекин юзага чиқиши мумкин бўлиб, воқеликка айлана оладиган нарса ёки ҳодисадир.

Баъзан файласуфлар имконият ва воқелик категорияларига реал дунёдан ажратиб олинган, унга боғлиқ бўлмаган абстракция деб қарайдилар. Масалан, И. Кант имконият ва воқеликни тафаккурга боғлиқ тушунча сифатида қараб, унинг ташқи оламга ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб ҳисоблаган. Гегель ҳам имконият ва воқелик реал борлиқнинг эмас, балки мантикий ғоялар ривожланишининг ҳолатларидир, деб қараган.

Ҳар қандай воқеликнинг пайдо бўлиши ва мавжудлиги муайян қонуниятларнинг таъсири билан белгиланади. Агар ана шу шарт бузилса, у ҳолда воқелик ўзининг заруриятлик хусусиятидан, мавжуд бўлган ҳуқуқидан маҳрум бўлади. У ёки бу тарздаги имконият пайдо бўлишининг асоси объектив қонуниятдир. Табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонунлари билан белгиланадиган, ўта мос келадиган ҳодисаларгина имконият ҳолида юз бериши мумкин.

Имкониятнинг тескариси имкониятсизликдир. Имкониятсизлик объектив олам қонунларига зид бўлиб, унга мос келмасликдир. Масалан, доимий двигатель қуриш имконияти мавжуд эмас, чунки, у энергиянинг сақланиши ва бир турдан иккинчи турга айланиш қонунига зид бўлиб, унга мос келмайди. Магнитдаги шимолий қутбни, жанубий қутбдан ажратиш имконияти ҳам йўқ; чунки бу ҳол қарама- қаршилиқлар бирлиги ва қураши қонунига зиддир.

Имконият имкониятсизликдан фарқ қилиб, у маълум даражадаги эҳтимолликка эга. Эҳтимоллик имконият ривожланишининг объектив даражаси, унинг ўлчови.

Имкониятсизлик эҳтимолликка эга эмас, чунки у моддий дунё қонунларига зид. Имконият пайдо бўлиши учун минимал камолатга етишиш, аниқ воқелика айланиш, максимал даражадаги эҳтимолликка эга бўлиш шарт. Имкониятлар ички ва ташқи бўлиши мумкин. Масалан, сепилган уруғ, шарт-шароит борлигидан қатъий назар, ўсимлик бўлиб чиқиш имкониятига эга. Бу–уруғнинг ички табиатидан келиб чиқади. Бордию уруғни қушлар еб кетган бўлса, у холда уруғ ўсиб чиқмайди. Бу фақат уруғ ўсиб чиқиши учун ташқи имконият зарурлигини кўрсатади.

Ички ва ташқи имкониятлар турли мавқега эга бўлганликлари учун ходисалар ривожланишида бир хил роль ўйнамайди. Ички имконият ва ходисалар ривожланишида, зарурият, қонуният билан боғланган бўлиб, ташқи имконият сабаби эса бошқа нарса ёки ходисаларда бўладиган тасодиф билан боғлиқ. Ҳаётдаги формал, абстракт ва реал имкониятларни ҳам фарқлаш лозим.

Формал имконият деганда объектив қонунларга зид бўлмасда, воқелика айланиши учун ҳеч қандай шарт-шароитга эга бўлмаган имкониятлар тушунилади.

Амалга ошиши учун маълум бир шарт-шароитлар бўлган имконият абстракт имконият, дейилади. Абстракт имкониятнинг формал имкониятдан фарқи тўла бўлмаган баъзи шарт-шароит мавжуд бўлган имкониятлардир. Реал имконият доим аниқ хусусиятга эга, амалга ошувчи имкониятлардир.

Формал ва абстракт имкониятлар имкониятсизлик билан бир хил эмас, чунки улар ҳам объектив борликда ўзларининг асоси ва заминига эга. Масалан, рақ касалликларини тугатиш имконияти мавжуд бўлсада, у ҳали аниқ эмас. Шунинг учун ҳам бу имконият абстрактдир, чунки у фаннинг реал имкониятларидан келиб чиқмайди. Реал имконият эса конкрет шароит ва шу асосда амал қилувчи қонуниятлардан келиб чиқади. Шундай имкониятгина воқеликка айланиши мумкин.

Абстракт имконият тараққиёт давомида реал имкониятга айланиб қолиши мумкин. Масалан, одамлар фазога ўқишни аллақачон орзу қилганлар аммо тарих нуқтаи назардан, яқин пайтгача бунинг учун зарур шарт-шароит йўқ эди. Шу сабабли кишиларнинг фазога ўқиш ҳақидаги формал, абстракт имконият бўлиб қолар эди. Одамнинг фазога ўқиши реал имкониятга айланди. Бундан кўриниб турибдики, абстракт имконият янги, реал имконият туғилишига замин бўлиши мумкин.

Табиат билан жамиятда имконият билан воқелик ўртасида диалектик боғланиш бор. Бу боғланиш, аввало имконият ва воқеликнинг бир–бирига ўтиб туриши, имкониятнинг маълум шарт–шароитларини воқеликка айланиши, воқеликнинг эса янгидан–янги имкониятларини яратишида ифодаланади.

Имкониятни воқеликдан ажратиш мумкин эмас, чунки воқелик имконият томонидан тайёрланади. Шу билан бирга, имкониятни воқеликка тенглаштириш ҳам ярамайди, чунки барча имконият зиддиятли хусусиятдадир. Объектив оламда нарса ва ҳодисалар икки қарама-қарши томонга бўлинади ва улар бир-бирини тақозо қилади. Имконият ва воқелик категориялари зиддиятларни акс эттирадилар.

Имконият воқеликка айланиши ҳақида гапирганда шуни эътиборга олиш керакки, имконият воқеликка айланиш йўлида бир қатор изчил босқичларни босиб ўтади, шу жараёнда дастлаб имкониятлар кенгайиб боради. Шундан кейин янги имкониятлар туғилади. Улар ўз навбатида кўп ва турли имкониятларга олиб келади. Айниқса мустақилликни мустаҳкамлаш учун Ўзбекистонда реал имкониятлар бор. Бу имкониятлар меҳнаткаш ва ўз ватанига садик инсонлар фаолиятида мужассамлашган. Фан ва техника тараққиётни олдинги сафларда бормоқда. Интеллектуал салоҳият юқоридир. Миллий истиқлол ғояси ёш авлодга аста - секинлик билан сингдирилаётир. Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, техникавий, ҳарбий соҳаларда шартномалар тузилган. Ҳозирги замон шароитида давлатнинг иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқишда ҳам Ўзбекистондаги барча имкониятлар ҳисобга олинган.

Имконият ва воқелик фан ва амалиёт учун катта методологик аҳамиятга эга. Имконият ва воқелик категорияларидан янгини енгиб бўлмаслиги ҳақидаги муҳим хулоса келиб чиқади. Энди юзага келаётган янги, даставвал имконият кўринишида вужудга келганлиги туфайли янгининг ривожланишини диққат билан кузатиб бориш, унга аҳамият бериш лозим. Янги ўзининг дастлаб пайдо бўлишида нимжон бўлса ҳам енгилмасдир. Чунки у кун сайин ўсади, мустаҳкамланади ва замонанинг прогрессив тенденцияларини ифодалайди. Эски кун сайин кучсизланиши натижасида аста-секин ҳалокатга учрайди.

Объектив қонуният ва кишиларнинг онгли фаолияти орасидаги диалектик муносабат эркинлик ва зарурият категорияларида ифодаланади. Кишиларнинг онги, хошиш жараёнидан қатъий назар қонунларнинг амал қилиши жамият тараққиётидаги заруриятни ифодалайди. Зарурият тарихий тараққиётнинг қонуниятидир. Бу тарихий қонуният тасодифлар орқали ўзига йўл очади. Жамият тараққиётининг объектив қонуни характериға эга эканлиги тўғрисидаги қараш кишиларнинг онгли фаолиятларини инкор этмайди.

Эркинлик ва зарурият, кишиларнинг онгли фаолияти ҳақидаги энг мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Бу масала ҳозирги фалсафий адабиётларда маълум даражада ёритилган.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

Хусусийлик, умумийлик, бутун ва бўлак, структура ва элемент, моҳият, ҳодиса, сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик.

### Алломалар фикрларидан намуналар:

«Тараққиёт фақат жасорат туфайлигина рўй беради».

**Виктор Гюго – француз ёзувчиси.**

«Ўзгалар олдида берилган насиҳат таънадек ботади».

**Қобусномадан.**

«Ўзини доно ҳисоблаган одамга ақл ўргатмоқчи бўлган киши вақтини бекор кетказади».

**Демокрит – грек файласуфи.**

### Мавзуга оид тест саволлари:

#### Булардан қайсиси фалсафий категориялар?

- а) зарурият ва тасодиф, сабаб ва оқибат, мазмун ва шакл;
- б) ўсимлик, ирсият;
- в) иқтисодиёт, рента, пул;
- г) дафтар, роман.

#### Категория деб нимага айтилади?

- а) предмет ва ҳодисаларни изоҳлашда қўлланиладиган тушунчаларга айтилади;
- б) ижтимоий ҳаёт йиғиндисига;
- в) инсон фаолиятини тушунтирувчи жумлаларга;
- г) жамият ва инсон фаолиятини акс эттирувчи тушунчага.

#### Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Фан Ватан равнакига хизмат қилади. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
2. Каримов И. А. Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
3. Каримов И. А. Илм фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
4. Юсупов Э. ва бошқалар. Фалсафа. Т.: 1999 й.
5. Рахимов И. Фалсафа. Т.: “Университет”, 1998 й.
6. Давронов З. Диалектика билиш услуби. Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар №2, 2004 й.
7. Скирбек Г., Гилье А. Фалсафа тарихи. Т.: “Ўзбекистон”, 2002 й.



## Тўртинчи бўлим Гносеология: билиш фалсафаси.

### 1 боб. Онг ва руҳият: фалсафий талқин.

#### Фалсафада онг ва руҳият муаммоси.

Инсон муаммоси: Онг-инсон фаолиятида асосий зарурият. Инсон ҳақидаги таълимот фалсафанинг азалий муаммоларидан бирidir. Ижтимоий мавжудот сифатида инсоннинг жамиятдан ташқари ва унга қадар мавжудлиги аёнidir. Шунингдек, жамият ҳам инсондан олдин пайдо бўлган эмас. Инсон жамиятнинг ажралмас бўлагидир. Материалистик қарашда инсонни жамият яратади. Инсоннинг ўзи, тарихий ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мевасидир. Инсон ўз ҳаётининг бутун мазмунини жамиятдан олади. Жамиятда инсон ўз туйғу ва ақл-идроқини ривожлантиради, ҳаёти мақсади ва маъносини тушунади. Инсон муайян ижтимоий муҳитда ҳаёт кечиради, ўйлайди, фикр юритади, ҳаракат қилади. Инсоннинг ривожланиши жамиятда ўтади. Унинг ижтимоий тажрибаси, билим бойликлари, дунёқараши – у яшаб турган ижтимоий муҳитнинг таъсири ва ўша одам бевосита алоқада бўлган ижтимоий муносабатларнинг натижасидир. Инсон ижтимоий маънода шу ижтимоий шароитнинг маҳсули бўлиб қолаверади. Инсон у ёки бу синфнинг, ижтимоий қатламнинг вақилидир. Ҳар бир инсон муайян жамият таъсирида шаклланади. Унинг бутун ҳаёти бошқа кишилар билан яқин алоқада, жамоада, оилада, жамиятда ўтади. Шундай экан, инсон муаммосида ижтимоий муносабатлар, вазиятлар асосий ўринни эгаллайди.

Инсон ўз амалий фаолиятида ижтимоий тараққиёт қонуниятларигагина эмас, балки табиат қонунларига биологик қонунларга ҳам бўйсуннади. Демак, инсон биологик ва ижтимоий детерминацияларнинг бирлигидир. Айтиш лозимки, ижтимоий фаоллик жамият қурилишида миллион кишиларнинг меҳнати, ҳаёти, дам олишидаги ўзгаришларда инсон омили ролининг ўсиши билан бевосита боғлиқдир. Фалсафанинг ижтимоий тараққиёт жараёнида инсон омилнинг ортиб бориши ҳақидаги фикри ҳозирги кунда, айниқса, долзарбдир. Фалсафа ижтимоий сиёсатни, мамлакатни иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг оммавий ғайрат-шижоатини ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришнинг қудратли воситаси жамиятнинг сиёсий барқарорлиги янги инсонни вояга етказиш, бозор муносабатлари турмуш тарзини қарор топтириш қабиларнинг муҳим омилида, деб билади.

Фалсафа инсон қобилятини ривожлантириш, уни ижтимоий моҳияти, ғоявий мақсади, ақлий ва ахлоқий қиёфаси ҳаёт тарзи билан узвий боғлиқ равишда текширади.

Ҳозирги шароитда инсон омили ролининг ортиб боришига қуйидаги икки принципиал асосий хусусиятлар сабаб бўлмоқда. Биринчи хусусият: бозор муносабатларини ривожланишида шахс, инсонларнинг иродаси ва

онгига боғлиқ бўлган объектив иқтисодий конунларга бўйсунди, шу билан бирга алоҳида корхона, соҳа ва ягона халқ хўжалиги мажмуида онгли бошқариш жараёнида намоён бўлади.

Иккинчи хусусият, бозор муносабатларини изчил ривожланишда ишлаб чиқаришни инсон эҳтиёжига бўйсундирилиб борилиши – моддий ва маънавий бойликлар ортиши, меҳнат шароитини яхшиланишидан иборат бўлади. Шундай қилиб инсон тўғрисида фикр юритар эканмиз, унинг фаолияти онг билан боғланганлиги шубҳасиздир. Шу сабабли айтиш лозимки, онг муаммоси фалсафанинг марказий, асосий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки бу масалани ўрганишда фалсафада онг ва борлик масаласи муҳокама қилинади. Бу масалани баён қилишдан олдин унинг катта илмий дунёқараш ва методологик аҳамиятини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Жамият ўзининг нисбатан қисқа тарихида жуда кўп нарсаларга эришди. Инсон фикрловчи машиналарни яратди. Ойга, Венерага ва Марсга етиб борадиган аппаратларни учиряпти. Тирик ва нотирик табиатнинг микролам сирларига тобора чуқурроқ кириб борапти. Илмий асосда, онгли равишда жамиятнинг ривожланишини бошқариб борапти. Шунга қарамай, ҳануз у ўз онг имкониятини жуда кам билади ва ҳали етарли даражада уни яхши бошқара олмайди, шунинг учун буюк грек файласуфи Сократни «ўзинг ўзингни бил» деган чакирғи ҳозирги кунда ҳам маълум маънода ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Бинобарин, жамият қуришдаги субъектив омилнинг ўрни муттасил ортиб бормоқда. Янги кишининг, унинг онгини шакллантириш жамиятимизнинг муҳим вазифаларидан биридир. Жамиятнинг етуқлик даражасини ошириш онгнинг етуқлигини муттасил ошира бориш, инсоннинг маънавий дунёснни бойита бориш демакдир.

Инсоннинг ижтимоий маънавий фаолиятини тўғри тушуниш учун унинг бир қанча белгиловчи кўрсаткичларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Булар индивиднинг моҳият, ижтимоий-сиёсий билиш, бадий эстетик ва бошқа фаолият турларида қатнашиш заруриятини тушунишни тавсифловчи тасавурларнинг шаклланганлиги, профессионал тайёргарлик, ташаббус ва масъулият жамият манфаатларига қарши ҳаракатларнинг ҳар қандай турига муросасизликдан иборатдир. Бу эса ўз навбатида мустақиллик, белгилаган вазифаларни бажаришдаги қатъийлик шу билан бирга ўзини баҳолаш ва ўзини назорат қилиш қобилиятини белгилаш имкониятини беради. Рухий фаоллик ва инсон фаолиятини жамиятимизнинг ҳамма фаолият соҳаларида интенсификациялаштириш лозим. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган фаоллик иқтисодий категория бўлмасдан, балки кенг ижтимоий характерга эгадир. Бу тушунчанинг иқтисодий-ижтимоий томонларини боғлаб турувчи звено инсон маънавий имкониятининг даражасидир. Шунинг учун фаолиятни интенсификациялаштиришнинг муҳим шарти инсоннинг билиш фаоллигини

ошириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларда ижодий ёндошини ўрнатувчи тиришқок синчков индивидни шакллантиришдир.

Ҳар қандай ишнинг муваффақияти-омманинг унда фаол ва онгли равишда қатнашиши билан ҳал қилувчи даражасида белгиланади. Кенг меҳнаткашлар оммасининг танлаб олинган йўлининг тўғрилигига ишонтириш, уларни руҳий ва моддий жиҳатдан қизиқтириш, ходимларнинг руҳиятини ўзгартириш тараққиётимизни жадаллаштиришнинг энг муҳим шартларидир.

Ҳозир бутун ўзбек халқининг галдаги вазифаси иқтисодий ривожлантиришдаги нохуш-собиқ совет тенденцияларини қатъиян бартараф этишдан, инсоннинг ташаббускорлигини ва ижодкорлигини чинакам янги ўзгаришларга ундашдан иборатдир.

Онгнинг моҳияти муаммоси фалсафа тарихида анча тортишувларни келтириб чиқарган. Жумладан, метафизиклар онгни миқдорий жараёнлар, деб тасаввур қилганлар. Уларнинг фикрича сезгилар элементар руҳий ҳодиса сифатида ташқи оламдаги барча предметларга, неорганик табиат моддаларига ва бошқаларга турлича даражада хос. Масалан, Ламетрининг фикрича, «одам ҳаммадан кўпроқ жонга эга, ўсимлик эса ундан камроқ даражада эга».

Кўриб турибмизки, бу файласуф метафизик сифатида онгни фикрловчи материя, миядан ажратиши ва унга қарама-қарши қўйиши психик жараёнларнинг табиатдаги барча жисмларга хос (пансихизм, бутун табиатнинг руҳланганлигини) дейиш билан баробардир. Бундай қарашлар кўпгина материалистларга, хатто, уларнинг энг изчил намоёндалари (Спиноза, Дидро ва бошқалар)га ҳам хосдир.

Айниқса, содда материалистлар онг муаммосини сийқалаштириб юбордилар. Вульгар (содда) материалистларнинг вакиллари Людвиг Бюхнер, Якоб Молешотт, Карл Фогтлар онг мустақиллигини, фаоллигини тан олмадилар. Фогтнинг фикрича, жигар ўтқи қандай ишлаб чиқарса, мия ҳам фикрни шундай ишлаб чиқарар эмиш. Гилозоистлар оқими эса (грек тилида-нарса, ҳаёт) сезиш ҳамма нарсаларга тааллуқли деган эдилар. Айниқса, Дж. Бруно ва Робине таълимоти шундайдир.

Психикофизик параллелизм оқими ҳам онг муаммосини нотўғри таърифлади. Уларнинг фикрича, физиологик ва онг жараёнлари бири-бирдан мустақилдир. Улар бири-бирига тобе эмасдир. Параллел тараққий этади. Вакиллари Вильгельм Вундт, Т. Липпс, Г. Эббингаус, Т. Рибо ва бошқалардир.

Инсоният жамиятнинг уфқидаёқ кишилар психик жараёнларнинг характери, ўзларининг руҳий фаолиятлари табиати устида ўйлай бошлаганлар. Руҳнинг ўлмаслиги (абადийлиги) уйқу вақтида вақтинча ўз қароргоҳини тарк этиш ҳақидаги тасаввурлар секин аста онг ҳақидаги идеалистик ва диалектик тасаввурларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Онгни ўрганиш соҳаси билан жуда кўп фанлар шуғулланиб, уларнинг ҳар бири бу ҳодисани ўз нуқтаи назаридан текширади ва психиканинг моҳиятини очишга қўлдан келганча ҳиссасини қўшади.

Шунинг учун онг муаммосида ижтимоий, техник, биологик ва бошқа табиат фанларининг кучи, ҳаракати ва ютуқлари тўпланади.

Онгни ва унинг хусусиятларини ўрганувчи соҳаларга фалсафа ва логика, психология ва физиология, психотерапия ва неврология, лингвистика (тилшунослик) ва семантика ҳамда бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Бу фанларнинг онгга ёндошувларига кўра умумлаштириб ва ҳозирги замон фанларининг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги таърифни бериш мумкин: Онг материалистик нуқтан назардан ижтимоий-тарихий тараққиётнинг маҳсули, мия фаолиятининг натижаси-воқеликнинг инъикоси, инсоннинг мақсадига қаратилган ҳаракатининг бошқарувчисидир.

Онг сезги органлар ёки приборлар ёрдамида очиб бўлмайдиган субъектив реалликдир. Чунки у фазода ўринга, кўламга эга эмас, кўринмайди. Бир сўз билан айтганда номоддийдир. Масалан, хирург бош мия остидаги касалнинг фикри, рухий жараёнларининг ўзини эмас, балки миянинг кулранг ва оқ моддаларинигина кўради, холос.

Охирги ўн йиллар ичида мияни ўрганишда электрофизиология усули кенг қўлланила бошланди. Бунда бош миянинг электр фаоллиги унинг маълум қисмларга ўрнатилган микроэлектродларнинг ёрдамида ёзиб олинади. Бироқ электрофизиологиянинг пионери, Грей Уольтер айтганидек, электроэнцефалограммага фикр, тафаккур тушунчаларининг мазмуни (психик образлар эмас, балки фақат миянинг электр фаоллиги), касалнинг рухий фаолиятининг физиологик моддий асоси ёзиб олинади. Булар эса айнан бир нарса эмас.

Сезги органи ёрдамида рухий ҳодисаларни бевосита сезиш мумкин эмаслиги гоҳида онгни умуман билиш мумкинлигига шубҳа уйғотишга сабаб бўлади. Масалан машҳур табиатшунос олим Дюбуа-Рейман оламнинг ҳал қилиб бўлмайдиган етти муаммолари орасида рухий муаммони ҳам кўрсатган.

Унинг фикрича, инсон ботқоқликдан ўзининг сочидан тортиб чиқара олмаганидек ёки кўзгудан ўзини кўчада кетаётганини кўра олмаганидек ўз руҳиятини принципиал равишда била олмайди. Канадалик физиолог Ценфильд ҳам рухий ҳодисаларни билиш мумкинлигига шубҳа билан қараб-Гексли кетидан инсон онгини Аловуддиннинг сеҳрли чироғидан тушунарсиз равишда жиннинг чиқишида намоён бўладиган сеҳрли хусусиятга тенглаштиради.

Англиялик биолог ва кибернетик Р. Эшби ҳам ўзининг “Миянинг конструкцияси” китобида психикани аниқлашнинг объектив усуллари бўлмаганлиги учун уни эътиборга олмаслик мумкин, деб ҳисоблайди.

Охирги йилларда онгнинг моҳиятга қизиқиш диншунослик, психология, логика ва кибернетиканинг ютуқлари шунингдек, бозор муносабатларига ўтишда субъектив омил ролининг ўсиши туфайли ортиб бормоқда.

## Онг ва инъикос

Мазкур масалани ҳал этишда аввало дунёвий илмлар муҳокамасини ҳавола этамиз. Инъикос материянинг энг умумий хоссасидир. Юқорида айтилганидек, онг тирик табиатнинг узок ривожланиши натижаси, инсоннинг ижтимоий меҳнатини вужудга келиши билан ҳайвонот олаmidан ажралиб чиқиш оқибатидир, деган қараш ҳам мавжуд. Бундай тушунтиришнинг методологик асоси инъикос назариясидир.

Инъикос бу кенг маънода муайян моддий тизим бошқа моддий тизимга таъсир этганда, унда ўша тизим алоҳида хусусиятларнинг, акс этишидан иборатдир. Бундан келиб чиқиб шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, инъикос сабаб ва оқибат алоқаларининг натижасида ҳам воқе бўлиши мумкин. Бунинг натижасида инъикос, инъикос этилувчининг баъзи белги хоссаларини инъикос эттирувчига ўтиши сифатида рўй беради. Бинобарин инъикос ёрдамида инъикос эттирувчининг “табиати” юзага келади. Масалан, қумдаги из одам кийиб ўтган оёқ кийими шаклини қайта тиклайди. Предметга қараганда одамда ана шу предметнинг кўриш образи шаклланади.

Инъикос материянинг барча тузилиш даражаларига хос, лекин инъикоснинг юқори шакллари тирик материя билан, ҳаёт билан боғлиқдир. Ҳаёт материя ҳаракатининг махсус, мураккаб шаклидир. Ҳаётнинг муҳим белгилари таъсирланиш, ўсиш, кўпайишдан иборат бўлиб, буларнинг замирида моддалар алмашинуви асос бўлиб ётади. Молекуляр биология, кибернетика ютуқлари, ҳозирги кун фани ниҳоят онгини материяга тенглаштирмашлик сабаблари ҳақидаги саволга жавоб беради.

Лекин шунини ҳам ҳисобга олиш керакки, биологик мақсад аниқ вазиятда онтогенетик “тажриба”, кенг маънода хотира (шу вақтдаги организмнинг талаби) асосидагина эмас, балки аниқ вазиятни акс эттириши натижаси ҳам вужудга келади. Шунинг учун биз онгга руҳий жараёнлар миянинг фаолияти хоссаси, ташқи муҳитнинг маънавий акси, организм фаолиятининг бошқарувчиси, - деган таърифни бердик. Ташқи муҳит объектларининг адекват психик образларисиз биологик мақсад шаклланиши мумкин эмас. Адекватлик (айнан ўхшашлик) ва фаоллик, акс этиш ва бошқариш (регуляция) булар организмнинг муҳит билан алоқасида бир-биридан ажратиб бўлмайдиган боғлиқ томонларидир, яъни бир таёқнинг икки томонидир. Шунга мувофиқ биологик эволюцияда биологик акс эттириш шакллари ҳам мураккаблашиб бордилар. Материя тараққиётида инъикос турличадир:

а) неорганик табиатда инъикос; б) биологик инъикос; в) психик инъикос-(инстинкт, ҳулқ, аклий фаолият).

Агар таъсирланиш организмнинг ташқи муҳит таъсирига жавоб ҳаракати сифатида барча тирик нарсаларга хос бўлса, марказий нерв системасининг пайдо бўлиши билан сезишни кўриш мумкин (масалан, ҳашаротларда). Юқори умуртқалиларда руҳият жонли табиатнинг олий ютуғидир.

Сезиш маълум сезги органларининг бўлишини талаб қилади, лекин бу ерда ҳали физиологик анализ ва синтез бўлмасдан сезги дифференциалланмаган холда намоён бўлади (хашоротлар, чувалчанглар синфи). Жонли организм маълум кўзгатувчи (хид, ранг)ларни қабул қилади ва унинг фаолияти ва кучига қараб бу таъсирларнинг манбаига адекват (баббаравар) жавоб беради. Чумолилар хидга, чивинлар предметлар температурасига аниқ ва тўғри жавоб берадилар.

Бирок бу тубан мавжудотлар овқатнинг, хавфнинг пайдо бўлишига бир хилда ёндошадилар. Психиканинг пайдо бўлиши билан ҳайвонларнинг мосланувчанлик фаолиятининг имкониятлари кескин ортади (организм эндиликда, шартли нерв алоқаларининг шаклланиши туфайли йиғилган бой тажрибалардан фойдаланиб ўз ҳаракатларини тўғрилашга кодирдир). Ҳайвонот психикасининг вужудга келиши табиатда номоддий жараёнларнинг шаклланишидан иборатдир. Маънавийликнинг моҳияти нима (хусусан руҳий шаклнинг) учун табиий танланиш инъикос ва бошқариш руҳий шаклининг вужудга келишига олиб келди.

Агар объектларнинг асосий хоссалари бошқа объектларга нисбатан оддий муносабатларда намоён бўлса, функционал хоссалар эса бошқариш системасининг ҳамма элементларини келишиб амалга оширилган ўзаро таъсир шароитида, тизимнинг фаолияти жараёнида намоён бўлади. Тизим фаолиятининг йўқолиши функционал хоссанинг йўқолишига олиб келади. И. М. Сеченов кўрсатганидек, ташқи оламдан, ташқи ахборот оқимдан ажралган мия “ухлайди”-ишлашдан тўхтади. Тананинг бошқа органлари-ошқозон, юрак, буйрак ва бошқалар овқатни ҳазм қилиш, қонни ҳайдаш вазифасини бажармасдан ташқи муҳитдаги вазиятга қараб организмнинг барча ташқи ва ички органларининг фаолиятини бошқариб туради. Вазифанинг бундай ўзига хослиги мия структураси ва онтогенезда унинг шаклланиш тартибига ўз таъсирини кўрсатади. Организмнинг ўзгариб турувчи шароитга фаол мослашишига жавобгар бўлган бош мия пўстлоғи умумий ҳолдагина генетик “программалаштирилган” бўлиб, нейронлар ўртасидаги алоқа, нерв алоқаларини ишлаб чиқиш, турли кўникмаларни ва фаолият шакллари шакллантириш йўли билан амалга ошади. Индивидуал тажрибанинг мияда тўпланиб бориши ҳайвоннинг яшаш муҳитдаги аниқ вазиятнинг ўзгаришига қараб ўз ҳаракатини эгчил, моҳирлик билан бошқариш имкониятини беради.

Шундай қилиб ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракатлари шартли ва шартсиз рефлекслар, инстинктлар, мақсадга қаратилган ҳаракатлар, узилиш ва узлуксизликнинг бирлигидан иборат мураккаб яхлит тизимдир. Бу элементлар бир-бирига фақат мувофиқлашган бўлмасдан, маълум даражада ўзаро боғлиқ ҳамдир. Бу боғлиқлик фақат мақсадга қаратилган ҳатти-ҳаракатларни ҳайвоннинг бутун тури ва индивидуал тажрибаси туфайли амалга ошмасдан, балки биологик мақсадга эришган организмнинг барча ҳаёт фаолиятини амалга оширувчи жараёнларга ҳам бўйсунди: қувлаш, хавф туғилган чоғда ҳайвонда хис-туйғу, психиканинг таъсирида қон босим ва қоннинг қуйилиши, ундаги қанд моддасининг

ортиши ва бошқаришни кўриш мумкин (Бу ҳайвонга қисқа вақт ичида организмнинг барча воситаларини сафарбар қилиш имкониятини беради).

Хулқ атворнинг мураккаброк ва хусусий шакли бўлган мақсадга қартилган ҳаракат аниқ вазиятда ҳар гал янгидан шаклланади. Бир ҳаракатнинг охири, иккинчи ҳаракатнинг боши бўлганида мақсадга қаратилган ҳаракат организм ҳаёт фаолиятида шартли ва шартсиз рефлекслар, уларнинг тизимлари (инстинкт динамик стереотип)дан кам аҳамиятга эга эмас. Олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотни ишлаб чиққан буюк рус физиолог И. П. Павлов буни яхши тушуниб хулқ-атворнинг уйғунлигини шартли ва шартсиз рефлексларга тақаб қўймаслик характерлидир, деб айтади.

Мақсадга қаратилган хулқ-атвор-ҳаракатнинг структураси умумий ҳолда физиологларнинг тадқиқотларида ишлаб чиқилган (Н. К. Анохин, К. Н. Судаков ва б.). Агар алоҳида рефлекс инъикосининг айрим ҳолатидаги ораси очик ёй бўлса мақсадга қаратилган хулқ-атвор спиралининг ўрамини ифода этади; унинг бошланиши маълум вазиятда организм фаолияти натижасини олдиндан пайқовчи биологик мақсаднинг шаклланиши; охири, эса бу мақсадга эришиш, режанинг моддий воқеликка айланишидир. Биологик мақсад бизга воқеликни илгариланма инъикосни намоён қилувчи ёрқин мисол бўлиб, ўтмиш (бутун тур ва индивидуал тажриба)-хозирги орқали (маълум вазият ва организм талабининг акс этиши) келгуси билан боғланади.

Биологик мақсад номоддий, чунки у энди амалга ошиши керак бўлган нарсанинг режасидир. Бу ерда биз инъикоснинг психик шакллари вужудга келиши объектив логикасининг энг юқори нуқтасига келдик. Тез ўзгариб турувчи маълум бир вазиятда идеал мақсад шаклланмасдан туриб мия ўз ўзини бошқарувчилик ролни ўйнай олмайди, идеал, рухий мақсад эса яшаётган муҳитдаги объектнинг идеал образи асосида вужудга келади.

Энди яна “информация” тушунчаси устида тўхталиб ўтамиз. Ривожланиб бораётган илмий техника революцияси шароитида илм билимнинг кибернетиклашиб бориши туфайли “информация” тушунчаси муҳим даражада кенгайди. Ҳажм жиҳатидан у ҳатто, онг тушунчасидан ҳам кенгайди. Чунки информацион жараёнлар инсон мияси, жамиятнинг ҳамма ташкилий структура даражаларидагина эмас, балки турли кибернетик қурилмалар, шунингдек барча тирик организмларда ҳам мавжуд бўлади.

Онгда бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган ўз табиати жиҳатидан объектив моддий техник қурилмалар-жонли мавжудотлар ва бошқа кибернетик тизимларнинг информацион жараёнлари акс этади.

Онгни информацион жараёнларнинг олий тури, инъикоснинг олий шакли, информация жараёнини эса, мақсадга қаратилган функционал инъикос, деб таърифлаш мумкин.

Шундай қилиб моддий, маънавий воқелик рухий, идеал инъикосдир. У умуман ва бутунлай акс этилаётган нарса-ҳодисага адекват бўлиб, мия ўз

функцияси одамнинг табиий, ижтимоий муҳитидаги ташқи предметли фаолиятини бошқаришни амалга оширишга ёрдам беради.

Инъикос инсонни ташқи оламга бўлган фаол муносабатини тақозо қилади. Инъикос ва фаоллик инсон фаолиятининг чамбарчас боғлиқ икки компоненти, инсонни табиат ва ижтимоий муҳит билан ўзаро таъсиридир. Уларни бир-биридан факат методик ва дидактик жиҳатдангина фикран ажратиш мумкин.

Онгнинг фаоллиги факат рухий образ, унинг асосида вужудга келган мақсаднинг акс этилаётган конкрет вазиятдаги инсон хулқ-атворини бошқарувчиси сифатида намоён бўлмайди. Инсон фаолиятини олий ва бош бошқаруви ақл (идрок)дир, чунки ақл туфайлигига жамият тарихида эришилган ижтимоий онг шакллари ахлоқ нормалари, илмий тамойиллар ва бошқаларга мос тушадиган ижтимоий мақсадларнинг шаклланишига эришиш мумкин бўлади. Инсон бор ҳаётини мана шу ижтимоий мақсадларга бўйсундиради (масалан, талабанинг бундай мақсади касбни эгаллашга интилиш бўлиб, у ўқиш даврида ўзининг бутун фаолиятини шунга бўйсундиради). Бунда воқеликнинг “илгариланма” инъикоси яққол намоён бўлиб, табиий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш йўналишини бир неча ўн йиллар илгари кўра олиш, ўз ҳаракатини муайян мақсадга мос равишда тахминлаш ва дастурлаштиришга имкон беради.

Инсон онгининг пайдо бўлиши инъикосининг рухий шаклининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Онг инсон миясида акс этган ҳодисаларни англашни қамраб олади. Англаш – инсон руҳиятини ҳайвонот олаmidан фарқловчи омилдир.

Онг, инъикос фаолиятнинг алоҳида шакли сифатида, тарихан индивидга нисбатан анча юқори-жамият, ижтимоий организм босқичида вужудга келади. Ҳатто, ҳозирги вақтда янги туғилган бола агар ўзига ўхшаганлар билан мулоқотда бўлмаса, унинг фикрлаш қобилияти ривожланмайди. Инсон онги ҳайвон руҳиятидан фарқланиб, биологик жиҳатдан наслдан наслга ўтмайди. Боланинг нутқи ва тафаккурининг шаклланиш даврида одамлардан чеклаб қўйилса, онг вужудга келмайди. Туғилганидан кейин ҳайвонлар орасига тушиб қолган болаларда онгнинг йўқлиги факат онг хусусиятларидан бирини характерловчи қондани тасдиқлайди.

Онгнинг онтогенезда шаклланиши учун биологик заминларнинг зарурий бўлишига қарамасдан у мутлоқ ижтимоий ҳодисадир: ҳозирги маймунлар, дельфинлар ва бошқа юқори инстинктли ҳайвонларда қанчалик онги шакллантиришга ҳаракат қилишса ҳам уларда онг, тафаккур вужудга келмайди. Чунки ҳайвон мияси филогенетик жиҳатдан тайёрланмаган бўлади.

Шундай маънода инсон мияси ижтимоий муносабатларнинг йиғиндисидан иборат. Онг – ижтимоий тараққиёт ва инсон меҳнат фаолияти шароитининг натижасидир.

Одамнинг келиб чиқиши қандай содир бўлган деган саволга Ф. Энгельс “Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг роли” деган асари



орқали материаллист сифатида жавоб берган. Энгельснинг антропогенез меҳнат назариясига биноан одам ҳайвон оламидан меҳнат туфайли ажралиб чиқди. Шу билан бирга унда тафаккур қилиш қобилияти ҳам юксалиб борди.

Меҳнатнинг моҳияти олдиндан тайёрланган қурол ва унинг ижтимоий табиатидан иборатдир. Шунинг учун ҳам бу фақат инсонга хос бўлган фаолиятдир. Одамларнинг ўз ҳаракатлари зарурият сифатида нутқини келтириб чиқарган. Ибтидоий кишиларнинг жамоа меҳнатлариёқ айрим тақсимотни вужудга келтира бошлади: битталари оловни сақлар ва ҳосил қилар, бошқалари ов қилар ёки емишлик излар ва меваларни топар, учинчилари эса овқатни тайёрлар эдилар. Бундай меҳнат тақсимоти жамоа аъзолари ўртасида яқин алоқани талаб қилар эди.

Одамни меҳнат шакллантирди, меҳнатни эса зарурият юзага келтирди дейди, У одам онги меҳнат ва нутқ фаолияти таъсирида шаклланади. Энгельснинг фикрича, “Аввало меҳнат, сўнгра у билан бирга аниқ нутқ иккита энг муҳим сабаб бўлдики, бу сабаблар таъсири остида маймуннинг мияси секин-секин одам миясига айланди”. Ҳайвоннинг психикасидан одамникига ўтиш тарихда анча кўп вақтни олди. Бундан бир неча миллион йиллар илгари одамсимон маймунлар тик юришга ўтишди. Эҳтимол овқатнинг етишмаслиги ва иқлим шароитининг ўзгариши уларни дарахтдан тушишга, ерда юриш ҳаёт тарзига ўтишга мажбур қилган бўлса керак. Тик юриш уларга “ўз билим даражаларини кенгайтиришга”, атрофни ўраб турган олам предметлари билан актив фаолиятда бўлиш учун олдинги оёқларини бўшатиш имкониятини берди. Олдин улар ўзларини ваҳший ҳайвонлардан муҳофаза қилиш ва уларга ҳужум қилиш қуроллари сифатида тош, ёғоч, йирик ҳайвонларнинг суяклари ва бошқалардан қурол сифатида фойдаландилар.

Секин-аста бу зарур воситаларнинг унумдорлигини ошириш учун уларга маълум мақсадга мувофиқ шакл бериб, ишлов беришни ўргана бошладилар. Мана у (ақлли одам)нинг келиб чиқишида мазкур жараён ҳал қилувчи омил бўлди. Меҳнат қуролини яшаш натижасида одамнинг хусусияти ижтимоий бўлиб қолди.

Муҳим меҳнат органи сифатида қўлнинг такомиллашиб бориши билан онг органи сифатида мия ҳам ривожланиб борди. Одам ўзининг тош қуролларига ишлов бериш билан ўзининг ақлий қобилиятини чарҳлаб борди. Мия функцияси билан бирга унинг структураси ҳам айниқса, миянинг ҳаракатларнинг бевосита мақсадга йўналишини таъминлайдиган дастурлаштирилган ва фикрий режаловчи қисми (пешона қисми) такомиллашиб борди.

Табний материални доимий равишда ишлаб бориш инсон қўлининг такомиллашишига ва руҳиятининг шаклланишига ёрдам беради. Оддий меҳнат қуролини яшаш учун тасаввурда уни қандай яшаш ва кейинчалик қандай фойдаланиш режаси бўлиши керак-ку, ахир. Бир қараганда шундай мустаҳкам мантикий доира вужудга келади-меҳнат тафаккурни яратади. Шу билан бирга ҳар қандай меҳнат операцияси кейинги ҳаракат режасини

тахмин қилади (масалан, дурадгор уй қуришдан олдин бу уйнинг мукамал режасини ҳаёлан тузиб олади). Аслида бу ерда ҳеч қандай мантикий доира йўқ. Жамиятнинг ташкил топиши, ҳатто индивиднинг вужудга келиши жараёнида меҳнат, тафаккур фаолияти, фикри меҳнат операциясидан олдин пайдо бўлади.

Одам мияси секин-аста мураккаб меҳнат операцияларини режалаштириш қобилиятига эга бўла бошлади. Шу билан бир вақтда одамнинг сезги органлари ҳам такомиллашиб боради. Бундай тақсимлаш ижтимоий меҳнатнинг характери ва талаби туфайли амалга ошди; шунинг учун ҳозирги одамнинг сезги органлари биологик тараққиётнинг натижасигина бўлмасдан балки ижтимоий тараққиётнинг ҳам маҳсулидир. Шу билан бирга, бу жараёнлар ташки олам объекларини инъикос этишда тафаккурнинг йўналтирувчи таъсирида кучаяди.

Шундай қилиб, меҳнат қуролини яшаш ва биологик ҳолат системасидан чиқувчи, мақсад қўйиш қобилияти, тушунчали тафаккур нутқий алоқа онгнинг вужудга келишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида келишиб иш қилувчи ибтидоий кишиларнинг жамоаси шароитида меҳнат қуролларидан муваффақиятли фойдаланишни таъминлади. Материалист фикрича, ижтимоий меҳнат бутун инсоният ҳаётининг биринчи асосий шартидир ва у шу даражадаги асосий шартки, биз маълум маънода-одамнинг ўзини ҳам меҳнат вужудга келтиради,-деб айтмоғимиз керак.

Шунинг учун ҳам тирик табиат филогенетик ривожланишининг бутун йўли ва шунга тегишли яшаш шароитининг ўзгариши туфайли вужудга келган одамда ижтимоий омил белгилувчи ролни ўйнайди.

Онгнинг келиб чиқиши муаммосини ёритишда бола психикаси ва тафаккурининг келиб чиқишини ўрганувчи болалар психологияси ҳам кўп маълумотлар беради. Чунки индивидуал онгнинг “онтогенези” ижтимоий онгнинг “филогенезини” қискартиради ҳамда, қисман қайта тиклайди, шунинг учун ҳам индивид онгининг шаклланиши кўп жиҳатдан онгнинг келиб чиқиши, сайёрада кишилик жамиятининг ташкил топишини эслатади.

Онг бу абстракт тафаккур ҳамдир, яъни логик (мантикий) тушунчалар билан иш қўришдир. Онгнинг бу иккала соҳаси узвий бирликда бўлиб бир-бирига ўтиб туради. Биз уларни услубий жиҳатдан руҳий фаолиятини ўрганишда қулайлик учун фикран бир-бирдан ажратамиз.

Тафаккурни фақат сезги органларимиз ёрдамида олинадиган ҳиссий материалларни қайта ишловчи жараён, деб тушуниш мумкин эмас. Ҳиссийлик билан рационалликнинг боғлиқлигини позитивизмга ҳос соддалаштириб тушуниш ҳам талабга жавоб бермайди. Абстракт тафаккур маълум ижобий мустақилликка эга. Уни реал вазиятнинг бевосита инъикоси деб тушинилмаслик керак. Бошқача қилиб айтганда, у воситали ва юқорироқ босқичда ривожланувчи ижтимоий инъикосдир.

Билиш жараёнида одам ўрганаётган объектга логик (мантикий) категориялар “тўрини ташлайди”–ўз билими призмаси ва тасаввури орқали билишни амалга оширади.

Шундай қилиб онг-фақат бевосита акс этиш бўлмасдан воситали ва умумлаштирилган инъикос. Бу инъикос объект, индивиднинг маълум маънода жамиятнинг тарихи, яқундир. Ижтимоий инъикос даражасидагина табиий ва ижтимоий воқеликнинг муносабатлари, алоқалари, қонуларини билиш мумкин.

Тафаккур идрок билан боғлангандир. Идрок ҳам бош мия яримшарларининг фаолияти билан боғлиқдир. Бош миядаги анализаторлар бунга асосий ҳиссани қўшади.

Агар алоҳида анализаторнинг иши анализ қилинганда объектнинг алоҳида хоссаси, томони акс этилганлик ҳисси вужудга келади. Миянинг синтез қилувчи фаолияти тўфайли объектни акс эттириш жараёнида қатнашаётган турли жиқимлар ва таъсир этувчиларнинг ўзаро таъсирида яхлит образ, яъни идрок шаклланади. Табиийки, бу образ объект билан ўхшаш, ўз табиатига кўра идеал бўлиб, ўзининг тегишли нейродинамик модел кўринишидаги моддий асосига эга.

Воқеликдаги предметлар ва ҳодисаларнинг аниқ ҳиссий яққол образи идрокдир. Образ ташқи оламнинг таъсирида юзага келади. Сезгидан фарқ қилади. Образда идрок тўла намоён бўлиши учун у кўз ўнгимизда бўлиши шарт. Идрок билиш жараёнида қатта ўрин тутлади.

Тафаккур асосан бош мия пўстлоғи фаолиятига боғлиқдир. Рухий фаолият англамаган соҳасининг муҳим элементи онгсиз психик фаолият марказий нерв системасининг морфологик жиҳатдан қадимийдрок бўлган, инстинктив фаолиятига жавоб берадиган, биологик “хотира”га эга бўлган пўстлоқости қисмида амалга ошадиган жараёнлар натижасидир. Бош миянинг пўстлоғи ва пўстлоқости қисмлар бирликда амал қилади, чунки инсон онги ўтган, ҳозирги ва келгусининг қотишмаси, доим ҳиссий шаклланиб боради ва информацион аҳамият қасб этади.

Пўстлоқости асосан наслдан наслга ўтувчи информациянинг филогенетик оқимида ўз ичига олади, антогенетик хотира эса ўзида индивидуал, инсон учун ҳал қилувчи ижтимоий тажрибани тўплаб, пўстлоқда йиғилади.

Маълум шакл ва частотадаги импульслар анализаторларнинг мия пўстлоғидаги тегишли қисмига бориб, уларни фаоллаштиради. Бу билан бир вақтда биологик информация специфик бўлмаган йўллар билан миянинг пўстлоқости қисми регулятор шаклига боради. Регуляторлик, бош мия пўстлоғида қайд қилинган индивидуал тажрибадагина эмас, балки наслдан наслга ўтувчи пўстлоқостида “дастурлаштирилган” тажрибадан ҳам фойдаланишни таъминлайди. Шунинг учун ҳиссий образлар ва ҳатто, тушунчали тафаккур ҳис, туйғу, кайфият (эмоция), эҳтиёж рамкасида амалга ошади. Масалан байрам дастурхонидаги ширинлик моддий нарсасидир, бироқ стол атрофида ўтирганларда ширинликини кўрганда вужудга келган ҳиссий образ идеали, номоддийдир. Шунинг учун ҳам унга

хаёлдагина тўйиш мумкин. Шундай қилиб объектив мавжуд моддий нарса бошқа, бу нарсанинг ҳиссий (ёки тушунчадаги) образи бошқа экан.

Онг фақат ҳиссий образлардан иборатгина эмас, балки кўп табақалидир. Индивиднинг психик жараёнлари тузилишида онгнинг асосий ва характерли қисми тушунчали-тафаккур билан бирга эмоциялар, интуиция, мақсад, хоҳишлар, интилишлар ва бошқа психиканинг англамайдиган қисмини ташкил қилувчи компонентлар ҳам мавжуд.

И. П. Павлов яратган иккинчи сигналлар системаси ҳақидаги таълимотга мувофиқ инсонга ҳайвондан фарқ қилган ҳолда иккинчи сигнал системаси, мураккаб белгилар системаси-инсоннинг табиий тилининг сўзлари хос. Агар ҳайвонлар фақат биологик кўзгатувчиларга (ҳайвонларнинг ўз “тил”ларидаги сигналларини ҳам ҳисобга олган ҳолда) жавоб берсалар, инсон учун эса ўтмиш авлодларимизни билиши ва амалий жараёнда эришган ижтимоий тилининг сигнал ва белгилари муҳимроқ аҳамият касб этади. Тил- инсоният қўлига киритган энг катта ютуқдир. У ўз навбатида инсон маданиятини ривожлантириш, илгариги авлод эришган ижтимоий информацияни ўрганиш ва ишлатиш воситасидир. Инсоннинг иккала сигнал системаси ўзаро таъсирдадир.

Англаш жараёнида фикрлаш мантикий шаклларга киради ва сўз қобиғига ўралади. Тилсиз тафаккурнинг бўлиши мумкин эмас, фаолиятнинг нутқ шакли тил шаклида бўлиши мумкин. Шу билан бирга тил кишиларнинг абстракт фикрлаш қобилиятисиз вужудга кела олмас эди. Тил ва тафаккур бир бутун жараёндир. Фикрнинг ёрқинлиги у ёки бу фикрнинг тил материалида қанчалик аниқ ўринли ифодаланганига бевосита боғлиқ.

Баъзида фикр бошқа тил орқали ифодаланишигача ёки ундан ташқарида мавжуддек туйилиши мумкин. Бироқ фикр ўзининг аниқлигига фақат тил туфайли эришиши мумкинлиги равшандир. Ҳатто, инсонга фикрни ифодалаш учун сўзлар керак бўлмаган ички нутқ вақтида ҳам уларнинг баъзиларидан фойдаланишга эҳтиёж сезади. Тил ва тафаккурнинг узвий боғлиқлиги фикрнинг бевосита воқелигидир.

Тил фикрнинг ягона ифода қилиш усулигина эмас. У коммуникатив ролни ҳам бажариб, ижтимоий информацияни, билимни бериш воситаси бўлиб хизмат қилади. Яъни табиий сўзларда фикрий мазмунни тўплайди.

Табиий тил воситасида инсон томонидан йиғилган ижтимоий информация фақат идеал мазмунга эга бўлмасдан ички ва ташқи шаклга ҳам эга. Бунда ички жараён фикрлаш фаолиятининг структураси бўлиб, ташқиси эса белгиларнинг йиғиндиси сифатида юзага чиқадиган фикрнинг моддий қобиғидир. Фикрий мазмун, аниқроғи табиий тил ёрдамида белгиланган билимнинг математик логика ёрдамида формалаштириш мумкин, сўнг инсон тафаккурининг ана шу томонини электрон ҳисоблаш машиналарида қайта тиклаш мумкин.

Турли тилдаги расмий мантикий операцияларда бажарувчи электрон ҳисоблаш машиналарнинг тузилиши сигналлар ёрдамида информация бериш принципига асосланган тафаккур фаолиятининг баъзи жиҳатларини

моделлаштириш, қабуллаш ва хотирани моделлаштиришдан қолишмайдиган даражада ҳайрон қоларли натижаларни бермоқда. Ҳозирги вақтда геометрик теоремаларни исботлаш, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, шахмат ўйнаш ва шу каби мураккаб ақлий ишларни машиналар муваффақиятли бажармоқда.

Айрим олимлар келажакда шундай автоматик қурилма ясаладики, у инсон миясининг ўрнини тамоман эгаллайди деб даъво қилмоқдалар. Улар инсон мияси ишини-ижтимоий муаммоларни, фан маданиятини ривожлантиришни ва бошқаларни ҳеч шубҳасиз машина уддалайди деб чиқмоқдалар. Кўпгина англашнинг мовчиликлар, бизнингча, оламни инсон томонидан акс эттиришнинг ўзига хослигини, қисман инсон мияси ишининг сифат эътиборига кўра тафовутли эканлигини нотўғри тушунишдан келиб чиқади.

Бунда шу нарсани ҳисобга олиш мумкин, инсоннинг фикр қилиш қобилияти унинг мия тузилишидагина эмасдир. Бу қобилият инсонни тарихан жамғарилган маданиятдан баҳраманд қилиш орқали, тарбия ва таълим орқали, жамият яратган усуллар ва воситалар ёрдамида, муайян фаолият кўрсатиш орқали шаклланади. Инсон ички дунёсининг, унинг ижтимоий алоқаларининг бойлиги, ҳар томонламаллиги натижасидир. Шу сабабли инсон онги унинг структурасини ва барча функцияларини батамом моделлаштирмоқ учун фақат мия структурасини қайта ҳосил қилиш кифоя қилмайди. Бунинг учун инсон тафаккури бутун тарихнинг мантиқини қайта ҳосил қилиш, демак, инсон тараққиётининг бутун тарихий йўлини такрорлаш, уни барча эҳтиёжлар билан, шу жумладан, сиёсий, ахлоқий, эстетик ва шу каби эҳтиёжлар билан таъминлаш лозим бўлуради.

Оннинг муҳим томони ўз-ўзини англашдир. Ҳаёт инсондан фақат ташқи дунёнигина эмас, балки ўзини ҳам билишни талаб этади. Объектив реалликни инъикос эттирганда, инсон бу жараённигина англаб қолмайди, балки ҳис қилувчи ва фикрловчи вужуд сифатида ўз-ўзини ҳам, ўз идеалларини, манфаатларини, маънавий қиёфасини ҳам англайди. У теварак атрофдаги оламдан ўзини ажратиб, ўзини дунёга бўлган муносабати, ҳис-туйғуси, ўйи, қилаётган иши ҳақида ўзига ҳисоб беради. Шу билан бирга ўз-ўзини бажарилган, бажариладиган ишларини таҳлил қилиш, келгусида бажариладиган ишларни баҳолай олиш қобилиятлари ривожлана бошлайди. Инсонни шахс сифатида ўзини англай олиши айнан ўз-ўзини англашдир. Ўз-ўзини англаш ижтимоий турмуш тарзи таъсири остида шаклланади ва бу турмуш тарзи инсондан ўз ҳаракатларини назорат қилиб туришни, ўз қилмишлари учун жавобгарликни талаб этади.

Ўз-ўзини англашни ривожланишдаги кейинги босқич инсонни ўзининг ижтимоий аҳволи, ўзининг қатлам ва профессионал мансублиги, ўз қатлами ва давлатнинг вакили сифатидаги фаолиятини тўлароқ ва чуқурроқ англаши билан боғлиқ. Диний таълимотларда оламни яратилиши ҳақида қуйидаги фикрлар мавжуд. (Библияда)

“АВВАЛДА Худо осмон билан ерни яратди.

Ва ер эса тартибсиз ва бўм-бўш эди; ва қоронғулик қаърисиз устида эди; ва

Худо Руҳи сув устида парвоз этар эди.

Ва Худо деди: ёруғлик бўлсин. Ва ёруғлик бўлди.

Ва Худо деди: сув ўртада фалак бўлсин ва у сувни сувдан ажратсин.

Ва Худо фалакни вужудга келтирди; ва фалак остидаги сувни фалак устидаги сувдан ажратди. Ва шундай бўлди.

Ва Худо деди: осмон остидаги сув бир жойга тўплансин ва куруклик кўринсин. Ва шундай бўлди.

Ва худо курукликка ер деб атади, ва сувлар тўпламига эса, денгизлар деб атади. Ва Худо кўрдики, бу яхши.

Ва Худо деди: ер ўсимликлар кўкартирсин, уруғ берадиган гиёҳ, ўзининг жинси бўйича мева берадиган мевали дарахт, қайсики унинг уруғи унда ер юзида бўлсин. Ва шундай бўлди.

Ва Худо деди: кунни тундан ажратиш учун аломатлар, ва вақтлар ва кунлар, ва йиллар учун осмон фалагида ёриткичлар бўлсин.

Ва Худо иккита катта ёриткични: кунда салтанат қилиш учун катта ёриткични, тунда салтанат қилиш учун кичикроқ ёриткични ва юлдузларни вужудга келтирди;

Ва Худо деди: сув тўда-тўда тирик жонни ҳосил қилсин, ва қушлар ер устида ҳамда осмон фалакида парвоз қилсинлар.

Ва Худо катта денгиз жониворларини ҳамда уларнинг жинси бўйича сув ҳосил қилган ҳар хил судралувчи тирик жонни, ва жинси бўйича ҳар хил қанотли қушларни яратди. Ва Худо кўрдики бу яхши.

Ва Худо деди: ер унинг жинси бўйича тирик жонни, чорваларни ва судралувчи ҳайвонларни, уларнинг жинси бўйича ернинг йирткич ҳайвонларини ҳосил қилсин. Ва шундай бўлди.

Ва Худо деди: Бизнинг суратимизда ва Ўзимизга ўхшаш одам яратамиз; ва улар денгиз балиқлари устидан, ва осмон паррандалари устидан, ерда судралувчи ҳайвонлар устидан ҳукмронлик қилсинлар.

Ва Худо одамни Ўз суратида яратди. Уни Худо суратида яратди; уларни эркак ва аёл яратди.

Ва Худойи Таоло ернинг тупроғидан одамни яратди ва унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлади; ва бу одам тирик жон бўлди.

Ва Худойи Таоло шарқ томонда Эденда боғ ўтказди; ва Ўзи яратган одамни у ерда қўйди.

Ва Худойи Таоло ердан кўриниши гўзал ва емоққа яхши бўлган ҳар хил дарахтни ва боғнинг ўртада ҳаёт дарахтини ва яхшилик ва ёмонлик маърифати дарахтини ўстирди.

Ва Худойи Таоло одамни олди ва уни Эден боғида қўйди, токи унда ишласин ва уни қўриқласин.

Ва Худойи Таоло одамга амр буюриб деди: сен бу боғнинг ҳар бир дарахтидан еявергин; фақат яхшилик ва ёмонлик маърифати дарахтидан емагин, чунки ундан еган кунингда албатта ўласан.

Ва илон Худойи Таоло яратган дашт ҳайвонларининг

хаммасидан айёрроқ эди. Ва илон хотинга деди: чиндан хам Худо, боғнинг ҳамма дарахтидан еманглар,- дедими?

Ва хотин кўрдики, бу емок учун яхши, кўзга ёқимли ва ақлни ривожлантирадиган жозибадор дарахтдир, ва унинг мевасидан олиб еди, ва эрига ҳам берди, ва у еди.

Ва икковларининг кўзлари очилди ва билдиларки, кип-яланғочдирлар, ва анжир барглари бир-бирига тикиб, ўзлари учун лунгилар ясадилар. Куннинг салқин вақтида боғда юраётган Худойи Таолонинг овозини эшитдилар; ва Одам ва унинг хотини Худойи Таолонинг назари олдидан боғнинг дарахтлари орасида пинхон бўлдилар.

Ва Худойи Таоло Одамга хитоб қилиб деди: каердасан?

У деди: овозингни боғда эшитдим ва кўрдим, чунки мен кип ялонғочман ва пинхон бўлдим.

Ва деди: ким сенга айтдики, сен ялонғочсан? Мен сени ундан ейишингни ман этган дарахтдан едингми?

Одам деди: Сен менга берган бу хотин дарахтнинг мевасидан берди ва мен едим.

Ва Худойи Таоло хотинга деди: бу нима қилган ишинг?

Хотин деди: илон мени йўлдан оздирди ва мен едим.

Худойи Таоло илонга деди: бу ишни қилганинг учун ҳамма чорвалардан ва дашт ҳайвонларидан малъундирсан; сен қорнинг билан юрасан ва умрингнинг бутун айёмида тупроқ ерсан.

Ва сен билан хотин орасига, сенинг зурриётинг ва унинг зурриёти орасига адоват соламан; у сенинг бошингни чақар ва сен унинг пошнасини чақарсан.

Хотинга деди: сенинг азобингни ҳомиладорлигингда кўп орттираман; дард билан фарзандлар туғасан; эринга иштиёқинг бўлади, ва у сенга ҳоким бўлади.

Ва Одамга деди: хотинингнинг овозига кулоқ солиб, Мен санга амр қилиб: "ундан емагин" деб айтган дарахтдан еганинг учун, сен сабабли ер малъун бўлди; умрингнинг бутун айёмида захмат билан ундан ейсан.

У сенга тикан ва буталар ўстиради, ва дала ўтини ейсан.

Ерга қайтунингга қадар,-чунки ундан олингансан,-пешона тери билан нон ейсан, зероки тупроқсан ва тупроққа қайтасан.

Ва Худойи Таоло деди: мана, Одам яхши ва ёмонни билишда Бизларнинг биримиздек бўлди; ва энди қўлини узатмасин ва ҳаёт дарахтидан олмасин, у емасин ва абадий яшамасин деб,

Худойи Таоло уни Эден боғидан чиқариб юборди, токи ундан олинган ерни ишласин.

(Бу фикрлар Миссия "Луч надежды" рисоласидан олинди.  
Кыргызстан г. Бишкек.)

**Ижтимоий онг ва индивидуал онг. Ижтимоий психология ва ижтимоий мафкура-онг шакли сифатида.**

Ижтимоий онгнинг моҳиятни аниқлашда унинг индивидуал онг билан алоқадорлиги масаласи муҳим аҳамиятга эга. Зотан ижтимоий онг тараққиёт билан чамбарчас

боғлиқ. Ижтимоий онг-ижтимоий борликнинг муайян жамиятдаги барча синфлар ва ижтимоий гуруҳлар онгидаги инъикоси. Индивидуал онг-айрим аниқ кишининг маънавий кифасини, унинг қарашлари, кайфиятлари, ҳис-туйғуларини ифодалайди. Индивидуал онгни муайян синф ёки гуруҳга мансуб айрим кишининг онги бўлиб, реал воқеликнинг бирон шахс миясида акс этишидир. Ижтимоий онг ҳам, индивидуал онг ҳам инсон моддий ҳаёти шароитларининг ифодаси ҳисобланади. Шунга кўра алоҳида кишиларнинг қарашларида улар мансуб бўлган ҳаётдаги қарашлар, ижтимоий муҳит шароитлари акс этади. Лекин индивидуал онгда ижтимоий онгга нисбатан ҳис-туйғулар ўзига хос тарзда аниқроқ ифодаланади. Ижтимоий онг индивидуал қарашларнинг оддий арифметик йиғиндиси эмас. У онг тараққиётидаги янги сифат босқичи ҳисобланади. Ҳар қандай умумийлик яққалиқда, яққалиқ орқали ифодалангани сингари ижтимоий онг ҳам индивидуал қарашлар орқали ифодаланиши мумкин. Ижтимоий ва индивидуал онг ўзаро бир-бири билан диалектик алоқада, бири иккинчисига таъсир кўсатади, бойитади. Ҳар бир киши ҳаёти давомида жамиятдаги қарашлар, ижтимоий ғоялар таъсирида шаклланади, камол топади. Бу борада Стивинсоннинг «Кишини табиат яратади, жамият шакллантиради ва камол топтиради», деган фикрини ҳам киритиш мумкин. Шу билан бир қаторда алоҳида кишиларнинг қарашлари, индивидуал онг жамият учун катта қийматга эга бўлиши мумкин, ижтимоий онг тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилиш мумкин, фан, техника, маданиятнинг турли соҳаларига оид қилинган ишлар, кашфиётлар бунинг ёрқин мисоли бўлиши мумкин. Химиявий элементларнинг даврий тизимини кашф қилиш билан Д. И. Менделеев табиатшунослик илми тараққиётида янги даврни очишга муваффақ бўлди.

Худди шунинг учун ҳам кишиларнинг қобилиятлари, талантларини ҳар томонлама камол топтириш, ҳар томонлама етук инсонни тарбиялаш, кишиларнинг ижтимоий тафаккур ютуқларидан баҳраманд бўлишлари, кўп жиҳатдан мавжуд ижтимоий тузумга боғлиқ.

Умуман олганда, ижтимоий онг билан индивидуал онг ўртасидаги муносабатда умумийлик билан алоҳидалик диалектикаси намоён бўлади.

Ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги қуйидагиларда намоён бўлади: ижтимоий ғоялар тараққиётидаги ворислилиқ ва узлуксизлиқда. Тарихий тараққиёт шуни кўрсатадики, муайян иқтисодий-ижтимоий формациянинг шаклланиш жараёнида мазкур даврга хос янги ижтимоий онг ҳам шаклланиб боради, аммо шу билан бир қаторда илгариги тарихий давр ижтимоий онгига хос элементлар (масалан, фан соҳасидаги билимлар,



эскилик саркитлари) сақланиб қолади. Ғоялар тараққиётидаги ворислилик оқибатида, жаҳон тарихи ўзаро чамбарчас боғланган яхлит жараёндан иборат бўлиб қолади. Ўтмиш авлод қўлга киритган маданий мерос адабиёт, санъат, фан, техника ютуқлари тарих саҳнасига кадам қўйган янги авлод учун бебаҳо бойлик ҳисобланади.

Ижтимоий онг тараққиётида ворислилик турли манфаатлар мурасасизлигининг маънавий йўналишида ҳам ўз аксини топади. Агар илғор синфлар маданий мероснинг мусбат томонларини қабул қилиб ривожлантирсалар, ўзлари учун муҳим, манфаатларига мувофиқ келадиган томонларини олишга ҳаракат қиладилар.

Ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги яна шунда ҳам намоён бўладики, кишилар ижтимоий қарашларининг айрим томонлари воқеликка мувофиқ келавермаслиги а) айрим ҳолларда ўзиб кетиши, б) ёйинки, орқада қолиши кузатилиши мумкин.

Ғоялар, агар улар ижтимоий ҳаётдан ўзиб кетсалар, у ҳолда тарихий прогрессив тараққиётга имконият яратилади.

Ижтимоий ғоялар ва назарияларнинг, орзу интилишларнинг жамият ҳаётига фаол таъсири ижтимоий онг нисбий мустақиллигини ифодалайдиган томонлардан биридир. Ғоялар иқтисодий базис асосида вужудга келиб, шу тузум тараққиётига фаол таъсир кўрсатиши мумкин.

Ғояларнинг фаоллик ўрни биринчидан, уларнинг ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига мос келишига, иккинчи томондан, бу ғояларнинг қайси гуруҳлар томондан илгари сурилишига боғлиқ. Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, илғор ғояларнинг яратувчанлик роли, айниқса, социал сакрашлар жараёнида тўлақонли намоён бўлади.

Ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги ижтимоий онг шакллариининг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига кўрсатилган таъсирида намоён бўлади. Ҳар бир тарихий даврда ижтимоий онгнинг муайян шакллари биринчи ўринга чиқади. Антик даврда Грецияда эрализгача VI-асрларда ижтимоий онгдаги етакчилик ўрнини фалсафа ва санъат эгаллаган эди. Ўрта асрларда эса Европада ҳам, Осиёда ҳам диний фалсафа, ахлоқ санъат тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

Ижтимоий борликнинг ижтимоий онга нисбатан белгиловчилик ўрни ижтимоий онг тараққиётининг қонуний характерини тушуниш имконини беради. Ижтимоий онгнинг муайян тарихий типлари мавжуд бўлиб, булар ибтидоий жамоа тузуми, қўлдорлик, феодализм, капитализм, социализм жамиятларининг онги тарзида ифодаланади.

Ижтимоий турмушнинг ижтимоий онни белгилаши тўғрисидаги коида ижтимоий оннинг турли жамиятлар шароитидаги махсус характерини тушуниш имкониятини яратади. Ижтимоий борлик, ҳаётнинг моддий шароитларига қарама-қарши келади, унда баъзи зиддиятлар ифодаланади.

Ижтимоий онг мураккаб тузилишга эга. Бу тузилиш қуйидаги элементларга эга: ижтимоий онг соҳалари; ижтимоий онг даражалари, ижтимоий онгнинг шакллари.

Ижтимоий эҳтиёжни ифодалаш усулларига кўра ижтимоий онгнинг турли шакллари ҳосил бўлади. Ижтимоий онг ҳаётда бир бутунликни, яхлитликни ташкил қилади. Турли ижтимоий гуруҳлар онгида ижтимоий ҳодисалар яхлит тарзда акс эттирилади.

Ижтимоий онг ва унинг тузилиши:

Ижтимоий онг шакллари	Ижтимоий-индивидуал онг	Ижтимоий онг даражалари
Сийсий онг, ҳуқуқий онг, ахлоқий онг, эстетик онг, диний ва атеистик онг, фалсафа-ижтимоий онгнинг махсус шакли	Ижтимоий онг соҳалари, назарий онг, кундалик онг	Ижтимоий мафкура, ижтимоий психология

Онг ижтимоий онгга нисбатан тарихий бўлиб, унинг шаклларини келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлган. Инсоният оламининг бошланиши ҳам кундалик онг билан боғланган. Шунинг учун ҳам кундалик онг ижтимоий муносабатлар амалий фаолиятининг кўринишини ифодалайдиган онгдир.

Демак, кундалик онг ижтимоий онгга нисбатан бирламчидир. Шундай бўлишидан катъий назар кундалик онг, ижтимоий онгни ажралмас қисми. У назарий онг билан алоқада. Назарий онг ижтимоий онг тараққиётининг муайян босқичида ташкил топади. Назарий онг ҳам ижтимоий онг тараққиётини акс эттириб, кўпроқ профессионал мутахассислар томонидан ўртага қўйилади. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида бу онгларнинг долзарблиги ортиб бормокда. Айниқса таълим-тарбия жараёнини йўлга қўйишда зарурдир. Ижтимоий воқеликни акс эттиришда бу онглар ҳар бир соҳага кириб бориши, таъсир этиши керак. Афсуски онгнинг бу шакллари ҳали тўларок ишлаб чикилмаган. Назарий онг кенгрок тараққий қилса ҳам, уни ҳаётга татбиқ қилишда бизнинг орқада қолаётганимиз сир эмас.

Ижтимоий онг, унинг барча шакллари икки асосий онг даражаларида ифодаланиши мумкин: ижтимоий психология, ижтимоий мафкура. Ижтимоий психология – кишиларнинг, айрим социал гуруҳларнинг кундалик турмуш шароитлари, социал муҳитни акс эттириш жараёнида вужудга келувчи туйғулар, кайфиятлар, фикрлар, урф-одатлар ва интилишларнинг тартибига тушмаган, назарий жиҳатдан асосланилмаган, системалаштирилмаган характердаги йиғиндисидир.

Ижтимоий психология омма кундалик фаолиятининг таъсири натижасида кундалик онг тарзида юзага келади. Кишиларнинг меҳнат тажрибаларини, одатлари, хис-туйғулари, қобилиятларини ифодалайди. Кишиларнинг қарашлари ижтимоий психология доирасида назарий ифодага эга бўлади. Унда воқелик тараққиёти қонуниятлари акс этмайди. Ижтимоий психология кишилар кундалик онгининг руҳий ҳолатидир.

Ижтимоий психология мазмуни жамиятнинг иктисодий тузумини ифодалайди. Шунинг учун ҳам файласуфлар ижтимоий онг масаласини ҳал қилишда ижтимоий, айниқса, сиёсий идеология билан омма рухиятининг алоқадорлигига алоҳида эътибор берган эдилар.

Маънавиятнинг оммага таъсир этиш даражаси кўп жиҳатдан ўзи ифодаланган гуруҳлар психологияси-мафқураси билан алоқадорлигига боғлиқ.

Ижтимоий мафкура муайян гуруҳнинг тизимлаштирилган ва маълум мақсадга йўналтирилган сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадий, эстетик, фалсафий қарашлари, ғояларининг йиғиндисидир.

Ижтимоий мафкура системалашган, муайян йўналишга эга бўлган, ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий онг даражасидир. Ижтимоий мафкура воқеликни тўғри, чин, ёхуд тесқари, бузилган ҳолда ҳам акс эттириши мумкин.

Мафкура шундай қарашлар йиғиндисики, унда маълум ижтимоий гуруҳ манфаатлари, мақсад ва вазифалари умумлашган ҳолда ифодаланади. Ижтимоий психология, турли гуруҳ вакилларининг қарашлари-мафқурасига таъсир кўрсатади. Лекин бундай мафқуранинг ягона манбаи психологиядир, деган хулосани чиқармаслик керак. Ғоя ва назарияларда, ижтимоий мафкурада аввало ижтимоий муносабатлар, ижтимоий жараёнлар, акс этади. Буни унутмаслик лозим.

Ижтимоий мафкура билан ижтимоий психология ижтимоий онг даражалари сифатида ўзаро бир-биридан маълум хусусиятларга кўра фарқланади ҳам.

Ишлаб чиқариш муносабатлари, иктисодий муносабатлар турли тарихий давр гуруҳларида моддий ва бошқа эҳтиёжларни ҳам шакллантиради. Шунга кўра сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик қарашлар, ҳис-туйғулар, яъни ижтимоий онгнинг турли шакллари вужудга келади.

Ижтимоий онг шаклларининг келиб чиқиши ва тараққиётини кишиларнинг ижтимоий тузуми, турмуши, ижтимоий борлиғи белгилаб беради. Ибтидоий жамоа тузумидаги ижтимоий онгда кишиларнинг қарашлари, оила ҳақидаги дастлабки билимлари, бадий образли тасаввурлари умумлашган, тарзда акс этган.

Ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ, гарчи кишиларнинг қарашлари умумлашма ҳолида бўлсада, уларда санъат, ахлоқ, диннинг айрим элементлари шакллана бошлайди. Ижтимоий ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти ижтимоий меҳнат тақсимоти, айниқса, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши оқибат натижаси жамият маънавий ҳаётининг тараққиётига олиб келди. Ижтимоий онг шакллари юзага келди. Демак, умуман олганда, ижтимоий онг шакллари тарихи уларнинг ижтимоий борлиқ билан бўлган муносабатидан келиб чиқади. Ижтимоий борлиқ ижтимоий онгга амалий фаолият жараёнида юзага келадиган моддий ва маънавий эҳтиёжлар орқали таъсир қилади. Бу эҳтиёжлар эса ўз навбатида манфаатларни шакллантиради. Кишиларнинг моддий ва

маънавий эҳтиёжларини чуқур ўрганиш ижтимоий онг шаклларининг пайдо бўлиши ва таракқиёти сабабларини очишга ёрдам беради.

Жамият иқтисодий базиси таъсирида моддий эҳтиёжлар билан биргаликда маънавий эҳтиёжлар ҳам юзага келади.

Ижтимоий онгнинг шакллари сиёсий ҳуқуқий қарашлар, ахлоқ, санъат, дин тарихий таракқиётининг турли босқичларида вужудга келган. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, ахлоқ, санъат, диннинг элементларни ибтидоий жамоа тузилишида таркиб топа бошлаган. Сиёсий ва ҳуқуқий онгнинг келиб чиқиши жамиятнинг синфларга бўлиниши, давлатнинг келиб чиқиши билан боғлиқ. Тарихий таракқиётнинг турлича босқичларида ижтимоий онг шакллари турлича ўрин тутган, уларнинг ўзаро алоқадорлик нисбати турлича бўлган. Бу ўринда шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, синфий жамиятлар тарихида ижтимоий онг шаклларининг мазмуни ва таракқиётига сиёсий қарашлар ҳал қилувчи таъсир кўрсатган.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, биринчидан, ижтимоий онг масаласига аниқ – тарихий нуқтаи назардан ёндошмоқ зарур; иккинчидан, ижтимоий онг шаклларининг келиб чиқиш сабабларини ижтимоий борлиқдан, моддий ҳаёт зиддиятларидан кидирмоқ лозим.

#### Таянч сўз ва иборалар:

Онг, руҳият, инъикос, ҳиссиёт, тасаввур, ирода, тафаккур, ўз – ўзини англаш, онглилик, онгсизлик, тил, нутқ, ижтимоий ва индивидуал онг, хотира, психология ва мафкура, ижтимоий онг шакллари, ижтимоий мафкура.

#### Алломалар фикрларидан намуналар:

«Хунар бирла аклинг бириккан ҳамон,  
Ҳар иш бу жаҳонда юришгай равон».

Абулқосим Фирдавсий

«Косибдан шод хуррам йўқ жаҳонда,  
Хунардан яхши дур ҳам йўқ жаҳонда».

Носир Хисрав

«Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга паймол бўлар».

Маҳмудхўжа Бехбудий

### Мавзуга оид тест саволлари:

1. «Билим кучдир», - деган шиор кимга тааллуқли?

- а) Ф. Бэкон;
- б) Р. Декарт;
- в) А. Хоразмий;
- г) Амир Темур.

2. Онг нима?

- а) онг сезги, идрок, тасаввур ва тушунчалар асосида воқеликни инсон мясида руҳий жиҳатдан акс этишидир;
- б) онг сезгилар йиғиндисидир;
- в) онг инсон фаолиятининг ижтимоий ҳолатидир;
- г) онг жамият ҳақидаги тасаввурлардир.

### Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:

- 1. И. А. Каримов. Янгича тафаккурга кенг йўл. Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
- 2. И. А. Каримов. Янгича тафаккур замон талаби. Т.: «Ўзбекистон», 1998й.
- 3. И. А. Каримов. Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланайлик. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
- 4. Юсупов Э. ва бошқалар. Фалсафа. Т.: 1999 й.
- 5. Инжил. Стокгольм. 1993 г.
- 6. Миссия “Луч надежды” Бишкек. 1950 г.
- 7. Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. М.: 1986 г.
- 8. Введение в философии. Т.1,2. М.: 1990 г.

## 2 боб. Билиш фалсафаси.

**Билим ва билиш  
фалсафий таҳлил мавзуи  
сифатида.**

Биз олдинги мавзуларимизда инсоннинг билиш жараёни мураккаб зиддиятли диалектик жараён эканлигини, билишнинг асоси ва критерияси амалиёт эканлигини ҳамда билишимизнинг ана шу хусусиятларини очиб берувчи диалектиканинг методологик тамойилларини кўриб чиккан эдик. Фалсафанинг гносеология масаласи, яъни дунёни билиш мумкинми ёки йўқми? масаласини ҳам қисқароқ таҳлил қилган эдик. Фалсафа билиш назарияси, объектив воқелик, ривожланиш қонунларининг киши онгидаги инъикоси тўғрисидаги масалани ўз ичига олади. Воқелик ходисаларини билиш оддий ҳаётий тирикчилик учун йўл топиш эмас, балки илмий тадқиқот йўли билан изланишлар натижасида янги фан ютуқларига эга бўлиш, янги билимларни вужудга келтиришдан ҳам иборатдир. Маълумки билим инсоннинг тарихий амалий фаолияти негизида вужудга келади. Табиат ва жамиятнинг мураккаб, хилма-хил, ранг-баранг ходисаларининг ҳақиқий мазмунини, моҳиятини, ривожланиш қонунларини билишнинг аниқ усуллари мавжуд бўлиб, улар илмий тадқиқот ва изланишнинг аниқ йўналишини ифодалайди.

Ҳар бир фан объектини ўрганувчи предметнинг аниқ изланиш усули мавжуд бўлиб, бу хусусий, умумий ва энг умумий усуллардир. Илмий билиш масаласида усул муаммоси билан фалсафа тарихида Аристотел шуғулланган. Лекин, биринчи марта фанни усул системаси асосида инглиз файласуфи Ф. Бэкон илгари сурган. У илмий билишнинг индуктив ва эмпирик усулига асос солган. Декарт эса объект билан субъект муносабати масаласида тафаккурнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатган, И. Кант билишни алоҳида шаклларга эга бўлган ўзига хос фаолият сифатида таҳлил қилишга асос солган. Бу масалани ҳал этишда, айникса, Гегель қарашлари алоҳида аҳамият касб этди. У билишнинг, умуман маънавий фаолиятнинг умумий услуги–диалектиканинг ролини кўрсатиб берган.

Фалсафа диалектиканинг бу ролини сақлаб қолиб қайта ишлаб чиқди. Диалектика илмий билишнинг, объектив воқеликни билишнинг асоси, умумий методологиясидир. Бу метод билимларнинг аниқ, тарихийлик нуқтаи назаридан олдинни кўра билиш функцияларига эга бўлган усулидир. Фалсафа объективлик принципига эътибор беришни таъкидлайди. У воқеликка ҳар қандай ёндошиш, яқинлашишнинг сон-саноксиз турлари, ҳар бир айрим турдан ўсиб бутунга айланувчи системаси борлигини ифодалайди.

Билишда метафизик тафаккур усули ҳукмронлик қилган даврда билишнинг шакл ва усуллари бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда олиб қаралган. Билишнинг эмпирик ва назарий томонлари, улар орасидаги муносабат масаласи ҳам бир томонлама ҳал қилинган. Фалсафа услуги

асосида табиат, жамият тафаккур ходисаларининг энг умумий қонуниятлари очилади. Илмий билиш жараёнида турли хил услуб ва услулларни қўллаш асосида билим вужудга келади ва ривожланади. Бу масала гноселогик характердаги масала бўлиб, амалий ва пазарий фаолиятнинг мураккаб диалектик муносабатларини ўз ичига олади. Ҳаётдаги билишнинг аниқ шакл ва усулларидан фойдаланиш орқали илмий билим ривожланади.

Бизни ўраб турган дунёнинг ходиса ва предметлари кўп қиррали, кўп сифатлилик хусусиятига эга. Уларни бир вақтда тушуниш, билиш мумкин эмас. Шунинг учун билиш методологияси билишнинг умумий услуби ва тафаккур усулининг ривожланиш қонунларини асослаб берди. Бу умумий метод асосида ҳар бир аниқ фан ўзининг усул ва усулларини ишлаб чиқади. Аниқ фанлар усули хусусий усул ҳисобланади.

Фалсафа усули энг умумий услуб ёки илмий билиш методологиясидир.

Билиш жараёни субъект–инсон билан боғлиқ жараён. Инсонсиз билиш жараёни бўлиши мумкин эмас. Субъектнинг илмий билиш жараёнидаги фаолияти қуйидаги схемага асосланади: масаланинг кўйилиши, ҳал қилиниши, натижанинг тўғри ёки нотўғрилигини текшириш, янги масаланинг кўйилиши ёки эски масала қайтадан текширилиши кабилардир. Бу жараён спиралсимон тараққиёт йўли билан давом этади. Билиш жараёни спирални ташкил этувчи халқалар йиғиндиси билан боғлиқдир. Ҳар бир халқа маълум масаланинг тўғри кўйилиши, ҳал қилиниши билан аниқ ва ноаниқ билимлар тўплами ёки тизимини ифодалайди. Бу тизимлар муаммоси масалаларнинг кўйилиши ва ҳал этганлигини ифодалайди. Ҳар бир муаммо ёки масалалар тарихий аниқ билиш жараёнида вужудга келади, ривожланади. Шунинг учун ҳар бир фаннинг ўз предмети ва тадқиқот усули мавжуд. Ҳар бир фан ўзи ўрганаётган объектга нисбатан амалий ва назарий тадқиқот усули орқали ёндошади. Лекин, баъзи бир фанлар бир–бирига яқин бўлгани учун уларнинг тушунча ва қонунлари ҳам бир–бирига яқиндир. Шу жиҳатдан уларнинг изланиш усуллари ҳам ўзаро яқин. Аниқ усуллар асосида уларнинг билим тизими чуқурлашиб борса, умумий усул орқали билиш доираси кенгайиб боради. Масалан, физика, химия биология сингари фанлар ўзларининг махсус усуллари орқали изланиши билан билим чуқурлашса, изланишнинг умумий услуби (масалан, модда тузилишига кўра, энергиянинг сакланиш ва бир турдан иккинчи турга айланиш назариясига кўра) орқали билим кенгайди. Фан тарихида вужудга келган, табиат, ижтимоий ва техник фанлар тизими ва ҳар бир тизимни ташкил этувчи аниқ предметлар тизими вужудга келган экан, уларнинг ҳар бири аниқ тадқиқот усулига эга. Уларнинг тадқиқот усулларида эса умумий ўхшаш томонлар бўлиши мумкин. Билишнинг барча фан учун умумий тадқиқот усули қуйидагича изоҳланади. Илмий билишнинг фан учун умумий услуби: анализ ва синтез, индукция ва дедукция, аналогия мантиқийлик ва тарихийлик абстрактдан аниқликка ёки аксинча.

Илмий билишнинг бу услублари фан тараққиётида гарчи умумий ҳисобланса ҳам, энг умумий фалсафий диалектик услубга нисбатан хусусий бўлиши мумкин. Лекин бу услублар (хусусий ҳолда) фалсафий ёки умумий усул билан боғлангандир. Хусусийлик билан умумийликнинг боғланиши қонуний жараёндир. Биз уни диалектиканинг категориялари мавзусини ўтганда таҳлил қилган эдик.

Ҳар қандай масалани ҳал қилиниши мантиқда универсал, илмий тафаккур услуби мавҳумликдан аниқликка қараб бориш услубидир.

Бу услуб диалектиканинг энг асосий тамойилига айлангандир. Ҳар бир услуб аниқ илмий билиш жараёнида бир—бири билан боғлиқ ёки бир—бирига зид бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир услубнинг вазифаси билимнинг ҳақиқий аниқ билим эканлигини исботлашидир. Шу усул орқали билим янада чуқур ва кенг мазмун асосида бойиб боради. Масалан, классик физиканинг ривожланиши натижасида нисбийлик назарияси, Квант механикаси, элементар зарралар физикаси келиб чиқди. Микрофизика қонуनларини ўрганиш ва таҳлил қилиниши натижасида уни классик физикага татбиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

Шундай қилиб биз хусусийлик ва умумийлик диалектикасига асосланган ҳолда фалсафий усул билан хусусий фан усулларининг ўзаро муносабатини кўриб чиқдик. Фалсафий услуб реал оламни илмий билишнинг энг умумий услуби бўлиб, у барча фанлар учун методологиядир. Фалсафий услуб хусусий фанлар, эришган ютуқлардан фойдаланиб, уларнинг услублари билан биргаликда ривожланади. Улар бир—бирини тўлдиради ва бойитади. Хусусий, умумий ва энг умумий услублар тадқиқотнинг яхлит системасини ташкил этади. Услуб билим ҳаракати, янги билимга бориш усулидир.

**Инсон билишининг асосий босқичлари.**

Билимнинг асосий, ҳақиқий, аниқ мазмунини ифодалашда бир—биридан фарқ қилувчи, сифат жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга бўлган даражаларига эътибор бериш керак.

Улар эмпирик ва назарий билим даражаларидир.

Билимнинг эмпирик даражаси асосан тажриба билан боғланган. Кузатиш ва экспериментлардан асбоб орқали олинган маълумотлар эмпирик билим асоси бўлиб, у, шу асосда вужудга келади ва ривожланади. Экспериментлар физика, биология, физиология, психология, социологияда ҳам кенг қўлланилмоқда. Назарий билим эмпирик даражадан фарқ қилади, у назарий тафаккур орқали вужудга келади. Лекин шунини айтиш керакки, бу икки билим даражаси ўзаро боғланган назарий билим эмпирик билимларни умумлаштириш асосида вужудга келади. Аммо ҳамма вақт назария бевоқиф тажрибадан келиб чиқмай, балки бошланғич асос сифатида фойдаланиш билан мавжуд тушунча ва назариялар асосида келиб чиқиши мумкин. Масалан, нисбийлик назарияси Лобачевский ва Риман геометриясининг синтези сифатида келиб чиққан. Бу айрим назарий билимларга нисбатан мисол бўлиши мумкин. Лекин умуман назарий



билимларни оладиган бўлсак, албатта у эмпирик билим даражаси билан бевосита ёки билвосита боғлиқдир.

Назарий билимлар тажриба маълумотига нисбатан ўзиб кетиши мумкин. Масалан, назарий физикада антизарралар ҳақидаги фикр тажриба йўли билан эмас, балки назарий ҳисоблашлар орқали топилган. Баъзан кутилмаганда тажриба назарияни исботлаши ёки исботламаслиги мумкин. Бу ҳолда тажриба янги назария учун манба бўлиб қолади. Тажрибанинг қиммати ҳам мана шундадир – деган эди академик С. И. Вавилов.

Демак, назариялар асосида эмпирик билим умумлаштирилади, тизимлаштирилади, натижада янги назариялар келиб чиқади ёки эскиси тўлдирилади. Бу ерда бир нарсани унутмаслик даркор: эмпирик ва назарий билим даражаси ҳақида фикр юритар эканмиз, ҳиссий (конкрет) ва мантикий (абстракт) билим ҳақида гапиришда уларни бир-бирига аралаштирмаслик керак. Эмпирик билим даражаси ҳам назарий билим даражаси ҳам аниқ ва абстракция методи воситаси билан воқеликни билишга олиб келишини эътироф этиш зарур. Эмпирик билиш даражаси воқеликни яхлит ички, чуқур алоқаларини билиб олишга эмас, аксинча, ташқи муносабат ва алоқаларни билишга олиб келади. Эмпирик билим объектнинг яхлит ички ва ташқи моҳиятини, назарий билим даражаси боғланишини акс эттиришга интилади. Инсон ҳеч қачон воқеликни, тўла камраб олишга эриша олмайди. Уни ҳар томонлама билиб олишга интилади. Эмпирик билиш даражасининг усуллари шундай қилиб қуйдагича бўлади: приборлар, асбоблар ёрдамида кузатиш, эксперимент ўтказиш, таққослаш, моделлаштириш, формаллаштириш, математик ҳисоблаш, системали, структурали ёндошиш.

Назарий даражанинг усули тарихий ва мантикийликдир. Тарихийлик усул воқеликни аниқ шаклларда бутун борлиғи билан ёритишнинг заруратидир. Мантикийлик эса объектнинг энг муҳим алоқаларини абстракция системасида қайта ҳосил қилиш орқали унинг моҳиятини очиб беришдир. Бу усул предметнинг структурасини, унинг тарихини ўрганиш орқали тушуниш имконини беради. Мантикийлик тарихийлик билан диалектик боғлангандир.

Демак, билимнинг назарий даражасининг усули тарихийлик, мантикийлик мавҳумлигидан аниқликка тизимли, структурали ёндошишдир. Ҳар икки даражанинг умумий усули: анализ ва синтез, индукция ва дедукция, аналогия ва математикалаштириш. Бу усуллар ҳар икки билим даражаларининг вужудга келиши ва ривожланишини ифодалайди. Бу усуллар эмпирик ёки назарий билимларни ривожлантиришнинг муайян типидир. Мазкур усуллар ёрдами билан янги билим ҳосил қилинади ёки мавжуд билим янги мазмун билан бойитилади.

Билишда эмпирик ва назарий даражалар илмий тадқиқотнинг турли усули ҳисобланади. Билишнинг ҳиссий хусусияти сезги, идрок ва тасаввур шаклларида иборат инъикос шакли бўлса, эмпирик даражаси эксперимент ўтказиш асосида янги далилларни тизимлаштириш билан боғлиқ бўлган билишнинг фаолияти ҳисобланади. Бу даража назария билан боғлиқдир.

Билимларимизнинг ҳақиқий эканлигини исботлашнинг бирдан бир ўлчови кишиларнинг моддий ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган амалий фаолиятдир. Илмий билишнинг келиб чиқиши ва ривожланиши билан илмий тадқиқотнинг янги усуллари, тафаккур услуби ва унга хос тил вужудга келади. Билиш жараёни зиддиятли жараёндир. Ҳамма вақт эскириб бораётган билим янгисини келтириб чиқаради, деган эдик. Бу икки томон орасидаги зиддиятли мусбатнинг ҳал қилиниши билан янги қонунлар, назариялар тушунча ва тамойиллар, яъни янги билим тизими келиб чиқади. Демак, билимларимиз тизими аниқ тарихий бўлиши билан бирга маълум чегарага ҳам эга. Бу тамойил яъни тарихийлик, маълум аниқ тарихий даврда субъект томонидан объектнинг қандай даражада акс этганлигини ифодалайди. Билим даражаларининг эмпирик ва назарий даражаси ўзаро боғлиқ. Назарий тизимлар кузатиш, эксперимент натижасида вужудга келган билимларни умумлаштириш асосида вужудга келади. Бу, албатта, ҳамма назарий билим тизими бевосита эмпирик билиш натижаси, деган маънони билдирмайди. Эмпирик билим мавжуд назарий билимлар асосида вужудга келиши мумкин. Нисбийлик назарияси ўзининг келиб чиқиш жиҳатидан ҳеч бир физик ёки астрономик натижасидан эмас, балки нисбийлик назарияси, Лобачевский ва Риман геометриясининг синтези сифатида вужудга келган. Назарий билим эмпирик билим билан бевосита ёки билвосита боғлиқдир.

Баъзида назарий билим эмпирик билимдан ўзиб кетиши мумкин. Масалан, назарий физика антизаррадан экспериментал йўл билан топиллишидан илгари уларнинг мавжудлигини келтириб чиқарган. Баъзида, деган эди физик олим С. И. Вавилов, тажриба муайян билим тизимларини тўғри ёки хатолигини текшириш учун ҳам ўтказилади. Баъзида мана шундай тажриба янги назариянинг келиб чиқишига қутилмаганда сабаб бўлади. Масалан, радиоактивлик ҳақидаги таълимот шу тариқа юзага келган. Демак, билимларнинг ривожланиши маълум даражада асослаб берилган назарияларга боғлиқ экан. Ҳозирги замон адабиётшунослик ва жамиятшуносликнинг кўп соҳаларида эмпирик материал тўпланган, улар фундаментал назарияларга эҳтиёж сезмоқда. Фан–техника тараққиётининг муҳим йўналишларида ривожланишни жадаллаштирмоқ барча илгор соҳаларни тез ва кенг қўламда ўзлаштирмоқ, ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатидан ўзгартирмоқ демакдир.

Ҳозирги вақтда давлатимиз фан–техника тараққиёти асосида ижтимоий иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришнинг тарихий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб бераётир. Бу масалани ҳал қилишда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди. Масалан, республикамиз чинни заводи учун керамика ташиб келинарди. Буни энди ўз фанимиз ривожини асосида ишлаб чиқариш вақти келди.

Фан ва техникани жадал суръатлар билан ривожлантиришда мазкур билимларни умумлаштириш, тизимлаштириш талаб этилади. Бу эса янги билимлар учун йўл очади. Фан тараққиётида, илмий тадқиқотларни ташкил этишда параллелизмга йўл қўйиш мумкин эмас. Илмий тадқиқот

муаммолари, уларнинг ечимлари фан таракқиёти учун самарали бўлиши керак. Давлатимизнинг фан соҳасидаги сиёсати билимнинг барча тармоқларининг жадал равнақ топтириш учун қулай шарт–шароитлар яратишга, ходимларни, моддий ва маънавий ресурсларни мўлжалланилаётган иқтисодий ва ижтимоий мақсадларга эришиш, жамиятнинг маънавий ривожланишини жадаллаштириш, мамлакатнинг ишончли мудофаа қудратини таъминлаш лозим бўлган энг истиқболли натижаларни жамлашга қаратилгандир.

Билиш жараёнида олимнинг ижодий фаолияти қандай қонунларга амал қилишни, яъни унинг ҳаракати маълум қонун шаклга эгами ёки йўқми, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш учун илмий билишнинг аниқ усуллари билан бирга шакллари ҳам бор эканлигини кўриб чиқамиз. Илмий билишнинг шакллари: илмий муаммо, далил, назария, гипотеза, қонун, ғоядир.

Билишнинг бу шакллари бир–бири билан диалектик муносабатда бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради. Бир билим системасидан иккинчи системанинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Билишнинг ривожланиши жараёнида бу шаклларнинг ҳар бири ўз моҳиятига кўра маълум вазифани бажаради. Биз уларнинг алоҳида–алоҳида олиб ўрганиш билан уларнинг билишдаги ўрни, моҳияти ва вазифасини тўла тушунишимиз мумкин.

**Илмий билишнинг  
моҳияти ва усуллари.  
Ижтимоий билиш.**

Инсон ўз ақл ва идроки билан амалий фаолияти жараёнида воқелик ходисалари ва уларнинг моҳиятини билишга интилади. Билиш жараёнида инсоннинг ижодий фаолияти маълум қонуниятга бўйсунадими ёки йўқми деган савол қўйилади. Бу саволга жавоб бериш билишнинг шакли орқали амалга ошади. Шакллардан бири бўлган далиллар кишиларнинг билимидаги амалий фаолиятининг натижаси, воқеликни, билишнинг асосий босқичидир. Назария учун билиб олинган назария билан янги далил орасида келиб чиққан зиддиятдан бошқа қизиқарлироқ нарса бўлиши мумкин эмас. Демак, изланувчи учун муҳим нарса, далил билан эски назарий билим орасидаги зиддиятли боғланишни аниқлашдан иборат. Бу зиддиятли муносабат эса изланувчи олдига янги ҳал қилиниши керак бўлган вазифани қўяди. Бу зиддиятли вазифа янги масалани, яъни муаммо(илмий муаммо)нинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу муаммо амалий ёки назарий муаммо бўлиши мумкин. Инсон, объектив борлиқнинг асосий томонларини, кўринишларини билиш жараёнида ўз билими билан янги далиллар билан бойитади, чуқурлаштиради. Билимнинг чуқурлашиши жараёнида йиғилган аниқ далиллар бир–бири билан таққосланади ва мантиқан изчил системага солинади. Бундай тизимлар билимнинг бирор соҳасига (физика, кимё, геология, медицина), жамиятга ёки умуман борлиққа тегишли бўлиши мумкин. Демак, назариялар конкрет фан, ижтимоий фан назарияларига

ажратилади. Ҳар бир назария тарихий тараққиёт жараёнининг муайян даврида мавжуд бўлган билимларни ўз доирасида системалаштиради. Лекин инсониятнинг билим доираси кенгайиб чуқурлашиб борган сари эски назариялар янги кашф этилган қонунлар, топилган янги далилларнинг хусусиятларини тушунтириб бера олмайди ва назарияга ўз ўрнини бўшатади. Демак, эски назария диалектик тарзда янгисига ўрин бўшатади.

Баъзилар назарияни қотиб қолган, ўзгармас, абадий дея даъво қиладилар. Бу билимнинг диалектик тараққиётига зид қарашдир. Назария азалдан мавжуд, борлиқ эса шу азалий назарияларнинг намоён бўлишидир, деб даъво қиладилар.

Биз назария ҳақида гапирар эканмиз, гипотеза ҳақида ҳам тушунча берамиз. Чунки назариянинг бошланғич шакли гипотеза. Амалиётда, амалий текшириш жараёнида гипотезанинг тўғри ҳақиқат эканлиги исботланса, янги назария юзага келиши мумкин. Ҳали илмий асосда тасдиқланмаган фараз гипотезадир. Фараз оддий кузатиш йўли билан исбот қилинмайди. Гипотеза ҳодисаларни изохлаб берганлиги учун тўғри деб, ҳисобланади. Лекин у илмий характердаги назариядан фарқланади. Гипотеза узоқ изланиш, тажриба, эксперимент ўтказиш натижасида юзага келади. Фанда гипотезанинг роли катта. У объектив қонунларни топишга қаратилган, фикрга маълум йўналиш беради. Ҳар қандай илмий назария аввало гипотеза шаклида вужудга келиб, сўнг бир неча бор исботланиши жараёнида назарияга айланиши мумкин. А. И. Опариннинг ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги гипотезасини ҳозирги фан тараққиёти асосламоқда. Гипотеза-илмий туртки вазифасини бажаради, десак ҳам бўлади. Илмий тадқиқот жараёнида янги гипотезалар вужудга келади ва ҳақиқатни аниқлаш, илмий тадқиқотни янада кенгайтириш учун катта имконият очиб беради. Масалан, ҳозир қуёш тизимидаги сайёраларда ҳаётнинг мавжудлиги каби гипотезалар борки, улар исботланиб илмий назарияга айланиши мумкин. Назария ўз ўрнида янги илмий тадқиқотларга йўл кўрсатади, уларнинг йўналишини аниқлашга ёрдам беради. Бу тадқиқотлар эса ўз навбатида янги назария ва қонуниятларнинг шаклланишига олиб келади.

Демак, билишнинг ривожланишида шаклларининг аҳамияти каттадир. Илмий билишда шаклларнинг методологик аҳамиятини кўпгина файласуфлар асарларида кўрсатиб, уларнинг билиш ривожланишидаги ўрни, ўзаро алоқадорлиги диалектик муносабатини илмий асослаб берганлар.

Илмий билишнинг яна бир шакли қонундир. Қонун—нарса ва ҳодисалар ўртасидаги зарурий, муҳим, барқарор такрорланувчи муносабатларини ифодаловчи диалектиканинг категориясидир. Биз қонун ҳақидаги маълумотни диалектиканинг асосий категориялари мавзусини таҳлил қилганда тўла кўриб чиққан эдик. Бу жойда қонунни илмий билишнинг шакли сифатида кўрамиз. Илмий билиш жараёнида қонун—объектив характерга эга бўлган нарсаларнинг реал муносабатларини, шунингдек уларнинг реал инъикосини ифодалашни, табиат, жамият ва

тафаккурдаги содир бўладиган жараёнларни билиш мумкинлигини ва билишнинг ривожланишидаги унинг йўналишига озми-кўпми таъсир этиш мумкинлигини кўриб чиқамиз.

Қонун умуман нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини ифодалайди. Уларнинг очилиши ва татбиқ этилиши маълум даражада фаннинг, ижтимоий тараққиётнинг илгарилаб боришига таъсир этади. Келажакни башорат қилишга ёрдам беради. Қонунларнинг тўғрилигини амалиёт исбот қилади. Ҳар бир ижтимоий ҳаёт соҳасида маълум қонунлар очилади. Эски қонунлар янги қонунларга ўрин бўшатади. Моддий олам чексиз, ундаги ҳодисалар, нарсалар, улар ўртасидаги боғланишлар мураккабдир. Мана шу мураккаб кўп қиррали боғланишларни билиш орқали янги-янги қонунлар очилади. Масалан, ҳозирги физиканинг тараққиёти микродунё қонунларини билишга олиб келади. Назария сингари қонун ҳам қотиб қолган эмас. Шунингдек қонун ҳам назария сингари билимнинг нисбатан тугалланган тизимидир. Бу тизим тараққиёт жараёнида ўзгариб туради. Янги далиллар, назарий билимлар билан бирга уларни ифодаловчи қонунлар ҳам келиб чиқиши керак. Янги қонунлар эски қонунлар заминида, зиддиятли вазиятда вужудга келади.

Юқорида кўрсатилганидек, билим инсоннинг тарихий амалий фаолияти асосида пайдо бўлади, ривожланади ва унга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам билиш билимнинг муайян шакллари асосида рўёбга чиқади ва тизимлаштирилади. Билим тўлиқ, объектив, аниқ юқори даражага эришгани билан, янги ғояни, идеяни келтириб чиқаради. Демак, янги билимнинг келиб чиқишида ғоянинг роли катта. Ғояни кишилар моддий восита билан эмас, инсоннинг маънавий кучлари ёрдами билан рўёбга чиқарадилар. Инсон ўз фаолияти билан дунёни ўзгартиришга азм қилади.

Инсоннинг азми қарори тафаккур берадиган билимга асоланади. Ғоянинг амалга ошишида эса ишонч катта аҳамият касб этади. Ғоялар инсон дунёсини бойитмоқ учун ўзи моддийлашмоғи керак. Бунинг икки томони бор: 1) ижтимоий томони; 2) гносеологик (билиш) томонидир. Ғоя воқеликда мужассамлашган унинг ҳақиқатлиги аниқланади. Ғоянинг предметлашуви тадқиқотнинг бир даврасини якунлаб, иккинчисини келтириб чиқаради.

Илмий билишни қисқача кўриб чиқилган шакллари - диалектик тафаккур тараққиётининг фалсафий асосда тушунишликни талаб қилади. Илмий билишнинг метод ва шакллари воқеликнинг инсон онгидаги инъикоси жараёни билан бевосита боғлиқ ҳолда қарашнинг зарурлигини тақозо қилади. Бу жараён диалектик жараён бўлиб, фалсафанинг қонунлари асосида ҳал қилинади. Илмий билишнинг усул ва шакллари ҳам диалектик муносабатда бўлиб, уни илмий асосда тушуна билишни талаб қилади.

Маълумки, илмий билиш шаклларини ўрганиш билан логика (мантик) шуғулланади. Фалсафа объектив олам тараққиётининг энг умумий қонунлари аҳамиятини, моҳиятини очиб бериб, ҳақиқат

тўғрисидаги фанга айланади. Фалсафа билиш назариясининг методологияси бўлиши билан диалектик логика сифатида майдонга чиқади. Диалектик логика тафаккур шакллариининг тузилишинингина олиб қарамайди, балки уларнинг алоқадорлиги муносабати, ҳаракатида олиб қарайди.

Ҳозирги илмий техник жараён даврида жамиятнинг ижтимоий тараққиёти жадаллашиб бораётган бир вақтда, фан ривожини айниқса зарурдир.

Мутафаккирларнинг ижтимоий жараёнлар қонуниятлари ҳақидаги қимматлироқ фикрларни италиялик олим Вико ва немис файласуфи Гегель айтганлар. Виконинг айтишича, жамият тарихи табиат тарихидан шу билан фарқ қиладики, биринчиси биз томонимиздан, иккинчиси эса бизнинг иштирокимизсиз яратилган. У ижтимоий ҳодисаларни билишнинг принципаал имкониятларини асослаб беришга ҳаракат қилган эди.

Вико тарихда одамийликнинг ўзида зарурий ўзаро келишувлари билан белгиланадиган фуқаролик дунёсини кенг умумий ва доимий тартибини кўради. Бироқ, тарихни, оқилона олға боришни эълон қилган ҳолда, Вико инсоният тарихини доимий бир хил бўлган механик қайтарилишдан иборат қилиб қўяди. Жамият алоҳида одамдек уч босқични: болалик, ёшлик ва етуқликни босиб ўтади. “Болалик” даврига худолар асри (давлатнинг бўлмаслиги, кохинлар кастасининг абсолют ҳокимлиги), етуқлик даврига эса “одам асри” (демократия республика ёки демократик озодликларга эга бўлган ваколатли монархия) тўғри келади. Жамият ривожланиши мана шу уч босқични босиб ўтиб, бошланғич нуқтаси қайтиб келади ва ўз тадрижотини ўша айлана бўйлаб давом эттиришга мажбурдир.

Гегельнинг қарашларига мувофиқ, тарихда илохий, абсолют, ҳар бир халқ, ҳар бир индивидни пировард мақсадга эришишига мажбурловчи, ҳар бир давр учун қайтарилмас ўзига хосликни таъминлаб турувчи, шу билан бирга уни инсониятнинг умумий тараққиётида зарурий босқичга айланттирувчи илохий, абсолют ақл ҳукмронлик қилади. Гегель жамият тараққиётини ҳаракатланттирувчи кучларини тарихни ўзидан кидирмаган эди. Аксинча, бу кучларни тарих соҳасига-четдан, фалсафий мафкурадан келтириб чиқарган эди.

Вико ҳам, Гегель ҳам ижтимоий билишнинг илмий асосларини ишлаб чиққанлар. Улар ижтимоий тараққиёт қонуниятларини тушуниришда идеалистик позицияда туриб таҳлил қилдилар.

Марксистик таълимот ҳам ижтимоий ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини очиб берувчи ижтимоий билишнинг илмий назариясини яратишга ёрдам берди. Уларнинг фикрича, моддий ҳаёт, ишлаб чиқариш усули, умуман ҳаётнинг ижтимоий, сиёсий ва руҳий жараёнларига сабабчи бўлади. Пайдо бўлган барча ижтимоий муносабатларни ва давлат муносабатларини, барча диний ва ҳуқуқий тизимларни, барча назарий қарашларни ҳар бир тегишли даврдаги ҳаётнинг моддий шароитидан келтириб чиқарган вақтидагина тушуниш мумкин.

Марксизм таълимотида у ёки бу жамият нима ишлаб чиқаргани эмас, балки қай усулда ишлаб чиқариши билан, унинг асосида қандай ишлаб чиқариш усули ётгани билан тавсифланади. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши алмашинуви табиий тарихий тавсифга эгадир. Яъни ўз ички қонуниятларига асосан амалга ошириб, уни ўзгариши эса ижтимоий билишнинг асосий масаласини ташкил қилади.

Ижтимоий билишнинг объекти жамият, унинг предмети эса инсон ҳамда унинг фаолияти ва маданияти ҳисобланади. Инсоният жамияти табиат қонунларидан фарқ қиладиган ўзига хос алоҳида қонунлар асосида ривожланади. Инсон ҳаёти, ҳайвон ҳаётидан фарқлиниб, ижтимоий қонуниятлар томонидан бошқарилади, уларнинг ўзига хос белгилари эса биринчи навбатда меҳнат фаолияти, уларнинг моддий ҳаётларини ишлаб чиқариши ва қайта ишлаб чиқариши билан боғлиқ.

Жамият тарихи инсоннинг ўз мақсадига эришишидаги фаолиятдан бошқа нарса эмас. Жамият тарихи онгли мавжудотлар, инсонларнинг ўзаро таъсирлари маҳсулидир.

Кишилар тарихий драманинг актёрлари бўлиб қолмасдан муаллифлари ҳамдир. Улар истеъмол воситалари сифатида табиат берган тайёр нарсалардангина фойдаланмасдан, ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун зарурий воситаларни меҳнат қуроллари ёрдамида ишлаб чиқарадилар. Меҳнат фаолияти асосида ва жараёнида инсон тафаккури ва тили, маънавий дунёси, унинг маданияти келиб чиқади ва ривожланади.

Моддий бойликлар ишлаб чиқариш субъект ва объектнинг ўзаро таъсиридан иборат бўлиб, бу таъсир натижасида субъект ҳам, объект ҳам ўзгаради. Субъект ва объектнинг ўзаро таъсири жараёнида уларнинг бири-бирига ўтиши содир бўлади, субъект объективлашади, объект субъективлашади. Объективлаштириш жараёнида субъектдан маълум миқдорда субъектив энергиянинг ажралиши содир бўлиб, индивиднинг ўз индивидуаллигини маълум бўлакнинг ажралиши ва уни маҳсулотда ўтириб қолиши юз беради. Демак, инсон меҳнат жараёнида субъектнинг маълум қисмини объектив мавжуд предметга айлантиради.

Объектнинг субъективлашиши ишлаб чиқариш жараёнида объект субъект хусусиятларига эга бўла боришида намоён бўлади. Инсон ўз орзу ниятига мувофиқ нарса шаклини ўзгартиради. Унга ўз эҳтиёжларига мувофиқ келадиган хусусиятлар бағишлайди. Буларнинг ҳаммаси жамиятнинг органик бирлигини ташкил қилган субъект ва объектдан иборат эканлигидан далолат беради.

Табиатдан фарқ қилувчи жамият, фақат билиш объекти бўлмасдан, балки, унинг субъекти ҳамдир. Инсон ўзини ўраб турган дунёдан, чунончи, ҳайвонот оламидан ажралиб чиқиб субъектга воқеликни ўзгартириш йўлига ўтиши билан ҳам боғлиқ. Меҳнатдагина “инсоннинг шаклланиши” вужудга келади.

Ижтимоий билиш, ижтимоий тараққиёт қонуниятлари амал қилишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган қийинчиликлар

билан боғлиқдир. Ижтимоий билишда жамиятни (ҳодисаларни) таҳлил қилганда, микроскопдан ҳам, кимёвий таҳлилдан ҳам фойдаланиб бўлмайди, унисини ҳам, бунисини ҳам инсон абстракцияси эгаллайди.

Ҳақиқатан ҳам ижтимоий муносабатлар бекиёс турли туманлиги билан тавсифланади. Унинг барча гармонияларини билиб олишга доимо интилувчи инсон бунинг уддасидан тўла чиқа олмайди. Инсониятнинг энг олий вазифаси хўжалик эволюциясининг мана шу объектив мантиғини умумий ва асосий белгиларида қамраб олиши ва имконияти борича аниқ, ёрқин танқидий, ўз ижтимоий онглари билан мамлакатлардаги илғор онгга мослаштираётган керак. Ижтимоий жараёнларни билишдаги қийинчиликлар жамият қонуниятлари фаолиятдан келиб чиқади.

Биринчидан, табиат қонунлари оламидаги предмет ва ҳодисаларни ожиз, стихияли кучларнинг ўзаро таъсири шаклида намоён бўлса, ижтимоий тараққиёт қонунлари эса онгга эга бўлган кишиларнинг фаолияти орқали намоён бўлади.

Иккинчидан, узоқ амал қилувчи табиат қонунларидан фарқ қилувчи жамият қонунлари ичида қисқароқ вақт амал қилиш хусусиятига эга бўлганлари ҳам мавжуд. Ижтимоий жараёнларнинг характерли хусусиятларидан яна бири-уларнинг биологик популяциялар ва барча органик дунё ҳодисаларига қараганда юқори тезликда ривожланишидир. Табиатда шароит ўзгариши билан янги қонунлар келиб чиқиши одатда узоқ давр мобайнида, миллион ёки миллиард йилларда амалга ошади. Ижтимоий ҳаётда эса аҳвол бошқача бўлиб бу шароитлар нисбатан тез ўзгаради.

Кишилиқ жамиятининг кўпгина қонунлари табиат қонунларидан фаркли ўлароқ маълум тарихий даврдагина амал қилади, кейин улар ўз ўрнини бошқа янги қонунларга бўшатиб берадилар. Бу ҳол инсонлар уларни бекор қилганликлари учун эмас, балки бу қонунлар амал қилувчи шароит ўзгарганлиги учун амалга ошади.

Учинчидан, табиатда янги қонуннинг кашф қилиниши ва қўлланиши анча текис амалга ошади ва бевосита ижтимоий ларзаларга олиб келмайди. Табиат қонунларининг кашф қилиниши ва фойдаланиши ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва техника такомиллашуви эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шунинг учун турли эътиқодли кишилар табиат қонунларини очишлари ва ўз мақсадлари йўлида фойдаланишлари мумкин.

Аксинча, ижтимоий тараққиёт қонунлари кишиларнинг, жамиятдаги гуруҳлар муносабатларини қамраб олиб тўғридан-тўғри, бевосита маълум гуруҳлари манфаатларига таъсир қилмасдан қола олмайди. Гуруҳлар буни англаш ёки англамаслигидан қатъий-назар, улар ижтимоий тараққиёт қонунлари талабини бажарадилар-бунда уларнинг фаолияти тарихий қонуниятга мос келади ва улар ўз мақсадларига эриша оладилар—ёки бу талабларни бажармайдилар, бунда тараққиёт жараёнида тўқнашувлар ва ижтимоий ларзалар юз беради.

Ижтимоий билишнинг субъекти – бу ўзининг аниқ мақсад, манфаат ва эҳтиёжларини кўзловчи маълум ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлган



аниқ шахсдир. Субъект ижтимоий ҳаётга қандай муносабатда бўлиш характериға муҳим таъсир кўрсатади.

Маълумки, ижтимоий билиш инсонни оламга амалий-фаоллик муносабати асосида амалга ошади. Бунда кишиларнинг амалий ҳулки уларнинг ижтимоий мазмуни кишилар фаолияти амалга ошадиган маълум ижтимоий соҳалар таъсири остида тўпланган бўлади. Бу ҳол ижтимоий билишда объектив ҳақиқат масаласини, шунингдек турли гуруҳ вакиллари томонидан ижтимоий жараёнларни баҳолашдаги ўлчов (мезон) муаммоси долзарб эканлигини кўрсатади.

Ижтимоий тараққиётнинг маълум босқичида ижтимоий ҳаётни объектив билишдан манфаатдор бўлган илғор фикрловчилар вужудга келиши билан жамият ҳақида объект, субъектга тўла боғлиқ бўлмаган билим олишдан манфаатдор бўлган ҳақиқий фан пайдо бўлади.

Фалсафада ҳодисалар таҳлиliga аниқ тарихий нуқтаи назардан ёндошиш талаб қилинади. Фалсафа инсонни “умуман” мавҳум (абстракт) одамнинг эҳтиёжи ва манфаатлари сифатида қараш амалиётини бутунлай тугатади. Бутун инсоният номидан сўзлаш албатта янглишувларга олиб келади. Чунки, бунда инсоннинг оламга ва бошқа кишиларга аниқ муносабатлари, уларнинг жамият ривожланиши билан ўзгарадиган шакллари ҳисобга олинмайди.

Фалсафа ижтимоий онг шакли сифатида ўзининг у ёки бу воқеаларга баҳо бериш орқали намоён қилади, лекин бу ерда ушбу баҳо ўз аниқ номига эга бўлиб, унинг характери муайян ижтимоий иқтисодий муносабатларга боғлиқдир. Яъни айнан бир хил ижтимоий воқелик ҳодисаларига бўлган реал муносабатлар билимдаги фарқ билан боғлиқ бўлмай, балки ижтимоий шароитлар ва шахсий манфаатдаги фарққа ҳам боғлиқ.

Фалсафа тарихий воқеликни объектив таҳлил қилиш тамойилига таянган ҳолда, ижтимоий тараққиёт қонунлари табиат қонунлари каби объектив характерга эга эканлигини исботлаб беради. Бу қонунлар кишиларнинг иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, маълум шароитда кишилар бу қонунларни билишлари ва улардан фойдаланишлари мумкин, лекин улар бу қонунларни бекор ёки йўқ қила олмайдилар.

Шундай қилиб, жамиятда объектив қонунларни билиш ва улардан фойдаланиш ижтимоий сабабга эга бўлиб, у муросасиз кураш жараёнида амалга ошади.

Илмий олдиндан кўра билиш ҳар доим табиат ва жамиятнинг маълум қонунларини номаълум ёки ҳали юз бермаган ҳодисаларда ҳам кучини сақлаб қолишига ва уларни татбиқ этишга асосланади. Илмий олдиндан кўра билиш эҳтимоллик элементларига эга, бу ҳол айниқса келгусида пайдо бўлувчи аниқ ҳодисалар ва уларнинг юз бериш вақти масаласида яққол намоён бўлади.

Бундай ҳолат ривожланиш жараёнида илгари учрамаган, сифати жиҳатидан янги сабабий боғланишлар ва имкониятларнинг вужудга

келиши билан шартлангандир, жамиятта татбиқ этганда эса—унда онгли, индивидуал характер ва шу кабиларга эга бўлган кишиларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг мураккаблиги ва унинг натижасида кутилмаган вазиятларнинг пайдо бўлиб қолиши сабаби билан боғлангандир.

Прогнозлаш—илмий, олдиндан кўра билишнинг аниқ шакли бўлиб ҳисобланади. Прогнозлаш илмий олдиндан кўра билиш ижтимоий тараққиёт қонуनларини билишга, ижтимоий воқеаларнинг маълум даврга (10, 15 ва ундан кўп йилга) мўлжалланган ривожланиш тенденцияларини тушунишга асосланишдир.

Акс этиш назарияси нуқтаи назаридан ижтимоий прогнозлашни мавжудлик ва ривожланиш қонуниятларини билишга асосланиб қурилган бўлажак реал жараёнлар ва ҳодисаларнинг идеал модели деб қараса бўлади. Ижтимоий прогнозлаш ўз навбатида тегишли режаларда аниқлаштирилади. Режанинг прогноздан фарқи унинг, ҳаракат учун аниқ кўрсатмалигидадир. Футурология термини келажак ҳақидаги ҳозирги замон номарксистик концепцияларида кўпроқ қўлланилади. Футурология келажак ҳақида—таълимот сўзидан олинган бўлиб, келажак ҳақидаги таълимот демакдир. Биринчи марта “футурология” терминини 1943 йилда немис социологи О. Флехтхейм мафкура ва утопияга зид бўлган синфдан ташқари бўлган муайян “келажак фалсафаси”ни номлаш учун тавсия қилган.

Футурология ва герменевтика фарқли ўлароқ, фалсафа илмий олдиндан билиш ва прогнозлаш концепцияси кишиларга боғлиқ бўлмаган ижтимоий тараққиётнинг тенденция ва қонуниятларини аниқ ҳисобга олишга асосланади. Унинг илмийлиги ва объективлиги мана шунда намоён бўлади.

Объектив ижтимоий билиш герменевтикаси — изоҳлаш санъати назарияси-позициясидан ҳам амалга оширилиши мумкин (герменевтика-лотинча тушунтираман, изоҳлайман). Герменевтиканинг асосий нуқсони онгнинг бевосита гувоҳлигига ишонмасдан, мангикдан кўра тилда намоён бўладиган онгнинг “бошқа” гувоҳларга мурожаат қилишидан П. Рикер-Франция, Г. Кун, Э. Карето, Э. Хайнбель- Австрия иборат.

Бугун файласуф олимлар олдида маълум ҳаёт талабларига яқинлашиш, фалсафани амалиётга қаратиш вазифаси турибди. Бу борада Ўзбекистон файласуфлари ҳам кўп иш қилишлари керак. Республика жамиятшунос олимлари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўз маъсулиятларини тўла ҳис этиб, жадаллаштириш стратегиясининг назарий ва амалиёти муаммоларига, ижтимоий-маданий ва миллатлараро муносабатлар динамикасига, демократия ва ўз-ўзини бошқаришга эътибор беришлари, янги инсонни шакллантириш механикасини такомиллаштириш, порахўрлик, ўғрилик, олиб-сотарлик, бюрократизм ва бошқа илгарилаб боришимизга ҳалал берадиган ноахлоқий ҳодисалар сабабини ҳар томонлама ўрганиб хулосалар бериш керак.

Ҳозир ҳар доимгидан ҳам Ўзбекистон ва бошқа кўшни республикалар учун табиатни кўриқлаш, экология масалалари, чунончи, регионимиздаги ноёб бўлган сув ҳавзаси, оқиб чиқиб кетмайдиган денгиз-Орол ва унинг теварагини сақлаш масаласи долзарб аҳамиятга эгадир.

Шу сабабли файласуфлар ва бошқа фан намоёндалари Орол ва Орол олди муаммосини тез орада ечишнинг пухта тавсияномаларини тайёрлашга эътибор беришлари талаб этилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон учун, шунингдек, меҳнат ресурсларини ўрганиш, улардан рационал фойдаланиш, тез ўсаётган меҳнат аҳлини, илмий-техника ва ижтимоий ўстириш ва интенсификациялаш масалаларини ҳисобга олган ҳолда, иш жойлари билан таъминлаш ғоят долзарбдир.

Шунингдек, биз учун пахтачиликда кам чигитли пахта навлари тайёрлаш ва камчиқим технологияни ишлаб чиқариш ва яратиш билан боғлиқ, Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммоларни комплекс ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Замон байналминаллик, диний тарбия масалалари, бозор муносабатлари турмуш тарзи, оила-никоҳ масалаларини чуқур ўрганишни талаб қилмоқда. Уларни ўрганиб фалсафий ҳулосалар чиқариш ҳам олимларимиз фаолияти мақсадларидан биридир.

Хулоса қилиб айтиш керакки, ижтимоий билим умуман билиш жараёнининг бир қисми бўлиб, ўзининг специфик хусусиятларига эга, уларни билмасдан туриб жамиятда бўлаётган воқеалар ва жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳо бериш, уларнинг бўлажак ҳаракат тенденцияларини аниқлаш мумкин эмас.

**Ҳақиқат тушунчаси.  
Ҳақиқатнинг  
турлари.**

Билиш жараёнида ҳақиқат масаласига катта эътибор берилади. Билиш жараёнидаги билим объектив борлиққа мос келиш келмаслигини ҳақиқат тўғрисидаги таълимот ёритади.

Ҳақиқат, объектив борлиққа мос келадиган нарса ва ҳодисаларнинг мавжуд ҳолати, моҳияти, мазмунини, сифат ҳамда хусусиятларини тўғри ва аниқ акс эттирувчи, амалий фаолият орқали синалган билимлардир. Фалсафий диалектика эътиборни ҳақиқат турларига қаратади. Ҳақиқатнинг мутлоқ ва нисбий турлари мавжуд.

Бирор нарса ёки ҳодисанинг мавжудлигини эътироф этиш ва унинг инсон миёсида тўғри тўла ифодаланиши мутлоқ ҳақиқатдир. Нисбий ҳақиқат деб объектив оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида тўла бўлмаган билимлар йиғиндисига айтилади.

Объектив ёки мутлоқ ҳақиқат келажакда тўлдириши мумкин эмас. Масалан: «ер шар шаклидадир», «атом заррачаси кашф этилди» ёки «Иван вафот этди». Нисбий ҳақиқатлар эса келажакда тўлдирилиши мумкин бўлган ҳақиқатлардир. Масалан, «бозор муносабатларига ўтиш қонунлари

мавжуд». Мазкур жараён ҳақиқат. Аммо у ҳозирги давр учун ҳақиқатдир. Бозор муносабатларига ўтиш қонунлари мавжуд бўлса ҳам, бу қонунлар давр тақозоси билан мутлоқ бўлмаса-да нисбатан ўзгаради. Улар ўрнини янгиси олиши ёки янгиси кашф этилиши мумкин. Иккинчи мисол: «Марс планетасида ҳаёт бэр-йўқлиги ўрганилмоқда». Демак, планета ўрганилаётганлиги аниқ бўлсада, у тўғрисида мутлоқ билимга эга эмасмиз. Зеро, планетани ўрганиш давом этаётир. Билимлар тўлдирилаётир. Бу билимлар мавжуд билимлар тараққиётининг маълум бир босқичида мутлоқ ҳақиқатга айланади. Ҳозирча планетада ҳаёт борлиги ҳақида нисбий ҳақиқатга эришганмиз.

Объектив ҳақиқат инсон ва инсониятга боғлиқ бўлмаган мавжуд реалликнинг тўғри инъикосидан иборатдир. Мазкур инъикос этилувчи объектив реалликка мос келиши керак. Фалсафа фани инсон билимлари абадий эмас, улар доимий суръатда такомиллашиб боради деб ўргатади. Оддийликдан мураккабликка қараб ривожланади, билмасликдан билишликка, нисбий ҳақиқатдан мутлоқ ҳақиқатга қараб боради, деб таъкидлайди. Шу билан бирга илмий фалсафа инсон билмайдиган соҳа йўқ, унинг билиши чексиз бўлганлиги учун барча соҳани билади деб ўргатади. Инсон билими объектив оламга нисбатан нисбийдир, холос. Инсон эришган билими юқори босқичда бўлсада, ундан ҳам юксак янги босқичга қараб интилаверади. Ҳар бир нисбий ҳақиқатда мутлоқ ҳақиқатнинг бир элементи мавжуд бўлади. Сабаби барча предмет ва ҳодисаларда ривожланишнинг кейинги босқичи мужассам. Нисбий ҳақиқатда ҳам объектив олам тўғри акс этади. Инсон фаолиятида нисбий ҳақиқат такомиллашиб боради. Предмет ва ҳодисалар ривожидида миқдорий ва сифат ўзгаришлари намоён бўлганида нисбий ҳақиқат учун шароит яратилади. Шу маънода предмет ва ҳодисаларнинг ҳолати ҳақида инсон билишини аниқ ва аниқланиши, чуқурлаштирилиши тўлароқ бўла бориши нисбий ҳақиқатдир. Аммо ҳақиқатни қабул қилиш мутлоқ ҳақиқатни эътироф этмаслик дегани эмас, у ҳам нисбий. Мутлоқ ҳақиқатни билиш нисбий ҳақиқатсиз амалга ошмайди. Диалектик характерда бўлган бу жараёнлар бир-бирини тақозо этади. Оламни билиш учун бир инсон, бир-икки, юзлаб авлод умри ҳам камлик қилади. Чунки билиш чексиз, олам ўзи чексиз бўлганидек, инсон руҳиятини билишнинг ҳам поёни йўқ. Ҳар бир инсон, авлод оламадаги, табиат сирларини билишга ёндошади холос. Масалан, биргина атомнинг тузилиши ҳақидаги таълимот электрон кашф этилганига қадар икки минг йилдан кўпроқ вақтни ўз ичига олди. Эндиликда электроннинг хусусиятларини билишнинг ўзига юз йилдан ортиқ вақт сарфланди. Электрон ва унинг хусусиятлари ҳақида инсон билимлари тобора кенгайиб, маълум ҳажм ва шаклга етганда бу ҳақидаги билимлар мутлоқ ҳақиқатга айланади. Бунинг ўзи ҳам узок, ҳам мураккаб тараққиётни ўз ичига олади. Бинобарин, атом, электрон тузилиши жуда мураккаб бўлиб, уларнинг хусусиятларини ўрганиш ҳам мушкул ва оғир меҳнат, доимий изланиш, ҳаракатни талаб этади. Атом соҳасидаги янги ҳар қадам у соҳада янги бир босқични пайдо қилади, бу босқич эса атом

ҳақидаги билимни мутлоқ ҳақиқатга яқинлаштиради. Ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ҳам шу каби характерга эгадир. Аммо, жамиятдаги ҳодисаларни билиш жараёнида камчиликларга йўл қўйиш мумкин. Сабаби ҳодиса ва жараёнлар мутлоқ турғун эмас, улар вақт ўтиши, шароит ўзгариши билан янгича кўриниш ёки тус олиши мумкин. Бунга мисол марксизм-ленинизм таълимотидир. Зеро, баъзи мамлакатларда бу таълимот жамият ҳодисаларини тушунтириб беришда изчил бўла олмади. Шундай бўлса-да инсонлар, авлодлар табиат ва жамият ҳодисаларини охиригача билиш учун ҳаракат қилаверади. Масалан, олимлар сўнгги эллик йил давомида космик фазони ўрганишда давом этиб маълум хулосаларга эга бўлганидан (нисбий ҳақиқатга эришганидан) сўнг Марс планетаси фаолияти билан қизиқиб, унда ҳаётнинг бор ёки йўқлигини аниқлашга киришди. Инсон Марс ҳақидаги мутлоқ ҳақиқат изидан бормоқда. Демак, инсон олам тўғрисидаги билимларни тўла қамраб ололмаса ҳам, шунга интилаверади. Шу сабабли қайта такрорлаймизки, инсоннинг мутлоқ ҳақиқатга эришуви, унга яқинлашиши нисбийдир. Инсон билиши нисбий бўлар экан, бу билимларда объектив мазмун йўқдир деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ҳар қандай нисбий билимда объектив, мутлоқ ҳақиқатнинг маълум қисми мужассам. Яъни унда ҳақиқат унсурлари мужассамлашгандир. Ҳақиқат эса аниқдир. Мавҳум ҳақиқатнинг ўзи йўқ, мавҳум ҳақиқат ўткинчи, ёлғондир. Шундай қилиб нисбий ҳақиқатни мутлоқ ҳақиқатга қарши қўйиб бўлмайди. Уларни мужассам ҳолда ўрганмоқ лозим. Мужассам ёндошиш ҳақиқатга диалектик ёндошишни тақозо этади. Диалектик ёндошиш эса турли ақидапарастлик нуқтан назаридан ёндошишлардан сақлайди, хатолардан холи қилади. Фалсафа тарихида шундай баъзи оқимлар бўлганки, бу оқимлар инсонларнинг оламни билишдаги фаолиятини бузиб талқин қилган. Билиш имкониятларини чеклашга ҳаракат қилган. Агностицизм, релятивизм, волюнтаризм каби оқимлар шулар жумласидандир. Масалан, релятивизм оқими нисбий ҳақиқатни эътироф этсада, мутлоқ ҳақиқатни инкор этган. Бу оқимлар ҳақиқат муаммоларига диалектик ёндошмай, ўз таълимотларида камчиликларга йўл қўйганлар. Ҳаётдаги фақат нисбий ҳақиқатни эътироф этиш сувдан сўнг қуруқлик бўлишини сезмасликка монанд. Яъни нисбий ҳақиқатдан сўнг албатта мутлоқ ҳақиқат бўлишини сезмаслик масалага жиддий ёндошмаслик далолатидир.

Инсон фаолиятида илмий ҳақиқатлар мавжуд. Илмий ҳақиқатлар билан бирга тарихий ҳақиқатлар ҳам эътироф этилади. Инсонлар объектив оламни илмий ва тарихий ҳақиқат орқали ҳам биладилар. Бинобарин, илмий ҳақиқатлар маълум ва улар аниқ тарихий вазият билан боғлиқ бўлиб муайян шаклда намоён бўлади. Ана шу маънода ҳам ҳақиқатлар мавҳум эмас, балки, аниқ ва равшан. Хулоса қилиб айтганда, ҳақиқат тўғрисидаги инсоннинг назарий ва илмий фаолияти ўтмишни, ҳозирги замонни, келажакни англашга ёрдам беради, хулосалар чиқаришга олиб келади.

### Таянч сўз ва иборалар:

Билим, билиш, гноссология, ҳиссий ва ақлий билиш, интуитив билиш, тушунча, ҳулоса, ҳақиқат, усул, методология, назария, ҳақиқатнинг конкретлиги, эмпиризм, мутлоқ ҳақиқат, нисбий ҳақиқат.

### Алломалар фикрларидан намуналар:

«Тўғрилиқдан келмиш ҳамма яхши от,  
Эгриликдан фойда кўрмади бир зот».

Абулқосим Фирдавсий.

«Оз-оздан йиғилиб бўлади бисёр,  
Дона – дона ғалла тўлдирар омбор».

Саъдий.

«Ёмон нафсингни одобга ғулом қил,  
Одобсизни одобинг бирла ром қил».

Хусрав Дехлавий.

### Мавзуга оид тест саволлари:

Куйидагиларни қайси бири Абу Наср Форобийнинг ўлмас асари ҳисобланади?

- а) «Фозил одамлар шахри»;
- б) «Қутадғу билиг»;
- в) «Бобурнома»;
- г) «Ҳамса».

«Қутадғу билиг» асарини ёзган алломанинг номи қайси қаторда берилган?

- а) Абдурахмон Жомий;
- б) Заҳириддин Муҳаммад Бобур;
- в) Юсуф Хос Ҳожиб;
- г) Абу Али Ибн Сино.

### Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:

1. И. А. Каримов. Етакчилик — улкан масъулият. Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил.
2. И. А. Каримов. Фан Ватан равнақига хизмат қилади. Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил.

3. Буюк истеъдод соҳиблари. Т.: «Адолат», 2002 йил.
4. Э.Юсупов ва бошқалар. Фалсафа. Т.: 1999.
5. Рахимов И. Фалсафа. Т.: “Университет” 1998 й.
6. Давронов З. Диалектика билиш услуби: Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар №2, 2004 й.
7. Скирбек Г., Гилъе А. Фалсафа тарихи. Т.: “Ўзбекистон” 2002 й.
8. Давронов З. Детерминизм и его сущность. Т.: “Фан”, 1992 й.

### 3 боб. Жамият фалсафаси.

**Жамият тушунчаси.  
Жамият – инсоннинг  
умумий оиласи.**

Жамият – бу маълум мақсадни кўзлаб, онгли равишда меҳнат қилиш асосида бирлашган кишилар мажмуидир. Жамият инсонлар ҳаракатининг ифодаси. Жамият кишиларнинг моддий ва маданий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятининг, табиатга таъсир қилиши ва уни ўзгартириш жараёнининг маҳсулидир.

Жамият тасодифий пайдо бўлиб ва тасодифий ўзгариб тураверадиган яққа одамлар гўпламидан иборат эмас. Жамият ишлаб чиқариш муносабатларини бунёдга келтиради. Демак, тарихий тараққиётнинг маълум босқичида кишилар ўртасидаги ҳаёт учун зарур бўлган нарсаларни ишлаб чиқариш муносабатларининг йиғиндиси жамият мазмунини ташкил этади.

Меҳнатни рационал ташкил қилиш, табиатга режали таъсир кўрсатиш ва уни бўйсундириш асосида жамиятни тараққий эттириш мумкин. Бунинг учун кишилар табиат ва жамият тараққиёт қонунларини билишлари керак. Фалсафа табиат ва жамият объектв қонунлар асосида ривожланади деб таълим беради. Кишилар бу қонунларни ярата олмайдилар ва бекор ҳам қила олмайдилар. Кишилар қонунларни билиб олганларидан сўнг, уларнинг таъсир қилиш қучларини ўз манфаатларига бўйсундиришлари, қонунлар устидан ҳукмронлик қилишлари мумкин.

Жамият қонунларини билиб олмагунимизча ва улар билан ҳисоблашмагунимизча табиат қучлари сингари жамият ҳам кўр-кўрона, зўрлик билан ҳаракат қила беради. Лекин биз уларни билиб олгач, уларнинг ҳаракатини, йўналишини ва таъсирини ўрганиб олгач, борган сари кўпроқ иродамизга бўйсундириш ва улар ёрдами билан ўз мақсадларимизга эришиш имкониятига эга бўламиз.

Шуни айтиш керакки, жамият қонунлари билан табиат қонунлари ўртасида бир қатор фарқлар бор.

Маълумки, табиат азалдан мавжуд. Шунинг учун табиат қонунларининг қўпчилиги абадий қонунлардир. Масалан, ана шундай абадий қонунлар қаторига энергиянинг сақланиши ва бир турдан иккинчи турга айланиши қонунини киритиш мумкин. Шу билан бирга табиат қонунлари орасида абадий эмас, балки узоқ вақт таъсир этадиган қонунлар ҳам бор. Бунга ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ривожланиш қонунларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Жамият ҳаёти қонунларининг табиат қонунларидан асосий фарқи шундаки, бу қонунлар абадий эмас. Чунки жамиятнинг ўзи абадий эмас. Сабаби, жамият тўхтовсиз ўсиб, ривожланиб боради. Бир ижтимоий иқтисодий формациянинг ўрнини қонуний равишда иккинчиси эгаллайди (ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодализм, капитализм, бозор муносабатлари ёки бошқалар).



Жамият ҳаёти табиатга қараганда тез ривожланади ва тез ўзгаради. Шунинг учун ҳам жамият қонунлари амал қилишдан тўхтаб, ўрнига бошқа хил янги қонунлар амал қила бошлайди. Масалан, капитализм даврида амал қилган ишлаб чиқариш қонуни бозор муносабатларига ўтиб бўлгандан сўнг бошқа ривожланиш қонунига ўз ўрнини бўшатиб беради.

Демак, жамият ўзига хос объектив қонуниятлар асосида ривожланади. Бироқ кишилиқ жамиятнинг тарихий тараққиётида кишиларнинг амалий фаолияти катта аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жамият табиат маҳсулидир. Жамият табиатнинг бир бўлагини ташкил этади. Жамият донмо объектив воқелиқ тараққиётининг умумий қонунларига бўйсунди. Лекин жамият табиат ривожининг олий маҳсули бўлганлиги учун жамият қонунларидан фарқли, ўзига хос қонунларга амал қилади.

Жамият билан табиат донмо диалектик birlikда. Ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши ва ривожланиши маълум даражада табиий шароитга, географик муҳитга боғлиқ.

Жамиятнинг географик муҳити нима? Жамиятнинг географик муҳити муайян ижтимоий-иктисодий формацияни ўраб олган табиат—ер, сув, ўрмонлар, иқлим, тоғлар, ҳар хил металллар, нефть, газ, тошкўмир ва бошқалардан иборат. Географик муҳитсиз жамият яшай олмайди, ишлаб чиқаришни ташкил қилиб бўлмайди. Инсон географик муҳитнинг қули эмас, балки унинг фаол яратувчиси ва ўзгартирувчиси. Географик муҳитнинг бойлиги ва камбағаллиги жамият тараққиётига салбий ва ижобий таъсир кўрсатади.

Масалан, қадимги Ўрта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатларида ҳаётнинг табиий манбалари серблиги, суғориладиган деҳқончилик яхши ривожланганлиги учун тарихий тараққиётнинг дастлабки даврида бу ердаги давлатлар жаҳон маданиятининг марказига айланди.

Географик муҳит меҳнат тақсимотига ва ишлаб чиқариш тармоқларининг тўғри жойлашишига фаол таъсир кўрсатади. Масалан, Ўзбекистоннинг иқлими иссиқ ва шароити яхши, тупроғи унумдор бўлганлиги учун икки минг йилдан ортиқ даврдан бери пахтачилик, боғдорчилик билан, қозоқлар эса яйловлари яхшилиги туфайли чорвачилик ва ғаллачилик билан машғулдирлар.

Жамият ривожланиши билан ишлаб чиқаришда табиий бойликдан фойдаланишнинг йўллари ҳам ўзгариб боради. Масалан, илгари тошкўмрдан фойдаланиш унча кенг тарқалмаган эди. XIX асрнинг охирига келиб эса тошкўмир ёқиш ва ундан кимёвий хом ашё сифатида фойдаланиш кенг тарқалди. Эндиликда эса халқ ҳўжалигида бунинг ўрнини табиий газ, нефть ва бошқа ёқилғилар олапти.

Жамият тараққиёти йўлида географик муҳитдан фойдаланиш жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тузуми характерида боғлиқ. Ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига бўлган хусусий мулкчилик географик муҳитнинг қулайликларидан максимал фойдаланишга, улардан

жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тараққий эттириш йўлида фойдаланишга тўсқинлик қилади.

Масалан, Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш даврида унинг табиий бойликлари, қулай географик шароити Республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга тўла хизмат қилади. Аввалги, собик Иттифок даврида Ўзбекистон кишлок хўжалигининг паст даражада ривожланишига ернинг кам ҳосиллиги эмас, балки ерга нисбатан режасиз ҳаракатнинг маҳсули бўлди.

Географик муҳит сингари аҳоли сонининг ўсиши ва зичлиги ҳам жамият тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга. Агар жамият етарли миқдорда аҳолига эга бўлмаса, жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари суест ривожланади. Жамиятнинг иқтисодий аҳволи, унинг мудофаа қувватини мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан мамлакат аҳолисининг ўсиши ва зичлигига боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ҳам аҳолининг ўсиши ва зичлигига қараб белгиланади.

Жамиятда аҳолининг ўсиш қонуни шу жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тузумига боғлиқ.

Бу ўринда тарихан таркиб топган ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг мазмунига кўра, Осиёда шаклланган анъанавий ишлаб чиқариш усуллари ва меҳнатни ташкил этиш шакллари Ўзбекистонга ҳос эканлиги ҳам иқтисодий ислоҳот йўллари ва андозаларини танлаб олишга таъсир қилаётган жиддий омилдир. Шу билан бирга, бозор муносабатларига ўтишининг маҳсус йўлини танлаб олиш, аҳоли тафаккури ва миллий тарихий турмуш тарзини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама эътиборга олиш ҳал қилувчи омиллардандир. Ижтимоий жиҳатдан уюшиб яшашнинг жамоа шакли Ўзбекистон халқига тарихан ҳос бўлиб, бу унинг анъанавий турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ. Унда Ўзбекистон халқининг миллий руҳиятига ҳос бўлган этнопсихологик меъёрларнинг хусусиятини ҳам эътиборга олиш зарур. Бу ҳол, ижтимоий онг даражасида одамларнинг янгиликларга, қадриятлар тизимини ўзгартиришга, қарор топган меъёрларни, уларнинг хатти-ҳаракат қоидалари ва андозаларини барбод қилишга олиб келадиган туб ўзгартиришларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатида намоён бўлади. Туб аҳолининг ерга яқинроқ бўлиши, ўз уйи ёнида томорқа хўжалигига эга бўлишига анъанавий интилиши, унинг манфаатлари ва турмуш тарзида ўз изини қолдирмоқда. Ҳаётий қадриятлар, оилавий турмуш муносабатлари нормалари, меҳнат фаолияти соҳасидаги кўникмалар шундай турмуш тарзига ҳосдир. Шу сабабли, иқтисодиётдаги ислоҳотларни амалга оширишнинг бош тамойили ишлаб чиқилиб, уларда республика аҳолисининг турмуш тарзи, фаолияти ҳисобга олинди.

Жамият ривожланиши турли-тумандир. Унда турли жараёнлар амалга ошиб туради. Бу жараёнлар жамиятнинг сиёсий фаолияти билан ҳам боғлиқ. Зеро, жамият сиёсий йўллар билан бошқарилади.

Эрамизгача бўлган даврлардаёқ жамият тараққиётига қизиқиш қатта бўлган. Бунга мисол Платон фаолиятидир. Унинг бир қанча асарлари

мазмунни бизга етиб келган. Жумладан, “Давлат”, “Критон”, “Хармид”, “Протогор”, “Пир”, “Софист”, “Сиёсатчи” асарлари мисол бўла олади. Ўз асарларида жамият фаолиятига диалектик ёндошишни талаб қилган. Жамиятни давлат фаолияти билан боғлаган. Унинг фикрича, давлатни файласуфлар бошқариши керак, чунки улар ғояларга бой. Давлат бошқаришда ҳарбийлар ҳам қатнашиб, уларнинг вазифаси давлатни ички ва ташқи душманлардан сақлаш, ҳунарманд ва деҳқонлар фаолиятини ҳимоя қилишидан иборат. Платон давлатни бошқаришнинг уч шаклини тарғиб қилди: монархия, аристократик ва демократик шакллари. Ўз навбатида монархия иккига бўлинади: а) қонуний подшо; б) тиран. Аристократия ҳам; яхши ёки ёмон; демократия-қонунли ва ноқонуний. Аммо Платон кейинчалик давлатни бошқаришнинг бу шаклларида воз кечиб, ижтимоий назария ва шахсий тарбия тўғрисида таълимот яратди. Бу таълимотда хусусий мулкдан воз кечиш ғоясини ўртага қўяди. Идеал давлат назариясини яратди.

Яна бир таълимот—Аристотел таълимоти бўлиб, у материализм ва идеализм ўртасида шаклланди. Аввал Платон шоғирди бўлган олим, кейинчалик унинг идеализмининг танқид қилган. Унинг фикрича, жамиятни ҳаракатлантирувчи куч—“худодир”. Аристотел ўзининг ижтимоий қарашларида қулдорлик тузумини ёқлаб, қулдорлар синфи ҳукмронлигини мустаҳкамлашга уринган. Гарчанд Платонни (ғоясини) қоралашига қарамай, ўзи ҳам идеалистик оқим вакили эди. Унинг фикрича инсон жон ва тана бирлигидан иборат. Жамиятда қул ва қулдор бўлиши табиий ҳолатдир. У жамият кишиларини учга бўлади: 1) энг бой табақа; 2) энг камбағал табақа; 3) ўрта ҳол табақа. Кишилар бойлигига қараб уч ахлоқий фазилатга эга. Булардан, бой ва ўрта ҳол табақа гўзал фазилатларга эга. Камбағал кишиларда гўзал фазилатлар йўқдир. Унинг фикрича, давлат ўрта табақалар қўлида бўлиши керак. Давлат тўғрисидаги назария яратиб, давлатнинг уч шаклини тарғиб қилади. 1. Монархия—бир киши ҳокимияти. 2. Аристократия—озчилик ҳокимияти. 3. Демократия—кўпчилик ҳокимияти. Давлатнинг энг яхши ҳокимияти бу ўрта ҳол табақа ҳокимиятидир.

Жамият ўзгариши давлат ва сиёсатни ҳам ўзгартиради. Бу ўзгаришлар инқилобий, тадрижий ҳолатларга боғлиқ. Масалан, буржуа жамиятига тўсқинлик қиладиган тузум феодализм тузуми эди. Феодализмни емириб ўрнига буржуазия ҳокимиятини, сиёсий, иқтисодий тузумини ўрнатишга қаратилган ҳолат буржуазия инқилобидир. Бу инқилоб қарам ва мустамлака мамлакатларида буржуазия инқилоблари миллий мустақилликка эришиш вазифасини ҳам бажаради. Буржуазия инқилобларининг асосий сабаблари—феодализм даврида ривожланаётган янги, ишлаб чиқариш кучлари билан феодал ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги қарама-қаршиликдир.

Буржуа инқилоблари XVI асрда бошланган. Биринчи буржуа инқилоби Нидерландияда бўлган, сўнг Англияда 1642-49, Францияда 1789-94 йилларда бўлиб ўтган. 1848-49 йилларда (Франция, Германия, Англия) Европанинг бир қанча мамлакатларида бўлиб ўтган инқилоблар ҳам

буржуа революцияси эди. Шунингдек, 1775-83 йилларда Шимолий Америкада бўлган мустақиллик урушини ҳам буржуа инкилоблари деб аташ мумкин.

Кўл фақат меҳнат органигина бўлиб қолмай, айна вақтда у меҳнат қуроли ҳамдир. Демак, инсон меҳнат туфайли бошқа мавжудотлардан фарқ қилади. Маълумки, ҳайвонлар табиатдаги тайёр нарсаларни истеъмол қилиш билан яшайди, яъни табиатга инстинктив тарзда мувофиқлашади. Инсон аксинча, ўз меҳнати натижасида табиатга фаол таъсир этади, табиат ва унинг кучларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланади.

Меҳнат жараёнининг энг зарурий шарти ишлаб чиқариш қуролларини яратиш масаласи. Инсон ишлаб чиқариш қуролларисиз моддий бойликлар ишлаб чиқариш имкониятига эга эмас. Ўз навбатида уларсиз ишлаб чиқариш ҳам, ижтимоий ҳаёт ҳам бўлмайди. Ишлаб чиқариш учун эса қуйидаги омилларнинг бўлиши шарт: 1) меҳнат; 2) меҳнат предметлари; 3) меҳнат қуроллари.

Кишилар моддий бойликларни ишлаб чиқариш учун ўзаро алоқада ва муносабатда бўлишлари лозим. Ҳар бир одам ёлғиз ҳолда ҳеч бир нарса ишлаб чиқара олмайди. Меҳнат кишилиқ жамиятини тараққий эттириб, ривожлантириб борган сари инсон ҳам ўзгариб, ривожланиб боради. Меҳнат турлари ва қуроллари ҳам такомиллашиб боради. Масалан, ибтидоий жамоа даврида тошдан ясалган қуроллар ҳукмрон бўлса, бугунги кунда ҳамма ишни автоматлар бажараяпти. Ана шунга кўра меҳнатнинг тур ва усуллари каби жамият фаолияти ҳам ўзгаради.

**Тараққиётнинг ўзбек модели.  
Жамият ривожининг  
гадрижий ривожланиш  
концепцияси. Унинг  
аҳамияти.**

Маълумки, И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон тараққиётининг келажагини 90 нчи йилларнинг бошларидаёқ илмий асослаб берди. Эндиликда бу жараёни “Ўзбек модели” деб тан олинди. Биз шу тамойиллар ҳақида тўхталмоқчимиз.

### **1. Иқтисодий ислохотлар сиёсатдан, мафқурадан ҳоли бўлиши.**

Мустақил Ўзбекистон ҳаётида бу тамойил айниқса долзарблигини ҳаёт тасдиқлайди. 90-йиллардаги Республиканинг ички ва ташқи вазияти беқарор бўлган бир пайтда И. Каримов жасорат кўрсатиб, марксистик назариянинг бу соҳадаги камчилигини биринчи бўлиб англаган. У киши ҳам ўша пайтдаги бир гуруҳ сиёсатдонлар, баъзи партиялар олиб бораётган ҳаракат асосида иш олиб борганида, республикамиз ҳам баъзи бошқа республикаларга ўхшаб регрессив тараққиёт нуқтасида бўлар эди. Ривожланиш тугул, аҳоли ўргасида турли зиддиятларни келиб чиқишига сабаб бўлар эди. Сиёсат иқтисодиётга тазйик ўтказиб келган даврларни Республика аҳолиси яхши билади. Ўша собиқ иттифоқ давридаги айнан шу ҳолат аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини тушириб юборган эди. Шу сабабли иқтисодиёт ҳам етарли тараққий этмаган эди. Бозор

муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий соҳа етакчи бўлгандагина бошқа соҳаларни самарали ривожлантириш мумкин. Бу даврда мафкуранинг вазифаси жамиятдаги аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат.

## **2. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида давлатнинг бош ислохотчилик вазифаси.**

Бу даврда давлат иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг мукамал режаларини тузиши ва уни ҳаётга татбиқ этиш учун чора-тадбирлар кўриши талаб этилади. Ўтиш даврида иқтисодиётни тартибга солиш ўта муҳим бўлиб, унга кимдир албатта жавобгар бўлиши керак, бу давлатдир. Бозор ҳам ўз-ўзидан тартибга тушмайди, балки давлат бозорни тартибга солувчи қуролдир. Айниқса, собиқ тузумнинг талабга жавоб бермайдиган томонларини янгилаш, пайдо бўлган янги бошқарув системаларини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожини таъминлаш, нарх-навоини тартибга солиш, солиқ тизимини мустаҳкамлаш, банк-кредит муаммоларини ечиш, миллатлараро тотувликни кафолатлаш давлатнинг муҳим вазифасидир. Шу сабабли, ўтиш даврида давлат ҳукмдорлигини сақлаш фақат ютуқларга олиб келади, холос.

## **3. Республика фаолиятида қонун ва қонунлар устуворлигини таъминлаш муҳимдир.**

Демократик йўл билан қабул қилинган Республика Конституцияси ва бошқа қонунларга риоя қилиш ва уларни ҳурмат қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчига айланиши лозим. Бозор муносабатлари шароитида, бозор ҳўжалигининг ўзи ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаса, тартибсизликлар келиб чиқишига олиб келади. У ҳуқуқий норма ва қондаларга таяниши керак. Бозор муносабатларига ўтган мамлакатларда қонунчиликка риоя қилиниши таъминланган. Қонунчилик, бозор муносабатлари иштирокчиларни таркибини аниқлаш билан чекланмай, балки уларнинг ўзлари қарорлар қабул қилиши, қондаларга риоя қилишини ҳам таъминлайди. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос ва мос келадиган ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш уч-тўрт йиллик вазифа эмас, узоқ муддатли, мураккаб жараёндир. Қонунларни мукамал қилиб яратиш, уларни ҳаёт билан боғлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

## **4. Кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.**

Бу тамойил бевосита аҳоли билан боғлиқ бўлган соҳадир. Ўтиш даврида аҳоли таркибини, унинг аҳволини назардан четда қолдирмаслик, айниқса долзарб масала. Аҳолининг энг камбағал, ёрдамга муҳтож табақаларини аниқлаб, уларга ёрдам кўрсатиш, фуқаролар осойишталигини барқарорлаштириш, ислохотлар ўтказишда тўсиқлар бўлмаслигини таъминлайди. Ўтиш даврида одамларни кучли даражада ижтимоий ҳимоялаш ва сўнгра бошқа мақсадга ўтиш керак. Уни кечиктириб бўлмайди, акс ҳолда беқарорлик вужудга келиб бозор

муносабатларига зарар келтиради. Бозор муносабатларига ўтишда жадал илгарилаб кам таъминланган, ночор оилалар, нафақахўрлар, талаба ва ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш, кучли ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадидир. Ишсизликнинг олдини олиш, соғлиқни сақлаш, маориф тизимининг ривожланишини барқарорлаштириш ҳам улкан вазифадир.

##### **5. Бозор иқтисодиётига ўтишни эволюцион ёки босқичма-босқич амалга ошириш.**

Маълумки, жамият тараққиёти икки йўл билан, яъни “инқилобий сакрашлар” орқали ёки “аста-секинлик” билан амалга оширилади. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш даврида босқичма-босқич ўтишдан фойдаланиш кўл келади. Тўғри, Республикадаги марказдан режалаштиришга мослашган иқтисодиётни йўқ қилиш ёки бирдан ютуқларга эришиш қийин масаладир. Маъмурий-бўйруқбозлик услубларидан янги бошқарув системасига ўтиш ҳам мушкул. Бу соҳаларнинг ҳаммаси бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиш-бу янги ҳаётдир. Янги ҳаётни шиддат билан қуриб бўлмайдди. Ҳар бир йўналишни мукаммал ўрганиш, ҳаёт талаблари даражасига кўтариш вақт ва ижод талаб қилади. Бир тузумдан иккинчи тузумга “фалаж қилиб даволаш” йўли билан ўтиш яхши натижа бермай, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетади. Бозор иқтисодиётига сакрашларсиз, инқилобий ўзгаришларсиз, аксинча, изчиллик, сабр-тоқат ва босқичма-босқич ўтиш давр талабидир.

Кўрииб турибдики, бозор муносабатларига ўтишнинг тамойиллари нафақат назарий жиҳатдан мустаҳкам, балки амалий фаолият дастури ҳамдир. Бу тамойиллар И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI асрга интиломқда” асарида янада мукаммаллаштирилди.

Мустақилликка эришган мамлакатимиз ўзининг ривожланиш имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш учун бир қанча тадбирларни амалга оширди. Ўз ҳудудидаги фойдали қазилмалар турлари ва уларнинг микдори, сифати, табиий иқлим шароитлари аниқланди. Халқимизнинг куч-қудрати, миллий кадрлар тайёрлаш, уларнинг илмий ва ташкилотчилик фаолияти ҳисобга олинди.

И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари», «Ўзбекистон-улкан имкониятлар мамлақати», «Ўзбекистон XXI асрга интиломқда» номли асарларида шу муаммолар ҳақида батафсил фикр юритилиб, иқтисодиётнинг маънавий-маърифий асослари назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган. Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари ва илмий салоҳияти билан фахрланса арзийди. Эндиликда 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари бўлиб, улар 100 дан ортиқ минерал ҳам ашё турларини ўз ичига олган. Шулардан ҳозир 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон қидириб топилиб, уларнинг қиймати 970 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металллар бўйича 40 дан ортиқ, рангли, нодир ва радиоактив металллар бўйича 15 та кон аниқланган. Ҳар

йили Ўзбекистонда конлардан тахминан 5,5 миллиард долларлик фойдали казилма олиниб, уларнинг ёнига 6,0-7,0 миллиард долларлик янги захиралар тошиб қўшилмоқда. 160 дан ортик нефт кони мавжуд. Демак, республика тараққиётини таъминлаш учун иқтисодий манбалар етарли. Шу манбаларни ишга тушириш инсон салоҳияти, маърифатига боғлиқ. Жамиятнинг улкан бойлиги, тараққиёт халқининг абадий қадриятларига, урф-одатларига, маънавиятига бориб тақалади. Ўз навбатида халқни миқдор ва сифат жиҳатдан ўсиши ҳам катта аҳамият касб этади. Бу омилларнинг кучи, таъсири энг аввало юксак маънавият билан, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши даражасини белгилаб беради.

Меҳнат захираларини кўпайтириш ҳам ривожланиш омилларидан бирини ташкил қилади. Бир йилда ярим миллионга яқин аҳоли ўсиши кузатишмоқда. Аҳолининг саводхонлиги эса 99,06 фозни ташкил этаёттир. Ҳозирги кунда республикада 65 дан ортик олий ўқув юрти, 300 га яқин ўрта махсус ўқув юртлари бўлиб, шулардан 260 таси касб-хунар коллежларидир. 47 та академик лицей қурилиб фойдаланишга топширилди. Охириги 10 йилда бу ишларга 135 миллиард сўм сарфланди. 101 та илмий тадқиқот институти, 65 та лойиҳа-конструкторлик ташкилоти, 32 та илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, 30 та ахборот-ҳисоблаш марказлари ишлаб турибди. Фан соҳасида 50 мингга яқин киши, иш юритиб, шулардан, икки минг саккиз юзтаси фан доктори, тахминан 16,1 мингги фан номзодларидир. Ҳозирги даврда фаннинг 20 дан ортик тармоғи бўйича малакали илмий ходимлар тайёрланмоқда. Бинобарин, ушбу соҳаларнинг барчаси аҳолини юксак маънавият сари етаклашда муҳим омил ҳисобланади.

### **Жамият ва маънавият.**

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида, иқтисодий ва маънавият бирлигига нақадар тез эришилса, ривожланиш шунчалик тез амалга ошади. Бу соҳалар бир-бирини инкор этмай, аксинча, балки бир-бирини тўлдирди. Маънавияти юксак инсон жамоа ва давлат, ўзганинг мулкига хиёнат қилмайди. Маънавияти тубан кишилар эса аксинча, фақат ўз манфаатини ўйлаб иш юртади.

Иқтисодий ривожлантириш кўп жиҳатдан тадбиркорлар синфининг маънавиятига боғлиқ. Ҳозирги тадбиркор ўта тежамкор бўлиш билан бирга, қуйидаги юксак маънавият жиҳатларига эга бўлиши зарур:

- Ватан олдидаги ўз бурчини тўғри англаши;
- савдо-сотик ва ўз корхонасининг фаолиятини анн тасаввур қилиши, ўз соҳасининг илмий ва амалий жиҳатларини мукамал билиши, маърифатли бўлиши;
- дунёвий билимларга ва ўз дунёқарашига эга бўлиши;
- ўз соҳасига онд конун ва қарорларни мукамал билиши;
- бойликка, шахсиятпарастликка, манманликка берилмаслиги, камтар, олижаноб, софдил, одоб-ахлокли бўлиши;

•барча соҳаларда ҳалол ва ҳаромни ажрата билиши, меҳнатсевар, инсонпарвар бўлиши;

•чет эл тилларидан баъзиларини билиши;

•инсофли ва адолатли, мард, қатъиятли, бошлаган ишининг натижасини олдиндан кўра билувчи бўлиши.

Биз биргина тадбиркорнинг юксак маънавияти кирралари тўғрисида тўхталганимиз билан, лекин, жамият муаммолари билан шуғулланадиган барча инсонлар ҳам шу хислатларга эга бўлиши зарур деймиз. Минг афсуслар бўлсинки, инсонлар орасида жамият жиҳатларини тўғри тушунмайдиганлар ҳам оз эмас. Улар жамият олдидаги бурчларини ҳам унутадилар. Аслида инсон бурчлари ҳам бугун ўйлаб чиқарилган эмас, улар ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибасининг натижасидир. «Бозор иқтисодиёти шароитида-деган эди И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида — инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нукул пул ва фойда кетидан қувиб, оқибатда одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолсалар, бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ». Шу сабабли ҳам Республика мустақилликка эришгандан буён ўтмиш маданияти ва маънавияти, қадриятларни тиклаш, миллий онгни ўстириш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Қайси жамиятда маънавий жиҳатлар кадрланар экан, ўша жамиятда яшайдиган инсонлар ижтимоий тарафдан кўпроқ қафолатга эга бўладилар. Шу сабабли юксак маънавиятга эришиш борасида тинмай ҳаракат қилинмоқда. Зеро, миллий истиқлол мафкураси маънавий, маърифий қадриятларга ҳам боғлиқ. Собик иттифоқ даврида халқимиз гоҳида яширин, гоҳида очиқ камситилиб келинди. «Сизлар ўз-ўзларингни мустақил бошқаришга, мустақил давлат қуришга қодир эмассиз», «Сизлар муте, қарам миллатсиз», «Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, амру фармон берамиз, сизлар эса бажарасиз, холос»<sup>1</sup> деб келганлар. Президентимиз И.А.Каримов сиёсий бюро аъзоларининг бу фикрларини бекорга мисол қилиб айтмаган. «Биз юқоридамиз» деб туриб олганларнинг фикрлари нақадар ҳаёсизлик эканлигини тарих кўрсатаётир. Мафкура якка ҳокимлигидан қутулган халқ ўз маънавияти ва мафкурасини тиклаб цивилизациянинг юқори чўққиларига қараб бораётир. Бинобарин, тараққиёт тақдирини маънавий етук инсонлар ҳал қилади.

Дунёвий билимларни эгаллаш маънавий баркамолликни таъминлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Баркамоллик эса инсоннинг руҳий ва маънавий салоҳиятини, маърифий ҳислатининг олий нишонасидир. «Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз ва уни тўла татбиқ этамиз. Одамларимиз омилкор, салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том, Т.: Ўзбекистон, 1996 йил, 34-бет.



майдонларда собит туралиган бўлсинлар»<sup>2</sup>. Ҳозирги кунда ҳам ушбу фикрларга амал қилинган ҳолда иш олиб борилмоқдаки, бу давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Давлат томонидан маънавий ва маърифий ишларга ёрдам қўлини чўзаётган кишиларга, тадбиркорларга, барча ҳомийларга ёрдам кўрсатилиб, баъзи имтиёзлар берилаётганининг гувоҳимиз. Маълумки, маънавий-маърифий соҳалар ривожланиши учун аввало давлат ҳомийлик қилмоқда. Чунки, маънавият ва маърифат ўта эътиборни талаб қиладиган соҳалардан. Бу масалани ҳал этишда ҳам донишмандларимиз ўғитларига, яъни «Маърифат - бу шижоатдир» деган фалсафий фикрга амал қилиниб иш олиб борилаётир.

Маърифатга ишонганлар маърифатли кишиларни эъзозлайди ва улар ижоди учун шарт-шароит яратади. Маърифатга эътиборли жамият ўз ёш авлодларини унутмайди. Ёш авлод эса келажак пойдеворидир. Мақсадга эришиш, янги жамият қуриш шу авлодга боғлиқ. Иқтисод ва маънавият, маърифат, сиёсат нима эканлигини уларга тушунтириш шу жамият кекса ва ўрта ёшли зиёлиларининг улкан вазифасидир. Чунки барча соҳалардаги ислохотлар тақдири ёшларнинг қўлидадир. Шу маънода иқтисодий ислохотларда давлат бош ислохотчи эканлигини эътироф этар эканмиз, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам шундай бўлса, бу ютуқлар гарови бўлади. Яъни давлат маънавий йўналишларни белгилаб бериши айтилиши мумкин. Бозор муносабатлари даврида жамият учун тарбия самарадорлигига айланиш диккат-эътибор қаратилиши ўта муҳим. «Маънавият тарбиянинг ажралмас қисми экан, ундан оқилона фойдаланиш, ёшларни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш давр талаби. Ахлоқ маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи ноёбдир. Ахлоқ аввало, инсоф, диёнат, адолат туйғуси, меҳр-шафқат, иймон, ҳалолликдир. Демак, жамият аъзоларини ахлоқли қилиб тарбиялаш, ўз иқтисодиётини ўнглашда муҳим омилдир. Бу соҳада муқаддас динимиз исломнинг ҳам бекиёс ўрни бор. Ислом дини—бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, ор-номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар»<sup>1</sup>. Бундан ташқари, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби алломаларимиз қолдирган тариқатлар ҳам маънавиятимиз асосини ташкил этади. Улар инсонларни маърифатли, юксак маънавиятлиликка чақирган. Умуман олганда, динимиз халқ маънавиятнинг юксалиши учун замин яратувчи бекиёс манба. Ундан фойдаланиш бизнинг вазифамиздир.

<sup>2</sup> И.А.Каримов Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон», 1995 йил, 47-бет.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том, Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил, 40-бет.

### Таянч сўз ва иборалар:

Жамият, барқарорлик, беқарорлик, миллий давлатчилик, тараққиётнинг ўзбек модели, иқтисод ва маънавият, жамият ва оила, уюшма, кадрият, ислохот сиёсати.

### Алломалар фикрларидан намуналар:

«Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир».

Абдулла Қодирий.

«Мозий истиқболнинг тарозусидир, ҳар ким ўлчасун-да билсун».

Махмудхўжа Бехбудий.

«Ҳамиша халқингга меҳрибон бўлгил,  
Яхшиликка тириш ва омон бўлгил».

Носир Ҳисрав.

### Мавзуга оид тест саволлари:

1. Миллий мақсад, ғоя ҳақида фикр юритганда нимани тушунасиз?  
Мақсад бу —
  - а) тарих хотираси;
  - б) қонунга риоя этиш;
  - в) миллатни бирлаштирувчи байроқ;
  - г) фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи.
2. Умумбашарий ва миллий кадриятларни уйғунлаштириш негизидан нима кучайтирилади?
  - а) миллий онг ва демократик тафаккур тарбияси;
  - б) ҳуқуқий тарбия;
  - в) давлатчилик тизимини мустаҳкамлаш;
  - г) фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш.

### Тавсия этиладиган ва фойдаланиладиган адабиётлар:

1. И. А. Каримов. Мақсадимиз, тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
2. И. А. Каримов. Барқарор тараққиётга эришиш – устувор вазифа. Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.
3. И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.: 1996 й.
4. И. А. Каримов. Тадбиркорлик–иқтисодий келажаги. Т.: 1996 й.
5. И. А. Каримов. Юксак маънавият-жамият тараққиётининг асоси. Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.
6. Э. Юсупов ва бошқалар. Фалсафа. Т.: 1999 й.

7. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Т.: 2003 й.
8. Шарифхўжаев М., Давронов З. Маънавият асослари. Т.: 2005 й.
9. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Т.: “Ўзбекистон”, 1996 й.
10. Қамбаров А.А. Жамиятнинг маънавий янгиланиши жараёнида илмий кадрларнинг роли. (Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.) Т.: 2006 й.
11. Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилни роли. (Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.) Т.: 2006 й.
12. Тиллаволдиева М.Х. Мафкура ва ижтимоий тараққиёт: ўзаро алоқадорлик муаммолари. (Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.) Т.: 2006 й.

### Муаллиф З. Давронов тафаккурдан намуналар

Ерни қанчалик депсиниб боссанг ҳам, фақат у, миннат қилмайди,  
холос, бошқаларни билмадим...

\*\*\*

Ноғорани чертмасанг овози чиқмайди...

\*\*\*

Ҳақиқий олимлар асаларидек меҳнат қиладилар, чунки улар ҳам  
асалари каби қийналиб далил тўплайдилар ва бошқаларни баҳраманд  
қиладилар.

\*\*\*

Ҳақиқий олим мунозарадан қочмайди, мабодо мунозарада енгилсада,  
жаҳли ҳам чиқмасдан ўз фикрида собит қолади.

\*\*\*

Биз яшаётган олам гўёки очик бир уммон, у аслида эса тўнтарилган  
қозондир. Бу қозондан чиқиб, ҳолисона яшашнинг ўзи гумон.

\*\*\*

Қор оппоқ бўлса-да, у совуқдир.

\*\*\*

Бутун олам сир-асрорларини қалбингга жойласангда, ундан баҳраманд  
бўлмасанг не фойда.

\*\*\*

Оламда шундай бир лаззат борки, у барча лаззатлардан улугроқдир. Бу илм орқали эришган хурматингдир. Чунки у жисмингдан узилган рухиятингни бир бўлаги бўлиб, абадий шод қилади.

\*\*\*

Атиргул ўз нафосати ва таратаётган хушбуй ҳиди билан инсонни қанчалик хушнуд этмасин, у барибир хазонга айланади ва оёқ ости бўлади.

\*\*\*

Ҳайвонларда ақл йўқ дейдилар, аммо улар баъзи одамлардан маълум соҳаларда ақллироқдир.

\*\*\*

Осмондаги юлдузларни оддий кўз билан санаб охирига ета олмаганингдек, инсон қалбини ҳам тушуниб охирига ета олмайсан.

\*\*\*

Ҳаётнинг икир-чикирлари-ю, фалокатлару-хурсандчиликларини қанчалик кўп билганинг сари, ўз умрингнинг эгови бўлиб бораверасан. Бу аччиқ ҳақиқат.

\*\*\*

Ошқозонингта мабодо игна тушиб қолса, оғзимдан чиқараман деб овора бўлма, у оғзингдан қайтиб ерга тушмайди. Хато қилдингми, уни тўлалигича ўз ҳолига қайтара олмайсан.

\*\*\*

Дафтарни ранги оқ, унга турли рангда ёзиш мумкин, ҳаёт ҳам шундай, унда ўғри ҳам, тўғри ҳам яшайди.

\*\*\*

Пул ва бойлигим бор деб депсинма, бу нарсалар сенинг оқ деган сўзинг, балки ноланг билан йўққа чиқади, бинобарин, бойлигинг кимгадир насиб қилади.

\*\*\*

Бу ҳаётдан бой ҳам, камбағал ҳам ўтади, булар ўртасидаги қарама-қаршилиқнинг олдини олиш учун бутун фаолиятимни ва умримни сарфлаган бўлардим. Афсуски бу камлик қилади.

\*\*\*

Инсон ҳамма вақт ўзини-ўзи излаши, тадқиқ қилиши лозим.

\*\*\*

Во ажаб! Дарахтлар гуллайди, ўзидан шохлар чиқаради, мева беради, демак инсонлар ҳам худди дарахтларнинг ўзларидир.

\*\*\*

Яхшилиқнинг нарвонлари шунчалик кўпки, овора бўлма, ҳаммасини босиб охирига ета олмайсан.

\*\*\*

Ҳаёт - бу чексиз уммондир.

\*\*\*

Енгил тошни олиб отсанг узоққа кетади, лекин нишонга тегмаслиги мумкин, оғир тош узоққа бормаса-да, марказга тегеди.

\*\*\*

Менга қадрсиз минг сўмни кераги йўқ, қадри бўлса бир сўм ҳам етади.

\*\*\*

Ҳаётда шундай ота-оналарни кўрдимки, уларга Оллоҳ берган фарзандлар ҳайф, шундай фарзандлар борки, уларга ота-она ҳайф.

\*\*\*

Билим хазинасига эга бўлсанг-у уни кўпайтириб ва сарфлаб турмаслик, бу фалокатдир.

\*\*\*

Инсонлар борки ҳайвонларга, ҳайвонлар борки инсонларга ўхшайдилар.

\*\*\*

Ақллилик ўчмасидан, ақлсизликни ўчириш лозим.

\*\*\*

Табиат ва жамият ходисалари ўзларини яширинишларини истайдилар шекилли ва яшириниб ётадилар ҳам. Акс ҳолда билишни ҳожати йўқ эди.

\*\*\*

Эй инсон, ҳаётий фаолиятингда сендан пинҳона ҳолда норозилар бор. Улар бўлди, бўлажак, аммо сен ўзингни уларнинг ўрнига қўйиб кўришни унутма. Нега сен ҳам норозисан?

\*\*\*

Инсон Оллоҳ томонидан жисмонан буткул яратилган. Қани энди унинг юксак маънавияти ҳам буткул бўлганда эди.

\*\*\*

\*\*\*

Дарахт ердан униб чиққан экан, унинг шох-шаббалари турли йўналишларни танламай ўсадилар. Инсон ва ҳаёт ҳам шу кабидир.

\*\*\*

Инсонлар ўртасида, баъзи инсонлар ҳақида «таги паст», «таги тоза» деган сўз уюшмалари бор. Бундай ҳолда инсонларни табақаларга бўлиш менимча нотўғри. Сабаби барча ҳам, ҳатто пайғамбарлар ҳам Оллоҳни бандасидир. Оллоҳ учун ҳамма бир инсонки, у табақаланиб ... Зеро, инсонларни «таги паст», «таги тоза» бўлиши уларнинг маънавий шаклланишига боғлиқдир.

\*\*\*

Ҳаётда бир-бирига ўхшаш нарса ва ходисалар ўта бисёр. Масалан, дур ва дўлни олиб қарасангиз иккаласи жуда ўхшаш. Шундай бўлса-да, уларнинг бири безак бўлиб асрлар давомида ўз ҳолича қолади, иккинчиси эса эриб оёқ остида бир зумда йўқ бўлиб кетади. Вожаб!!! Бу арзимаган ўхшашлик инсонларда ҳам мавжуд, кимдир шох ёки олим бўлиб тарих саҳнасида узоқ сақланади, кимдир изсиз йўқолиб кетади.

\*\*\*

Инсон қанчалик улғайган сари, унинг дўстлари шунчалик камая боради.

\*\*\*

Инсонлар ўз уйидаги гиламларини қанчалик тозаламасинлар, у  
гиламлигича қолаверади.

\*\*\*

Япроқлар ерга тушиб оёқ ости бўладилар. Бундай бўлганидан кўра  
дарахт шохида қовжираб қолганлари маъқул.

\*\*\*

Вақти келганда сув ҳам жон оғриғини сезади. Жизиллаб овоз  
чиқаради... Бутун мавжудот ҳам.

\*\*\*

Нодонлар ҳам ҳаёт мактабидир.

\*\*\*

Нодонлар ўзларини донолардан паст тутган эмаслар.

\*\*\*

Олтин қандай ҳолда, қаерда қорилиб ётишидан қатъий назар уни  
инсонлар барибир ажрата оладилар.

\*\*\*

Сичкон ўз нафси орқасида қопқонга тушади ва ҳалок бўлади.

\*\*\*

Салоҳияти паст инсон салоҳиятли инсондан ўрганиш ўрнига уни  
камчилигини ахтара бошлайди.

\*\*\*

Пул ва олтин борки инсонлар ўртасида тинчлик барқарор бўлмайди.

\*\*\*

Озуқа ва овқат деб ошқозонингга ҳамма нарсани киргизаверма. У  
даҳшатга олиб боради.

\*\*\*

Чироқ ёки қуёш ёритади деб, ундан ўта кўп ҳам баҳраманд бўлаверма,  
уларга яқинлашган сари куйдиришини унутма.

\*\*\*

||| Г тубанлигидан “фолчи”, “астролог”, “экстрасенс”  
арлар пайдо бўлган.

\*\*\*

Қарға қора бўлса-да, оппок қордан дарак беради.

\*\*\*

Буюқлик ва улугликка интилиш ҳаммада бўлган туғма хусусият.

\*\*\*

Ёруғ ва лаззатли кунларинг меъеридан ошиб кетганда қоронғу дамлар  
кутиб турганини ҳам унутма.

\*\*\*

Ўсимликлар кислород чиқаради, бу тўғри, лекин улардан захар ҳам  
чиқиши муқаррар.

\*\*\*

Инсон ўз ҳаётидаги икки лаҳзадан норозидир: бири гўдаклик ёки  
ўсмирлик бўлса, иккинчиси қарияликдир.

\*\*\*

Кундуз кун қанчалик узок бўлсада, барибир қоронғулик ва зулматга  
олиб боради.

\*\*\*

Инсон яланғоч туғилгани учун бўлса керак, нуқул яланғочликка  
интилади.

\*\*\*

Тупрок шундай бир ашёки, у ўлдиради ҳам, ютади ҳам, йўқ ҳам  
қилади. Аммо у лаъзат маконидир ҳам.

\*\*\*

Мол-мулк, бойликдан ва мавқедан қоникмаганда ўксиниш яхшилар  
иши эмас, чунки булар яхшилик манбаи эмас.

\*\*\*

Иғво ва манфаатлар таёкнинг икки томонидир. Зеро, уларнинг иккиси  
ҳам умрнинг эговидир.



\*\*\*

Қийинчилик чекиб инсон қанчалик хур бўлса ҳам, калбида рўй берган ва ўрин олган қийинчилик изтироблари йўқолмайди.

\*\*\*

Баджаҳиллик ва меҳр-муҳаббат қарама-қарши томонлар. Бу ҳолатлар ҳар бир инсонда мужассамдир. Уларсиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин.

\*\*\*

Барча соҳада рўй берадиган мағрурлик вақтинчаликдир.

\*\*\*

Ақлинг билан оламини забт этсанг ҳам, ўз турмушингни забт эта олмайсан.

\*\*\*

Оила ва жамоада яшаш ҳам фарз ҳам қарз. Аммо инсон таноҳоликни кўмсаган пайт кўпроқдир.

\*\*\*

Ҳаётда мўътабар кишиларни ўзимиз пайдо қиламиз-у, лекин уларни тош отиб мажақлашга тайёرمىз.

\*\*\*

Ҳаёт чигалликлари тўғрисида кўплаб фикрлар мавжуд. Аслида инсон руҳияти ҳаётдан кўпроқ чигалдир. Бинобарин, чигалликларни инсоннинг ўзи яратади.

\*\*\*

Фарзандлар аксарият ҳолда ўз ота оналарини эскилик ва қоқоқликларда айблайдилар, лекин аини пайтда ўзларини ҳам шу ҳолга тушишларини унутиб иш қиладилар.

\*\*\*

Фақат китоблар орқали хулоса чиқариб, олим бўлганлар юзаки олимлардир. Ҳаёт чиғириқларини тушуниб етмаган, уларга бардош бермаган олимнинг хулосаси ўткинчидир. Бу жараёнларни иккаласини тушунган ҳолда олим бўлган инсон барҳаёт бўлишга ҳақлидир.

\*\*\*

Сафарга чиқар бўлсанг, йўлдошинг хулқ-атворини ўйла ...

\*\*\*

Раҳбаринг билан саёҳатда бўлсанг ҳақиқат излама....

\*\*\*

Дарахт битта, меваси мингта.

\*\*\*

Қалампир аччиқ бўлгани сабабли узоқ муддат давомида бузилмайди,  
чунки, кушандаси камдир.

\*\*\*

Баъзи соҳадаги ғамгинлигинг умрингга умр қўшади.

\*\*\*

Қалбинг дил дафтарини очишга имкон яратади. Лекин ана шу  
дафтарнинг ўзи қалбингни изтиробда қолдиради.

\*\*\*

Ҳатто, мушук ҳам ўз ахлатини кўмиб кетади.

\*\*\*

Куёш теварагида сайёралар тинмай ҳаракат қилгани сингари  
лаганбардорлар ўз раҳбари теварагида айланади ва ҳаракат қилади.

\*\*\*

Баъзи фарзандларнинг фаолиятини кўриб, фарзанд номи сенга хайф  
деб бақиринг келади.

\*\*\*

Меҳнат юксак маънавият сандиғидир.

\*\*\*

Баъзи қушлар ўз тухумини босмасдан бошқа қушлар тухумини босиб  
ётадилар. Оқибатсиз фарзандлар ҳам шундайдилар.

\*\*\*

Бегоналар учун куюниб хасталик орттирма, ўз жигарларинг туфайли орттирган хасталигинг етарли бўлади. Чунки, баъзи яқинларинг хасталик маконидир.

\*\*\*

Кимки ҳикматли ва қайғули сўзлар қолдирган экан, уларнинг ҳаммаси ўз мулоҳазаларининг қахрамонларидир...

\*\*\*

Ғамгин ва изтиробли дамларингда дардинга дармон бўлмаган фарзанддан яхшилик ёки олийжаноблик кутма.

\*\*\*

Инсонлар! Фарзандларингизга шубҳа билан қаранглар!

\*\*\*

Куёш офтоби билан барчани баҳраманд қилади. Ота ҳам оилада шундайдир. Лекин минг надоматлар бўлсинким, баъзи падаркуш фарзандлар отани бамисоли куёшлигини баҳоламайдилар ва баҳоламай ҳаётдан кўз юмадилар. (Абдулатиф, Аврангзеб, Абдулмўмин ...)

\*\*\*

Қалампирнинг ўзи ҳам, уруғи ҳам аччиқ, балки инсон ҳам шундайдир? Шубҳали жараён!

\*\*\*

Зулматда ёруғлик бўлмайди, ёруғликни зулматда ҳосил қиладилар, холос.

\*\*\*

Шафқатсиздан шафқат кутманг, чунки шафқатсизлик унинг қонида мавжуд. Йиртқичлар барибир йиртқичлигини қилади.

\*\*\*

Кутилмаган ҳаётини зарба, ҳамма даҳшатлардан ёмондир.

\*\*\*

Қалбингни торлари узилдими, у мис ёки темир эмаски, эритиб чўзиб улаб қўйсанг. Тиклашга уринма, кучларинг беҳуда кетади.

\*\*\*

Баъзи фарзандларингга қанчалик кўп меҳр-у – муҳаббатингни бағишлайверсанг, келажакда эса, ундан фақат заҳар зардобини ичасан, холос.

\*\*\*

Таажуб: тирик бўлсанг туртиб сўқарлар, яксон қиларлар. Ўлганингдан сўнг осмон сари кўтарарлар.

\*\*\*

Ўтмишдаги алломаларни фикри ва насихатларни ўқиб уқнишга ҳаракат қилдим. Хулоса шу бўлдики, бирор шахс бу фикр ва насихатларга тўлиқ риоя қилганини мутлақо кўрмадим, эшитмадим, сезмадим. Ҳамма ўзича аллома...

\*\*\*

Қуёш ва Ер ўртасида жисм бўлмаса соя пайдо бўлмайди.

\*\*\*

Дарахт қариса ичидан мўрт бўлар экан, одам қариса белидан.

\*\*\*

Терак қанчалик баланд бўлиб ўсмасин, унинг мевасини инсон истеъмол қилмайди. Демак, гап фақат жисмонан ўсишда эмас.

\*\*\*

Ҳаётда шундай дамлар бўладики, ҳатто ўз киприкларинг фаолиятдан ҳам нафратланиб кетасан.

\*\*\*

Ҳаётда: олдин юришни ўрганиб кейин югуришни ишташ керак.

\*\*\*

Вақти келганда бош қўядиган парёстик ҳам тошдек бошга ботади.

\*\*\*

Дарахт ниҳолдан ўсиб чиқади, лекин ниҳолликда дарахтнинг шох-шаблари қанча ва қандай бўлиши номаълумдир. Фарзандлар фаолияти ҳам шу қабидир.

\*\*\*

Инсон сояси нургагина таъзим қилади, холос. У сояни орқа ёки олдинга кетиши шу нурга боғлиқдир.

\*\*\*

Ҳаётдан рози бўлган ва эзилиб ўтмаган инсоннинг ўзи йўқ.

\*\*\*

Ҳатто дарахтлар ҳам ҳаётда чекинадилар — совуқ келса гунчалари очилмайди.

\*\*\*

Нур тушмаган зулмат жойда ҳатто гиёҳ ҳам унмайди.

\*\*\*

Асал бўлмаса шакар ҳам кифоя.

\*\*\*

Фаолиятингда биринчи марта ёкиб қолган нарса ёки киши кейинчалик нафрат уйғотиши эҳтимолдан холи эмас.

\*\*\*

Ҳаёт лаззатдан кўра, лаънатдан иборатдир. Бу аччиқ ҳақиқат. Лекин бу нарсани кўпчилик очик эътироф этишдан қочади.

\*\*\*

Эҳтиёткорлик ёки шубҳага тушишлик бу кўрқоклик эмас. Иккаласи ҳам бахт келтириши мумкин.

\*\*\*

Ҳаётнинг кирраларини таҳлил қила билганлар унга лоқайдрок бўла бошлайдилар. Сабаби, бу кирраларнинг баъзиларини ечиш ёки ўзгартириш олдида уларнинг ўзлари ожиз бўлиб қоладилар.

\*\*\*

Ҳаётдаги нохушликлар инсонда жоҳилликни уйғотади. Жоҳиллик эса инсонни гўзаллик ва нафосатдан узоқлаштиради.

\*\*\*

Дарахтдаги барглар қанчалик кўм-қўк бўлмасин, у вақти келганида сарғайиб қовжираб қолади.

\*\*\*

Инсон энг юқори ҳисобланган баландлик -- чўккида узок тура олмайди, у йиқилади ёки орқага қайтишга мажбур бўлади.

\*\*\*

Итни фил билан тенглаштириб бўлмаганидек,, филни хам итга тенглаштириб бўлмайди. Ҳаммасининг ўз ўрни бор.

## МУНДАРИЖА

Кириш ..... 3

### Биринчи бўлим

#### 1 боб. Фалсафанинг предмети ва асосий мавзулари

1. «Фалсафа» атамасининг моҳияти ва мазмуни. Ҳозирги давр фалсафасининг асоси азиқалари.....4
2. Фалсафанинг баҳс мавзулари ва уларнинг хилма хиллиги.....6
3. Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик. Ўзбек фалсафаси, унинг ўтмиши, замонавий ривожланиши.....7

#### 2 боб. Фалсафанинг асосий йўналишлари, фанлар тизимидаги ўрни ва вазифалари

1. Фалсафий билимлар тизими, унинг ўзига хослиги, тарихий ўзгариши ва мазмунан бойиб бориши..... 12
2. Фанлар тизими. Ижтимоий–гуманитар тизимда фалсафанинг ўрни. ....15
3. Фалсафанинг асосий функциялари. Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялашда фалсафанинг ўрни..... 18

#### 3 боб. Мустақиллик ва фалсафий дунёқарашнинг зарурати

1. Дунёқараш тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни. Дунёқарашнинг тарихий шакллари.....21
2. Дунёқарашнинг афсонавий шакли..... 24
3. Диний дунёқараш..... 27
4. Фалсафий дунёқараш. Ўзбекистонда янги дунёқарашни шакллантириш ва инсон тарбияси..... 29

#### 4 боб. Мустақиллик ва фалсафий дунёқарашнинг янгиланиш зарурати

1. Ижтимоий тараққиёт ва фалсафий тафаккурнинг алоқадорлиги. Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий жараёнлардан олдин кетиши ёки ортда қолиши.....33
2. Истиқлол ва фалсафий дунёқараш ўзгаришининг зарурати. Мафкуравий бўшлиқнинг пайдо бўлиши ва тўлдирилиши.....34

3. Фалсафий дунёкарашни ўзгаришида таълим-тарбия жараёнининг ахамияти. Жаҳон фалсафасининг асосий йўналишлари.....36

## Иккинчи бўлим

### Фалсафа тарихи ва тарих фалсафаси

#### 1 боб. Қадимги шарқ ва антик дунё фалсафаси

1. Жаҳон цивилизациясининг бир бутунлиги ва ранг–баранглиги. Осиёцентризм ва Европацентризм. .... 42
2. Олам, борлиқ, табиат, инсон тўғрисидаги ибтидоий билимларнинг пайдо бўлиши муаммоси..... 45
3. Фалсафий мерос ва миллий ғоя..... 46

#### 2 боб. Марказий Осиёдаги фалсафий фикрлар, унинг жаҳон маданиятида тутган ўрни.

1. Марказий Осиёдаги энг қадимги фалсафий қарашлар. Қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Афросиёб..... 51
2. «Авесто»да фалсафий ғоялар..... 58
3. Искандар истилоси ва Грек Бақтрия даври фалсафаси.....61
4. Марказий Осиёда буддавийлик. Моний фалсафаси. Маздак ғоялари.....63

#### 3 боб. Қадимги Шарқ ва Антик дунё фалсафаси

1. Шарқдаги жаҳон цивилизациясининг марказларн. Миср ва Бобил фалсафаси. Иудаизм. Қадимги Ҳиндистон ва Хитой фалсафаси.....68
2. Қадимги Юнонистон фалсафаси. Софистлар. Сократ Платон. Атомистлар.....71
3. Эллинизм даври ва стоиклар. Қадимги Римда фалсафий фикрлар. Христианликнинг шаклланиши..... 77
4. Қадимги Шарқ ва Антик дунё фалсафасини ўрганиш зарурияти.....79

#### 4 боб. Ўрта Осиёда илк ўрта асрлар фалсафаси

1. Илк ўрта асрлар фалсафасининг моҳияти ва хусусиятлари..... 82
2. Исломи фалсафаси.....84
3. Диний бағрикенглик ва дунёвий билимлар такомилли, уларнинг алоқадорлиги. Имом Бухорий ва Имом Термизий.....88
4. Тасаввуф тариқатлари фалсафаси. Мўғул босқини. Ғоявий ва мафкуравий беқарорлик.....96



**5 боб. XIV аср охиридан XVI аср бошигача Ўзбекистондаги ижтимоий-фалсафий тафаккур.**

1. Мўгул босқини оқибатлари ва марказлашган давлат гоялари.....101
2. Улуғбек – Ўрта аср маданиятининг атоқли вакили..... 110
3. Алишер Навоий фалсафаси..... 112
4. Бобур ва Бобурийлар даври фалсафаси..... 113

**6 боб. Ўрта асрлар ва янги давр Европадаги фалсафий фикрлар**

1. Рим империясининг қулаши ва Европада ягона мафқуранинг таназули. Номинализм ва реализм..... 117
2. Ренессанс даври фалсафаси. XVII аср Европа фалсафасидаги рационализм. XVIII аср француз фалсафаси мисолида Вольтер, Дидро.....119
3. Немис миллий фалсафаси. Ўрта аср ва янги давр Европа фалсафасини ўрганишининг ҳозирги давр учун аҳамияти.....135

**7 боб. XVI асрдан XX аср бошларигача бўлган даврларда Ўзбекистондаги ижтимоий фалсафий тафаккур**

1. Темурийлар давридан кейинги ижтимоий–сиёсий жараёнлар. Шайбонийхон ва шайбонийлар даврида фалсафий фикрлар.....142
2. Мирзо Бедил ва Бобораҳим Машраб фалсафаси. XVII – XVIII асрлардаги фалсафий қарашлар. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўгли Огаҳий, Аҳмад Дониш..... 143
3. XIX аср охири XX аср бошларида фалсафий фикрлар. Жадидчилик фалсафаси..... 149

**8 боб. Ҳозирги замон жаҳон фалсафаси ва унинг асосий оқимлари.**

1. Ҳозирги замон фалсафасидаги ворисийлик ва янгиликлар. Унинг илдизлари..... 161
2. Позитивизм фалсафаси..... 165
3. Экзистенциализм фалсафаси. Ғарб мамлакатларида жамият фалсафаси. Жамият ҳақидаги назариялар..... 169

## Учинчи бўлим

### Фалсафий услублар, қонунлар ва категориялар

#### 1 боб. Фалсафада усул ва усул муаммоси

1. Ўзгариш, ҳаракат, тараққиёт ва ўзаро боғлиқлик тушунчаси..... 177
2. Фалсафа услублари. Диалектика. Метафизика..... 181
3. Детерминизм ва индетерминизм, синергетиканинг жаҳон фалсафаси учун аҳамияти..... 191

#### 2 боб. Фалсафий қонунлар.

1. Қонун ва категориялар ҳақида..... 195
2. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши қонуни..... 198
3. Микдор ва сифат тушунчалари. Микдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўзаро ўтиш қонуни..... 202
4. Ўзгариш ва ривожланишда инкорни-инкор қонуни..... 206

#### 3 боб. Фалсафий категориялар.

1. Категория тушунчаси. Олам мавжудлиги ва ўзаро алоқадорлигининг айримлилик ва умумийлик жиҳатлари..... 214
2. Сабаб ва оқибат. Зарурият ва тасодиф. Мазмун ва шакл. Элемент ва структура. Структура ва функция. Қисм ва бутун. Моҳият ва ҳодиса..... 216
3. Имконият ва воқелик. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашда имконият ва воқеликнинг уйғунлиги..... 227

## Тўртинчи бўлим

### Гносеология: билиш фалсафаси.

#### 1 боб. Онг ва рухият: фалсафий талқин.

1. Фалсафада онг ва рухият муаммоси..... 231
2. Онг ва инъикос..... 235
3. Ижтимоий онг ва индивидуал онг. Ижтимоий психология ва ижтимоий мафкура-онг шакли сифатида..... 246

#### 2 боб. Билиш фалсафаси.

1. Билим ва билиш фалсафий таҳлил мавзуи сифатида..... 251
2. Инсон билишининг асосий босқичлари..... 254
3. Илмий билишнинг моҳияти ва усуллари Ижтимоий билиш..... 257
4. Ҳақиқат тушунчаси. Ҳақиқатнинг турлари..... 265

#### 3 боб. Жамият фалсафаси.

1. Жамият тушунчаси. Жамият – инсоннинг умумий оиласи..... 270
  2. Тараққиётнинг ўзбек модели. Жамият ривожининг тадрижий ривожланиш концепцияси. Унинг аҳамияти..... 274
  3. Жамият ва маънавият..... 277
3. Давронов тафаккуридан намуналар..... 281

**3. Давронов**

## **Фалсафа**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**Мухаррирлар: Э. Бозоров, Ш. Юсупов.**

<b>Босишга рухсат этилди</b>	<b>23.11.2006</b>
<b>Қоғоз бичими</b>	<b>30 x 42½</b>
<b>Ҳисоб – нашр табоғи</b>	<b>18.6</b>
<b>Адади</b>	<b>200</b>
<b>Буюртма</b>	<b>260</b>

**“IQTISOD - MOLIIYA” нашриёти,  
700084, Тошкент, Ҳ. Асомов кўчаси, 7- уй**

**Тошкент Молия Институтининг босмахонасида ризография  
усулида чоп этилди. 700084, Тошкент, Ҳ. Асомов кўчаси, 7 - уй**